

АЛЛОҲНИНГ КУРЪОНДАГИ МУЪЖИЗАЛАРИ

Албатта, бу (Куръон)
оламлар Парвардигорининг
нозил қилган (китоб)идир.
(„Шуаро“ сураси, 192-оят)



ҲОРУН ЯҲЁ⁰⁰

Уш тўрт аср муқаддам Аллоҳ Қуръони Каримни нозил қилди. Энгилликка бошловчи ва донолик тимсоли бўлган бу китоб инсониятни ҳақиқатга чорлайди. Нозил бўлган кундан бошлаб то Охираг кунига қалар ушбу Каломи Шариф охириги Илоҳий китоб, инсоният учун ягона йуриқнома бўлиб қолади.

Жуда кўп мўъжизаларни ўз ичига олган Қуръоннинг адабий жиҳатдан мукаммаллиги, услубий беқиёс хусусиятлари ва ундаги буюк донолик бу китобнинг Аллоҳнинг каломи эъқолигига шак-шубҳа қолдирмайди. Пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га ваҳий қилинган бу китобда сон-саноксиз илмий маълумотлардан намуналар келтирилган.

Албатта, биз Қуръонга илмий бир китоб сифатида назар ташлашаслигимиз керак, балки у бизнинг дастуриламалимиз бўлиши, ундаги Аллоҳнинг амри ва тақиқларига итоат қилган ҳолда ҳаёт кечирishiмиз лозим.

Қуръон оятларида жуда ҳам аниқ ва тираи ифода этилган кўплаб илмий далилларнинг айримлари фақат XX ва XXI асрда эришилган технологик ютуқлар ёрдами билангина олимлар томонидан кашф қилинди. Айни пайтда ўқувчиға ўқтирилаётган бу далилларни Қуръон нозил қилинган пайтда билиб олишининг имкони йўқ эди. Қуръоннинг саҳобалар замонида маълум бўлмаган маънолари улардан кейинги замонларда ва улардан кейин ҳам маълум бўлмаганлари эса бизнинг замонамизда кашф этилмоқда. Бинобарин, Қуръони Карим барча замонларга қаратилгандир. Мана шундай мўъжизаларнинг кашф қилиниши орқали Аллоҳ инсонларға Узининг қудратини ва муқаддас китоби Қуръоннинг ҳақлигини намоён қилади.

Қуръоннинг илмий мўъжизаларига қўшимча равишда, Сиз қўлингизда тутиб турган мазкур китоб ўтмиш ва келажакка оид маълумотлар, Қуръоннинг адабий мазмун ва моҳият жиҳатдан баркамоллиги ҳамда ундаги математик мўъжизалардан намуналарни ҳам ўз ичига олади.

Муаллиф ҳақида



Хорун Яхё 1956 йилда Анқарада таваллуд тошган. У Истанбул Меъмор Сион университетиде санъат соҳасида таҳсил олган. 1980 йилдан буён муаллиф ўзининг кўплаб сиёсий, диний ва илмий асарларини чоп этди. Бутун дунёда жуда қадрланиб келатган бу китоблар кўплаб инсонларнинг Аллоҳға имон келтиришларига ва яна кўпларға эса ўз динларига қалван чуқурроқ назар ташлашларига ёрдам берувчи сабоқлар вазифасини ўтаб келмоқда. Хорун Яхё қаламиға мансуб асарлар, ёми, орки ёки мислатидан қатъи назар, барча китобхонлар оммаси ўшун муважжалланган бўлиб, улар битта мақсад сари, яъни Аллоҳнинг мавжудлиги, Унинг ягоналиги ва У амр қилган кўрсатмалар асосида яшаш каби бир қатор нозик масалалар ҳақида мулоҳаза юритишиға ундади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

اللَّهُ
رَسُولُ
مُحَمَّدٍ

НАШРИЁТДАН

„Аллоҳнинг Қуръондаги мўъжизалари“ деб номланган ушбу китоб 14 аср муқаддам нозил бўлган оятларда зикр қилинган ноёб илмий далиллар, бир қатор тарихий ҳодисалар ҳақидаги маълумотларнинг фақат бугунга келибгина фан-техника тараққиёти туфайли кашф қилиниб, ўрганиб чиқиладиганлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Ношир сифатида халқимизга илм, зиё, маърифат улашишдек хайрли ишга қўл урар эканмиз, биз ушбу китобни ўқувчиларимизга етказишни ва уларни Қуръон ҳикматларидан оз бўлса-да баҳраманд қилишни лозим деб билдик. Инглизчадан қилинган мазкур таржимада имкони борича муаллифнинг матнини сўзма-сўз ёритишга ҳаракат қилинди. Албатта, ушбу таржима айрим камчиликлардан холи бўлмаслиги табиий. Таржима ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қиламиз.

Таржима жараёнида Қуръони Каримга оид бўлган оятлар қуйидаги манбалардан олинди:

- 1) *Қуръони Карим: маъноларининг таржима ва тафсири*, Абдулазиз Мансур. „Тошкент ислом университети“ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004 й.
- 2) *Қуръони Карим: ўзбекча изоҳли таржима*, Алоуддин Мансур. „Чўлпон“ нашриёти, 1992 йил.
- 3) *Коран: перевод смыслов и комментарии*, Валерия Порохова. Ал Фурқон маърифат маркази, Дамашқ – Москва, 1995 й.
- 4) *The Noble Qur'an: a New Rendering of its Meaning in English*, Hajj Abdalhaqq an Aisha Bewley. Bookwork нашриёти, Норич, Буюк Британия. 1420 CE / 1999 АН.

Қўлланилган қисқартмалар:

(*с.а.в.* – *соллаллоҳу алайҳи ва саллам*): Унга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин (Муҳаммад Пайғамбарнинг исмидан кейин қўлланилади)

(*а.с.* – *алайҳиссалом*): Унга Аллоҳнинг саломи бўлсин (барча пайғамбарларнинг исмларидан кейин қўлланилади)

Я 0403000000—99
353(04)—2006 Қатъий буюртма — 2006

ISBN 5—645—04602—1

© Ҳорун Яҳё, 2006

© „O'qituvchi“ НМИУ, 2006

АЛЛОХНИНГ
ҚУРЪОНДАГИ
МУЪЖИЗАЛАРИ

«О'ҚИГУСНИ» НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ
ТОШКЕНТ — 2006

МУХТАРАМ УҚУВЧИГА

Мазкур китобнинг махсус бир боби эволюция назариясининг барбод бўлишига бағишланган, чунки бу назария барча динларга қарши даҳрий фалсафалар асосида тузилган. Дарвинизм оламнинг яратилганлигини, шу жумладан, Аллоҳнинг мавжудлигини инкор қилиши боис, у кейинги 140 йил мобайнида кўплаб инсонларнинг ўз динидан воз кечишига ёки шубҳа остида қолишига сабаб бўлди. Шунинг учун бу назариянинг ёлғон эканлигини исботлаш қатъий хизмат ҳамда жуда муҳим бурчдир. Биз китобнинг битта бобида бу мавзунини қисқача ёритишни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Муаллифнинг барча китоблари Куръон оятлари асосида диний масалаларни тушунтиради ва ўқувчиларни Аллоҳнинг каломини ўрганиш ҳамда унга таяниб яшашга ундайди. Китобларда Аллоҳнинг оятларига тааллуқли барча мавзулар шундай тушунтирилганки, ўқувчиларнинг онгида гумон ёки саволларга ўрин қолдирмайди. Улар самимий, содда ва равон услубда ёритилган бўлиб, ҳар қандай ёш ёки ҳар қандай ижтимоий гуруҳдаги инсонлар томонидан осонлик билан идрок этилади. Шунинг учун уларни бир ўтиришда ўқиб қўйиш эҳтимолдан холи эмас. Ҳатто динни писанд қилмай уни рад этувчилар ҳам бу китоблардаги ҳужжатларда ифодаланган далиллардан таъсирланидилар ва уларнинг мазмунида ётган ҳақиқатни инкор эта олмайдилар.

Муаллифнинг бу ва барча бошқа китоблари яқка ўқилиши ёки давраларда муҳокама қилиниши мумкин. Бу китоблардан озиқ олишга интилувчи ўқувчилар учун муҳокамалар жуда фойдали, чунки бу муҳокамаларда улар ўз таассуротлари ва тажрибаларини бошқалар билан ўртоқлашиш имконига эга бўладилар.

Жумладан, ёлғиз Аллоҳ йўлида ёзилган бу китобларни нашр қилиш ва уларнинг ўқилишига ҳисса қўшиш Исломи дини учун кўрсатилган буюк хизматдир. Муаллифнинг барча китоблари ўта ишончли. Шу боис, бошқаларга ҳақиқий дин ҳақида тушунча беришда энг самарали услублардан бири бу китобларни ўқишга уларни руҳлантиришдир.

Бошқа китобларга нисбатан бу китобларда Сиз муаллифнинг шахсий қарашларига, ишончсиз манбаларга асосланган тушунтиришларга, илоҳий мавзуларни ҳурматлаш ва улуглаш мақсадида кузатишларсиз қўлланган услубларга, шу билан бирга, киши онгида ва қалбида шубҳа уйғотадиган фойдасиз ёки тушкунликка солиб қўювчи далилларга дуч келишдан йироқсиз.

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Ҳорун Яҳё таҳаллуси остида ижод қилувчи муаллиф 1956 йилда Анқарада таваллуд топди. Анқарада бошланғич ва умумтаълим мактабларини битиргач, у Истанбул Меъмор Синон университетиде нафис санъат ва Истанбул университетиде фалсафа йўналишида таҳсил олди. 1980 йилдан буён у кўплаб сиёсий, илмий ва диний нашрларни чоп этган. Ҳорун Яҳё эволюционерларнинг сохталигини, уларнинг беҳуда даъволарини, дарвинизм ва фашизм ҳамда коммунизм деб аталмиш иллатли ғоялар ўртасидаги машъум ришталарни фош қилувчи муҳим асарлар муаллифи сифатида маълум ва машҳурдир.

Муаллифнинг таҳаллуси ўз қавмининг динсизлигига қарши курашган икки азиз Пайғамбар — Ҳорун ва Яҳё исмларидан тузилган бўлиб, унинг китоблари муқовасидаги Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.)нинг муҳри рамзийдир ва у китобларнинг мазмунига боғлангандир. Бу муҳр охири Муқаддас Китоб бўлган Қуръон ва Пайғамбарларнинг энг охиригиси Муҳаммад (с.а.в.) деган маънони англатади. Муаллиф Қуръоннинг йўриқлари ва суннат амаллари (Пайғамбар (с.а.в.) нинг ҳадислари) остида Аллоҳни инкор этувчи ғоявий ақидаларнинг ҳар бири асосиз эканлигини тубдан исботлаш ва энг сўнгги янгиликлар билан хулосалаш, шунингдек, динга қарши кўтарилган эътирозларга батамом барҳам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. У юксак донолик ва маънавий баркамолликка эришган охириги Пайғамбар (с.а.в.) нинг муҳридан энг сўнгги янгиликларни эътиборга ҳавола этиш мақсадида, ўз кўнглига тугиб қўйган ниятининг рамзи сифатида фойдаланади.

Ҳорун Яҳёнинг барча асарлари битта эзгу мақсад сари, яъни Қуръоннинг хабарларини етказиш, Аллоҳнинг мавжудлиги, унинг ягоналиги ва ўлимдан кейинги ҳаёт каби асосий диний масалаларни мулоҳаза қилишга ўқувчиларни руҳлантириш ва Худосиз тузумларнинг заиф асослари ҳамда нотўғри ғояларини фош қилишга қаратилган.

Ҳорун Яҳё Ҳиндистондан тортиб Америкагача, Англиядан тортиб Индонезиягача, Польшадан тортиб Босниягача ва Испаниядан тортиб Бразилиягача кенг китобхонлар оммасига эга. Унинг баъзи китоблари инглиз, француз, немис, испан, итальян, пор-



тугал, урду, араб, албан, рус, серб, поляк, малайи, уйғур ва индонез тилларига таржима қилинган.

Бутун дунёда жуда қадрланиб келинаётган бу китоблар кўплаб инсонларни Аллоҳга имон келтиришга ва яна кўпларга эса ўз динларига чуқурроқ, қалбан назар ташлашларига ёрдам берувчи манба вазифасини ўтаб келмоқда. Унинг китобларидаги донолик ва самимият ҳамда тушунишга осон ва аниқ услуб ҳар қандай кишига бевосита таъсир қилади. Бу китоблар устида жиддийроқ мулоҳаза юритган шахс даҳрийлик ёки бошқа бир нотўғри ғоя, ёки материалистик фалсафани ортиқча олға сура олмайди, чунки бу китоблар ўзининг тез таъсирчанлиги, аниқ натижалари ва инкор қилиб бўлмайдиган далиллари билан характерлидир. Ҳатто шунда ҳам бу шахс ўз тутган йўлида давом этса, бу бор-йўғи унинг ўз қарашларини ўжарлик билан ўзгартирмаслигидан далолатдир, чунки бу китоблар сохта ғояларни бутунлай рад этади. Динни инкор этувчи барча замонавий ҳаракатлар ҳозирги кунда Ҳорун Яҳё томонидан ёзилган китоблар шарафи билан ғоявий жиҳатдан бартараф этилди.

Бу, шубҳасиз, Қуръондаги донолик ва зукколик натижасидандир. Муаллифнинг камтарона нияти Аллоҳнинг ҳақ йўлида инсониятнинг изланиш воситаси сифатида хизмат қилишдир. Бу китобларни нашр қилишдан у бирор моддий манфаат кўзлагани йўқ.

Шу аснода, инсонлар онгида чалкашликларни юзага келтирадиган, уларни ғоявий тартибсизликларга бошлайдиган, шу билан бирга, одамлар қалбидаги шубҳа-гумонларга барҳам беролмайдиган, заиф ва аниқ таъсир кучига эга бўлмаган бошқа китобларни тарғиб қилиш беҳуда вақт ҳамда куч сарфлашдан бошқа нарса эмас. Ҳорун Яҳё қаламига мансуб китоблар эса аксинча. Бунга гумон кўзи билан қаровчилар Ҳорун Яҳё ёзган китоблардаги ягона мақсад — ишончсизликни бартараф қилиш ва Қуръоннинг маънавий қадриятларини ёйиш эканлигини бирдан фаҳмлаб олиши табиий. Бу хизматнинг ютуғи ва нуфузи ўқувчининг эътиқодида яққол акс этади.

Шу нарсани доим ёдда тутмоқ лозим: кўпчилик одамлар томонидан тўхтовсиз давом эттирилаётган жабр, зулм, шафқатсизлик, ихтилоф ва бошқа оғир мусибатларнинг бош сабаби даҳрийликнинг кенг ғоявий ёйилганлигидандир. Бу жаҳолат фақат даҳрийликни ғоявий жиҳатдан барбод қилиш ва олам ажойиботлари ҳамда Қуръон ўғитларини инсонлар онгига сингдириш, уларни бу фазилатлар билан яшашга ундаш орқалигина тугатилиши мумкин. Зўравонлик, фаҳш ва низолар чуқур илдиз отиб бораётган бу дунёнинг бугунги ҳолатини назарда тутган ҳолда, албатта, бу хизмат зудлик ҳамда самарадорлик билан кўрсатилиши даркор, акс ҳолда анча кеч бўлиши мумкин.

Ҳорун Яҳёнинг китоблари юқорида қайд этилган эзгу ниятлар йўлида хизмат қилади. Аллоҳнинг хоҳиш-иродасига кўра, бу китоблар XXI аср инсонларининг Қуръони Каримда ваъда қилинган тинчлик, адолат ва бахт-саодатга эришувида ёрдам беради.

АЛЛОХНИНГ
ҚУРЪОНДАГИ
МУЪЖСИЗЛАРИ

**Албатта, бу (Қуръон)
оламлар Парвардигорининг
нозил қилган (китоб)идир.
(„Шуаро“ сураси, 192-оят)**

МУНДАРИЖА

| | |
|---|-----------|
| СЎЗ БОШИ | 12 |
| БИРИНЧИ КИТОБ: | |
| Аллоҳнинг Қуръондаги илмий мўъжизалари | 16 |
| Коинотнинг яратилиши | 17 |
| Кенгайиб бораётган коинот | 20 |
| Коинотнинг якун топиши ва ҳалокатли сиқилиш | 23 |
| Иссиқ тутундан яралиш | 25 |
| Осмонлар ва Ернинг ажралиши | 27 |
| Осмонлар ва Ер ўртасидаги нарсаларнинг яратилиши | 28 |
| Коинотдаги мукамал мувозанат | 30 |
| Коинотдаги уйғунлик | 32 |
| Қуёш, Ой ва юлдузлар орасидаги структуравий фарқлар | 41 |
| Орбиталар ва айланаётган коинот | 43 |
| Қуёшнинг ҳаракат траекторияси | 45 |
| Ойнинг орбитаси | 46 |
| Қамария (Ой) йилини ҳисоблаш | 48 |
| Тортишиш кучи ва орбитал ҳаракатлар | 50 |
| Ернинг шарсимонлиги | 52 |
| Ернинг геоид шакли | 55 |
| Ер ва фазонинг диаметрлари | 56 |
| Атмосфера қатламлари | 57 |
| Яхши ҳимояланган осмон | 59 |
| Гумбаз қилиб яратилган осмон | 62 |
| Қайтарувчи осмон | 64 |
| Ернинг қатламлари | 66 |
| Ернинг ўзидаги юкни юзага чиқариши | 68 |
| Тоғларнинг роли | 70 |
| Ҳаракатдаги тоғлар | 74 |
| Қуёшнинг чиқиши ва ботишидаги турли нуқталар | 76 |
| Ернинг атрофидан емирилиши | 78 |
| Ёрилаётган ер | 83 |
| Мўъжизавий темир | 84 |

| | |
|---|-----|
| Нефтнинг пайдо бўлиши | 88 |
| Вақтнинг нисбийлиги | 90 |
| Олти кунда яратилиш | 91 |
| Тақдир ҳақиқати | 94 |
| Яратилишда жуфтликлар | 96 |
| Атомдан кичик зарралар | 98 |
| Қора туйнуқлар | 100 |
| Пульсарлар: пульсар юлдузлар | 102 |
| Шеърo юлдузи | 104 |
| Ёруғлик ва зулмат | 107 |
| Оловсиз ёниш | 109 |
| Булутларнинг оғирлиги | 111 |
| Ўлчовли миқдордаги ёмғир | 112 |
| Ёмғирнинг пайдо бўлиши | 114 |
| Ернинг ҳаракатга келиши ва кўпчиши | 118 |
| Ўлик ерга қайта ҳаёт бағишлайдиган ёмғирлар | 120 |
| Дўл, момақалдироқ ва чақмоқнинг пайдо бўлиши | 122 |
| Уруғлантирувчи шамоллар | 124 |
| Шамол пайдо бўлишининг босқичлари | 127 |
| Эрталаб фотосинтез жараёни қандай бошланади? | 128 |
| Кўшилмас денгизлар | 132 |
| Денгизларнинг қоронғи тублари ва ички тўлқинлар | 133 |
| Бизнинг ҳаракатларимиз учун масъул ҳудуд | 135 |
| Аллоҳни зикр этиш билан қалблар ором олур | 136 |
| Ислom одобига кўра кечиримлилик ва унинг соғлиқка фойдаси | 138 |
| Ибодат қилиш беморнинг соғайишини тезлаштиради | 143 |
| Стресс ва руҳий тушкунлик: динга амал қилмасликнинг оқибатлари | 147 |
| Инсоннинг яратилиши | 152 |
| Инсонларнинг сувдан яратилиши | 164 |
| Лойдан яратилиш | 166 |
| Генлардаги программалаштириш | 168 |
| Ҳайз кўриш даври | 171 |
| Ҳомиладорлик ва туғилиш | 172 |
| Инсон тана аъзоларининг ривожланиш кетма-кетлиги | 173 |

| | |
|--|-----|
| Сутнинг пайдо бўлиши | 174 |
| Мўъжизавий қоришиқ: она сути | 177 |
| Бармоқ изида яширинган шахсият | 182 |
| Урғочи асалари | 184 |
| Асалдаги мўъжиза | 186 |
| Хурмо ва унинг Қуръонда тасвирланганидек истеъмол қилиниши | 190 |
| Анжир: мукамаллиги яқиндагина кашф қилинган мева | 195 |
| Балиқ: озуқанинг бебаҳо манбаи | 200 |
| Чўчқа (гўшти) ва унинг соғлиқка зарари | 207 |
| Зайтун: шифобахш ўсимлик | 209 |
| Юрак томирлари жарроҳлиги | 218 |
| Ҳаракат, ювиниш ва сув ичишнинг соғлиқка фойдалари | 219 |
| Микроскопик ҳаётнинг мавжудлиги | 222 |
| Ҳайвон жамоаларининг мавжудлиги | 224 |
| Биомиметика: жонзотлар лойиҳасидан гоё олиб | 227 |
| Гала бўлиб ҳаракатланадиган чигирткалар | 232 |
| Чумолилар алоқа тизими | 234 |
| Озиқ-овқат цикли | 236 |
| Уйқу пайтида қулоқлар фаол | 238 |
| Уйқу пайтида ҳаракатланишнинг муҳимлиги | 239 |
| Тундаги кам ҳаракатлилиқ | 240 |
| Юқорига кўтарилган сари нафаснинг сиқилиши | 242 |

ИККИНЧИ КИТОБ:

| | |
|--|------------|
| Қуръондаги башоратлар | 244 |
| Кириш | 245 |
| Византия империясининг галабаси | 246 |
| Фиръавн жасадининг сақланиши | 250 |
| Макканинг фатҳ этилиши | 251 |
| Исроил қавмининг кибрга берилиши | 253 |
| Фазонинг тадқиқ этилиши | 255 |
| Ойга саёҳат | 256 |
| Замонавий транспорт воситалари | 258 |
| Самолёт технологияси | 260 |
| Тасвирнинг узатилиши | 261 |

| | |
|------------------------------------|-----|
| Ҳиднинг узатилиши | 263 |
| Электрдан фойдаланиш | 266 |
| Артезиан булоқлари | 268 |
| Техникада чумолилар армияси | 270 |
| Атом энергияси ва парчаланиш | 274 |

УЧИНЧИ КИТОБ:

| | |
|---|------------|
| Қуръонда қайд этилган тарихий далиллар | 276 |
| „Ҳомон“ ва Қадимги Миср ёдгорликлари | 277 |
| Мусо Пайғамбар (а.с.) ва денгизнинг иккига бўлиниши | 281 |
| Фиръавн ва унинг атрофидагилари бошига тушган кулфатлар | 287 |
| Қуръонда „Фиръавн“ сўзи | 290 |
| Мусо Пайғамбар (а.с.)нинг сеҳргарликка йўйилиши | 292 |
| Нух тўфони | 293 |
| Ирам шаҳри | 301 |
| Содом ва Гоморра шаҳарлари | 305 |
| Сабаъ халқи ва Арим сели | 309 |
| Ал-Ҳижр халқи | 314 |

ТЎРТИНЧИ КИТОБ:

| | |
|---|------------|
| Аллоҳнинг Қуръондаги математик мўъжизалари | 316 |
| Қуръонда сўзлар такрорийлиги | 317 |
| Қуръонда рақамли ҳисоблар (<i>Абжад ҳисоби</i>) | 324 |
| Қуръонда 19 мўъжизаси | 327 |

БЕШИНЧИ КИТОБ:

| | |
|--|------------|
| Қуръоннинг адабий жиҳатдан мукамаллиги | 340 |
| Қуръоннинг тақлид этилмаслиги | 341 |
| Турли олимларнинг Қуръон ҳақида билдирган фикрлари | 352 |

ХОТИМА:


| | |
|--|------------|
| Қуръон Аллоҳнинг ваҳийсидир | 366 |
|--|------------|

ИЛОВА:

| | |
|---|------------|
| Эволюция назариясининг янглиш эканлиги | 370 |
|---|------------|

СЪЗ БОЩИН






Ўн тўрт аср муқаддам Аллоҳ Қуръонни нозил қилди. Эзгуликка бошловчи ва донолик тимсоли бўлган бу китоб инсониятни ҳақиқатга чорлайди ва ушбу салоҳиятли ваҳий ўз ичига олган қадриятларга содиқ қолишга йўналтиради. Нозил бўлган кунидан бошлаб Охират кунигача бу охирги муқаддас китоб инсоният учун ягона йўриқнома бўлиб қолади. Аллоҳнинг китоби **„Ҳолбуки, у (Қуръон барча) оламлар учун эслатмадир“** („Қалам“ сураси, 52- оят) деб хабар қилади.

Қуръон ваҳий қилинганидан буён барча инсонларга ҳар қандай вақтда осонлик билан тушуниладиган тил ва ифодага эга бўлиб келган. Аллоҳ бу услуб ҳақида Қуръонда шундай каромат қилади: **„Биз Қуръонни зикр (эслатма) учун осон қилиб қўйдик ...“** („Қамар“ сураси, 22- оят)

Қуръоннинг адабий тилидаги мукамаллик, унинг услубий беқиёс хусусиятлари ва ундаги буюк донолик бу китоб Парвардигорнинг каломи эканлигидан далолат берувчи далиллардан биридир.

Жумладан, Қуръон жуда кўп мўъжизаларни ўз ичига олганки, у Аллоҳнинг сўзи эканлигини исботлайди. Бундай сифатлардан бири





ундаги кўпдан-кўп илмий ҳақиқатлардир. Ўн тўрт аср илгари Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) га ваҳий қилинган бу китобда сон-саноксиз илмий ва фалсафий маълумотлардан намуналар келтирилганки, инсоният уларни XX ва XXI аср технологиялари орқалигина кашф қилмоқда.

Албатта, биз Қуръонга фақат илмий бир китоб сифатида назар ташламаслигимиз керак, чунки у, биринчи навбатда, маънавий ва диний йўриқнома ҳисобланади. Аммо Қуръон оятларида жуда ҳам аниқ ва теран ифода этилган кўплаб илмий далиллар фақат XX ва XXI асрда эришилган технологик ютуқлар ёрдами билангина олимлар томонидан кашф қилинди. Буларга қўшимча кашфиётлар ҳар куни қилинмоқда. Оддийгина қилиб айтадиган бўлсак, айни пайтда ўқувчига уқтирилаётган бу далилларни

Қуръон нозил қилинган пайтда билиб олишнинг имкони йўқ эди ва бу унинг Аллоҳнинг каломи эканлигини янада кўпроқ исботлайди.

Қуръон ўз ичига олган илмий мўъжизаларни тушуниш учун биз, аввало, бу муқаддас китоб ваҳий қилинган пайтда мавжуд бўлган илмий билимлар даражасига назар ташлашимиз керак бўлади. Кимдир Қуръоннинг қандай мазмунда ваҳий қилинганини тушунса, яна кимдир Ислом китоби аслида қандай гайритабиий китоб эканлигини аниқроқ фаҳмлайди.

VII асрда, бу илоҳий оятлар нозил қилинган пайтда, Араб қавмлари кўплаб хурофий ва асоссиз тушунчалар билан тўлиб-тошган эди. Фалак ва табиатни текшириш учун техникага эга бўлмаган бу араблар ўз аجدодларидан мерос бўлиб қолган ва исботланмаган тўқима ривоятларга ишонишар ва бу ривоятларга савол назари билан қарашмас эди. Мисол учун, бошлари узра турган осмонни тоғлар суяб туради, деб фараз қилар эдилар. Улар Ерни ясси ва тоғлар осмон гумбазини биздан жуда баландда тутиб турувчи устунлар вазифасини бажаради деб ишонардилар.

Мана шундай афсона ва уйдирмалар муҳитида Қуръон нозил бўлди. У жаҳолат ўрнини зиё билан, мантиқсиз фаразлар ўрнини эса йўл-йўриқ ва шак-шубҳасиз далиллар билан тўлдирди. Қуръон оятларидан бирида „Аллоҳ осмонларни, кўриб турганингиздек, устунсиз кўтариб қўйган ...“ („Раъд“ сураси, 2- оят) деб хабар берилади.

Бу оят тоғлар суяб тургани учун осмон баландда туради, деган ақидани барбод қилди. Қуръон инсоният тарихининг муайян нуқтасида, ҳали ҳеч бир инсонга маълум бўлиши даргумон бўлган пайтда ваҳий қилинган бўлиб, муҳим далиллар билан тўла. Астрономия, физика ёки биологияга оид ҳолат ва ўзгаришлар ҳақида одамлар жуда кам билимга эга бўлган пайтда нозил қилинган Қуръон турли мавзуларда шундай асосий далилларни ўз ичига олганки, буларнинг барчаси унинг Аллоҳ – Оламлар Парвардигори томонидан ваҳий қилинганлигидан далолат беради. Қуръонда тушунтирилган ва эътиборга олинган баъзи мавзулар

қуйидагичадир: коинотнинг яратилиши, инсоннинг кичик бир ҳомиладан яралиб то катта одам бўлгунича ўсиб-улғайиши ва мўъжизакорона ривожланиши, биз яшайдиган атмосферанинг тузилиши ва Ерда ҳаётнинг мавжудлигини таъминлаб турувчи нафис мувозанат. Бу масалаларнинг баъзиларини тўлиқроқ тушуниб олиш учун, келинг, биргаликда Қуръонда ваҳий қилинган бу илмий мўъжизалардан баъзиларига назар ташлайлик.

БИРИНЧИ КИТОБ

АМОХНИНГ
ҚУРЪОНДАГИ
ИЛМИЙ
МУЪЖИЗАЛАРИ



КОИНОТНИНГ ЯРАТИЛИШИ

XX асрнинг ўрталаригача коинот чексиз, у доим мавжуд бўлган ва абадий шундай бўлиб қолади, деган қараш жаҳон миқёсида кенг ёйилган эди. „Турғун коинот модели“ сифатида маълум бўлган бу қарашга кўра, коинотнинг на аввали ва на охири бор эди.

Коинотнинг қўзғалмас, турғун ва ўзгармас моддалар йиғиндиси эканлигини таъкидлайдиган бу қараш материалистик фалсафа асосларини ташкил этди ва пировардида, Яратганнинг мавжудлигини инкор қилди. Бироқ XX аср мобайнида, фан ва техника ривожланиб бориши натижасида турғун коинот модели бутунлай таг-томири билан суғуриб ташланди.

Биз мана XXI асрга қадам қўйдик ва бизнинг толеимизга янги тонг отди. Дунёнинг энг кўзга қўринган айрим мутафаккирлари томонидан ўтказилган саноқсиз тажрибалар, кузатувлар ва ҳисоб-китоблар орқали замонавий физика коинотнинг чиндан ҳам аввали бўлганлигини, унинг жуда катта портлаш натижасида, бир зумда вужудга келганини исботлаб берди. Бундан ташқари, материалистлар ҳануз қатъий қўллаб-қувватлайдиган, яъни коинотнинг қўзғалмас ва турғун эканлиги нотўғри, аксинча, унда доимий ҳаракат,

ўзгариш ва кенгайиш жараёни кечаётганлиги ҳам аниқланди. Яқинда исботланган бу далилларнинг барчаси тургун коинот назариясига яқун ясади ва улар илмий жамият томонидан ялпи қабул қилинди.


Коинотнинг келиб чиқиши Қуръонда шундай тасвирланган:

„(У) осмонлар ва Ернинг ихтирочисидир“. („Анъом“ сураси, 101- оят)

Бу хабар замонавий олимларнинг кашфиётлари билан тўлиқ мос келади. Биз олдинроқ айтиб ўтганимиздек, бугунги кунда астрофизика хулоса қилган нарса шу бўлдики, бутун коинот, материя ва вақт ўлчовлари билан биргаликда, жуда узоқ вақт олдин рўй берган катта портлаш натижасида вужудга келган. „Катта портлаш“ номи билан маълум бу ҳодиса, коинотнинг йўқликдан яралиши учун катализатордир. Бу портлаш (буни илмий жамиятлар ҳам тасдиқлайди) тахминан 15 миллиард йил олдин битта ёлғиз нуқтадан келиб чиққан. (Қаранг: Ҳорун Яҳё. *The Creation of the Universe* (Коинотнинг яратилиши). Al-Attique Publishers Inc., Канада, 2000)



1992 йилда НАСА (Миллий Аэроавтика ва Фазо Бошқармаси) томонидан учирилган КОБЕ сунъий йўлдошининг бортида жойлаштирилган сезгир сенсорлар Катта портлашдан дарак берувчи қолдиқлар тасвирини олди. Бу кашфиёт Катта портлашнинг тасдиғи сифатида хизмат қилди ҳамда коинотнинг йўқликдан яратилганлигини илмий жиҳатдан исботлаб берди.



Катта портлашдан олдин, материя деган нарсанинг ўзи йўқ эди. На материя, на энергия ва на вақт мавжуд бўлган йўқлик ҳолатидан, фақат метафизик жиҳатдан тасвирлаш мумкин бўлган материя, энергия ва вақтларнинг барчаси бир зумда яратилди. Фақат яқиндагина замонавий физика орқали кашф қилинган бу далил Қуръонда биз учун 1400 йил илгари хабар берилган эди.

КЕНГАЙИБ БОРАЁТГАН КОИНОТ

14 аср илгари, астрономия фани ҳали ибтидоий бўлган пайтда нозил бўлган Қуръонда коинотнинг кенгайиши қуйидаги оятда тасвирлаб берилган эди:

„Биз осмонни куч-қудрат ила барпо этдик ва дарҳақиқат, Биз уни муттасил кенгайтириб борувчидирмиз.“ („Зориёт“ сураси, 47- оят)

Юқорида берилган „осмон“ сўзи Қуръоннинг турли жойларида қўлланган. У фазога ва кенгроқ коинотга нисбатан ишлатилади. Бу ерда ҳам бу сўз шу маънода ишлатилган ва у коинотнинг „кенгайиши“дан дарак бермоқда. Арабчадаги „иннаа ламусибуна“ жумласи ўзбекчага **„Биз уни муттасил кенгайтириб борувчидирмиз“** деб таржима қилинади. „Ламусибуна“ жумласидан олинган „мусибуна“ сўзи „авсаъа“ феълидан келиб чиққан бўлиб, „кенгайтирмоқ“ маъносини англатади. Олд қўшимчаси бўлган „ла“ ўзидан кейин келаётган исм ёки номга урғу беради ва „катта даражада“ деган маънони кўшади. Демак, бу ибора „Биз осмонни ёки коинотни катта даражада кенгайтирамыз“, деган маънони англатади. Бу – бугунги кун фани қилган хулосанинг ўзгинасидир.¹

XX асрнинг бошларигача илм-фан оламида „Коинот ўзгармас табиатли ва у чексиз вақтдан буён мавжуддир“ деган ягона қараш кенг тарқалган эди. Аммо замонавий технологиялар воситасида амалга оширилган тадқиқотлар, кузатишлар ва ҳисоб-китоблар коинотнинг ибтидоси аслида бўлганлиги ва унинг муттасил „кенгайиб“ боришини исботлаб берди.

XX аср бошларида рус физиги Александр Фридман ва белгиялик космолог Жорж Леметр коинотнинг доимий ҳаракатдалиги ва унинг кенгайиб бораётганлигини назарий жиҳатдан ҳисоблаб чиқдилар.

1929 йил бу тушунча кузатув натижасида олинган маълумотлар орқали тасдиқланди. Америкалик астроном Эдвин Хаббл, осмонни телескоп билан кузатаётиб, юлдузлар ва галактикалар бир-биридан тўхтовсиз узоқлашиб кетаётганлигини кашф қилди. Бу кашфиёт астрономия тарихида энг буюк кашфиётлардан бири ҳисобланади. Кузатувлар мобайнида Эдвин Хаббл юлдузларнинг ёруғлик чиқаришини ва бу ёруғлик уларнинг масофасига кўра қизғиш тус оли-

¹ Сон кўрсаткичларга китоб охирида келтирилган манбалар рўйхатига қаранг.

шини аниқлади. Маълум физик қонунларга кўра, агар ёруғлик кузатув марраси томон яқинлашиб борса, у бинафша рангга киради, агар ёруғлик кузатув маррасидан узоқлашиб борса, у кўпроқ қизғиш тус ола боради. Ўз кузатувлари давомида Э. Хаббл юлдузлардан чиқаётган ёруғликлар қизил рангга томон ўзгариб бораётганлигига гувоҳ бўлди. Қисқаси, унинг кузатувларида юлдузлар муттасил узоқ-узоқларга қараб ҳаракат қиларди. Юлдузлар ва галактикалар нафақат биздан, балки бир-биридан ҳам узоқлашиб борарди. Коинотда ҳар бир нарсанинг бошқа ҳар бир нарсадан доимий равишда узоқлашиб бориши коинотнинг муттасил кенгайиб бораётганлигидан дарак берарди. Кейинги йилларда олиб борилган кузатувлар коинотнинг тўхтовсиз кенгайиб бораётганлигини тасдиқлади.

Бу ҳақда аниқроқ тушунча ҳосил қилиш учун коинотни ҳаво билан шиширилаётган пуфакнинг юзаси деб тасаввур қилайлик. Пуфак қанчалик шиширилса, унинг юзасидаги нуқталар шунчалик бир-биридан йироқлаша боради. Худди шу йўсинда осмон жисмлари ҳам коинот кенгайган сари бир-биридан узоқлаша боради. Бу кашфиёт XX асрнинг энг буюк олими саналмиш Альберт Эйнштейн томонидан назарий жиҳатдан кашф қилинган эди. Аммо ўша пайтда умум томонидан қабул қилинган „турғун коинот модели“ни топташдан қочиб, Эйнштейн бу кашфиётни бир четга суриб қўйди. Кейинроқ, у ўзининг бу қилмишини ҳаётидаги энг аҳмоқона хато деб таърифлайди.²



Эдвин Хаббл ўзининг улкан телескопи билан.

Қуръонда бу далил ҳали телескоплар ва шунга ўхшаш фан-техника ихтиролари ҳаёлга ҳам келмаган бир пайтда тушунтириб берилган эди. Чунки Қуръон ҳақиқатда бутун самолар Сарвари ва Ҳукмдори — Аллоҳнинг каломидир.

Катта портлаш вақтидан буён коинот катта тезликда доимий кенгайиб бормоқда. Олимлар кенгайиб бораётган коинотни шиширилган пуфак юзасига таққослашади.



КОИНОТНИНГ ЯКУН ТОПИШИ ВА ХАЛОКАТЛИ СИҚИЛИШ

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, коинотнинг яратилиши қаттиқ портлаш билан бошланган эди. Мана шу пайдан бошлаб коинот тўхтовсиз кенгайиб бормоқда. Олимларнинг айтишича, коинотнинг массаси керакли даражага етиб борганда бу кенгайиш коинотнинг ўз-ўзидан йиғилишига сабаб бўлувчи тортишиш кучи туфайли яқун топади.³


Шунингдек, қисқараётган коинот жуда ўткир иссиқликда ниҳояга етади, деб ҳам фараз қилинади ва бу қисқариш „ҳалокатли сиқилиш“ номи билан маълум. Бу биз билган барча турдаги ҳаёт шаклларига яқун ясайди. Станфорд университетининг физик профессорлари Рената Каллош ва Андрей Линд шу мавзуда қуйидагича хулоса қилганлар:

Коинотнинг тақдири йиғилиб келиш ва ғойиб бўлиш билан тугаши мумкин. Биз ҳозир кўриб турган ва узоқ масофалардаги биз кўра олмайдиган барча нарсалар протон заррасидан ҳам кичик бўлган нуқтага йиғилиб келади. Ўша жойда сиз ўзингизни худди „қора тўйнуқ“ка тушиб қолгандек ҳис қиласиз ... Агар қора кучни тасвирлашга бир оз ҳаракат қиладиган бўлсак, биз шуни аниқладикки, у аста-секин салбий (манфий) бўла боради, бу эса коинотнинг беқарор бўлиши, сўнг инқирозга юз тутишига сабаб бўлади ... Физиклар қора кучнинг салбий бўлишини ва коинотнинг жуда яқин келажақдаги бир пайтда инқирозга юз тутишини билиб келишган ... лекин биз энди шунга аминмизки, биз коинот ҳаёт даврининг бошида эмас, балки ўртасидамыз.⁴

Ҳалокатли сиқилиш ҳақидаги бу илмий гипотеза Қуръонда қандай таърифланганини қуйидаги оятдан билиб оласиз:

У кунда *Биз осмонни худди мактуб ёзилган саҳифани ўраган каби ўраб, биринчи марта қандай яратган бўлсак, (ўша яхлит ҳолига) қайтарурмиз. (Бу) Бизнинг зиммамиздаги ваъдадир. Албатта, Биз (шундай) қилувчидирмиз. („Анбиё“ сураси, 104- оят)*

Бошқа бир оятда, фалак ҳақидаги бу ҳолат шундай тасвирланади:



Ҳалокатли сиқилиш назарияси шу нарсани таъкидлайдики, Катта портлаш билан кенгайиши бошланган коинот ўз-ўзидан катта тезликда йиғилади. Бу назарияга кўра, коинотнинг бундай йиғилиши коинот ўзининг бор массасини йўқотгунча ва чексиз зичликдаги битта нуқтага айланиб қолгунча давом этади.

Улар Аллоҳни ҳаққоний (равишда) қадрламдилар (танимадилар). Бутун Ер қиёмат кунда Унинг бир тутамидир. *Осмонлар эса, Унинг „қўли“га йиғилувчидир.* У уларнинг келтираётган ширкларидан пок ва юксакдир! („Зумар“ сураси, 67- оят)

Ҳалокатли сиқилиш назариясига кўра, коинот секинлик билан йиғила боради ва сўнг бу жуда тезлашиб кетади. Бу жараённинг охирида коинот чексиз зичликка эришади ва ўта иссиқ ҳамда кичик бўлиб қолади. Бу илмий назария, Қуръоннинг шу илмий гоёни тушунтириши билан баробардир. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.)

ИССИҚ ТУТУНДАН ЯРАЛИШ

Бугунги кунда олимлар юлдузларнинг иссиқ газ булутлардан пайдо бўлишини кузата олдилар. Газнинг иссиқ массасидан яралиш ҳодисаси коинотнинг яратилишига ҳам тааллуққидир. Қуръонда тасвирланганидек, коинотнинг яратилиши, бу илмий кашфиётни қуйидаги оятда тасдиқлайди:

У (Ернинг) устида тўла тўрт кунда тоғларни (пайдо) қилди ва уни баракотли қилди ҳамда ўша (ер)да унинг емишларини белгилади (тақсимлади). (Бу тафсилот Еру осмонлар ҳақида) сўровчиларга мосдир. Сўнгра тутун ҳолатда бўлган осмонни (яратишни) қасд этиб, унга ва Ерга: „(Фармонимга) ихтиёрий ёки мажбурий ҳолда келингиз!“ – деган эди, улар: „Ўз ихтиёримиз билан келдик“, – дедилар. („Фуссилат“ сураси, 10—11- оятлар)

Бу ерда „осмон“ деб таржима қилинган арабча сўз „самаа“ бутун коинотга нисбатан ишлатилган. „Тутун“ деб таржима қилинган „духаанун“ сўзи эса коинотнинг ўз шаклини олишидан олдинги материя, яъни коинотнинг яратилиши давомида мавжуд бўлган иссиқ, космик тутунни тасвирлайди ва бу ҳозирги кун олимлари томонидан ўз тасдиғини топган.⁵ Қуръондаги бу сўз, шу тутуннинг иссиқ жисмли газ эканлигини ва унинг қаттиқ моддага боғланган ҳаракатланувчан зарраларни ўз ичига олишини маъно жиҳатдан аниқ ифодалайди. Бу ерда коинот пайдо бўлишининг мана шу босқичини тасвирлаб бериш учун Қуръон араб тилидаги энг мақбул, мос сўзни қабул қилган. Олимлар коинотнинг тутун шаклидаги иссиқ газдан пайдо бўлганлигини фақатгина ХХ асрга келиб кашф қилганлигини қайд қилиб ўтайлик.

Бундан ташқари, „Сўнгра тутун ҳолатда бўлган осмонни (яратишни) қасд этиб“ жумласидаги „сўнгра“ деб таржима қилинган „сумма“ сўзи „шу аснода, бундан ташқари, шунингдек, қўшимча равишда (тарзда), яна, тагин, яна бир бор“ каби маъноларни ҳам ўз ичига олади. Бу ерда „сумма“ сўзи вақт ифодаси сифатида эмас, балки қўшимча тушунтириш сифатида ишлатилган.⁶

Коинотнинг яратилиши ҳақида Қуръонда бундай маълумотнинг берилганлиги, Қуръон мўъжизакорлигининг шубҳасиз далилидир.



... куёш, ой, юлдузларни ўз амрига мусаххар
(муте) қилиб қўйган Аллоҳдир. Огоҳ
бўлингизки, яратиш ва буюриш Унга
хосдир. Оламларнинг Рабби бўлмиш
Аллоҳ баракотлидир.
(„Аъроф“ сураси, 54- оят)



ОСМОНЛАР ВА ЕРНИНГ АЖРАЛИШИ

Осмонларнинг яратилиши тўғрисида бир оятда қуйидагича хабар берилади:

Кофир бўлганлар осмонлар ҳам, Ер ҳам (аввалда) яхлит бўлганини, бас, Биз уларни ёриб юборганимизни ва барча тирик мавжудотни сувдан (пайдо) қилганимизни кўрмадиларми?! Энди ҳам имон келтирмайдиларми?! („Анбиё“ сураси, 30- оят)

„Яхлит“ деб таржима қилинган „*ратқ*“ сўзи арабларнинг она тилида „бир-бирига аралашган, қоришган“ деган маънони англатади. У умумий бир бутунни ташкил этувчи икки турли моддага нисбатан қўлланилади. „Биз ёриб юборганмиз“ жумласи эса арабчадаги „*фатақа*“ феълидир ва у ажралиш ёки бир-бирига боғловчи нарсалар тузилмасини бузиш орқали бирор нарсанинг вужудга келишини назарда тутди. Тупроқдан уруғнинг униб чиқиши ҳам бу феълнинг маъно доирасидаги ҳаракатлардан биридир.

Келинг, яна бир бор юқоридаги оятга назар ташлаймиз. Оятда осмон ва ер аввало „*ратқ*“ ҳолатида турибди. Уларнинг бири бошқасидан чиқиб, улар ажратилади (*фатақа*). Қизиғи шундаки, агар биз Катта портлашнинг дастлабки ҳолатини кўз олдимизга келтирсак, биз коинотнинг жамики материяси битта нуқтага жамланганини кўрамиз. Бошқача сўзлар билан айтганда, ҳамма нарса, шунингдек, ҳали яратилмаган „осмонлар ва ер“ ҳам бир-бирига ўралиб кетган ва ажралмас ҳолатда эди. Сўнгра бу нуқта жуда қаттиқ портлади ва ўз материясининг қисмларга ажралиб кетишига сабаб бўлди.

ОСМОНЛАР ВА ЕР ҲАМДА УЛАРНИНГ ҲАМДА УЛАРНИНГ ҲАМДА УЛАРНИНГ НАРСАЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Қуръонда Ер, осмонлар ва уларнинг ўртасидаги нарсаларнинг яратилишига оид кўплаб оятлар мавжуд:

(Биз) осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг ўртасидаги нарсаларни фақат ҳақ (ҳикмат) билан яратдик. Қиёмат ҳам, шаксиз, келувчидир. Бас, (шундай экан, жоҳилларнинг азиятларига сабр қилинг ва уларни) чиройли юз ўгириш билан тарк этинг! („Ҳижр“ сураси, 85- оят)

Осмонлардаги, Ердаги ва уларнинг орасидаги ҳамда замин остидаги бор нарса Униқидир. („Тоҳо“ сураси, 6- оят)

Биз осмон ва Ерни ҳамда уларнинг орасидаги нарсаларни (шунчаки) ўйнаб (беҳуда) яратганимиз йўқ. („Анбиё“ сураси, 16- оят)

Олимларнинг аниқлашича, аввало, иссиқ газ массасининг зичлиги ортиб кетган. Бу масса кейинроқ галактик материя ва янада кейинроқ юлдуз ва сайёралар ҳосил қилувчи кичикроқ қисмларга бўлиниб кетган. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, Ер ва унинг атрофидаги юлдузларнинг барчаси яхлит газли жисмдан ажралиб чиққан қисмлардир. Мана шу қисмлардан баъзилари қуёш ва сайёраларни ҳосил қилди, шу тахлитда, кўплаб қуёшли системалар ҳамда галактикалар пайдо бўлди. Мазкур китобнинг олдинги

мавзуларида ёритиб берганимиздек, коинот аввало „ратқ“ (бирлашган, қўшилган, ўзаро боғланган) ҳолатда эди, сўнг „фатақа“ (қисмларга ажратилган) ҳолатга келди. Қуръонда коинотнинг пайдо бўлиши жуда мос сўзлар билан ва шундай усулда тасвирланганки, уларни илмий асослар ҳам тасдиқлайди.⁷

Ҳар бир бўлиниш арафасида, самода шаклланаётган янги, асосий жисмлар ташқарисида бир қанча зарралар қолган. Бу ортиқча зарралар „юлдузлараро галактик материялар“ деган илмий ном олган. Юлдузлараро материя 60% водород, 38% гелий ва 2% бошқа элементлардан иборат. Юлдузлараро материянинг 99% и юлдузлараро газдан, 1% и эса юлдузлараро чангдан иборат. Бу чанг жуда кичик — диаметри 0,0001 дан 0,001 мм гача бўлган оғир элементли зарралардан ташкил топган.⁸ Олимлар бу моддаларга астрофизик ўлчамлар нуқтаи назаридан жуда аҳамиятли деб қарашади. Бу моддалар шунчалик майдаки, уларга чанг, тутун ёки газ деб қараш мақсадга мувофиқдир. Аммо бу моддалар бир бутун деб қаралса, улар коинотдаги барча галактикаларнинг жами массасидан каттароқ массани ҳосил қилади. Гарчи юлдузлараро галактик материянинг мавжудлиги 1920 йилда кашф қилинган бўлса-да, бу зарраларнинг мавжудлигига бир минг тўрт юз йил олдин Қуръонда „маа байнаҳума“ („Улар ўртасидаги (орасидаги) нарсалар“) деб тасвирлаш орқали уларга алоҳида эътибор қаратилган эди.

КОИНОТДАГИ МУКАММАЛ МУВОЗАНАТ

(У) етти осмонни қатма-қат қилиб яратган зотдир. (Эй инсон!) Раҳмоннинг яратишида бирор тафовутни (нуқсонни) кўрмайсан. Бас, кўзингни яна (самога) қайтаргин-чи, (унда) бирор ёриқни кўрармикансан? Сўнгра кўзингни қайта-қайта (самога) қарат, кўзинг сенга хор ва толиққан ҳолда қайтур. („Мулк“ сураси, 3—4- оятлар)

Коинотдаги миллиардлаб юлдузлар ва галактикалар улар учун тайинлаб қўйилган йўллардан мукаммал бир мувозанатни сақлаган ҳолда ҳаракат қилади. Юлдузлар, сайёралар ва йўлдошлар нафақат ўз ўқи атрофида, балки улар кирадиган система билан ҳам биргаликда айланадилар. Баъзида 200—300 миллиард юлдуздан иборат галактикалар бир-бирларининг йўлларини кесишган ҳолда ҳаракатланади. Ҳайратга соларли томони шундаки, коинотдаги бундай ажойиб тартибни барбод қилиши мумкин бўлган бирор тўқнашув юз бермайди. Бу шундай мўъжизаки, у бизнинг ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди.

Коинотда тезлик тушунчаси ердаги катталиклар билан таққослаганда жуда катта ўлчамларни келтириб чиқаради. Юлдузлар, сайёралар, галактикалар ва галактикаларнинг конгломератлари (уларнинг сонли хоссалари фақатгина математиклар томонидан тушунилиши мумкин) миллиардлаб ёки триллионлаб тонна оғирликка эга бўлиб, ғайриоддий тезликда ҳаракатланадилар.

Мисол учун, Ер соатига 1670 км (1038 миля) тезликда айланади. Агар биз бугунги кунда энг тез учадиган ўқ соатига ўртача 1800 км тезликка эга бўлади деб ҳисобласак, биз Ернинг улкан ҳажм ва массасига қарамадан қанчалик тез ҳаракатланаётганлигини тасаввур қилишимиз мумкин.

Қуёш атрофида айланаётган Ернинг тезлиги ўқнинг тезлигига қараганда 60 марта катта: соатига 108000 км. Агар биз мана шу тезликда ҳаракат қила оладиган машина ярата олганимизда эди, у ерни 22 дақиқада айланиб чиқа олар эди. Бу рақамлар фақат Ергагина тааллуқлидир.

Қуёш системаси учун бу рақамлар ундан-да ҳайратланарли. Бу системанинг тезлигига ақл бовар қилмайди: коинотдаги системалар қанчалик катта бўлса, уларнинг тезлиги ҳам шунчалик каттадир. Галактиканинг маркази атрофида Қуёш системасининг ҳаракат тезлиги соатига 720000 км га тенг. 200 миллиард ёки ундан кўпроқ

юлдузга эга бўлган Сомон йўли коинот бўйлаб соатига 950000 км тезликда ҳаракат қилади.

Бундай чигал ва тез ҳаракатли системада, шак-шубҳасиз, жуда катта тўқнашувлар бўлиш хавфи бор. Бироқ аслида бунга ўхшаш ҳеч қандай воқеа юз бермайди ва биз батамом хавф-хатардан холи ўз ҳаётимизни давом эттирамиз. Чунки коинотдаги ҳар бир нарса Аллоҳ томонидан ўлчаб қўйилган бенуқсон мувозанатга кўра амал қилади. Мана шу сабабдан ҳам, худди оятда хабар берилганидек, бу системада „тафовут“ мавжуд эмас.



КОИНОТДАГИ УЙГУНЛИК

(У) етти осмонни қатма-қат қилиб яратган зотдир. (Эй, инсон!) Раҳмоннинг яратишида бирор тафовутни (нуқсонни) кўрмайсан. Бас, кўзингни яна (самога) қайтаргин-чи, (унда) бирор ёриқни кўрармикансан? Сўнгра кўзингни қайта-қайта (самога) қарат, кўзинг сенга хор ва толиққан ҳолда қайтур. („Мулк“ сураси, 3—4- оятлар)

Кўрмадингизми, Аллоҳ етти осмонни қандай қаватма-қават қилиб яратди. („Нух“ сураси, 15- оят)

У (яна) осмонлар ва Ернинг ҳукмронлигига эга, фарзанд тутмаган, подшоҳликда шериги бўлмаган ва барча нарсани яратиб, (аниқ) ўлчови билан ўлчаб қўйган зотдир. („Фурқон“ сураси, 2- оят)

Табиат ва коинотдаги барча системалар машинадек ўздан-ўзи ҳаракат қилади, улар орасидаги бенуқсон тартиб ва мувозанат тасодифийлик ҳосиласидир, деган даъво билан материалистик фалсафа пайдо бўлган эди. Аммо бугун, материализм ва дарвинизмнинг нотўғри эканлиги (у илмий асос деб аталар эди) илмий жиҳатдан исботлаб берилди. (Қаранг: Ҳорун Яхё. *The Evolution Deceit* (Эволюция ёлғони). 8-нашр, Та-На Publishers, 2004 ва *Darwinism Refuted* (Дарвинизм рад этилди) Goodword Books, 2003.)

XX асрда астрофизика ва биология соҳаларида бирин-кетин жадал суръатлар билан қилинган илмий кашфиётлар ҳаёт ва коинотнинг яратилганлигини исботлади. Дарвинизмнинг асослари барбод бўлгач, Катта портлаш назарияси коинотнинг йўқликдан яратилганини кўрсатди. Кашфиётлар моддий дунёда буюк бунёдкорлик ва ҳамоҳанглик мавжудлигини аниқлади ва материализм даъволарининг асоссиз хусусиятларини узил-кесил исботлади.

Ҳаёт учун зарур бўлган шароитларни назарда тутсак, фақат Ергина бу шароитлар талабига жавоб беришини кўришимиз мумкин. Ҳаёт кечирिशга мос бўлган муҳит учун бизнинг атрофимизда бир вақтда ва тўхтовсиз содир бўлаётган ҳисобсиз шароитлар мавжуд. Ҳар бирида ўртача юз миллиард юлдуз бўлган бир неча юз миллиард галактикалар бор. Ҳамма галактикаларнинг, эҳтимол, юлдузларчалик кўп сайёралари бордир.⁹ Мана шунчалик катта рақамлар олдида Ерда шундай ягона муҳит пайдо бўлишининг аҳамияти тўғрисида бир оз мулоҳаза юритсак яхшироқ бўларди.

Катта портлаш кучидан то атомларнинг физик қийматларигача, тўрт асосий кучдан то юлдузлардаги кимёвий жараёнларгача, Қуёш томонидан чиқариладиган ёруғлик туридан то сувнинг қуюқлигигача, Ойнинг Ергача бўлган масофасидан то атмосферадаги газлар даражасигача, Ернинг Қуёшгача бўлган масофасидан то унинг ўз орбитасида оғишиш бурчагигача, Ернинг ўз ўқи атрофида қайси тезликда айланишидан то океан ва тоғларнинг Ердаги вазифасигача ҳар бир нарса бизнинг ҳаётимиз учун жуда ҳам мосдир. Бугунги кунда илм-фан дунёси бу хусусиятларни „Антропик принцип“ ва „Уйғунлик“ концепциялари воситасида тасвирлайди. Бу концепциялар коинотнинг мақсадсиз, назоратсиз, материянинг тасодифий тўплами эмас, балки унинг инсон ҳаёти томон қаратилган мақсади борлиги ҳамда жуда аниқлик билан безатилганлигини тушунтириб беради.

Юқоридаги оятларда Аллоҳнинг яратишида ўлчов ва уйғунликка диққат қаратамиз. „Безатмоқ, ўлчамоқ, ўлчов билан яратмоқ“ маъносини англатувчи „*тақдиир*“ сўзи „Фурқон“ сурасининг 2-оятидаги каби Қуръон оятларида ишлатилган. „Уйғунликда, ҳамоҳанг равишда“ маъносини англатувчи „*тибаақ*“ сўзи „Мулк“ сурасининг 3-ояти ва „Нух“ сурасининг 15-оятларида ишлатилган. Шунингдек, Аллоҳ „Мулк“ сурасида „фарқ, номувофиқлик, келишмовчилик, мос эмаслик, қарама-қаршилиқ“ маъноларидаги „*тафаавут*“ сўзини ваҳий қилганки, номувофиқликни, нуқсонни излаган кишилар уни топа олмайдилар.

XX асрнинг охирларига келиб ишлатила бошланган „уйғунлик“ атамаси оятларда ваҳий қилинган бу ҳақиқатни ошкор қилди. Сўнги чорак аср ёки ундан кўпроқ вақт мобайнида кўпдан-кўп олимлар, заковат эгалари ва ёзувчилар коинотнинг тасодифлар мажмуаси эмаслиги, аксинча, унда ҳар бир майда элементигача инсон ҳаёти учун жуда мос тушадиган ғайриоддий шароит ва тартиб борлигини исботладилар. (Қаранг: Ҳорун Яҳё. *The Creation of the Universe* (Коинотнинг яратилиши). Al-Attique Publishers, 2002, ноябрь ва *A Chain of Miracles* (Қатор мўъжизалар). Global Publishing, 2004, май) Коинотдаги кўпчилик хислатлар унинг атайлаб ҳаётни таъминлаш мақсадида яратилганлигини яққол кўрсатади. Физик доктор Карл Гиберсон бу далилни шундай тасвирлайди:

1960 йилларда, баъзи физик олимлар шу нарсани кузатишдики, бизнинг коинотимиз инсон ҳаётининг мавжуд бўлиши учун **уйғун** қилиб қўйилган экан.¹⁰

Британиялик астрофизик профессор Жорж Ф. Эллис бу уйғунликка қуйидагича изоҳ беради:

Ажойиб уйғунлик бу чигалликларни осонлаштирадиган қонунларда учрайди. Амалга оширилган ишларнинг қанчалик мураккаблигини тушуниб етгач, „мўъжизавий“ деган сўзни, унинг онтологик хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда ишлатмасликнинг иложи йўқ.¹¹

Катта портлаш тезлиги:

Катта портлаш билан ўрнатилган мувозанат ва коинотнинг бир онда яратилиши унинг тасодифан вужудга келмаганлигини исботловчи далиллардан биридир. Аделаида университетининг математик физика соҳаси бўйича таниқли профессори Пол Дейвиснинг фикрига кўра, агар Катта портлаш натижасида содир бўлган кенгайиш коэффиценти бор-йўғи миллиард миллиарддан бир қисмига ($1/10^{18}$) фарқ қилганда эди, коинот вужудга келмаган бўлар эди.¹² *A Brief History of Time* (Вақтнинг қисқа тарихи) номли китобида Стефен Хокинг коинотнинг кенгайиш коэффицентидаги бундай ғайриоддий аниқликни қуйидагича эътироф этади:

Агар кенгайиш коэффиценти Катта портлашдан бир сония кейин, ҳаттоки юз миллион миллионнинг бир қисмигача кичикроқ бўлганда эди, коинот ўзининг ҳозирги кенлигига етмасдан олдинроқ барбод бўлган бўлар эди.¹³

Тўрт куч:

Коинотдаги физик ҳаракат замонавий физика томонидан эътироф этилган тўрт куч: тортишиш кучи, электромагнитик куч, қудратли (кучли) атом кучи ва заиф (кучсиз) атом кучининг ўзаро таъсири ҳамда мувозанати эвазига содир бўлади. Бу кучлар бири-бирига нисбатан турли ғайриоддий қийматларга эгадирлар. Машҳур молекуляр биология мутахассиси Майкл Дентон бу кучлар ўртасидаги ғайриоддий мувозанатни шундай таърифлайди:

Агар, мисол учун, тортишиш кучи триллион марта кучлироқ бўлганда эди, унда коинот анча кичик ва унинг ҳаёт тарихи анча қисқа бўлган бўлар эди. Ўртача катталиқдаги юлдуз Қуёшга қараганда триллион марта кичикроқ массага эга ва ҳаёт даври тахминан бир йилча бўлган бўлар эди. Аксинча, агар тортишиш кучи камроқ бўлганда эди, ҳеч бир юлдуз ёки галактикалар пайдо бўлмаган бўлар эди. Бошқа шунга ўхшаш хусусият ва қийматлар ҳам кескинлик бобида бундан қолишмайди. Агар қудратли куч бир оз заифроқ бўлганда эди, барқарор турадиган ягона элемент водород бўлган бўлар эди. Бошқа атомлар мавжуд бўла олмасди. Агар у электромагнитик кучга нисбатан бир оз ортиқроқ бўлганда эди, унда фақатгина икки протонли атом ядролари коинотнинг турғун бир бўлаги бўлар эди, бу эса бундай коинотда водород бўлмаслигини ва агар бирор юлдуз ёки галактикалар пайдо бўлса, улар ўзларининг ҳозирги ҳолатидан бутунлай бошқача бўлишини англатади. Шубҳасиз, агар бу турли кучлар ва ўзгармас катталиқлар ўзларининг айна пайтдагидек пухта қийматларига эга бўлмаганида эди, на юлдузлар, на ўта янги юлдузлар, на сайёралар, на атомлар ва на ҳаёт бўлур эди.¹⁴

Самовий жисмлар орасидаги масофалар:

Самовий жисмларнинг космосдаги тақсимоли ва улар орасидаги улкан бўшлиқлар Ерда ҳаёт мавжуд бўлишида муҳим роль ўйнайди. Самовий жисмлар орасидаги масофалар жуда қудратли самовий кучлар таъсирида шундай ҳисоб-китоб билан белгиланганки, бу Ер юзида ҳаётнинг мавжудлигини таъминлайди. *Nature's Destiny* (Табиатнинг тақдири) номли китобида, Майкл Дентон ўта янги юлдузлар ва юлдузлар орасидаги масофани шундай таърифлайди:

Ўта янги юлдузлар, шунингдек, барча юлдузлар орасидаги масофалар бошқа сабабларга қўра жуда жиддийдир. Бизнинг галактикамиздаги юлдузлар орасидаги масофа тахминан 30 миллион миляга тенг келади. Агар бу масофа қисқароқ бўлганда эди, сайёраларнинг орбиталари беқарорлашган бўлар эди. Аксинча, бу масофа каттароқ бўлганда эди, унда ўта янги юлдуз томонидан отиладиган парчалар шундай бетартиб тарқалар эдики, бизнига ўхшаш сайёралар системаси эҳтимол ҳеч қачон пайдо бўлмаган бўлар эди. Модомики космос ҳаёт манбаи бўлиши керак экан, унда ўта янги юлдузларнинг милтиллаши жуда аниқ қийматда содир бўлиши ва улар орасидаги, шунингдек, барча юлдузлар орасидаги масофа ҳозирда кузатилган рақамларга жуда яқин бўлиши лозим.¹⁵

Тортишиш кучи:

– Агар тортишиш кучи кучлироқ бўлганда эди, Ер атмосферасида ҳаёт учун энг хавфли таъсирга эга ортикча аммиак ва метан йиғилиб қолган бўлар эди.

– Агар у кучсизроқ бўлганда эди, у ҳолда Ер атмосфераси кўп миқдордаги ортикча сув йўқотган ва бу ҳаётнинг бўлмаслигига сабаб бўлар эди.

Ер ва Қуёш ўртасидаги масофа:

– Агар бу масофа узоқроқ бўлганда эди, сайёра жуда совуқ бўлган, атмосферадаги сув айланиши бузилган ва сайёра музлик асрига маҳкум бўлган бўлар эди.

– Агар Ер Қуёшга сал яқинроқ бўлганда эди, ўсимликлар ёниб кетган, Ер атмосферасидаги сув айланишига тузатиб бўлмас даражада талафот етган ва ҳаётнинг бўлмаслиги мумкин эди.

Ер қобиғининг қалинлиги:

– Агар қобиқ қалинроқ бўлганда эди, ортикча миқдордаги кислород атмосферадан унга ўтган бўлар эди.

– Агар сал юпқароқ бўлганда эди, вулқон ҳаракатларининг сони ҳаётнинг мавжуд бўлишига тўсқинлик қилган бўлар эди.

Ернинг айланиш тезлиги:

– Агар бу айланиш секинроқ бўлганда эди, кун ва тун ўртасидаги ҳарорат фарқи жуда ўсиб кетган бўлар эди.

– Агар у тезроқ бўлганда эди, унда атмосфера шамоллари жуда катта тезликка етган бўлар ва циклон ҳамда тўфонлар ҳаётнинг мавжуд бўлишига жиддий тўсқинлик қилган бўлар эди.

Ернинг магнит майдони:

– Агар бу магнит майдон кучлироқ бўлганда эди, жуда қаттиқ электромагнит тўфонлари кўтарилар эди.

– Агар у кучсизроқ бўлганда эди, унда Ер Қуёш шамоллари номи билан маълум бўлган ва Қуёшдан чиқадиган зарарли зарраларга қарши ўз ҳимоясини йўқотган бўлар эди. Ҳар иккала ҳолат ҳаётнинг бўлмаслигига асос бўлар эди.

Альбедо эффекти (Ер томонидан қайтариладиган ёруғлик улуши):

– Агар Ер қайтарадиган ёруғлик улуши кўпроқ бўлганда эди, музлик асрининг бошланиши муқаррар бўлур эди.

– Агар у камроқ бўлганда эди, иссиқхона эффекти ортиқча иссиқликка сабаб бўлар эди. Ерни аввалига музликларнинг эриб кетиши туфайли сув босар ва сўнг у ёниб кетган бўлар эди.

Атмосферада кислород ва азотнинг нисбати:


– Агар бу нисбат каттароқ бўлганда эди, ҳаёт учун зарурий бўлган функциялар зиддиятли тарзда тезлашиб кетган бўлар эди.

– Агар у кичикроқ бўлганда эди, ҳаёт учун зарурий бўлган функциялар зиддиятли тарзда секинлашиб кетган бўлар эди.

Атмосферада карбонат ангидрид ва сувнинг нисбати:

– Агар бу нисбат каттароқ бўлганда эди, атмосфера ўта қизиқ кетган бўлар эди.

– Агар у кичикроқ бўлганда эди, атмосфера температураси пасайиб кетган бўлар эди.



Осмонлар ва Ернинг
хукмронлиги Аллоҳга
тегишлидир. Аллоҳ ҳар
нарсага қодирдир. Осмонлар ва
Ернинг яратилишида, тун
ва куннинг ўрин алмашиб
туришида ақл эгалари
учун аломатлар бордир.
(„Оли Имрон“ сураси,
189—190- оятлар)

Озон қатламининг қалинлиги:

– Агар бу қатлам қалинроқ бўлганда эди, Ернинг температураси жуда паст даражага тушиб кетган бўлар эди.

– Агар у юпқароқ бўлганда эди, Ер ўта қизиб кетган бўлар ва Қуёшдан чиқадиган зарарли ультрабинафша нурлар таъсирига қарши ҳимоясиз қолган бўлар эди.

Сейсмик ҳаракат (зилзилалар):

– Агар бу кучлироқ бўлганда эди, мавжудотлар учун доимий алфов-далфовлик содир бўлган бўлар эди.

– Агар секинроқ бўлганда эди, денгизлар тубидаги озуқалар сувга тарқалишни бас қилган бўлар эди. Бу денгиз ва океанлардаги ҳаётга ҳамда Ер юзидаги барча мавжудотларга ўзининг ҳалокатли таъсирини кўрсатган бўлар эди.

Ернинг оғишиш бурчаги:

Ер ўз орбитасида 23 даража бурчакка оғишган ҳолда ҳаракат қилади. Фаслларнинг алмашиб келишига мана шу оғишиш сабаб бўлади. Агар бу оғишиш ҳозиргига нисбатан каттароқ ёки кичикроқ бўлганда эди, фасллар ўртасидаги температура фарқи ашаддий даражага бориб етган бўларди, яъни ёзлари чидаб бўлмас даражада иссиқ, қишлари эса ўта изғиринли аёздан иборат бўлар эди.

Қуёшнинг катталиги:

Қуёшдан кичикроқ юлдуз Ернинг мангу музлик қаърига бурканишига, каттароғи эса Ернинг ёниб кетишига олиб келар эди.

Ер ва Ой ўртасидаги ўзаро тортишиш:

– Агар бу тортишиш сал кучлироқ бўлганда эди, Ойнинг қудратли тортиш кучи атмосфера остидаги шароитларга, Ернинг ўз атрофида айланиш тезлигига ва океанлар сатҳининг кўтарилиб-пасайишига ўта жиддий таъсир кўрсатган бўлар эди.

– Агар у ҳозирдагидан сал кучсизроқ бўлганда эди, бу Ердаги иқлимнинг кескин ўзгариб кетиш оқибатини келтириб чиқарган бўлар эди.

Ер ва Ой ўртасидаги масофа:

– Агар улар бир-бирига бир оз яқин бўлганида эди, Ой Ерга қулаб тушган бўлар эди.

– Агар улар бир-биридан бир оз узоқроқ бўлганида эди, Ой космосда йўқолиб кетган бўлар эди.

– Агар улар бир-бирига ҳатто жиндаккина бўлса ҳам яқинроқ бўлганда эди, Ердаги сув сатҳининг кўтарилиш-пасайиш даражасига Ойнинг таъсири хавфли тус олган бўлар эди. Океан тўлқинлари паст текисликларни сув билан кўмиб ташлаган бўлар эди. Бунинг оқибатида юзага келадиган ишқаланиш океанларнинг температурасини кўтариб юборган ва Ер юзидаги ҳаёт учун муҳим бўлган сезгир температура мувозанати йўқолган бўларди.

– Агар улар бир-биридан ҳатто жиндаккина бўлса ҳам узоқроқ бўлганда эди, Ердаги сув сатҳининг кўтарилиш ва пасайиши камайиб кетар, бу эса, ўз навбатида, океанларнинг кам ҳаракатлигига олиб келар эди. Ҳаракатсиз сув денгиздаги ҳаётни хавф остига қўйган ва биз нафас олаётган кислород даражаси ҳам хавф остида қолган бўлар эди.¹⁶

Ернинг температураси ва углеродга асосланган ҳаёт:

Ҳар қандай тирикликнинг замини бўлган углероднинг мавжудлиги маълум бир чегарада турувчи температурага боғлиқ. Углерод аминокислота, нуклеин кислота ва оқсил каби органик молекулалар учун муҳим модда ҳисобланади: бу ҳаётнинг асосини ташкил этади. Шу сабабдан, ҳаёт фақат углеродга асосланган бўлади. Углероднинг мавжуд бўлиши учун, температура 20 даража Цельсийдан кам ва 120 даража Цельсий (240°Ф) дан кўп бўлмаган ҳолатда бўлиши керак. Бу температура даражалари Ердаги температура даражаларига жуда мос тушади.

Булар Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва бу ҳаётнинг давом этиши учун муҳим бўлган ўта сезгир мувозанатлардан айримларидир, холос. Бироқ, ҳатто шулар ҳам Ер ва оламнинг қатор тасодифлар натижасида вужудга келмаганлигини исботлаш учун етарли ва аниқ далиллардир. XX асрда қабул қилина бошланган „уйғунлик“ ва „антропик принцип“ концепциялари ҳам Аллоҳнинг мавжудлигидан гувоҳ берувчи далиллар сирасига киради. Ҳамоҳанглик ва мутаносиблик 14 аср олдин Қуръонда ғоят аниқлик билан таърифланган эди.

КУЁШ, ОЙ ВА ЮЛДУЗЛАР ОРАСИДАГИ СТРУКТУРАВИЙ ФАРҚЛАР

Тепангизда етти (қават) мустаҳкам (осмонни) бино қилдик. Яна чарақлаб турувчи чироқни (қуёшни) пайдо қилдик. („Набаъ“ сураси, 12—13- оятлар)

Бизга маълумки, Қуёш системасидаги ягона ёруғлик манбаи Қуёшнинг ўзидир. Технологияда эришилган ютуқлар шарафи билан астрономлар Ойнинг ёруғлик манбаи эмаслигини, балки у бор-йўғи Қуёшдан унга етиб келадиган ёруғликни акс эттирувчи (қайтарувчи) эканлигини кашф қилдилар. Юқоридаги оятда ишлатилган „чироқ“ сўзи арабча „*сироож*“ деган сўзнинг таржимасидир. Араб тилидаги бу сўз ёруғлик ва иссиқлик манбаи бўлган Қуёшни тўлақонли тасвирлайди.

Ой, Қуёш ва юлдузлар каби самовий жисмларга ишора қилиш учун Аллоҳ Қуръонда турли сўзларни ишлатган. Қуёш ва Ой структуралари ўртасидаги фарқ Қуръонда қуйидагидек ифодаланган:

Кўрмадингизми, Аллоҳ етти осмонни қандай қаватма-қават қилиб яратди. Ойни улар ичида нур қилиб, Қуёшни эса чироқ қилиб қўйди. („Нух“ сураси, 15—16- оятлар)

Юқоридаги оятда „нур“ сўзи (арабчада „*нур*“) Ой учун ва „чироқ“ сўзи (арабчада „*сироож*“) Қуёш учун ишлатилган. Ой учун ишлатилган сўз ёруғликни акс эттирувчи, ёруғ, ҳаракатсиз жисмларни назарда тутди. Қуёш учун ишлатилган сўз эса ҳар доим ёниб турувчи, иссиқлик ва ёруғликнинг ўзгармас манбаи бўлган самовий жисмга ишора қилади.

Бундан ташқари, „юлдуз“ сўзи илдизи „*нажама*“ бўлган арабча сўздан келиб чиққан бўлиб, у „пайдо бўлувчи, юзага келувчи, кўзга кўринадиган“ маъноларини англатади. Қуйидаги оятдагидек, юлдузларга „*саақиб*“ сўзи билан ҳам мурожаат қилинганки, у ярақлаган ва қоронғиликни ёруғлик билан тешувчи, ёнувчи жисмга нисбатан ишлатилган:

(У қоронғиликни) тешувчи юлдуздир. („Ториқ“ сураси, 3- оят)

Энди биз Ойнинг ўзи ёруғлик таратмаслигини, балки Қуёш чиқарадиган ва унга етиб келадиган нурни акс эттиришини биламиз. Бу ҳақиқат Қуръонда инсоният илмий кашфиётлар қилиш воситаларига эга бўлмаган бир асрда ваҳий қилинган эди. Бу аср шундай аср эдики, у пайтларда одамларнинг самовий жисмлар ҳақидаги билими жуда чекланган, аниқроғи жуда паст даражада эди. Бу Ислоом китобининг мўъжизакор табиатли эканлигига яна бир бор урғу беради.



ОРБИТАЛАР ВА АЙЛАНАЁТГАН КОИНОТ

Коинотдаги буюк мувозанатни сақлаб турувчи энг муҳим сабаблардан бири шуки, самовий жисмлар муайян бир йўллар бўйлаб ҳаракатланадилар. Юлдузлар, сайёралар ва йўлдошларнинг барчаси ўз ўқи атрофида ҳамда ўзи тааллуқли бўлган система билан биргаликда ҳам айланади. Коинот худди фабрикадаги филдиракларга ўхшаб уйғун бир тартибда ишлайди.

Кўриниб турган коинотда 100 миллиарддан кўпроқ галактикалар бор ва ҳар бир кичик галактика тахминан бир миллиардга яқин юлдузлардан иборат. Шунингдек, ҳар бир катта галактикада триллиондан ортиқ юлдуз мавжуд.¹⁷ Бу юлдузларнинг кўпчилиги сайёраларга ва бу сайёраларнинг кўпчилиги ўз йўлдошларига эга. Бу самовий жисмларнинг барчаси жуда аниқ ҳисоблаб чиқилган йўл ва орбиталар бўйлаб ҳаракат қилади. Миллионлаб йиллардан буён бу жисмларнинг ҳар бири бошқалари билан тўлақонли, ҳамоҳанг равишда, ўз йўллари бўйлаб ҳаракат қилиб юрибди. Бундан ташқари, жуда кўп кометалар ҳам улар учун олдиндан белгилаб қўйилган йўллар бўйлаб ҳаракат қилади.

Яна шу нарсани таъкидлаш лозимки, коинотдаги йўллар фақатгина бир неча самовий жисмлар билан чекланган эмас. Куёш системаси ва ҳатто бошқа галактикалар ҳам бошқа марказлар атрофида катта ҳаракат қилишини намоён этади. Ҳар йили Ер ва у билан бирга Куёш системаси ҳам бир йил олдин турган жойидан 500 миллион км (310 миллион миля) ча олдинга силжийди. Ҳисобланишича, самовий жисмлар ўз йўлларида ҳаттоки озгина четга чиққан тақдирда ҳам бу шундай оғир синоатларга олиб келган бўлардики, у бутун системанинг ҳалокатга дучор бўлиши муқаррар, деган маънони англатади. Мисол учун, Ер ўз йўналишидан бор-йўғи 3 мм четга чиққанда бу ҳол қандай оқибатларга олиб келиши манбаларнинг бирида қуйидагидек тасвирланган:

Куёш атрофида айлана туриб, Ер шундай орбитада ҳаракат қиладики, ҳар 18 миляда у тўғри йўналишдан фақатгина 2,8 миллиметрга четга чиқади. Ер ҳаракат қиладиган орбита ҳеч қачон ўзгармайди, чунки ҳаттоки 3 мм четга чиқиши ҳам ҳалокатли мусибатларга сабаб бўлар эди: агар четга чиқиш 2,8 мм ўрнига 2,5 мм бўлганда эди, унда орбита жуда катта бўлар ва бизнинг барчамиз музлаб қолган бўлар эдик. Агар четга чиқиш 3,1 мм бўлганда эди, биз ўлимга гирифтор бўлар эдик.¹⁸

Шубҳасиз, Қуръон нозил бўлган пайтда инсоният на космосдаги миллионлаб километр масофаларда жойлашган жисмларни кузата оладиган бугунги телескоплар ёки замонавий кузатув техникаларига эга эди ва на физика ёки астрономия каби соҳаларда ҳозиргидек билимлар соҳиби эди. Шунинг учун ўша пайтда, оятда хабар берилганидек, космоснинг „**Юлдузлар ҳаракат қиладиган**) **йўллар**“ („Зориёт“ сураси, 7-оят) ини илмий жиҳатдан аниқлашнинг имкони йўқ эди. Аммо ўша пайтда нозил қилинган Қуръони Карим, бу ҳақиқатга доир маълумотларни таъминлаб берган эди. Бу эса мазкур китоб шубҳасиз Аллоҳнинг каломи эканлигини исботлайди.

Коинотдаги бошқа кўп кометалар сингари, қуйида кўрсатилган Галлей кометаси ҳам режали бир орбита бўйлаб ҳаракат қилади. Унинг ўзига хос орбитаси бўлиб, у шу орбита бўйлаб бошқа самовий жисмлар билан тўлақонли ҳамоҳанг ҳаракат қилади.

Барча самовий жисмлар, жумладан, сайёралар, бу сайёраларнинг йўлдошлари, юлдузлар ва ҳатто галактикалар ҳам ўз орбиталарига эга бўлиб, бу орбиталар жуда пухта ўйланиб, ҳисоблаб чиқилган. Бундай мукамал тартибни яратган ва бу тартибни таъминлаб турган зот — Аллоҳ бутун оламларнинг яратувчисидир.

ҚУЁШНИНГ ҲАРАКАТ ТРАЕКТОРИЯСИ

Қуръонда Қуёш ва Ойнинг муайян траекториялар бўйлаб ҳаракатланишига урғу берилган:

У кеча ва кундузни, қуёш ва ойни яратган зотдир. (Бу иккисининг) ҳар бири фалакда сузиб юрар. („Анбиё“ сураси, 33- оят)


Бу оятдаги „сузиб юрар“ сўзи арабчада „сабаҳа“ сўзи орқали ифодаланган ва у Қуёшнинг космосдаги ҳаракатини тасвирлаш учун ишлатилади. Бу сўз Қуёшнинг космос оралаб бетартиб ҳаракатини эмас, балки ўзининг ўқи атрофида айланишини ва шу билан бирга, бир йўналиш бўйлаб ҳаракатланишини англатади. Шунингдек, Қуёшнинг ўз ўрнида қотиб туриши эмас, балки муайян бир траектория бўйлаб ҳаракатланиши ҳам бошқа бир оятда айтиб ўтилган:


Қуёш (тинмай) ўз қароргоҳи сари сайр қилур. Бу қудратли ва билимли зот (Аллоҳ)нинг ўлчовидир. („Ёсин“ сураси, 38- оят)

Қуръонда зикр этилган бу хабарлар, бизнинг асримизда астрономия фанидаги ривожланишлар орқали кашф қилинди. Астрономия фани мутахассисларининг ҳисоблашича, Қуёш соатига 720 000 км (447000 миля) бўлган жуда катта тезлик билан Қуёш Апекси деб

номланувчи йўл бўйлаб Вега юлдузи томон учиб бормоқда. Бу шундан далолат берадики, Қуёш бир кунда тахминан 17,28 миллион километр (10,74 миллион миля) масофага учади. Қуёш билан бирга, унинг тортишиш системасида бўлган барча сайёралар ва йўлдошлар ҳам бир хил масофада учади.

Қуёш.






ОЙНИНГ ОРБИТАСИ

Биз ойни ҳам, токи у эски хурмо бутоғидек бўлиб (эгилиб) қолгунича, манзилларга (ботадиган қилиб) ўлчаб қўйгандирмиз. На куёш ойга етиши мумкин ва на кеча кундуздан ўзувчидир. (Куёш, ой ва юлдузларнинг) ҳар бири (бир) фалакда сузадилар. („Ёсин“ сураси, 39—40- оятлар)

Ой бошқа сайёраларнинг йўлдошларига ўхшаб мунтазам орбитага риоя қилмайди. У Ерни айланаётиб, баъзида унинг орқа томонига ва баъзида эса олд томонига кўчади. Ер билан бирга Куёш атрофини айланаётиб, у аслида космосда „S“ ҳарфига ўхшаш ўзгармас шакл бўйлаб ҳаракатланади. Космосда Ой томонидан босиб ўтиладиган бу йўл Қуръонда эски хурмо бутоғига ўхшатиб тасвирланади ва у ростдан ҳам хурмо дарахти бутоғининг эгик шаклига ўхшайди. Дарҳақиқат, Қуръонда ишлатилган „уржун“ сўзи ингичка ва эгилган хурмо бутоғини назарда тутаяди ва меваси териб олингандан кейин қоладиган қисмини тасвирлаш учун ишлатилади. Бу бутоқнинг „эски“ деб тасвирланиши ҳам жуда монанддир, чунки эски хурмо бутоғи ингичкароқ ва кўпроқ қайрилган бўлади.



Ой Ер билан биргаликда Куёш атрофида айланар экан, у космос оралаб „S“ ҳарфига ўшаш траекторияда ҳаракатланади. Бу орбитанинг кўриниши Қуръонда ваҳий қилинганидек, қуриган хурмо булоғининг эгилган шаклига ўшайди.

Шубҳасиз, 1400 йил илгари Ойнинг орбитаси ҳақида ҳеч бир инсоннинг бирор билимга эга бўлиши эҳтимолдан холи эди. Замонавий технология ва тўпланган билимлар орқали аниқланган бу шаклнинг Китобда ваҳий қилиниши Қуръоннинг илмий мўъжизаларидан биридир.



ҚАМАРИЯ (ОЙ) ЙИЛИНИ ҲИСОБЛАШ

У қуёшни зиё (таратувчи) ва ойни нур (сочувчи) этган ҳамда йилларнинг ададини ва (вақт ва замонга доир) ҳисобни билишларингиз учун уни (ойни) манзилларга (бўлиб) ўлчаб қўйган зотдир. Буни Аллоҳ фақат ҳақ (ҳикмат) билангина яратди. Билувчи қавм учун оятларни (У) батафсил баён қилур. („Юнус“ сураси, 5- оят)

Биз ойни ҳам, токи у эски хурмо бутоғидек бўлиб (эгилиб) қолгунича, манзилларга (ботадиган қилиб) ўлчаб қўйгандирмиз. („Ёсин“ сураси, 39- оят)

Юқоридаги оятларнинг биринчисида Аллоҳ Ойнинг одамлар учун йилни ҳисоблашларида ўлчов воситаси бўлишини очиқ-ойдин ваҳий қилган. Шунингдек, бизнинг диққатимиз бу ҳисоблашлар Ойнинг ўз орбитасида айланаётиб, туган ўринларига биноан амалга оширилишига қаратилади. Ер ва Ой ҳамда Ой ва Қуёш ўртасидаги бурчаклар мунтазам ўзгариб туриши боис, биз Ойни турли пайтда турли шаклларда кўрамыз. Жумладан, бизнинг Ойни кўра олишимиз унинг Қуёш томонидан ёритилиши туфайлидир. Биз Ердан туриб кўрадиган Ойнинг ярмидаги ёритилиш миқдори ўзгариб туради. Бу ўзгаришларни ёдда тутиб, инсонларга йилни ўлчаш имкониятини берувчи бир қанча ҳисоблашларни амалга ошириш мумкин.



Ўтмишда бир ойлик вақт миқдори икки тўлин ой ўртасидаги вақт ёки Ойнинг Ерни айланиб чиқишида кетган вақтидан келиб чиқиб ҳисобланган. Шунга кўра, бир ой вақт 29 кун, 12 соат ва 44 дақиқага тўғри келар эди. Бу „қамария ойи“ сифатида маълум. Ҳижрий тақвимга биноан, ўн икки қамария ойи бир йилни ташкил этади. Аммо Ҳижрий тақвим ва Георгий тақвими ўртасида ўн бир кунлик фарқ бор бўлиб, Георгий тақвимидаги бир йил Ернинг Қуёшни бир марта айланиб чиқишида кетадиган вақтга тенгдир. Энди эътиборимизни бошқа бир оятда бу фарқ ҳақида айтилган хабарга қаратамиз:

(Улар) ғорларида уч юз йил турдилар ва яна тўққиз (йил)ни зиёда қилдилар. („Каҳф“ сураси, 25- оят)


Биз оятда ишора қилинган вақтга шу тарзда ойдинлик кiritамиз: 300 йил X 11 кун (ҳар йили юзага келадиган фарқ) = 3300 кун. Бир қуёш йили 365 кун, 5 соат, 48 дақиқа ва 45,5 сониядан иборат эканлигини ҳисобга олсак, $3300 \text{ кун} : 365,24 \text{ кун} = 9 \text{ йил}$. Буни бошқача қилиб ифодаласак, Георгий тақвимига кўра 300 йил Ҳижрий тақвими бўйича 300+9 йилга тенгдир. Гувоҳ бўлганимиздек, бу оят аниқ ҳисоблаб чиқилган 9 йил фарқни назарда тутмоқда. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.) Вақт тўғрисидаги ҳар кунги билимдан ортиқ бундай маълумотни ўз ичига олган Қуръон ғайритабиий ваҳийдир.

ТОРТИШИШ КУЧИ ВА ОРБИТАЛ ХАРАКАТЛАР

Бас, қасамёд этурман қайта-қайта чиқиб турувчи билан, яширинувчи сайёралар билан, ... („Таквир“ сураси, 15—16- оятлар)

„Таквир“ сурасининг 15-оятдаги „хуннас“ сўзи „тортилмоқ ва орқага тисарилмоқ“, „ичига тортмоқ ва изига қайтмоқ“ маъноларини ўз ичига олади. 16-оятда „яширинувчи“ деб таржима қилинган арабча жумла „куннас“ („каанис“ сўзининг кўплик шакли) бўлиб, у ҳаракатдаги жисмнинг уйи, маконига кириш ёки уясига кирувчи ва у ерда яширинувчи нарсаларнинг муайян бир йўлини назарда тутади. Яна 16-оятдаги „жаваар“ („жарияҳ“ сўзининг кўплик шакли) сўзи кўчадиган ва оқадиган бирор нарсани англатади. Шу маъноларни назарда тутган ҳолда, бу оятлар сайёраларнинг тортишиш кучлари ва уларнинг ўз орбиталарида ҳаракат қилишларига ишора қиляпти деб тушуниш мумкин.

Юқорида қайд этилган оятлардаги бу сўзлар тортишиш кучига асосланган орбитал ҳаракатларни тўлиқ тасвирлайди. Булардан, „хуннас“ сўзи сайёраларнинг ўз марказлари томон тортилиши ва уларнинг Қуёш системасининг маркази бўлган Қуёш томон ҳам тортилишини англатади. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.) Гарчи бу тортишиш кучи XVII ва XVIII асрларда яшаб ўтган Исаак Ньютоннинг математик формулалари билан кашф қилинган бўлса-да, у коинотда аллақачон мавжуд эди. 16-оятдаги „жаваар“ сўзи тортишиш кучига қарши бўлган марказдан қочма куч таъсирида юзага келадиган орбитал ҳаракатларга урғу беради. Шубҳасиз, „жаваар“ сўзининг „хуннас“ (марказ томон тортилиш, тортилиш) ва „куннас“ (ҳаракатдаги жисмнинг уйи, маконига кириш йўли) лар билан бирга ишлатилиши, 1400 йил аввал бирор кишининг билиши даргумон бўлган муҳим илмий ҳақиқат тўғрисида далолат беради. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.) Бундан ташқари, мазкур оятлар Қуръонда қасамёд этилган мавзулардан бири бўлиб, бу мавзунинг аҳамиятлилигидан дарак берувчи бошқа бир нишонандир.



ЕРНИНГ ШАРСИМОНЛИГИ

У осмонлар ва Ерни ҳақ (ҳикмат) билан яратгандир. У кечани кундузнинг устидан ўрар, кундузни кечанинг устидан ўрар. („Зумар“ сураси, 5-оят)

Қуръонда коинотни тасвирлаш учун ишлатилган сўзлар жуда нодирдир. Юқоридаги оятда „ўрамоқ“ деб таржима қилинган арабча сўз „йукаввир“ дир. Ўзбек тилида бу сўз бирор нарса устидан бошқасини айлантириб ўраш, атрофидан бир неча бор айлантириб жойлаш, боғлаш деган маъноларни англатади. Араб тили луғатларида эса бу сўз худди саллани бошга ўрагандек, бирор нарсани бошқа нарса атрофида ўраш фаолиятини ифодалаш учун ишлатилган. Оятда кун ва туннинг бир-бирини ўраши ҳақида берилган маълумот дунёнинг шакли тўғрисидаги аниқ маълумотни ўз ичига олади. Бу ҳақиқат Ер фақат шарсимон шаклда бўлсагина ҳақдир. Бу шундан далолат берадики, VII асрда нозил қилинган Қуръонда дунёнинг айлана шаклда эканлигига ишора қилинган.

Бироқ шу нарсани ёддан чиқармаслигимиз лозимки, ўша пайтларда астрономик тушунчалар дунёни ўзгача талқин қилар эди. Ўшанда ҳамма одамлар дунёни ясси текислик деб ўйлар ва ҳамма илмий ҳисоблаш ва тушунтиришлар мана шу ақидага асосланар эди. Аммо муқаддас Қуръон коинотни тасвирлашга келганда энг аниқ сўзларни топиб ишлатган. Фақатгина бизнинг асримизда тўғри идрок этиладиган бу фактлар Қуръонда жуда узоқ вақтдан бери мавжуд бўлиб келган.



Қуръон (оятларининг маънолари) хакида
(чуқуррок) фикр юритмайдиларми?
Агар (у) Аллоҳдан ўзганинг хузуридан
(келган) бўлса эди, унда кўп
ихтилофларни топган бўлур
эдилар.
(„Нисо“ сураси, 82-оят)

ЕРНИНГ ГЕОИД ШАКЛИ

Шундан кейин Ерни (туяқуш тухуми шаклида) *ёйиб, текислаб қўйди.*
(„Нозиот“ сураси, 30- оят)

Юқоридаги оятда, „*даҳаа*“ сўзи асл араб тилида ишлатилган. „*ёйиб, текислаб қўйди*“ деб таржима қилинган бу сўз „*ёзмоқ, ёймоқ, тўшамоқ*“ маъносини англатувчи „*даҳав*“ сўзидан келиб чиққан. Гарчи „*даҳав*“ сўзи суртмоқ ёки тартибга солмоқ маъноларини ҳам англатса-да, у оддийгина қилиб тартибга солишни эмас, балки доира шаклида тартибга солишни тасвирлайди.

Айлана тушунчаси „*даҳав*“ сўзидан ясалган бошқа сўзларда ҳам учрайди. Масалан, „*даҳав*“ сўзи ўйин майдонидаги тешикка болаларнинг тўп туширишини, тошларни тешикка тушириш билан боғлиқ ўйинлар ва ёнғоқлар билан ўйналадиган ўйинларга нисбатан ҳам ишлатилади. Бу сўз ўзагидан ясалган сўзлар туяқушнинг уя қуриши, ўзи ётадиган, тухум қўядиган жойларини тошдан тозалаш ва тухумининг ўзига нисбатан ҳам ишлатилади.

Дарҳақиқат, Ер тухумга ўхшаб кетадиган тарзда думалоқ шаклда. Ернинг бир оз яссиланган шарсимон шакли геоид номи билан маълум. Мана шу нуқтаи назардан, „*даҳаа*“ сўзининг ишла-

тилиши Аллоҳ Ерга берган шакли

ҳақида муҳим маълумотни ўз

ичига олади. Узоқ асрлар да-

вомида одамлар Ерни

бутунлай ясси деб та-

саввур қилишар эди ва

фақатгина яқиндагина

янги технологиялар

шарофати билан ҳа-

қиқатни билиб олиш-

ди. Дарвоқе, бу ҳа-

қиқат Қуръонда ўн

тўрт аср илгари ва-

ҳий қилинган эди.



ЕР ВА ФАЗОНИНГ ДИАМЕТРЛАРИ

Эй жинлар ва инсонлар жамоаси! Агар сизлар осмонлар ва Ер ҳудудларидан ўтиб кетишга қодир бўлсангиз, ўтиб кетаверингиз! Кучқудратсиз сира ўтиб кета олмагaysиз! („Ар-Раҳмон сураси, 33- оят)

Юқоридаги оятда „худудлар“ деб таржима қилинган арабча сўз „ақтоор“дир. Бу диаметр деган маънони англатувчи „қутр“ сўзининг кўплик шаклидир, у осмонлар ва Ернинг кўп диаметрлари борлигини англатади. Араб тилида ишлатилган сўзнинг шаклидан унинг бирлик, кўплик (иккитадан кўп) ёки иккилик шаклида ишлатилганлигини айтиб бериш мумкин. Шунинг учун бу ерда ишлатилган сўзнинг шакли кўплик бўлиб, у яна бир мўъжизавий маълумотни назарда тутади.

Уч ўлчовли жисм, у фақат бекам-кўст шарсимон бўлгандагина бир диаметрли бўлади, дейиш мумкин. „Диаметрлар“ атамаси фақатгина носимметрик, лекин, асосан, шарсимон шакли билдиради. Қуръонда танланган „диаметрлар“ сўзи Ернинг геоид шакли ҳақида аломат бериши нуқтаи назаридан жуда аҳамиятлидир. Оятдаги иккинчи диққатга сазовор мавзу Ер ва осмонларнинг диаметрлар жиҳатдан алоҳида-алоҳида эслатиб ўтилганлигидадир.

Альберт Эйнштейннинг „умумий тортишиш назарияси“га биноан, коинот кенгайиб бормоқда. Лекин бу галактикалар ва бошқа самовий жисмлар космосда тўзғиб юрибди, деган маънони англатмайди. Бу космоснинг кенгайётганлигини ва галактикалар орасидаги масофа ўсаётганлигини англатади.

„Ар-Раҳмон“ сурасининг 33-оятдаги „осмонлар ҳудудлари“нинг таърифи космоснинг шарсимон структурадан иборат эканлигини кўрсатади. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.) Шу йўсинда космоснинг диаметрлари космосдаги турли нуқталардан олиб қаралганда турлича бўлади, демак, мунтазам кенгайиб бораётган космоснинг диаметрлари ҳам фарқланиб бораверади. Мана шу нуқтаи назардан „чегара, ҳудуд“ маъносини англатувчи сўзнинг кўплик шаклда ишлатилиши донолик тимсолидир ва бу ҳам Қуръоннинг ҳамма нарсадан хабардор Парвардигоримизнинг ваҳийси эканлигидан нишонадир.

АТМОСФЕРА ҚАТЛАМЛАРИ

Коинот ҳақида Куръон оятларида хабар берилган далиллардан бири – осмоннинг етти қатламдан ташкил этилганлигидир.

У шундай зотки, сизлар учун Ердаги барча нарсаларни яратди. Сўнгра само сари „турди-да“, уни *етти қават осмондан* иборат қилиб қўйди. У барча нарсани билувчи (доно)дир. („Бақара“ сураси, 29- оят)

Сўнгра тутун ҳолатда бўлган осмонни (яратишни) қасд этди. Бас, икки кунда *етти осмонни* барпо қилди ва ҳар бир осмонга (унга буюрилган) ишни (вазифасини) ваҳий қилди. („Фуссилат“ сураси, 11–12- оятлар)

Куръоннинг бир қанча оятларида учрайдиган „осмонлар“ сўзи ернинг юқорисидаги осмонга ҳамда бутун коинотга нисбатан ишлатилган. Мазкур сўзнинг берилган бу маъносидан шу нарсани англаш мумкинки, Ернинг осмони ёки атмосфераси етти қатлам қилиб яратилган.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда шу нарса маълумки, бизнинг дунёимизнинг атмосфераси бир-бирининг устида ётувчи турли қатламлардан иборат.²⁰ Кимёвий таркиблар ёки ҳаво температура мезонларига асосланган таърифлар Ер атмосферасининг етти қатламдан иборат эканлигини таъкидлайди.²¹ „Чекли нозик Тўр модели“ (об-ҳаво ҳолатларини 48 соат учун аниқлаб берадиган атмосфера модели) га кўра атмосферанинг ҳам етти қатлами бор.

Замонавий геологик таърифларга кўра, атмосферанинг етти қатлами қуйидагилардан иборат:

1. Тропосфера.
2. Стратосфера.
3. Мезосфера.
4. Термосфера.
5. Эгзосфера.
6. Ионосфера.
7. Магнитосфера.

Куръондаги „Фуссилат“ сурасининг 12- оятида „(У) ҳар бир осмонга (унга буюрилган) ишни (вазифасини) ваҳий қилди,“ деб таъкидланади. Бошқа сўзлар билан айтганда, Аллоҳ ҳар бир осмонга ўз бурчини, мажбуриятини юклаганини маълум қилади. Шубҳасиз, кейинроқ бериладиган бўлимларда кўрсатиб ўтилгандек, бу қатлам-

ларнинг ҳар бири Ер юзидаги инсоният ва барча жонзотларнинг яшаши учун жуда муҳим вазифани ўтайди. Ҳар бир қатламнинг ёмғирни шакллантиришдан тортиб токи зарарли нурларнинг олдини олиш, радиотўлқинларни акс эттиришдан тортиб токи метеоритлар ҳалокатли оқибатларининг олдини олишдек ўзига хос функциялари бор.


Қуйида қайд этилган оятлар атмосфера етти қатламининг кўриниши ҳақида бизга маълумот беради:

Кўрмадингизми, Аллоҳ етти осмонни қандай қаватма-қават қилиб яратди. („Нух“ сураси, 15- оят)

(У) етти осмонни қатма-қат қилиб яратган зотдир, („Мулк“ сураси, 3- оят)

Бу оятларда ўзбек тилига „қаватма-қават, қатма-қат“ деб таржима қилинган „*тибаақ*“ арабча сўзи „қатлам, мос қоплама ёки бирор нарса учун жилд“ маъноларини англатади ва бу юқоридаги қатлам қуйироқдагисига қандай мувофиқ мослаштирилганлигига урғу беради. Ушбу сўз бу ерда ҳам кўплик шаклида ишлатилган. Осмоннинг оятда қатма-қат деб тасвирланганлиги, шубҳасиз, атмосфера ҳақида билдирилган жуда мукамал иборадир.

XX аср технологияларисиз кашф қилишнинг имкони бўлмаган бу ҳақиқатлар ҳақида 1400 йил муқаддам Қуръони Каримда муфассал хабар берилиши улкан бир мўъжизадир.



Атмосфера фақатгина ҳаёт учун талаб этиладиган нурларнинг Ерча етиб келишига йўл қўяди. Масалан, у ультрабинафша нурларни дунёга фақатгина қисман етказиб беради. Бу ўсимликларга фотосинтез ҳодисасини амалга оширишига ва шу жумладан, барча жонзотларнинг яшашига имкон берадиган энг тўғри миқдордир.

ЯХШИ ҲИМОЯЛАНГАН ОСМОН

Қуръонда Аллоҳ бизнинг эътиборимизни осмоннинг жуда бир муҳим хусусиятига тортади:

Осмонни сақлаиб турувчи том қилиб қўйдик. Улар (мушриклар) эса уларнинг аломатларидан юз ўгирувчидирлар. („Анбиё“ сураси, 32- оят)

Осмоннинг бу хусусияти XX асрда амалга оширилган илмий тадқиқотлар орқали исботланди: Ерни ўраб турган атмосфера ҳаётнинг давом этиши учун аҳамиятли функцияларни бажаради. У Ерга яқинлашиб келган кўплаб катта-кичик метеоритларни йўқ қилиб, уларнинг Ерга қулаб тушишини бартараф қилади ва мавжудотларга зарар етказишнинг олдини олади.

Бундан ташқари, атмосфера жонзотларга зарарли бўлган, космосдан кириб келувчи ёруғлик нурланишларини филтрлайди. Атмосферадаги бу функциянинг энг ҳайратга қолдирадиган жиҳати шундаки, у фақатгина хавфсиз ва фойдали нурларни — кўринадиган ёруғлик, ультрабинафшага яқин бўлган нур ва радиотўлқинларни ўтказди. Бу радиацияларнинг барчаси ҳаёт учун зарурийдир. Атмосфера фақатгина қисман ўтказадиган ультрабинафшага яқин бўлган нурлар ўсимликларнинг фотосинтези ҳамда барча мавжудотларнинг яшаши учун жуда муҳим роль ўйнайди. Қуёшдан чиқадиган кўпчилик хавфли ультрабинафша нурлар атмосферанинг азон қатламида филтрланади. Ультрабинафша нурлар спектрининг фақат чекланган ва зарурий қисмигина Ерғача етиб келади.

Атмосферанинг ҳимояловчи функцияси шу билан тугамайди. Атмосфера, шу билан бирга, космоснинг тахминан -270°C (-454°F) бўлган аёвсиз совуғидан Ерни асрайди.

Ерни зарарли таъсирлардан ёлғиз атмосферанинг ўзи ҳимоя қилмайди. Атмосферага қўшимча равишда Ван Аллен белбоғи — Ернинг магнит майдонидан ҳосил бўлган қатлам ҳам бизнинг сайёрамизга таҳдид солувчи зарарли радиацияларга қарши қалқон бўлиб хизмат қилади. Қуёш ва бошқа юлдузлардан муттасил чиқадиган бу радиация тирик жонзотларга ҳалокатли таъсир қилади. Агарда Ван Аллен белбоғи бўлмаганда эди, Қуёшда вақт-вақти билан содир бўладиган „Қуёш чақнашлари“ деб аталувчи жуда катта энергия портлашлари Ер юзидаги ҳаётни барбод қилган бўлар

эди. Ван Аллен белбоғининг аҳамияти тўғрисида Доктор Хюг Росс шундай дейди:

Аслида бизнинг Куёш системамиздаги сайёраларнинг бирортасида ҳам Ерникидек ўта юқори зичлик мавжуд эмас. Бу улкан никель-темир ядро бизнинг улкан магнит майдонимиз учун масъулдир. Бу магнит майдон Ван Аллен радиация қалқони (белбоғи) ни ҳосил қиладики, у Ерни радиация бомбардимонларидан ҳимоя қилади. Агар бу қалқон бўлмаганда эди, Ер юзида тирикликдан нишон бўлмас эди. Магнит майдонга эга бўлган бошқа ягона қоятошли сайёра бу – Меркурийдир, аммо ундаги магнит майдоннинг қуввати Ерникига нисбатан 100 баробар кучсиздир. Ҳатто бизнинг *сингил* сайёраимиз бўлган Венера ҳам магнит майдонга эга эмас. Ван Аллен радиация қалқони Ерга ато қилинган танҳо конструкциядир.²²



Ернинг магнит майдони туфайли юзага келадиган магнитосфера қатлами Ерни самовий жисмлар, зарарли космик нурлар ва зарралардан ҳимоя қилувчи қалқон вазифасини ўтайди. Юқоридаги расмда Ван Аллен белбоғи деб ҳам аталадиган бу магнитосфера қатлами кўриниб турибди. Ердан бир неча километр юқорида ўрин олган бу белбоғлар Ер юзидаги тирик жонзотларни космосдан етиб келиши муқаррар бўлган фалокатли энергиялардан ҳимоя қилади.

Бу илмий топилмаларнинг барчаси дунёнинг ўзгача усулда ҳимоя қилинганлигидан далолат беради. Муҳими шундаки, яратилган бу ҳимоя ўн тўрт аср илгари Қуръони Каримнинг „Осмонни сақлаиб турувчи том қилиб қўйдик“, деган оятида маълум қилинган эди.



Осмонга боқаятган аксари одамлар атмосферанинг ҳимояловчи жиҳати ҳақида мулоҳаза юритмайдилар. Улар деярли ҳеч қачон агар бу структура бўлмаганда дунёнинг қандай макон бўлиши мумкинлиги тўғрисида ўйлаб кўришмайди. Юқоридаги фотосурат АҚШнинг Аризона штатига тушган метеорит ҳосил қилган баҳайбат кратерга оиддир. Агар атмосфера бўлмаганида миллионлаб метеоритлар Ерга тушган ва Ер яшаб бўлмас харобага айланган бўлар эди. Бироқ атмосферанинг ҳимояловчилик жиҳати тирик жонзотларнинг беҳатар ҳаёт кечиришига имконият яратади. Бу, шаксиз, Аллоҳнинг ўз бандаларига берган паноҳи, шунингдек, Қуръонда тантанавор эълон қилинган мўъжизадир.

Бир неча йиллар олдин аниқланган мана шундай портлашларнинг фақат биттаси узатадиган энергия Иккинчи жаҳон уруши охирида Хиросима устига ташланган бомбага ўхшаш атом бомбаларидан 100 миллиардига тенг эканлиги ҳисоблаб чиқилган. Портлаш содир бўлгач, эллик саккиз соатдан сўнг компасларнинг магнитли миллиари ноодатий ҳаракатларни намоён қилганлиги ва Ер атмосферасидан 250 км (155 миля) баландликда температура тўсатдан 2500°C (4532°F) га чиқиб кетганлиги кузатилди.

Қисқаси, Ердан жуда баландда мукамал бир тизим ишлаб турибди. У биз яшаб турган дунёни ўраб туради ва уни ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилади. Кўп асрлар муқаддам бу ҳимоячи қалқон вазифасида хизмат қилаётган дунёнинг атмосфераси ҳақида Аллоҳ бизга Қуръонда хабар берган эди.

ГУМБАЗ ҚИЛИБ ЯРАТИЛГАН ОСМОН

У сизлар учун Ерни „пояндоз“, осмонни „бино“ қилиб қўйди ва осмондан сув тушириб, у сабабли сизларга ризқ сифатида мевалар (мевали дарахтлар)ни ундирди. Бас, билиб туриб, Аллоҳга (ибодатда) бошқа (сохта маъбуда)ларни тенглаштирмангиз! („Бақара“ сураси, 22- оят)

Бу оятда осмон „ас-самаъ бинааъ“ деб тасвирланган. „Гумбаз“ ёки „шифт“ маъноларини ҳам англатадиган бу сўз бадавийлар томонидан ишлатилган чодирга ўхшаб кетувчи бошпанани ҳам тасвирлайди.²³ Осмонни чодирга ўхшаш бино деб тасвирлаш билан Қуръон унинг ташқи элементларга қарши ҳимоя шакли эканлигига урғу бермоқда.

Ҳаттоки биз беҳабар бўлсак-да, кўп сонли метеоритлар худди бошқа сайёраларга тушгани каби, бизнинг Еримизга ҳам тушади. Бу метеоритлар нима учундир бошқа сайёраларда улкан кратерлар ясайди-ю, бизнинг Еримизга келганда бирор зарар етказмайди. Бунга асосий сабаб – Ернинг метеорит тушишига қаттиқ қаршилик кўрсатишидандир. Метеорит бу қаршиликка узоқ бардош бера олмайди ва ишқаланиш таъсирида ёниб кетиши билан ўзининг катта миқдордаги массасини йўқотади. Оғир мусибатларга гирифтор қилиши мумкин бўлган хавф, атмосферанинг мавжудлиги туфайли шу йўсинда бартараф этилади. Атмосферанинг ҳимояловчи хислати билан боғлиқ юқорида қайд этилган оятларга қўшимча равишда, эътиборимизни қуйидаги оятда тасвирланган атайлаб яратилган-ликка қаратамиз:

Аллоҳ сизларга ердаги нарсаларни ва денгизда Унинг амри билан сузаётган кемаларни бўйсундириб қўйганини ҳамда ўзи осмонни *Ерга изнисиз қулаб тушишдан тутиб туришини* кўрмадингизми?! Дарҳақиқат, Аллоҳ одамларга нисбатан меҳрибон ва раҳмлидир. („Ҳаж“ сураси, 65- оят)

Бундан олдинги бўлимларда муҳокама қилинган атмосферанинг ҳимояловчи хислати Ерни космосдан, бошқача айтганда, ташқи элементлардан асрайди. Юқоридаги оятда осмонга ишора қилувчи „гумбаз“ сўзи билан бизнинг эътиборимиз Пайғамбаримиз (с.а.в.) даврида билишнинг имкони бўлмаган осмоннинг бу жиҳатларига қаратилади.

Бу маълумотларнинг 1400 йил аввал, ҳали космик кемалар ва

баҳайбат телескоплар бўлмаган бир пайтда, Қуръонда айтилиши шу нарсдан далолат берадики, Қуръон ҳамма нарсани билгувчи Парвардигоримизнинг сўзидир.

Ҳар йили декабрь ойининг иккинчи ҳафтасида Геминид метеорит ёмғирининг энг кучайган пайти кузатилади. Фотосуратдаги қисқа чизиқлар юлдузларга тегишли излардир; узунроқ чизиқлар эса метеоритларга тегишли. Суратда кўриниб турган ёмғирдаги метеоритлар соатига 58 тагача тушади.



ҚАЙТАРУВЧИ ОСМОН

Қуръондаги „Ториқ“ сурасининг 11-ояти осмоннинг қайтарувчанлик функцияси ҳақида хабар беради:


Қасамёд этаман қайтарувчи осмон билан. („Ториқ“ сураси, 11- оят)

Қуръон таржималарида „қайтармоқ“ деб берилган арабча „*ражъ*“ сўзи „орқага жўнатувчи“ ёки „қайтарувчи“ каби маъноларга эга. Маълумки, Ерни ўраб турган атмосфера кўп қатламлардан ташкил топган. Ҳар бир қатлам Ер юзида ҳаётни таъмин этишдек муҳим мақсад сари хизмат қилади. Тадқиқотлар бу қатламларнинг дуч келинган материал ёки нурларни қаердан келган бўлса, ўша ёққа, агар космосдан келган бўлса, яна космосга, агар Ердан келса, яна Ерга қайтариб юбориш функциясига эга эканлигини аниқлади. Энди келинг, Ерни ўраб турган қатламларнинг бундай қайтарувчанлик функциясини бир неча ўринли мисоллар орқали текшириб кўрамиз.


Ердан 13–15 километр (8–9,3 миля) баландликда бўлган тропосфера Ер юзидан кўтариладиган сув буғларини суюлтириб, орқага ёмғир қилиб жўнатади. Ердан 25 километр (15,5 миля) баландликдаги стратосферанинг қуйи қатлами бўлган озон қатлами космосдан келаётган зарарли радиациялар ҳамда ультрабинафша нурларни акс эттириб, ҳар иккаласини ҳам қайтариб космосга жўнатади.

Ионосфера Ердан узатиладиган радиотўлқинларни, худди пасив алоқа тизими бўлган сунъий йўлдошлар каби акс эттириб, дунёнинг турли бурчакларига қайтаради. Шу йўсинда, у электр симисиз алоқа, радио ва телевизион эшиттиришларни жуда узоқ масофаларга етказиш имкониятини таъминлайди. Магнитосфера қатлами Қуёш ва бошқа юлдузлардан чиқадиган зарарли радиоактив зарраларни Ерга етиб келмасиданоқ космосга қайтариб юборади.


Бор-йўғи яқин ўтмишдагина аниқланган атмосфера қатламларининг бу хислати минг йиллар бурун Қуръонда хабар берилган эдики, у яна бир бор Қуръон Аллоҳнинг каломи эканлигини тасдиқлайди.



Ердаги ҳаёт учун сувнинг бўлиши жуда зарур. Сувнинг ҳосил бўлишида роль ўйнайдиган омилларнинг бири атмосферанинг қатламларидан бири бўлган тропосферадир. Тропосфера қатлами Ер юзидан кўтарилган сув буғларини суюлтиради ва ўша заҳотиёқ Ерда ёмғир шаклида қайтаради.



Ердаги ҳаёт учун фалокатли бўлиши мумкин бўлган нурларнинг ўтишига тўсқинлик қилувчи атмосфера қатлами озоносферадир. Озоносфера ультрабинафша каби зарарли космик нурларни қайтариб яна космосга жўнатади ва шу тарзда бу нурларнинг Ерда етиб келиши ва ҳаётга зарар етказишининг олдини олади.



Атмосферанинг ҳар бир қатлами инсонлар учун фойдали хислатларга эга. Мисол учун, ионосфера қатлами маълум бир марказдан узатилаётган радиотўлқинларни акс эттириб, Ерда қайтаради ва шу йўсинда теле ва радиоэшиштиришларни узоқ масофалардан қабул қилинишига имкон яратади.

ЕРНИНГ ҚАТЛАМЛАРИ

Қуръонда Ер ҳақида берилган маълумотлардан бири унинг етти қатламли осмонга ўхшатишга эришганлигидадир.

Аллоҳ *етти осмонни ва Ердан ҳам ўшанча миқдорни (етти қаватни)* яратган зотдир. (Аллоҳнинг) амри (фармони) уларнинг (осмон ва Ер) ўртасида нозил бўлиб турар. Токи сизлар Аллоҳнинг барча нарсага қодир эканини ва Аллоҳ барча нарсани (Ўз) билими билан ихота қилиб олганини билишларингиз учун (У шундай қилди). („Талоқ“ сураси, 12- оят)

Юқорида берилган оятдаги маълумот илмий манбаларда ўз тасдиғини топган. Бу манбаларда айтилишича Ер етти қатламдан ташкил топган. Олимлар томонидан аниқланган бу қатламлар куйидагичадир:

- 1-қатлам. Сув литосфераси.
- 2-қатлам. Ер литосфераси.
- 3-қатлам. Астеносфера.
- 4-қатлам. Юқори мантия.
- 5-қатлам. Ички мантия.
- 6-қатлам. Ташқи ядро.
- 7-қатлам. Ички ядро.

Литосфера сўзи грекча „*литос*“ сўзидан ясалган бўлиб, „тош“ маъносини англатади ва бу Ернинг устки қатламини ташкил этувчи қаттиқ қатлам ҳисобланади. Бу қатлам бошқа қатламларга нисбатан анча юпқа. Океанлар тубидаги литосфера ундан-да юпқароқ бўлиб, вулқон ҳаракатлари кўп содир бўладиган ҳудуд ҳисобланади. Унинг ўртача қалинлиги 80 км (49,7 миля) га тенг. У бошқа қатламларга қараганда совуқроқ ва қаттиқроқ бўлгани боис, Ернинг қобиғини ҳосил қилади.

Литосферадан кейин келувчи қатлам астеносфера бўлиб, у „кучсиз, заиф“ маъноларини англатувчи *астенес* сўзидан келиб чиққан. Бу қатлам литосферага қараганда юпқароқ ва кўчувчан. У геологик вақт давомида юқори температура ва босим остида қўйилганда эрийдиган иссиқ, ярим қаттиқ моддалардан ташкил топган. Шу сабабли ҳам, қаттиқ литосфера секин кўчаётган астеносфера узра сузади ёки силжийди.²⁴ Бу қатламлар остида 2900 км (1800 миля) қалинликдаги ярим қаттиқ тошли жинслардан

иборат мантия деб номланувчи юқори температурали қатлам ётади. Бу қатлам Ер қобиғига нисбатан кўпроқ темир, магний ва кальцийни ўз ичига олади, шунингдек, у иссиқроқ ва зичроқдир, чунки Ердаги температура ва зичлик чуқурлашган сари ўсиб боради.

Ернинг қоқ марказида ядро жойлашган бўлиб, у мантияга нисбатан тахминан икки баробар зичроқдир. Бундай зичликка сабаб, унинг тошли жинсларга қараганда юқори нисбатли металллар (темир-никель қотишмаси)дан ташкил топганлигидадир. Ернинг ядроси икки қисмдан иборат. Уларнинг бири 2200 км (1370 миля) қалинликдаги суюқ ташқи ядро ва иккинчиси 1250 км (777 миля) қалинликдаги қаттиқ ички ядродир. Суюқ ташқи ядро Ер айланганда, сайёранинг магнит майдонини таъминлаб беради.

Ер ва осмон қатламлари ўртасидаги ўхшашлик ҳақидаги бу ҳақиқат фақатгина XX аср технологиялари орқали аниқланганлиги шубҳасиз, Қуръоннинг бошқа бир илмий мўъжизасидир.



Ер литосфераси

Сув
литосфераси

ЕРНИНГ ҰЗИДАГИ ЮКНИ ЮЗАГА ЧИҚАРИШИ

Қачонки, Ер ўзининг зилзиласи билан қимирлаганида, Ер „юк“ларини (юзага) чиқариб ташлаганида ва инсон: „Унга не бўлди экан?“ – деб қолганида – ана ўша кунда Ер ўз хабарларини сўзлар. („Залзала“ сураси, 1–4- оятлар)

Араб тилидаги „зилзаал“ сўзи ер қимирлаши ёки силкинишини англатади, „асқоолаҳаа“ сўзи эса „юк, оғир юклар“ деган маънони беради. Агар юқоридаги оятлар биринчи маъно нуқтаи назаридан олиб қаралса, гап зилзилалар ҳақидаги муҳим бир илмий ҳақиқат хусусида кетаётганлиги яққол кўринади.

„Залзала“ сурасининг 2-ояти Ернинг ўз юкларини юзага чиқаришини қайд этган. Ростдан ҳам, кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқландики, Ернинг марказида оғир металллар мавжуд ва бу металллар Ер юзасига ҳаракатлар туфайли чиқиб келади. Геолог мутахассисларнинг ҳисоблашларига кўра, Ер совиганда, оғир ва зич моддалар уларнинг марказига чўккан, енгил моддалар эса юзасига чиқиб қолган. Шу сабабдан, Ернинг қобиғи унча оғир бўлмаган моддалар (базальт, гранит тошлар) дан ташкил топган. Оғир металл (никель ва темир) лар эса ядрога тўпланган. Демак, эриган металллардан ташкил топган ер остидаги қатлам юзадагига қараганда оғирроқ ва зичроқ материаллардан иборат.

Зилзилалар давомида юза остидаги оғир моддалар юқорига чиқиш имкониятига эга бўлади ва Ер шу йўсинда ўзининг юкларини, Қуръонда зикр этилганидек, юзага чиқариб ташлайди. Жумладан, металл захиралари энг кўп жамланган ҳудудлар вулқон фаолияти энг кўп кузатиладиган ҳудудлар ҳамдир. Кенг кўламда олиб борилган тадқиқотлар натижасида яқинда пайдо бўлган бу илмий топилмалар Аллоҳ томонидан Қуръонда кўрсатиб ўтилган илмий далиллардан бир шингилдир, холос.



ТОҒЛАРНИНГ РОЛИ

Қуръон диққатни тоғларнинг жуда муҳим геологик функцияларига тортади:

Ер уларни (одамларни) тебратмаслиги учун унда мустаҳкам турувчи тоғларни (пайдо) қилдик ... („Анбиё“ сураси, 31- оят)

Оятда хабар берилишича, тоғлар Ердаги силкинишларнинг олдини олиш функциясини бажаради. Қуръон нозил қилинган пайтда бу чин ҳақиқатни ҳеч ким билмас эди. Бу ҳақиқат олиб борилган замонавий геологик тадқиқотлар натижасида яқиндагина очилди.

Илгарилари тоғлар Ер юзасида қад кўтарган бўртмалар холос, деб тушунилар эди. Аммо олимлар унинг асло бундай эмаслиги ва тоғ илдици номини олган қисмлар пастга қараб тоғларнинг баландлигидан 10–15 баробар кўпроқ кириб кетганлигини кашф қилишди. Мана шу хусусияти билан тоғлар чодирни мустаҳкам тутиб турувчи мих ёки қозикқа ўхшаш ролни ижро этади. Мисол учун, чўққиси Ер юзасидан тахминан 9 км баланд бўлган Эверест тоғининг 125 км (77,7 миля)дан чуқурроқ илдици бор.²⁵

Тоғлар Ер қобифини ташкил этувчи жуда катта тектоник плиталарнинг кўчиши ва тўқнашуви натижасида ҳосил бўлади. Иккита тектоник плита тўқнашганда улардан кучлироғи бошқасининг тагига сирғалиб киради, тепада қолгани эса қайрилади ва тепаликлар ҳамда тоғлар шаклини олади. Пастда қолган қатлам ер тагига кириб боришда давом этади ва пастга қараб чуқур узайтма ясайди. Пировардида, олдинроқ айтиб ўтганимиздагидек, тоғлар Ер юзида кўриниб турувчи қисми каби пастга томон чўзилган катта қисмга эга бўлади.


Илмий бир манбада тоғларнинг структураси қуйидагидек тасвирланади:

Куруқликлар, тоғ тизмаларига ўхшаб қанчалик қалин бўлса, ўша ердаги қобиқ шунчалик мантияга чўқади.²⁶

Жаҳонга машҳур сув ости геологи профессор Сиаведа тоғларда уларни юзадаги қисмга маҳкам тутиб турувчи илдицимон поя борлигига қарата қуйидагича изоҳ беради:



Тоғларнинг ер юзаси остида чуқур илдизлари бўлади. (Франк Пресс ва Реймонд Сивер, *Earth* (Ер), 3-нашри [Сан-Франциско: W.H.Freeman & Company:1982], 413.)



Схематик кесма. Тоғларнинг қозиққа ўхшаб ерни ўйиб кирган чуқур илдизлари мавжуд. (Андре Кейллуks ва Ж. Муди Стюарт. *Anatomy of the Earth* (Ер анатомияси). [McGraw-Hill Companies: 1968], 220.)



Бошқа бир расм, чуқур илдизлари борлиги туфайли, тоғларнинг шаклан қанчалик қозиқсимон эканлигини кўрсатади. (Эдуард Ж. Тарбук ва Фредрик К. Лутгенс. *Earth Science* (Ер ҳақидаги фан). [АҚШ: Macmillan USA: 1993], 158.)

Континентал тоғлар ва океан тоғлари ўртасидаги асосий фарқ уларнинг материалларидадир ... *Лекин ҳар иккала тоғдаги умумий махраж уларда тоғларни тутиб турувчи илдизларнинг борлигидир. Континентал тоғлар мисолида, тоғнинг енгил — паст зичликдаги материали ер қаърига томон илдиздек ботган бўлади. Океан тоғлари мисолида, у ерда ҳам илдиз сифатида тоғларни тутиб турадиган енгил материаллари бор.* Шундай қилиб, илдизларнинг вазифаси, Архимед қонунларига кўра, тоғларни тутиб туришдан иборат.²⁷

Шунингдек, кўплаб АҚШ университетларида дарслик сифатида фойдаланилаётган, АҚШ Миллий Фанлар академияси собиқ президенти доктор Франк Пресс муаллифлиги остидаги *Earth* (Ер) номли китоб тоғлар қозиққа ўхшаш ва улар Ер юзасининг остида чуқур кўмилган деб маълумот беради.²⁸

Бошқа оятларда тоғларнинг бу роли „қозиқлар“ га таққосланиб таъкидланади:

Биз Ерни тўшак қилиб қўймадикми?! Тоғларни эса (Ерни тутиб турувчи) қозиқлар қилиб қўймадикми?! („Набаъ“ сураси, 6—7- оятлар)

Яна бир оятда эса Аллоҳ „**Тоғларни эса (Ерга) ўрнаштирди“ („Нозийот“ сураси, 32- оят)** деб ваҳий қилади. Бу оятдаги „*арсаахаа*“ сўзи „илдизли қилинди, ўрнатилди, ерга михлаб қўйилди“ каби маъноларни англатади. Шунга ўхшаб, тоғлар юза қатламигача чўзилади ва юза устидаги ҳамда остидаги чизиқларни бирлаштириб, уларни бир-бирига михлайди. Ернинг қобиғини мустаҳкамлаш орқали улар магма қатлами ёки қатламларнинг ўзлари ўртасидаги ҳар қандай сирпанишлар олдини олади. Қисқаси, тоғлар ёғоч тахталарни бирга ушлаб турувчи михларга таққосланиши мумкин. Тоғларнинг маҳкамловчилик таъсири илмий адабиётларда *изостазия* деб юритилади. *Изостазия* деганда, мантия қатлами орқали юзага келадиган юқорига йўналган куч ва Ернинг қобиғи орқали юзага келадиган пастга йўналган куч ўртасидаги мувозанатлик ҳолати тушунилади. Тоғлар емирилиши, тупроқ йўқотиши ёки музликларнинг эриши натижасида ўз массасини йўқотар экан, улар яна бу йўқотилган масса ўрнини музликлар пайдо бўлиши, вулқон портлашлари ёки тупроқ пайдо бўлиши билан тўлдиради. Шу тарзда, агар тоғлар енгиллашиб қолса, ер остидаги суюқликларда ҳосил бўладиган катта куч уларни юқорига қараб итаради. Ёки аксинча, агар тоғлар оғирлашиб кетса, улар мантияга томон ернинг тортишиш кучи таъсирида босилади. Бу икки куч ўртасидаги мувозанат

изостазия орқали юзага келади. Илмий бир манбада тоғларнинг мувозанат сақлаш хусусияти қуйидагича ёритилган:

1985 йилда Г. Б. Эйри Ернинг қобиғини сув устида сузиб юрган ёғоч солга ўхшатиш мумкинлиги тўғрисидаги фаразни ўртага ташлади. Ёғочнинг қалин бўлаклари сув юзасида юпқа бўлақларга нисбатан баландроқда сузади ва шунга ўхшаб Ер қобиғининг қалин бўлаклари юқори зичликдаги суюқлик ёки пластик тупроқости қатлами устида сузади. Эйрининг айтишича, тоғларда текисликда учрамайдиган пастроқ зичликдаги тоғ жинсли чуқур илдизлар мавжуд. Эйри ўз асарини нашр қилгандан сўнг тўрт йил ўтгач, Ж. Ҳ. Пратт бошқа бир муқобил гипотезани таклиф қилди ... Бу гипотезага кўра, тоғлар остидаги қалин жинсли устунлар ўзларининг жуда узунлиги боис, текисликлар остидаги калтароқ жинсли устунларга нисбатан пастроқ зичликда бўлиши керак. Эйри ҳамда Праттларнинг ҳар иккала гипотезасида, юзанинг носимметрикликлари қобиқнинг катта қисмлари (тоғлар ва текисликлар) остида жойлашган жинсларнинг зичлигидаги фарқлар орқали мувозанатга келишини кўзда тутди. Бу МУВОЗАНАТ ҳолати ИЗОСТАЗИЯ тушунчаси каби таърифланади.²⁹

Бугунги кунда биламизки, Ер юзасининг тоғ жинсли қатлами чуқур ёриқлар томонидан синади ва эриган лава узра сузувчи тектоник плиталарга бўлинади. Ер ўз ўқи атрофида жуда тез айланиши боис, агар тоғларнинг маҳкамловчилик таъсири бўлмаганда эди, бу плиталар силжиб кўчар эди. Бундай шароитда, Ер юзасида тупроқ тўпланмаган, тупроқда сув йиғилмаган, бирор ўсимлик ўсмаган ва бирор йўл ёки уйлар қурилмаган бўлар эди. Қисқаси, Ерда ҳаётнинг бўлишига имконият туғилмаган бўлар эди. Бироқ Аллоҳнинг марҳамати билан тоғлар михлардек фаолият кўрсатади ва катта даражада Ер юзасининг ҳаракатини тўхтатиб туради.

Замонавий геологик ва сейсмик тадқиқотлар орқали кашф қилинган тоғларнинг муҳим роли Қуръони Каримда кўп асрлар муқаддам Аллоҳнинг яратишида буюк донолик ётишига мисол қилиб ваҳий қилинган эди.

... (У) сизларни тебратмаслиги учун Ерда мустаҳкам турувчи тоғларни барпо қилди ... („Луқмон“ сураси, 10- оят)

ҲАРАКАТДАГИ ТОҒЛАР

Оятларнинг бирида, бизга тоғларнинг кўриниб турганидек ҳаракатсиз эмас, балки муттасил ҳаракатда эканлиги тўғрисида хабар берилади:

Сиз тоғларни кўриб қотиб турувчи, деб ўйларсиз. Ҳолбуки, улар ҳам худди булутлар юргандек юрарлар. („Намл“ сураси, 88- оят)

Тоғларнинг ҳаракати улар жойлашган Ер қобиғининг ҳаракатлари орқали рўй беради. Ернинг қобиғи, зичроқ бўлган мантия қатлами устида „сузиб юради“. XX аср бошида, тарихда биринчи марта, немис олими Альфред Вегенер Ернинг материклари Ер пайдо бўлган вақтда бир-бирига ёпишган бўлганлиги, лекин кейинроқ турли томонларга „оқиб“ кетганлиги, яъни улар бир-биридан узоқлашиши сабабли ажралиб кетганлиги тўғрисида ўз фикрини баён қилди.

Геологлар Вегенер вафотидан 50 йил сўнг, 1980 йиллардагина унинг ҳақ эканлигини тушуниб етишди. 1915 йилда чоп этилган мақолада Вегенер Ер юзидаги қуруқликлар тахминан 500 миллион йил аввал бирга бўлганлигини ва Пангея номли бу катта қуруқлик Жанубий Қутбда жойлашганлигини маълум қилган эди.

Тахминан 180 миллион йил аввал Пангея икки қисмга бўлинади ва турли томонларга қараб йўналади. Бу улкан материклардан бири Гондвана бўлган ва у Африка, Австралия, Антарктида ва Ҳиндистонни ўз ичига олган. Иккинчиси эса Лавразия бўлиб, у Европа, Шимолий Америка ва (Ҳиндистондан ташқари) Осиёдан иборат бўлган. Бу ажралишдан сўнг, кейинги 150 миллион йил ичида Гондвана ва Лавразия кичикроқ қисмларга бўлиниб кетган.

Пангея бўлинишидан сўнг пайдо бўлган бу материклар ҳар йили бир неча сантиметр Ер юзасида муттасил силжийди ва шу билан бирга қуруқликлар ва денгизлар ўртасидаги ўзаро нисбатни ўзгартириб туради.

XX асрнинг бошида олиб борилган геологик тадқиқотлар натижасида кашф қилинган Ер қобиғининг бу ҳаракати олимлар томонидан қуйидагича изоҳланади:

Қобиқ ва мантиянинг юқори қисми қалинлиги тахминан 100 км бўлган плиталар деб номланувчи сегментга бўлинади. Асосан, олтита ва бир неча кичик плиталар бор. Плита тектоникаси деб аталадиган назарияга қўра, бу плиталар Ер усти бўйлаб материклар ва океан тубини ўзлари билан бирга силжитиб юради. Материклар йилига 1–5 см меъёрда ҳаракат қилади деб белгиланган. Плиталар силжишни давом эттириб, Ернинг географиясига секинлик билан ўзгариш киритиб боради. Ҳар йили, мисол учун, Атлантика океани сезилар-сезилмас даражада кенгайиб бормоқда.³⁰

Бу ерда муҳим бир фикрни айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ: Аллоҳ Қуръондаги оятда тоғларнинг ҳаракатини силжиш деб назарда тутмоқда. Бугунги кунда, замонавий олимлар ҳам бу ҳаракатга нисбатан „материкларнинг силжиши“ деган атамани ишлатишмоқда.³¹

Материкларнинг силжиши Қуръон нозил қилинган пайтда кузатишнинг имкони бўлмаган ҳол эди ва Аллоҳ буни қандай тушуниш кераклигини аниқ кўрсатиб берди: **„Сиз тоғларни кўриб қотиб турувчи деб ўйларсиз.“** Кейин У тоғларни булутлар каби сузиб юриши ҳақидаги ҳақиқатни маълум қилади. Хабар берилганидек, бизнинг эътиборимиз тоғлар маҳкамлаб қўйилган қатламнинг силжишига қаратилади.

Илм-фан томонидан яқинда кашф қилинган бу илмий фактнинг VII асрда, коинот ва табиат ҳақидаги тушунчалар ирим-сиримлар ҳамда афсоналарга асосланган бир пайтда ваҳий қилинганлиги, шубҳасиз, жуда катта мўъжизадир. Бу — Қуръон Аллоҳнинг сўзи эканлигини инкор қилиб бўлмас исботлардан яна биридир.



ҚУЁШНИНГ ЧИҚИШИ ВА БОТИШИДАГИ ТУРЛИ НУҚТАЛАР

Бас, *машиқлар ва мағриблар Парвардигори* билан қасамёд этаманки, албатта, Биз қодирдирмиз. („Маориж“ сураси, 40- оят)

(У) осмонлар, Ер ва уларнинг ўртасидаги нарсаларнинг Раббидир. (*Уяна*) *машиқ томонларнинг ҳам Раббидир.* („Соффот“ сураси, 5- оят)

(*Аллоҳ*) *икки машиқнинг ҳам, икки мағрибнинг ҳам Парвардигоридир.* („Ар-Раҳмон“ сураси, 17- оят)

Кўриниб турганидек, юқоридаги оятларда шарқ ва ғарб сўзлари кўплик маънода берилган. Мисол учун, биринчи оятда ишлатилган „*машариқ*“ (шарқлар) ва „*мағриб*“ (ғарблар) сўзлари кўплик шаклда бўлиб, уларнинг ҳар бири иккитадан эканлиги қайд этилган.

Охирги оятдаги „*машриқойн*“ ва „*мағрибайн*“ сўзлари иккита шарқ ва иккита ғарб учун ишлатилган. „*Машаариқ*“ ва „*мағоориб*“ Куёш чиқадиган ва ботадиган жойларни ҳам англатади. Шунингдек, юқоридаги оятлар тонг отадиган ва кун тугайдиган турли жойларни назарда тутмоқда. Биринчи оятда „*машриқлар ва мағриблар*“ (шарқ ва ғарблар) нинг Парвардигори томонидан қасамёд қилинганлиги ҳам эътиборга моликдир.

Ернинг ўзи атрофида айланадиган ўқ 23°27' бурчак остидадир. Мана шу бурчак ва Ернинг шарсимон шакли туфайли, Куёшдан тушадиган ёруғлик ҳар доим ҳам битта бурчакка тўғри келмайди. Бу Куёшнинг шарқдаги турли нуқталардан чиқиши ва ғарбдаги турли нуқталарда ботишини англатади.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган оятлардаги шарқ ва ғарбларга тааллуқли ифодалар Куёшнинг турли нуқталардан чиқиши ва ботишидан аломат берадики, бу Куръони Каримдаги буюк доноликдан нишонадир. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.)

ЕРНИНГ АТРОФИДАН ЕМИРИЛИШИ

Биз ерга келиб, уни атрофидан қисқартираётганимизни кўрмадиларми?!
... („Раъд“ сураси, 41- оят)

... улар Биз ерни атрофидан камайтириб келаётганимизни кўрмадиларми?! ... („Анбиё“ сураси, 44- оят)

Ер Куёш томонидан протон, электрон ва альфа-заррачалар билан бомбардимон қилинади. Куёшнинг шамоллари Ерни атмосферадан ажратиб юбориш учун етарли кучга эга. Аммо Ернинг ҳозирги материя йўқотиш фоизи (бир сонияда 3 кг (6.6 фунт)) га кўра, атмосферанинг ишлатиб бўлиниши учун Куёшнинг жами ҳаётидан беш марта кўпроқ вақт кетади.³² Бу шунинг учунки, атмосферадаги магнитосфера орқали ҳосил қилинадиган қудратли магнит майдон туфайли Ер маълум даражада бу қудратли емирилишдан ҳимояланган. Ернинг ионосфера қатлами юқорисида тўзғиб кетган кислород, гелий ва водород ионларининг космос оғушида йўқолиб кетиши, Ерни ўраб турган бепоён ҳаво қатламига қараганда, жуда кам миқдордаги ҳажмни ташкил этади. Ҳатто шундай бўлса-да, космосга сизиб чиқаётган миқдор аҳамиятли даражада эмас.³³

Куёшдаги фаолият ҳар 11 йилда бир марта ўзининг энг юқори нуқтасига етади. Шу давр мобайнида Куёш юқори энергияли зарралар ва радиацияларни Ер устига ёғдиради.

8 дақиқа:
Ёруғлик тезлигида учувчи ультрабинафша ва рентген нур эмиссиялари радиоэшиттиришларга тўсқинлик қилади.

30 дақиқа: Юқори энергия даражасида зарядланган заррачалар сунъий йўлдошлар ва баланд учувчи реактив самолётларга таҳдид солиши мумкин.

48 дақиқадан 96 соатгача:
Ернинг магнит майдонига жуда кўп куёш зарралари томонидан путур етади. Бунинг таъсири электр тармоқларини хавф остида қолдиради.



УЛКАН ОЛОВЛИ ШАР

Улкан бурама қуёш портлашлари 60000 даража Цельсий (108000°Ф) температурадаги ионли гелий гази билан тўла бўлади. (SOHO сунъий йўлдоши орқали ўта ультраби-нафша нурлари остида кузатилган)

МАГНИТОСФЕРА Ернинг магнит майдони томонидан космосда эгалланган ҳудуддир. У, одатда, Қуёшга томон 64000 км (40000 миля) чўзилган бўлади. Кудратли қуёш тўфонлари эса магнитосферани фақатгина 42000 км (26000 миля) гача, ташқарида сунъий йўлдошларни қуёш шамоллари ихтиёрига қолдириб, сиқиб кела олиши мумкин.

НАСА (Миллий Аэронавтика ва Фазо Бошқармаси) космик кемалари ёрдамида тадқиқотчилар Қуёш юзидаги энергия портлашлари Ер атмосферасининг ташқи қатламидан кислород ва бошқа газларни космосда тўзғиб кетишига сабаб бўлиши ҳақида аниқ далилларга эга бўлишди. 1998 йилнинг 24–25 сентябрь кунлари олимлар томонидан биринчи марта Ер ўзининг ташқи қатламларидан материя йўқотиши ҳодисаси кузатилди.³⁴

Бироқ юқоридаги оятлар бошқа бир маънода Ердан тупроқнинг йўқотилишини ҳам назарда тутаётган бўлиши мумкин.

Айни пайтда қутбий муз тоғлари эримоқда ва океанларнинг сув сатҳи кўтарилмоқда. Ўсиб бораётган сув миқдори кўпроқ ерларни босиб олмоқда. Соҳилбўйи ҳудудлари сув остида қолмоқда, ер юзаси ёки ернинг умумий миқдори камаймоқда.³⁵ Юқорида келтирилган оятлардаги „**уни атрофдан қисқартираётганимизни**“ деган жумла, эҳтимол соҳилбўйи ҳудудларининг сув билан қопланишини таъкидлаётгандир.

Шу мавзу юзасидан *New York Times* газетаси бундай ёзади:

Кейинги юз йиллик давомида Ер шари юзасининг температураси ўртача 1 даража Фарангейтга ўсди ва исиш коэффициенти охиригича асрда тезлашди. Бу анчагина сезиларли миқдор ... Бундан олдинги сунъий йўлдош ва сувости кемаси кузатувлари Шимолий қутб ҳудудида температуранинг илишга томон ўзгарганлиги ва муз тоғларнинг эриш эҳтимоли кучайганлигини исботлаган кўринади. Манхаттандаги НАСА тадқиқот маркази бўлмиш Годдард Космос фани институти сувости кемаларидан олинган 1950 ва 1960 йиллардаги маълумотларни 1990 йилдаги кузатувлар билан таққослаб кўрди ва бутун Арктика ҳавзасидаги муз қопламлари 45 фоизга юпқалашганини кўрсатиб берди. Сунъий йўлдош тасвирлари кейинги йилларда муз қопламларининг кўлами аҳамиятли даражада қисқарганлигини исботлади.³⁶

XX аср охирига келиб қилинган бу кашфиётлар бизга „Раъд“ сурасининг 41-ояти ва „Анбиё“ сурасининг 44-ояти замирида ётган доноликни тушунишимизга ёрдам беради.

Аллоҳ ваҳий қилганидек, Ернинг атрофидан бундай қисқариб боришини Қуръонда хабар берилган бошқа бир илмий далил сифатида тушуниш мумкин. Ўз ўқи атрофида айланадиган Ернинг геонид шаклга эга эканлигининг яқин асрларда тан олинганлиги ҳам инкор қилиб бўлмас ҳақиқатдир.

Тадқиқотлар шу нарсани кўрсатадики, Ернинг экватордаги диаметри бу айланишдан келиб чиқадиган куч таъсири остида

кенгаяди ва атрофидан, бошқача айтганда қутбларидан сиқилади. Шунингдек, Ер доимо айланишда бўлгани учун бу ўзгаришнинг содир бўлиши давом этаверади. Чиндан-да, „Раъд“ сурасининг 41-оятдаги „қисқартираётганимизни“ деб таржима қилинган „*нанқусу*“ сўзи бу қисқариш, емирилиш жараёнининг давомий эканлигини таъкидлайди.

Ер каби бундай самовий жисмларнинг шарсимон шакл олганлиги тортишиш кучи туфайлидир. Аммо бу шакл аниқ шарсимон эмас; у қандайдир даражада қутбларидан яссиланган ва экваторда қалинлашган. НАСА нинг рақамларига кўра, Ернинг экватордаги радиуси 6378,1 км (3963,2 миля) ни, лекин қутбдан қутбгача бўлган масофаси 6356,8 км (3949.9 миля) ни ташкил этади.³⁷ Бу тахминан 0,3% фарқни кўрсатади.

Ер шаклининг бу модели 1687 йилда жаноб Исаак Ньютон томонидан айtilган эди. 1400 йил илгари бу ҳақиқатнинг Қуръонда ваҳий қилинганлиги, унинг яна бир бошқа илмий мўъжизасидир.

**Тадқиқотлар
Ернинг
экваторда
қалинлашиб
боришини
исботлади.**



Аллоҳ осмонлар ва Ерни
ҳикмат билан яратгандир.
Албатта, бунда мўминлар
учун аломат бордир.
(„Анкабут“ сураси, 44- оят)




ЁРИЛАЁТГАН ЕР

Қасамёд этаман қайтарувчи осмон билан ва ёрилгувчи Ер биланки ...
(„Ториқ“ сураси, 11—12- оятлар)

Юқорида берилган оятдаги арабча „*садъ*“ сўзи „ёрмоқ, ёриқ ҳосил қилмоқ, дарз кетмоқ, қисмларга бўлмоқ“ маъноларини англатади. Аллоҳ Қуръондаги худди бошқа илмий мўъжизаларидагидек бу оятда ҳам Ернинг ёриғи билан қасамёд қилиб, муҳим бир ҳодисани назарда тутмоқда. 1945—1946 йилларда олимлар минерал ресурсларни ўрганиш мақсадида биринчи марта денгиз ва океанларнинг чуқурликларига тушишди. Бу тадқиқотдан маълум бўлган энг муҳим далиллардан бири Ернинг дарз кетган, синиқ структураси бўлди. Ернинг ташқи юзасидаги тоғ жинсли қатлам шимолдан жанубга ва шарқдан ғарбга томон ўн минглаб километр узунликдаги жуда кўп сонли ёриқлар билан бўлиниб кетган эди. Шу билан бирга, олимлар денгизнинг тагида 100—150 км (60—90 миля) чуқурликларда эриган магма бўлганлигини ҳам аниқлашди.

Мана шу дарзлар ва ёриқлар туфайли лавалар вулқонлардан денгиз тубига оқади. Бу дарзли, синиқ структура туфайли жуда кўп миқдордаги иссиқлик қўйиб юборилади ва эриган жинсларнинг катта қисми океанлар тагида тоғларни шакллантиради. Агар Ер жуда кўп миқдордаги иссиқликни унинг қобиғидан чиқариб юборувчи бундай структурага эга бўлмаганда эди, Ер юзида ҳаёт бўлмаган бўлар эди.³⁸

Шубҳасиз, кашф қилиниши учун замонавий жадал технологияни талаб қилувчи маълумотнинг 1400 йил муқаддам берилиши, Қуръон Аллоҳнинг каломи эканлигини яна бир бор исботлайди.



Юқорида келтирилган расмлар Ернинг ёрилган структурасини кўрсатиб турибди. Ер қобиғи тагидаги магма қатлами мана шу ёриқлик структураси орқали юзага чиқа олади. Бу Ернинг температурасини сезиларли даражада пасайтириб туради.

МЎЪЖИЗАВИЙ ТЕМИР

Темир моддаси Куръонда катта эътибор берилган элементлардан биридир. „Ҳадид“ сураси темир ҳақида бизга шундай хабар беради:

Яна, Биз темирни туширдик. Унда қувват ва одамлар учун манфаатлар бордир ... („Ҳадид“ сураси, 25- оят)

Оятда „Биз туширдик“ деб таржима қилинган ва темир учун ишлатилган „анзалнаа“ сўзи темирнинг одамларга фойда келтириши учун берилганлигини тушунтирувчи мажозий маънога эга деб ҳисоблаш мумкин. Бироқ сўзнинг адабий маъносини, яъни ёмғир ва Қуёш нурлари ҳолатида „осмондан жисмонан туширилган“ лигини эътиборга оладиган бўлсак, биз бу оятнинг жуда аҳамиятли бир илмий мўъжизага ишора қилаётганлигини тушуниб етамиз. Чунки замонавий астрономик кашфиётлар бизнинг дунёимизда мавжуд бўлган темир ташқи космосдаги улкан юлдузлардан келганлигини аниқлаб берди.³⁹

Нафақат Ердаги, балки бутун Қуёш системасидаги темир ҳам ташқи космосдан келган, чунки Қуёшдаги температура темирнинг шаклланиши учун етарли эмас. Қуёш юзаси температураси 6000 даража Цельсий (11000° Фарангейт), ядроси температураси эса тахминан 20 миллион даража (36 миллион даража Фарангейт) га етади. Темир фақатгина Қуёшдан анча катта бўлган, температураси бир неча юз миллион даражага етувчи юлдузларда ҳосил бўлиши мумкин. Юлдузлардаги темир миқдори маълум бир даражадан ошгач, юлдуз уни узоқ вақт ўзида сақлаб тура олмайди ва натижада портлайди ва бу „янги юлдуз“ ёки „ўта янги юлдуз“ деб ном олган. Бу портлашлар темирнинг космосга чиқиб кетишига имкон яратади.⁴⁰

Илмий манбалардан бири бу мавзу юзасидан қуйидагича маълумот беради:

Илгари ўта янги юлдуз портлашлари бўлганлиги тўғрисида ҳам далиллар бор: чуқур денгиз чўкмаларида учрайдиган темир-60 нинг кучли даражалари тахминан 5 миллион йил илгари Қуёшнинг 90 ёруғлик йили ичида содир бўлган ўта янги юлдуз портлашларидан дарак беради, деб шарҳланмоқда. Темир-60 катта ўта янги юлдузлардаги портлашларда ҳосил бўлган темирнинг радиоактив изотопи бўлиб, у ўз умрининг ярми бўлган 1,5 миллион йилда кучсизланади. **Геологик қатламда юқори даражали бу изотопнинг мавжудлиги космосдаги яқин жойда эле-**

ментларнинг яқинда содир бўлган нуклеосинтездан ва кейин уларнинг Ерда (балки чанг зарраларининг бир қисми сифатида) ташилганидан дарак беради.⁴¹

Буларнинг ҳаммаси, худди оятда „туширдик“ деб хабар берилганидек, темирнинг Ерда пайдо бўлмаганини, балки ўта янги юлдузлардан ташиб келтирилганини кўрсатади. Айниқса, Қуръон нозил бўлган VII асрда бу ҳақиқатни билиб олишнинг имкони йўқ эди. Шунга қарамай, бу ҳақиқат Қуръонда — ҳамма нарсани Ўзининг чексиз билимида жамлаган Аллоҳнинг каломидида ўз аксини топган.

Астрономия фани, шунингдек, бошқа элементларнинг ҳам Ердан ташқарида пайдо бўлганини кашф қилди. Оятнинг „**Яна, Биз темирни туширдик**“ жумласидаги „яна“ сўзи мана шу фикрни назарда тутаётган бўлиши мумкин. Бироқ бу оятнинг айнан темирни эслатаётгани, XX асрнинг охирида қилинган бу кашфиётларни ҳисобга олганда, жуда ҳайратланарлидир. Машҳур микробиолог Майкл Дентон ўзининг *Nature's Destiny* (Табиатнинг тақдири) китобида темирнинг аҳамиятига шундай урғу беради:

Барча металлар ичида темирдан ўзга ҳаёт учун муҳимроқ бўлган металл йўқ. Юлдузнинг марказида жамланган темир унинг портлаши ва шундан сўнг ҳаёт учун зарур атомларнинг космос бўйлаб тарқалиб кетишини юзага келтиради. Тортишиш кучи темир атомларини дастлабки Ер марказига қараб тортган ва бу Ернинг бошланғич кимёвий дифференциациясига, дастлабки атмосферанинг газланишига, пировардида гидросферанинг юзага келишига сабаб бўлган иссиқликни келтириб чиқарган. Ернинг марказидаги улкан динамо-машинадек фаолиятда бўлган эриган темир Ернинг шундай магнит майдонини ҳосил қиладики, у ўз навбатида, Ван Аллен радиация белбоғларини яратади. Бу белбоғлар Ернинг юзасини юқори энергияли ўткир космик радиациялардан ҳимоя қилади ва аҳамияти катта бўлган озон қатламини космик нурларнинг вайронгарчилигидан асрайди ...

Темир атомсиз космосда углеродга асосланган ҳаёт бўлмас эди; на ўта янги юлдузлар, на дастлабки ернинг исиши, на атмосфера ёки гидросфера бўлар эди. Ва на ҳимоячи магнит майдони, на Ван Аллен радиация белбоғлари, на озон қатлами, на (инсон қонида) гемоглобин ҳосил қилувчи темир, на кислороднинг реактивлигини ушлаб турувчи металл, на оксидловчи метаболизм (моддалар алмашинуви) бўлар эди. Ҳаёт ва темир ўртасидаги, қоннинг қизил ранги ва узоқ масофалардаги юлдузларнинг туси орасидаги қизиқ ҳамда яқин боғлиқлик нафақат металларнинг биологияга, балки космоснинг биомарказлашганлигига ҳам алоқадорлигидан дарак беради ...⁴²

Бу ҳисобот темир атомининг қанчалик аҳамиятлилигини яққол кўрсатади. Қуръонда темирга нисбатан алоҳида эътибор қаратилганлиги бу элементнинг аҳамиятли эканига ҳам урғу беради. Бундан ташқари, Қуръонда бошқа бир яширин ҳақиқат ҳам борки, у ҳам темирнинг аҳамиятли эканлигига диққатни жалб этади: темир хусусида тўхтаб ўтилган Ҳадид сурасининг 25-ояти бошқа бир жуда қизиқ математик кодларни ўз ичига олади.

„Ҳадид“ Қуръондаги 57-сура ҳисобланади. Арабчадаги „ал-Ҳадид“ сўзининг *абжоди*, ундаги ҳарфларнинг сонли қийматлари қўшиб ҳисобланганда, 57 натижани ҳосил қилади. (*Абжод* ҳисоблари учун тўртинчи китобдаги „Қуръонда рақамли ҳисоблар (*Абжод*)“ бўлимига қаранг.)

Ёлғиз „Ҳадид“ сўзининг сонли қиймати 26 дир. Бу 26 рақами темирдаги атомлар сони ҳамдир.

Бундан ташқари, темир оксиди зарралари кейинги ойларда саратон касаллигини даволаш учун ишлатиб кўрилди ва ижобий натижалар кузатилди. Германиядаги жаҳонга машҳур Чаритэ касалхонасида Доктор Андрес Жордан бошчилигидаги илмий гуруҳ саратонни даволаш учун ишлаб чиқилган бу янги услуб – магнитли гипертермия суюқлиги (юқори температурали магнитик суюқлик) билан саратон ҳужайраларини ўлдиришга муваффақ бўлди. 26 ёшли Ҳ. Николасда синаб кўрилган бу услуб натижасида кейинги уч ой мобайнида беморда янги саратон ҳужайраларининг пайдо бўлиши кузатилмади.

Даволашнинг бу услуби қуйидагича умумлаштирилиши мумкин:


1. Темир оксиди зарраларини ўз ичига олувчи суюқлик махсус шприц ёрдамида ўсимтага санчилади. Бу зарралар ўсимта ҳужайралари бўйлаб тарқалади. Бу 1 см³ ли суюқлик қизил қон таначаларига қараганда 1000 баробар кичик юз миллионлаб темир оксиди зарраларидан иборат бўлиб, у барча қон томирлари орқали осонлик билан оқиб ўтиши мумкин.⁴³

2. Сўнгра бемор кучли магнит майдонли машинага солинади.

3. Ташқи томондан қўлланиладиган магнит майдон ўсимта ичидаги темир зарраларини ҳаракатга келтиришни бошлайди. Мана шу пайт мобайнида темир оксиди зарраларини ўз ичига олган ўсимта таркибидаги температура 45 даража Цельсий (113°Ф) гача кўтарилади.

4. Бир неча дақиқадан сўнг иссиқликдан ўзларини ҳимоя қила олмай қолган саратон ҳужайралари ёки кучсизланиб қолади ёки ўлади. Сўнгра ўсимтага ундан кейинги кимётерапия билан тўлиқ барҳам берилиши мумкин.⁴⁴

Бундай даволашда фақатгина ўсимта ҳужайраларига магнит майдон томонидан салбий таъсир кўрсатилади, чунки фақатгина улар темир оксиди зарраларини ўз ичига олган бўлади. Бу усулнинг тарқалиши бундай хавфли касалликни даволашда қўлга киритилган юксак ютуқ демакдир. Саратон каби кенг тарқалган бундай касалликларни даволашда Қуръондаги „...Унда қувват ва одамлар учун манфаатлар бордир.“ („Ҳадид“ сураси, 25- оят) деган сўзлардан фойдаланиш, айниқса, диққатга сазовордир. Ростдан-да, Қуръон темирнинг инсон саломатлиги учун кўп фойдалар келтиришини назарда тутаётгандир. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.)



„Ҳадид“ сураси Қуръонда 57-бўлиб ҳисобланади. Арабчадаги „ал-Ҳадид“ сўзининг ёлғиз ўзидаги сонли қиймат 26 га тенг. Юқоридаги даврий жадвалдан кўриниб турибдики, темир атомларининг сони 26 та.

„Ҳадид“ сурасида ваҳий қилинган оят билан Қодир Аллоҳ темирнинг қандай пайдо бўлганига ишора қилмоқда ва оятдаги математик код билан У бизга илмий бир мўъжизадан хабар бермоқда.

НЕФТНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

(Эй Муҳаммад!) Энг олий зот бўлмиш Раббингизнинг исми билан тасбеҳ айтинг! Зеро, У (барча нарсани) яратиб, барпо қилган, барчага муносиб йўлни белгилаб, (ўша йўлга) ҳидоят қилиб қўйган, ўтлоқни ундириб чиқариб, сўнгра уни қорамтир хазон қилиб қўйган зотдир. („Аъло“ сураси, 1—5- оятлар)

Бизга маълумки, нефть денгиздаги ўсимликлар ва ҳайвонларнинг қолдиқларидан пайдо бўлади. Булар денгизнинг тубида миллионлаб йиллар давомида чиригандан сўнг у ерда фақат ёғли моддаларгина қолади. Бу ёғли моддаларнинг сув ости қуйқаси ва қоялари тагида қоладиганлари кейинчалик нефть ва газга айланади. Ер қобиғидаги ҳаракатлар баъзида денгиз тубининг қотиши ва минглаб метр чуқурликда кўмилиб кетган нефтни ўз ичига олган қояларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Шаклланган нефть баъзида бир неча километр пастликдаги жинсли қатламларнинг тешиклари орқали сизиб чиқиб, юзада бугланади (газга айланади) ва ортида жуда кўп битум қолдиради.

„Аъло“ сурасининг биринчи тўрт оятида кўринадиган учта элемент нефть пайдо бўлиши билан ўхшашдир. „Ўтлоқ ёки яйлов“ маъносини англатувчи „маръаа“ атамаси нефть пайдо бўлишидаги органик асосли моддаларни назарда тутаётган кўринади. Оятдаги иккинчи сўз „аҳваа“ қорамтир-яшил, яшилнамо қора, тим қора ёки қоракуя ранглари тасвирлашда ишлатилади. Бу сўз ер остида тўпланган ташландиқ ўсимликлар моддасининг аста-секин қора рангга айланишини тасвирлайди деб ўйлаш мумкин, чунки бу сўзлардан кейин „ғусаа“ сўзи келмоқда. „Хазон“ деб таржима қилинган „ғусаа“ сўзи, „кўмилиб кетган сув ўсимлиги, водийларда тўпланаётган ва тарқалаётган ташландиқ модда орқали келиб чиққан ўсимликлар, чиқинди, барглар ёки кўпик“ маъноларини ҳам англатади. Сўзда назарда тутилган „қайт қилиш“ деган ажралмас маънога қўшимча қилиб, уни „қайт қилинган моддани чиқариб ташламоқ“ деб ҳам таржима қилса бўлади ва у ернинг нефтни „қайт қилиб“ ташлашини ҳам билдиради. Аслида, нефтнинг шаклланиши, унинг пайдо бўлиш усули, кўпиксимон кўриниши ва ранги нуқтаи назаридан олиб қараганда, оятлардаги сўзларнинг қанчалик донолик билан ишлатилганлигини кўриш мумкин.

Муҳокама қилганимиздек, оятдаги ўсимликнинг қора ва ёпишқоқ суюқликка айланиши нефтнинг шаклланишига жуда ҳам ўхшаб кетади. Кўп йиллар илгари нефтнинг пайдо бўлиши номаълум бўлган бир пайтда бундай маълумотнинг тасвирланиши, шубҳасиз, Курьон Аллоҳнинг ваҳийси эканлигининг яна бир исботидир.



Денгиздан нефть олиш қурилмаси.

ВАҚТНИНГ НИСБИЙЛИГИ

Бугунги кунда вақтнинг нисбийлиги исботланган илмий ҳақиқатдир. Бу XX асрнинг бошларида А. Эйнштейннинг нисбийлик назарияси орқали кашф қилинган эди. Ўша пайтгача на вақтнинг нисбий эканлиги, на унинг шароитларга кўра ўзгара олиши маълум эди. Бироқ оламга машҳур олим Альберт Эйнштейн бу ҳақиқатни нисбийлик назарияси орқали исботлади. У вақтнинг масса ва тезликка боғлиқ эканлигини кўрсатиб берди.


Аммо Қуръон вақтнинг нисбийлиги ҳақидаги маълумотни аллақачонлаб ўз ичига олган эди! Бу мавзу бўйича баъзи оятлар куйидагича қимматли маълумотларни ўз ичига олган:

... Раббингиз наздидаги бир кун сизларнинг ҳисобингиздаги минг йилга баробардир. („Ҳаж“ сураси, 47- оят)

У осмондан ергача бўлган барча ишни тadbирини кўрар (бошқарар), сўнгра (бу ишларнинг барчаси) сизларнинг ҳисобингизча минг йилга тенг келадиган (бир) кунда Унинг Ўзига кўтарилуw. („Сажда“ сураси, 5- оят)

Фаришталар ва Руҳ (Жаброил) миқдори эллик минг йилга тенг бир кунда Унинг ҳузурига кўтарилуwлар. („Маориж“ сураси, 4- оят)

Вақтнинг нисбийлиги 610-йилдан бошлаб ваҳий қилина бошланган Қуръонда шунчалик аниқ эслатиб ўтилганки, бу унинг илоҳий китоб эканига яна бир далилдир.



ОЛТИ КУНДА ЯРАТИЛИШ

Дарҳақиқат, Раббингиз осмонлару Ерни олти кунда яратган, сўнгра Арш узра „муставий“ бўлган ... („Аъроф“ сураси, 54- оят)

Қуръон ва замонавий фан ўртасидаги ҳамоҳангликка бир мисол – коинотнинг ёши тўғрисидаги мавзудир. Космологлар коинотнинг ёшини 16–17 миллиард йил деб ҳисоблашмоқда, Қуръон эса бутун коинотни олти кунда яратилган, деб хабар беради. Бу икки вақт орасида катта фарқ бўлса-да, улар ҳайратланарли даражада бир-бирига тўғри келади. Аслини олганда, коинотнинг ёшига оид бу вақтларнинг иккаласи ҳам тўғридир. Бошқача сўзлар билан айтганда, коинот худди Қуръонда айтилганидек, олти кунда яратилган ва бу давр бизнинг ҳисоблаш усулимиздаги 16–17 миллиард йилга тўғри келади.

1915 йилда Эйнштейн вақтнинг нисбий эканлиги, яъни вақтнинг ўтиши масофага, юривчи шахснинг тезлиги ва ўша пайтда тортишиш кучига кўра ўзгариши ҳақидаги фикрни ўртага ташлади. Вақтнинг ўтишидаги бу фарқларни назарда тутган ҳолда, Қуръоннинг турли етти оятида ваҳий қилинганидек, коинотнинг яратилишидаги вақт даври аслида олимларнинг тахмини билан жуда мос келади. Қуръонда таъкидланганидек, олти кунлик давр олти давр деб тушунилиши мумкин. Чунки вақтнинг нисбийлигини назарда тутган ҳолда, бир „кун“ фақатгина Ерда, жорий шароитлар остида ҳисобланадиган 24 соатли даврга тааллуқлидир. Бироқ коинотнинг бошқа ҳар қандай жойида, бошқача вақт ва бошқача шароитлар остида, бир „кун“ узоқроқ бўлган вақт даврини англатиши мумкин. Ҳақиқатда, бу оятларда („Сажда“ сураси, 4- оят; „Юнус“ сураси, 3- оят; „Худ“ сураси, 7- оят; „Фурқон“ сураси, 59- оят; „Ҳадид“ сураси, 4- оят; „Қоф“ сураси, 38- оят ва „Аъроф“ сураси, 54- оят) олти кунлик давр (*сумтат аййаам*) учун ишлатилган „аййаам“ сўзи нафақат „кунлар“, балки „аср, давр, пайт, муддат“ маъноларини ҳам англатади.

Коинотнинг биринчи даврида вақтнинг ўтиши бугунги кунда биз билган вақтга нисбатан тезроқ ўтган. Бунга сабаб шуки, Катта портлаш вақтида (портлашдан аввал) бизнинг коинотимиз жуда кичик нуқтада йиғилган эди. Мана шу портлаш вақтидан буён коинотнинг кенгайиши ва унинг ҳажмидаги ўсиш коинотнинг чегараларини бир неча миллионлаб ёруғлик йилига узайтирди. Чиндан ҳам ўша пайтдан буён космоснинг узайиб бориши коинотга оид вақт учун жуда муҳим натижаларни келтириб чиқарди.

Катта портлаш пайтидаги (портлашдан аввал) энергия вақт оқимини 10^{12} (бир триллион) марта секинлаштирган эди. Коинот яратилганда коинотдаги вақт тезлиги бугунги кунда ҳисобланадиган вақт билан ҳисоблаганда бир триллион марта кўпроқ бўлди. Бошқача сўзлар билан айтганда, **Ердаги бир триллион дақиқа коинотдаги бор-йўғи бир дақиқага тенг.**

Олти кунлик вақт даври вақтнинг нисбийлигига биноан ҳисобланса, у олти триллион кунга тўғри келади. Бу шунинг учунки, коинотдаги вақт Ердаги вақтга нисбатан бир триллион марта тезроқ оқади. Бунини йиллар бўйича ҳисоблайдиган бўлсак, 6 триллион кун тахминан 16,427 миллиард йилга тўғри келади. Бу коинотнинг ёши ҳақидаги тахминий ҳисобга мос келади:

$$6\ 000\ 000\ 000\ 000\ \text{кун} : 365,25 = 16,427104723\ \text{миллиард йил.}$$

Бошқа томондан, яратилишдаги олти куннинг ҳар бир куни, бизнинг вақтни тушунишимизча, турли даврларга тўғри келади. Бунга сабаб шуки, вақтнинг ўтиш тезлиги коинотнинг кенгайишига пропорционал тарзда сусаяди. Катта портлашдан бери, коинотнинг ўлчами иккига кўпайганлиги боис вақтнинг ўтиши ҳам яримга қисқарди. Коинот ўсиб борган сари, коинот иккига кўпайган вақт тезлиги тобора секинлашиб борган. Кенгайиш коэффиценти илмий бир ҳақиқат бўлиб, у жаҳонда эътироф этилган ҳамда „*Табиий космология асослари*“ дарслигида таърифланган. Биз яратилишнинг ҳар бир кунини Ердаги вақтга биноан ҳисобласак, қуйидаги кўриниш юзага келади:

- Вақт бошланган пайтга назар ташласак, яратилишнинг биринчи куни (биринчи давр) 24 соат давом этган. Аммо бу давр Ердаги вақт ўлчови билан ҳисобланса, 8 миллиард йилга тенг бўлади.

- Яратилишнинг иккинчи куни (иккинчи давр) 24 соат давом этган. Бироқ бу биринчи кунга кетган вақтнинг ярмича давом этган, бошқача сўзлар билан айтганда, бу бизнинг вақтга биноан 4 миллиард йилга тенг бўлади.

- Учинчи кун (учинчи давр) иккинчи кунга кетган вақтнинг ярмича давом этган, бошқача сўзлар билан айтганда, бу 2 миллиард йилга тенг.

- Тўртинчи кун (тўртинчи давр) 1 миллиард йил давом этган.
- Бешинчи кун (бешинчи давр) 500 миллион йил давом этган.
- Олтинчи кун (олтинчи давр) 250 миллион йил давом этган.
- Хулоса: **Яратилишнинг олти куни, бошқача қилиб айтганда,**

олти даври, Ердаги ҳисоблаш мезони билан бир-бирига кўшилса, ҳосил бўлган натижа 15 миллиард 750 миллион йил бўлади. Бу рақамлар ҳозирги кун тахминий ҳисобларига жуда ҳам тўғри келишини кўрсатади.

Бу хулоса ХХІ аср фани орқали кашф қилинган далиллардан биридир. Фан 1400 йил бурун Қуръонда ваҳий қилинган ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлади. Қуръон ва фан ўртасидаги ҳамоҳанглик Қуръон Яратганнинг, ҳамма нарсага Қодир зот — Аллоҳнинг, ваҳийси эканлигини тасдиқловчи мўъжизалардан биридир.

ТАҚДИР ҲАҚИҚАТИ


**(Эй инсонлар!) Истақларингиз фақат Аллоҳ хоҳласагина рўёбга чиқур.
Албатта, Аллоҳ билим ва ҳикмат эгасидир. („Инсон“ сураси, 30- оят)**

1973 йилда ўтказган бир қатор тажрибалари натижасида, Калифорния университетининг невропсихологи, профессор Бенжамин Либет бизнинг барча қарорларимиз ва чораларимиз олдинроқ бошланишини, яъни англаш ҳамма нарса ҳал қилингандан фақат ярим сония сўнгигина содир бўлишини кашф қилди.⁴⁵ Бу бошқа невропсихологлар томонидан, биз аслида ўтган замонда яшаймиз ва бизнинг англашимиз ҳамма нарсани бизга ярим сониядан кейин кўрсатиб берувчи мониторга ўхшайди, деган маънода шарҳланади.

Демак, биз англаб турган кечинмаларнинг бирортаси ҳам ҳақиқий пайтда эмас, балки улар ҳақиқий ҳодисалар содир бўлгандан ярим сониягача кейиндадир. Б. Либет ўз тажрибасини мия жарроҳлиги наркоз ишлатмасдан, бошқача қилиб айтганда, объект тўлиқ эс-ҳушида бўлган пайтда бажарилиши мумкин деган фактдан келиб чиққан ҳолда амалга оширди. Б. Либет ўз объект-

ларининг мияларига кичик электр тоқлари билан таъсир ўтказди ва объектлар ўз қўлларига тегилганини пайқашганда, улар бу „тегиш“ ни деярли ярим сония олдинроқ ҳис қилишганини айтишди. Ўзининг ўлчовлари натижасида, Б. Либет қуйидагича хулосага келди:

Ҳамма сезишлар мияга одатдагидек узатилади. Булар англаб етилмасдан туриб ҳосил бўлиши ва жорий этилиши туфайли ўзлик ҳеч нарсдан беҳабар бўлади. Бизнинг идрок этишимиздан олдинроқ пайдо бўладиган, бошқача қилиб айтганда, хабар топишимиз мумкин



бўлган маълумот мия қобиғи, англаш жойига маълум бир кечикиш билан узатилади.⁴⁶

Бундан келиб чиқадиган хулоса қуйидагича умумлаштирилиши мумкин: **Мускулни қимирлатиш учун қилинган қарор бу қарорнинг онгга етиб бормасидан олдинроқ содир бўлади.** Неврологик ёки сезувчанлик жараёни ва бизнинг ўй, ҳиссиёт, сезги ёки у акс эттирадиган ҳаракатдан хабардор бўлишимиз ўртасида ҳар доим кечикиш бўлади. Бошқача қилиб айтганда, биз муайян бир қарор тўғрисида бу қарор қилиниб бўлгандан сўнггина хабар топамиз.

Профессор Б. Либетнинг тажрибаларида бу кечикиш 350 дан 500 миллисониягача, гарчи юзага келадиган хулоса ҳеч ҳам бу рақамларга боғлиқ бўлмаса-да, ўзгариб туради. Чунки Либетнинг фикрига кўра, бу кечикишнинг узоқлиги қанчалик бўлмасин — у катта ёки кичик бўладими, бир соат ёки микросонияларда давом этадими ёки йўқми, бунинг аҳамияти йўқ — бизнинг табиий ҳаётимиз ҳар доим ўтган замонда бўлади. Бу ҳар бир ўй, ҳиссиёт, идрок ёки ҳаракат бизнинг онгимизга етиб боришидан олдин содир бўлишини кўрсатади ва келажак бутунлай бизнинг ихтиёримизда эмаслигини исботлайди.⁴⁷

Бошқа тажрибаларида профессор Б. Либет объектларнинг ўзларига бармоқларини қачон қимирлатиш ёки қимирлатмаслик ихтиёрини қолдирди. Объектларнинг миялари уларнинг бармоқлари қимирлаган пайтда монитор орқали кузатиб турилди ва тегишли мия ҳужайралари объектларнинг аслида қарор қилишларидан олдин ҳаракатга келгани кузатилди. Буни бошқача қилиб айтадиган бўлсак, „бажар!“ деган буйруқ индивидуалга етиб боради ва мия ҳаракатни бажаришга тайёрлантирилади; индивидуал бундан фақатгина ярим сония кейинроқ хабар топади. У ҳаракат қилишга қарор қилиб, кейин бу ҳаракатни бажармайди, балки у ўзи учун олдиндан ҳал қилиб, белгилаб қўйилган ҳаракатни ижро этади. Бироқ мия индивидуалнинг аслида ўтган замонда яшаётганлигини эътироф этувчи ҳар қандай ҳақиқатни рад этиб, мослашиб олаверади. Шу сабабдан, биз „ҳозир“ деб назарда тутаётган айни пайтда, аслида ўтган замонда ҳал қилиб қўйилган нарсани бошдан кечирмоқдамиз. Аллақачон муҳокама қилиб ўтганимиздек, бу изланишлар ҳамма нарса, худди „Инсон“ сурасининг 30-оятда ваҳий қилингани каби, Аллоҳнинг хоҳишига кўра содир бўлишини аниқ-равшан кўрсатади. (Қаранг: Ҳорун Яҳё. *Timelessness and the Reality of Fate* (Абадийлик ва тақдир ҳақиқати). Goodword Books, Янги Деҳли, 2001.)

ЯРАТИЛИШДА ЖУФТЛИКЛАР

Ер ундирадиган нарсалардан, (одамларнинг) ўзларидан ва яна улар билмайдиган нарсалардан иборат барча жуфтларни яратган (Аллоҳ) га тасбеҳ айтилув. („Ёсин“ сураси, 36- оят)

„Эркак ва аёл“ дегани „жуфт“ деган тушунчага эквивалент бўлса-да, Куръонда айтилган „улар билмайдиган нарсалар“ жумласи жуда кенг маънога эга. Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги пайтда бу оятда таъкидлаб ўтилган маъноларнинг биттасига дуч келамиз. Материянинг жуфт қилиб яратилганлигини кашф қилган британиялик физик Поль Дирак 1933 йилда физика соҳасида Нобель мукофотини қўлга киритган эди. „Жуфтлик“ номи билан маълум бу кашфиёт, материя ва антиматерия сифатида маълум бўлган иккиликни кашф қилди: Антиматерия материяга қарши хусусиятлардан иборат бўлади. Мисол учун, материяга тескари равишда антиматерия электронлари мусбат ва протонлари эса манфийдир. Бу факт илмий бир манбада қуйидагича ёритилган:

... ҳар бир зарра ўзининг қарши зарядли антизаррасига эга ... Ноаниқлик боғланиши бизга шундан хабар берадики, жуфт бўлиб яралиш ва жуфт бўлиб йўқолиш ҳодисаси вакуум шароитида ҳамма вақт ва ҳамма жойда содир бўлади.⁴⁸

Яратилишда иккиликка яна бир мисол ўсимликлардир. 100 йиллар олдин ботаниклар ўсимликларда жинс жиҳатдан фарқлар борлигини кашф қилишди.⁴⁹ Бироқ ўсимликларнинг жуфт қилиб яратилганлиги Куръоннинг қуйидаги оятларида 1400 йил илгари ваҳий қилинган эди:

Кўраяпсизки, осмонларни устунларсиз яратиб, сизларни тебратмаслиги учун Ерда мустаҳкам турувчи тоғларни барпо қилди ва унда ҳар турли жондор(лар)ни тарқатиб қўйди. Яна Биз осмондан сув (ёмғир) ёғдириб, (ерда) турли саховатли (ўсимликларни) жуфт-жуфт қилиб ундириб қўйдик. („Луқмон“ сураси, 10- оят)

У Ерни сизлар учун бешик (қароргоҳ) қилиб қўйди ва унда йўллар пайдо қилди ҳамда осмондан сув (ёмғир, қор) ёғдирди. Бас, Биз у (сув) билан турли ўсимлик жуфтларини ундириб чиқардик. („Тоҳо“ сураси, 53- оят)



Коинотдаги барча асосий зарраларнинг антиматерия эквивалентлари бор. Антиматериялар бир хил массага эга, лекин қарама-қарши зарядларни ташийди. Мана шу сабабдан материя ва антиматерия ўзаро алоқага киришганда улар энергияга айланиб йўқолади.

Шунингдек, мевалар ҳам икки турлидир: эркак ва ургочи. Бу ҳақда Қуръонда шундай дейилади:

У Ерни ёйиб қўйган ва унда тоғлар ва дарёлар пайдо қилган зотдир. У Ердаги меваларни иккитадан – жуфт-жуфт қилиб яратди. У тун билан кундузни ўрайди. Албатта, бу (мисоллар)да фикр юритадиган қавм учун аломатлар бордир. („Раъд“ сураси, 3- оят)

„Иккитадан – жуфт-жуфт“ деб таржима қилинган „*завжайни*“ сўзи „жуфтликнинг биттаси“ деган маънони англатувчи „*завж*“ сўзидан келиб чиққан. Биз биламизки, мевалар етилган ўсимликлар томонидан етиштириладиган якуний маҳсулотдир. Мева бўлишидан олдинги босқич гулдир. Гулларнинг ҳам эркак ва ургочи органлари бўлади. Гулчанг гулга ташиб борилиб, чангланиш юз бергандан сўнг, улар мева тугишни бошлайдилар. Мева аста-секин пишади ва уруғ чиқаришни бошлайди. Меваларнинг жинсий фазилатлари борлиги ҳақидаги далил Қуръонда таъкидланган илмий маълумотлардан яна биридир.

АТОМДАН КИЧИК ЗАРРАЛАР

Грек файласуфи Демокритнинг атом назарияси тараққиёти натижасида одамлар материянинг атом номи билан маълум жуда майда, бўлинмас ва бузилмайдиган заррачалардан иборат деб ишонишар эди. Бироқ атомларни ўрганиш натижасида қўлга киритилган ютуқлар бу тушунчани инкор қилди. Ҳозирги пайтда замонавий фан шу нарсани аниқладики, олдинлари энг кичик деб тушунилган зарра, аслида бўлиниши мумкин экан. Бу ҳақиқат фақат сўнгги асрда пайдо бўлди, лекин у 1400 йил аввал Курьонда ваҳий қилинган эди:

...Ғайбни билувчи Раббимга қасамки, шак-шубҳасиз, у (қиёмат) сизларга келур! Осмонлар ва Ердаги бир зарра мисқолича, ундан ҳам кичик (ёки) катта бирор нарса. Ундан махфий бўлмас ва албатта, (у) аниқ Китобда (Лавҳул-маҳфузда) мавжуддир. („Сабаъ“ сураси, 3- оят)

... Ерда, хоҳ осмонда бирор зарра миқдориди ёхуд ундан кичикроқ нарса ҳам Раббингиздан четда қолмайди, балки (у) аниқ битик (Лавҳул-маҳфуз)да бордир. („Юнус“ сураси, 61- оят)

Бу оятлар „атом“ ва ундан кичик зарраларни назарда тутди.

Бундан 20 йиллар олдингача энг кичик зарралар атомларни ташкил этувчи протонлар ва нейтронлар деб тушунилар эди. Бироқ жуда яқинда буларнинг ўзлари ҳам кичикроқ зарралардан ташкил топганлиги кашф қилинди. Бу „кичик зарралар“ни ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш учун „зарралар физикаси“ деб номланган физиканинг махсус тармоғи пайдо бўлди. Зарралар физикаси тадқиқоти атомларни ташкил этувчи протон ва нейтронларнинг ўзи ҳам аслида кварклар деб аталадиган жуда кичик зарралардан ташкил топганлигини кашф қилди. Ҳажми инсон ақли бовар қилмас даражада кичик бўлган бу протонларнинг асосий таркибини ташкил этувчи мазкур кваркларнинг ўлчами ҳайратланарлидир:


10^{-18} (0.000 000 000 000 000 001) метр.⁵⁰

Бошқа бир эътиборга молик нарса шуки, бу оятлар атомларнинг оғирлигига ҳам диққатни тортади. Юқорида келтирилган оятларнинг биринчисидаги „мисқоолу зарротин“ (атомнинг оғирлиги) жумласида ишлатилган „мисқоол“ сўзи оғирликни англатади. Аслида атомни ташкил этувчи протон, нейтрон ва электронлар шу билан бирга, атомга оғирлик берувчи таркибий қисмлар ҳам эканлиги кашф қилинди. Шунинг учун у Курьоннинг бошқа бир илмий

мўъжизасидирки, бизнинг эътиборимиз атомнинг ҳажми ёки бошқа бир хусусиятларига эмас, балки унинг оғирлигига қаратилади. (Қаранг: Ҳорун Яҳё. *The Miracle in the Atom* (Атомдаги мўъжиза). Та-На Publishers, Буюк Британия, 2004)

1. Оддий материя молекулалар ҳосил қилувчи электромагнитик кучлар орқали бир-бирига боғланган атомлардан ташкил топади. Бу молекулалар биргаликда қаттиқ jismlар, суюқликлар ва газларни ҳосил қилади.

2. Атомлар электронлар булути билан ўралган зич ядролардан ташкил топади. Электромагнитик куч атомлар ва электронларни биргаликда ушлаб туради.



3. Ядро қудратли ядро кучи орқали бирга ушлаб туриладиган протон ва нейтронлардан ташкил топган.

4. Протон ва нейтронларнинг ҳар бири учтадан кварклардан ташкил топган бўлиб, улар қудратли атом кучлари орқали бирга ушлаб турилади.




ҚОРА ТУЙНУКЛАР

XX аср коинотдаги самовий ҳодисалар билан боғлиқ жуда кўп кашфиётларнинг шоҳиди бўлди. Яқинда дуч келинган шундай кашфиётлардан бири „Қора туйнук“дир. Бу ўзининг бор энергиясини ишлатиб бўлган бирор юлдуз ўз-ўзидан инқирозга учраганда юзага келади, кейинчалик улар чексиз зичлик, ноль ҳажм ва ўта қудратли магнит майдонли қора туйнукка айланади. Бу қора туйнуқларни ҳаттоки энг қудратли телескоплар билан ҳам кўришга қодир эмасмиз, чунки уларнинг тортишиш кучи шунчалик кучлики, ҳатто ёруғлик ҳам улардан қочиб қутула олмайди. Бироқ бундай инқирозга юз тутган юлдузнинг унинг ўз атрофидаги ҳудудларга кўрсатадиган таъсиридан тушуниб олса бўлади. „Воқеа“ сурасида Аллоҳ бу масалага юлдузларнинг тутган ўрнига қасамёд қилиш орқали диққатни жалб этади:

Мен юлдузларнинг ботиш жойлари билан қасамёд этурман – бу (қасам) агар билсангиз, албатта, буюк қасамдир. („Воқеа“ сураси, 75—76- оятлар)

„Қора туйнук“ атамаси биринчи бор 1969 йилда америкалик физик Жон Вилер томонидан қўлланган. Илгарилари биз барча юлдузларни кўра оламиз, деган тасаввурда эдик. Бироқ кейинги пайтларда космосда биз сеза олмайдиган ёруғликсиз юлдузларнинг ҳам борлиги маълум бўлди. Чунки инқирозга учраган бу юлдузларнинг ёруғлиги йўқолади. Ёруғлик қора туйнуқлардан қочиб қутула олмайди, чунки қора туйнук кичик бир жойда массанинг ўта юқори даражада жамланганлигидир. Жуда катта тортишиш кучи ҳатто энг тез бўлган зарралар, яъни фотонларни ҳам тутиб олади. Мисол учун, массаси Куёшдан уч марта катта бўлган одатдаги юлдузнинг якуний босқичи унинг ёниб кетиши ва бор-йўғи 20 километр (12,5 миля)



диаметрли қора туйнук бўлиб ағдарилиши билан тугайди. Қора туйнуклар „қора“, яъни бевосита кузатилишдан ниқобланган. Шундай бўлса-да, улар ўзларини ўз тортишиш кучи билан бошқа самовий жисмларга таъсир ўтказиши ҳамда ғоят кучли сўриши орқали билвосита намоён бўлади. Қуйидаги оят Охират кунини тасвирлаш билан бирга, қора туйнуклар ҳақидаги бу илмий кашфиётни ҳам назарда тутаётган бўлиши мумкин:

Бас, қачонки, юлдузлар (нурлари) сўндирилгач. („Мурсалот“ сураси, 8- оят)

Бундан ташқари, массаси катта бўлган юлдузлар космосда сезиш мумкин бўлган деформацияларга ҳам сабаб бўлади. Бироқ қора туйнуклар нафақат космосда деформацияларга сабаб бўлади, балки унда туйнуклар ҳам ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам инқирозга учраган бу юлдузлар қора туйнуклар номи билан маълум. Юлдузлар тўғрисидаги бу ҳақиқат оятда назарда тутилаётган бўлиши мумкин ва бу, ўз навбатида, Қуръон Аллоҳнинг каломи эканлигини кўрсатувчи аҳамиятли маълумотлардан биридир:

Осмон ва Ториқ билан қасамёд этаман. (Эй Муҳаммад!) Сиз Ториқ нима эканини қаердан ҳам билар эдингиз?! (У қоронғиликни) тешувчи юлдуздир. („Ториқ“ сураси, 1—3- оятлар)

ПУЛЬСАРЛАР: ПУЛЬСАР ЮЛДУЗЛАР

Осмон ва Ториқ билан қасамёд этаман. (Эй Муҳаммад!) Сиз Ториқ нима эканини қаердан ҳам билар эдингиз?! (У қоронғиликни) тешувчи юлдузидир. („Ториқ“ сураси, 1—3- оятлар)

86-сураинг номи „Ториқ“ сўзи „торқ“ ўзагидан келиб чиққан бўлиб, унинг асосий маъноси товуш чиқариш учун етарли даражада уриш демакдир. Бу сўз англатиши мумкин бўлган маънони („урмоқ“, „қаттиқ урмоқ“) ҳисобга олиб, бизнинг эътиборимиз бу сурадаги муҳим бир илмий фактга қаратилаётган бўлиши мумкин. Бу маълумотни таҳлил қилишдан аввал, келинг, бу юлдузларни тасвирлаш учун оятда ишлатилган бошқа сўзлар билан танишиб чиқайлик. Юқоридаги оятда қайд этилган „*ват-тоориқи*“ сўзи тунни тешувчи, қоронғиликни тешиб ўтувчи, тунда бунёдга келган, тешиб ўтиб кетадиган, урувчи, зарб берувчи ёки ўткир юлдуз деган маъноларни англатади. Шунингдек, „*ва*“ сўзи диққатни қасамёд этилаётган нарсалар: осмон ва *Ториқ*қа жалб қилади.

1967 йилда Кембриж университетиде Жоселин Белл Бурнелл томонидан амалга оширилган изланиш ёрдами билан мунтазам радио сигнали аниқланди. Бироқ мана шу пайтгача, худди юракникига ўхшаш, мунтазам пульс ёки уриш манбаи бўлиши мумкин бўлган самовий жисмларнинг мавжудлиги ҳали фанга маълум эмас эди. Аммо 1967 йилда астрономлар шу нарсани таъкидлашдики, ўз ўқи атрофида айланиши боис, ядродаги материя зичлашиб бориши туфайли юлдузларнинг магнит майдонлари ҳам кучайиб боради ва шу тарзда ўз кутбларида Ерникига нисбатан 1 триллион марта кучлироқ магнит майдонини ҳосил қилади. Астрономлар жуда тез ва бундай қудратли магнит майдони билан айланаётган жисм, ҳар бир айланишида, конус шаклида жуда кучли радиотўлқинлардан иборат нурлар чиқаришини тушуниб етишди. Шундан сўнг бир оз вақт ўтгач, бу сигналларнинг манбаи нейтрон юлдузларнинг тез айланиши ҳам эканлиги тушуниб етилди. Янги кашф қилинган нейтрон юлдузлари „пульсарлар“ деган ном олди. Ўта янги юлдузларнинг портлашлари орқали пульсарларга айланадиган юлдузлар жуда катта массага эга бўлиб, коинотдаги энг ёруғ ва энг тез ҳаракатланувчи жисмлар ҳисобланади. Баъзи пульсарлар бир сонияда 600 мартагача айланади.⁵¹

„Пульсар“ сўзи *уриб, тегиб турмоқ* деган феълдан келиб чиққан. *American Heritage Dictionary* луғатига кўра, бу сўз пульсация бермоқ,

тепиб турмоқ деган маъноларни англатади. *Encarta Dictionary* луғатида эса бу сўзга ритм билан уриб турмоқ, кучли мунтазам ритм билан ҳаракат қилмоқ ёки тез-тез уриб (тепиб) турмоқ маънолари берилган. Яна, *Encarta Dictionary* луғатига кўра, „пульсация бермоқ“ (бу шу сўзнинг ўзагидан келиб чиққан) кучли мунтазам уриб туриш билан кенгайиб, қисқармоқ деган маъноларни англатади.

Мана шу кашфиётдан сўнг, Қуръонда „*Ториқ*“ (уриш) деб тасвирланган ҳодиса *пульсарлар* деб ном олган нейтрон юлдузларга жуда ҳам ўхшаб кетиши тушуниб етилди.

Нейтрон юлдузлар супер гигант юлдузларнинг атом ядролари бузилганда шаклланади. Жуда тез айланаётган шар шаклидаги ўта сиқилган ва зич материя юлдузнинг кўпчилик оғирлиги ва магнит майдонини ушлаб қолади ва сиқади. Бу тез айланаётган нейтрон юлдузлар томонидан ҳосил қилинган қудратли магнит майдони Ердан туриб кузатса бўладиган ўта кучли радиотўлқинларнинг чиқишига сабаб бўлиши ўз исботини топди.

„*Ториқ*“ сурасининг 3-оятдаги тешиб юборадиган, ўткир, олдинга силжувчи ёки тешик, туйнук очадиган деган маъноларни англатувчи „*ан-нажм ус-саақибу*“ сўзи *Ториқ*нинг қоронғиликда туйнук тешувчи ва олдинга силжиб кетувчи юлдуз эканлигини билдиради. „**Сиз *Ториқ* нима эканини қаердан ҳам билар эдингиз?!**“ жумласидаги „*адроока*“ сўзининг тушунчаси „тушуниш, англаш, фаҳмлаш“ деган маъноларни назарда тутаяди. Қуёш ҳажмидан бир неча марта катта юлдузларнинг сиқилиши натижасида юзага келадиган пульсарлар тушуниш, англаш мураккаб бўлган самовий жисмлар орасидан жой олган. Оятдаги масала бундай пульсация берувчи юлдузни тушуниш қанчалик оғир эканлигига урғу беради. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билувчидир.)

Кўриб турганимиздек, Қуръонда *Ториқ* деб тасвирланган юлдузлар XX асрда таърифланаётган пульсарларга жуда ўхшашдир ва улар биз учун Қуръондаги бошқа бир илмий мўъжизага ойдинлик киритиши мумкин.

Пульсарлар пульсга ўхшаш жуда кучли радиотўлқинлар чиқарадиган ва ўз ўқи атрофида жуда тез айланадиган сўнган юлдузларнинг қолдиқларидир. Сомон йўлида (бизнинг Еримиз ҳам унинг бир қисмидир) 500 дан ортиқ пульсарлар борлиги ҳисоблаб чиқилган.



ШЕЪРО ЮЛДУЗИ

Қуръонда қайд этилган айрим тушунчалар ХХI аср илмий кашфиётлари шарофати билан ўрганилар экан, биз Қуръоннинг яна қандай мўъжизалари бор экан дея ўйга толамиз. Бу мўъжизалардан яна бири „Нажм“ сурасининг 49-оятда қайд этилган Шеъро юлдузидир:

**Албатта, Шеъро (юлдузи)нинг Парвардигори ҳам Унинг ўзидир.
(„Нажм“ сураси, 49- ояг)**

Сириус юлдузининг эквиваленти бўлган арабча „*шиъроо*“ сўзи фақатгина „юлдуз“ маъносини англатувчи „Нажм“ сурасининг 49-оятда ишлатилганлиги айниқса, ҳайратланарлидир. Чунки тундаги осмоннинг энг порлоқ юлдузи Сириуснинг ҳаракатидаги носим-метрикликлар, уларнинг бошланиш нуқтасини эътиборга олиб, олимлар бу юлдузнинг аслида кўшалок юлдуз эканлигини аниқлашди. Ростдан ҳам, Сириус юлдузи Сириус А ва Сириус Б номли иккита юлдуздан ташкил топган. Булардан каттароғи Сириус А бўлиб, у Ерга ҳам яқинроқ жойлашган. Сириус А энг ёруғ юлдуз бўлгани сабабли уни бевосита кўз билан илғаш мумкин. Бироқ Сириус Б ни телескопсиз кўриб бўлмайди.

Сириус кўшалок юлдузлари бир-бирининг атрофида эллипс орбиталарда ҳаракат қилади. Сириус А ва Б ларнинг умумий тортишиш маркази атрофидаги орбитал даври 49,9 йилга тенгдир. Бу илмий маълумот бугунги кунда Гарвард, Оттава ва Лейсестер университетларининг астрономия департаментлари томонидан бир овоз билан қабул қилинган.⁵² Бу маълумот турли манбаларда куйидагидек ёритилган:

Сириус, энг порлоқ юлдуз, аслида эгизак юлдузидир ... Унинг орбитаси 49,9 йил давом этади.⁵³

Маълум бўлишича, Сириус А ва Сириус Б юлдузлари бир-бирининг атрофида ҳар 49,9 йилда кўшалок камон бўлиб орбитал ҳаракат қилади.⁵⁴

Бу ерда диққатни тортадиган жиҳат иккита юлдузнинг бир-бири атрофидаги камон шаклли орбитасидир.

ХХ асрнинг охирига келиб аниқлик киритилган бу илмий ҳақиқат 1400 илгари Қуръонда мўъжизакорона кўрсатиб ўтилган эди. „Нажм“ сурасининг 49 ва 9 оятлари биргаликда ўқилганда бу мўъжиза ойдинлашади:


Албатта, Шеъро (юлдузи)нинг Парвардигори ҳам Унинг ўзидир.
(„Нажм“ сураси, 49- оят)

Бас, икки камон оралигидек ёки (ундан ҳам) яқинроқ бўлди. („Нажм“ сураси, 9- оят)

„Нажм“ сурасининг 9-ояти бу икки юлдузнинг ўз орбиталарида бир-бирига қандай яқинлашишини ҳам тасвирлаётган бўлиши мумкин. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.) Куръон нозил бўлган пайтда ҳеч бир кишининг билиши даргумон бўлган бу илмий фактлар Куръон Қодир Аллоҳнинг сўзи эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Сириус юлдузи „Нажм“ (у „юлдуз“ маъносини англатади) сурасида учрайди. Яхлит Сириусни ташкил этувчи бу қўшалок юлдузлар ҳар 49,9 йилда бир марта ўз ўқлари билан бир-бирига камон шаклида яқинлашади. Бу астрономик ҳодиса „Нажм“ сурасининг 9 ва 49 оятларида кўрсатиб ўтилган.





(У) Еру осмонларнинг Яратувчисидир.
Бирор ишни қиладиган бўлса,
(фақатгина унга) „Бўл!“ деса,
бас, у бўлади.
(„Бақара“ сураси, 117- оят)

ЁРУҒЛИК ВА ЗУЛМАТ

Ҳамд осмонлар ва Ерни яратган, зулматлар ва нурни пайдо этган Аллоҳга (хос)дир. („Анъом“ сураси, 1- оят)

Ҳаммамизга маълумки, ёруғликсиз инсон ўз атрофидаги нарсаларни бевосита кўз билан кўра олмайди. Бироқ биз кўриб турган ёруғлик барча ёруғлик чиқарувчи энергияларнинг фақатгина жуда оз қисмини ташкил этади. Яна инфрақизил, ультрабинафша, рентген нури ва радиотўлқинлар каби бошқа ёруғлик чиқарувчи энергиялар ҳам борки, инсон зоти уларни илғай олмайди. Инсонлар бундай ёруғлик нурларини бутунлай кўрмайдилар.

Шунингдек, қизиқ томони шундаки, „зулматлар“ сўзи Қуръонда ҳар доим кўплик шаклда ишлатилган. Қуръоннинг 23 та оятида арабча сўз бўлган „зулумаат“ кўплик шаклда қўлланилган ва ҳеч ҳам бирлик шаклда ишлатилмаган. Қуръонда „зулматлар“ сўзининг ишлатилиши биз кўра оладиган ёруғлик тўлқинларига қўшимча равишда, яна бошқа ёруғлик тўлқинлари ҳам борлигидан дарак беради.

Фақат яқиндагина, олимлар нима учун бу ерда кўплик шакли ишлатилганига аниқлик киритишди. Тўлқин узунликлари электромагнит нурланиш номли энергия шаклида фарқланади. Электромагнит нурланишнинг турли шакллари космосда энергия тўлқинлари сифатида тарқалади. Бу ҳовузга бирор тош отилганда, у ҳосил қиладиган тўлқинларга таққосланиши мумкин. Ҳовуздаги тўлқинлар турли ўлчамларда бўла олганидек, электромагнит нурланишлар ҳам турли ўлчамли тўлқинларга эгадир.


Юлдузлар ва ёруғликнинг бошқа манбалари ҳар хил турдаги нурлар таратади. Бу турли нурлар ўзларининг тўлқин узунликларига кўра таснифланади (синфларга ажратилади). Тўлқин узунликлари спектри жуда кенг. Энг кичик ўлчамдаги тўлқин узунлиги бўлган гамма нурлар ва энг катта бўлган радиотўлқинлар ўртасида 10^{25} та фарқ бор. Қуёшдан чиқадиган деярли барча нурлар мана шу 10^{25} ли спектрнинг бир қисмига сиқилган.

Бу рақамнинг улкан эканлигини яхшироқ тушуниб олиш учун қиёслаб ўрганиш жуда қўл келади. Мабодо биз 10^{25} гача санашни хоҳлаб қолсак-у, уни куну тун тўхтамасдан санаганимизда эди, уни тугатиш учун Ернинг ёшидан 100 миллион марта кўп вақтимиз кетган бўлар эди. Коинотдаги турли тўлқин узунликлари худди шу ҳажмдаги бир спектр ичида тақсимланган. Қуёшдан чиқадиган турли

тўлқин узунликларининг 70% и 0,3 микрон ва 1,5 микрон оралигидаги жуда тор спектр билан чегараланган. Мана шу спектр ичида уч турли ёруғлик мавжуд: кўринувчан ёруғлик, инфрақизил ёруғлик ва ультрабинафша ёруғлик. 10^{25} спектрдаги 1 дан камроқ жой эгаллаганига қарамасдан, кўринувчан ёруғлик деб ном олган нурлар Қуёшнинг барча нурларининг 41% ини ташкил этади.

Кўриб чиққанамиздек, инсон кўзи илғаши мумкин бўлган электромагнитик тўлқинлар ёруғлик спектрининг бор-йўғи жуда кичик бир қисмидагина акс этади. Бу спектрнинг бундан бошқа қисмидаги тўлқин узунликлари инсон зоти учун фақатгина зулматдан бошқа нарса эмас, яъни инсон уларни кўриш қобилиятига эга эмас.⁵⁵

Диаграммадан кўриниб турибдики, инсон учун кўринарли бўлган тўлқин узунлиги диапазони жуда тор. Бошқа тўлқин узунликлари одам учун қоронғилик дегани.




ОЛОВСИЗ ЁНИШ

Аллоҳ осмонлар ва Ернинг „нури“дир. Нурнинг мисоли худди *бир тоқча ичидаги чироқ, бу чироқ бир шиша ичида, у шиша гўё бир дурдан яралган юлдузга ўхшайди. У (чироқ) на шарқий ва на ғарбий бўлмаган муборак зайтун дарахти (мойи)дан ёқилур. Унинг мойи (мусаффолигидан), ғарчи унга олов тегмаса-да, (атрофни) ёритиб юборгудекдир. (Мазкурлар қўшилганда эса) нур устига нур (бўлур). Аллоҳ ўзининг (бу) нурига ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. Аллоҳ одамлар (ибрат олишлари) учун (мана шундай) мисолларни келтирур. Аллоҳ барча нарсани билувчидир. („Нур“ сураси, 35- оят)*

Бу оят ёруғлик чиқарувчи қандайдир бир нарсага ишора қилмоқда. Бу ёруғлик чиқарувчи нарса юлдузга қиёсланмоқда. На Шарқ ва на Ғарбга тегишли бу юлдузга ўхшаш, ёруғлик чиқарувчи жисм томонидан ишлатиладиган ёқилғи шу жисмнинг моддий ҳажм (ўлчам) га эга эмаслигини назарда тутаётган бўлиши мумкин. Агар бу ёқилғи манбаи энергия ўлчами деб ҳисобланса, унда оятда қайд этилган ёқилғи электр энергияга, ёруғлик чиқарадиган жисм эса ёруғлик лампочкасига жуда ҳам ўхшаб кетади.

Лампочка юлдуздек ярақлайдиган ва нур чиқарадиган шиша ичидаги жисм бўлиб, оятда таърифланганга тўлиқ мос келади. Мойли лампалар ва газли лампалардан фарқли ўлароқ, ёруғлик лампочкалари мой ёқмайди ва оятда қайд этилган таърифга мувофиқ тарзда унинг ичида оловсиз ёниш ҳодисаси юз беради. Иссиқликка чидамли вольфрам симининг атомлари орасидаги тебраниш натижасида, лампочканинг ичидаги ҳарорат 2000 даража Цельсий (3,630° Фарангейт) дан юқорига кўтарилади. Бошқа металларни эритиб юбориши мумкин бўлган бу ҳарорат шунчалик баландки, у жуда кучли кўринадиган ёруғликни пайдо қилади. Бироқ мана шу иссиқликка қарамасдан, яна оятга мувофиқ, ёниш ҳодисаси юз бермайди, чунки лампочкада кислород бўлмайди. Шунингдек, лампочка ичидаги тола порлоқ юлдузга ўхшайди.

Агар биз электр токини дунё тарихидаги энг буюк кашфиётлардан бири ва у лампочкалар ёрдамида деярли бутун жаҳонни ёритади, деб ҳисобласак, унда бу оят балки мана шу катта кашфиётга ишора қилмоқдадир, деб тахмин қилишимиз мумкин. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.)



Бошқа бир тушунтириш ёруғлик юлдузлардаги атом реакциялари натижасида чиқади деб изоҳланиши мумкин. Юлдузлар ёруғ, иссиқ айланаётган газ массаси бўлиб, атом реакциялари натижасида жуда катта миқдордаги ёруғлик ва иссиқлик чиқаради. Кўпчилик янги пайдо бўлаётган катта юлдузлар ўз тортишиш кучининг тортиш оғирлиги остида инқирозга юз тута бошлайдилар. Бу уларнинг марказлари иссиқроқ ва зичроқ деганидир. Юлдузнинг марказидаги материя ортиқ даражада исиб кетганда – у камида 10 миллион даража Цельсий (18 миллион даража Фарангейт) га етганда – атом реакциялари бошланади.⁵⁶ Юлдуз ичида содир бўладиган жараён шуки, катта энергия (эриш) билан водород гелийга айланади. Ядро синтези водород ҳосил қилувчи зарраларни ўзига олади ва гелий ҳосил қилиш учун уларни бир-бирига ёпиштиради (1 та гелий атоми 4 та водород атомидан ясалади). Протон ва нейтронларни гелий ичида ушлаб туриш учун атомлар жуда катта энергия чиқаради. Бу жараёнда қўйиб юбориладиган энергия юлдузнинг юзасидан ёруғлик ва иссиқлик сифатида радиация бўлиб тарқалади. Водород ишлатиб бўлингандан сўнг, гелий билан ёнишни бошлайди ва худди шу йўсинда оғирроқ элементлар шаклланади. Бу реакциялар юлдузнинг массаси ишлатиб бўлингунча давом этади.

Бироқ юлдузлар ичидаги бу реакцияларда кислород ишлатил-маслиги сабабли, натижада одатдаги, масалан, бир бўлак ёғоч ёнганда содир бўладигандек, ёниш бўлмайди. Юлдузларда гигант аланга бўлиб кўринган ёниш аслида оловдан келиб чиқмайди. Дарҳақиқат, оятда ҳам худди шундай ёниш таърифланган. Агар бу оят юлдузни, унинг ёнилғисини ва оловсиз ёнишини назарда тутаяпти, деб талқин қилинса, унда бу оят юлдузларда ёруғлик чиқиши ва ёниш усулини назарда тутмоқда, деб ҳам талқин қилиниши мумкин. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.)

БУЛУТЛАРНИНГ ОГИРЛИГИ

Булутларнинг оғирлиги жуда ҳайратланарли миқдорларгача бориб етади. Мисол учун, чақмоқли булутлар номи билан маълум бўлган ёмғирли булутлар 300000 тоннагача сувни ўз таркибига олиши мумкин.

300000 тонна сув массасининг юқорида, осмонда тура олишининг ўзи чиндан ҳам ажабланарли ҳолдир. Эътиборимизни Куръоннинг бошқа оятларидаги булутларнинг оғирлигига нисбатан айтилган сўзларга қаратамиз:

У ўз раҳматининг даракчиси сифатида шамолларни юборувчи зот бўлиб, (шамоллар) оғир булутларни кўтариб олгач, уни ўлик ер (усти)га ҳайдаймиз. Бас, унга сув (ёмғир) ёғдириб, у сабабли меваларнинг ҳар туридан чиқарурмиз ... („Аъроф“ сураси, 57-оят)

У сизларга қўрққан ва умидвор бўлган ҳолингизда чақмоқни кўрсатадиган ва оғир булутларни пайдо қиладиган зотдир. („Раъд“ сураси, 12-оят)

Куръон нозил бўлган пайтда, албатта, булутларнинг оғирлиги ҳақида бирор маълумотга эга бўлиш инсоннинг билиш чегарасидан анча узоқда эди. Куръонда ваҳий қилинган ва фақат яқиндагина кашф қилинган бу маълумот Куръон Аллоҳнинг сўзи эканлигини тасдиқловчи яна бир бошқа ҳақиқатдир.

ЎЛЧОВЛИ МИҚДОРДАГИ ЁМҒИР

Қуръонда айтилган бошқа бир маълумот ёмғирнинг Ерга „тегишли меъёра“ ёғдирилиши ҳақидадир. Бу „Зухруф“ сурасида қуйидагича ёритилган:

Ўша зот осмондан (аниқ) ўлчов билан сув (ёмғир) ёғдирди. Бас, Биз у (сув) билан „ўлик“ ерни „тирилтирдик“ (ғиёҳларни чиқардик). Сизлар ҳам (қийматда қабрларингиздан) мана шундай чиқарилурсизлар. („Зухруф“ сураси, 11-оят)

Ёмғирнинг ўлчовли миқдорда ёғдирилиши илмий изланишлар натижасида кашф қилинди: бир сонияда Ер юзасидан тахминан 16 миллион тонна сув буғ бўлиб ҳавога кўтарилиши ҳисоблаб чиқилган. Бу миқдор йил ҳисобига кўпайтирилса, 513 триллион тоннани ташкил этади. Бу рақам бир йилда Ерга ёғиладиган ёмғирнинг миқдорига тенгдир. Демак, „миқдор“ига кўра сув мувозанатли бир тартибда тўхтовсиз айланиб туради. Ҳаттоки дунёдаги барча техникалар мана шу вазифани бажаришга тайинланганида ҳам, бу тартибни сунъий тарзда ўзидай қилиб такрорлай олмас эди.

Бу мувозанатдан ҳатто арзимаган миқдорда чалғиш ҳам тезда катта экологик номутаносибликларни келтириб чиқарар ва бу, ўз навбатида, Ер юзидаги ҳаётнинг тугашига олиб келар эди. Лекин бу бахтимизга содир бўлмайди ва ёмғир, худди Қуръонда ваҳий қилинганидек, аниқ ўлчов билан ёғишни давом эттираверади.

Ёмғирнинг нисбати нафақат унинг миқдорига, балки ёғётган ёмғир томчиларининг тезлигига ҳам тегишли эмас. Ёмғир томчиларининг тезлиги, уларнинг ўлчами қандай бўлишидан қатъи назар, маълум бир чегарадан ошмайди.

1905 йилда Нобель мукофоти соҳиби бўлган немис физиги Филипп Ленард томчи диаметри 4,5 мм (0,18 дюйм) дан кичик бўлган ҳолатларда ёғиш тезлигининг ошганини аниқлади. Бироқ ёғиш тезлиги бундан каттароқ томчилар учун бир сонияда 8 метр (26 фут/сония) дан ошмади. У буни томчи ўлчами катталашгани сари, ҳаво оқими таъсирида, томчи шаклининг ўзгаришига йўйди. Шаклдаги бундай ўзгариш томчининг ҳавога нисбатан қаршилигини кўпайтирди ва унинг ёғиш тезлигини секинлаштирди.

Кўриб турганимиздек, Қуръон бизнинг эътиборимизни 1400

Йил илгари билиб олиш мумкин бўлмаган ёмғирдаги кўз илғамас мослашувга ҳам жалб қилаётган бўлиши мумкин.

Ҳар йили ҳавога буг бўлиб кўтариладиган ва Ерга ёмғир шаклида қайтиб тушадиган сув миқдори „ўзгармас“ дир: 513 триллион тонна. Бу миқдор ҳақида Қуръонда „осмондан (аниқ) ўлчов билан сув (ёмғир) ёғдириш“ жумласи орқали хабар берилган. Бу миқдорнинг ўзгармаслиги экологик мувозанат ва шунингдек, ҳаётнинг давомийлиги учун жуда муҳим.



ЁМҒИРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Ёмғирнинг қандай пайдо бўлиши узоқ йиллар давомида сир бўлиб келди. Фақат об-ҳавони аниқловчи асбоб ихтиро қилингандан сўнггина ёмғирнинг шаклланиш босқичларини кашф қилиш имконияти туғилди.

Бу кашфиётга биноан, ёмғирнинг шаклланиши уч босқичда содир бўлади. Биринчидан, ёмғирнинг „хом ашё“си шамол билан ҳавога кўтарилади. Кейинроқ булутлар пайдо бўлади ва ниҳоят ёмғир томчилари юзага келади.

Қуръоннинг ёмғир ҳосил бўлиши ҳақидаги сўзлари худди шу жараёни назарда тутди. Оятларнинг бирида бу ҳосил бўлиш куйидагидек ифодаланади:

Аллоҳ шундай зотки, (У) шамолларни юбориб, булутларни кўзғайди, бас, уни осмон бўйлаб хоҳлаганича ёяди ва уни бўлак-бўлак қилгач, унинг орасидан ёмғир чиқишини кўрасиз. Бас, қачонки уни (ёмғирни) ўз бандаларидан хоҳлаган кишисига етказганда, улар бирдан шодланиб кетурлар. („Рум“ сураси, 48-оят)

Энди, келинг оятда келтирилган бу уч босқични чуқурроқ таҳлил қиламиз:

БИРИНЧИ БОСҚИЧ: „Аллоҳ шундай зотки, (У) шамолларни юбориб ...“

Океанларнинг кўпикланишидан пайдо бўлган саноқсиз ҳаво пуфакчалари мутгасил ёрилади ва сув зарраларининг ҳавога қараб отилишига сабаб бўлади. Сўнгра тузга бой бўлган бу зарралар шамоллар таъсирида юқорига – атмосферага қараб кўтарилади. Аэрозоллар деб аталадиган бу зарралар сув қопқонлари вазифасини бажаради ва ўз атрофига денгиздан жуда кичик томчи зарралари бўлиб кўтариладиган сув буғларини йиғиб олиб, булут томчиларини шакллантиради.

ИККИНЧИ БОСҚИЧ: „... булутларни кўзғайди, бас, уни осмон бўйлаб хоҳлаганича ёяди ва уни бўлак-бўлак қилгач ...“

Булутлар ҳавода туз кристаллари ва чанг зарралари атрофида суюладиган (конденсацияланадиган) сув буғларидан юзага келади. Бу булутлардаги сув томчилари жуда кичик (тахминан 0,01–0,02 мм (0,0004–0,0008 дюйм) ўлчамда) бўлганлиги сабабли булутлар ҳавода осилиб қолади ва осмон бўйлаб ёйилади. Шу тарзда осмон булутлар билан қопланади.

УЧИНЧИ БОСҚИЧ: „... унинг орасидан ёмғир чиқишини кўрасиз.“

Туз кристаллари ва чанг зарраларини ўраб турган сув зарралари қалинлашади ва ёмғир томчиларини шакллантиради, шундай қилиб, ҳавога нисбатан оғирроқ бўлиб қоладиган томчилар булутларни тарк этади ва ерга ёмғир бўлиб ёғишни бошлайди.

Юқорида муҳокама қилганимиздек, ёмғир ҳосил бўлишидаги ҳар бир босқич Қуръон оятларига боғланган. Шунингдек, бу босқичлар худди оятдаги кетма-кетликда тушунтирилади. Ердаги бошқа кўп табиий ҳодисалар каби, Аллоҳ бу ҳодисага ҳам энг тўғри тушунтириш берган ва унинг кашф қилинишидан анча асрлар илгари Қуръонда уни маълум қилиб қўйган. Бошқа бир оятда ёмғирнинг шаклланиши ҳақида қуйидаги маълумот келтирилган:



Аллоҳнинг булутларни ҳайдашини, сўнгра уларни бирлаштиришини, сўнгра уларни устма-уст қалаштиришини кўрмадингизми? Сўнгра (булут) орасидан ёмғир чиқаётганини кўрасиз. (Аллоҳ) осмондан — ундаги тоғ (булут)лардан дўл ёғдириб, уни ўзи хоҳлаган кишиларга етказур ва ўзи хоҳлаган кишилардан буриб юборур. Чақмоғининг ёруғлиги кўзларни кетказгудекдир. („Нур“ сураси, 43-оят)

Булут турларини ўрганаётган олимлар ёмғир булутларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ ажабланарли натижаларга дуч келишди. Бунда ёмғир булутларининг аниқ бир тизим ва босқичларга кўра ҳосил бўлишини аниқлашди. Ёмғир булутларининг бир тури бўлган *cumulonimbus* (ёмғирли булут)нинг пайдо бўлиш босқичлари қуйидагича ифодаланади:

1-БОСҚИЧ. Ҳайдалади: булутлар шамол орқали ҳайдалади.

2-БОСҚИЧ. Бирлашади: сўнгра, шамол орқали ҳайдалган кичик булутлар (ёмғирли булутлар) ўзаро бирлашади ва каттароқ булут ҳосил қилади.⁵⁸

3-БОСҚИЧ. Устма-уст қалашади: кичик булутлар бирлашганидан сўнг каттароқ булут ичидаги юқорига кўтариладиган оқимлар катталашади. Булут маркази яқинидаги юқорига кўтариладиган оқимлар четга яқинроқдагиларига қараганда кучлироқ




Юқоридаги расм майда сув томчиларининг ҳавога қандай қилиб чиқиб кетишини кўрсатади. Бу ёмғир ҳосил бўлишининг биринчи босқичидир. Шундан сўнг, энди пайдо бўлган булутлардаги майда сув томчилари ҳавода осилиб қолади ва ёмғир пайдо қилиш учун суюлади (конденсацияланади).

Бу босқичларнинг барчаси Қуръон оятларида тўлиқ билдирилган.

бўлади. Юқорига кўтариладиган оқимлар булут массасининг вертикал ўсишига сабаб бўлиб, уларни устма-уст қалаштиради. Бу вертикал ўсиш булут массасининг атмосферадаги сув томчилари ва дўл шаклланадиган совуқроқ ҳудудгача узайишига сабаб бўлади. Сув томчилари ва дўл юқорига кўтариладиган оқимлар учун ушлаб туришга оғирлик қилиб қолгандан сўнг, улар булутдан ёмғир, дўл ва ҳ. к. шаклида тушишни бошлайди.⁵⁹

Биз шуни ёдда тутишимиз керакки, метеорологлар яқиндагина самолётлар, сунъий йўлдошлар, компьютерлар каби замонавий жиҳозлардан фойдаланиб, булутнинг пайдо бўлиши, унинг таркиби ва функцияси ҳақида бундай тушунчага эга бўлдилар. Кўриб турганимиздек, Аллоҳ 1400 йил илгари билишнинг имкони бўлмаган маълумотни бизга хабар қилгани кундек равшан.



(А) Алоҳида-алоҳида кичик булут парчалари (ёмғирли булутлар).

(Б) Бу кичик булутлар бирлашганда, каттароқ булутлар ичидаги юқорига кўтариладиган оқимлар катталашади. Натижада булутлар устма-уст қалашади.



Юқорига кўтариладиган оқимлар булут массасининг вертикал ўсишига сабаб бўлади ва булут устма-уст қалашиб қолади. Вертикал ўсиш билан булут массаси атмосферадаги сув томчилари ва дўл шаклланадиган совуқроқ ҳудудгача етиб боради. Сув томчилари ва дўл юқорига кўтариладиган оқимлар учун ушлаб туришга оғирлик қилиб қолгандан сўнг, улар булутдан ёмғир, дўл ва ҳ. к. шаклида тушишни бошлайди. Бу илмий далилни 1400 йил илгари Аллоҳ „Нур“ сурасининг 43-оятда бундай ваҳий қилган эди: сўнгра уларни устма-уст қалаштиришини кўрмадингизми? Сўнгра (булут) орасидан ёмғир чиқаётганини кўрасиз ...“

ЕРНИНГ ҲАРАКАТГА КЕЛИШИ ВА КЎПЧИШИ

Ерни кўриқ ҳолида кўрасиз. Бас, қачонки, Биз унинг устидан (ёмғир) ёғдирсак, у ҳаракатга келиб кўпчир ва турли гўзал жуфтларни (икки жинсли гиёҳларни) ундирур. („Ҳаж“ сураси, 5-оят)

„Ҳаракатга келиб“ деб таржима қилинган арабча сўз „*ихтаззат*“ бўлиб, у „ҳаракатга келмоқ, жонланмоқ, силжимоқ, кўзғалмоқ; ўсимликнинг ҳаракати ва узайиши“ каби маъноларни билдиради. „Кўпчир“ деб таржима қилинган „*робат*“ сўзи „кенгаймоқ, кўпаймоқ, кўпчимоқ, ўсмоқ, ривожланмоқ, кўтарилмоқ (ўсимлик ҳақида), таъминламоқ, ҳаво билан тўлдирмоқ“ каби маъноларга эга. Бу сўзлар ёмғир пайтида тупроқнинг молекулавий структурасида содир бўладиган ўзгаришларни энг тўғри усулда ифодалайди.

Фақат тупроқ зарралари ҳаракатланиши боис, оятда ифодаланган ҳаракат, бир бўлаги ҳаракатланганда зилзилаларни келтириб чиқарадиган Ер қобиғининг ҳаракатидан фарқ қилади. Бу зарралар бирининг устида бошқаси ётувчи қатламлардан ташкил топган. Сув бу қатламларга кириб бориб, тупроқ зарраларининг кўпчишига сабаб бўлади. Оятда айтиб ўтилган босқичлар илмий жиҳатдан қуйидагича тушунтирилиши мумкин:

1. Тупроқнинг ҳаракатга келиши. Тупроққа етарли даражада сув тушгандан сўнг зарранинг юзасида пайдо бўладиган электростатик заряд бу зарранинг беқарорлигига ва ҳаракатга келишига сабаб бўлади. Бу заряд қарама-қарши заряд билан нейтраллангандан сўнг ушбу ҳаракат барқарорлашади. Тупроқ заррасининг ҳаракатга келиб қимирлаши унинг сув зарралари билан тўқнашгани туфайли ҳамдир. Сув зарралари муайян бир йўналишда ҳаракат қилмаслиги сабабли, тупроқ зарралари ҳар томондан урилгач, ҳаракатга келади. 1827 йил шотландиялик ботаник Роберт Броун ёмғир томчилари тупроққа тушганда, улар тупроқ молекулаларида қандайдир бир қимирлаш

ва тебраниш содир этишини аниқлади. У бугунги кунда „Броун ҳаракати“ номи билан маълум бўлган бу микроскопик зарралар ҳаракатини тасвирлаб берди.⁶⁰

2. Тупроқнинг кўпчиши. Ёмғир ёққанда тупроққа келиб уриладиган ёмғир томчилари тупроқ зарраларининг кўпчишига ва ҳажм жиҳатдан кенгайишига сабаб бўлади. Бу, сув мўл бўлганда сув зарралари ва эриган ионлар кира оладиган тупроқ зарралари орасидаги бўшлиқнинг кенгайиши туфайлидир. Сув ва унда эриган озиклантирувчи элементлар қатламлар орасида диффузияланиб тарқалганда тупроқ зарраларининг ўлчами катталашади. Пировардида бу зарралар тупроқни жонлантирадиган сув сақлагич сифатида хизмат қилади. Аллоҳнинг инсоният учун кўрсатган чексиз марҳамати туфайли, бу сув шу йўсинда, тортишиш кучи таъсирида пастга қараб сингиб кетмасдан, сақланиб қолади. Агарда тупроқ сувни ушлаб тура олмаганда эди ва бу минерал тузлар тупроқда туриб қола олмаганда эди, сув Ернинг энг чуқур қисмларигача сингиб кетган ва бунинг натижасида унинг йўқ бўлиши боис, барча ўсимликлар тезда ўлган бўлар эди. Бироқ бизнинг Парвардигоримиз тупроқни шундай яратиб қўйганки, ундан турли маҳсулотлар пайдо бўлади.

3. Ердан униб чиқиш. Тупроқда етарлича сув йиғилгач, уруғлар фаоллашади ва содда озиклантирувчи моддаларни шимиб олади. Ўсаётган ўсимликлар бу озуқалардан 2–3 ойгача сувга бўлган талабини қондиради.

Юқоридаги оят ёмғир қуруқ ерга тушганда нима содир бўлишини уч босқичда тушунтириб берган: тупроқ зарралари ҳаракатга келади, тупроқ кўпчийди ва сўнгра турли маҳсулотларни етиштиради. 1400 йил муқаддам Қуръонда хабар берилган бу босқичлар илмий таърифларга ҳайратланарли тарзда ўхшашдир. Бошқа бир оят бу ҳақда ўсимликлар мисолида бундай хабар беради:

Ўлик (кўрик) ер улар учун (қайта тирилишга) бир аломатдир. Биз уни (сув билан) тирилтирдик ва ундан (турли) донларни ундириб чиқардик. Бас, улар ундан емоқдалар. („Ёсин“ сураси, 33-оят)



ЎЛИК ЕРГА ҚАЙТА ҲАЁТ БАҒИШЛАЙДИГАН ЁМҒИРЛАР

Ёмғирларнинг „ўлик ерга қайта ҳаёт бахш этиш“лик вазифаси Курьоннинг қатор оятларида таъкидлаб ўтилган:

... Осмондан пок сув (ёмғир) ёғдирдик. Бу ўлик ерларни тирилтириш ва Ўзимиз яратган кўплаб ҳайвонларни ҳамда инсонларни суғориш учундир. („Фурқон“ сураси, 48–49-оятлар)


Ерга жонзотлар учун зарурий талаб бўлган сувни келтириш билан бир қаторда, ёмғирнинг ўғитловчилик хусусияти ҳам бор. **Денгиздан буғланувчи ва булутларга етувчи томчилар ўлик тупроққа „янги ҳаёт бағишловчи“ зарур моддаларни ўз ичига олади. „Янги ҳаёт бағишловчи“лик хусусиятига эга бундай ёмғир томчилари „сиртқи парда томчилари“ деб аталади.** Булар биологлар томонидан микроқатлам деб аталадиган денгиз юзасининг энг юқори қатламидан ҳосил бўлади; ўндан бир миллиметрдан кичик қалинликдаги бу юза қатламда микроскопик сув ўтлари ва зоопланктонларнинг чиришидан келиб чиққан кўп миқдордаги органик чиқиндилар топилади. Бу чиқиндиларнинг баъзилари денгиз сувида кам учрайдиган фосфор, магний ва калий каби элементларни, шу жумладан, мис, рух, кобальт ҳамда қўрғошин сингари оғир металлларни шимиб тўплайди. Ер юзасидаги уруғлар ва ўсимликлар бу ёмғир томчиларидан униб-ўсиш учун зарур бўлган кўп миқдордаги минерал тузлар ва элементларни ўзига олади. Курьон бунга қуйидагича ишора қилади:

Биз осмондан баракотли сув (ёмғир) ёғдириб, у билан боғларни ва ўриб олинадиган донларни ундирдик. („Қоф“ сураси, 9-оят)

Ёмғир билан тушадиган бу минерал тузлар ҳосилдорликни ошириш учун амалда қўлланиладиган ўғитлар (кальций, магний, калий ва ҳ.к.) нинг кичик кўринишдаги намуналаридир. Аэрозолларда топиладиган оғир металл турлари ўсиш мобайнида самарадорликни ва ўсимликларнинг маҳсулдорлигини оширадиган элементларни ҳосил қилади. Қисқаси, **ёмғир катта аҳамиятга эга бўлган ўғитдир.** Ёлғиз ёмғир таъминлаб берадиган ўғит билан, юз йил ичида, паст сифатли тупроқ ўсимликлар учун зарур бўлган барча элементларга эга бўлиши мумкин. Ўрмонлар ҳам денгиздан

келиб чиқадиган бу кимёвий элементлар ёрдамида ўсади ва озиқланади.

Шу тарзда, ҳар йили тахминан 150 миллион тоннага яқин минерал ўғит зарралари ерга тушади. Агарда ёмғирнинг бундай ўғитловчилик хусусияти бўлмаганда эди, Ер юзида жуда кам ўсимликлар ўсган ва ҳаётий мувозанат бузилган бўлар эди. Оятда ерларга янги ҳаёт бағишлаш ҳақида берилган бу маълумот Қуръоннинг саноқсиз мўъжизавий хусусиятларидан биридир, холос.



ДЎЛ, МОМАҚАЛДИРОҚ ВА ЧАҚМОҚНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

... (Аллоҳ) осмондан – ундаги тоғ (булут)лардан дўл ёғдириб, уни ўзи хоҳлаган кишиларга етказур ва ўзи хоҳлаган кишилардан буриб юборур. Чақмоқнинг ёруғлиги кўзларни кетказгудекдир. („Нур“ сураси, 43-оят)

Юқоридаги оят дўл ва чақмоқ ҳақидадир. Дўл ва чақмоқнинг пайдо бўлиши ўрганиб чиқилганда, оятда муҳим бир метеорологик ҳақиқат таъкидланаётганлиги маълум бўлади. Чақмоқ ва дўлнинг пайдо бўлиши ҳақидаги „Бугунги метеорология“ номли китоб дўл булутдаги ўта салқин майда томчилар ва муз кристалларидан иборат ҳудуд орқали тушиши боис, булутнинг электрланиб қолиши тўғрисида маълумот беради. Суюқ майда томчилар музлайди ва дўл доналари билан тўқнашиб, билинмас иссиқлик чиқаради. Бу дўл донасининг сиртини атрофдаги муз кристалларга нисбатан илиқроқ тутади. Дўл донаси муз кристали билан таъсирлашганда муҳим ҳодиса рўй беради: Совуқроқ объектдан иссиқроқ объектга электронлар оқиб ўтади. Шу тарзда, дўл донаси манфий зарядланиб қолади. Ўта салқин майда томчилар дўл донаси билан таъсирлашганда ҳам бу ҳодиса юз беради ва мусбат зарядланган майда муз парчалари ажралиб чиқади. Енгилроқ бўлган ва мусбат зарядланган бу зарралар ҳаво оқими билан булутнинг тепа қисмига олиб чиқилади. Дўл энди манфий зарядли бўлиб қолади ва булутнинг тубига қараб равона бўлади, шу йўсинда булутнинг пастки қисми манфий зарядга эга бўлади. Сўнгра бу манфий зарядлар чақмоқ бўлиб зарядсизланади. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, чақмоқ пайдо бўлишининг асосий омили дўлдир.⁶¹

Қуйидаги оятда ёмғир булутлари ва чақмоқ ўртасидаги боғлиқликка ва пайдо бўлиш тартибига эътибор қаратилади. Ундаги маълумот фан томонидан кашф қилинган маълумотга ўхшашдир:

Ёки (яна бир ўхшатиш) осмондан жала келтирувчи булут кабидирки, унда зулмат, момақалдиरोқ ва чақмоқ бўлиб, (уларнинг таъсири ва) яшинлар туфайли ўлишдан қўрқиб, бармоқларини кулоқларига тикиб олурлар ... („Бақара“ сураси, 19-оят)

Ёмғир булутлари жуда катта массага эга бўлиб, улар 20 дан 260 квадрат километр (10 дан 100 квадрат миля) гача жойни эгаллайди ва баландлиги вертикалига 9000 дан 12000 метр (30000 дан 40000 фут) гача етади. Бундай ғайриоддий ўлчами туфайли, бу булутларнинг пастки қисми қора бўлади. Бу булутлар катта миқдордаги сув ва муз зарраларини ўз ичига олганлиги сабабли, Куёшнинг нурлари ундан ўта олмайди. Шунинг учун Куёшнинг жуда оз энергияси булутлардан ўтиб, Ергача етиб келади. Шу боис, булутларга қараган одам уларни қора рангда кўради.⁶²

Оятда қайд этилган зулматдан кейин момақалди роқ ва чақмоқнинг пайдо бўлиш босқичлари қуйидагидек таърифланади: Ёмғир булутлари ичида электр заряд ҳосил бўлади. Бу музлаш, ёмғир томчиларининг бўлиниши ва алоқа пайтида заряднинг юзага келиши каби жараёнлар натижасида келиб чиқади. Бундай электр зарядларининг тўпланиши, орадаги ҳаво уларни ажратишга қодир бўлмай қолганда, катта учқуннинг, яъни мусбат ва манфий майдонлар ўртасида зарядсизланишнинг содир бўлишига олиб келади. Икки қарама-қарши зарядланган майдон ўртасидаги кучланиш 1 миллиард вольтгача етиши мумкин. Учқун булутнинг ичида ҳам шаклланиши мумкин, иккита булут ўртасида, мусбат зарядланган майдондан манфий зарядланган майдонга кесиб ўтиши ёки булутдан ерга зарядсизланиши мумкин. Бу учқунлар кўзни қамаштирадиган яшин уришларни келтириб чиқаради. Яшин чизиги бўйлаб электр зарядининг бундай кучайиши жуда катта иссиқлик (10000 даража Цельсий (18030 даража Фарангейт)) нинг ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Натижада, тўсатдан ҳавонинг кенгайиши содир бўлади, бу, ўз навбатида, момақалди роқли жуда қаттиқ овозни келтириб чиқаради.⁶³

Кўриб турганимиздек, қора қатламлар, ундан кейин келадиган чақмоқ номли электрик зарядланган учқунлар ва момақалди роқ деб аталадиган қаттиқ овоз ёмғир булутлари ичида пайдо бўлади. Замонавий фаннинг булутлар ҳақида аниқлаган ва момақалди роқ ҳамда чақмоқ ҳақида уқтириши лозим бўлган ҳар бир нарсаси Қуръондаги таърифларга тўлиқ мос тушади.



УРУҒЛАНТИРУВЧИ ШАМОЛЛАР

Қуръоннинг бир сурасида шамолларнинг „уруғлантирувчи“лик хусусияти ва бунинг натижасида ёмғирнинг пайдо бўлиши қайд этилган:

Биз шамолларни (булутларга) „ҳомилдор“ бўлган ҳолида юбордик, осмондан сув (ёмғир) ёғдириб, сизларни у билан суғордик... („Ҳижр“ сураси, 22-оят)

Бу оят ёмғир шаклланишидаги биринчи босқич шамол эканлигини таъкидламоқда. XX аср бошларигача шамол ва ёмғир ўртасида маълум бўлган бирдан-бир таъсир шамол булутларни ҳайдаб келади, деган тушунча эди. Бироқ замонавий метеорологик кашфиётлар шамолнинг ёмғир пайдо бўлишидаги „уруғлантирувчи“лик ролини кўрсатиб берди.


Олдинроқ тушунтириб ўтилганидек, шамолнинг бу уруғлантирувчилик хусусияти қуйидаги усулда амалга ошади:

Океанлар ва денгизларнинг юзасида сувнинг кўпикланиши туфайли кўп сонли ҳаво пуфакчалари пайдо бўлади. Бу пуфакчалар ёрилган заҳоти бир миллиметрнинг юздан бир бўлаги диаметрига тенг минглаб майда заррачалар ҳавога отилади. „Аэрозоллар“ деб аталадиган бу зарралар шамол орқали қуруқ ерлардан олиб келинган чанг билан аралашади ва атмосферанинг юқори қатламларига олиб чиқилади. Шамоллар орқали юқори баландликларга олиб чиқиладиган бу зарралар у ерда сув буғи билан ўзаро таъсирлашади. Сув буғи бу зарралар атрофида суюлади ва майда сув томчиларига айланади. Бу майда томчилар аввало бирлашиб, булутлар ҳосил қилади, сўнг Ерга ёмғир шаклида тушади. Эслатиб ўтилганидек, шамоллар ҳавода учиб юрган сув буғларини денгиздан олиб келган зарралар билан „уруғлантиради“ ва натижада ёмғир булутларининг пайдо бўлишига кўмаклашади.

Агар шамоллар бундай хоссага эга бўлмаганда эди, атмосфера юқорисида майда сув томчилари ҳеч қачон шаклланмас ва ёмғир ҳам бўлмас эди.

Бу ерда этироф этиладиган энг муҳим масала шундаки, шамолнинг ёмғир шаклланишидаги асосий роли минг йиллар аввал, Қуръонда, табиий ҳодисалар тўғрисида жуда кам билим бўлган бир пайтда хабар берилган эди...

Куйидаги расм тўлқиннинг пайдо бўлиш босқичларини кўрсатади. Тўлқинлар сувнинг юзаси юқорисида эсадиган шамоллар орқали юзага келади. Шамол билан сув зарралари доира шаклида ҳаракат қилиб қўзғалади. Бу ҳаракат тезда бирин-кетин тўлқинлар ҳосил қилади ва тўлқинлар томонидан пайдо бўладиган пуфакчалар ҳавода тарқалади. Бу ёмғир пайдо бўлишидаги дастлабки босқичдир. Мазкур жараён оятда „Биз шамолларни (булутларга) „ҳомилдор“ бўлган ҳолида юбордик, осмондан сув (ёмғир) ёғдириб, сизларни у билан суғордик“, деб хабар берилган эди.



Келаётган тўлқин
йўналиши



Шамолларнинг уруғлантурувчилик сифати ҳақида оятда қайд этилган яна бошқа маълумот уларнинг гулларни чанглантурувчиликдаги ролидир. Ер юзидаги кўп ўсимликлар ўз чанглари турларнинг сақланиб қолишини таъминлаш мақсадида шамоллар воситасида тарқатади. Бир қатор очиқ уруғли ўсимликлар, қарағай, пальма ва шунга ўхшаш дарахтлар ҳамда гуллайдиган уруғли ўсимликлар ва ўтга ўхшаш ўсимликларнинг барчаси шамол орқали тўлиқ чангланади. Шамол ўсимликлардан чанг олиб, шу турларнинг бошқаларига етказди ва уларни уруғлантуради.

Яқин-яқингача шамолнинг ўсимликларни уруғлантурувчилик қобилиятига эга эканлиги номаълум эди. Бироқ ўсимликларнинг эркак ва урғочи бўлиши аниқлангандан кейин, шамолнинг уруғлантурувчилик хусусияти ҳам кашф қилинди. Бу ҳақиқат Куръонда аллақачон таъкидлаб ўтилган эди: „... (У) осмондан сув (ёмғир, қор) ёғдирди. Бас, Биз у (сув) билан турли ўсимлик навларини жуфт-жуфт қилиб ундириб чиқардик.“ („Тоҳо“ сураси, 53-оят)

ШАМОЛ ПАЙДО БЎЛИШИНING БОСИМЛАРИ

... ҳамда шамолларнинг йўналтирилишида ақл юргизадиган кишилар учун аломатлар бордир. („Жосия“ сураси, 5-оят)

Шамол ҳавонинг ҳаракати бўлиб, у иккита турли ҳарорат марказлари ўртасида шаклланади. Атмосферадаги турли ҳароратлар орқали ҳосил бўладиган турли босимлар туфайли ҳаво муттасил юқори босимли ҳудудлардан паст босимли ҳудудларга қараб оқади. Агарда босим марказлари ўртасидаги фарқлар, яъни атмосферадаги ҳароратлар катта бўлса, ҳаво оқими, бошқача қилиб айтганда, шамол жуда кучли бўлади, шундай кучли бўладики, катта талафот етказадиган қуюнлар юзага келиши табиий.

Бу ерда ҳайратланарли томони шундаки, турли-туман ҳароратлар ва босимларнинг экватор ҳамда қутб каби минтақалари бўлишига қарамасдан, Аллоҳнинг яратишидаги тартиб шарофати билан, бизнинг Еримиз оғир мусибатлар келтирувчи шиддатли шамоллар оғушида қолмайди. Аксинча, агарда қутблар ва экватор ўртасида эсадиган шамоллар кучи қирқилмаганда эди, Ер қуюнлар томонидан муттасил вайрон қилинадиган ўлик сайёрага айланар эди.

Юқоридаги оятда келтирилган арабча „*масриифи ир-рийааҳ*“ жумласидаги „*масрииф*“ сўзи „кўп марталаб ағдарилиш, йўналтириш, бирор нарсани шаклга солиш, бошқариш, тарқатиш“ каби маъноларни англатади. Шамол учун бу сўзнинг танлаб олиниши унинг тартибли равишда эсиш усулини тўлиқ ифодалайди. Бу жумла шамолнинг ўзича, тасодифий тарзда эсмаслигини яққол таърифлаб берувчи жумла ҳамдир. Фақат Аллоҳгина инсон ҳаётини таъминлаш учун шамолларни шу йўсинда йўналтиради.

Ён томонда берилган диаграммалар Ер юзида ҳаво оқимлари ва шамолларнинг пайдо бўлишини кўрсатади.




ЭРТАЛАБ ФОТОСИНТЕЗ ЖАРАЁНИ ҚАНДАЙ БОШЛАНАДИ?

(Қасамёд этурман) ўз зулмати билан келиб-кетаётган тунга ва *нафас олайётган тонг биланки*, ... („Таквир“ сураси, 17–18-оятлар)

Фотосинтез жараёнида ўсимликлар инсонлар истеъмол қила олмайдиган зарарли газ, карбонат ангидридни ҳаводан ютади ва бунинг ўрнига кислород чиқаради. Биз нафас оладиган ва асосий ҳаёт манбаимиз бўлган кислород фотосинтезнинг бош маҳсулидир. Атмосферадаги 30% гача бўлган кислород қуруқликдаги ўсимликлар, қолган 70% и эса денгиз ва океанлардаги ўсимликлар ҳамда бир ҳужайрали жонзотлар томонидан етиштирилади.

Фотосинтез жуда мураккаб жараён бўлганлиги боис, олимлар уни ҳалигача тўла-тўқис тушуниб етишгани йўқ. Бу жараённи бевосита кўз билан кузатиб бўлмайди, чунки механизмда атомлар ва молекулалар иштирок этади. Аммо биз фотосинтезнинг натижаларини ўзимиз нафас оладиган кислород ҳамда бизни тирик сақлаб турувчи озиқ-овқат маҳсулотларида кўришимиз мумкин. Фотосинтез жуда чигал кимёвий формулалар ва жуда кичик масштабда ҳамда энг нозик мувозанатлардан иборат оғирлик бирликлари иштирок этадиган тизимдир. Бизни ўраб турган атрофдаги барча яшил ўсимликларда бу жараённи амалга оширадиган триллионлаб кимёвий лабораториялар ишлаб турибди. Бундан ташқари, ўсимликлар миллионлаб йиллардан буён, тўхтовсиз равишда, бизнинг кислородга, озиқ-овқат ва энергияга бўлган талабларимизни қондириб келмоқда.

Фотосинтезнинг самарадорлиги кислород маҳсулотининг даражасига кўра ўлчанади. Энг юқори нуқта эрталаб, Қуёшнинг нурлари энг кўп қуюқлашган пайтга тўғри келади. Тонгда барглар терлай бошлайди ва фотосинтез шунга кўра фаоллашади. Бироқ тушда бунинг акси содир бўлади, яъни фотосинтез сусаяди ва нафас олиш кўпаяди, чунки ҳарорат кўтарилган сари нафас олиш ҳам кўпая боради.



Ёруглик фотосинтезнинг амалга
ошиши учун энг мухим бўлган
элементлардан биридир.
Фотосинтез ёруглик манбаининг
кучайишига ва давомийлигига
мутаносиб равишда фаркланади.
Ўсимликлар эрталаб Қуёш
нурларини қабул қилиши
билан фотосинтез, бошқача
қилиб айтганда кислород
ишлаб чиқариш бошланади.

Ёруғлик эгри чизигига фотосинтезнинг реакцияси



Фотосинтез — бу ўсимликлар ва баъзида бактерия ҳамда бир ҳужайрали жонзот шакллари томонидан Қуёш нурларининг карбонат ангидрид ва сувдан қанд (карбогидрад) ишлаб чиқариш мақсадида ишлатилишидир. Бу реакция натижасида Қуёш нурларидаги энергия ишлаб чиқарилган қанд молекуласи ичида тўпланади. Ишлатиб бўлмас қуёш энергияси ишлатса бўладиган кимёвий энергияга айланадиган бу жараён давомида содир бўладиган реакцияни қуйидаги формула билан қисқача ифодалаш мумкин:



(6 та сув молекулалари + 6 та карбонат ангидрид молекулалари фотосинтез воситаси билан 1 та қанд молекуласи ва 6 та кислород молекулаларига айланади.)

Кечкурун, ҳарорат пасайганда, нафас олиш сусаяди ва ўсимликлар дам олади.

Эрталабки соатлар, бошқача қилиб айтганда „нафас олаётган“ликни назарда тутаётган „Таквир“ сурасидаги „*иза танаффаса*“ жумласи нафас олиш ва чиқариш ёки чуқур нафас олишга метафорик жиҳатдан ишора қилмоқда. Бу жумла эрталаб кислород ишлаб чиқаришнинг бошланиш усулига ва нафас олиш учун зарур бўлган кислороднинг энг кўп миқдори мана шу пайтда чиқарилишига алоҳида урғу бермоқда. Бу ҳодисанинг муҳимлиги Аллоҳнинг у билан қасамёд қилишидан ҳам кўриниб турибди. XX асрнинг энг муҳим кашфиётлари қаторидан жой олган фотосинтез ҳодисасининг оятда Аллоҳ томонидан қайд этилиши Қуръоннинг илмий мўъжизаларидан яна биридир.



ҚЎШИЛМАС ДЕНГИЗЛАР

Денгизларнинг яқиндагина кашф қилинган хислатларидан бири Курьон оятларининг бирида шундай таърифланади:

У икки (хил) денгизни бир-бири билан ёнма-ён турадиган ҳолда чиқариб қўйди. (Аммо) у иккисининг ўртасида бир тўсиқ бўлиб, улар (ўша тўсиқдан) ошиб ўтмаслар. („Ар-Раҳмон“ сураси, 19–20-оят)

Денгизларнинг бу хислати, яъни уларнинг учрашиши ва ўзаро аралашиб кетмаслиги яқиндагина океанографлар томонидан кашф қилинди. „Сирт таранглиги“ деб аталадиган физик куч сабабли қўшни денгизларнинг сувлари аралашиб кетмайди. Уларнинг сувларидаги зичлик бир-биридан фарқ қилиши боис, сирт таранглиги денгизларнинг ўзаро аралашиб кетишига йўл қўймайди, худди уларнинг ўртасида юпқа бир девор бўлгандек.⁶⁴

Ажабланарли томони шундаки, физика ва сирт таранглиги ёки океанография ҳақида жуда кам билим бўлган даврда бу ҳақиқат Курьонда ваҳий қилинган эди.



Ўртаер денгизи ва Алантика океанида катта тўлқинлар, кучли оқимлар ва сув сатҳининг кўтарилиб, пасайишлари содир бўлиб туради. Ўртаер денгизининг суви Атлантика океанига Гибралтар бўғози орқали киради.

Аммо уларни ажратиб турувчи тўсиқ туфайли уларнинг ҳарорати, шўрлиги ва зичлиги ўзгармай қолади.

ДЕНГИЗЛАРНИНГ ҚОРОНГИ ТУБЛАРИ ВА ИЧКИ ТЎЛҚИНЛАР

Ёки (кофирларнинг қилган амаллари) қаватма-қават тўлқин ва унинг устида (қора) булут қоплаб олган денгиз қаъридаги зулматларга ўхшайди. (Улар) устма-уст зулматлардир: қўлини чиқариб (қараса) уни кўра олмас. Кимга Аллоҳ нур (имон) бермаса, бас, унинг (учун) ҳеч қандай нур йўқдир. („Нур“ сураси, 40-оят)

Зулмат чуқур денгиз ва океанларнинг 200 метр (660 фут) ва ундан чуқурроқ остларидан бошланади. Бу чуқурликда деярли ёруғлик йўқ ва 1000 метр (3280 фут) чуқурликдан пастда эса умуман ёруғлик бўлмайди.⁶⁵

Бугунги кунда биз денгизнинг умуман пайдо бўлиши, ундаги жонзотларнинг табиати, унинг шўрлик даражаси ҳамда унда қанча миқдорда сув борлиги ва унинг юза майдони ҳамда чуқурлиги тўғрисида маълумотга эгамиз. Замонавий технологиялар билан ишлаб чиқилган денгиз ости кемалари ва махсус жиҳозлар олимларга бундай маълумотларни олиш имкониятини туғдирди.


Инсон зоти махсус жиҳозлар ёрдамисиз 70 метр (230 фут) дан ортиқ чуқурликка шўнғий олмайди. Улар океанларнинг зулмат босган тубликларида, масалан, 200 метр (660 фут) чуқурликда, ёрдамсиз тирик қола олмайдилар. Мана шунинг учун ҳам, олимлар фақат яқиндагина денгизлар ҳақида батафсил маълумот олишга эришдилар. Бироқ денгизларнинг чуқурликлари зулмат эканлиги 1400 йил муқаддам Қуръонда ваҳий қилинган эди. Океанларнинг тубларига инсоннинг шўнғий олишига имкон берувчи жиҳозлар бўлмаган бир пайтда бундай маълумотнинг берилиши, шубҳасиз Қуръоннинг мўъжизаларидан биридир.

Шу билан бирга, „Нур“ сурасининг 40-оятидаги „... қаватма-қават тўлқин ва унинг устида (қора) булут қоплаб олган денгиз қаъридаги зулматларга ўхшайди ...“ деган хабар бизнинг эътиборимизни Қуръоннинг бошқа бир мўъжизасига тортади.

Олимлар фақат яқиндагина „турли зичлик қатламлари орасидаги зичлик туташган жойларда содир бўлади“ган юза ости тўлқинлари мавжудлигини аниқлашди. Бу ички тўлқинлар денгиз ва океанларнинг чуқурликдаги сувларини қоплаб туради, чунки чуқурликдаги сувлар юқоридаги сувларга нисбатан юқорироқ зичликда

бўлади. Ички тўлқинлар юза тўлқинларига ўхшаб ҳаракат қилади. Улар ҳам худди юза тўлқинларига ўхшаб мавж ура олади. Ички тўлқинларни инсон кўзи билан илғаб бўлмайди, лекин уларни маълум бир жойдаги ҳарорат ёки шўрлик даражасининг ўзгаришини ўрганиш орқали аниқлаш мумкин.⁶⁶

Қуръондаги маълумот юқорида тушунтириб ўтилганлар билан ўхшашдир. Олимлар яқин йиллар ичида кашф қилган бу далил, шубҳасиз, яна бир марта Қуръон Аллоҳнинг каломи эканлигини исботлайди.



Бугунги кун технологиялари ёрдамида қилинган ўлчашлар шу нарсани аниқлаб бердики, Қуёш ёруғлигининг 3 дан 30 гача бўлган фоизи денгизнинг юзасида акс этади. Сўнгра дастлабки 200 метр (660 фут)да, кўк ёруғликдан ташқари (чап томондаги расм) ёруғлик спектрининг деярли барча еттита ранги бирин-кетин ютилади. 1000 метр (3280 фут) чуқурликдан пастда умуман ёруғлик йўқ (юқоридаги расм). Бу илмий далил 1400 йил илгари „Нур“ сурасининг 40-оятида таъкидлаб ўтилган эди.

БИЗНИНГ ҲАРАКАТЛАРИМИЗ УЧУН МАСЪУЛ ХУДУД

Йўқ! Қасамки, агар у қайтмаса, албатта, *Биз унинг пешона сочидан тутамиз, ўша ёлғончи, гуноҳкор пешона сочидан!* („Алақ“ сураси, 15–16-оятлар)

Юқоридаги оятда қайд этилган „**ёлғончи, гуноҳкор сочи**“ жумласи жуда қизиқ. Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар шу нарсага аниқлик киритдики, миянинг маълум бир функциясини бошқаришга масъул бўлган префронтал ҳудуд бош суягининг олд қисмида ётади. 1400 йил бурун Куръонда айтиб ўтилган бу ҳудуднинг функциялари кейинги 60 йил ичида олимлар томонидан кашф қилинди. Агар бошнинг олд қисмидаги мияга ичкаридан қарасак, биз бош миянинг олд томондаги ҳудудини кўрамиз. Бу ҳудуднинг функциялари юзасидан олиб борилган сўнгги тадқиқотлар натижаларини ўз ичига олган „*Анатомия ва физиологиянинг асосий предметлари*“ номли китобда бундай ёзилади:

Ҳаракатларни режалаштириш ва бошлашга хоҳиш, ният ва уни олдиндан кўриш префронтал ҳудудда, пешонанинг олд қисмида содир бўлади. Бу ҳудуд мия қобиғининг ассоциатив қисми ҳисобланади...⁶⁷

Бу китобда яна шундай ёзилади:

Префронтал ҳудуднинг хоҳиш, ният билан боғлиқлик томонини олиб қарайдиган бўлсак, бу ҳудуд тажовуз учун функционал марказ бўлади, деб ҳам фикр юритиш мумкин...⁶⁸

Шундай қилиб, бош миянинг бу ҳудуди режалаштириш, ният қилиш, яхши, савоб ва гуноҳ ишларни ҳамда ёлғон ва ҳақиқатни айтиш учун масъулдир.

Оятдаги „**ёлғончи, гуноҳкор пешона сочи**“ деган хабарнинг юқоридаги маълумотларга тўлиқ мос тушганлиги кундек равшан. Сўнгги 60 йил ичида олимлар томонидан кашф қилинган бу ҳақиқат минг йиллар аввал Аллоҳ томонидан Куръонда нозил қилинган эди.

АЛЛОҲНИ ЗИКР ЭТИШ БИЛАН ҚАЛБЛАР ОРОМ ОЛУР

Америка Миллий Соғлиқни сақлаш тадқиқот марказида фаолият кўрсатувчи Дэвид Б. Ларсон ва унинг гуруҳи олиб борган изланишларга кўра, динга ишонувчи ва ишонмайдиган америкаликлар бир-бири билан таққосланганда жуда ажойиб натижалар қайд этилди. Мисол учун, диндор одамлар динга кам эътиқодли ёки умуман эътиқодсиз одамларга қараганда 60% камроқ юрак хасталиги билан оғрийдилар, улар орасида ўз жонига қасд қилиш кўрсаткичи 100% кам, улар юқори қон босимининг анча паст даражалари билан оғрийдилар ва бу чекувчилар орасида 7:1 нисбатни кўрсатади.⁶⁹

Тиббиёт оламида муҳим илмий манба ҳисобланадиган *Тиббиётда психиатрия халқаро журнали*да чоп этилган бир изланишнинг маълум қилишича, ўзларини динга эътиқодсиз деб ҳисоблайдиган одамлар тез-тез касал бўлиб туришади ва қисқароқ ҳаёт даврини кечиришади. Изланишнинг натижаларига кўра, динга эътиқодсиз кишилар эътиқодли кишиларга қараганда икки мартагача кўпроқ ошқозон-ичак касалликлари билан оғрийдилар ва уларнинг нафас йўллари хасталикларидан ўлиш даражаси эътиқодли инсонларга нисбатан 66% кўпроқ экан.

Диндан холи, дунёвий психологлар бунга ўхшаш рақамларга „Психологик таъсирлар“ деб изоҳ беришади. Бу шуни англатадики, динга эътиқод одамларнинг руҳини кўтаради ва бу уларнинг соғлигига ижобий таъсир кўрсатади. Эҳтимол, бу тушунтириш чиндан ҳам тўғридир, аммо бу мавзу чуқурроқ ўрганиб кўрилганда бундан ҳам қизиқроқ хулосалар юзага келади. Аллоҳга имон келтириш бошқа ҳар қандай психологик таъсир кўрсатишлардан кучлироқдир. Диний эътиқод ва жисмоний соғлиқ ўртасидаги боғлиқлик юзасидан Гарвард Тиббиёт факультети ходими Доктор Ҳерберт Бенсон томонидан ўтказилган кенг миқёсли изланиш бу соҳа бўйича ажойиб хулосаларни келтириб чиқарди. Ўзи динга эътиқодсиз бўлишига қарамай, Доктор Бенсон ибодат ва Аллоҳга имон келтириш бошқа ҳар нарсадан кўра инсон соғлиги учун ижобий таъсир кўрсатади, деган хулосага келди. Бенсон яна шундай хулосага келганлигини таъкидлайдики, ҳеч бир эътиқод Аллоҳга ишонишдан кўра кўпроқ руҳий хотиржамлик бахш этолмас экан.⁷⁰

Эътиқод, инсон қалби ва жисми ўртасидаги бу боғлиқликка сабаб нимада? Диндан холи, дунёвий тадқиқотчи Бенсоннинг сўзлари билан айтганда, инсон танаси ва руҳи Аллоҳга ишонишга тўғрилаб қўйилган.⁷¹

Жаҳон тиббиёти томонидан аста-секин тан олинаётган бу ҳақиқат Қуръонда қуйидаги сўзлар билан ваҳий қилинган сирдир: „... **Огоҳ бўлингизки, Аллоҳни зикр этиш билан қалблар ором олур.**“ („Раъд“ сураси, 28-оят). Аллоҳга имон келтирувчи, унга ибодат ва эътиқод қилувчи кимсаларнинг руҳан ҳамда жисмонан соғломроқ бўлишига сабаб улар ўзларининг яратилишидаги мақсадга мувофиқ равишда йўл тутишларидир. Инсоннинг яратилишини инкор этувчи фалсафалар ва тизимлар ҳар доим изтироб ва бахтсизлик келтирган.

Замонавий тиббиёт эндиликда бу ҳақиқатни тушуниб етиш жараёнида. Худди Патрик Глин ёзганидек: „Кейинги йигирма беш йил ичида психология бўйича ўтказилган илмий тадқиқотлар шу нарсани намоён қилдики, ... динга ишониш умуман руҳий соғломлик ва бахтиёрлик ўртасидаги энг изчил боғлиқликлардан биридир.“⁷²



ИСЛОМ ОДОБИГА КЎРА КЕЧИРИМЛИЛИК ВА УНИНГ СОҒЛИККА ФОЙДАСИ

Қуръонда тавсия этилган ўзига хос одоблардан бири кечиримлиликдир:

Афвни (қабул қилиб) олинг, яхшиликка буюринг, жоҳиллардан эса юз ўгиринг! („Аъроф“ сураси, 199-оят)

Бошқа бир оятда эса Аллоҳ шундай амр этади: „... балки уларни афв қилиб, кечирсинлар! Аллоҳ сизларни мағфират қилишини истамайсизми?! Аллоҳ мағфиратли ва раҳмлидир.“ („Нур“ сураси, 22-оят)

Қуръоннинг ахлоқий қадриятларига амал қилмайдиган кимсалар ўзгаларни кечиришда жуда қийинчилик сезадилар. Чунки улар содир этилган ҳар қандай хатодан сўзсиз ғазабланиб кетадилар. Бироқ Аллоҳ ўзига содиқ имонли бандаларига кечиримлилик ўринли эканлиги ҳақида маслаҳат беради:

(Ҳар қандай) ёмонликнинг жазоси худди ўзига ўхшаш ёмонликдир. Бас, кимки афв этиб (ўртани) тузатса, бас, унинг мукофоти Аллоҳнинг зиммасидадир ... („Шўро“ сураси, 40-оят)

... Агар сизлар (уларни) афв этсангиз, койимасангиз ва кечирсангиз, у ҳолда, албатта, Аллоҳ (ҳам сизларга нисбатан) мағфиратли ва раҳмлидир. („Тағобун“ сураси, 14-оят)

Қуръонда яна шу нарса ваҳий қилинганки, кечиримлилик — бу олий ахлоқий хислатдир: **„Албатта, кимки (азиятларга) сабр қилса ва (Аллоҳ учун) кечириб юборса, албатта, бу пухта ишлардандир.“ („Шўро“ сураси, 43-оят).** Шу сабабдан динга эътиқод қилувчилар кечиримли, раҳмли ва бардошли инсонлар бўлиб, Қуръонда ваҳий қилинганидек, улар **„ғазабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) афв этадиганлардир.“ („Оли Имрон“ сураси, 134-оят)**

Динга ишонувчиларнинг кечиримлилик ҳақидаги тушунчаси Қуръон одоб-ахлоқ қоидалари асосида яшамайдиган одамларникига нисбатан жуда катта фарқ қилади. Ҳаттоки кўпчилик одамлар ўзларини хафа қилган кишини „кечирдим“ деб айтишлари мумкин-у, бироқ шундай бўлса ҳам, улар ўз юракларидаги нафрат ва ғазабдан узоқ вақт давомида қутула олмай юрадилар. Уларнинг хулқи бу ғазабни ифода этишга мойилдир. Аксинча, динга ишонувчиларнинг кечиримлилиги самимий бўлади. Чунки ишонувчилар инсон зоти бу дунёда бир синов эканлигини ва улар ўз хатоларидан ўрганишини, улар ўзларининг бардошли ва раҳмли эканликларини биладилар. Бундан ташқари, ишонувчилар ҳатто ўзлари ҳақ, бошқалар



эса ноҳақ бўлган пайтларда ҳам кечириб юбориш хислатига эгадирлар. Кечираётган пайтда улар катта ва кичик хатолар ўртасидаги фарққа эътибор бермайдилар. Кимдир хато қилиб, уларга катта талафот етказиши мумкин. Бироқ ишонувчилар ҳамма нарса Аллоҳнинг амри ва маълум бир тақдир тақозоси билан содир бўлишини биладилар ва шунинг учун ҳам улар бундай ҳолатларда жаҳлга ён бермасдан, ўзларини кўлга ола биладилар.

Яқинда ўтказилган тадқиқотга кўра, америкалик олимлар кечира олиш қобилиятига эга бўлганлар ҳам руҳан, ҳам жисман соғломроқ бўлишини аниқлашди. Стэнфорд университетидаги Психологик маслаҳат ва саломатлик марказида фаолият кўрсатувчи философия фанлари доктори Фредрик Ласкин ва унинг гуруҳи Сан-Франциско шаҳрида истиқомат қилувчи 259 одамни ўрганишди. Олимлар тадқиқот субъектларига олтига бир ярим соатлик сессияда қатнашишни таклиф қилдилар ва суҳбат давомида субъектларни кечиримлиликка ўргатишни мақсад қилиб қўйдилар.

Тажриба субъектлари уларга ёмонлик қилган одамларни кечирганларидан сўнг камроқ азоб чекканларини таъкидлашди. Тадқиқот кечиришни ўрганган одамлар ўзларини нафақат ҳиссий, балки жисмоний томондан ҳам яхшироқ ҳис қилганликларини исботлади. Мисол учун, бу тажрибалардан сўнг стресс билан боғлиқ энса офри-

ги, уйқусизлик ва ошқозон оғриғи каби психологик ва жисмоний аломатлар бу шахсларда сезиларли даражада камайганлиги аниқланди.

Доктор Фредрик Ласкин ўзининг „*Умрбод кечиринг*“ деб номланган китобида кечиримлиликни соғлиқ ва бахтиёрлик учун исботланган рецепт деб ифодалайди. Китоб кечиримлилик қандай қилиб жаҳл, алам, руҳий тушқунлик ва стрессларни камайтириш эвазига умид, сабр ва ўзига ишонч каби ижобий хислатларни уйғотишини тасвирлайди.

Доктор Ласкиннинг айтишича, кўнгилда тугиб қўйилган жаҳл шахсда кузатиладиган жисмоний таъсирларни келтириб чиқаради. У яна ўз фикрини қуйидагича давом эттиради:

Биз кўрдикки, узоқ давом этган ҳодиса ёки ҳал қилинмаган жаҳл ички термостатни ишга солади. Сиз жаҳлнинг паст даражаларига доимий ўрганиб қолганингизда, сиз нима нормал-у нима нонормал эканлигини билмай қоласиз. Бу одамлар ўрганиб қоладиган қандайдир бир адреналин босимни юзага келтиради. У танани ёндирди ва вазиятни кескинлаштириб, тиниқроқ фикрлашга қийинчилик туғдиради.⁷³

Бундан ташқари, Доктор Ласкин жаҳл ва стресс давомида тана маълум ферментларни ишлаб чиққандан сўнг, холестерин ва қон босими кўтарилади ва бу танани узоқ муддат ушлаб тура олмайди деб таъкидлайди.⁷⁴

Healing Currents Magazine журналининг 1996 йилги сентябрь-октябрь сонидида чоп этилган „Кечиримлилик“ номли мақола бирор шахс ёки ҳодисага қаратилган жаҳл одамларда салбий ҳиссиётлар уйғотгани ва уларнинг ҳиссий мувозанатларига ҳамда уларнинг жисмоний соғлиқларига путур етказганини маълум қилади.⁷⁵ Мақола, шунингдек, одамлар бир оз фурсат ўтгандан сўнг жаҳл уларга кўнгилсизлик олиб келишини тушуниб етиши ва муносабатларга етган зарарни тузатишни хоҳлаб қолишлари ҳақида ҳам ёзади. Шундан сўнг улар кечиринг чораларини кўришади. Мақола яна одамлар чидашга тўғри келадиган барча нарсаларга қарамасдан, улар ҳаётдаги қимматли онларни жаҳл ва ташвишга сарфлашни истамаслиги ва ўзларини ҳамда ўзгаларни кечиринг афзал кўриши ҳақида сўз юритади.⁷⁶

1500 одамни қамраб олган бошқа бир изланишда руҳий тушқунлик, стресс ва руҳий хасталиклар диндор одамларда камроқ учраши кузатилди.

Доктор Ҳерберт Бенсон буни динларнинг „кечиримлилик“ни тарғиб қилишига боғлайди ва шундай дейди:

Кечиримлиликнинг физиологияси мавжуд ... Сиз кечирмасангиз, у сизни ямлаб ютади.⁷⁷

Harvard Gazette газетасида чоп этилган „Жаҳл юрагингиз душмани“ номли мақоласида жаҳл юракка ўта зарарли эканлиги таъкидланган. Тиббиёт бўйича ассистент Ичиро Кавачи ва унинг гуруҳи буни турли тестлар ва ўлчовлар билан илмий жиҳатдан исботлаб берди. Уларнинг тадқиқоти натижасига кўра, ҳар доим нолийдиган кексаларда уларнинг яхши кайфият билан юрадиган тенгдошларига нисбатан уч марта кўп юрак хасталигига чалиниш хавфи борлиги аниқланди. „Хавфнинг уч карраллигида,“ дейди Кавачи, „жаҳлнинг юқори даражалари, нарсаларни чил-чил синдириш ва уришганда кимгадир шикаст етказиш истагини ўз ичига олган портловчи жаҳл иштирок этади.“⁷⁸

Тадқиқотчилар шу нарсага аминки, стресс гармонларининг чиқиши, юракнинг мушак ҳужайралари томонидан кислородга бўлган талабнинг ошиши ва тромб (қоннинг ивиб қолиши) ни келтириб чиқарадиган қон пластинкаларидаги ёпишқоқликнинг ошиши, бу эса „ўз навбатида“ юрак-қон томирларидаги қоннинг ҳаракатини сусайтириб, юрак миокардининг озикланишини бузиши – буларнинг ҳаммаси жаҳл қандай қилиб юрак хуружини тезлаштиришини тушунтириб беради.⁷⁹ Бундан ташқари, жаҳл чиққан пайтда томир уриш тезлиги одатдагидан кўпроқ бўлади ва у артерия қон томирларида катта қон босимларини келтириб чиқаради ҳамда юрак хуружининг бошланишига кўпроқ хавф туғдиради.



Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, жаҳл ва адоват қондаги яллиғланиш билан боғлиқ оқсилларни ишлаб чиқаришни ҳам бошлаши мумкин. *Psychosomatic Medicine* (Психосоматик тиббиёт) журналининг таъкидлашича, ҳиссиётга берилиш яллиғлантирувчи оқсилларнинг ишлаб чиқилишини юзага келтиради. Бу, ўз навбатида, артерия қон томирларининг қаттиқлашишини, юрак оғриғини ва мияга қон қуюлишини келтириб чиқаради.⁸⁰ Шимолий Каролина штатидаги Дюк университети Тиббий марказида фаолият кўрсатувчи профессор Эдуард Суарезнинг фикрига кўра, интерлейкин 6 оқсили жаҳлдор ва руҳан сиқилган эркакларда анча юқори бўлади. Интерлейкин 6 юқори қон даражаси атеросклероз – артерия қон томирлари деворларининг ички томонида ёғли қатламнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.⁸¹ Суарезнинг айтишича, юрак хасталиги чекиш, юқори қон босими, жуда семизлик ва юқори холестерин каби омиллар билан бирга, руҳий тушкунлик, жаҳл ва адоват каби психологик вазиятларга ҳам боғлиқдир.⁸²

The Times газетасида чоп этилган „Жаҳл юрак хуружи хавфини оширади“ номли бошқа бир мақола сержаҳллик юрак хуружига олиб боровчи энг қисқа йўл бўлиши мумкинлиги ва аччиқланиб стрессга тушадиган ёш эркаклар бемаврид юрак хасталигига уч марта кўпроқ чалиниши мумкинлиги ҳамда беш марта бевақт юрак хуружини орттириши мумкинлигини маълум қилади.⁸³ Мэриленд штати, Балтимор шаҳридаги Жон Ҳопкинс университети олимлари жиззаки, жаҳлдор эркаклар ҳатто уларнинг оила тарихида юрак хасталиги қайд қилинмаган бўлса ҳам, юрак хуружи хавфи остида эканликларини аниқлашди.⁸⁴

Мавжуд барча тадқиқотлар жаҳлнинг руҳий бир ҳолат эканлигини, унинг инсон соғлигига жиддий шикаст етказишини тасдиқлайди. Аксинча, кечиримлилик, ҳатто у одамларга оғир ботса ҳам, қувонтирадиган, юқори даражали ахлоқий кўриниш бўлиб, жаҳлнинг барча зарарли оқибатларини бартараф этади ва кишига ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом ҳаёт кечириш учун ёрдам беради. Кечиримлилик хулқнинг бир шакли бўлиб, киши у орқали ўз соғлигини йўқотмаслиги мумкин ва у ҳамманинг қалбида бўлиши керак бўлган эзгу хислатдир. Бироқ кечиримлиликдан ҳақиқий мақсад ҳар қандай ҳолатда ҳам Аллоҳни шод этадиган бўлиши даркор. Бундай одобнинг фазилати ва унинг илмий жиҳатдан эътироф этилган фойдалари Қуръоннинг жуда кўп оятларида нозил қилинганки, бу Қуръонда мавжуд кўплаб донолик тимсолларидан бир шингил, холос.

ИБОДАТ ҚИЛИШ БЕМОРНИНГ СОҒАЙИШИНИ ТЕЗЛАШТИРАДИ

Парвардигорингиз: „Менга дуо қилингиз. Мен сизлар учун (дуоларингизни) мустажоб қилай!“ – деди. Албатта, Менга ибодат қилишдан кибр қилган кимсалар яқинда тубан ҳолатда жаҳаннамга кирурлар. („Ғофир“ сураси, 60-оят)

„Дуо, тилак билдириш, сўраш, ёрдам излаш“ маъноларини англатувчи ибодат инсоннинг ўз тобелигини билган ҳолда Аллоҳга самимият билан мурожаат қилиши ва Ундан, ҳамма нарсага Қодир, Меҳрибон ва Раҳмли Зотдан ёрдам излашидир. Инсон ўзининг тобелигини энг чуқур ҳис қиладиган ва ўзини Аллоҳга яқинроқ тутадиган пайтларга мисол қилиб келтириш мумкин бўлган ҳолатлардан бири бу касалликдир. Касаллик Аллоҳнинг донолиги билан ихтиро қилинган ва фақат Унинг хоҳиш-иродаси билан амалга ошадиган синов ҳамда бу дунёнинг боқий эмас, фоний, ўткинчи эканлигини одамларга эслатувчи огоҳлантириш, шунингдек, бемор ва итояткор учун охирада тўланадиган товон манбаидир.

Имонсизлар, аксинча, соғайишга шифокорлар, дори-дармонлар ёки замонавий фан эришган илғор технологиялар орқали йўл топиши мумкин деб тасаввур қилишади. Улар ҳеч қачон соғлом бўлган пайтларида уларнинг жисмоний тизимини ишлатиб қўйган ёки касал бўлганларида соғайтирувчи дори-дармон ва шифокорларни яратиб қўйган Аллоҳ эканини бир зум бўлса ҳам мулоҳаза қилиб кўрмайдилар. Улар шифокор ва дори-дармонлар кифоя қилмаяпти деган фикрга келгандан сўнггина фақат Аллоҳга кўпдан-кўп илтижо қила бошлайдилар. Бундай вазиятларда фақат Аллоҳ уларнинг қийинчилигини фориф қила олишини англаб етгач, Ундан мадад излайдилар. Аллоҳ бу руҳий ҳолатни оятларнинг бирида қуйидагича ваҳий қилган:

Инсонга зарар етганда, етган ҳолда ё ўтириб ёки тик туриб ҳам Бизга илтижо қилади. Ундан зарарини кетказганимизда эса, гўё етган зараридан Бизга дуо қилмагандек кетаверади. Мана шу тарзда исрофчи (тажовузкор) ларга ўз қилмишлари зийнатли (чиройли) қилиб қўйилди. („Юнус“ сураси, 12-оят)

Ваҳоланки соғлом, ғам-ташвишсиз ёки бошқа қийинчиликларсиз ҳаёт кечираётган пайтда ҳам, инсон Аллоҳга, У яратиб қўйган қулайликлар, соғлик ва бошқа барча неъматлар учун тоат-ибодат қилиши ва шукроналар айтиши лозим.

Парвардигорингиз: „Менга дуо қилингиз. Мен сизлар учун (дуоларингизни) мустажоб қилай!“ – деди. Албатта, Менга ибодат қилишдан кибр қилган кимсалар яқинда тубан ҳолатда жаҳаннамга кирурлар. („Гофир“ сураси, 60-оят)



Ибодат қилишнинг муҳим жиҳатларидан бири қуйидагича: Овоз чиқариб ибодат қилишга қўшимча равишда инсон ўзининг амаллари билан ҳам ибодат қилишга ҳаракат қилиши лозим. Саъй-ҳаракат билан ибодат қилиш маълум бир ниятга эришиш учун қўлдан келган ҳамма нарсани қилиш демакдир. Мисол учун, ибодат қилишга қўшимча равишда, бемор одам мутахассис шифокорларга кўриниши, фойда берадиган дори-дармонлардан фойдаланиши ва агар зарур бўлса, касалхона муолажасини олиши ёки бошқа махсус даво шакллари қўллаши ҳам мумкин. Чунки Аллоҳ бу дунёда содир бўладиган барча нарсани маълум сабабларга боғлаган. Дунёдаги ва коинотдаги барча нарсалар шу сабабларга мувофиқ равишда содир бўлади. Шу боис, ҳар бир киши шу сабабларга кўра барча зарурий чораларни кўрмоғи ва камтарлик, итоаткорлик ҳамда сабр билан уларнинг натижаларини чиқарадиган зот Аллоҳ эканлигини ёдда тутган ҳолда Ундан оқибатни кутмоғи лозим.

Имон ва ибодатнинг беморларга ижобий таъсири ва буларнинг даволашни тезлатиши шифокорларнинг эътиборини жалб қилган ва улар томонидан тавсия қилинган масаладир. Машҳур *Newsweek* журналининг 2003 йил 10 ноябрь сони диннинг соғайишга бўлган таъсирини „Худо ва саломатлик: Дин яхши шифоми? Нима учун фан ишонишни бошламоқда?“ сарлавҳаси остида унинг муқова ҳикояси сифатида олиб чиқди. Бу мақоланинг маълум қилишича, Аллоҳга имон келтириш одамларнинг руҳий ҳолатини кўтарган ва уларнинг осонроқ тузалишларига ёрдам берган ҳамда фан ҳам диний эътиқодли одамларнинг осонроқ ва тезроқ тузалишига ишона бошлаган. *Newsweek* нинг ўтказган изланишларига кўра, 72% америкаликлар ибодат қилиш кишини даволай олишига ва ибодатнинг бемор тузалишини тезлатишига ишонишларини айтишган. Буюк Британия ва АҚШда олиб борилган тадқиқотлар ҳам ибодат беморнинг касаллик аломатларини камайтиради ва тузалиш жараёнини тезлаштиради деб хулоса чиқарган.

Мичиган университетида ўтказилган тадқиқотга кўра, руҳий тушкунлик ва стресс тақводор одамларда энг кам кузатилган. Чикаго штатининг Раш университетидаги изланишларга кўра, сиғинадиган ва мунтазам ибодат қиладиган одамлар орасидаги барвақт ўлиш нисбати диний маслакисиз одамларга қараганда 25% камроқ экан. Ангиокардиографияни бошидан ўтказган 750 та одам устида Дюк университети олиб борган бошқа бир изланиш „ибодатнинг соғайтирувчилик қудрати“ни илмий жиҳатдан исботлади. Ибодат қилган юраги хаста беморлар орасида, улар операция қилингандан

кейин бир йил ичида, ўлиш нисбати 30% га камайганлиги аниқланди.

Куръонда қайд этилган ибодатлардан намуналар куйидагилардир:

Айюбнинг эса Раббига нидо қилиб: „(Эй Раббим!) Менга мусибат етди, Ўзинг раҳмлиларнинг раҳмлироғидирсан“, – деб илтижо қилган пайтини (эсланг!). Бас, Биз уни (яъни дуосини) ижобат қилиб, ундаги заҳматни кетказдик ҳамда ўз ҳузуримиздан меҳрибонлик кўрсатиб, барча ибодат қилувчиларга эслатма бўлсин, деб (Айюбга) оиласини ва улар билан кўшиб, яна уларнинг баробарида аҳлу авлод ато этдик. („Анбиё“ сураси, 83–84-оятлар)

Зуннун (Юнус)нинг (ўз қавмидан) ғазабланган ҳолда (қишлоғидан чиқиб) кетиб, Бизни унга қарши чиқа олмайди, деб ўйлаган пайтини, сўнг (Биз уни балиқ қорнига ташлаганимиздан кейин) қоронғи зулматлар ичра: „Сендан ўзга илоҳ йўқдир. Сен (барча) нуқсонлардан покдирсан. Дарҳақиқат, мен (ўзимга) зулм қилувчилардан бўлдим“, – деб нидо қилган пайтини (эсланг!) Бас, Биз унинг (дуосини) ижобат қилдик ва уни ғамдан кутқардик. Биз мўминларга мана шундай нажот берурмиз. („Анбиё“ сураси, 87–88-оятлар)

Закариёнинг: „Эй, Раббим, мени ёлғиз ташлаб қўйма (меросхўр фарзанд ато эт!), Сен (Ўзинг) ворисларнинг яхшироғидирсан“, – деб нидо қилган пайтини (эсланг!). Бас, Биз уни (дуосини) ижобат қилдик ва унга Яхёни ато этдик ҳамда жуфти (ҳалоли)ни ўнглаб (туғадиган қилиб) кўйдик. Дарҳақиқат, улар (мазкур пайғамбарлар) яхши ишларни қилишга шошар ва Бизга рағбат ва кўрқув билан дуо қилар эдилар ҳамда Бизга итоат этувчи эдилар. („Анбиё“ сураси, 89–90-оятлар)
Қасамки, Нуҳ (қавмидан шикоят этиб,) Бизга нидо (илтижо) қилди. Бас, (Биз) нақадар яхши ижобат қилувчидирмиз! („Соффот“ сураси, 75-оят)

Юқорида айтиб ўтилганидек, ибодат фақатгина касалликни ёки бошқа муаммоларни ҳал этиш учун қилинмаслиги керак. Самимият билан эътиқод қилувчи ҳар доим Аллоҳга ибодат қилиши ва Ундан келган ҳар қандай нарсани қабул қилиши шарт. Тоат-ибодатнинг манфаатлари тўғрисида Куръоннинг кўп оятларида ваҳий қилиниши ва уларнинг илмий жиҳатдан эътироф этилаётганлиги Куръоннинг мўъжизавий табиатини яна бир бор ошкор қилади.

Сиздан (эй, Муҳаммад!), бандаларим Менинг ҳақимда сўрасалар, (айтинг) Мен уларга яқинман. Менга илтижо қилувчининг дуосини ижобат этурман. Бас, улар ҳам Мени (даъватларимни) ижобат (қабул) этиб, Менга имон келтирсинлар, шояд (шунда) тўғри йўлга тушиб кетсалар. („Бақара“ сураси, 186-оят)

СТРЕСС ВА РУҲИЙ ТУШКУНЛИК: ДИНГА АМАЛ ҚИЛМАСЛИКНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

„Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса, бас, унинг учун танг (бахтсиз) турмуш бўлиши муқаррар ва Биз уни қиёмат кунда кўр ҳолда тирилтиурмиз“. („Тоҳо“ сураси, 124-оят)

Аллоҳ кимни ҳидоятга йўллашни ирода этса, унинг кўкси (қалби)ни Ислому учун (кенг) очиб қўяди. Кимни адаштиришни ирода этса, кўксини гўё осмонга кўтарилиб кетаётгандек, тор ва сиқик қилиб қўяди. Шундай қилиб, Аллоҳ имон келтирмайдиганларга (лойиқ) жазони раво кўрғай. („Анъом“ сураси, 125-оят)

Динсиз одамларнинг Аллоҳга итоат эта олмаслиги уларнинг доимий ноқулай, хавотир ва стресс ҳолатларида юришларига сабаб бўлади. Охир-оқибатда, улар турли руҳий касалликларга чалинишади ва бу касалликлар уларнинг жисмларида намоён бўлади. Уларнинг таналари тезда қувватдан кетиб, барвақт кексаядилар ҳамда тубанлашадилар.

Бироқ Аллоҳга имон келтирувчилар руҳий жиҳатдан соғлом бўлишлари туфайли, стресс ёки дилхасталик қурбонлари бўлишмайди ва уларнинг таналари доимо тетик ҳамда соғлом бўлади. Мўминларнинг Аллоҳга итоат этишларининг ижобий таъсирлари уларнинг Унга эътиқодлари, бардошли бўлишлари, ҳамма нарсадан яхшилик излашлари ва Аллоҳнинг ваъдаларидан умид қилиб, содир бўладиган воқеаларни қабул қилишлари — буларнинг ҳаммаси жамулжам бўлиб, уларнинг жисмоний кўринишларида ўз аксини топади. Бу, албатта, Қуръоннинг ахлоқий қадриятлари билан яшайдиган ва динни тўғри англайдиган инсонларгагина хос. Албатта, улар касал бўлишлари ва кейинчалик кексайишлари мумкин, аммо бу табиий жараёнда бошқаларникида бўлган руҳий тушкунлик иштирок этмайди.

Бизнинг давримизда касаллик деб ҳисобланадиган стресс ва руҳий сиқилиш инсонларга нафақат руҳий шикаст етказди, балки бу касаллик ўзини турли жисмоний нуқсонларда ҳам кўрсатади. Одат тусига кирган стресс ва руҳий сиқилишга оид муаммолар ақлий хасталиклар, кашандалик, уйқусизлик, тери, ошқозон ва қон босими бузилишлари, шамоллаш, мигрен, суяк касалликлари, буйрак номутаносибликлари, нафас сиқиши, аллергиялар, юрак хуружлари ва мия шишлари каби касалликларнинг шакллариدير.

Албатта, бу касалликларга ягона сабаб стресс ва руҳий сиқилиш эмас, балки бундай муаммоларнинг келиб чиқиши одатда руҳий ҳолат эканлиги илмий жиҳатдан исботланди.

Шунчалик кўп озор берадиган стресс руҳий безовталиқ, ҳаяжонли ҳолат бўлиб, у тананинг мувозанатига шикаст етказадиган қўрқув, ишончсизлик, ўта ҳаяжонланиш, хавотирлик ва бошқа босимлар сабабли келиб чиқади. Одамлар стресснинг қурбони бўлишганда уларнинг таналари таъсирланади ва безовталанади. Танада турли биокимёвий реакциялар бошланади: қон оқимидаги адреналин даражаси ошади; энергия истеъмоли ва тана реакциялари максимум даражага етади; қанд, холестерин ва ёғ кислоталар қон оқимида қуйилади; қон босими ошади ва томир уриши тезлашади. Глюкоза мияга юборилганда холестерин миқдори кўтарилади ва бу танада муаммо пайдо бўлганлигидан дарак беради.

Сурункали стресс, айниқса, тананинг нормал функциясини ўзгартириши туфайли, у жиддий зиён келтириши мумкин. Стресс туфайли танадаги адреналин ва кортизол миқдори меъёрдан ортиб кетади. Кортизол миқдорининг узоқ муддатли ўсиши диабет, юрак хасталиги, юқори қон босими, саратон, яралар, нафас олиш йўллари касалликлари, экзема ва псориаз каби касалликларнинг эртароқ пайдо бўлишига олиб келади. Юқори кортизол даражаларининг таъсири ҳатто мия ҳужайраларининг нобуд бўлишига ҳам сабаб бўлади. Стресс келтириб чиқарадиган касалликлар бир манбада қуйидагича ифодаланган:

Стресс, асабий таранглик ва у қўзғатадиган дард ўртасида муҳим бир боғлиқлик мавжуд. Стрессдан келиб чиқадиган асабий таранглик артерияларнинг торайишига, бошнинг маълум ҳудудларида қон оқимининг бузилиши ва бу ҳудудларда қон оқими миқдорининг камайишига сабаб бўлади. Агарда тўқимага қон етиб бормаса, бу тўғридан-тўғри оғриқни келтириб чиқаради, чунки таранг тўқима бир томондан эҳтимол кўп миқдордаги қон талаб қилар, бошқа томондан эса аллақачон етарли қон таъминланмаганидан махсус оғриқ рецепторларини кучайтиради. Шу пайтда, стресс давомида асаб тизимида таъсир қиладиган адреналин ва норепинефрин каби моддалар ажралиб чиқади. Булар бевосита ёки билвосита мушаклардаги тарангликни кучайтиради ҳамда тезлатади. Шу тариқа оғриқ асабий тарангликни, асабий таранглик безовталиқни ва безовталиқ оғриқни кучайтиради.⁸⁵

Бироқ стресснинг энг зарарли таъсирларидан бири юрак хуружидир. Тадқиқотнинг кўрсатишича, тажовузкор, асабий, безовта,

сабрсиз, рақобатчи, адоватли ва жиззаки ҳамда тажанг одамлар бундай табиатга камроқ мойил бўлган одамларга нисбатан анча кўп юрак хуружи ҳодисаларига йўлиқишади.⁸⁶

Бунинг сабаби шундаки, гипоталамус билан бошланган хайрихоҳ асаб тизимининг ўта қўзғалиши ҳам ортиқча инсулин ажралиб чиқишига ва шу сабабдан қонда инсулиннинг тўпланиб қолишига сабаб бўлади. Бу жуда муҳим аҳамиятга эга масала демакдир. Чунки юрак веналарининг бекилиб қолиши хасталигини келтириб чиқарувчи ҳеч бир касаллик қондаги ортиқча инсулин каби энг ишонарли ва зарарли ўрин тутмайди.⁸⁷

Олимлар стресс даражаси қанчалик юқори бўлса, қондаги қизил таначаларнинг ижобий таъсири шунчалик заифлашиб кетишини эътироф этишди. Оксфорд университетининг технологияга ўтиш компанияси бошлиғи Линда Нейлор томонидан ўтказилган тажрибага кўра, стресс даражаларининг иммун тизимига бўлган салбий таъсири эндиликда ўлчаниши мумкин.

Стресс ва иммун тизими ўртасида яқин боғлиқлик мавжуд. Психологик стресс иммун тизимига муҳим таъсир кўрсатади ва унинг ёмонлашувига сабаб бўлади. Стресс ҳолатида, мия танада иммун тизимини заифлаштирадиган кортизол гормонининг ишлаб чиқилишини оширади. Бошқача қилиб айтганда, мия, иммун тизими ва гормонлар ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Бу соҳа бўйича эксперт мутахассислар шундай дейдилар:

Психологик ва жисмоний стресс бўйича изланишлар кучли стресс бўлган пайтларда гормонал мувозанатга боғлиқ бўлган иммунитетнинг таъсири тушиб кетишини кўрсатди. Маълумки, кўпчилик касалликлар, шунингдек, саратон касаллигининг пайдо бўлиши ва қуввати стрессга боғлиқ.⁸⁸

Қисқаси, стресс инсон зотининг табиий мувозанатига зарар етказиши. Бу ташвишли ҳолатга доимий дучор бўлиш тананинг соғлигини заифлаштиради ва кенг кўламдаги турли хил касалликларни келтириб чиқаради. Эксперт мутахассислар стресснинг инсон танасига кўрсатадиган салбий таъсирини қуйидаги асосий туркумларга бўладилар:

Хавотирлик ва саросималик: воқеаларнинг назоратдан тез чиқиб кетаётганлиги тўғрисидаги ҳиссиёт.

Доимий равишда ортиб борувчи терлаш;

Товуш ўзгаришлари: дудуқланиш, титроқ нутқ;

Ўта ҳаракатчанлик: энергиянинг тўсатдан портлаши, заиф диабетик назорат.

Уйқу қийинчилиги: босинқираш.

Тери касалликлари: доғлар, ҳуснбузар, иситма, псориаз ва экзема.

Ошқозон-ичакдаги аломатлар: меъданинг сустлиги, кўнгил айниши, яралар.

Мушак таранглиги: тишларни гичирлатиш ёки бир-бирига қапиштириш, жағ, орқа, бўйин ва елкаларда оғриқлар.

Зўрайиши суст бўлган инфекциялар: шамоллаш ва ҳ. к.

Мигрен.

Титраш, кўкрак оғриғи, юқори қон босими.

Буйрак номутаносибликлари, сув тутиш.

Нафас йўллари касалликлари, қисқа нафас олиш.

Аллергиялар.

Бўғим оғриқлари.

Оғиз ва томоқнинг қуриб қолиши.

Юрак хуружи.

Иммун тизимининг заифлашуви.

Мия ҳудудида қисқариш.

Айбдор ҳис қилиш ва ўзига ишончсизлик.

Довдираш, тўғри таҳлил қила олмаслик, заиф фикрлаш қобилияти, заиф хотира.

Ўта умидсизлик, ҳамма нарса ёмонлашиб кетаяпти деб ўйлаш.

Ҳаракатланишда ёки тинч туришда қийинчилик, бирор тарзда мунтазам ритмик ҳаракат қилиб туриш.

Фикрни бир жойга жамлай олмаслик ёки шундай қилишда қийинчилик.

Жиззакилик, ўта нозиктаъблик.

Калтафаҳмлик.

Ёрдамга муҳтожлилик ёки укувсизлик.

Иштаҳанинг йўқолиши ёки меъёрсиз очилиб кетиши.

Диний-ахлоқий қадриятларга амал қилмайдиганларнинг стрессга мубтало бўлиши Аллоҳ томонидан Қуръонда ваҳий қилинган:


„Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса, бас, унинг учун танг (бахтсиз) турмуш бўлиши муқаррар...“ („Тоҳо“ сураси, 124-оят)

Бошқа бир оятда эса Аллоҳ „... Уларга Ер (шунча) кенглиги билан торлик қилганч ва диллари танг бўлган ва Аллоҳ (газаби)дан фақат Ўзига қочиш билан паноҳ топилишини билишгандан, ...“ („Тавба“ сураси, 118-оят) – деб ваҳий қилади.

Бу „қора ва танг“ турмуш ёки ҳозирги номи билан айтганда стресс дин кўрсатган ахлоқий қадриятларга амал қилмай, имон келтирмайдиганлар учун натижадир. Бугунги кун шифокорлари вазминлик, ўзига ишонч ва хотиржамлик стресс таъсирларидан сақланиш учун муҳим омил эканлигини таъкидлашмоқда. Вазмин ва хотиржам хулққа фақатгина Қуръонга мувофиқ ҳаёт кечириш орқали эга бўлиш мумкин. Дарҳақиқат, Аллоҳнинг имон келтирувчиларга „таскин, хотиржамлик“ нозил этиши Қуръоннинг жуда кўп оятларида ваҳий қилинган („Бақара“ сураси, 248-оят; „Тавба“ сураси, 26, 40-оятлар; „Фатҳ“ сураси, 4, 18-оятлар). Раббимизнинг мўминларга ваъдаси қуйидагидек нозил қилинган:

Эркакми ё аёлми – кимда-ким мўмин бўлган ҳолида бирор эзгу иш қилса, бас, Биз унга ёқимли ҳаёт бахш этурмиз ва уларни ўзлари қилиб ўтган гўзал (солиҳ) амаллари баробаридаги мукофот билан тақдирлаймиз. („Наҳл“ сураси, 97-оят)

Жисмоний ёки психологик стресс натижасида шахснинг адренал беши (ҳар иккала буйрак тепасидаги без) кўп миқдордаги глюкокортикоид гормонлари ишлаб чиқаради. Бу гормонлар мушакларнинг қувватини оширади ва мана шу пайтда зарурий бўлган ўсиш каби айрим фаолиятларни вақтинчалик тўхтатади. Ўта жисмоний ва сурункали психологик стресс ҳолатларида бу гормонлар (улар бошқа вазиятларда жуда муҳим) юқори қон босими, жуда семизлик, суяк емирилиши ва ошқозон яралари каби стресс билан боғлиқ касалликларни кўзгатади.



ИНСОННИНГ ЯРАТИЛИШИ

Куръонда одамларни имонга чақириш билан бир қаторда кўплаб турли-туман мавзулар юзасидан фикрлар айтилган. Баъзида осмонлар, баъзида ҳайвонлар ва баъзида ўсимликлар Аллоҳнинг мавжудлигига далил қилиб келтирилган. Кўпчилик оятларда эса одамлар ўзларининг яратилиши ҳақида мулоҳаза юритишга чақириладилар. Уларга тез-тез инсон қай тарзда дунёга келгани, у қайси босқичларни босиб ўтгани ва ундан мақсад, моҳият нима экани эслатиб турилади:

(Эй инсонлар!) Сизларни Биз яратдик-ку! Бас, тасдиқ этмайсизми?! Сизлар тўкадиган маний (уруғ)ни (ўйлаб) кўрдингизми? Уни сизлар яратурмисизлар ёки Биз яратувчимизми?! („Воқеа“ сураси, 57–59-оятлар)

Жуда кўп оятларда инсоннинг яратилиш мўъжизасига урғу берилади. Бу оятлардаги баъзи маълумотлар шунчалик батафсил ёритилганки, VII асрда яшаган ҳеч бир киши уларни билиши мумкин эмас эди. Буларга мисоллар қуйидагилардир:


1. Одам бутун бошли уруғ (сперма) дан эмас, балки унинг бор-йўғи кичик бир қисми (сперматозоид) дан яратилади.
2. Чақалоқнинг жинсини эркакнинг жинсий хромосомалари белгилайди.
3. Эмбрион онанинг бачадонига зулукдек ёпишиб олади.
4. Эмбрион бачадондаги учта зим-зиё ҳудудда ривожланади.

Ҳозиргина қайд этилган бу каби маълумотлар ўша пайтларда яшаган одамларнинг билиш даражасидан анча йироқда эди. Бу далилларнинг кашфиёти фақат XX асрда эришилган технологиялар ёрдами билангина амалга оширилди.

Энди, келинг, маълумотларни бирин-кетин ўрганиб чиқамиз:

Бир томчи уруғ

Сперматозоидлар тухумхужайрага етиб боргунча она танаси ичида кезиб юради. 250 миллион сперматозоиддан фақат мингтасигина тухумхужайрагача етиб боради. Бу беш дақиқалик мусобақа охирида майда туз донасининг ярим ўлчамича келадиган тухумхужайра фақат битта сперматозоидни ўз ичига киритади. Демак, одамнинг моҳияти бутун бошли уруғ эмас, балки унинг бор-йўғи кичик бир қисмидир. Бу „Қиёмат“ сурасида қуйидагича тушунтирилади:



Чап томондаги расмда бачадонга юборилган уруғ тасвири келтирилган. Эркак томонидан чиқарилган 250 миллион сперматозоидлардан фақат жуда оз қисми тухумхужайрагача етиб боради. Тирик қолган минглаб сперматозоидлар ичидан фақат биттасигина тухумни уруғлантиради. Одамнинг бутун бошли уруғдан эмас, балки унинг кичик бир қисмидан яратилганлиги ҳақидаги ҳақиқат Қуръонда „тўкиладиган манийдан бир (ҳақир) нутфа“ дея таърифланган.

Инсон ўзини бекор ташлаб қўйилади деб ўйлайдими?! Ахир у тўкиладиган манийдан бир (ҳақир) нутфа эмасмиди?! („Қиёмат“ сураси, 36–37-оятлар)

Кўриб турганимиздек, Қуръон бизга инсон бутун бошли уруғдан эмас, балки унинг кичик бир қисмидан яратилгани ҳақида хабар беради. Бу оятда фақат замонавий фан орқалигина кашф қилинган ҳақиқатга урғу берилганлиги Қуръон Аллоҳнинг сўзи эканига яна бир далилдир.

Уруғдаги аралашма

Сперматозоидларни ўз ичига оладиган ва уруғ деб аталадиган суюқлик фақат сперматозоидлардан иборат бўлмайди. Аксинча, у турли суюқликлар аралашмасидан ташкил топган. Уруғ суюқлиги мойк, уруғ пуфакчалари, простата бези ва сийдик йўлига боғланган безлардан ажралиб чиқадиган моддалар тўпламидир. Суюқликнинг тўлиқ таҳлили шуни кўрсатадики, у лимон кислотаси, простагландин, флавин, аскорбин кислота, эрготонин, холестерин, фосфолипидлар, фибринолицин, рух, фосфатаза кислотаси, фос-

фаза, гиалуронидаза ва сперма каби жуда кўп алоҳида-алоҳида моддалардан ташкил топган. Бу суюқликлар сперматозоидни энергия билан таъминлаш учун зарур бўладиган қанд моддасини ўз ичига олиш, бачадонга кириш йўлидаги кислоталарни нейтраллаш ва сперматозоиднинг осон ҳаракатланиши учун сирғанчиқ модда билан таъминлаш каби турли хил вазифаларни бажаради.

Қуръонда уруғ эслатилганда, замонавий фан орқали кашф қилинган бу ҳақиқатга ҳам ишора қилинади ва уруғнинг аралашма суюқликдан иборат эканлиги таърифланади:

Дарҳақиқат, Биз инсонни имтиҳон қилиб, аралаш бир нутфадан яратдик. Бас, уни эшитувчи ва кўрувчи қилиб қўйдик. („Инсон“ сураси, 2-оят)

Қуръонда эркаклик ёки аёллик „тўкиладиган манийдан иборат бир (ҳақир) нутфа“ дан яратилганлиги қайд этилган. Яқин-яқингача боланинг жинси аёлниг ҳужайралари томонидан белгиланади деб тушунилар эди. Фан Қуръонда берилган бу маълумотга XX асрга келиб аниқлик киритди. Инсоннинг яратилиши тўғрисидаги бу ва бунга ўхшаш кўп тафсилотлар ҳақида минг йиллар илгари Қуръонда хабар берилган эди.



Бошқа оятларда ҳам уруғ аралашма деб қайд этилган ва бу аралашманинг „нутфа“ сидан (тоза сувидан) инсоннинг яратилганлиги таъкидланган:

(У) барча нарсани чиройли қилиб яратган зотдир. Инсонни яратишни эса лойдан бошлади. Сўнгра унинг наслини ҳақир бир сув нутфасидан пайдо қилди. („Сажда“ сураси, 7–8-оятлар)

„Нутфа“ деб таржима қилинган арабча сўз „сулаалаҳ“ бирор нарсанинг муҳим ёки энг яхши қисми деган маънони англатади. Ҳар иккала маънода ҳам у „бутуннинг қисми“ни назарда тутати. Бу шундан далолатки, Қуръон инсоннинг яратилишини энг кичик тафсилотларигача билувчи Аллоҳнинг сўзидир.

Боланинг жинси

Яқин-яқингача боланинг жинси онанинг хужайралари томонидан белгиланади деб қаралар эди. Ёки бўлмаса, боланинг жинси эркак ва аёл хужайралари томонидан биргаликда белгиланади деб тушунилар эди. Лекин Қуръонда бизга бошқача маълумот берилган, яъни унда эркаклик ёки аёллик „тўкиладиган манийдан бир (ҳақир) нутфа“ дан яратилади деб хабар берилади:

У эркак ва аёл – жуфтларни яратгандир шитоб билан чиқадиган нутфадан. („Нажм“ сураси, 45–46-оятлар)

Ахир, у тўкиладиган манийдан бир (ҳақир) нутфа эмасмиди?! Сўнгра лахта қон бўлди. Бас, (Аллоҳ уни) яратиб тиклади. Сўнгра ундан жуфтлар – эркак ва аёлни (пайдо) қилди. („Қиёмат“ сураси, 37–39-оятлар)

Генетика ва молекуляр биологиянинг ривожланаётган соҳалари Қуръон томонидан берилган бу маълумотнинг аниқлигини тасдиқлайди. Эндиликда боланинг жинси эркакнинг уруғ хужайралари томонидан белгиланиши, аёл эса бу жараёнда иштирок этмаслиги маълум бўлди.

Жинсни белгилашда хромосомалар асосий омил ҳисобланади. Инсоннинг вужудини белгилаб берувчи 46 та хромосомадан иккитаси жинс хромосомаларидир. Бу икки хромосома эркакларда „ХУ“, аёлларда эса „ХХ“ деб аталади, чунки бу хромосомаларнинг шакллари шу ҳарфларга ўхшаб кетади. У хромосома эркаклик генларини, Х хромосома эса аёллик генларини ўзида мужассам этган бўлади.

Янги инсоннинг пайдо бўлиши эркак ва аёлларда жуфт-жуфт ҳолда мавжуд бўладиган бу хромосомаларнинг бири бошқаси билан чатишишидан бошланади. Аёлларда уруғланиш давомида иккига бўлинадиган жинс ҳужайрасининг ҳар иккала таркибий қисмида Х хромосомалари бўлади. Аксинча, эркакнинг жинс ҳужайраси икки хил турли уруғ ҳужайралар ишлаб чиқаради. Уларнинг бир тури Х хромосомалар, бошқаси эса Y хромосомалардан иборат бўлади. Агарда аёлдаги Х хромосома эркакдаги Х хромосомадан иборат уруғ ҳужайра билан чатишса, унда бола қиз бўлади. Агар у Y хромосомадан иборат уруғ ҳужайра билан чатишса, унда бола ўғил бўлади.



Y хромосомалар эркаклик хусусиятларини ташийти, X хромосомалар эса аёллик хусусиятларини ташийти. Онанинг тухумида фақатгина X хромосома мавжуд бўлиб, у аёллик хусусиятини белгилайди. Отанинг уруғида ё X ёки Y хромосомаларни ўз ичига олган спермалар мавжуд. Шунинг учун боланинг жинси тухумни уруғлантирадиган сперманинг X ёки Y хромосомаларни ўз ичига олганлигига боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, худди оятда хабар берилганидек, боланинг жинсини белгилайдиган омил отадан келувчи уруғдир. Қуръон нозил қилинган пайтда билиб олишнинг имкони бўлмаган бу билим Қуръон Аллоҳнинг сўзи эканлигини исботловчи далилдир.

Бошқача сўзлар билан айтганда, эркакнинг қайси хромосомаси аёлнинг тухумхужайраси билан чатишган бўлса, ўша хромосома боланинг жинсини белгилайди ва бу хоҳишга боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга ошади.

XX асрда генлар кашф қилинмагунча буларнинг ҳеч бири маълум эмас эди. Дарҳақиқат, кўп мамлакатларда боланинг жинси аёл томонидан белгиланади, деб ишонилган. Шунинг учун ҳам қиз бола туғилганда аёллар айбланган.

Бироқ инсон генлари кашф қилинишидан 14 аср илгари Қуръон бу бидъатни инкор этувчи маълумотни нозил қилди ва жинснинг келиб чиқиши аёллар эмас, балки эркаклардан ҳосил бўлган уруф туфайли эканига ишора қилди.

Бачадонда ёпишиб олган алақ

Инсоннинг пайдо бўлиши ҳақида Қуръонда бизга хабар берилган далилларни ўрганишни давом эттирсак, яна муҳим бир илмий ҳақиқатга дуч келамиз.

Эркакнинг уруғи аёлнинг тухумхужайраси билан чатишганда туғиладиган боланинг моҳияти шаклланади. Биологияда „зигота“ деб номланадиган бу битта хужайра бир зумда бўлиниб, кўпайишни бошлайди ва кейинчалик эмбрион деб аталадиган „бир парча эт“ га айланади. Бу одамнинг кўзига микроскоп орқалигина кўриниши мумкин.

Ўзининг ривожланишидаги биринчи босқичда она бачадонидаги бола зигота шаклида бўлиб, онанинг қонидан озикланиш учун бачадонга ёпишиб олади. Ўнг томонда берилган расм зиготанинг расми бўлиб, у худди бир парча этга ўхшайди. Замоनावий эмбриология томонидан кашф қилинган бундай шаклланиш 14 аср илгари Қуръонда мўъжизакорона „алақ“ деган сўз билан таърифланган эди. Бу сўз „лахта қон“, „бирор жойда осилиб, ёпишиб оладиган нарса“ деган маъноларни англатади ва қон сўриш учун танага ёпишиб оладиган зулукларни тасвирлаш учун ҳам ишлатилади.



Бироқ эмбрион ўзининг ривожланиш даврини бўшлиқда ўтказмайди. У ўзининг ўсимталари билан худди ерга маҳкам ўрнашиб олган илдизлар каби, бачадонга ёпишиб олади. Мана шу ришта орқали эмбрион ўзининг ривожланишига зарурий бўлган моддаларни онанинг танасидан олади.⁸⁹

Бу ерда Қуръоннинг муҳим бир мўъжизаси ошкор этилади. Онанинг бачадонида ривожланаётган эмбрионни назарда тутиб, Аллоҳ Қуръонда „алақ“ сўзидан фойдаланади:

Ўқинг (Эй, Муҳаммад! Бутун борлиқни) яратган зот бўлмиш Раббингиз исми билан! У инсонни алақдан яратди. Ўқинг! Раббингиз эса карамли зотдир. („Алақ“ сураси, 1–3-оят)

Араб тилида „алақ“ сўзи „лахта қон“, „бирор жойда осилиб, ёпишиб оладиган нарса“ деган маъноларни янглади. Бу сўз аслида қон сўриш учун танага ёпишиб оладиган зулукларни тасвирлаш учун ҳам ишлатилади.

Шубҳасиз, она бачадонида ривожланаётган эмбрион учун бундай ўзига хос сўзнинг ишлатилиши, Қуръон Аллоҳнинг, барча оламлар Парвардигорининг каломи эканлигини яна бир бор исботлайди.

Суяклар устидан мушакларни ўраш

Қуръон оятларида келтирилган бошқа бир муҳим маълумот инсоннинг она бачадонида ривожланиш босқичларидир. Бу оятларда хабар берилишича, онанинг бачадонида аввало суяклар ривожланади, сўнгра бу суякларни ўраб оладиган мушаклар шаклланади.

Сўнгра (бу) манийни лахта қон қилиб яратдик, бас, лахта қонни парча гўшт қилиб яратдик, бас, парча гўштни суяклар қилиб яратиб, (бу) суякларга гўшт қопладик, сўнгра (унга жон киритиб, олдинги ҳолидан бутунлай) бошқача бир вужудни пайдо қилдик. Яратувчиларнинг энг гўзали – Аллоҳ баракотлидир! („Муъминун“ сураси, 14-оят)

Эмбриология фаннинг бир соҳаси бўлиб, у онанинг бачадонида эмбрионнинг ривожланишини ўрганайди. Яқин-яқингача эмбриологлар эмбрионда суяклар ва мушаклар бир вақтнинг ўзиде ривожланиб боради, деб тахмин қилишар эди. Аммо янги технологик ривожланишлар шарофати билан ўтказилган илғор микроскопик изланишлар Қуръондаги ваҳий сўзма-сўз тўғри эканлигини



Она қорнидаги боланинг ўз ривожланишини тугаллаётган суяклари худди Қуръонда таъкидланганидек, маълум бир босқичда гўшт билан қопланади.

исботлайди. Микроскоп орқали кузатишлар она бачадонидаги эмбрионнинг ривожланишини худди бу оятларда хабар берилганидек содир бўлишини кўрсатади. Аввало, эмбрионнинг тоғай тўқимаси қотиб, суякка айланади. Сўнгра суяклар атрофидаги тўқима ичидан танлаб олинган мушак хужайралари бирлашади ва суякларни ўраб олади.

Бу ҳодиса „*Ривожланаётган инсон*“ номли бир илмий нашрда қуйидагича сўзлар билан ифодаланади:

... Еттинчи ҳафта давомида, суякларнинг ривожланиш босқичида, скелетнинг шакли эмбрионнинг умумий кўринишини белгилаб беради; мушаклар бир вақтнинг ўзида ривожланмайди, аммо уларнинг ривожланиши сал кейинроқ бошланади. Мушаклар бутун тана бўйлаб суяклар атрофида ўз жойларини эгаллайди ва шундан сўнг суякларни қоплаб олади. Шу тарзда мушаклар ўзининг ҳаммага маълум шакли ҳамда структурасини олади ... Мушаклар билан қоплаб олиш босқичи саккизинчи ҳафта давомида содир бўлади ...⁹⁰

Қисқаси, Қуръонда хабар берилганидек, инсоннинг ривожланиш босқичлари замонавий эмбриология кашфиётлари билан тўлиқ ҳамоҳангдир.

Она қорнида бола ривожланишининг уч босқичи

Инсоннинг она қорнида уч босқичли жараён орқали яратилиши Қуръонда айтиб ўтилган.

... У сизларни оналарингизнинг қорнида уч (қават) зулмат ичида аста-секин яратур. Мана шу Аллоҳ – Раббингиздир. Ҳукмронлик фақат Уникидир. Ундан ўзга (ҳеч) илоҳ йўқ. Бас, (Унга ибодат қилмай) қайққа бурилиб кетмоқдасиз?! („Зумар“ сураси, 6-оят)

Она қорнида бола
ривожланишининг кўп
босқичлари Қуръонда хабар
берилган. „Муъминун“
сурасининг 14-оятда
хабар берилганидек,
она бачадонида аввало
эмбрионнинг тоғайи қотиб,
суякка айланади. Сунгра бу
суяклар мушак хужайралари
билан қопланади. Аллоҳ бу
ривожланишни „.... бас,
парча гуштни суяклар қилиб
яратиб, (бу) суякларга
гушт қопладик,“ деган оят
билан ваҳий қилади.



Ўзбек тилига „уч (қават) зулмат“ деб таржима қилинган арабча „*фий зулумаатин салаасин*“ жумласи эмбрионнинг ривожланиши давомида қатнашадиган учта қоронғи тана қисмини назарда тутлади. Булар:

- а) қорин бўшлиғининг қоронғилиги;
- б) бачадоннинг қоронғилиги;
- в) йўлдошнинг қоронғилиги.

Кўриб турганимиздек, замонавий биология боланинг ривожланиши оятда ваҳий қилингани каби уч қоронғи тана қисмида содир бўлишини кашф қилган. Бундан ташқари, эмбриология фанидаги силжишлар бу тана қисмларининг ҳар бири уч қатламдан иборат эканлигини аниқлаган.

Қорин бўшлиғи ён девори учта қатламни ташкил қилади: ташқи қийшиқ, ички қийшиқ ва кўндаланг қорин мушаклари.⁹¹

Шунингдек, бачадоннинг девори ҳам учта қатламдан иборат: ташқи, мушак ва ички.⁹²

Эмбрионни ўраб турган йўлдош ҳам уч қатламдан ташкил топган: амнион (ҳомила атрофидаги ички мембрана), хорион (ўрта амнион қатлами) ва десидуа (сиртқи амнион қатлами).⁹³

Бу оят она бачадонида инсоннинг учта аниқ босқичда яратилишини ҳам таъкидлаган.

Дарҳақиқат, замонавий биология боланинг эмбриологик ривожланиши она бачадонида аниқ уч босқичда кечишини аниқлади. Бугунги кунда, тиббиёт факультетларида ўрганиладиган барча эмбриология дарсликлари бу мавзунини асосий билим элементи сифатида эътиборга олган. Масалан, эмбриология соҳасида таянч маълумотнома ҳисобланадиган „*Инсон эмбриологияси асослари*“ китоби бу далилларни қуйидагидек эътироф этади:

Бачадондаги ҳаёт уч босқичга эга: дастлабки эмбрионал босқич – биринчи икки ярим ҳафта; эмбрионал босқич – саккизинчи ҳафтанинг охиригача ва ҳомила босқичи – саккизинчи ҳафтадан онанинг кўзи ёригунигача.⁹⁴

Бу жараёнлар боланинг турли ривожланиш босқичларини англатади. Қисқаси, бу ривожланиш босқичларининг асосий жиҳатлари қуйидагичадир:



„Зумар“ сурасининг 6-оятида инсоннинг она қорнида уч аниқ қатламда яратилиши таъкидланган. Замонавий эмбриология ҳам боланинг эмбриологик ривожланиши она қорнида учта аниқ қатламда содир бўлишини тасдиқлайди.

– Дастлабки эмбрионал босқич

Бу биринчи босқичда зигота бўлиниш орқали ўсади ва у хужайралар тўдасига айлангандан сўнг, ўзини бачадон деворлари ичига беркитиб олади. Ўсиш давомида бу хужайралар ўзини уч қатламга ажратадилар.

– Эмбрионал босқич

Иккинчи босқич беш ярим ҳафта давом этади. Бу даврдаги бола „эмбрион“ деб аталади. Бу босқич мобайнида бола танасининг асосий аъзолари ва тизимлари хужайра қатламларидан пайдо бўла бошлайди.

– Ҳомила босқичи

Бу босқичдан бошлаб бола „ҳомила“ деб юритилади. Бу босқич ҳомиладорликнинг саккизинчи ҳафтасидан бошланади ва туғилиш пайтигача давом этади. Бу босқичнинг фарқли жиҳати шундаки, ҳомила ўзининг юзи, қўллари ва оёқлари билан инсонга анча ўхшаб кетади. У шу пайтда бор-йўғи 3 см (1,18 дюйм) узунликда бўлса ҳам, унинг ҳамма аъзолари кўринарли тус олган бўлади. Бу фаза 30 ҳафта давом этади ва ҳомила туғилиш ҳафтасигача ривожланиб боради.

Боланинг она бачадонида ривожланиш жараёни тўғрисидаги маълумотларга замонавий асбоблар билан олиб борилган кузатувлардан сўнггина эришилди. Аммо худди бошқа илмий далилларга ўхшаб, Аллоҳ бизнинг эътиборимизни мўъжизакорлик билан Қуръон оятларидаги бундай маълумотга жалб қилади. Одамлар тиббий масалалар бўйича жуда кам маълумотга эга бўлган бир пайтда бундай муфассал ва аниқ маълумотнинг Қуръонда берилиши, Қуръон Аллоҳнинг каломи эканлигини яна бир бор исботлайди.



(Қаранг: Ҳорун Яҳё. *The Miracle of Human Creation* (Инсон яратилиши мўъжизаси). Goodword Books, Янги Дехли, 2003)


ИНСОНЛАРНИНГ СУВДАН ЯРАТИЛИШИ

Аллоҳ барча жониворни сувдан яратди. Улардан қорни билан (судралиб) юрадиганлари ҳам, икки оёқда юрадиганлари ҳам, тўрт (оёқ)да юрадиганлари ҳам бордир. Аллоҳ ўзи хоҳлаган нарсани яратур. Албатта, Аллоҳ барча нарсага қодирдир! („Нур“ сураси, 45-оят)

Кофир бўлганлар осмонлар ҳам, Ер ҳам (аввалда) яхлит бўлганини, бас, Биз уларни ёриб юборганимизни ва барча тирик мавжудотни сувдан (пайдо) қилганимизни кўрмадиларми?! Энди ҳам имон келтирмайдиларми?! („Анбиё“ сураси, 30-оят)

У сувдан инсонни яратиб, сўнг уни (насл) насабли ва қуда-анда қилиб қўйган зотдир. Дарҳақиқат, Раббингиз (ҳар ишга) қодирдир. („Фурқон“ сураси, 54-оят)

Биз инсон ва жонзотларнинг яратилишига оид оятларга назар ташлаганимизда мўъжизадан дарак берувчи далилларни яққол кўришимиз мумкин. Бундай мўъжизалардан бири жонзотларнинг сувдан яратилганлигидир. Бу оятларда аниқ ифода этилган бундай маълумотларга одамлар фақатгина бир неча юз йиллардан сўнг, микроскопнинг ихтиро қилиниши билан эришишга муваффақ бўлдилар.



„Сув органик модданинг асосий таркибий қисмидир. Тирик жонзотлар оғирлигининг 50-90% и сувдан иборат,“ деган ёзувлар мунтазам равишда энциклопедияларда қайд этилади. Бундан ташқари, биология китобларида одатдаги ҳайвон хужайраси цитоплазмаси (асосий хужайра материали) нинг 80% и сув эканлиги қайд этилган. Цитоплазманинг таҳлили, Қуръон нозил қилинган, юзлаб йиллардан сўнг дарсликларда пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам, эндиликда илмий жамият томонидан тасдиқланган бу ҳақиқат Қуръон ваҳий қилинган пайтда маълум бўлиши мумкин эмас эди. Шундай бўлса-да, унинг кашф қилинишидан 1400 йил илгари Қуръонда унга эътибор қаратилган эди.

Ҳар қандай ҳаёт шакллари тирик қолиши учун сувга муҳтож. Қуруқ ҳудудлардаги жониворлар, шунинг учун ҳам, шундай механизмлар билан яратилганки, бу механизмлар уларнинг метаболизмларини (моддалар алмашинувларини) сув йўқотишдан асрайди ва сувдан максимум фойдаланишга имкон яратади. Агар сув танадаги ҳар қандай сабаб учун йўқотилаверса ва бу йўқолиш ўз меъёрида бўлмаса, бир неча кун ичида ўлимнинг содир бўлиши муқаррар. XVII асрнинг машҳур олими Жан Баптиста ван Хелмонт 1640 йилда тупроқдаги сув ўсимлик ривожланишидаги энг муҳим элемент эканлигини кашф қилган эди.

ЛОЙДАН ЯРАТИЛИШ

Қуръонда Аллоҳ инсоннинг яратилишини мўъжиза деб ваҳий қилади. Аллоҳ биринчи инсонни лойни одам шаклига келтириб, сўнг унга пуфлаб руҳ киргизиш орқали яратган:

Эсланг, Раббингиз фаришталарга деган эди: „*Албатта, мен лойдан бир одам яратгувчидирман. Бас, қачонки, уни ростлаб, унга руҳимдан пуфлаганимдан сўнг, унга сажда қилган ҳолингизда йиқилингиз.*“ („Сод“ сураси, 71–72-оятлар)

Бас, (Эй, Муҳаммад! Макка кофирларидан) сўранг-чи, улар(ни) яратиш қийинроқми ёки Биз яратган нарсаларними?! *Зотан, Биз уларни (Одамни) ёпишқоқ лойдан яратгандирмиз.* („Соффот“ сураси, 11-оят)

Бугунги кунда инсон танаси ўрганилганда, тупроқда мавжуд бўлган кўплаб элементларнинг танада ҳам учраши кузатилиши мумкин. Тирик тўқималарнинг 95% и углерод, водород, кислород, азот, фосфор ва олтингугурт ва жами 26 та элементдан ташкил топган.⁹⁵ Қуръоннинг бошқа бир оятида бизга шундай дейилади:

Қасамки, Биз инсонни (Одамни) лойнинг сарасидан яратдик. („Муъминун“ сураси, 12-оят)

Оятда „сараси“ деб таржима қилинган арабча „сулаалаҳ“ сўзи „вакил бўлувчи намуна, экстракт“ деган маъноларни англатади. Кўриб турганимиздек, 1400 йил муқаддам Қуръонда нозил қилинган маълумот замонавий фан бизга маълум қиладиган ҳақиқатни, яъни тупроқда топиладиган элементларнинг инсон яратилишида ишлатилганлигини тасдиқлайди.

Қуйидаги жадвалда оғирлиги 70 кг (140 фунт) бўлган одамдаги элементларнинг тақсимои ифодаланган.

| Элемент | Формуласи | Асосий функцияси | % | Оғирлиги |
|------------------|-----------|--|------|----------|
| Макро-минераллар | | | | Грамм |
| Кислород | O | Ҳужайра/тўқималарнинг нафас олиши, сувнинг таркибий қисми | 65,0 | 43000 |
| Углерод | C | Органик тузилма | 18,5 | 12000 |
| Водород | H | Сув/тўқиманинг таркибий қисми | 9,5 | 6300 |
| Азот | N | Оқсил/тўқиманинг таркибий қисми | 3,3 | 2000 |
| Кальций | Ca | Суяклар ва тишлар | 1,5 | 1100 |
| Фосфор | P | Суяклар ва тишлар | 1,0 | 750 |
| Калий | K | Ҳужайралараро электролит | 0,35 | 225 |
| Олтингургурт | S | Аминокислоталар (соч ва тери) | 0,25 | 150 |
| Хлор | Cl | Хлорид бўлган пайтда электролит | 0,15 | 100 |
| Натрий | Na | Ҳужайралараро электролит | 0,15 | 90 |
| Магний | Mg | Метаболизм (моддалар алмашинуви) | 0,05 | 35 |
| Кремний | Si | Бириктирувчи тўқима/суяк | 0,05 | 30 |
| Темир | Fe | Гемоглобин/кислород ташувчи | 0,01 | 4200 |
| Рух | Zn | Фермент таркиби/ДН синтези, иммунитетни кўтарди | 0,01 | 2400 |
| Мис | Cu | Фермент билан бирга келувчи омил | 0,01 | 90 |
| Бор | B | Суяк тузилмаси | 0,01 | 68 |
| Кобальт | Co | B12 витамини экстракти | 0,01 | 20 |
| Ванадий | V | Ёғ метаболизи (модда алмашинуви) | 0,01 | 20 |
| Йод | I | Қалқонсимон без гармони | 0,01 | 15 |
| Селен | Se | Фермент, антиоксидловчи (ингибитор), иммунитетни кўтарувчи | 0,01 | 15 |
| Марганец | Mn | Металл ферментлар | 0,01 | 13 |
| Молибден | Mo | Фермент билан келувчи омил | 0,01 | 8 |
| Хром | Cr | Глюкозага бардошли омил | 0,01 | 6 |

ГЕНЛАРДАГИ ПРОГРАММАЛАШТИРИШ


(Аллоҳ) уни қайси нарсадан яратди ўзи?! (Бир ҳақир) нутфадан яратиб, кейин уни белгилаб қўйди. Сўнгра унга йўлни осон қилди. („Абаса“ сураси, 18–20-оятлар)

Юқоридаги оятда „белгилаб қўйди“ деб таржима қилинган „қоддаро“ сўзи арабчадаги „қодаро“ феълидан келиб чиқади. У „режа тузиш, кўзда тутиш, режалаштириш, дастурлаш, келажакни кўриш, ҳамма нарсани тақдирга ёзиш (Аллоҳ томонидан)“ деб таржима қилинади.

Отанинг спермаси онанинг тухумини уруғлантиргач, ота-онанинг генлари бирлашиб, боланинг барча жисмоний хусусиятларини белгилайди. Бу минглаб генларнинг ҳар бирида ўзига хос функция мавжуд. Шу генлар кўзлар ва сочнинг рангини, бўйбаст, юз қисмлари, скелет шакли, ички аъзолардаги саноксиз жиҳатларни, мия, асаб ва мушакларни белгилаб беради. Барча жисмоний хусусиятларга қўшимча равишда, ҳужайралар ва танада содир бўладиган минглаб турли жараёнлар, шунингдек, бутун тизимнинг назорати ҳам бу генларда белгилаб қўйилади. Мисол учун, бирор шахснинг қон босими умуман олганда баланд, паст ёки нормал бўлиши ёки бўлмаслиги унинг генларидаги ахборотга боғлиқ.

Сперма ва тухум қўшилганда юзага келадиган биринчи ҳужайра ДНК молекуласининг биринчи нусхасини юзага келтиради. Бу молекула инсон танасининг ҳар бир ҳужайрасида, токи инсон ҳаёти ниҳояга етгунча, код олиб юради. ДНК аҳамиятли ўлчамдаги молекуладир. У ҳужайра ядросининг ичида эҳтиёткорлик билан ҳимоя қилинган ва бу молекула юқорида айтиб ўтганимиздек, генларни ўз ичига олганлиги туфайли, инсон танасининг ахборот банки ҳисобланади. Биринчи уруғланган тухум ҳужайраси бўлиниб, ДНКда ёзиб қўйилган дастурга мувофиқ кўпаяди ва натижада тўқималар ва аъзолар шакллана бошлайди. Бу инсоннинг бошланишидир. Ушбу мураккаб жараённинг ўзаро мувофиқлиги ДНК молекуласи томонидан таъминланади. Мазкур молекула углерод, фосфор, азот, водород ва кислород каби атомлардан ташкил топади.

ДНКда ёзилган ахборотлар сифими олимларни ҳайратда қолдирадиган ҳажмдадир. Инсоннинг битта ДНК молекуласидаги ахборот миллион саҳифали ёки 1000 жилдли энциклопедияни



тўлдиришга етарли. Бошқача қилиб айтганда, хужайранинг ядроси бир миллион саҳифали энциклопедияга тенг ахборотни ўз ичига олади. У инсон танасининг барча функцияларини назорат қилади. Яна таққослайдиган бўлсак, дунёдаги энг катта энциклопедиялардан бири бўлган *Encyclopaedia Britannica* (Британия энциклопедияси) 25000 саҳифадан иборат. Шундай бўлса-да, хужайрадан анча кичик бўлган хужайра ядросининг ягона молекуласи дунёнинг энг катта энциклопедияларига қараганда 40 марта каттароқ бўлган ахборотлар тўпламини ўз ичига олади. Бу биз ҳозиргина тилга олган 1000 жилдлик энциклопедия Ер юзиде мавжуд эмас, деган маънони англатади. Бу бизнинг ичимиздаги шундайин дизайн ва яратилганлик мўъжизасидирки, унга эволюционерлар ва материалистлар жавоб топа олмайдилар.

ДНКнинг структурасига 1953 йилда Францис Крик томонидан аниқлик киритилганлигини назарда тутсак, „генетик режалаштириш“ деган тушунчанинг Қуръонда, олдинроқ қайд этганимиздек, инсониятнинг билими жуда чекланган бир пайтда таъкидлаб ўтилиши чиндан ҳам ҳайратланарлидир. Генетиклар XIX асрнинг охиригача мунозара қила олмасдилар ва бу ажойиб далиллар яна Қуръон Аллоҳнинг инояти эканига исботдир. (Қаранг: Ҳорун Яҳё. *The Miracle of Creation in DNA* (ДНКда яратилиш мўъжизаси). Goodword Books, Янги Деҳли, 2002)

ДНК молекуласи турли кетма-кетликда бирин-кетин келувчи 4 та турли нуклеотидлардан ташкил топади. Бу молекулаларнинг кетма-кетлиги жонзотлар томонидан ишлатиладиган барча оқсилларнинг структурасига тааллуқли ахборотларни белгилаб беради. Оқсиллар кўплаб хужайра фаолиятларини амалга ошириш учун бу ахборотлардан ёлғиз ёки мураккаб шаклларда фойдаланади.



ҲАЙЗ КЎРИШ ДАВРИ

Ҳайз кўриш даври уруғланмаган тухумларнинг танадан ҳайдалиш жараёнидир. Уруғланиш содир бўлмаганлиги сабабли, олдиндан тайёргарлик кўрган бачадон деворлари қисқаради ва кичик қон томирларининг ёрилиши билан тухумлар ҳайдалади. Сўнгра тана бутун жараёни яна қайтадан такрорлаш учун тайёргарликни бошлайди.

Бу босқичларнинг барчаси ҳамма аёлларда маълум бир даврда, 21—28 кунда такрорланиб туради. Ҳар ой янги тухумхужайралар пайдо бўлади, бир хил гормонлар ажралади ва булар яна такрор-такрор бир хил пайтда содир бўлади. Шу тарзда, аёлнинг организми навбатдаги уруғланиш жараёнига тайёргарлик кўради. Бироқ охиrhoқибат тухумхужайранинг сперматозоид билан уруғланиши организмдаги тайёргарлик жараёнининг табиатини ўзгартириб юборади.

Бу давр мобайнида бачадон ичида содир бўладиган ўзгаришлар фақатгина анатомик ёки гинекологик текширувлар орқали кузатилиши мумкин. Аммо олимлар томонидан ўрганилган бу ўзгаришлар „Раъд“ сурасида мўъжизакорона қайд этилган:

Фақат Аллоҳгина ҳар бир аёл (қорнида) олиб юрадигани ҳамда бачадонини ҳар бир қисқариши ёки шишини билур. Унинг даргоҳида ҳар бир нарса ўлчовлидир. („Раъд“ сураси, 8-оят)

Ҳайз кўриш даврининг бошида бачадон деворининг шиллиқ қавати 0,5 мм (0,02 дюйм) қалинликда бўлади. Тухумдондан ишлаб чиқарилган гормонлар таъсири остида бу қатлам ўсади ва 5—6 мм (0,2 дюйм) гача қалинлашади. Кейин бу қатлам уруғланиш содир бўлмаганлиги учун бачадон деворидан ажралиб, „ҳайз“ сифатида 2—3 кун давомида бутунлай ташқарига чиқарилади. Юқоридаги оятдан кўриниб турибдики, бачадон деворларидаги бу ойлик ўсиш ва камайиш Қуръонда қайд этилган.



ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУҒИЛИШ

Ҳалок бўлгур инсон бунчалар кофир бўлмаса! (Аллоҳ) уни қайси нарсадан яратди ўзи?! (Бир ҳақир) нутфадан яратиб, кейин уни белгилаб қўйди. Сўнгра унга йўлни осон қилди. („Абаса“ сураси, 17–20-оятлар)

Ҳомила олтинчи ойнинг охирига келиб тўлиқ шаклланади. Шундан сўнг бачадон туғруқ даврига киради. Бу давр мобайнида боланинг барча тана аъзолари ва тизимлари тўлиқ ривожланади. Бачадон бу ривожланишни ҳомила учун озуқа етказиб бериш билан тезлаштиради. Бу давр токи бола туғилгунга қадар давом этади.

Туғилиш канали одатда жуда тор бўлади ва у ҳомила учун ўтишга қийинчилик туғдиради. Бироқ туғилиш давомида онанинг танасида бир қатор физиологик ўзгаришлар содир бўлади. Бу ўзгаришлар ҳомиланинг туғилиш каналидан осонлик билан ўтишига имкон беради. Бу ўзгаришларга: туғилиш каналини катталаштириш учун тос суякларидаги бўғимларнинг кенгайиши, мушакларнинг бўшашиши ва каналнинг амниотик суюқлик билан ёғланишлари киради.⁹⁶ Туғилишдан олдинги бу ўзгаришлар илмий манбаларнинг бирида шундай ифодаланади:

Туғруқ яқинлашгач, амниотик суюқлик туғилишни осонлаштириш учун зарур бўлган фаолиятни бошлайди. Бу суюқлик бачадон оғзини кенгайтирадиган халтачаларни ҳосил қилади ва шу тарзда бачадон боланинг ўтишига имкон берувчи ўлчамга келади. Бу халтачалар туғилиш давомида ҳомиланинг бачадонда эзилиб қолишдан асрайди. Бундан ташқари, тўлғоқ бошланганда бу халтачалар ёрилиб, ичидаги суюқликни қўйиб юбориши ҳомила босиб ўтадиган йўлни ёғлайди ҳамда стериллаб тозалайди. Шу йўсинда, туғилиш осон ва микробларсиз табиий равишда кечади.⁹⁷

Содир бўладиган бу бир талай ҳодисалар Қуръон оятида „**Сўнгра унга йўлни осон қилди.**“ („Абаса“ сураси, 20-оят) деб таъкидланади. Аммо бугунги кунда, Аллоҳ бизга 1400 йил бурун маълум қилган бу физиологик ўзгаришларни бир неча технологик қурилмалардан фойдаланиб аниқлашнинг имкони туғилди.

ИНСОН ТАНА АЪЗОЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ КЕТМА-КЕТЛИГИ

У (Аллоҳ) сизларга қулоқ(лар)ни, кўзларни ва дилларни пайдо қилган зотдир. (Сизлар бунга) жуда кам шукр қилурсизлар. („Муъминун“ сураси, 78-оят)

Аллоҳ сизларни оналарингиз қоринларидан бирор нарсани билмайдиган ҳолингизда чиқарди ва шукр қилишингиз учун сизларга қулоқ, кўзлар ва қалбларни берди. („Наҳл“ сураси, 78-оят)

Айтинг: „(Ўйлаб) кўрдингизми, борди-ю, Аллоҳ қулоқ ва кўзларингизни олиб қўйса ва дилларингизни муҳраб қўйса, Аллоҳдан бошқа уларни (қайта жойига) келтирадиган илоҳ ким экан?“ ... („Анъом“ сураси, 46-оят)

Дарҳақиқат, Биз инсонни имтиҳон қилиб, аралаш бир нутфадан яратдик. *Бас, уни эшитувчи ва кўрувчи қилиб қўйдик.* („Инсон“ сураси, 2-оят)

Юқоридаги оятлар инсонга Аллоҳ ато этган бир нечта сезгилар ҳақидадир. Булар Қуръонда ҳар доим маълум бир тартиб билан қайд этилган: эшитиш, кўриш, сезиш ва тушуниш.

Journal of the Islamic Medical Association (Ислом тиббий ассоциацияси журнали) да чоп этилган мақолада Доктор Кейс Мур ҳомиланинг ривожланиши давомида ички қулоқ ўзининг биринчи шаклига киргандан сўнг кўз ҳосил бўла бошлаши ҳақида маълум қилади. Унинг айтишича, мия, сезги маркази ва тушуниш ўзининг ривожланишини қулоқ ва кўздан кейин бошлайди.⁹⁸

Ҳомиланинг қулоқлари ҳомиладорликнинг йигирма иккинчи кунидан ривожланишни бошлайди ва тўртинчи ойга келиб тўлиқ функционал тус олади. Шундан сўнг, ҳомила онасининг бачадонида товушларни эшитиши мумкин. Шу сабабдан, эшитиш сезгиси янги туғилган чақалоқ учун муҳим бўлган бошқа функциялардан олдин шаклланади. Мана шу нуқтаи назардан Қуръонда белгилаб қўйилган мазкур тартиб кишини ажаблантиради. (Қаранг: Ҳорун Яҳё. *The Miracle of Human Creation* (Инсон яратилиши мўъжизаси). Goodword Books, Янги Деҳли, 2003)

СУТНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Дарвоқе, сизлар учун чорва ҳайвонларида ҳам ибрат бордир; сизларни уларнинг қоринларидаги нажосат ва қон ораларидан чиқувчи, (лекин) ичувчилар учун иштаҳали тоза сутдан ичирурмиз. („Наҳл“ сураси, 66-оят)

Тананинг озиқланиши учун керак бўладиган асосий материаллар ҳазм қилиш тизимидаги кимёвий ўзгаришлар натижасида содир бўлади. Ҳазм қилинган моддалар ичак деворлари орқали сўрилиб, қон оқимига ўтади. Тана бўйлаб қоннинг айланиши туфайли озиқ моддалар тегишли аъзоларга етиб боради.

Худди бошқа тана тўқималарига ўхшаб, сут безлари ҳам қон орқали олиб келинган озиқ моддалар билан таъминланади. Шу сабабли, қон овқатлардан озиқларни йиғишда энг муҳим ролни ўйнайди. Мана шу барча босқичлардан сўнг сут безларидан сут ажралади ва унинг озуқавий қиммати айниқса юқори бўлади.


Инсон ҳайвон қорнидаги на ярим ҳазм қилинган овқатни ва на ҳайвоннинг қонини тўғридан-тўғри истеъмол қила олади. Бундан ташқари, буларни ёки уларнинг бирор таркибий қисмини тўғридан-тўғри истеъмол қилиш қаттиқ касаллик, ҳаттоки ўлимга олиб бориши мумкин. Аллоҳ ўзи яратган ўта мураккаб биологик тизимлар шарофати билан бу суюқликлардан инсон учун тоза ва соғлом овқат пайдо бўлишини таъминлайди.

Чунки у қон орқали олиб ўтилувчи ҳазм қилинган овқат натижасида пайдо бўлади. Юқори озиқлантирувчилик хусусиятига эга бўлган сут шу тарзда қондан ишлаб чиқарилади. Бу қон ёки яримҳазм қилинган овқатнинг ўзини эса истеъмол қилиб бўлмайди.

Сут ҳосил бўлишининг ўзи яратилишдаги энг катта мўъжизадир. Шунга қарамай, сутнинг ҳосил бўлиши ҳақидаги бундай батафсил маълумотнинг Қуръонда қайд этилгани эса бошқа бир мўъжизадир.

Кўриб турганимиздек, „Наҳл“ сурасининг 66-оятида сутнинг биологик ҳосил бўлиши ҳақида берилган маълумот замонавий фан томонидан аниқланган далиллар билан жуда ҳамоҳангдир. Шу нарса аниққи, сут эмизувчиларнинг ҳазм қилиш тизимлари ҳақида тўлиқ билим талаб қилувчи бундай маълумотни Қуръон нозил қилинган пайтда одамларнинг билиши даргумон эди.

Куйидаги диаграммада вена қонлари билан туташувчи овқат ҳазм қилиш трактидан ярим ҳазм қилинган овқатнинг танада тарқалишини кўриш мумкин. Бу аралашманинг баъзи қисмлари мушаклар ва бошқа тана тўқималарига тарқатилса, баъзилари сут ажратиб чиқарувчи сут безларига етказилади.



(Эй, Мухаммад! Мушрикларга) айтинг: „Ким сизларни осмонлардан ва ердан ризклантирур?“
(Жавобини ҳам ўзингиз бериб:) „Аллох, – денг, – бизлар ёки сизлар эса ҳидоят узрадирмиз ёки аниқ залолатдадирмиз“.
(„Сабаъ“ сураси, 24-оят)



МЎЪЖИЗАВИЙ ҚОРИШИҚ: ОНА СУТИ

Биз инсонга ота-онасини (рози қилишни) буюрдик. Онаси уни заифлик устига заифлик билан (қорнида) кўтариб юрди. Уни (кўкракдан) ажратиш (муддати) икки йилда (битар). (Биз инсонга буюрдикки,) „Сен Менга ва ота-онангга шукр қилгин! Қайтишлик Менинг ҳузуримгадир!“ („Луқмон“ сураси, 14-оят)

Онанинг сути Аллоҳ томонидан яратилган тенгсиз бирикма бўлиб, у боланинг озиқланишга бўлган эҳтиёжини қондиради ва уни ҳар қандай инфекциялардан ҳимоя қилади. Она сутидаги озиқларнинг меъёри идеал даражада бўлиб, боланинг нозик танаси учун энг маъқул озуқа ҳисобланади. Шу билан бирга, она сути мия ҳужайраларининг ўсишини ва асаб тизимининг ривожланишини тезлаштирадиган озуқаларга ҳам жуда бой.⁹⁹ Бугунги кун технологияси билан гўдаклар учун тайёрланган сунъий овқатлар она сутидек мўъжизавий овқатнинг ўрнини боса олмайди.

Она сутининг бола учун аҳамиятли томонлари кун сайин кенг ва чуқур аниқланмоқда. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, она сути билан озиқланадиган чақалоқлар нафас йўллари ва ҳазм қилиш тизимларига оид инфекцияларга қарши алоҳида ҳимояланган бўлади. Бу она сутидаги антижисм (ҳимоячи модда)ларнинг инфекцияларга қарши бевосита ҳимояни таъминлаши туфайлидир. Она сутининг яна бошқа инфекцияга қарши хусусиятларидан бири шуки, у заҳарли бактериялар, вируслар ва паразитларга тўсиқ бўлувчи „нормал флора“ деб аталадиган „яхши“ бактериялар учун мўътадил муҳит яратиб беради. Бундан ташқари, она сутида инфекцияли касалликларга қарши иммун тизимини чиниқтирадиган ва унинг яхшироқ ишлашига имкон берадиган омиллар мавжудлиги ҳам аниқланган.¹⁰⁰

Она сути махсус яратилганлиги боис, у чақалоқлар учун энг осон ҳазм бўладиган овқатдир. Озиқ жиҳатдан жуда бой бўлишига қарамай, у чақалоқнинг нозик ҳазм қилиш тизими томонидан осонликча ҳазм қилинади. Чақалоқ ҳазм қилиш учун унча кўп энергия сарфламаслиги сабабли, у бу энергияни бошқа тана функциялари фаолиятини тиклаш, аъзоларнинг ўсиши ва ривожланиши учун ишлатади.

Муддатидан олдин кўзи ёриган оналарнинг сути чақалоқнинг



эҳтиёжларини қондириш учун юқори даражадаги ёғ, оқсил, қанд, натрий, хлорид ва темир моддаларини ўз ичига олган бўлади. Она сути билан боқилган эрта туғилган чақалоқларда кўз функциясининг яхшироқ ривожланиши ва улар ақлий тестларни яхшироқ бажариши аниқланган. Шунингдек, улар жуда кўп бошқа устунликларга ҳам эга.

Янги туғилган чақалоқнинг ривожланиши учун она сутининг аҳамиятли жиҳатларидан бири шундаки, у омега-3 ёғ альфа линолеик кислоталарни ўз ичига олади. Инсон мияси ва кўзнинг тўр пардаси учун муҳим бирикма бўлиши билан бирга, она сути янги туғилган чақалоқлар нуқтаи назаридан олиб қараганда жуда катта аҳамиятга ҳам эгадир. Омега-3

ҳомиладорлик ва чақалоқликнинг дастлабки босқичлари давомида мия ва асабларнинг нормал ривожланиши учун айниқса аҳамиятлидир. Олимлар она сутини омега-3 нинг табиий ва мукамал манбаи деб, унинг аҳамиятлигига алоҳида урғу беришади.¹⁰¹

Бундан ташқари, Бристол университети олимлари томонидан ўтказилган тадқиқот она сутининг узоқ муддатли фойдалари билан бир қаторда унинг қон босимига нисбатан ижобий таъсирга эга эканлигини ва шу сабабли юрак хуружи хавфининг камайишини кашф қилди. Тадқиқотчилар гуруҳи она сутининг ҳимоявий табиати унинг озуқавий таркибига бориб тақалади, деган хулосага келдилар. *Circulation* номли тиббий журналда чоп этилган бу тадқиқотнинг

натижаларига кўра, она сути билан озиқланган чақалоқлар юрак хасталиклари билан деярли оғримайди. Она сутида узун ҳалқа политўйинмаган ёғли кислоталарнинг мавжудлиги (булар артериялар қаттиқлашувининг олдини олади) ҳамда она сути билан озиқланган чақалоқлар камроқ натрий истеъмол қилиши (бу қон босими билан боғлиқ) натижасида чақалоқнинг ортиқча семириб кетмаслиги она сутининг юракка алоқадор касалликларнинг олдини олишдаги манфаатларидандир.¹⁰²

Бундан ташқари, АҚШнинг Синсинатти Болалар шифохонаси саломатлик марказида фаолият кўрсатувчи Доктор Лиза Мартин бошчилигидаги гуруҳ она сутида адипонектин деб аталадиган оқсил гормонининг юқори даражаларини топишди.¹⁰³ Адипонектиннинг қондаги юқори даражалари юрак хуружи хавфини камайтириш билан боғлиқдир. Адипонектиннинг паст даражалари жуда семиз ҳамда юрак хуружи хавфи юқори бўлган одамларда кузатилади. Шу боис, она сути билан озиқланган чақалоқларда ўта семириб кетиш хавфи шу гормон туфайли камайиши исботланган. Шунингдек, улар она сутида ёғ моддалар алмашинувида асосий ўрин тутувчи лептин деб номланган бошқа бир гормоннинг мавжудлигини аниқлашди. Лептин танада ёғ борлиги ҳақида мияга сигнал беради, деб тахмин қилинади. Доктор Мартиннинг айтишича, чақалоқликда она сути орқали сўрилган бу гормонлар шунинг учун ҳам жуда семизлик, 2-тур диабет, инсулин қаршилиги ва юрак артерия томирлари хасталиги каби касалликларнинг пайдо бўлиш хавфини камайтиради.¹⁰⁴

„Энг янги овқат“ ҳақида далиллар

Она сути ҳақидаги далиллар шу билан чекланиб қолмайди. Чақалоқнинг соғлиги учун она сутининг аҳамияти чақалоқнинг ўсиш жараёнидаги маълум бир босқичларда қандай озиқ-овқат талаб қилинишига кўра ўзгариб боради. Она сутининг таркиби шу босқичларда зарур бўлган эҳтиёжларни қондириш учун янгиланади. Ҳар доим ва энг маъқул ҳароратда тайёр она сути қанд ва ёғни ўз ичига олганлиги боис, мия ривожланишида катта роль ўйнайди. Бундан ташқари ундаги кальций каби элементлар чақалоқ суякларининг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга.

Сут деб аталса-да, бу мўъжизавий бирикманнинг аксарият қисми аслида сувдан ташкил топади. Бу жуда муҳим хосса демакдир, чунки овқатга қўшимча равишда, чақалоқлар сув шаклидаги суюқликка ҳам эҳтиёж сезишади. Сув ёки бошқа озиқ-овқатларда она сүтидан

устунроқ гигиена таъминланган эмас. 90% дан кам бўлмаган сувдан иборат она сути энг гигиеник тарзда боланинг сувга бўлган эҳтиёжини қондиради.

Она сути ва ақл

Илмий изланишлар кўкрак сути билан озиқланадиган чақалоқларнинг ақлий ривожланиши бошқа чақалоқларникига нисбатан яхшироқ эканлигини тасдиқлайди. Кентукки университети эксперти Жеймс У. Андерсоннинг кўкрак сути билан озиқланувчи ва сунъий озиқланувчи чақалоқлар ўртасидаги қиёсий таҳлили кўкрак сути билан озиқланадиган чақалоқларнинг ақлий ривожланиш даражаси бошқа чақалоқларга нисбатан 5 балл юқорироқ эканини исботлайди. Унинг тадқиқоти натижасида шу нарса аниқландики, она сути орқали 6 ойгача ақлга ижобий таъсир кўрсатилади ва 8 ҳафтадан кам эмизилган болаларда ақлий ривожланиш даражаси ижобий тарафга ўзгармайди.¹⁰⁵



Онанинг сути саратон касаллигига қарши курашадими?

Амалга оширилган барча тадқиқотларда она сути чақалоқларни саратон касаллигидан ҳимоя қилиши исботланган (бу ҳақида юзлаб мақолалар чоп этилган). Шундай бўлса-да, унинг механизмига ҳали тўлиқ тушуниб етилгани йўқ. Она сутидаги оқсил лабораторияларда ўстирилган ўсимта ҳужайраларини, соғлом ҳужайраларга зарар етказмасдан, ўлдиргандан сўнг, тадқиқотчилар жуда катта потенциал имконият пайдо бўлганлигини маълум қилишди. Она сутидаги бу мўъжизавий сир-асрорларни ошкор қилган тадқиқотчи гуруҳга Швециянинг Ланд университетидagi клиник иммунология профессори Катарина Сванборг бошчилик қилди.¹⁰⁶ Ланд университетидagi бу гуруҳ она сути саратон касаллигининг кўп шаклларида ҳимоя қила олишини мўъжизавий кашфиёт сифатида исботлаб берди.

Даставвал, тадқиқотчилар янги туғилган чақалоқлардан олинган ичак шиллиқ ҳужайраларини она сути билан даволашди. Улар *пневмококк* бактерияси келтириб чиқарадиган касаллик, яъни

зотилжам она сути билан самарали тўхтатилганлигини кузатишди. Бундан ташқари, она сути билан озиқланадиган чақалоқларда сунъий озиқланадиган чақалоқларга қараганда анча камроқ эшитиш қобилиятининг суслиги учрайди ва улар нафас олиш йўллари инфекцияларидан камроқ азоб чекадилар. Қатор изланишлардан сўнг она сути саратон касаллигига қарши ҳимояни ҳам таъминлаши исботланди. Болаликда кузатиладиган лимфа саратони касаллиги сунъий озиқланадиган болаларда 9 мартагача кўпроқ учраши исботлангандан сўнг тадқиқотчилар шу натижа саратон касаллигининг бошқа шакллари учун ҳам бир хил бўлганлигини сезиб қолишди. Натижаларга кўра, онанинг сути саратон ҳужайраларига қулайгина жойлашиб олиб, кейинчалик уларни бартараф қилади. Саратон ҳужайраларига жойлашиб, уларни ўлдирадиган модда альфалак (альфалакталбумин) бўлиб, у она сутида кўп миқдорда учрайди. Альфалак сутдаги қанд лактозанинг ишлаб чиқилишида ёрдам берувчи оқсиллар томонидан ҳосил қилинади.¹⁰⁷

Бу бетакрор неъмат Аллоҳнинг туҳфасидир

Она сутининг бошқа бир мўъжизавий фазилати у билан икки йил озиқланадиган чақалоқ учун унинг ниҳоятда фойдалилигидир.¹⁰⁸ Фан орқали яқинда кашф қилинган бу муҳим маълумот 14 аср илгари Аллоҳ томонидан оятда „**Оналар болаларини тўла икки йил эмизадилар. (Бу муддат) эмизишни камолига етказишни истовчилар учундир ...**“ („Бақара“ сураси, 23-оят) деб ваҳий қилинган эди.

Онанинг танасидан овқатланишга муҳтож норасида гўдак учун энг маъқул озуқа манбаи бўлмиш сутни ишлаб чиқариш онанинг ихтиёрида эмас ва у сут таркибидаги турли озуқавий даражаларни белгилаб беришга қодир ҳам эмас. Ҳар бир жонзотнинг эҳтиёжини билгувчи ва уларга беҳад меҳрибонлик кўрсатгувчи ҳамда онанинг танасида бола учун она сутини яратиб қўйган Зот ҳамма нарсага Қодир Аллоҳнинг Ўзидир.

БАРМОҚ ИЗИДА ЯШИРИНГАН ШАХСИЯТ

Куръонда инсонни қайта тирилтириш Аллоҳ учун осон эканлиги таъкидланиши билан бир қаторда, одамларнинг бармоқ изларига ҳам алоҳида урғу берилган:

Йўқ! Биз унинг бармоқ учларигача тўлиқ тартиб билан йиғиб қўйишга қодирмиз. („Қиёмат“ сураси, 4-оят)

Бармоқ изларига берилган урғунинг ўзига хос маъноси бор. Чунки ҳар бир кишининг бармоқ изидаги шакллар ва кичик деталлар ҳар бир шахс учун ягонадир. Нафас олиб турган ҳар бир инсон ёки бу оламда яшаб ўтган инсонлар такрорланмас бармоқ излари тўпламига эгадирлар. Бундан ташқари, ҳатто бир хил ДНК кетма-кетлигига эга бўлган ўхшаш эгизаклар ҳам ўзларининг алоҳида бармоқ излари тўпламига эга.¹⁰⁹


Бармоқ излари туғилишдан олдин якуний шаклга киради ва умр бўйи, агар доимий чандиқ орттирилмаса, ўзгармасдан қолади. Шу боис, ўз эгаларига ягона бўлган бармоқ излари шахсиятни жуда ҳам тўғри тасдиқловчи далил сифатида қабул қилинади. Бармоқ излари илмидан шахсни хатосиз аниқлаш услуби сифатида фойдаланилади.

Бармоқ изларининг бу фазилати фақатгина XIX асрнинг охирларида кашф қилинганлиги алоҳида аҳамият касб этади. Ундан



Ҳар бир киши, шу жумладан, ўхшаш эгизаклар ҳам, алоҳида бармоқ изларига эга. Бошқача қилиб айтганда, одамларнинг бармоқ учларида уларнинг шахсий маълумотлари кодланган бўлади. Бундай кодлаш тизими бугунги кунда ишлатиладиган штрихкод тизими билан таққосланиши мумкин.

олдин, бармоқ излари ҳеч қандай аҳамиятсиз ёки маъносиз оддий эгри чизиқлар деб тушунилар эди. Аммо Қуръонда, Аллоҳ ўша пайтда ҳеч ким эътибор қилмаган бармоқ учлари ҳақида бизни огоҳ қилган ва бизнинг диққатимизни уларнинг муҳимлигига жалб қилган. Бу муҳимлик фақат ҳозирги кунга келиб тўлиқ англаб етилди.



Бармоқ излари воситасида шахсни аниқлаш усулининг қонунга мувофиқлиги кейинги йигирма беш йил ичида кўплаб полиция маҳкамалари томонидан тасдиқланган ва у қонуний исботланган услубдир. Бизнинг давримиздаги шахсни аниқловчи ҳеч бир технология бармоқ изларидек бундай самарали натижаларни бермайди. Шахсни тасдиқлаш учун бармоқ изларидан фойдаланиш кейинги 100 йил ичида қонуний жараёнларда ва халқаро эътиборга молик жараёнларда қўлланиб келинмоқда. („Бармоқ изи нима ўзи?“, www.ridgesand-furrows.homestead.com/fingerprint.html.)

Андре А. Моэнсенс ўзининг „*Fingerprint Techniques*“ (Бармоқ изи усуллари) номли китобида ҳар бир шахс ягона бармоқ излари тўпламига эга эканлигини таҳлил қилади: „... шу пайтгача турли бармоқлардан олинган икки бармоқ изининг бир-бирига аниқ мос тушганлик ҳодисасига бирор марта ҳам дуч келинмаган.“ (Андре А. Моэнсенс, „Бармоқ изини таниш „фан“ ми?“, www.forensicevidence.com/site/ID/ID00004_2.html#ID1.)



УРҒОЧИ АСАЛАРИ

(Эй, Муҳаммад!) Раббингиз асалариларга ваҳий (буйруқ) қилди: „Тоғларга, дарахтларга ва (одамлар) барпо қиладиган нарсаларга ин *қуригиз*. Сўнгра турли мевалардан *еб*, Парвардигорингиз (сиз учун) қулай қилиб қўйган йўллардан *юрингиз!*“ Уларнинг қоринларидан одамлар учун шифо бўлган турли рангдаги шарбат (асал) чиқур. Албатта, бунда фикр юритадиган қавм учун аломат бордир.“ („Наҳл“ сураси, 68–69-оятлар)

Асалари тўдаларидаги кўплаб ариларнинг ҳар бири учун алоҳида вазифа тайинланган бўлиб, эркак асалари бундан мустаснодир. Эркак асаларилар на уяни ҳимоя қилиш ва на уни тозалаш, на овқат тўплаш ва на асал учун ин яшаш ва на асал қилишда ўз ҳиссасини қўшади. Эркак асалариларнинг уядаги бирдан-бир вазифаси она арини уруғлантиришдан иборат.¹¹⁰ Репродуктив аъзолардан ташқари, эркак асаларилар бошқа ариларда бўлган хусусиятлардан деярли бирортасига ҳам эга эмас ва шунинг учун ҳам улар она асалариларни уруғлантиришдан бошқа бирор ишни бажариши мумкин эмас.

Ишчи асаларилар тўданинг бутун оғирлигини ўз бўйнига оладилар. Улар худди она аридек урғочи бўлсалар-да, уларнинг тухумдонлари етилмайди. Бу эса уларни бепуштлиқ ҳолатида сақлаб туради. Уларнинг адо этадиган бир қатор юмушлари мавжуд: уяни тозалаш, личинкалар ва ёш ариларни боқиш, она ари ва эркак асалариларни озиклантириш, асал етиштириш, асал учун ин қуриш ва уни таъмирлаш, уяни шамоллатиш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш, нектар, гулчанг, сув ва елим каби захираларни тўплаш ва уларни уяда ғамлаш.

Арабчада феълларнинг икки хил ишлатилиши кузатилади. Уларнинг ишлатилишига қараб, эганинг аёл ёки эркак эканлигини аниқлаш мумкин. Дарҳақиқат, юқоридаги оятларда асаларилар учун ишлатилган (оғма ёзувли сўзлар) феъллар аёллар учун ишлатиладиган феъл шаклида қўлланилган. Қуръон бу орқали асал қилишда меҳнат қиладиган асалариларнинг урғочи эканлигини таъкидламоқда.¹¹¹

Биз шу нарсани унутмаслигимиз керакки, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) даврида асаларилар ҳақидаги бу ҳақиқатни билиб

олиш амримаҳол эди. Бироқ Аллоҳ бу ҳақиқатни таъкидлаб,
Қуръоннинг бошқа бир мўъжизасини бизга намоён қилди.



АСАЛДАГИ МУЪЖИЗА

(Эй, Муҳаммад!) Раббингиз асалариларга ваҳий (буйруқ) қилди: „Тоғларга, дарахтларга ва (одамлар) барпо қиладиган нарсаларга ин қурингиз. Сўнгра турли мевалардан еб, Парвардигорингиз (сиз учун) қулай қилиб қўйган йўллардан юрингиз!“ Уларнинг қоринларидан одамлар учун шифо бўлган турли рангдаги шарбат (асал) чиқур. Албатта, бунда фикр юритадиган қавм учун аломат бордир.“ („Наҳл“ сураси, 68–69-оятлар)

Юқоридаги оятларда қайд этилганидек, асал „одамлар учун шифо“дир. Бугунги кунда дунёнинг илмий жиҳатдан ривожланган мамлакатларида асаларичилик ва асал маҳсулотлари тадқиқотнинг янги қирраларига асос солди. Асал келтирадиган фойдалар қуйидагича таърифланиши мумкин:

Осон ҳазм қилинади: Асалдаги қанд молекулалари бошқа қандларга (м-н., фруктозадан глюкозага) айлана олиши сабабли, у ўзининг юқори кислотали таркибига қарамасдан ҳар қанақа меъдада осон ҳазм қилинади. У буйрак ва ичакларнинг яхшироқ фаолият кўрсатишига ёрдам беради.

Қон орқали тез тарқалади; тез қувват олиш манбаи: Асал устидан юмшоқ сув қабул қилинганда, асал қон оқимиغا етти дақиқада тарқалади. Унинг эркин қанд молекулалари мия фаолиятини яхшилади, чунки мия қандни энг кўп истеъмол қилувчи аъзодир. Асал глюкоза ва фруктоза каби қандларнинг табиий бирикмасидир. Яқинда ўтказилган тадқиқотга кўра, қандларнинг ягона аралашмаси чарчоқни кетказиш ва енгил ҳаракатни ошириш учун энг самарали восита бўлиб хизмат қилади.

Қон ҳосил бўлишини таъминлайди: Асал қон ҳосил қилиш учун тана томонидан талаб этиладиган энергиянинг энг муҳим қисмини таъминлайди. Бундан ташқари, у қонни тозалашда ёрдам беради. У қон айланишини тартибга солиш ва осонлаштиришда баъзи ижобий таъсирларга эга. Шунингдек, у қон томири капилляр муаммолари ва артериосклерозга қарши ҳимоя вазифасини ҳам бажаради.

Бактерияларга ўрин қолдирмайди: Асалнинг бактерицид (бактерияни ўлдирувчи) хоссаси „даф қилиш эффекти“ бўлиб, бу антимикробик хусусият бир неча илмий асослар билан асосланади. Масалан: микроорганизмларнинг кўпайиши учун керак бўладиган сув миқдорини чекловчи юқори қандли таркиб, бактерияларнинг

кўпайиши учун зарур бўлган азотдан уларни маҳрум қилувчи юқори кислоталилик (кичик рН) ва бирикма, водород пероксид ҳамда антиоксидловчиларнинг асалда мавжудлиги бактерия кўпайишининг олдини олади.

Антиоксидловчи: Соғлом ҳаёт кечиришни хоҳлаган ҳар бир киши антиоксидловчилар истеъмол қилиши шарт. Булар ҳужайралардаги таркибий қисмлар бўлиб, нормал метаболик функцияларнинг зарарли кўшимча моддаларини бартараф қилади. Бу элементлар овқатнинг айниши ва кўплаб сурункали касалликларни келтириб чиқарадиган бузувчи кимёвий реакцияларга барҳам беради. Тадқиқотчиларнинг фикрича, антиоксидловчиларга бой озиқ-овқат маҳсулотлари юрак муаммолари ва саратон касаллигининг олдини олиши мумкин. Асал таркибида *пиносембрин*, *пинобахин*, *кризин* ва *галагин* каби кучли антиоксидловчилар мавжуд. *Пиносембрин* антиоксидловчи фақат асалда мавжуд, холос.¹¹²

Витамин ва минераллар депоси: Асал глюкоза ва фруктоза каби қандлар ҳамда магний, калий, кальций, натрий хлор, олтингургурт, темир ва фосфат каби минераллардан таркиб топган. У В1, В2, С, В6, В5 ва В3 витаминларини ўз ичига олган бўлиб, уларнинг барчаси нектар ва гулчангларнинг

Асалнинг бактерия ҳамда яллиғланишга қарши хоссалари клиник кузатувлар ва изланишлар натижасида аниқланди. Асал касалликдаги инфекция ва ўлик ҳужайраларни оғриқсиз тозалашда ва янги тўқималарнинг ривожланишида ниҳоятда фойдалидир. Асалдан дори сифатида фойдаланиш энг қадимги ёзувларда ҳам қайд этилган. Ҳозирги кунда, шифокор ва олимлар асалнинг жароҳатларни даволашдаги самарадорлигини қайта кашф қилишмоқда. Сўнги 20 йил ичида асални тадқиқ қилган етакчи олим, Янги Зеландиядаги Уайкато университетининг биокимё соҳаси профессори Доктор Питер Молан асалнинг антимикробик хусусияти ҳақида шундай дейди: *„Ўтказилган тажрибалар шу нарсани кўрсатдики, шифохонларда куйган жойни даволаш учун энг кўп ишлатиладиган антибактериал малҳам, кумушли сульфадиазинга қараганда асал куйган яраларга инфекция туширмаслиги билан энг фойдалидир.“*

(„Инфекция тушган жароҳатларга қарши асал“, www.apitherapy.com/hon_eysk.html.)

сифатига қараб ўзгаради. Юқоридагилардан ташқари, асалда оз миқдорда бўлса-да мис, йод ва рух элементлари ҳам бор.

Асал жароҳатларни даволашда ишлатилади:

– Асал ҳаводан намликни тортиб олиш қобилятига эгаллиги туфайли соғайиш жараёнини осонлаштиради ва чандиқ ҳосил бўлишининг олдини олади. Бунга сабаб, асал соғайган жароҳат устида янги тери қопламани пайдо қиладиган эпителиал хужайраларнинг ўсишини тезлаштиради. Шу йўсинда, ҳатто катта жароҳатларда ҳам асал тўқима кўчириб ўтказиш заруриятига ҳожат қолдирмайди.

– Асал соғайиш жараёнида иштирок этадиган тўқиманинг қайта ўсишини тезлаштиради. У янги қон капиллярларининг шаклланишини ва теридаги чуқурроқ қатламнинг бириктирувчи тўқималари ўрнини эгаллайдиган фибробластларнинг ўсишини тезлаштиради ҳамда тузалишга куч берадиган коллаген толаларини ишлаб чиқаради.

– Асал яллиғланишга қарши таъсирга эга бўлиб, жароҳат атрофидаги шишни камайтиради. Бу қон айланишини яхшилади ва шу тарзда соғайиш жараёнини тезлатади. У оғриқни ҳам камайтиради.

– Асал жароҳатдаги тўқималарга ёпишиб қолмайди, демак, жароҳатдаги боғлам ўзгартирилганда эндигина пайдо бўлган тўқима юлиб олинмайди ва оғриқ бўлмайди.

– Нур билан қилинган муолажа натижасида беморларда пайдо бўладиган жароҳат ёки чандиқ устидан асални боғлаш жуда яхши фойда беради.¹¹³

– Юқорида қайд этилганидек, асалнинг антимиқробик хусусияти туфайли у яраларга инфекция тушишининг олдини олувчи ҳимоя тўсиғини ҳосил қилади. Шунингдек, у жароҳатлардан инфекцияларни тез тозалайди. Асал бактериянинг антибиотикка чидамли турларига ҳам самарали таъсир кўрсатади. Антисептик моддалар ва антибиотикларга аксинча, жароҳат тўқималарига қулай таъсир кўрсатади ва соғайиш жараёнини ёмонлаштирмайди.¹¹⁴

Бу маълумотлардан асалнинг кўплаб „соғайтирувчанлик“ хусусиятларига эга эканлиги кўриниб турибди. Бу шубҳасиз, Қудратда Танҳо Аллоҳ ваҳий қилган Қуръоннинг мўъжизаларидан биридир. Асалдаги озуқавий қимматнинг таҳлилини кейинги саҳифада берилган жадвалдан кўришингиз мумкин:

2000 йил, 10—13 сентябрь кунлари Мельбурнда ўтказилган „Жароҳатни тузатиш бўйича биринчи жаҳон конгресси“ асалнинг жароҳатни тузатишда қўлланилишини муҳокама қилди. Конгресс давомида қуйидагича фикрлар билдирилди:

Антибиотикларга ўта чидамли бактериялар билан инфекцияланган жароҳатлар учун даво топиш мақсадида кўплаб антибактериал моддалар ўрганиб

чиқилмоқда, чунки бу катта клиник муаммога айланмоқда. Лекин кўпчилик табиий моддаларнинг инфекция тушган жароҳатларга яхши таъсир кўрсатиши исботланмаган ёки уларнинг жароҳат тўқималарига ёмон таъсир кўрсатганлиги тўғрисида ҳам маълумотлар йўқ. Асал ўзгача, чунки унинг жароҳатни боғлашда 4000 йилдан буён ишлатилиши ҳақида жуда қимматли маълумотлар бор ... Асалда кучли антибактериал таъсир мавжуд ва жароҳатга тушган инфекцияни тозалаш ҳамда яраларни инфекция тушишдан асрашда унинг самараси жуда катта. (bio.waikato.ac.nz/pdfs/honeyresearch/potential.pdf)

| Озуқавий қимматлари | Ўртача миқдор, бир порцияда | Ўртача миқдор, 100 граммда |
|---|--------------------------------|-------------------------------|
| Сув | 3,6 г | 17,1 г |
| Жами углеводлар | 17,3 г | 82,4 г |
| Фруктоза | 8,1 г | 38,5 г |
| Глюкоза | 6,5 г | 31,0 г |
| Мальтоза | 1,5 г | 7,2 г |
| Сахароза | 0,3 г | 1,5 г |
| Озуқавий таркиблари | | |
| Жами калориялар (килокалориялар) | 64 | 304 |
| Жами калориялар (килокалориялар) (ёғ сифатида) | 0 | 0 |
| Жами ёғ | 0 | 0 |
| Тўйинган ёғ | 0 | 0 |
| Холестерин | 0 | 0 |
| Натрий | 0,6 мг | 2,85 мг |
| Жами углевод | 17 г | 81 г |
| Қанд | 16 г | 76 г |
| Тола | 0 | 0 |
| Оқсил | 0,15 мг | 0,7 мг |
| Витаминлар | | |
| В1 (Тиамин) | <0,002 мг | <0,01 мг |
| В2 (Рибофлавин) | <0,06 мг | <0,3 мг |
| Никотин кислота | <0,06 мг | <0,3 мг |
| Пантотеник кислота | <0,05 мг | <0,25 мг |
| В6 витамин | <0,005 мг | <0,02 мг |
| Фоль кислота | <0,002 мг | <0,01 мг |
| С витамин | 0,1 мг | <0,5 мг |
| Минераллар | | |
| Кальций | 1,0 мг | 4,8 мг |
| Темир | 0,05 мг | 0,25 мг |
| Рух | 0,03 мг | 0,15 мг |
| Калий | 11,0 мг | 50,0 мг |
| Фосфор | 1,0 мг | 5,0 мг |
| Магний | 0,4 мг | 2,0 мг |
| Селен | 0,002 мг | 0,01 мг |
| Мис | 0,01 мг | 0,05 мг |
| Хром | 0,005 мг | 0,02 мг |
| Марганец | 0,03 мг | 0,15 мг |
| ASH (органик модданинг минерал таркиби) | 0,04 мг | 0,2 мг |

ХУРМО ВА УНИНГ ҚУРЪОНДА ТАСВИРЛАНГАНИДЕК ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНИШИ

Қатор оятларда хурмо жаннатнинг неъматларидан бири сифатида улуғланади. (**„Ар-Раҳмон“ сураси, 68-оят.**) Бу мева текшириб кўрилганда, унинг жуда кўп муҳим хусусиятлари борлиги кўринади. Энг қадимги ўсимлик турларидан бири бўлган хурмо бугунги кунда нафақат ўзининг хуштаъмлиги, балки озуқавий хусусиятлари билан ҳам хурматга сазовор мевадир. Хурмонинг ижобий хусусиятлари кун сайин кашф қилинмоқда ва у дори ҳамда овқат сифатида ишлатилмоқда. Хурмонинг бу хусусиятлари „Марям“ сурасида шундай қайд қилинган:

Бас, тўлғоқ дарди уни бир хурмо дарахти тубига олиб борди ва у (Марям) деди: „Қани эди, мана шундан (туғишдан) олдин ўлиб, бутунлай унутилиб кетсам.“ Шунда унинг (Марямнинг) остидан (Жаброил) нидо қилди: „Ғамгин бўлма, Раббинг (оёқ) остингдан бир ариқ оқизиб кўйди. (Мана шу қуриб қолган) хурмо шохини силкитгин, у сенга янги, пишган хурмо меваларини тўксин! Бас, еб-ичгин ва шод бўлгин! ...“ („Марям“ сураси, 23–26-оятлар)

Аллоҳнинг Марямга бу мевани ейишни тавсия қилишида буюк донолик ётади. Хурмо ҳомиладор ва эндигина кўзи ёриган аёллар учун аъло даражадаги сифатли овқатдир. Бу кенг эътироф этилган илмий ҳақиқатдир. Марямга ўзининг кўзи ёриши осон кечсин учун бунинг моҳиятини тушуниш уқтирилади. Хурмо барча мевалар ичида энг юқори қанд миқдорига (60–65%) эга мевалардан бири ҳисобланади. Шифокорлар аёлларнинг кўзи ёриган кунда уларга мева қандини ўз ичига олган овқат берилиши кераклигини тавсия қилишади. Бундан мақсад онанинг заифлашиб қолган танасига қувват бериш ва уни қайта жонлантириш шу билан бир вақтда, сут гормонларига стимул бериш ҳамда янги туғилган чақалоққа муҳим бўлган она сути миқдорини кўпайтиришдир.

Бундан ташқари, туғиш давомидаги қон йўқотиш танадаги қанд миқдорининг пасайиб кетишига олиб келади. Хурмо танага қанд киритиши ва қон босими тушиб кетишининг олдини олиши нуқтаи назаридан жуда аҳамиятлидир. Унинг юқори калория қиммати касаллик ёки ўта чарчаганлик натижасида заифлашиб қолган одамларга қувват бахш этади.

Бу далиллар қувват бахшида этувчи, аёлни тетиклаштирувчи, чақалоқ учун ягона овқат бўлган сутнинг келишини таъминловчи хурмонинг Аллоҳ томонидан Марямга тавсия этилиши замирида ётган буюк доноликка аниқлик киритади. Мисол учун, хурмо танани соғлом ва бақувват ушлаб туриши учун керак бўладиган 10 дан кўп энг муҳим элементларни ўз ичига олади. Замонамиз олимларининг маълум қилишича, инсонлар хурмо ва сувдан бошқа ҳеч нарса истеъмол қилмасдан туриб ҳам кўп яшашлари мумкин.¹¹⁵ Бу соҳада таниқли эксперт В. Ҳ. У. Доусоннинг айтишича, бир дона хурмо ва бир стакан сут кишининг кунлик озуқага бўлган эҳтиёжини қондиришга етарли экан.¹¹⁶


Хурмода мавжуд бўлган окситоцин моддаси замонавий тиббиётда туғишни тезлатиш учун ишлатилади. Аслини олганда, окситоцин „тез туғиш“ деган маънони англатади. Шунингдек, бу модданинг туғишдан сўнг она сути миқдорини кўпайтириши ҳам маълум.¹¹⁷

Окситоцин аслида гипофиз безидан чиқадиган гормон бўлиб, у тўлғоқ тутиш даврида бачадоннинг қисқаришини тезлаштиради. Туғишдан олдин танада кўрилган барча тайёргарликлар шу гормон туфайли содир бўлади. Гормоннинг таъсирлари она бачадонини ташкил этувчи мушакларда ва она сутининг ажралиб чиқишини таъминлайдиган мушаклардаги ҳужайраларда билиниши мумкин. Туғиш вақтида бачадоннинг яхшироқ қисқариши жуда муҳим. Окситоцин бачадонни ташкил этувчи мушакларнинг жуда кучли тарзда қисқаришини таъминлайди. Бундан ташқари, окситоцин она сутининг ажралишини ҳам бошлаб беради. Хурмонинг бу хусусияти, яъни у окситоцинни ўз ичига олишининг ўзи Куръон Аллоҳнинг ваҳийси эканлигидан дарак берувчи муҳим далилдир. Хурмо келтирадиган манфаатларнинг тиббиёт томонидан аниқланиши яқиндагина амалга оширилди. Бироқ Аллоҳнинг Марямга хурмоларни ейиши кераклиги тўғрисидаги ваҳийси 14 аср илгари Куръонда назил қилинган эди.

Хурмо танага фаол ҳаракат ва иссиқ энергия бахш этувчи қанднинг бир турини ҳам ўз ичига олади. Бу қанд тури танада осонгина парчаланади. Бундан ташқари, бу қанд қондаги қанд миқдорини бирдан кўтарадиган глюкоза эмас, балки мева қанд фруктозасидир. Қандли диабетда қондаги қанд миқдорининг бирдан кўтарилиши кўпчилик аъзолар ва тизимларга, айниқса, кўзлар, буйрақлар, юрак ва қон айланиши тизими ҳамда асаб тизимига зарар етказадиган таъсирларга эга. Қондаги қанд миқдорининг

юқорилиги кўриш қобилиятининг йўқолиши, юрак хуружлари ва буйрак носозлиги каби касалликларнинг асосий сабабчиларидан биридир.

Хурмо жуда кўп витамин ва минерал моддаларни ўз ичига олади. Улар тола, ёғ ва оқсилларга жуда бой. Шунингдек, улар натрий, калий, кальций, магний, темир, олтингугурт, фосфор ва хлор ҳамда А, бета-каротин, В1, В2, В3 ва В5 витаминларни ҳам ўз таркибига олади. Хурмо таркибидаги витаминлар ва минералларнинг нормал инсон танаси учун ва айниқса, ҳомиладорлик пайтидаги фойдали томонлари қуйидагича умумлаштирилиши мумкин:



◆ Хурмонинг озуқавий қиммати унинг таркибидаги минерал моддаларнинг тўғри тақсимланиши билан боғлиқ. Хурмо таркибида ҳомиладор аёллар учун катта аҳамиятга эга фоль кислота ва В витамини ҳам мавжуд. **Фоль кислота (В9)** янги қон ҳужайралари ва аминокислотанинг ҳосил бўлишида, тананинг структуравий тузилишида ва ҳужайраларнинг янгиланишида муҳим вазифаларни бажаради. Ҳомиладорлик даврида фоль кислотага бўлган эҳтиёж сезиларли даражада ўсади, яъни кундалик талаб икки марта кўпаяди. Фоль кислота миқдори етарли бўлмаганда қизил қон таначалари одатдагидан кўпроқ бўлади, лекин паст функционал кўринишда, камқонлик белгилари билан бирга учрайди. Фоль кислота ҳужайра бўлинишида ва ҳужайранинг генетик структураси шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Хурмо фоль кислотага ўта бой мева ҳисобланади.

◆ Бошқа томондан, ҳомиладорлик даврида пайдо бўладиган узоқ муддатли кўнгил айниш ва жисмонан ҳолсизланишлар **калий**нинг етишмаслиги туфайли содир бўлади. Шу боис, унинг организмдаги миқдори меъёрида бўлиши керак бўлади. Хурмода калий миқдорининг кўплиги бундай вазиятларда жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, у танадаги сув мувозанатини назорат қилишда ҳам жуда муҳим ўрин тутаяди. Бундан ташқари, калий кислороднинг мияга етиб боришига ва шу тарзда кишининг тиниқроқ фикрлай олишига ёрдам беради. Шу билан бирга, у тана суюқликлари учун мос алкалоид хусусиятларни таъминлайди ҳамда буйракларга танадаги заҳарли чиқитларни ҳайдашда ёрдам беради. У юқори қон босимини тушириш ҳамда соғлом терининг пайдо бўлишига кўмаклашади.¹¹⁸

◆ Хурмодаги **темир** моддаси қизил қон таначаларида гемоглобиннинг синтезини назорат қилади ва қондаги қизил таначаларнинг етарли миқдорда бўлишини таъминлайди. Бу ҳомиладорлик даврида камқонликнинг олдини олиш ҳамда боланинг ривожланишида жуда муҳим ўрин тутаяди. Қизил қон таначалари қонда кислород ва карбонат ангидридни ташиш орқали ҳужайраларни тирик сақлашда муҳим аҳамият касб этади. Хурмода темир миқдорининг кўплиги сабабли, инсон кунига 15 дона хурмо ейиш билан ўзининг темирга бўлган талабини қондириши ва шу тарзда темир танқислиги туфайли келиб чиқадиган касалликлардан ҳимояланиши мумкин.

◆ Хурмо таркибидаги **кальций** ва **фосфат** скелетнинг ўсиши ва тананинг суяк структурасини мувозанатда сақлаб туриш учун муҳим

бўлган элементлардир. Хурмода кўп миқдорда мавжуд бўлган **фосфор** ва **кальций** танани суяк заифлигидан ҳимоя қилади ва бундай касалликларни камайтиришда ёрдам беради.

◆ Олимлар хурмо стресс ва тарангликни ҳам камайтиради деб урғу беришади. Беркелей университетининг экспертлари томонидан ўтказилган тадқиқот хурмода нервларни мустаҳкамлайдиган **В6 витамини** кўп миқдорда учраши ва буйрақлар учун жуда муҳим бўлган **магний**нинг мавжудлигини аниқлади. Инсон ўзининг магнийга бўлган талабини кунига 2–3 дона хурмо истеъмол қилиши билан қондириши мумкин.¹¹⁹

◆ Хурмодаги **В1 витамини** асаб системасининг соғлом бўлишига ёрдам беради, танадаги углеводнинг энергияга айланишига ва оқсил ҳамда ёғларнинг тана эҳтиёжларини қондириш учун ишлатилишига кўмаклашади. **В2 витамини** тана энергияси ва ҳужайранинг янги-ланишини таъминлаш учун оқсил, углевод ва ёғларнинг парчаланishiда ёрдам беради.

◆ Ҳомиладорлик даврида тананинг **А витаминга** бўлган эҳтиёжи ортади. Хурмо таркибида А витамини бўлганлиги туфайли, у кўриш қобилиятини ва тананинг чидамлилигини яхшилади ҳамда тишлар ва суяқларни мустаҳкамлайди. Хурмо, айниқса, **бета-каротинга** жуда бой.¹²⁰ Бета-каротин ҳужайраларга хавф солувчи молекулаларни назорат қилиш орқали саратон касаллигининг олдини олишга ёрдам беради.

◆ Бундан ташқари, бошқа мевалар хурмочалик **оқсилга** деярли бой эмас.¹²¹ Мана шу хусусияти билан, хурмо танага касалликлар ва инфекциялардан ўзини ҳимоя қилиш, ҳужайраларни янгилаш, суоқлик мувозанатини таъминлашда ёрдам беради. Гўшт ҳам фойдали овқат, лекин у эндигина узилган хурмочалик фойдали бўлмаслиги мумкин. Дарҳақиқат, ҳомиладорлик даврида ортиқча гўшт истеъмол қилиш, аслида танада заҳарланишга олиб келиши мумкин. Ҳомиладор аёллар енгил ва осон ҳазм қилинадиган мева ва сабзавотларни истеъмол қилишлари мақсадга мувофиқ.

Бу далилларнинг барчаси Аллоҳнинг чексиз билими ва Унинг инсонларга бўлган мурувватини намоён қилади. Кўриб турганимиздек, хурмонинг, айниқса, ҳомиладорлик давридаги ва фақат яқиндагина замонавий тиббиёт фани орқали аниқланган фойдалари 1400 йил аввал Қуръонда таъкидлаб ўтилган эди.

АНЖИР : МУКАММАЛЛИГИ ЯҚИНДАГИНА КАШФ ҚИЛИНГАН МЕВА

Қасамёд этурман анжир ва зайтун билан. („Тин“ сураси, 1-оят)

„Тин“ сурасининг биринчи оятида анжирнинг қайд этилиши бу мева келтирадиган фойдалар нуқтаи назаридан доноликнинг энг ёрқин тимсолидир.

Анжирнинг инсон учун фойдалари

Анжир бошқа ҳар қандай мева ёки сабзотга нисбатан кўпроқ толага (томирга) эга. Бир дона қуритилган анжирда икки грамм (0,07 унция) тола мавжуд: бу тавсия этиладиган кунлик истеъмолнинг 20% ини ташкил этади. Сўнгги ўн беш йил ичида олиб борилган тадқиқотлар ўсимлик меваларидаги толалар ҳазм қилиш системасининг мунтазам ишлаши учун жуда муҳим эканлигини аниқлади. Маълумки, озиқ-овқатлардаги толалар ҳазм қилиш системасига ёрдам беради ҳамда улар саратон касаллигининг айрим шакллари хавфини ҳам камайтиради. Парҳезшунослар **толага бой бўлган** анжир ейишни кўпроқ тола истеъмол қилишнинг идеал усулидир деб ҳисоблашади.

Толали озиқ-овқатлар икки турга бўлинади: эрийдиган ва эримайдиган. Эримайдиган толага бой озиқ-овқатлар ичак орқали танадан ҳайдаладиган моддаларнинг (уларга сув қўшиб) юришишини осонлаштиради. Улар шу тарзда ҳазм қилиш системасини тезлаштиради ва унинг мунтазам ишлашига имкон яратади. Яна шу нарса аниқландики, эримайдиган толаларни ўз ичига олувчи озиқ-овқатлар йўғон ичак саратонига қарши ҳимоя таъсирига эга. Эрийдиган толага бой озиқ-овқатлар эса, иккинчи томондан, қондаги холестерин миқдорини 20% дан кўпроқ камайтириши исботланган. Булар шунинг учун ҳам юрак хуружи хавфини камайтиришда катта аҳамиятга эга. Қондаги ортиқча холестерин миқдори артерияларда тўпланиб қолади ва уларни қаттиқлаштириб, торайтиради. Холестерин қайси органнинг қон томирларига тўпланиб қолишига қараб, шу орган билан боғлиқ касалликларни юзага келтиради. Мисол учун, агар холестерин юракни озиқлантирувчи артерияларда тўпланиб қолса, демак у юрак хуружи каби муаммоларни келтириб чиқаради. Холестериннинг буйрак веналарида

тўпланиб қолиши эса юқори қон босими ва буйрак нуқсонларини пайдо қилади. Бундан ташқари, эрийдиган толаларни истеъмол қилиш, уларнинг қондаги қанд миқдорини ошқозонни бўшатиш орқали назорат қилиши нуқтаи назаридан муҳимдир, чунки қондаги қанд миқдорининг кутилмаган ўзгаришлари ҳаётни хавф остига қўядиган касалликларга сабаб бўлади. Дарҳақиқат, толага бой таомлар билан озиқланадиган одамларда саратон ва юрак хасталиги каби касалликларнинг кам учраши кузатилган.¹²²

Эрийдиган ва эрмайдиган толаларнинг бир пайтнинг ўзида битта нарсада мавжуд бўлиши соғлиқка катта фойда келтиради. Агар толаларнинг бу иккала шакли (улар алоҳида-алоҳида бўлгандан кўра) биргаликда мавжуд бўлса, улар саратон касаллигининг олдини олишда жуда самарали таъсир кўрсатади. Анжирда толаларнинг ҳар иккала, эрийдиган ва эрмайдиган шаклларининг мавжудлиги унинг энг аҳамиятли маҳсулот эканлигидан далолат беради.¹²³

Жорж Вашингтон университети Тиббий маркази қошидаги Касалликнинг олдини олиш институти директори Доктор Оливер Алабастер анжирга қуйидагича изоҳ беради:



... овқатланишингизга ҳақиқий соғлом ва толага бой таом қўшиш имконияти туғилди. Анжирни ёки бошқа толага бой озиқ-овқатларни жуда тез-тез танлаб туришингиз, сиз зарарли озиқ-овқатларни табиий равишда жуда кам танлайсиз деган маънони англатади ва бу сизнинг умрбод соғлигингиз учун кони фойдадир.¹²⁴

Калифорния Анжир маслаҳат Кенгашининг фикрига кўра, мева ва сабзавотлардаги **антиоксидловчилар** қатор касалликлардан ҳимоя қилар экан. Антиоксидловчилар танада содир бўладиган кимёвий реакциялар натижасида юзага келадиган ёки ташқаридан орттирилган зарарли моддалар (эркин радикаллар) таъсирини йўқотади ва шу тариқа ҳужайралар бузилишининг олдини олади. Скарнтон университети олимлари томонидан амалга оширилган бир изланишда шу нарса аниқландики, бошқа меваларга қараганда антиоксидловчиларга бой бўлган қуритилган анжирда фенолли таркибнинг миқдори анча кўп учрайди. Фенол зарарли микроорганизмларни ўлдириш учун антисептика сифатида ишлатилади. Анжир таркибида фенол миқдори бошқа мева ва сабзавотлардагига қараганда анча юқори.¹²⁵

Нью Жерси штатининг Рутгерс университети олимлари томонидан амалга оширилган бошқа бир изланиш қуритилган анжирда мавжуд **омега-3, омега-6** ва **фитостерол** каби муҳим ёғ кислоталари холестеринни камайтиришда муҳим роль ўйнаши мумкинлигини аниқлади.¹²⁶ Маълумки, омега-3 ва омега-6 танада ишлаб чиқилмайди, улар озиқ-овқатлардан сўрилиши мумкин. Бундан ташқари, бу ёғ кислоталар юрак, мия ва асаб системасининг яхши фаолият кўрсатиши учун жуда зарур. Фитостерол ҳайвон маҳсулотларидаги холестеринни (бу юрак артерияларини қаттиқлаштирувчи таъсирга эга) қон оқимиغا киргизмасдан танадан ҳайдалишига ҳисса қўшади.

Инсонга маълум энг қадимий мевалардан бири бўлган анжир (Калифорния Анжир маслаҳат Кенгаши уни „Табиатнинг деярли энг мукамал меваси“ деб таърифлаган¹²⁷) озиқ-овқат ишлаб чиқарувчилар томонидан қайта кашф қилинди. Бу меванинг озуқавий қиммати ва унинг соғлиқка нисбатан фойдалари унинг бутунлай янги аҳамият касб этишига олиб келди.

Анжир ҳар қандай махсус парҳез таомининг бир чеккасидан жой олиши мумкин. Анжир таркибида табиатан ёғ, натрий ёки холестерин бўлмаслиги, лекин кўп миқдорда тола бўлиши туфайли, у озишга ҳаракат қилаётганлар учун идеал таомдир. Шу билан бир



вақтда, анжир бошқа ҳар қандай мевага нисбатан кўпроқ минерал таркибга эга. Қирқ грамм (1,4 унция) анжир таркибида 244 мг (0,008 унция) калий (қунлик талабнинг 7% и), 53 мг (0,002 унция) кальций (қунлик талабнинг 6% и) ва 1,2 мг (0,00004 унция) темир бўлади.¹²⁸ Анжирда **кальций** миқдори жуда баланд: кальций миқдори бўйича анжир апельсиндан сўнг иккинчи ўринда туради. Бир яшик қуритилган анжир бир бидон сутда мавжуд кальций миқдorigа эга.

Анжир узоқ вақт касал бўлган ва тузалишни истовчи беморларга куч ва қувват берувчи дори ҳисобланади. У жисмоний ва ақлий чарчоқни бартараф қилади. Анжирнинг энг муҳим озуқавий таркиби қанд бўлиб, у барча меваларнинг 51–74% ини ташкил этади. Анжир қанд миқдори энг кўп мевалардан биридир. Анжир астма, йўтал ва шамоллашни даволашда ҳам тавсия этилади.

Анжирнинг адоғи йўқ шифобахшлиги Аллоҳнинг инсонларга кўрсатган марҳаматидан далолатдир. Парвардигоримиз инсон танаси талаб этадиган моддаларни танавули ёқимли бўлган бу мевада бир бутун қилиб, инсон соғлиги учун наф келтирадиган

даражада ҳозир этган. Аллоҳ инъом этган бу неъматнинг Қуръонда қайд этилиши унинг инсон учун муҳимлигини таъкидлаётган бўлиши табиий. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.) Инсон соғлиги нуқтаи назаридан анжирнинг озуқавий қиммати тиббиёт ва технология соҳасида эришилган ютуқлар натижасида аниқланди. Бу Қуръон ҳамма нарсани билгувчи Қодир Аллоҳнинг каломи эканлигининг сўзсиз исботидир.

Янги узилган анжирнинг озуқавий қиммати (100 грамм)

Қуритилган анжирнинг озуқавий қиммати (100 грамм)

| | |
|----------------|-----|
| Калория (ккал) | 74 |
| Тола (гр) | 3 |
| Ёғ (гр) | 0 |
| Оқсил (гр) | 1 |
| Қанд (гр) | 16 |
| А витамин (ХБ) | 142 |
| С витамин (мг) | 2 |
| В1 витамин | 0,1 |
| В2 витамин | 0,1 |
| В6 витамин | 0,1 |
| Натрий | 1 |
| Калий | 232 |
| Кальций | 35 |
| Фосфор | 232 |
| Магний | 17 |
| Темир | 0,4 |
| Марганец | 0,1 |
| Мис | 0,1 |
| Селен | 0,2 |
| Рух | 0,2 |

| | |
|----------------|------|
| Калория (ккал) | 249 |
| Тола (гр) | 10 |
| Ёғ (гр) | 1 |
| Оқсил (гр) | 3 |
| Қанд (гр) | 48 |
| А витамин (ХБ) | 10 |
| С витамин (мг) | 1,2 |
| В1 витамин | 0,1 |
| В2 витамин | 0,1 |
| В6 витамин | 0,1 |
| Натрий | 10 |
| Калий | 680 |
| Кальций | 162 |
| Фосфор | 67 |
| Магний | 68 |
| Темир | 3,07 |
| Марганец | 0,8 |
| Мис | 0,3 |
| Селен | 0,6 |
| Рух | 0,5 |

БАЛИҚ: ОЗУҚАНИНГ БЕБАҲО МАНБАИ

Ўзингиз ва сайёҳ (ўткинчи)лар фойдаланиши учун сизларга денгиз ови ва таоми (балиқлари) ҳалол қилинди ... („Моида“ сураси, 96-оят)

Юрак хасталиги туфайли бу дунёни тарк этаётган одамларнинг ўртача ёши тобора камайиб бораётганлиги юрак томирларининг соғлиги билан боғлиқ масалаларга эътиборни кескин оширди. Юрак хасталигини даволашда жуда кўп ютуқлар қўлга киритилган бўлса-да, бу соҳа мутахассислари, асосан, бундай касалликлар пайдо бўлишидан олдин эҳтиёт чораларини кўриш кераклигини тавсия этишади. Мутахассислар, шунингдек, юракнинг соғлом ишлаши ва касалликнинг олдини олиш учун бир муҳим озиқ-овқатни ҳам тавсия этишади. Бу ҳаммамизга яхши таниш бўлган балиқдир.

Балиқнинг нима учун бундай озуқавий манба эканлигига сабаб, унда инсон танаси учун зарур бўлган моддаларнинг мавжудлиги ва унинг турли касалликлар хавфини камайтиришидадир. Балиқнинг таркибида омега-3 кислотаси бўлганлиги туфайли у соғлиққа қалқон вазифасини ўтайди. Агар балиқ мунтазам тартибда истеъмол қилинса, юрак хасталиги хавфининг камайиши ва иммун системасининг кучайиши аниқланган.

Балиқнинг соғлиққа нисбатан фойдалари фақат яқиндагина илмий жиҳатдан асосланган бўлиб, унинг муҳим озуқавий манба эканлиги Қуръонда ваҳий қилинган. Қодир Аллоҳ денгиз маҳсулотларига Қуръонда қуйидагича ишора қилади: **„У янги гўшт (балиқ гўшти) ейишларингиз ва тақадиган тақинчоқлар чиқариб олишларингиз учун (сизларга) денгизни ҳам бўйсундириб қўйган зотдир ...“** („Наҳл“ сураси, 14-оят), **„Ўзингиз ва сайёҳ (ўткинчи)лар фойдаланиши учун сизларга денгиз ови ва таоми (балиқлари) ҳалол қилинди ...“** („Наҳл“ сураси, 96-оят.) Бундан ташқари, „Каҳф“ сурасида балиққа алоҳида эътибор қаратилган, унда Пайғамбар Мусо (а.с.) ўзининг хизматкори билан узоқ сафарга чиққани ва йўлда ейиш учун ўзлари билан балиқ олиб олгани ҳақида сўз юритилади:

Қачонки, у иккиси (икки денгиз) қўшиладиган ерга етишгач, балиқларини унутдилар. Бас, у (балиқ) денгиз қаърига йўл олди. Бас, қачонки (у ердан) ўтишгач, (Мусо) йигитига: „Нонуштамизни келтир,

ҳақиқатан, бу сафаримиздан жуда чарчадик“ – деди. У (Ювшаъ) айтди: „Буни кўринг, биз (денгиз соҳилидаги) қояга бориб (ором олган) пайтимизда, мен балиқни унутибман ...“ („Каҳф“ сураси, 61–63-оятлар)

„Каҳф“ сурасида узоқ ва чарчоқли сафардан сўнг балиқнинг денгиз маҳсулоти сифатида атайлаб танланиши диққатга сазовордир. Шунинг учун бу қисса замирида ётган донолик балиқнинг озуқавий фойдаларидан хабар бераётган бўлиши мумкин. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.)

Чиндан ҳам балиқнинг озуқавий хусусиятларини текшириб кўрадиган бўлсак, баъзи жуда ажабланарли далилларга дуч келамиз. Парвардигоримиз бизга неъмат сифатида инъом қилган балиқ мукамал бир таом бўлиб, бу мукамаллик унинг таркибида оқсил, D витамини ва одам танаси учун муҳим айрим микроэлементлар борлигида кўринади. Фосфор, олтингугурт ва ванадий каби минераллар балиқнинг таркибида бўлганлиги туфайли у ўсишга ёрдам беради ва тўқималарнинг тикланишига имкон яратади. Шунингдек, балиқ гўшти янги тишлар ва милклар шаклланишига, юзнинг тиниқлашишига фойда беради, сочни соғломлаштиради ва бактериял инфекцияларга қарши курашишда ҳисса қўшади. У қондаги холестерин миқдорини назорат қилиши туфайли, юрак хуружларининг олдини олишда ҳам муҳим роль ўйнайди. У крахмал ва ёғларни парчалаш ва сингдиришда танага ёрдам беради ҳамда унга кўпроқ куч ва ҳаракатчанлик бахш этади. Бошқа томондан, у ақлий фаолиятларнинг ишлашига ҳам таъсир қилади. Балиқ таркибида бўлган D витамини ва бошқа минераллар етарли даражада истеъмол қилинмаганда рахит (суяк заифлиги), милк касаллиги, бўқоқ ва гипертиреоз каби касалликларнинг барчаси пайдо бўлиши мумкин.¹²⁹


Бундан ташқари, замонавий фан балиқ таркибида бўлган омега-3 ёғ кислотаси ҳам инсон соғлиги учун муҳим аҳамият касб этишини кашф қилди. Бу ёғлар ҳатто зарурий ёғ кислоталари сифатида ҳам таърифланган.

Балиқ ёғидаги омега-3 нинг фойдалари

Балиқ ёғи таркибида соғлигимиз учун, айниқса, муҳим бўлган икки хил тўйинмаган ёғ кислоталари мавжуд: ЭПК (эйкосапентеноик кислота) ва ДХК (докосагексеноик кислота). ЭПК ва ДХК политўйинмаган ёғлар ҳисобланади ва улар омега-3 ёғ кислоталарини

ўз ичига олади. Омега-3 ва омега-6 ёғ кислоталари инсон танасида ишлаб чиқилмаслиги сабабли улар ташқаридан олиб кирилиши керак бўлади.

Балиқ ёғининг инсон соғлигига фойдалари ҳақида жуда кўп далиллар мавжуд бўлиб, булар асосан, унинг таркибидаги омега-3 ёғ кислотасига бориб тақалади. Ўсимлик ёғларида мавжуд бўлган омега-3 ёғ кислоталарининг инсон соғлигига самараси етарли эмас. Бироқ денгиз планктони омега-3 ни ЭПК ва ДХК га айлантиришда жуда асқотади. Балиқлар планктонларни егач, уларнинг организми



ЭПК ва ДХК билан бойийди. Бу, ўз навбатида, балиқни ўта муҳим ёғ кислоталарнинг энг бой манбаларидан бирига айлантиради.¹³⁰

Балиқдаги ёғ кислоталарининг фойдалари

Балиқдаги ёғ кислоталарининг асосий хусусиятларидан бири уларнинг танада энергия ишлаб чиқилишида қўшадиган ҳиссасидир. Бу ёғ кислоталар танадаги кислород билан бирикиб, электрон ўтказади ва унинг ичида турли кимёвий жараёнлар учун энергия ишлаб чиқилишига имкон беради. Шунинг учун балиқ ёғига бой овқат чарчоқни енгишга ёрдам беради ва ақлий ҳамда жисмоний қобилиятни оширади. Омега-3 кишига энергия бериш билан бир қаторда фикрни жамлаш қувватини ҳам оширади. „Балиқ мия учун фойдали“ деган гап замирида илмий асос ётади: мия ёғидаги энг асосий таркиб ДХК бўлиб, у омега-3 ёғ кислоталаридан иборат.¹³¹

Балиқнинг юрак ва артериялар саломатлиги учун аҳамияти

Балиқдаги омега-3 ёғ кислотаси қон босимини тушириш ва қондаги холестерин ҳамда триглицеридни камайтириш орқали юрак-қонтомир касаллигидан ҳимоя қилиши эътироф этилган.¹³² Триглицерид ёғнинг бир тури бўлиб, зичлиги кичик липопротеин (ёмон холестерин)га ўхшайди. Ундаги ёғ миқдори кўп, оқсил таркиби эса кам бўлади. Триглицерид миқдорининг кўпайиши (айниқса, баланд холестерин билан биргаликда) юрак хасталиги хавфини оширади. Бундан ташқари, балиқ ёғи юрак хуружидан кейинги ҳаётга хавф соладиган нормал юрак уришини камайтиради.

Америка Тиббий ассоциациясининг изланишларидан бирида, бир ҳафтада беш порция балиқ ейдиган аёлларда юрак хуружи учдан бир даражага камайганлиги кузатилди. Бу балиқ ёғидаги омега-3 ёғ кислотаси қоннинг камроқ қуюқлашувига сабаб бўлишидан келиб чиқади, деб фикр юритилди. Веналаримизда оқувчи қоннинг нормал тезлиги соатига 60 км (соатига 37,3 миля) ни ташкил этади. Қоннинг ёпишқоқлиги ўз меъёрида бўлиши ва унинг зичлиги, миқдори ҳамда тезлиги нормал ҳолатда бўлиши жуда муҳим. Бизнинг қонимиз учун энг катта хавф (қон оқимининг нормал ҳолатидан ташқари) унинг қуюқлашиб қолиши ва яхши оқиш қобилиятини йўқотишидир.

Балиқ ёғлари қондаги тромбоцитлар (қонни қуюлтирадиган қон пластинкалари) нинг бир-бирига ёпишиб қолишига тўсқинлик қилиши орқали қоннинг қуюлиб қолишини камайтиришда ҳам жуда

самаралидир. Аксинча, қоннинг қуюқлашиши артерияларнинг торайишига сабаб бўлиши мумкин. Бу, ўз навбатида, танадаги етарли даражада қон билан таъминланмаган кўп органлар, айниқса, юрак, мия, кўзлар ва буйрақлар функциясининг сусайишига ва кейинчалик бу функциянинг умуман тўхташига олиб келади. Мисол учун, қоннинг қуюқлашиши натижасида артерия батамом тўсилиб қолгудек бўлса, юрак хуружи, фалаж ёки артериянинг жойлашишига қараб бошқа касалликларнинг келиб чиқиши муқаррар.

Омега-3 ёғ кислоталари қизил қон таначаларида кислород ташувчи молекулаларнинг гемоглобин ишлаб чиқишида ва хужайра мембранаси орқали ўтаётган озикларни назорат қилишда муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, улар тана учун зарарли бўлган ёғларнинг зиёнли таъсирларининг олдини ҳам олади. Тадқиқотларда балиқда учрайдиган омега-3 ёғ кислотаси юрак хуружи хавфини камайтириши аниқланган.¹³³

Янги туғилган чақалоқларнинг ривожланиши учун аҳамияти

Мия ва кўзнинг муҳим таркибий қисми бўлган ҳамда янги туғилган чақалоқларнинг эҳтиёжлари билан боғлиқ омега-3 ёғ кислоталари сўнгги 10 йил ичида тадқиқот мавзусига айланди. Она бачадонидаги ҳомила ҳамда янги туғилган чақалоқнинг ривожланиши учун омега-3 нинг аҳамиятига оид бир қанча далиллар мавжуд. Бутун ҳомиладорлик ва илк чақалоқлик даврларида мия ва нервларнинг яхшироқ ривожланиши учун омега-3 катта аҳамият



касб этади. Олимлар она сутининг аҳамиятига, у табиий ва омега-3 нинг тўлиқ омбори бўлганлиги учун катта урғу беришади.¹³⁴

Бўғимларнинг саломатлиги учун фойдалари

Ревматик полиартрит (ревматизмга боғлиқ оғриқли бўғим ҳолати)да энг катта хавф бўғимларнинг толиқиб қолиши бўлиб, у тузатиб бўлмас хасталикни келтириб чиқаради. Омега-3 ёғ кислоталарига бой овқатлар артритнинг олдини олиши ва шишган ҳамда нозик бўғимлардаги ноқулайликларни камайтириши исботланган.¹³⁵

Мия ва асаб системасининг соғлом фаолияти учун фойдалари

Жуда кўп изланишларда мия ва нервларнинг соғлом ишлаши учун омега-3 ёғ кислоталарининг таъсири аниқланган. Бундан ташқари, балиқ ёғининг қуввати руҳий тушқунлик ва шизофрения (руҳий касалликнинг бир тури) аломатларини камайтириши ҳамда хотиранинг йўқолишига сабаб бўладиган ва кундалик фаолиятларга ҳалал берадиган мия касаллигининг олдини олиши мумкинлиги исботланган. Мисол учун, руҳий тушқунликдан азоб чекаётган ва 12 ҳафта мобайнида омега-3 ёғ кислотасидан 1 грамм (0,035 унция) қабул қилган шахсларда безовталиқ, стресс ва уйқусизлик каби муаммоларнинг камайиши кузатилган.¹³⁶

Яллиғланишга қарши ва иммун системасини кучайтиришдаги фойдалари

Омега-3 ёғ кислоталари яллиғланишга қарши (инфекциянинг олдини олиш) функцияга эга. Шу боис, омега-3 куйидаги касалликларда қўлланилиши мумкин.¹³⁷

- ◆ Ревматик полиартрит (ревматизмга боғлиқ бўлган бўғимнинг яллиғланиши).
- ◆ Остеоартрит (суяк ва бўғимнинг яллиғланиши оқибатида бўғим фаолиятининг йўқолиши).
- ◆ Ярали колит (йўғон ичакнинг ярали яллиғланиши).
- ◆ Тери сили (теридо доғ келтириб чиқарадиган касаллик).

У миелин (нерв ҳужайраларини ўраб турадиган материал)ни ҳам ҳимоя қилади. Шунинг учун у куйидагиларни даволашда ишлатилади:

- ◆ Глаукома (кўз соққаси ичидаги юқори босимдан келиб

чиқадиган касаллик, бу ҳатто кўзи ожизликка ҳам сабаб бўлиши мумкин).

◆ Паришонхотирлик склерози (мия ва орқа миядаги тўқималарнинг қаттиқлашишидан келиб чиқадиган жиддий кучайиб борувчи касаллик).

◆ Остеопороз (суякнинг таркибий заифликка сабаб бўлувчи касаллиги).

◆ Қандли диабет касаллигига йўлиққан беморлар.

Шу жумладан, у қуйидагилар учун ҳам фойдали эканлиги қайд этилган:

◆ Мигрен билан оғрийдиган беморлар.

◆ Анорексия (овқатланишга иштаҳанинг бўлмаслиги).

◆ Куйган жойлар.

◆ Тери саломатлигига доир муаммолар.

Яна шундай кенг қамровли далиллар ҳам борки, омега-3 ёғ кислоталарига бой балиқни кўп истеъмол қиладиган Гренландия эскимослари ва Япония аҳолисида юрак ва артерия касаллиги, астма ҳамда псориаздан азоб чекиш ҳолатлари жуда кам учрайди. Балиқ шунинг учун ҳам даволашнинг бир тури сифатида тавсия этилади ва айниқса, парҳезшунослар балиқни унинг юрак томирлари саломатлиги учун исботланган фойдаларидан келиб чиқиб тавсия этишади.

Биз юқорида айтиб ўтган фойдалар сони кун-сайин ортиб бормоқда. Балиқнинг соғлиқка келтирадиган фойдалари яхши жиҳозланган илмий лабораторияларда ишлаётган жуда кўп олимлар томонидан фақат яқиндагина кашф қилинишига имконият туғилди. Бундай бебаҳо озиқланиш манбаининг Курьонда қайд этилиши, айниқса, „Каҳф“ сурасида унинг чарчоқни кетказиш сифатида таърифланганлиги ҳайратланарли мўъжизадир. Балиқ келтирадиган барча фойдалар Парвардигоримизнинг бизга берган буюк неъматидир. Барча озиқ-овқатлардаги каби, балиқдаги аъло даражали тузилмани бизнинг фойдамиз учун яратиб қўйган зот – Аллоҳ, бутун Оламлар Сарваридир.

ЧҶҶҚА (ГҶШТИ) ВА УНИНГ СОҒЛИККА ЗАРАРИ

У сизларга ўлимтик, қон, чўққа гўшти ва Аллоҳдан ўзгага атаб сўйилган нарсаларни (истеъмол қилишни қатъий) ҳаром қилди. Аммо зулмкор ва тажовузкор бўлмаган ҳолда, заруратан, мажбур бўлса (очлик танглиги юзасидан тановул қилса), унга гуноҳ йўқдир. Дарҳақиқат, Аллоҳ кечиримли ва раҳмлидир. („Бақара“ сураси, 173-оят)


Чўққа гўштини ейиш кўп сабабларга кўра соғлик учун зарарлидир. Барча эҳтиёт чоралари кўрилишига қарамасдан бу зарар бугунги кунда ҳануз давом этмоқда. Энг аввало, чўққа етиштириладиган ферма ва муҳит қанчалик тоза бўлмасин, у табиатан тоза яшамайдиган ҳайвон ҳисобланади. У ўз ахлати билан қоришиб, ҳатто уни ейди ҳам. Бундан ташқари биологик тузилиши жиҳатдан чўққа ўз танасида бошқа ҳайвонларга нисбатан кўп миқдорда антижисмлар ишлаб чиқаради. Чўққада яна бошқа ҳайвонлар ва инсонларга қараганда кўпроқ миқдорда ўстирувчи гормонлар ҳам ишлаб чиқилади. Табиийки, кўп миқдордаги бу антижисмлар ва ўстирувчи гормонлар чўққа мушак тўқималарига ўтиб, у ерда тўпланади. Чўққа гўштида кўп миқдорда холестерин ва липидлар ҳам мавжуддир. Чўққа гўштида сероб бўлган антижисмлар, гормонлар, холестерин ва липидлар инсон соғлигига жиддий таҳдид солиши илмий жиҳатдан исботланган.

Чўққа гўштини жуда кўп истеъмол қиладиган АҚШ ва Германия каби мамлакатларнинг аҳолиси ичида ўта семиз одамларнинг сони ўрта ҳисобдаги меъёрдан кўпни ташкил этиши ҳаммага маълум. Чўққа гўштини кўп истеъмол қилиш натижасида инсон танаси ортиқча миқдордаги ўстирувчи гормон қабул қилади ва у, аввало, жуда семириб кетади, сўнг эса жисмоний шаклининг ўзгариб кетганлигидан азоб чекади.

Чўққа гўштидаги зарарли ҳусусиятлардан яна бири трихина куртидир. Бу курт чўққа гўштида тез-тез учраб туради. У инсон танасига киргандан сўнг тўғридан-тўғри юрак мушакларига ўрнашиб олади ҳамда хатарли таҳдид солади. Бугунги кунда трихина билан касалланган чўққаларни техник жиҳатдан аниқлаш мумкин, аммо бундай усуллар ўтган асрларда маълум эмас эди. Бу шундан далолат берадики, кимки ўша пайтда чўққа гўштини истеъмол қилган бўлса, ўзини трихина юқтириш ва ўлим хавфи остига қўйган.

Бу сабабларнинг барчаси Парвардигоримиз томонидан чўчқа гўштини истеъмол қилишнинг тақиқланиши замирида ётган ҳикматлардан бир мисолдир. Жумладан, Парвардигоримизнинг бу амри ҳар қандай вазиятда ҳам бизни чўчқанинг зарарли таъсирларидан тўлиқ ҳимоя билан таъминлайди.

XX асргача чўчқа гўштининг инсон соғлигига келтирадиган хавфидан хабардор бўлишнинг имкони йўқ эди. Замонавий тиббий жиҳозлар ва биологик тестлар орқали кашф қилинган бу зарар ҳақида 14 аср муқаддам нозил қилинган Қуръоннинг огоҳлантириши, Қуръон ҳамма нарсани билгувчи зот – Аллоҳнинг ваҳийси эканлигини кўрсатувчи мўъжизалардан биридир. Ҳозирги кунда чўчқа етиштиришда кўриладиган барча эҳтиёт чоралари ва текширувларга қарамасдан, чўчқа гўштининг инсон танасига физиологик жиҳатдан тўғри келмаслиги ва унинг инсон саломатлиги учун зарарли эканлиги ўзгармасдан қолган.



Расмда трихина қурти кўрсатилган.

ЗАЙТУН: ШИФОБАХШ ҲУСИМЛИК


Қуръонда эътибор қаратилган озиқ-овқатлардан яна бири зайтун мевасидир. Кейинги йиллардаги тадқиқотлар зайтун меваси нафақат ёқимли таом, балки яхши соғлиқ манбаи ҳам эканлигини аниқлади. Зайтун мевасига қўшимча равишда, зайтун мойи ҳам муҳим озуқа манбаидир. Қуръонда зайтун дарахтининг мойига эътибор қуйидагича қаратилади:

Аллоҳ осмонлар ва Ернинг „нури“дир. Нурининг мисоли худди бир тоқча ичидаги чироқ, бу чироқ бир шиша ичида, у шиша гўё бир дурдан яралган юлдузга ўхшайди. У (чироқ) на шарқий ва на ғарбий бўлмаган *муборак зайтун дарахти (мойи)*дан ёқилур. *Унинг мойи (мусаффолигидан), гарчи унга олов тегмаса-да, (атрофни) ёритиб юборгудекдир.* (Мазкурлар қўшилганда эса), нур устига нур (бўлур). Аллоҳ ўзининг (бу) нурига ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. Аллоҳ одамлар (ибрат олишлари) учун (мана шундай) мисолларни келтирур. Аллоҳ барча нарсани билувчидир. („Нур“ сураси, 35-оят)

Уқоридаги оятда берилган „*мубаарокатин зайтуунатин*“ ифодаси зайтуннинг „сероб, табаррук, яхши, беҳисоб бойлик улашувчи“ эканлигини билдиради. „*Зайтуҳаа*“ сўзида кўзда тутилган зайтун мойи олимлар томонидан, айниқса, юрак томирлари ва артериал соғлиқ учун тавсия этиладиган ёғ турларидан бири сифатида эътироф этилган. Унинг соғлиқка келтирадиган фойдалари қуйидагича умумлаштирилиши мумкин:

◆ Юрак томирлари ва артериал соғлиқ учун фойдалари

Зайтун меваси ва зайтун мойидаги айрим ёғ кислоталари моно-тўйинмаган ҳисобланади. Моно тўйинмаган ёғ кислоталари таркибида холестерин бўлмайди. Шу сабабли зайтун мойи холестерин миқдорини оширмайди, балки уни назорат остида сақлаб туради. Зайтун мойи таркибида инсон танаси учун муҳим бўлган омега-6 линолеик кислотаси ҳам мавжуд. Мана шу хусусияти туфайли соғлиқ муаммолари билан шуғулланувчи (Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти каби) ташкилотлар аҳолиси артерия қон томирлари атеросклерози ва қандли диабет касаллиги билан кўп оғриган давлатларда истеъмол қилинадиган ёғ кислоталарнинг камида 30% и омега-6 дан иборат бўлиши кераклигини тавсия қилади. Бу зайтуннинг аҳамиятини янада кўпроқ оширади.¹³⁸



У сизлар учун ўша (сув) билан (турли)
экинларни, зайтун, хурмо, узум ва
барча меваларни ундирур. Албатта,
бу (иш)да тафаккур қиладиган
қавм учун аломат бордир.
(„Нахл“ сураси, 11-оят)

Бу соҳада олиб борилган изланишлар бир ҳафта давомида кунига 25 миллилитр (тахминан икки чой қошиқ) табиий зайтун мойи истеъмол қилган одамларда кам миқдорда зичлиги кичик липопротеин (ёмон холестерин) ва кўп миқдорда антиоксидловчи мавжуд бўлишини аниқлади.¹³⁹ Антиоксидловчилар танадаги эркин радикаллар деб номланадиган зарарли моддаларни нейтраллаш ва ҳужайра бузилишининг олдини олиши сабабли жуда муҳимдир. Кўплаб изланишларда яна шу нарса аниқландики, зайтун мойини истеъмол қилиш холестерин миқдорини камайтиради ва юрак касаллигининг олдини олади.¹⁴⁰

Зайтун мойи қон оқимидаги зарарли холестерин (зичлиги кичик липопротеин) миқдорини камайтириши ва фойдали холестерин (зичлиги юқори липопротеин) миқдорини кўпайтириши боис у юрак ҳамда артерия қон томир касалликлари билан оғрийдиган беморларга ҳам тавсия этилади.¹⁴¹ Юрак ва артерия қон томир касалликлари кўп учрайдиган мамлакатларда одатда юқори холестерин таркибли тўйинган ёғлар истеъмол қилинади.

Бундан ташқари, зайтун мойи омега-6 нинг омега-3 га бўлган нисбатига зарар етказмайди. Омега-3 ва омега-6 ларнинг танада муайян миқдорда бўлиши жуда муҳим, чунки буларнинг нисбатидаги ҳар қандай номуносибликлар кўпгина касалликлар, айниқса, юрак, иммун системаси ва саратон касалликларининг ривожланишига сабаб бўлади.¹⁴² Шу сабаблар туфайли кўпчилик одамлар зайтун мойи шарофати билан ўз саломатликларини яхши аҳволда сақлаб туришади. Америка Юрак саломатлиги ассоциацияси юрак хасталиги хавфини камайтириш учун кўп миқдордаги монотўйинмаган ёғлар 30% гача ёғи камайтирилган таомга муқобил бўлиши мумкинлигини таъкидлайди.¹⁴³

◆ Саратон касаллигининг олдини олиши

The Archives of Internal Medicine (Ички тиббиёт архивлари) номли нашрда чоп этилган бир изланиш кўп миқдорда монотўйинмаган ёғ истеъмол қиладиган аёлларда кўкрак саратонининг камроқ ривожланиш хавфи туғилиши ҳақида ёзади.¹⁴⁴ Буффало университети ҳамда Нью-Йорк Давлат университети олимлари томонидан олиб борилган бошқа бир изланиш эса зайтун мойи каби ўсимлик мойларида топиладиган ёғ, яъни b-ситостерол, простатада саратон ҳужайралари пайдо бўлишининг олдини олишда ёрдам беришини исботлади. Тадқиқотчилар шундай хулосага келишдики, b-ситостерол ҳужайралар бўлинишига буйруқ берадиган ҳужайранинг ички алоқа



тизимини кучайтиради ва шу йўсинда ҳужайра бўлиниши бошқариб бўлмас даражага етмасдан саратон касаллигининг олди олиниши мумкин. Оксфорд университетида шифокорлар томонидан ўтказилган тадқиқот зайтун мойи ичак саратонига қарши ҳимоявий таъсирга эга эканлигини кўрсатди. Шифокорлар зайтун мойи ичак саратони бошланишининг олдини олиш учун ошқозон кислотаси билан реакцияга киришишини аниқладилар. Оксфорд университети тадқиқотчилари яна шу нарсани аниқлашдики, зайтун мойи сафро миқдорини камайтириб, диамин ферменти оксидазасининг миқдорини кўпайтиради ва шу тариқа организмни нормал ҳужайра ўсиши ҳамда саратондан ҳимоя қилади.¹⁴⁵

◆ **Артритнинг олдини олиши**

Тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, кўп миқдорда зайтун мойи ва пиширилган сабзавот истеъмол қиладиган одамларда ревматик полиартрит, бўғимларнинг сурункали яллиғланиши касаллигига чалиниш хавфи кам бўлар экан.



◆ **Зайтун мойи суякларнинг ўсишига ёрдам беради**

Зайтун мойи таркибида мавжуд бўлган Е, А, В, D ва К витаминлари катталар ва болаларда суякларнинг ўсиб ривожланишига ёрдам бериши ва кальций миқдорини барқарорлаштириш орқали суякларни мустаҳкамлаши нуқтаи назаридан айниқса аҳамиятлидир. Улар осон ҳазм бўлиши ва ўз минераллари орқали танада витаминларнинг ишлатилишига ёрдам бериши туфайли ёши катталарга ҳам тавсия этилади. У суякнинг минералланишини кўпайтириш орқали кальций йўқолишининг олдини ҳам олади.¹⁴⁶ Суяклар организмнинг минерал структура омбори ҳисобланади. Суякларда минерал моддалар тўпланишининг йўқолиши суякнинг мўртлашиши каби жиддий асоратларни келтириб чиқариши мумкин. Зайтун мойи бу масалада энг фойдали таъсирга эгадир.

◆ **Қаришнинг олдини олиши**

Зайтун мойи таркибидаги витаминлар ҳужайрани янгилаш хусусиятига эгаллиги сабабли улар қарияларни даволашда ҳамда терини озиклантириш ва ҳимоя қилишда ҳам ишлатилади. Озиқ-овқатлар танамизда энергияга айланиши сабабли оксидловчи деб номланадиган маълум моддалар ҳосил бўлади. Зайтун мойининг таркибида учрайдиган кўп миқдордаги антиоксидловчилар зарарли моддалар келтирадиган зиённинг олдини олади, бизнинг ҳужай-

раларимизни янгилайди ва тўқима ҳамда органларнинг қаришини кейинга суради. Зайтун мойи Е витаминига ҳам бой бўлиб, бу витамин танамиздаги ҳужайраларни нобуд қилувчи ва қаришга сабаб бўлувчи эркин радикалларни йўқотади.

◆ **Бола ривожланишига қўшадиган ҳиссаси**

Зайтун меваси ва зайтун мойида мавжуд линолеик кислота (омега-6 ёғ кислотаси) туфайли улар янги туғилган чақалоқ ҳамда



ўсаётган болалар учун соғлом озуқа ҳисобланади. Линоелик кислотанинг етишмаслиги болаликда ўсишдан орқага қолишга ва турли тери касалликларининг пайдо бўлишига сабаб бўлади.¹⁴⁷

Зайтун мойи таркибида танамиздаги зарарли моддаларнинг ҳалокатли таъсиридан ҳимоя қила оладиган антиоксидловчи элементлар ва инсон саломатлиги учун катта аҳамиятга эга ёғ кислоталари мавжуд. Булар танадаги гормонларга қувват бўлади ва ҳужайра мембранасининг шаклланишига ёрдам беради.

Зайтун мойи она сутидаги каби мувозанатлашган политўйинмаган таркибга эга. Зайтун мойи инсон танасидан олиб бўлмайдиган ёғ кислоталарнинг етарли манбаи бўлганлиги сабабли бола танаси учун катта аҳамиятга эга. Бу омиллар зайтун мойининг янги туғилган болалар учун жуда муҳимлигини кўрсатади.

Бола мияси ва асаб системасининг табиий ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиши боис, зайтун мойи мутахассислар томонидан ҳомиладор аёллар ва оналарга истеъмол қилиш учун тавсия этиладиган ягона мойдир. Зайтун мойи таркибида она сутидагига тенг миқдорда линоелик кислота мавжуд. Ёғсиз сигир сутига зайтун мойи қўшилганда, у она сутига тенглашиб, табиий озуқа манбаига айланади.¹⁴⁸

◆ Қон босимини тушириши

2000 йил 27 мартда *The Archives of Internal Medicine* (Ички тиббиёт архивлари) нашрида чоп этилган бир изланиш яна бир бор зайтун мойининг юқори қон босимига нисбатан фойдали таъсирга урғу беради. Юқори қон босимини тушириш учун ишлатиладиган дорилар зайтун баргларида ҳам тайёрланади.

◆ Ички аъзолар учун фойдалари

Зайтун мойи иссиқ ёки совуқ ҳолда истеъмол қилинишидан қатъи назар, ошқозон кислотаси миқдорини камайтириш орқали ошқозонни гастрит ва яралар каби касалликлардан ҳимоя қилади.¹⁴⁹ Шунингдек, ўтнинг ҳаракатга келтириб, унинг фаолиятини яхшилайди. У ўт пуфагидан чиқадиган суюқликни тартибга солиди ва ўт пуфагида тош пайдо бўлиш хавфини камайтиради.¹⁵⁰ Зайтун мойининг таркибида хлорид мавжуд бўлиб, у жигар фаолиятига ёрдам беради ва шу тариқа ортиқча маҳсулотларни танадан йўқотишга кўмаклашади. У мия артерияларига ҳам фойдали таъсир кўрсатади.¹⁵¹

Зайтун мойи кейинги йилларда, айниқса, мутахассисларнинг эътиборини тортди.¹⁵² Қуйида мутахассислар билдирган айрим фикрлар келтирилган:

Жиин Карпер, соғлиқ ва озиқ-овқат соҳасида кўзга кўринган мутахассис, CNN ахборот телеканалининг совриндор мухбири, журналист ва *The Food Pharmacy* (Озиқ-овқат фармацевтикаси) ҳамда *Food-Your Miracle Medicine* (Озиқ-овқат — Сизнинг мўъжизавий дорингиз) номли нашрлар муаллифи:

Италияда олиб борилган янги тадқиқот зайтун мойининг таркибида антиоксидловчилар борлигини ..., булар касаллик жараёнларига, жумладан, артерия қон томирларини тўсиб қўювчи зичлиги кичик липопотеин холестеринига қарши курашишини аниқлади.

Пат Брейд, парҳезшунос ва овқатланиш бўйича маслаҳатчи:

Зайтун мойининг серқирра, яъни кўп хусусиятли эканлиги менга қувонч бағишлайди ... биз у ҳақида қанчалик кўп билсак, унинг саломатлик учун қўшадиган улкан ҳиссалари ҳақида ҳам шунчалик билимга эга бўлаемиз.

Доктор Димитриос Трихопоулос, Гарвард университети Халқ саломатлиги мактабининг Эпидимология бошқармаси бошлиғи:

Агарда америкалик аёллар тўйинган ёғлар ўрнига кўпроқ зайтун мойи истеъмол қилишганда эди, кўкрак саратони хавфини деярли эллик фоиз (50%) гача қисқартиришлари мумкин эди.

Зайтун мойи хавфли ўсимталарнинг простата, кўкрак, йўғон ичак, тангачасимон хужайралар ва қизилўнгачга оид баъзи турларига қарши ҳимоя таъсирига эга.

Д. Пек, Майами университети Тиббиёт мактаби ходими:

Зайтун мойи сичқонларнинг иммун системасини кучайтирганлиги исботланди...

Бруно Берра, Милан университети Умумий физиология ва биологик кимё институти ходими:

...ўта мусаффо зайтун мойининг қаршилик кўрсатувчи кичик қисмлари зичлиги кичик липопотеиннинг оксидланишга бўлган қаршилигини сезиларли даражада оширади.

А. А. Ревиллиз, Г. Риккарди ва М. Мансини, Неаполдаги Федерико II университети Ички тиббиёт ва метаболик касалликлар институти ходимлари:

Зайтун мойи инсулин қаршилигининг олдини олади ва қондаги глюкоза миқдорини яхшироқ назорат қилади.

Патризия Галлети, Неаполь Иккинчи университети Тиббиёт ва жарроҳлик факультети ходими:

Зайтун мойи полифенолларини парҳез сифатида истеъмол қилиш баъзи ошқозон-ичак касалликлари ва атеросклероз каби реактив кислород метаболити билан боғлиқ касалликлар хавфини камайтириши мумкин. Зайтун мойининг гидрокситирозоли одамнинг эритроцитларини оксидланиш етказадиган шикастдан ҳимоя қилади.

Франк Сакс, Гарвард Халқ саломатлиги мактаби:

Семизликни назорат қилиш ва даволашда зайтун мойига бой таомлар кам ёғли таомларга қараганда самаралироқдир. Бундан ташқари, у анча вақт озишга имкон беради ва у билан озишни давом эттириш осонроқ...

Кўриб чиққанимиздек, бугунги кунда кўпчилик олимлар зайтун мойига асосланган овқатланиш тартиби идеал озучавий моделни ташкил этади, деб ҳисоблашади. Бундай фазилатга эга зайтун меваси ва зайтун мойи ҳар бир кишининг кундалик овқатланиш дастуридаги ҳар бир таомнинг асосий таркибий қисми бўлиши керак. Қуръоннинг кўп оятларида Аллоҳ томонидан ургу берилган зайтун ўсимлигининг фойдалари тиббиёт фанида эришилган ютуқлар натижасида кашф қилинди.

У осмондан сизлар учун ундан ичимлик бўладиган сувни (ёмғирни) ёғдирган зотдир. (Ҳайвонларингизни) боқадиган гиёҳлар ҳам ўша сувдан (суғорилур). У сизлар учун ўша (сув) билан (турли) экинларни, зайтун, хурмо, узум ва барча меваларни ундирур. Албатта, бу (иш)да тафаккур қиладиган қавм учун аломат бордир. („Наҳл“ сураси, 10–11-оятлар)



ЮРАК ТОМИРЛАРИ ЖАРРОҲЛИГИ

Сизнинг кўксингизни очиб, кенгайтириб қўймадикми? Орқангизни босиб турган юкни олиб ташламадикми?! Зикрингизни ҳам баланд қилиб қўймадикми?! Бас, албатта, ҳар бир қийинчиликдан сўнг енгиллик келур; албатта, қийинчиликдан сўнг енгиллик келур. („Шарҳ“ сураси, 1–6-оятлар)

Тананинг ҳар бир аъзоси яшаши ва муайян бир вазифани бажариши учун у қон воситасида озиқланиб туриши керак. Қон юракка (коронар) тож артериялари орқали ўтади. Артерия қон томирлари қаттиқлашган (атеросклероз) пайтда бу артерияда торайиш ва тўсиқлар ҳосил бўлади. Бу ҳолат давом этар экан, қоннинг ўтиши тўхтаб қолади ва юрак етарли қон билан таъминланмайди. Бу эса, ўз навбатида, юракнинг ўз функциясини яхши бажара олмаётганлиги ва юрак хуружларидан далолат берувчи кўкрак қафасидаги оғриқларни келтириб чиқаради.

Юқоридаги оятда „Сизнинг кўксингизни очиб, кенгайтириб қўймадикми...“ деб таржима қилинган „Алам наироҳ лака содрока“ жумласи мана шундай юрак функциясининг бузилишлари ҳамда бугунги кун юрак томирлари жарроҳлигини назарда тутаётган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.) Бундай фикрнинг туғилишига сабаб шундаки, „лам наироҳ“ жумласининг биринчи маъноси „гўшти ва шу каби нарсаларни кесиб очмоқ“ деган феълни ифодалайди. Дарҳақиқат, бундай операцияларда юракка йўл очиш учун кўкрак қафаси суяги иккига бўлинади. Операция натижасида қон яна нормал оқа бошлайди ва кўкрак қафасидаги оғриқларга шу тариқа барҳам берилади. Юқоридаги оятда берилган „кенгайтирмоқ“ сўзи артерия қон томирларининг бундай тўлиб қолиши бартараф этилишига ишора қилаётган бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, бу сурадан кейиноқ юракка фойдали бўлган зайтун билан Аллоҳнинг қасамёд этиши энг доноликнинг аломатидир. („Тин“ сураси, 1-оят)

ҲАРАКАТ, ЮВИНИШ ВА СУВ ИЧИШНИНГ СОҒЛИККА ҒОЙДАЛАРИ

Қуръонда қайд этилган одоб шаклларида бири Айюб Пайғамбар (а.с.)га муносиб кўрилган ваҳийда яширинган:

(Эй, Муҳаммад!) Бандамиз Айюб Парвардигорига нидо қилиб: „Мени шайтон машаққат ва азобга тутди“, – деган пайтини эсланг! (Шунда унга айтилди): „Оёғинг билан (ерни) тепгин! (чашма отилиб чиқур). Мана шу чўмиладиган ва ичимлик совуқ сувдир“. („Сод“ сураси, 41–42-оятлар)

Шайтон томонидан Айюб Пайғамбар (а.с.)га толиқиш ва дард билан озор берилганида Аллоҳнинг унга берган маслаҳати „оёқ билан депсиниш“дир. Оятдаги бу ибора ҳаракат қилиш ёки спортнинг фойдаларини назарда тутаётган бўлиши мумкин.

Спорт билан шуғулланганда, айниқса, оёқлардаги каби узун мушаклар ҳаракатга келтирилганда (изометрик ҳаракатлар) томирларда қон оқиши тезлашади ва ҳужайраларга борадиган кислород миқдори кўпаяди. Натижада кишининг толиқиши кетади ва танадан заҳарли моддаларнинг ҳайдалиши туфайли, у жонланади.¹⁵³ Шу билан бир вақтда, тана микробларга қарши кучли қаршилиққа эга бўлади. Мунтазам машқ қилиб турадиган одамлар артерия қон томирларини кенг, тоза сақлайди ва бу қоннинг қуюқлашиб қолиши ҳамда юрак касалликларининг олдини олади.¹⁵⁴ Жумладан, мунтазам машқлар қондаги қанд нисбатини барқарорлаштириб, диабетнинг олдини олишда муҳим роль ўйнайди. Спортнинг жигарга келтирадиган фойдали таъсири шундаки, у фойдали холестериннинг миқдорини оширади.¹⁵⁵

Яна шу нарсани қайд этиш лозимки, оёқяланг юриш тана орқали йиғилиб қолган статик электр қувватини ерга ўтказиб юборишнинг жуда самарали йўлидир. У тананинг ерга уланган сими сифатида хизмат қилади.

Оятда таъкидланганидек, чўмилиш ҳам танадаги статик электр-ни зарядсизлантиришнинг энг самарали усулидир. Жисмоний покизалиқни таъминлаш билан бирга, чўмилиш стресс ҳамда таранглиқни ҳам бўшаштиради. Шунинг учун чўмилиш кўп жисмоний ва


психологик касалликлар, айниқса, стресс ҳамда асаб бузилишида соғломлаштирувчанлик таъсирига эга.

Оятда чўмилиш билан бир қаторда, сув ичиш ҳам тавсия этилади. Сувнинг танадаги барча органларга бўлган фойдали таъсирини назардан четда қолдириб бўлмайди. Тер безлари, ошқозон, ичаклар, буйрақлар ва тери каби кўплаб органларнинг соғлиги бевосита танада етарли миқдорда сув бўлиши билан боғлиқ. Бу каби органлар функцияларининг бузилишини даволаш уларни қўшимча сув билан таъминлаш орқали амалга оширилиши мумкин. Ҳорғинлик, чарчоқ ва ланжликнинг давоси танадаги сув миқдорини ошириш ва шу тариқа губорларни тозалаш орқали топилади.

Бизнинг жисмоний ва ақлий соғлиғимиз учун катта аҳамиятга эга бўлган бу тавсияларнинг ҳар бирини амалда қўллаш жуда яхши натижаларни келтириб чиқаради. Бу тавсияларнинг ҳар бири „(Биз)

Қуръонда мўминлар учун шифо ва раҳмат бўлган (оят)-ларни нозил қилурмиз ... („Исро“ сураси, 82-оят)“ деган оятнинг тасдиғи ҳамдир.





У осмондан сизлар учун ундан ичимлик
буладиган сувни (ёмғирни) ёғдирган
зотдир. (Хайвонларингизни)
боқадиган гиёҳлар ҳам ўша
сувдан (сугорилур).
(„Наҳл“ сураси, 10-оят)

МИКРОСКОПИК ҲАЁТНИНГ МАВЖУДЛИГИ

Ер ундирадиган нарсалардан, ўзларидан ва яна *улар билмайдиган нарсалардан* иборат барча жуфтларни яратган (Аллоҳ)га тасбеҳ айтилуру. („Ёсин“ сураси, 36-оят)

... *Яна сизлар (ҳали) билмайдиган нарсаларни ҳам яратурс.* („Наҳл“ сураси, 8-оят)

Юқоридаги оятлар Қуръон нозил қилинган пайтда одамларга номаълум бўлган ҳаёт шакллари мавжудлиги ҳақида хабар бермоқда. Чиндан ҳам, микроскопнинг кашф қилиниши билан, бевосита кўз билан кўриб бўлмайдиган янги жонзотлар инсон томонидан кашф қилинди. Шундан сўнг, одамлар Қуръонда қайд этилган бу ҳаёт шаклларини ўрганишга киришди. Бошқа оятлар кўз билан кўриб бўлмайдиган ва битта хужайрадан иборат микроорганизмларнинг мавжудлиги ҳақида шундай дейди:

Кофир бўлган кимсалар: „Бизларга қиёмат келмас“, – дедилар. Айтинг: „Йўқ! Файбни билувчи Раббимга қасамки, шак-шубҳасиз, у (қиёмат) сизларга келур! Осмонлар ва Ердаги *бир зарра мисқолича, ундан ҳам кичик (ёки) катта бирор нарса* Ундан махфий бўлмас ва албатта, (у) аниқ Китобда (Лавҳул-маҳфузда) мавжуддир“. („Сабаъ“ сураси, 3-оят)

... Ерда, хоҳ осмонда *бирор зарра миқдорид*а ёхуд *ундан кичикроқ нарса* ҳам Раббингиздан четда қолмайди, балки (у) аниқ битик (Лавҳул-маҳфуз)да бордир. („Юнус“ сураси, 61-оят)

Бутун сайёрада тарқалган бу сирли дунё, бошқача қилиб айтганда, микроорганизмлар Ер юзидаги ҳайвонларга қараганда 20 марта кўпроқ аъзоларга эга. Кўзга кўринмас бу микроорганизмларга бактериялар, вируслар, замбуруғлар, сув ўтлари ва Акарида (кана) лар кирази. Улар Ердаги ҳаётнинг мувозанатини сақлаб турувчи муҳим элементлар ҳамдир. Мисол учун, Ер юзида ҳаёт шаклланишининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлган азотнинг айланиши бактериялар орқали мавжуд бўлиши мумкин. Илдиз замбуруғлари ўсимликлардаги энг муҳим элемент бўлиб, улар тупроқдан минералларни ютишда ёрдам беради. Бизнинг тилимиз

сиртидаги бактериялар эса салат ва гўшт каби таркибида нитрат бўлган озиқ-овқатлардан заҳарланишимизнинг олдини олади. Шу билан бирга, маълум бактериялар ва сув ўтлари Ердаги ҳаётнинг асосий элементи, фотосинтезни содир этиш қобилиятига эга ва улар бу вазифада ўсимликлар билан ҳамкорлик қиладилар. Акарида оиласининг баъзи аъзолари органик моддаларни парчалайди ва уларни ўсимликларга мос ўғитларга айлантиради. Кўриб турганимиздек, замонавий технологик жиҳозлар ёрдамида ўрганилган бу кичик ҳаёт шакллари инсон ҳаёти учун жуда муҳим.

Ўн тўрт аср муқадам Қуръон бизнинг кўзимиз билан кўриб бўлмайдиган жонзотларнинг мавжудлиги ҳақида хабар берган эди. Эътиборни тортадиган бу мафтункор мўъжиза Қуръон оятлари ичида мавжуддир. (Қаранг: Ҳорун Яҳё. *The Miracle of the Microworld* (Микродунё мўъжизалари.))



ҲАЙВОН ЖАМОАЛАРИНИНГ МАВЖУДЛИГИ

Ердаги судралиб юрган ҳар бир жонивор, осмонда қанот қоқайтган ҳар бир қуш худди сизлар каби жамоадирлар... („Анъом“ сураси, 38-оят)

Бугунги кунда ҳайвон ва қушлар экологиясининг ўрганилиши натижасида бизга маълумки, барча ҳайвонлар ва қушлар алоҳида-алоҳида жамоаларда яшайдилар. Узоқ муддатли ва кенг қамровли изланишлар ҳайвонлар орасида муайян бир тизимли ижтимоий тартиб мавжуд эканлигини кўрсатди.

Масалан, ижтимоий ҳаёти олимларни лол қолдирадиган асал-арилар тўда-тўда бўлиб дарахт коваклари ёки бошқа пана жойларда ўз уяларини қурадилар. Битта ари тўдаси она ари, бир неча юз эркак арилар ва 10–80000 ишчи арилардан ташкил топади. Аввалроқ айтиб ўтганимиздек, ҳар бир тўдада битта она ари бўлиб, унинг асосий вазифаси тухум қўйишдан иборат. Бундан ташқари, у ўзидан тўданинг яқдиллигини таъминлайдиган ва уя ичидаги тизимнинг ишлашига изн берадиган керакли моддаларни ажратиб чиқаради. Эркак ариларнинг бирдан-бир вазифаси она арини уруғлантиришидир. Бошқа барча вазифалар, яъни уяда асал мумлар қуриш, озиқ-овқат тўплаш, шоҳона желе яратиш, уянинг ҳароратини назорат қилиш, озодлик ва мудофаа кабилар ишчи арилар томонидан бажарилади.



Уядаги ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида тартиб бор. Личинкаларга ғам-хўрлик қилишдан тортиб, уянинг умум эҳтиёжларини таъминлашгача бўлган барча мажбуриятлар беҳато ижро этилади.

Дунёда энг кўп сонли бўлишига қарамасдан, чумолилар технология, жамоавий меҳнат, ҳарбий стратегия, илғор алоқа тармоғи, иерархик тартиб, интизом ва шаҳарни бенуқсон режалаштириш каби кўплаб соҳаларда ҳам инсонларга намуна сифатида хизмат қилиши мумкин бўлган бир тартибни намойиш қилади. Чумолилар тўда деб аталадиган жамоаларда шундай бир ўзаро тартиб билан кун кечирадиларки, уларнинг инсонларникига ўхшаш цивилизацияси бор деб ўйлаш мумкин.

Чумолилар озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва уларни ғамлаб қўйиш билан бир қаторда ёш чумолиларга қараш, тўдани мудофаа қилиш ва ғанимларга қарши жанг олиб бориш каби вазифаларни ҳам уддалайдилар. Яна шундай тўдалар ҳам борки, улар „тикиш-бичиш“, „қишлоқ хўжалиги“ ва „ҳайвонлар боқиш“ каби юмушлар билан ҳам машғул бўлишади. Бу ҳайвонлар орасида жуда кучли алоқа тармоғи мавжуд. Уларнинг ижтимоий уюшқоқлиги ва омилкорлиги ҳар қандай жонзотларникидан ҳам устундир. (Қаранг: Ҳорун Яҳё. *The Miracle in the Ant* (Чумолилар мўъжизаси). Goodword Books, 2002)

Жамоа бўлиб, тартибли ҳаёт кечирадиган ҳайвонлар хавф туғилганда ҳам якдиллик билан ҳаракат қилишади. Мисол учун, қирғий ёки бойўғли каби йиртқич қушлар бирор ҳудудга киргудек



бўлса, кичикроқ кушлар бу кушларни ҳар томондан қуршаб оладилар. Сўнг улар бошқа кушларни бу ерга жалб қилиш учун махсус товуш чиқарадилар. Кичик кушлар томонидан оммавий кўрсатилган тажовузкор хатти-ҳаракат одатда йиртқич кушларни бу ҳудуддан нарига ҳайдайди.¹⁵⁶

Бирга учиб юрган бир гала кушлар шу тарзда галадаги барча аъзоларни ҳимоя қилади. Мисол учун, бирга учиб юрган чуғурчуқлар галаси бир-бирининг орасида кенг масофа ташлаб учади. Бироқ қирғийни кўришганда улар ўз ораларидаги масофани яқинлаштирадилар. Шу йўсинда, улар қирғийга гала ўртасини ёриб киришга қийинчилик туғдиришади. Ҳатто шунда ҳам, қирғий улар орасига шўнғийдиган бўлса, у ўзининг зарарига иш кўрган бўлади. Унинг қанотларига шикаст етади ва у бошқа ов қила олмай қолади.¹⁵⁷ Сутэмизувчилар ҳам агарда гуруҳга тажовуз қилингудек бўлса, ҳамжиҳатликда иш юритишади. Масалан, зебралар ёвдан қочиб кетаётган пайтда ўз болаларини поданинг ўртасида олиб кетадилар. Дельфинлар ҳам тўда бўлиб сузишади ва уларга энг катта душман бўлган акулаларга қарши тўда бўлиб жанг қилишади.¹⁵⁸

Ҳайвонларнинг ижтимоий ҳаётига саноқсиз мисоллар келтириш ва унга тааллуқли кўплаб тафсилотларни баён қилиш мумкин. Ҳайвонлар ҳақида қўлга киритилган маълумотлар узоқ йиллар давомида олиб борилган тадқиқотлар самарасидир. Кўриб чиққанамиздек, Курьонда худди бошқа жабҳалар каби ҳайвонлар ҳақида берилган маълумотлар Ислом китоби Аллоҳнинг каломи эканлигини тасдиқлайди.



БИОМИМЕТИКА: ЖОНЗОТЛАР ЛОЙИХАСИДАН ҒОЯ ОЛИБ

Дарвоқе, сизлар учун чорва ҳайвонларида ҳам ибрат бордир; сизларни уларнинг қоринларидаги нажосат ва қон ораларидан чиқувчи, (лекин) ичувчилар учун иштаҳали тоза сутдан ичирурмиз. („Наҳл“ сураси, 66-оят)

Албатта, сизлар учун чорва молларида ҳам ибрат бордир; сизларга уларнинг қорнидаги нарса (сути)дан ичирурмиз, яна сизлар учун уларда кўп фойдалар бордир, шунингдек, улар(нинг гўшт-ёғлари)дан ейсиз. Яна (куруқликда) улар устига ва (денгизларда) кемаларга миниб юрасиз. („Муъминун“ сураси, 21–22-оятлар)

Олимлар ва тадқиқотчи ҳамда янгилик яратувчи мутахассислар янги лойиҳа устида иш бошлашдан олдин, одатда, тирик мавжудотлардан модель излашади ва уларнинг тизимлари ва қурилмаларига тақлид қилишади. Бошқача қилиб айтганда, улар Аллоҳ томонидан табиатда яратилган конструкцияларни кўрадилар, ўрганадилар ва улардан ғоя олиб ўзларининг янги технологияларини ишлаб чиқишга киришадилар.

Бу ёндашув жонзотларга тақлид қилишни изловчи янги бир фан тармоғи биометрияни дунёга келтирди. Кейинги йилларда фаннинг бу тармоғи технологиялар оламида кенг қўлланила бошлади. Юқоридаги оятда „*иброҳ*“ (...дан ўрганмоқ, маслаҳат, аҳамият, муҳим нарса ёки модель) сўзининг ишлатилиши бу масалада кўрилган энг доноликдир.

Биомиметика деганда табиатда мавжуд бўлган тизимларга тақлид қилиш учун одамлар ишлаб чиқарадиган моддалар, жиҳозлар, механизмлар ва тизимлар тушунилади. Илмий жамият айти пайтда бундай жиҳозларга, айниқса, нанотехнология, робот технологияси, сунъий ақл (электрон мия), тиббиёт ва ҳарбий соҳаларда катта эҳтиёж сезмоқда.

Биомимикрия ғояси илк маротаба монтана штатилик ёзувчи ва илмий кузатувчи Жанин М. Бениус томонидан олға сурилган эди. Бу тушунча кейинроқ кўплаб одамлар томонидан таҳлил қилинди ва ҳаётга татбиқ қилина бошланди. Қуйида биомимикрия хусусида билдирилган баъзи фикрлар берилган:

„Биомимикрия“ мавзуси шу нарсани англатадики, намуна, ўлчов ва мураббий бўлган табиат олаmidан биз кўп нарсаларни ўрганишимиз керак. Бу тадқиқотчилардаги умумийлик шундаки, улар инсоннинг муаммоларига жавоб топиш учун табиатда яратилган лойиҳаларга ҳурмат билан қараб, улардан фойдаланишга илҳом оладилар.¹⁵⁹

Маҳсулот сифати ва унумдорликни ошириш учун табиатдан фойдаланувчи Interface Inc. компаниясининг маҳсулот стратеги Дэвид Оакей шундай дейди:

Табиат бизнес ва дизайнда менинг устозим, ҳаёт тарзи учун эса намунадир. Табиатнинг тизими миллионлаб йиллардан буён ишлаб келмоқда... Биомимикрия табиатдан ибрат олиш усулидир.¹⁶⁰

Бундай тез суръатлар билан ёйилиб кетаётган ғояни қўллаб-қувватлашни бошлаган олимлар табиатнинг беқиёс ва бенуқсон дизайнидан намуна сифатида фойдаланиш орқали ўз изланишларини жадаллаштириб юбордилар. Бу дизайнлар кам миқдордаги материал ва энергия билан маҳсулдорликни максимум ошириши туфайли ҳамда ўз-ўзини таъминлайдиган, атроф-муҳитга безарар, осойишта, эстетик жиҳатдан жозибадор, чидамли ва умри узоқ бўлганлиги боис технологик тадқиқотлар учун моделлар тақдим этади. *The High Country News* нашри биомиметикани „илмий қўзғалиш“ деб тасвирлайди ва қуйидагича изоҳ беради:

Табиий тизимдан модель сифатида фойдаланиш орқали биз бугунги кунда амалда бўлган технологияларга қараганда чидамлироқларини яратишимиз мумкин.¹⁶¹



Табиий моделларга тақлид қилиш керак, деб фикр юритадиган Жанин М. Бениус ўзининг *Biomimicry: Innovation Inspired by Nature* (Биомимикрия: табиатдан илҳомланиб яратилган янгиликлар). Re-ennial: 2002) номли китобида қуйидаги мисолларни келтиради:

◆ Колибрилар (Америкада яшайдиган рангдор кичкина қушлар) Мексика бўғозини 3 грамм (бир унциянинг ўндан бир қисми) ёқилғи билан кесиб ўтади.

◆ Ниначилар энг моҳир вертолётларимиздан кўра эпчилроқ манёвр намоиш этиши билан устунликка эга.

◆ Термит (чумоли тури) кўтармаларидаги иситиш, ҳаво ҳарорати ва намлигини бир хилда сақлаш тизимлари инсон қўли билан яратилганлардан жиҳоз ва энергия истеъмоли жиҳатдан устун туради.

◆ Кўршапалакнинг юқори частотали тўлқин узатиш мосламаси бизнинг радар тизимимизга нисбатан самаралироқ ва сезгирроқ.

◆ Ёруғлик чиқарувчи сув ўтлари ўз таналарини ёритиш учун турли кимёвий моддаларни бириктиради.

◆ Арктика балиқлари ва бақалари қишда қаттиқ музлайди, баҳорда эса яна ҳаётга қайтади. Бу жараёнда улар ўз тана аъзоларини муз етказиши мумкин бўлган шикастдан ҳимоя қиладилар;

◆ Буқаламун (хамелеон) ва каракатица (денгиз моллюскаларининг бир тури) ўз атрофидаги нарсаларга мослашиб, аралашиб кетиш учун тери тусларини ўзгартиради.

◆ Ари, тошбақа ва қушлар хариталарсиз йўналишни аниқлайдилар.




◆ Китлар ҳамда пингвинлар акваланг мосламасисиз шўнгийдилар.

Биз фақат бир нечтаси устида тўхталиб ўтган табиатдаги бу ҳайратланарли механизмлар ва дизайнлар кенг қамровли соҳаларда технологияни бойитиш салоҳиятига эга. Бу салоҳият бизнинг билимларимиз ва технологик воситаларимиз кўпайган сари ойдинлашмоқда.

Барча ҳайвонлар инсонларни лол қолдирадиган кўплаб фазилатлар эгасидир. Баъзи ҳайвонлар сув ичида ҳаракатланишга имкон яратадиган идеал даражадаги гидродинамик шаклга эга бўлса, бошқалари бизга таниш бўлмаган сезгилардан фойдаланадилар. Буларнинг кўпчилиги тадқиқотчилар биринчи марта дуч келган ёки улар яқинда кашф қилган фазилатлардир. Имкон туғилса, компьютер технологияси, механик муҳандислик, электротехника, математика, физика, кимё ва биология каби соҳаларда кўзга кўринган машҳур олимларни бирор жонзотнинг ҳеч бўлмаса битта фазилатини тақлид қилиш учун жамлаш мақсадга мувофиқ.

Олимлар ҳар бир ўтаётган кунда табиатнинг беқиёс структуралари ва тизимларига дуч келишганда, уларни кашф қилиб, ҳайратланишмоқда ва улар бу ҳайратдан инсониятнинг манфаатлари учун хизмат қиладиган янги технологияларни ишлаб чиқариш учун гоё сифатида фойдаланишмоқда. Олимлар табиатда қўлланган мукамал тизимлар ва ғайриоддий услублар ўзларининг билим ва заковатларидан анча устун эканлигини тушуниб етишгач, улар мавжуд муаммоларга топиладиган мислсиз ечимлардан хабар топа бошладилар ва эндиликда уларни йиллаб қийнаб келган муаммоларни ҳал қилиш учун табиатдаги дизайнларга мурожаат қилишга мажбур бўлмоқдалар. Натижада, жуда қисқа вақт ичида улар муваффақиятга эришсалар ажаб эмас. Жумладан, табиатга тақлид қилиш орқали олимлар вақт, меҳнат ва материал ресурсларини мақсадли ишлатиш нуқтаи назаридан жуда муҳим ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Бугунги кунда, ривожланаётган технология аста-секинлик билан яратилганликнинг мўъжизаларини кашф қиладиганини ва биомиметика каби жонзотлардаги инсоният учун хизмат қиладиган ғайриоддий дизайнлардан фойдаланаётганини кўришимиз мумкин. Бениуснинг айтишича, „уни табиат усулида қилиш“ бизнинг озиқ-овқат етиштириш, материаллар тайёрлаш, энергия ишлаб чиқариш, ўзимизни даволаш, маълумот тўплаш ва бизнес юритиш усулимизни



ўзгартириш салоҳиятига эга.¹⁶² Қуйида бундай мавзуларни муҳокама қилган кўплаб илмий мақолалардан баъзиларини санаб ўтамыз:

„Фан табиатга тақлид қилмоқда“¹⁶³.

„Дизайнда ҳаёт сабоқлари“¹⁶⁴.

„Биомимикрия: очиқ манзарада яширинган сирлар“¹⁶⁵.

„Биомимикрия: табиатдан илҳомланиб яратилган янгиликлар“¹⁶⁶.

„Биомимикрия: бизни ўраб турган буюк донолик“¹⁶⁷.

„Биомиметика: табиат моделларидан материаллар яратиш“¹⁶⁸.

„Муҳандислар дизайн учун табиатдан маслаҳат сўрайдилар“¹⁶⁹.

Ўн тўққизинчи асрда табиатга фақатгина эстетик завқ олиш учун тақлид қилинар эди. Ўша давр рассом ва архитекторлари табиатдан илҳом олиб, ўз асарларида табиат структурасининг ташқи кўриниш намуналаридан фойдаланардилар. Бироқ табиатнинг ғайриоддий дизайнларини ва уларнинг инсонларга келтириши мумкин бўлган манфаатларини англаб етиш, XX асрга келиб, табиий механизмларни молекула даражасида ўрганиш билан бошланди. Олимлар бугунги кунда, 1400 йил муқаддам Қуръонда ваҳий қилинганидек, жонзотлардан ибрат олишмоқда. (Қаранг: Ҳорун Яҳё. *Biomimetics: Technology Imitates Nature* (Биомиметика: технология табиатга тақлид қилади.))

ГАЛА БЎЛИБ ҲАРАКАТЛАНАДИГАН ЧИГИРТКАЛАР

Улар кўзлари (қўрқувдан) қуйига боққан ҳолларида, *гўё тўзиган чигирткалар каби* қабрларидан чиқиб келурлар. („Қамар“ сураси, 7-оят)

Бу оят Охиратда барча одамларнинг ҳолатини ёпирилиб келаётган чигирткаларга ўхшатиб тасвирлайди. Бундай қиёслаш замирида буюк ҳикмат ётади.

XX асрда микрокамералардан фойдаланиб ўтказилган кенг қамровли изланишлар орқали чигирткалар ҳақида жуда кўп маълумотлар олишга муваффақ бўлинди. Чигиртка галалари бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қиладиган улкан сонли алоҳида чигирткалардан ташкил топади. Километрлаб узунлик ва кенгликда ғуж-ғуж бўлиб бирлашганда, улар худди қора булутга ўхшаб кетади. Аниқланишича, саҳро чигирткаларининг битта галаси 1200 квадрат километр (460 квадрат миля) майдонни эгаллайди ҳамда ҳар бир квадрат километрда 40–80 миллионгача чигирткаларни ўз ичига олади.¹⁷⁰

Бундан ташқари, улар қумлоқ тупроқларда худди уруғ қадагандек тухум қўйиб кетадилар ва личинкалар ер остида узоқ муддат қолгандан сўнг, уларнинг барчаси биргаликда пайдо бўлади. Ер остида 10–15 см (4–6 дюйм) узунликдаги туннель ковлагандан сўнг, урғочи чигиртка бир пайтнинг ўзида 95–158 тагача уруғ қўяди: урғочи чигиртка ўз ҳаёт даврида камида уч марта уруғ қўяди. Личинкалар ҳаво температурасига қараб 10–65 кундан сўнг етилгач, улар катта гуруҳ бўлиб ер юзига чиқадилар. Бир квадрат метрда 1000 тагача тухум пўчоқлари топилган. Ҳар бир квадрат километрда 40–80 миллионгача вояга етган чигирткаларни ўз ичига олган галалар бир неча юз квадрат километр майдонни қоплаб олишга қодир.¹⁷¹ Уларнинг узоқ муддат давомида ер остида яшashi ва бир пайтнинг ўзида жуда кўп миқдорда ер юзига чиқиши Ҳукм ўқиладиган Кунда инсонларнинг қайта тирилишига ўхшатилиши табиий. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.)

Бугунги кунда, масофадан туриб тасвирга олиш тизимига эга махсус жиҳозлар орқали чигирткаларнинг ҳаракати ўрганилмоқда. Ҳаттоки НАСА сунъий йўлдоши узатган маълумотлардан Африка саҳроларидаги чигиртка галалари ривожланадиган ҳудудларни аниқлаш учун фойдаланилмоқда. Сунъий йўлдош маълумотлари ёрдами билан 18 миллион квадрат километрдан кўпроқ майдондаги ер ва ҳавода кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилиши мумкин.

Гувоҳи бўлиб турганимиздек, мазкур технологиялар мавжуд бўлмаган даврда Қуръонда зикр этилган бундай қиёсланиш Қуръон ҳамма нарсани билгувчи Аллоҳнинг ваҳийси эканлигини яна бир бор исботловчи далилдир.



ЧУМОЛИЛАР АЛОҚА ТИЗИМИ

Аллоҳ Қуръонда Сулаймон Пайгамбар (а.с.)нинг ҳаётини таърифлаб берар экан, чумолиларнинг алоқа тизимига эга эканлигига ишора қилади:

То улар чумолилар водийсига етганларида, бир чумоли: „Эй, чумолилар! Уяларингизга киригиз, яна Сулаймон ва унинг лашкарлари ўзлари сезмаган ҳолларида сизларни эзиб кетмасинлар!“ – деди. („Намл“ сураси, 18-оят)

Чумолилар устида олиб борилган илмий тадқиқот бу кичик мавжудотлар жуда уюшган ижтимоий ҳаёт кечирishiни ва бу уюшма эҳтиёжидан келиб чиқиб, улар жуда мураккаб алоқа тармоғига ҳам эга эканлигини аниқлади. Масалан, *National Geographic* нашри шундай маълумот беради:

Катта ёки кичик чумолининг бош қисмида миллион ёки ундан ортиқ ишчилар (уларнинг барчаси ургочилар) дан иборат тўдаларга муҳим бўлган кимёвий ва визуал сигналларни тутадиган кўп қиррали сезги аъзолари мавжуд. Унинг мияси ярим миллион нерв ҳужайраларидан таркиб топган; кўзлари аралашма; антенналари бурун ва бармоқ учлари сифатида фаолият кўрсатади. Оғиз пастидаги бўртмалар таъмини сезади; туклари теккан нарсага реакция кўрсатади.¹⁷²

Биз беҳабар бўлсак-да, чумолилар ўзларининг жуда сезгир аъзолари туфайли алоқа ўрнатиш учун турли услубларни қўллайдилар. Улар бу аъзоларни ўлжа топишдан тортиб бир-бирининг кетидан боришгача ва ўз уяларини қуришдан тортиб жанг олиб боришгача ҳар доим ишлатадилар. Уларнинг 2–3 мм ҳажмдаги таналарида 500000 нерв ҳужайралари сиқиб жойлаштирилганлигига қарамай, инсонларни лол қолдирадиган алоқа тизимларига эгадирлар.

Уларнинг алоқаларидаги реакциялар тревога, бирор ишга жалб қилиш, маълум бир фаолиятга тайёргарлик кўриш, оғиз ва анал суюқликларини алмашиш, гуруҳ бўлиб таъсир ўтказиш, таниш, табақани аниқлаш ... каби бир неча ўзига хос туркумларга бўлинади.¹⁷³ Бу реакциялар воситасида тартибли, уюшган жамоани ташкил этадиган чумолилар ўзаро маълумот алмашишга асосланган ҳаёт кечирадилар. Бундай маълумот алмашишни амалга ошириш учун улар баъзида бирга ҳаракат қилиш, баҳам кўриш, тозалаш ва мудофаа каби соҳаларда инсонлар нутқ орқали ифода эта олмайдиган мукамал бир алоқа ўрнатадилар.

Чумолилар, асосан, кимёвий йўллар билан алоқа қилишади. Феромон (жинсий аттрактант)лар деб аталадиган бу яримкимёвий

моддалар ҳид орқали идрок этиладиган кимёвий бирикмалар бўлиб, ички секреция безларидан ажралиб чиқади. Бундан ташқари, улар чумолилар жамоаларини ташкил этишда энг муҳим роль ўйнайди. Бирор чумоли феромон чиқарса, бошқа чумолилар ҳид, таъм воситасида уни қабул қилади ҳамда тегишли тарзда жавоб қайтаради. Чумоли феромонлари устида олиб борилган тадқиқотлар шу нарсани аниқладики, барча сигналлар тўданинг эҳтиёжларига қараб чиқарилар экан. Шунингдек, чиқарилган феромоннинг шиддати ҳам юзага келган вазиятнинг қанчалик шошилинич эканлигига кўра ўзгариб турар экан.¹⁷⁴

Гувоҳи бўлганимиздек, чумолиларда ўзлари машғул бўладиган юмушларни бажариш учун чуқур кимёвий билим талаб этилади. 1400 йил илгари, чумолилар ҳақида бундай билим бўлмаган бир пайтда, Қуръоннинг бу ҳақиқатга урғу берганлиги унинг бошқа бир илмий мўъжизасидан далолатдир. (Қаранг: Ҳорун Яҳё. *The Miracle in the Ant* (Чумолилар мўъжизаси). Goodword Books, Янги Деҳли, 2002)



ОЗИҚ - ОВҚАТ ЦИКЛИ


Аллоҳ дон ва уруғларни ёрувчи (ва ундирувчи)дир. Ўликдан тирикни чиқаради ва (У) тирикдан ўликни чиқарувчидир. Ана ўша Аллоҳдир. Бас, қаяққа оғиб кетаяпсиз? („Анъом“ сураси, 95-оят)

Юқоридаги оятда бизнинг эътиборимиз Қуръон нозил қилинган пайтда одамлар ҳали ҳеч қандай билимга эга бўлмаган озиқ-овқат циклига жалб қилинади.

Бирор тирик жон ўлгач, микроорганизмлар уни тезда парчалаб ташлайди. Ўлик тана шу тарзда тупроқ билан аралашиб кетадиган ва ўсимликлар, ҳайвонлар ва ниҳоят инсоният учун асосий озуқа манбаини шакллантирадиган органик молекулаларга бўлиниб кетади. Агарда мана шу озуқавий цикл бўлмаганда эди, ҳаётнинг мавжуд бўлиши даргумон эди.

Бактериялар барча жонзотларнинг минерал ва озуқага бўлган талабларини қондириш учун масъулдирлар. Бутун қиш давомида деярли ўлик (қишки уйкуга кетиш) ҳолатида бўладиган ўсимликлар ва баъзи ҳайвонлар ёзда қайта жонланадилар ҳамда бактерияларнинг қиш давомида қилган меҳнати орқали ўзларининг минерал ва озуқага бўлган эҳтиёжларини қондирадилар. Бутун қиш давомида бактериялар органик чиқитларни, яъни ўлик ўсимликлар ва ҳайвонларни парчалайди ва уларни минералларга айлантиради.¹⁷⁵ Шундай қилиб, жонзотлар баҳорда қайта уйғонганда, озуқа улар учун тайёр ҳамда уларни кутиб турган бўлади. Бактериялар туфайли, атроф-муҳитда „баҳорги покланиш“ содир бўлади ва табиат баҳорда ҳаётга қайтар экан, керакли миқдордаги озуқа у учун тайёрлаб қўйилган бўлади.

Кўриб турганимиздек, ўлган жонзотлар янги жонзотларнинг дунёга келиши учун муҳим роль ўйнайди. Қуръонда „**(У) ўликдан тирикни чиқаради ва (У) тирикдан ўликни чиқарувчидир**“, деб таърифланган бу ўтиш даври энг мукамал тарзда амалга оширилади. Бу Қуръон Аллоҳнинг каломи эканлигини исботловчи яна бир далилдир.



Ўлган ўсимлик ва ҳайвонлар

Минераллар дарахт илдизлари орқали сўрилади.

Диаграммадан кўри-
ниб турибдики, ўлган
ўсимликлар ва ҳай-
вонлар бактериялар
томонидан парча-
ланади ва мине-
ралларга айланади.
Тупроққа сингган бу
органик чиқитлар
ўсимликлар учун
асосий озуқани таш-
кил этади. Шунинг
учун бу озуқавий
цикл барча тирик
мавжудотлар учун
жуда муҳимдир.

УЙҚУ ПАЙТИДА ҚУЛОҚЛАР ФАОЛ

Бас, (ўша) горда бир неча йил уларнинг „қулоқларини муҳрлаб“ қўйдик.
(„Каҳф“, 11-оят)

Қуръондаги „Биз уларнинг қулоқларини муҳрлаб қўйдик“ деган жумланинг араб тилидаги асли „зороба“ феълидир. Бу „Биз уларни ухлатиб қўйдик“ деган мажозий маънога эга. Қулоқларни назарда тутиб ишлатилган *зороба* „қулоқларнинг эшитишига тўсқинлик қилмоқ“ деган маънони англатади. Бу ерда фақатгина эшитиш қобилиятининг қайд этилганлиги жуда аҳамиятлидир.

Киши ухлаётганда ишлаб турадиган ягона сезги органи бу қулоқ эканлиги олимлар томонидан кашф этилган. Шунинг учун ҳам уйғонишимиз учун биз соатдан фойдаланамиз.¹⁷⁶ „Биз уларнинг қулоқларини муҳрлаб қўйдик“ жумласидаги донолик шундаки, Аллоҳ мазкур ёш йигитларнинг эшитишини бекитиб қўйган ва шу сабабдан ҳам улар кўп йиллар уйқу оғушида қолган бўлса ажаб эмас.



УЙҒУ ПАЙТИДА ҲАРАКАТЛАНИШНИНГ МУҲИМЛИГИ

Ухлоқ бўлсалар-да, уларни уйғоқ, деб ўйлардинг. *Биз уларни ўнг томон, сўл томонга айлантириб турардик.* Уларнинг ити эса, остонада икки олд оёқларини узатиб ётарди. Агар уларни кўриб қолсангиз, даҳшатга тушиб, улардан юз ўгириб қочиб кетган бўлур эдингиз. („Каҳф“ сураси, 18-оят)

Юқоридаги оят уч юз йиллаб уйқуда ётган фордаги ҳамроҳларни назарда тутмоқда. Бундан ташқари, Аллоҳ уларнинг таналарини чап ва ўнг томонга ўгириб турганини ҳам ваҳий қилади. Бунинг замирида ётган буюк донолик фақат яқин йиллар ичидагина кашф қилинди.

Узоқ вақт бир хил ҳолатда ётадиган одамлар, улар ётадиган томон юзасига тегиб турган тана қисмларида қон айланиши қийинчилиги, жароҳатлар ва қоннинг қуюлиб қолиши каби жиддий муаммоларга дуч келишади.¹⁷⁷

Юзага келадиган жароҳатлар „ётоқ жароҳатлари“ ёки „босим жароҳатлари“ сифатида маълум. Бирор киши узоқ вақт қўзғалмасдан ётса, тананинг ўша қисмидаги доимий босим туфайли қон томирлари сиқилиб қолади ва улар умуман ёпилиб қолиши мумкин. Натижада, қон орқали ташиладиган кислород ва бошқа озиклар терига етиб бормайди, натижада тери нобуд бўла бошлайди. Бу танада жароҳатларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ушбу жароҳатлар даволанмаса, ёғ ва мушаклар ҳам нобуд бўла бошлайди.¹⁷⁸

Тери ёки тўқима остида шаклландиган бундай жароҳатлар даволанмаса, улар катталаниши, агар уларга инфекция тушгудек бўлса, ўлимга ҳам олиб келиши мумкин. Шунинг учун бу босимни камайтириш мақсадида беморнинг ётган ҳолатини ҳар 15 дақиқада ўзгартириб туриш мақсадга мувофиқдир. Ўзларини қўзғата олмайдиган беморларга эса махсус қаров керак. Улар ҳар 2 соатда бошқа одамлар томонидан қўзғатиб турилиши лозим.¹⁷⁹ Фақатгина сўнгги асрда кашф қилинган бу тиббий далилларнинг Қуръонда назарда тутилганлиги ундаги мўъжизалардан яна биридир.

ТУНДАГИ КАМ ҲАРАКАТЛИЛИК

У тонг шафағи билан (осмонни) бўлгувчидир ва тунни ором олиш вақти, Куёш ва Ойни эса вақт ҳисобини юритиш воситаси қилиб белгиловчидир ... („Анъом“ сураси, 96-оят)

Юқоридаги оятнинг аслида учрайдиган арабча „*сакан*“ сўзи „тиним, ором, дам олиш вақти, танаффус учун пайт“ каби маъноларни англатади. Аллоҳ томонидан қайд этилганидек, тун инсонлар дам оладиган пайтдир. Тунда танада ишлаб чиқиладиган мелатонин гормони одамларнинг жисмоний ҳаракатларини сусайтириш, уларни мудроқ ва чарчоқ бостириш ҳамда уларнинг мияларини тинчлантирувчи табиий восита вазифасини бажариш орқали танани уйқуга тайёрлайди.¹⁸⁰ Уйқу мобайнида юрак уриши ва нафас олиш ритми секинлашади ҳамда қон босими пасаяди. Эрталаб гормонларнинг ишлаб чиқилиши тўхтади ва тана уйғонишга киришади.¹⁸¹

Шунингдек, уйқу тананинг мушак ва тўқималарига тикланиб олишга ҳамда танага эски ёки ўлган ҳужайраларни янгилашга имкон беради. Уйқу даврида энергия сарфи камаяди ва тана тун бўйи энергия тўплайди. Иммуни системаси учун муҳим бўлган қатор кимёвий моддалар ва ўстирувчи гормонлар ҳам уйқу пайтида ажралиб чиқади.¹⁸²

Агар одамлар етарли даражада ухлмасалар, бу иммуни системасига бирданига салбий таъсир кўрсатади ва тана касалликка кўпроқ мойил бўлиб қолади. Агар одамлар икки кеча ухлай олмасалар, улар фикрни бир жойга жамлашда қийналадилар ҳамда улар кўпроқ хато қила бошлайдилар. Агарда уч кеча уйқудан маҳрум бўлсалар, улар алаҳсирай бошлайдилар ва мантиқан фикрлай олмайдилар.¹⁸³

Тун нафақат инсонлар учун, балки бошқа тирик жонзотлар учун ҳам ором олиш пайтидир. Аллоҳ томонидан оятда „**тунни ором олиш вақти,**“ деб таърифланган бу ҳолат кўз билан кузатиб бўлмас ҳақиқатни назарда тутаяди: кундузги пайт содир этиладиган кўплаб фаолиятлар сусаяди ва тун мобайнида дам олади. Ўсимликларда, мисол учун, баргларидаги терлаш ва фотосинтез Куёш чиқиши билан кўпая бошлайди. Тушдан сўнг эса вазият аксинча тус олади. Бошқача қилиб айтганда, фотосинтез сусаяди ва температура кўтарилган сари терлаш тезлашиши туфайли нафас олиш кўпаяди. Тунги пайтда температура пасайиши сабабли, терлаш ҳам сусаяди ва ўсимлик дам

олади. Агарда бир кечалик тун бўлмай қолганида эди, кўпчилик ўсимликлар нобуд бўлган бўлар эди. Мана шу нуқтаи назардан, тун ўсимликлар учун, худди инсонлар учун бўлгани каби, дам ва қайта тетикланишни англатади.¹⁸⁴


Тунда молекуляр даражадаги ҳаракатлар ҳам сусаяди. Кун давомида Қуёш томонидан чиқариладиган радиация Ер атмосферасидаги атом ва молекулаларни фаоллаштиради ва улар кўпроқ энергия миқдорига эга бўлади. Қоронғилик тушгач эса, атом ва молекулалар кам энергия қабул қилади ва улар радиация тарқата бошлайди.¹⁸⁵

„Анъом“ сурасининг 96-оятида айтилган бу далиллар Қуръоннинг саноксиз мўъжизаларидан бирини ошкор қилган бўлса ажаб эмас. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.)

ЮҚОРИГА КЎТАРИЛГАН САРИ НАФАСНИНГ СИҚИЛИШИ

Инсонлар яшаш учун кислород ва ҳаво босимига муҳтождирлар. Атмосферадаги кислород ўпкамиздаги ҳаво қопчиқларига етиб бориши билан нафас олиш содир бўлиши мумкин. Бироқ юқорига кўтарилган сари атмосфера юпқароқ бўла бориши туфайли, унинг босими пасаяди. Шунинг учун қон оқимидаги кирадиган кислород миқдори камаёди ва нафас олиш қийинлашади. Ҳаво қопчиқлари торайиши ва сиқилиши сабабли, биз ўзимизни худди нафас ола олмаётгандек ҳис қиламиз.

Агарда қондаги кислород миқдори тананинг эҳтиёжидан камроқ бўлса, ўта ҳорғинлик, бош оғриқлар, бош айланиши, кўнгил айнаш ва тўғри қарор қабул қилиш қобилиятининг йўқолиши каби бир қатор аломатлар юзага келади. Маълум бир баландликка етилганда, инсон учун нафас олиш умуман мумкин бўлмай қолади.¹⁸⁶ Шу сабабдан бундай баландликларда тирик қолиш учун бизга кислород солинган идишлар ва махсус кийимлар керак бўлади.



Денгиз сатҳидан 5000–7500 метр (16500–24500 фут) баландликда нафас олишнинг қийинлиги туфайли, киши ҳушидан кетиши ва кома ҳолатига кириши мумкин. Бу самолётларда нима учун кислород идишларининг мавжуд бўлишини тушунтириб беради. Самолётлар денгиз сатҳидан 9000–10000 метр (29500–33000 фут) баландликда учганда ҳаво босимини назорат қилиб турадиган махсус тизимлар ҳам бор.

Кислород тўқималарга етиб бормаганда аноксия (қонда кислороднинг етишмаслиги) юз беради. Бундай кислород етишмаслиги 3000–4500 метр (10000–15000 фут) баландликларда содир бўлади. Баъзи одамлар бундай баландликларда ҳушини йўқотиши мумкин. Лекин улар дарҳол кислород билан таъминланса, уларнинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин.

Қуйидаги оятда қиёслаб келтирилган бу жисмоний ҳақиқат юқорига кўтарилган сари кўкрак қафасида юз берадиган ўзгаришларни шундай таърифлайди:

Аллоҳ кимни ҳидоятга йўллашни ирода этса, унинг кўкси (қалби)ни Ислому учун (кенг) очиб қўяди. Кимни адаштиришни ирода этса, кўксини гўё осмонга кўтарилиб кетаётгандек, тор ва сиқик қилиб қўяди. Шундай қилиб, Аллоҳ имон келтирмайдиганларга (лойик) жазони раво кўргай. („Анъом“ сураси, 125-оят)

ИККИНЧИ КИТОБ

ҚУРՆОНДАҒИ
БАШОРА АТЛАР



КИРИШ

Қуръоннинг мўъжизавий фазилатларидан бири ундаги келажак воқеа-ҳодисалари ҳақидаги башоратлар бўлиб, уларнинг баъзилари шу пайтгача содир бўлиб келди. Бу Қуръон Аллоҳнинг сўзи эканлигини тасдиқловчи далиллардан биридир. Кейинги саҳифаларда бундай ҳодисаларнинг баъзилари устида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Ғайб (яширин иш ва нарсалар) қалитлари Унинг ҳузуридадир. Уларни Ундан ўзга билмас. Яна, қуруқлик ва денгиздаги нарсаларни (ҳам) билур. Бирор япроқ (узилиб) тушса (ҳам) уни билур. Ер зулматлари (қаъри)даги уруғ бўлмасин, ҳўлу қуруқ бўлмасин, (ҳаммаси) аниқ Китоб (Лавҳул-маҳфуз)да (ёзилган)дир. („Анъом“ сураси, 59-оят) (Эй, Муҳаммад!) Булар Сизга ваҳий қилаётган Биздаги ғайб хабарларидандир. Буларни илгари на Сиз ва на қавмингиз билар эдингиз. Бас, сабр қилинг! Албатта, оқибат (ютуқ) тақводорларникидир. („Худ“ сураси, 49-оят)

Айтинг: „Аллоҳдан бошқа осмонлар ва Ердаги бирор кимса ғайбни билмас.“ („Намл“ сураси, 65-оят)


У шундай Аллоҳдирки, Ундан ўзга илоҳ йўқдир. (У) яширин ва ошкора нарсаларни билувчидир. У меҳрибон ва раҳмлидир. („Ҳашр“ сураси, 22-оят)

ВИЗАНТИЯ ИМПЕРИЯСИНИҢ ҒАЛАБАСИ

Ҳайратланарли бир башорат „Рум“ сурасининг дастлабки оятларида ваҳий қилинган бўлиб, унда кейинги Рим империясининг шарқий қисми, яъни катта мағлубиятга учраган Византия империясининг тез орада ғалаба қозониши ҳақида сўз юритилади.


Алиф, Лом, Мим. Рум (қўшини Форс қўшинидан) мағлуб бўлди энг наст ерда. (Лекин) улар (яъни румликлар) бу мағлубиятларидан сўнг, (форслар устидан) албатта, ғалаба қилурлар уч-тўққиз йил ичида. Олдин ҳам, кейин ҳам иш Аллоҳникидир. Ўша кунда мўминлар шодланурлар. („Рум“ сураси, 1–4-оятлар)

Мазкур оятлар тахминан 620-йилда, бутпараст форсийлар 613–614- йилларда насроний Византиясини қаттиқ мағлубиятга учратгандан деярли 7 йилдан сўнг нозил қилинган эди.



Дарҳақиқат, Византия шунчалик катта зарар кўрган эдики, унинг ёлғиз ўзи яна голиб бўлиши у ёқда турсин, ҳатто омон қолиши мумкин эмас эди. 613-йилда Антиохда византияликларни мағлуб қилгач, форсийлар Дамашқ, Киликия, Тарсус, Арманистон ва Қуддусни ҳам истило қилдилар. 614-йилда Қуддуснинг қўлдан бой берилиши византияликлар учун айниқса оғир жудолик бўлди, чунки Байтул Мақдис ибодатхонаси вайрон қилинган ва форсийлар насронийликнинг рамзи бўлган „Ҳақиқий Хоч“ни қўлга киритган эдилар.¹⁸⁷

Бундан ташқари, аварлар, славянлар ва ломбардлар ҳам Византия империясига жиддий таҳдид солиб турган эди. Аварлар Константинополь деворларигача етиб келган эдилар. Император Ираклий армия харажатларини қоплаш учун ибодатхоналардаги олтин ва кумушларни эритиб, пул ясашга фармон берган эди. Бу ҳам кифоя қилмай, кўпроқ пул ясаш мақсадида, бронза ҳайкаллари эритилиб, қуюла бошланди. Кўплаб ҳукмдорлар Ираклийга қарши бош



кўтарган ва Византия империяси қулаш арафасида эди.¹⁸⁸ Авваллари Византияга қарашли бўлган Месопотамия, Киликия, Фаластин, Миср ва Арманистон бутпараст форсийлар томонидан босиб олинган эди.¹⁸⁹

Қисқаси, ҳамма Византия барбод бўлади деб ишонар эди. Аммо мана шундай пайтда, „Рум“ сурасининг дастлабки оятлари нозил бўлди ва унда Византиянинг „уч—тўққиз йил“ ичида ғалаба қозониши ваҳий қилинди. Башорат қилинган бу ғалаба шунчалик умид боғлаб бўлмас даражада эдики, Араб мушриклари у ҳеч қачон амалга ошмайди деб ўйлар эдилар.

Бироқ Қуръондаги бошқа барча башоратлар каби бу ҳам воқе бўлди. 622-йилда Ираклий форсийлар устидан қатор ғалабаларни қўлга киритди ва Арманистонни забт этди.¹⁹⁰ 627-йилнинг декабрида бу икки империя Бағдод яқинидаги Дажла дарёсидан 50 км (31 миля) нарида жойлашган Ниневияда ҳал қилувчи жангга кирди. Бу сафар ҳам Византия лашкари форсийларни тор-мор қилди. Бир неча ойдан сўнг форсийлар Византия билан тинчлик сулҳини тузишга мажбур бўлдилар ва бу сулҳга кўра форсийлар Византиядан тортиб олган ерларни ўз эгаларига қайтариб беришга мажбур бўлдилар.¹⁹¹

Император Ираклий форсийлар ҳукмдори Хусров II ни 630-йилда мағлуб қилиб, Қуддусни қайта забт этгач ва Байтул Мақдис ибодатхонасига „Ҳақиқий Хоч“ни қайтариб олгач, Византия тўлиқ ғалабага эришди.¹⁹²

Охир-оқибат, Аллоҳ томонидан Қуръонда хабар қилинган „римликларнинг ғалабаси“ „уч-тўққиз йил“ ичида мўъжизакорона амалга ошди.

Бу оятларда ваҳий қилинган бошқа бир мўъжиза ўша пайтда ҳеч кимсанинг билиши мумкин бўлмаган географик ҳақиқат, яъни римликлар Ернинг энг паст ҳудудида мағлуб қилинишининг эълон қилинганлигидир. Арабча „аднаа ал-арз“ жумласи баъзи Қуръон тафсирларида „яқин жойда, яқин ерда“ деб таржима қилинган. Бироқ бу унинг асл маънодаги эмас, балки мажозий маънодаги таржимасидир. „Аднаа“ сўзи, „даниъ“ (паст) сўзидан келиб чиққан бўлиб, „энг паст“ деган маънони англатади. „Арз“ сўзи „дунё“ деган маънога ҳам эга. Шу боис, „аднаа ал-арз“ „Ернинг энг паст жойи“ маъносини беради.

Айрим муфассирлар мазкур ҳудуднинг арабларга яқинлигини назарда тутган ҳолда, сўзнинг „энг яқин“ деган маъносини ишлатишади. Лекин бу сўзнинг асл маъноси жуда муҳим бир


геологик далилни, яъни 613 — 614- йилларда византияликлар мағлуб қилинган жойлардан бири, Ернинг энг паст ҳудуди бўлган Ўлик денгиз ҳавзасини назарда тутди.¹⁹³

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ўлик денгиз қирғоқлари яқинида жойлашган Қуддусдаги мағлубиятда „Ҳақиқий Хоч“нинг қўлдан бой берилиши насроний Византияси учун берилган оғир зарба эди.

Византияликлар ва форсийлар аслида Сурия, Фаластин ва Иорданияга қарашли ерларнинг кесишган нуқтасида жойлашган Ўлик денгиз ҳавзасида жанг қилишган эди. Денгиз сатҳидан 399 метр пастликда бўлган Ўлик денгиз Ер юзасининг „энг паст“ жойи ҳисобланади.¹⁹⁴

Бу ҳақиқатни фақатгина замонавий ўлчаш услуби ва асбоблари тасдиқлай олиши мумкинлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ўша пайтда яшаб ўтган инсонларнинг ҳеч бири бу ҳақиқатни тушуниб етган бўлиши мумкин эмас. Демак, Қуръонда бу ҳудуднинг Ер юзидаги „энг паст ер“ эканлиги ҳақида аниқ хабар берилган экан, у Қуръон Аллоҳнинг каломи эканлигини тасдиқловчи яна бир далилдир.

Бу суратда Қуддус ҳамда Ўлик денгиз ҳавзаси тасвири келтирилган.



ФИРЪАВН ЖАСАДИНИНГ САҚЛАНИШИ

Фиръавн ўзини илоҳ деб ҳисоблар эди (бу ҳақда кейинроқ яна сўз юритамиз) ва Мусо Пайғамбар (а.с.)нинг „Аллоҳга имон келтир“, деб қилган мурожаатларига у дўқ-пўписа билан жавоб қайтарар эди. Фиръавннинг бундай кеккайган муомаласи у сувга чўкаётиб, ўлим билан юзма-юз бўлгунча давом этди. Қуръонда таъкидланишича, Фиръавн Аллоҳнинг жазоси билан тўқнаш келган заҳоти имон келтиради:

Исроил авлодини денгиздан ўтказдик. Фиръавн ва унинг лашкарлари улар ортидан зўравонлик ва зулм юзасидан эргашдилар. Унга (Фиръавнга) фарқ бўлиш (соати) етишганда айтди: „Имон келтирдимки, Исроил авлоди имон келтирган Зотдан ўзга илоҳ йўқдир. Мен ҳам мусулмонларданман.“ („Юнус“ сураси, 90-оят)

Бироқ самимий бўлмаганлиги боис, унинг бундай имонга келиши инобатга олинмади. Аллоҳ бу ҳақда шундай хитоб қилади:

(Аллоҳ деди): „Эндими?! Ахир, сен илгари итоатсизлик қилгандинг ва бузғунчилардан эдинг-ку! Мана бугун сендан кейингиларга белги (ибрат) бўлишинг учун жасадингни қутқарурмиз. Ҳақиқатан, одамларнинг аксарияти оятларимиздан гофилдирлар.“ („Юнус“ сураси, 91–92-оятлар)

Фиръавннинг жасади кейинги авлод учун ибрат бўлиши тўғрисидаги маълумот унинг жасади чиримаслигини назарда тутаётган бўлиши мумкин. Қоҳирадаги Миср музейида олий табақа вакилларининг мўмиёланган таналари сақланадиган хонада кўргазма қилиб қўйилган мўмиёланган жасад

мана шу золимга тегишли, деб ҳисобланмоқда. Сувга фарқ бўлгандан сўнг Фиръавннинг жасади қирғоққа қалқиб чиққан ва мисрликлар томонидан топилиб, мўмиёланган, шу тариқа, олдиндан тайёрлаб қўйилган дафн қилиш дахмасига келтирилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.¹⁹⁵



МАККАНИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШИ

Қасамки, Аллоҳ Ўз пайғамбарига (у кўрган) тушни рўёбга чиқарди, албатта, сизлар (эй, мўминлар!) Масжидул-ҳаромга эмин-эркин, бошларингизни (сочларингизни) қирдирган ва (ёки) қисқартирган ҳолларингизда кўрқмасдан кирусиз, иншоаллоҳ. Бас, (Аллоҳ) сизлар билмаган нарсани билиб, ундан (Макка фатҳидан) олдин яқин бир ғалабани (Хайбар ғалабасига эга) қилди. („Фатҳ“ сураси, 27-оят)

Мадинада ўтган тунларининг бирида Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) мўминларнинг Муқаддас масжидга (Масжидул-ҳаромга) кирганларини ва Каъба атрофида айланиб юрганларини ўз тушларида кўрдилар. Уйғонганларидан сўнг бу хушхабарни мўминларга, яъни Маккадан Мадинага у билан бирга ҳижрат қилган ва ўшандан буён у ерга қайта олмаганларга етказдилар.

„Фатҳ“ сурасининг 27-оятида Аллоҳ Пайғамбаримиз (с.а.в.)га Ўзи ёрдам бериши ва қўллаб-қувватлаши, унинг туши рост эканлиги ҳамда мўминларнинг Маккага киражакларини ваҳий қилади. Бир оз фурсатдан кейин Ҳудайбийя сулҳи ҳамда Макканинг фатҳ этилиши натижасида мўминлар, худди Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг тушларида аён бўлганидек, Муқаддас масжидга ҳеч қандай хавф-хатарсиз кирдилар. Шу тариқа Аллоҳ Ўз хоҳиши билан Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг тушлари рўёбга чиқишини ирода этди.

Эътибор қилсак, бу оят Макка фатҳидан олдин қўлга кири-тиладиган бошқа бир ғалаба ҳақида ҳам хабар бераётганини, яъни улар Маккага киришларидан олдин яҳудийлар назорати остида бўлган Хайбар кўрғонини забт этишларини кўришимиз мумкин.¹⁹⁶

Макканинг фатҳ этилиши ҳақидаги хабарлар бошқа оятларда куйидагича нозил қилинган:

У (Аллоҳ) Макканинг ичкарасида (кечган жангда) уларнинг (Макка мушрикларининг) устидан сизларни ғолиб қилдирганидан кейин уларнинг кўлларини сизлардан, сизларнинг кўлларингизни улардан тўсган (жангни тўхтатган) зотдир. Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб турувчидир. („Фатҳ“ сураси, 24-оят)

(Эй, Муҳаммад!) Биз Сизга аниқ фатҳ (ғалаба) бахш этдик. (Бу фатҳ) Сиз учун Аллоҳнинг олдинги ва кейинги гуноҳларингизни кечиши, Сизга Ўз неъматини мукамал қилиб бериши, Сизни Тўғри йўлга ҳидоят қилиши, шунингдек, Аллоҳнинг Сизга кучли ёрдам бериши учундир. („Фатҳ“ сураси, 1–3-оятлар)

„Исро“ сурасининг 76-оятда мушриклар Маккада узоқ қола олмаслиги ҳақида хабар берилади:

Улар Сизни (бу) ердан (Маккадан) чиқариб юбориш учун кўзгаб юборишларига оз қолди. У тақдирда ўзлари ҳам Сиздан кейин озгина (муддат) тура олардилар, холос. („Исро“ сураси, 76-оят)

Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳижратдан сўнг 8 (милодий 630) йилда Маккага кириб, уни фатҳ қилдилар. Икки йилдан сўнг, худди Аллоҳ ваҳий қилганидек, мушриклар Маккадан чиқиб кетадилар. Бу ерда эътиборга молик нарса шундаки, Пайғамбаримиз (с.а.в.)



мўминларга хуш-хабар етказганларида ҳеч қандай ортикча савол туғилмагандек эди. Аслида, вазият аксинча тус олган ва мушриклар Маккага мўминларни ҳеч қачон киритишга йўл қўймасликка аҳд қилишган эди. Натижада одамлар Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг сўзларига ҳам шубҳа билан қарай бошладилар. Аммо Пайғамбаримиз (с.а.в.) Аллоҳга ишонар ва ширк келтирувчиларнинг сўзларига парво қилмас эдилар ҳамда Аллоҳнинг унга ваҳий қилганини одамларга сўзлар эдилар. Қуръон унинг сўзларини тасдиқлади ва башорат шундан сўнг қисқа вақт ичида рўёбга чиқди.

ИСРОИЛ ҚАВМИНИНГ КИБРГА БЕРИЛИШИ

Шунингдек, Биз Исроил авлодига Китобда: „Сизлар, албатта, заманда икки марта бузғунчилик қилурсиз ва катта тугёнга (исёнга) кетурсиз“, — деб хабар бердик. Бас, қачонки, у (бузғунчилик)лардан аввалгисининг белгиланган вақти келганида, сизларнинг устингизга (жазолаш учун) куч-қувватга эга бўлган бандаларимизни юбордик. Улар ҳовлима-ҳовли кездилар. (Бу ваъда) адо этилувчи ваъда эди. Сўнгра (тавба қилганларингиздан кейин) уларнинг (Бобил ҳукмдорининг) устидан ғалабани сизларга қайтардик ва сизларга мол-дунё ва фарзандлар билан мадад бериб, ададингизни кўпайтирдик. („Исро“ сураси, 4–6-оятлар)

Бу оятларда таъкидланишича, Исроил фарзандлари дунёда икки марта бузғунчилик қилишлари керак эди. Биринчисидан сўнг, яъни улар ўта даражада кибрланиб кетган пайтда, Аллоҳ уларга қарши қудратли лашкарларни йўллайди. Ростдан ҳам, яҳудийлар Яҳё Пайғамбар (а.с.)ни ўлдиришгандан ва бениҳоя кибрланиб, Исо Пайғамбар (а.с.)ни ўлдириш учун тузоқ қўйишгандан сўнг тез орада, 70-йилда римликлар томонидан Қуддусдан қувғин қилинадилар ва шу тариқа бутун дунёга тарқалиб кетадилар.

Бу оят Пайғамбаримиз (с.а.в.)га нозил қилинган пайтда, яҳудийлар турли мамлакатларда жуда оғир шароитлар остида кун кечиришар ва ўзларининг маконига эга эмас эдилар. Бироқ Аллоҳ Исроил фарзандларига бир кун келиб ўз кучларини тиклаб олажақларини зикр этган эди.

Ўша пайтларда бу ҳақиқатнинг ростдан ҳам рўёбга чиқиши амри маҳолдек бўлиб туюлар эди. Лекин бир неча асрлардан сўнг яҳудийлар Фаластинга қайтдилар ва 1948 йилда Исроил давлатини ташкил қилдилар. Кейинчалик Исроилда яшаётган баъзи ирқчи сионистларнинг муносабатлари Ўрта Шарқда тартибсизликларни келтириб чиқарди. Бундай муносабатлар ҳамон террористик ҳаракатларни келтириб чиқармоқда.

Ҳозирги аҳвол Исроил фарзандларининг иккинчи „бузғунчилиги“дан аломатдир. Бироқ бундай ёвуз хулқилик барча яҳудийларга тегишли эмаслигини ёдда тутмоғимиз даркор, чунки кўпчилик яҳудийлар бундай хулқни ёқламайдиган, виждони пок ва ҳаётий тажрибага эга шахслардир. Айрим ирқчи ва радикал

сионистлар Парвардигоримиз томонидан амр этилганидек, „**афвни (қабул қилиб) олиш**“ („Аъроф“ сураси, 199-оят) лари керак. Агар улар шундай йўл тутсалар, Аллоҳнинг иродаси билан тинчлик муҳити ва биродарлик алоқалари яна қарор топади. Қуръони Карим бу ҳақда шундай хабар беради:

Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сиз (ёмонликни) гўзалроқ (муомала) билан даф этинг! (Шунда) бирдан сиз билан ўрталарингизда адоват бўлган кимса қайноқ (қалин) дўстдек бўлиб қолур. („Фуссилат“ сураси, 34-оят)

„Исро“ сурасининг мазкур оятларида айтилган бу воқеаларнинг юз беришига деярли ҳеч ким ишона олмас эди. Бироқ Аллоҳ уларнинг адо этилишини ирода этди ва шу йўсинда мўминлар учун Ўзи нозил қилган Қуръоннинг мўъжизавий китоб эканлигига янада кўпроқ далиллар келтирди.



ФАЗОНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ

Инсониятнинг фазони тадқиқ этиши 1957 йил 4 октябрда Совет сунъий йўлдоши — Спутникнинг учирилиши билан авж олиб кетди. Маълум вақт ўтгач, у Ернинг атмосферасини ортда қолдириб, биринчи бор Совет фазогири Юрий Гагаринни фалакка олиб чиқди. 1969 йилнинг 20 июлида эса америкалик астронавт Нейл Армстронг Ойга қадам босган биринчи инсон зоти бўлиб, тарих саҳифаларида муҳрланди.

Дарҳақиқат, бундай тараққиёт ва қўлга киритиладиган ютуқларнинг бир кун келиб амалга ошиши Куръонда ваҳий қилинган эди. Чунончи, Аллоҳ бизнинг диққатимизни қуйидаги оятда келтирилган ҳақиқатга жалб этади:

Эй, жинлар ва инсонлар жамоаси! Агар сизлар осмонлар ва Ер ҳудудларидан ўтиб кетишга қодир бўлсангиз, ўтиб кетаверингиз! Куч-қудратсиз сира ўтиб кета олмагaysиз! („Ар-Раҳмон“ сураси, 33-оят)

Бу ерда „куч-қудрат“ деб таржима қилинган арабча „султан“ сўзи бошқа маъноларга ҳам эга: қувват, юқори ҳоқимият, ҳукмронлик, қонун, йўл, рухсат, қолдириб кетиш, тасдиқлаш, исбот.

Агар яхшилаб мулоҳаза юритадиган бўлсак, юқоридаги оятда инсоният фақат ортиқ даражадаги қувват билангина Ер ва осмон қаърига шўнғий олиши мумкин. Мана шу ортиқ даражадаги қувват, куч-қудрат олимларнинг улкан ютуқларини қўлга киритишига имкон берган XX асрнинг қудратли технологиялари бўлиши эҳтимолдан холи эмас.



ОЙГА САЁХАТ

(Бас, қасамёд этаман) ... ҳамда тўлин Ой биланки, *албатта сизлар босқичма-босқич (чиқиб) келурсизлар!* Бас, нега улар имон келтирмайдилар?! („Иншиқоқ“ сураси, 18–20-оятлар)



Юқоридаги оятларда Аллоҳ тўлин Ой билан қасам ичиб, сўнг одамларнинг босқичма-босқич чиқиб келиши ҳақида сўз юритилади. „Таркабу“ феъли „рокиба“ (кўтарилмоқ, бирор йўлдан юрмоқ, изидан бормоқ, бошламоқ, киришмоқ, иштирок этмоқ ёки бошқармоқ) феълидан келиб чиққан. Мана шу маъноларга асосланган ҳолда, „**сизлар босқичма-босқич (чиқиб) келурсизлар**“ деган ифода бортига чиқиладиган транспортни назарда тутаяпти, деган хулосага келиш мумкин.

Бинобарин, астронавтларнинг фазовий кемаси атмосферанинг ҳар бир қатламини бирин-кетин босиб ўтади ва сўнг Ойнинг тортишиш майдонига ўтишни бошлайди. Шундай қилиб, алоҳида қатламларни ортда қолдириб Ойга етиб борилади. Жумладан, „Иншиқоқ“ сурасининг 18-оятида Ойга қасамёд қилиниши бундаги урғуни кучайтиради ва у инсониятнинг Ойга сафар қилажигидан дарак бераётган бўлиши табиий. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.)



ЗАМОНАВИЙ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ

У яна минишингиз учун ва зийнат сифатида отлар, хачирлар ва эшакларни (яратди). Яна сизлар (ҳали) билмайдиган нарсаларни ҳам яратур. („Наҳл“ сураси, 8-оят)

Юқоридаги оят шундан далолат берадики, одамлар бу ерда қайд этилган ҳайвонлардан бошқа (уларга) номаълум бўлган турли-туман транспорт воситаларига ҳам эга бўладилар. Қуйидаги оят кемалар каби бундай оммавий транспорт шакллари келгусида яратилажагини таъкидлайди:

Биз уларнинг зурриётларини (Нух пайғамбар ясаган) тўла кемада кўтарганимиз (ва тўфондан қутқарганимиз) улар учун (қудратимиздан яна бир) аломатдир. Яна Биз уларга худди ўша (кемага) ўхшаш минадиган нарсаларни (яъни катта-кичик кемаларни) ҳам яратдик. („Ёсин“ сураси, 41—42-оятлар)





САМОЛЁТ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Сулаймонга эса шиддат билан эсувчи шамолни (бўйин сундириб), унинг амри билан Биз муборак қилган замин (Шом) сари эсадиган (қилиб қўйдик). Биз барча нарсани билувчидирмиз. („Анбиё“ сураси, 81-оят)

Юқоридаги оятда зикр этилганидек, Аллоҳ шамолни Сулаймон Пайғамбар (а.с.)нинг амрига бўйсундириб қўйди ва унга шамолдан транспорт воситаси сифатида фойдаланишга имкон яратди. Бу ерда назарда тутилаётган нарса шамол энергиясидан худди Сулаймон Пайғамбар (а.с.) давридаги каби, келажак технологиялари учун фойдаланиш мумкинлиги эҳтимолдан холи эмас.

Сулаймонга эрталаб бир ойлик, кечки пайт бир ойлик (масофани босиб ўтадиган) шамолни (бўйин сундирдик) ... („Сабаъ“ сураси, 12-оят)

„Эрталаб бир ойлик, кечки пайт бир ойлик (масофани босиб ўтадиган“, деган жумла бизнинг диққатимизни Сулаймон Пайғамбар (а.с.) эҳтимол самолётга ўхшаш технологиядан фойдаланиб, турли ҳудудлар орасида тез ҳаракат қилганлиги ёки узоқ масофаларни тезликда босиб ўта оладиган, шамол қуввати билан ишловчи транспорт воситаси яратганлигига қаратаётган бўлиши мумкин. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.) Шундай экан, бу оятлар бизга замонавий самолёт технологияси ҳақида ишора қилаётган бўлиши табиий.



ТАСВИРНИНГ УЗАТИЛИШИ

Китобдан (Исми аъзамдан) хабардор бўлган зот эса: „*Мен кўзинг ўзингга қайтгунича (кўз очиб-юмгунигча) уни сенга келтиурман*“, – деди. Бас, унинг (тахтнинг) ўз ҳузурида турганини кўргач, деди: „Бу Раббимнинг шуқр қиламанми ёки ношуқрлик қиламанми, имтиҳон этиш учун берган фазлидандир ...“ („Намл“ сураси, 40-оят)

„Китобдан (Исми аъзамдан) хабардор бўлган зот“ Сулаймон Пайғамбар (а.с.)га малика Сабаънинг тахтини унга жуда тез келтира олишини айтади. Бу эҳтимол бугунги кун илғор технологиялари билан тасвирларнинг узатилишига бир ишорадир. Бошқа бир оят бу хусусда шундай хабар қилади:

(Шунда) жинлардан бир алвасти айтди: „Мен уни сенга ўрнингдан туришингдан илғари келтиурман. Албатта, мен бунга қодир ва ишончлидирман.“ („Намл“ сураси, 39-оят)

Ҳозирги кунда матн, суратлар ва фильмлар Интернет ва компьютер технологияси соҳасида қўлга киритилган ютуқлар ёрдамида дунёнинг ҳар қандай бурчагига бир неча сонияларда етказилиши мумкин. Мисол учун, маликанинг тахтини Сулаймон Пайғамбар (а.с.)нинг қароргоҳига жуда тез олиб келтириш тўғрисидаги ҳақиқат келгусида уч ўлчовли сурат ёки тасвирни кўз очиб-юмгунча Интернет орқали жўнатиш имконияти туғилишини назарда тутаётган бўлиши мумкин.

Олимларнинг фикрига кўра, яқин келажакда атом ва молекулалар ҳамда каттароқ жисмларнинг телепортацияси ҳақиқатга айланиши мумкин. Бу услуб орқали предметларнинг моддий хусусиятлари бир жойдан олиниб, улар қайта қуриладиган бошқа жойга ҳар бир жиҳати ва атом кетма-кетлигини сақлаган ҳолда узатилади. Бир кун келиб бу технология ишга тушадиган бўлса, макон ва замон муайян бир масофани босиб ўтишга ортиқча тўсқинлик қила олмайди ва предметлар ҳеч қандай масофани босиб ўтмасдан бир зумда ҳар қандай жойга ташиб ўтила олиши мумкин.¹⁹⁷

1998 йилда Калифорния Технология институти (Калтех)да иккита европалик гуруҳ билан ишлаётган физиклар фотонни ташиб ўтишга муваффақ бўлдилар. Олимлар фотоннинг атом тузилишини ўқиш орқали унинг нухасини шаклантирдилар, сўнгра бу маълумотни

1 метр (3,28 фут) масофага олиб узатиш шарафига муяссар бўлдилар. Яқинда ўтказилган бошқа бир телепортация тажрибасида Австралия Миллий университети (АМУ)да фаолият кўрсатаётган Пинг Кой Лам ва бошқа тадқиқотчилар лазер нурини қисқа масофага узата олдилар.¹⁹⁸

Дарҳақиқат, 2002 йил 17 июлда CNN ахборот телеканали берган баёнотга кўра, Канберрадаги Австралия Миллий университетида иш олиб бораётган бир гуруҳ физиклар лазер нурини ажратишган ва уни бир неча метр масофага „олиб узатишган“. Гуруҳнинг бошлиғи Пинг Кой Ламнинг хабар беришича, улар ҳали материяни унинг атом ҳолатида узата олишга муваффақ бўлмаганлар. Бироқ унинг фикрига кўра, бу ечими топилмайдиган масала эмас, балки келажакда рўёбга чиқиши мумкин бўлган ҳақиқатдир.

Nature номли илмий бир журналда чоп этилган изланишга кўра, Даниянинг Орхус университетида иш олиб бораётган Южин Ползик ҳамда унинг ҳамкасблари лазер нури ва квант физикасидан фойдаланиб, кўп сонли атомлар устида муваффақиятли тажрибалар ўтказишган.¹⁹⁹ Ўзининг телепортация салоҳияти таҳлилида (*Scientific America* журналида чоп этилган) австралиялик физик Антон Зейлингер физика қонунларини бузмасдан туриб, анча мураккаб тизимларни телепортация қилиш мумкин эканлиги ҳақида маълумот берган.²⁰⁰

Қуръон оятида „Токи уларга унинг (Қуръоннинг) ҳақ экани аниқ маълум бўлгунича, албатта, Биз уларга атрофдаги ва ўз вужудларидаги аломатларимизни кўрсатажакмиз...“ („Фуссилат“ сураси, 53-оят) деб ваҳий қилинганидек, бу илмий тараққиётлар Қуръонда зикр этилган технологияларнинг бир қисми бўлиб, уларнинг барчаси унинг мўъжизавий жиҳатларини очиб беради.



ҲИДНИНГ УЗАТИЛИШИ

У (Юсуф) деди: „Бу кун сизларга нисбатан айблов йўқ. Аллоҳ сизларни мағфират қилгай. У раҳм қилувчиларнинг раҳмлироғидир. Сизлар мана бу кўйлагимни олиб бориб, отамнинг юзига ташлангиз, шунда кўрадиган бўлиб қолур. Сўнг барча аҳлу оилаларингиз билан бирга менинг олдимга келингиз!“ Карвон (Мисрдан) чиқиши билан оталари (Яъқуб ўз ҳузуридаги кишиларга): „Мен Юсуфнинг ҳидини сезмоқдаман. Мени ақдан озганга чиқармасангиз, бас“, – деди. („Юсуф“ сураси, 92–94-оятлар)

Замонамиз олимларининг маълум қилишларича, яқин келажакда атомлар ва бўй (ҳид) молекулаларини телепортация қилиш имконияти юзага келиши мумкин. „Юсуф“ сурасининг 94-оятида Юсуф Пайғамбар (а.с.)нинг отаси ўғлининг ҳидини сезаётганлигини айтади. Олимлар ҳам яқин орада худди расмлар ва уч ўлчовли тасвирлар жўнатилгани каби, ҳидлар жўнатилиши мумкинлигини таъкидлашмоқда. Демак, бу оят ҳозирги тадқиқотдан ҳидни олиб узатиш усули келиб чиқадиган жадал технологиядан бир аломат бўлиши мумкин.

Худди бошқа сезги туйғуларимиз каби, ҳид ҳам миёда шаклланади. Масалан, лимон пўчоғининг молекулалари буруннинг ҳид билиш рецепторларини кўзгатади, сўнг бу рецепторлар уларни электр сигналлари шаклида миёга таҳлил учун узатади. Демак, ҳиднинг сигнали сунъий равишда бошқа шаклда ҳосил қилинса, ҳид худди шу шаклда идрок этилиши табиий. Чунончи, „электрон бурун“ мана шундай тадқиқот соҳаларидан бири бўлиб, у ҳам яқин келажакда ҳақиқатга айланиши турган гап.

Инсоннинг ҳидни идрок этиш тизими шуғуллантирилган бурун учун 10000 тагача бўйни номлаш ва фарқлай олишга имконият яратиши мумкин. Парфюмерия (духи) бизнеси билан шуғулланувчи, махсус кимёвий машғулотлардан ўтган профессионаллар юзлаб турли хушбўй моддалардан таркиб топган атирни ҳидлаб, сўнг унинг таркибий қисмларини санаб бера олиш қобилиятига эгадирлар.²⁰¹ Инсон бурнидаги бу буюк ихтиро кўплаб олимларга худди шундай жиҳоз яратишга далда берди. Турли тадқиқот ва ривожлантириш марказларида инсоннинг бундай ҳидни идрок этиш тизими нусхасини яратишга уринишлар давом этмоқда. Шу аснода, ишлаб чиқилган моделлар „электрон бурун“ атамаси билан номланади.


Инсон бурнининг рецепторлари оқсиллардан ташкил топган, унинг электрон вазифадошида эса улар бир қатор кимёвий рецепторлардан тузилган. Ҳар бир рецептор турли ҳидларни топишга мўлжалланган, уларнинг фарқлаш қобилияти қанчалик оширилса, маҳсулотни ишлаб чиқиш шунчалик қийинроқ ва нархи қимматроқ бўлади. Датчиклар томонидан қабул қилинадиган сигналлар электрон тизимлар воситасида иккилик кодларга айлантирилади ва сўнг компьютерга узатилади. Электрон тизимларга ҳидни топиш учун масъул нерв ҳужайраларининг тақлиди сифатида қаралса, компьютерни мия деб ўйлаш мумкин. Компьютер маълумотларни таҳлил қилишга дастурлаштирилиб қўйилади ва шу тариқа иккилик код сигналларини фаҳмлайди.

Электрон бурунлар ҳозирги пайтда озиқ-овқат, парфюмерия ва кимё саноатлари ҳамда тиббиётда ишлатилмоқда. Университетлар ва Халқаро ташкилотлар ҳам бундай лойиҳаларга катта ёрдам бермоқда. Шундай бўлса-да, Уорик университети ходими Жулиан У. Гарднер таъкидлаганидек, тадқиқотчилар ҳамон бу технологиянинг илк босқичидадирлар.²⁰²

НАСА тадқиқотчилари фазони тадқиқ қилиш учун ўта сезгир сунъий бурун яратишмоқда. Деярли ҳар қандай таркибни фарқлай олишга дастурлаштирилиши мумкин бўлган бу қурилма инсон бурнига нисбатан анча сезгирроқ. У келгусида заковат хавфсизлиги тизимининг бир қисми сифатида хизмат қилади ва космик станцияда хавфли моддаларни топишга қодир бўлади.²⁰³



Duftspezialisten фирмаси томонидан ишлаб чиқилган USB-P@d аппарати шахсий компьютерларга улардан фойдаланувчиларнинг дидига кўра ҳидлар таратиш имкониятини яратади. Ҳид узатувчи бу аппарат ёрдами билан дисковод компьютер-назоратли ҳаво оқимини йўлга қўйиши мумкин. Ҳид 20 хил мойлар билан тўлдирилган алмашувчан катриждан келади. Компьютер назорат қиладиган бу ҳидлар табиатдан ўзига хос товуш ҳамда тасвирларни ҳам таъминлаши мумкин.



Аллоҳ осмонлар ва Ерни яратган ва
осмондан сув (ёмғир, қор) ёғдириб,
у сабабли сизларга ризқ бўладиган
меваларни чиқарган зотдир ...
(„Иброҳим“ сураси, 32-оят)

ЭЛЕКТРДАН ФОЙДАЛАНИШ

... ва унинг учун эриган мис булоғини оқизиб қўйдик. („Сабаъ“ сураси, 12-оят)

Аллоҳ Сулаймон Пайғамбар (а.с.)га берган буюк неъматларидан бири „мис булоғи“дир. Бу турли маъноларда тушунилиши мумкин. „Эриган мис“ жумласини ишлатиш билан бу оят Сулаймон Пайғамбар (а.с.) даврида электрдан фойдаланган илғор технологиянинг мавжуд бўлганлигини назарда тутаётган бўлиши мумкин. Бизга маълумки, мис электр ва иссиқлик ўтказувчи энг яхши металллардан бири бўлиб, у дунёда ишлаб чиқиладиган миснинг кўп қисмини сарф қилувчи электр энергияси саноатининг асосини ташкил этади. „Оқизиб қўйдик“ жумласи эса, электрнинг кўп соҳаларда ишлатилиши мумкинлигига ишора қилаётган бўлиши мумкин. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.)



АРТЕЗИАН БУЛОҚЛАРИ

Уларни ўн икки уруғ-уммат қилиб бўлиб ташладик ва Мусодан қавми сув талаб қилганда, унга: „Асойинг билан тошни ургин!“ — деб ваҳий қилган эдик, (урғач) ундан (тошдан) ўн икки чашма отилиб чиқди. Ҳар бир (уруғга тегишли) одамлар ўз сув ичадиган жойини билиб олдилар. Улар узра булутларни соябон қилдик ва устиларидан ширинлик ва беданалар ёғдириб: „Сизларга ризқ қилиб берган нарсаларимизнинг покларидан тановул қилингиз!“ (дедик). Улар (итоат қилмай) Бизга зулм қилмадилар, балки ўзларига зулм қиладиган бўлдилар. („Аъроф“ сураси, 160-оят)

Юқоридаги оят Мусо Пайғамбар (а.с.)нинг қавми ундан қандай қилиб сув сўраганлиги ва унинг қандай қилиб ҳар бир уруғни сув ичиш мумкин бўлган жойлар билан таъминлаганлигини тасвирлайди. Шу нарса аниқки, унинг қавми сув тақчиллигидан азоб чекар эди. Бундай тақчиллик ҳануз мавжуд бўлиб, 1 миллиарддан ортиқ одам бугунги кунда тоза сув ичимлигидан фойдаланиш имкониятига эга эмас ва 2,4 миллиард одам эса ҳамон санитарияга зид шароитда кун кечирадилар. Тахминий ҳисобларга кўра, 2025 йилга бориб 5 миллиард одам сувдан етарли миқдорда фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўладилар.²⁰⁴ Ҳар йили 12 миллионгача одам ичимлик суви етишмаслигидан ҳаётдан кўз юмиб, улардан 3 миллиони сув орқали юқувчи касалликлар оқибатида нобуд бўладиган болаларни ташкил этади.²⁰⁵

Бугунги кунда дунё аҳолисининг 8 фоизини ташкил этувчи 31 та мамлакатда сурункали тоза сув танқислиги ҳукм сурмоқда. 2025 йилга бориб, бу кўрсаткич 48 та мамлакатга ортиши мумкин.²⁰⁶ БМТ нинг тахминларига кўра, ичимлик суви 2025 йилга келиб янада кўпроқ чекланган манбага айланади ва айни пайтда сув муаммосига дучор бўлган аҳоли сони 817 миллионга (аҳоли сони секин ўсиши тахмин қилинганда) ёки 1,079 миллиардга (аҳоли сони тез ўсиши тахмин қилинганда) кўпайиши мумкин.²⁰⁷

Энг катта тоза сув манбаи бўлган ер ости сувлари ичиш учун мавжуд сув захираларининг 90 фоизидан кўпроғини ташкил этади²⁰⁸ ва у 2 миллиардга яқин одамнинг сувга бўлган эҳтиёжини қондиришда жуда муҳим аҳамият касб этади.²⁰⁹ У Америка аҳолисининг деярли 50 фоизи учун биринчи даражали сув манбаи бўлиб, қишлоқ жойларда бу рақам 95 фоизгача чиқади.²¹⁰ Шу билан бир вақтда, бу сувдан геотермал энергия ишлаб чиқариш ва иссиқлик насосларидан фойдаланиш орқали энергияни тежаш учун фойдаланиш мумкин.

Тупроқдан сўриб олинган сув ер остидаги сув ўтказмас қатламга дуч келгач, у ерда тўпланади ва сув манбаини ҳосил қилади. Бу сув

кейинчалик артезиан усули орқали ер юзасига олиб чиқилади. Артезиан булоқлари ер ости сувларини ғамлай оладиган чўкинди тоғ жинслари орқали ҳосил бўлади.

Артезиан қудуқларининг тошли жойлардан ковлаб чиқарилиши Курьоннинг тафсилоти билан бир хилдир. „Аъроф“ сурасининг 160-оятида қайд этилган ҳақиқат, яъни Аллоҳнинг Мусо Пайғамбар (а.с.)га тошни уришни амр қилиши мана шу услубни назарда тутаётган бўлиши мумкин. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.) „Урмоқ“ деб таржима қилинган „изриб“ феъли „кўтармоқ, очмоқ“ деган маъноларни ҳам англатади. Шундай экан, бу оят тошнинг кўтарилиши орқали очиладиган сув манбаини тасвирлаётган бўлиши мумкин. Натижада „инбажаса“ (отилиб чиқмоқ, эркин оқмоқ, биқирлаб чиқмоқ, оқмоқ) феъли таърифлаётганидек, худди артезиан булоқларида содир бўлгани каби, босимли сув пайдо бўлган бўлиши мумкин. Агар етарли даражадаги босим шаклланган бўлса, сув насоссиз ҳам ер юзига оқиб чиқишни давом этаверади.

Эътиборли томони шундаки, ҳозирги кундаги сув тақчиллиги билан боғлиқ муаммоларнинг ечими ер ости сув манбаларидан фойдаланиш орқали топилади. Дарҳақиқат, буни амалга оширишнинг энг самарали йўлларида бири артезиан қудуқларидир. Бошқача қилиб айтганда, биз Мусо Пайғамбар (а.с.)нинг ҳатто ҳеч қандай маълумотга эга бўлмасдан ҳам тошни уриши ёки кўтариши услубига тақлид қилаётган бўлишимиз мумкин. Шундай қилиб, „Аъроф“ сурасининг 160-ояти артезиан қудуқларини (биринчи артезиан қудуғи 1126 йилда Франциянинг Артуа деган жойида очилган) назарда тутаётган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.)

Ёпиқ артезиан сувини сақлайдиган қатлам сув ўтказмайдиган жинсли қатлам билан қопланган ва чегараланган бўлади. Бу қатлам сувнинг ундан пастга филтрланиб кетишига йўл қўймайди. Бунинг ўрнига, нам сақлайдиган жинсли қатлам юқорига кўтарилган ва қияланган тўлдириб борувчи ҳудуд орқали сув унга киради. Артезиан сувини сақлайдиган қатлам ичидаги оқим J-шаклли қувур орқали оқиб ўтувчи сувга ўхшаб кетади. Қувурнинг узун томонидан қуйилган сув қувурнинг қисқа томонидаги сувни юқорига қараб ҳайдаб чиқиш учун етарли босимни таъминлаб беради.



ТЕХНИКАДА ЧУМОЛИЛАР АРМИЯСИ

То улар чумолилар водийсига етганларида, бир чумоли: „Эй, чумолилар! Уяларингизга кириңгиз, яна Сулаймон ва унинг лашкарлари ўзлари сезмаган ҳолларида сизларни эзиб кетмасинлар!“ — деди. („Намл“ сураси, 18-оят)

„Чумолилар водийси“ махсус жой ва махсус чумолиларни назарда тутади. Шунингдек, Сулаймон Пайғамбар (а.с.)нинг чумолилар ўртасидаги ўзаро суҳбатни эшита олганлиги компьютер технологиясидаги келгуси тараққиётларга ҳам ишора қилаётган бўлиши мумкин. Ҳозирги пайтда қўлланилаётган „Кремний водийси“ деган атамадан технология оламининг маркази тушунилади. „Чумолилар водийси“ Сулаймон Пайғамбар (а.с.)нинг ҳаёти тасвирланаётган пайтда пайдо бўлиб қолиши, айниқса, катта аҳамиятга эга. Аллоҳ бизнинг эътиборимизни келажакнинг тараққий этган технологиясига қаратаётган бўлиши мумкин.


Жумладан, чумолилар ва бошқа ҳашарот турлари робот лойиҳаларида модель сифатида илғор технологиялар учун кенг қўлланилмоқда ва улар мунофаа саноатидан тортиб технология каби кенг қамровли соҳаларда хизмат қилишга мўлжалланган. Бу оят мана шундай ривожланишларга ҳам ишора қилаётган бўлиши мумкин.

Мини технологиядаги сўнги ютуқлар:

Чумоли армияси роботлари

Чумолилардан модель сифатида фойдаланадиган энг машҳур лойиҳа бир неча мамлакатларда мустақил равишда амалга оширилаётган „Чумоли армияси роботи“ лойиҳасидир. Виржиния Поли-





техника институти ва Виржиния давлат университетида олиб борилаётган бир тадқиқот робот армияси сифатида фойдаланиш мумкин бўлган кичик, арзон ва оддий, жисмонан ўхшаш роботларни ишлаб чиқиш устида изланмоқда. Лойиҳани амалга оширувчи гуруҳ бу роботларнинг амалийлигини қуйидагича тушунтирадилар: „Уларнинг уйғун ҳолда гуруҳ бўлиб ҳаракат қилиш усули бир қатор жисмоний вазифаларни амалга оширади ва умумий қарорлар қабул қилади“. Бу робот армияларининг механик ва электрик лойиҳалари чумоли жамиятининг хатти-ҳаракатига асосланади. Улар ўзларининг ҳашарот вазифадошларига ўхшаб кетиши туфайли „чумоли армияси роботлари“ деб аталади.

„Чумоли армияси“ робот тизими дастлаб „материал ташувчи тизим“ сифатида лойиҳалаштирилган эди. Бу лойиҳага кўра, бир қанча кичик роботларга нарсаларни ҳамкорликда кўтариш ва ташиш вазифаси юклатилиши керак эди. Кейинроқ эса улардан бошқа вазифалар учун ҳам фойдаланиш мумкин, деган қарорга келинди. Бир маълумотнома улар учун келгусида тайинланиши мумкин бўлган бошқа вазифаларни қуйидагича ёритади:

Робот „тўдалари“ билан ядро ва хавfli чиқитларни тозалаш, кон қазиб олиш (шу жумладан, ашё олиб кетиш ва излаб қутқариш),






миналарни топиб йўқ қилиш (ҳам сувда, ҳам ерда), назорат қилиш ва қоровулик, сайёра юзасини тадқиқ қилиш ва қазиш.²¹¹

Чумоли робот технологияси бўйича мутахассис Израил А. Уагнернинг баёнотида чумоли робот лойиҳалари қуйидагича тасвирланган:

„Чумоли робот“лар умум мақсадларга эришиш учун ҳамкорлик қилишга мўлжалланган жисмонан содда ёки самарали жонзотлардир. Улар жуда чекланган энергия манбаи сарф қилиш, сезиш ва ҳисоблаш ҳамда худди кўпчилиқ ҳашаротлар табиий равишда қилганлари каби иш жойи ёки ерда қолдириб кетилган излар орқали алоқа қилишга мўлжалланган ...

Кўп сонли чумоли (агент)лар ўртасидаги иш ё агентларга буйруқ жўнатувчи марказий назоратчи томонидан тақсимланади, ёки пировардида берилган топшириқнинг, агар агентлар итоат этса, адо этилишига сабаб бўлувчи маълум бир тақсимот бўйича априори келишув орқали амалга оширилиши мумкин. Мазкур иш давомида қўлланиладиган учинчи услуб ҳар бир роботнинг хатти-ҳаракатини шундай лойиҳалаштиришдики, ҳамкорлик уларнинг иши давомида, априори қарорлар қилмасдан, табиий равишда юзага келади. Улар татбиқ этиш ёки қидириш, уйнинг полини тозалашдан тортиб номаълум сайё-





ранинг харита-
сини тузиш ёки
миналаштирил-
ган майдонни
зарарсизланти-
ришгача кўплаб со-
ҳаларда қўлланилиши мумкин.²¹²

Бу мисоллардан кўриниб турибдики, чумолининг ижтимоий ҳаёт тарзи кўплаб лойиҳаларнинг асосини ташкил этади ва чумолига асосланган робот технологиялари инсон учун наф келтирмоқда. Шунга кўра, Сулаймон Пайғамбар (а.с.) ҳаётининг Қуръондаги тафсилотида чумолилар ва уларнинг водийсига эътибор қаратилганлиги жуда аҳамиятлидир. Оятдаги „чумолилар“ деган сўз роботлардан иборат армияни, робот технологиясидаги келажак тараққиёти ва роботлар инсон ҳаётида муҳим роль ўйнашига ишора қилаётган бўлиши мумкин. Мисол учун, улар кўплаб қийинчиликлар билан тўла вазифаларни бажариб, одамларнинг ҳаётларида кўпроқ қулайликлар яратиши мумкин. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.)



АТОМ ЭНЕРГИЯСИ ВА ПАРЧАЛАНИШ

Аллоҳ дон ва уруғларни ёрувчи (ва ундирувчи)дир. Ўликдан тирикни чиқаради ва (У) тирикдан ўликни чиқарувчидир. Ана ўша Аллоҳдир. Бас, қаяққа оғиб кетаяпсиз? („Анъом“ сураси, 95-оят)

Юқоридаги оятда келтирилган „дон“ (*ал-ҳабб*) ва „уруғ“ (*ан-наваа*) сўзлари атомнинг бўлинишини назарда тутаётган бўлиши мумкин. Дарҳақиқат, „*ан-наваа*“ „ядро, марказ, атом ядроси“ деган луғавий маъноларга эга. Бинобарин, ўликдан тирикни чиқаришнинг тасвирланиши Аллоҳ ўлик энергиядан материяни яратади деб ҳам тушунилиши мумкин. Тирикдан ўликни чиқариш эса материя (тирик)дан энергия (ўлик)нинг юзага келишини англатиши мумкин, чунки атом доимий ҳаракатда бўлади. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.) Бундай фикрнинг туғилишига сабаб „*ал-ҳайй*“ сўзи „тирик“ маъносидан ташқари „фаол, серҳаракат, гайратли“ деган маъноларни ҳам англатишидир. Оятда „ўлик“ деб таржима қилинган „*ал-маййит*“ сўзи „тирик эмаслик, жонсиз“ деган маънони англатиши билан энергияни назарда тутаётган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.


Олимлар энергияни иш бажариш қобилияти, деб таърифлайдилар. Ер юзи ва коинотдаги барча нарсаларни ташкил этувчи ашё материя бўлиб, у микроскоп остига олиб қаралганда ҳаракатланаётганлигини кўриш мумкин бўлган атомлар ва молекулалардан иборат. XX асрнинг бошларида Альберт Эйнштейн (1955 йилда вафот этган) материяни энергияга айлантириш мумкинлигини ва бу иккиси атом даражасида ўзаро ички боғланганлигини назарий жиҳатдан исботлади.²¹³ Бу юқоридаги оятда қайд этилганидек, эҳтимол тирикдан ўликни чиқариш ёки бошқача қилиб айтганда, атом даражасида ҳаракатда бўлган материядан энергия олиш демакдир. Жумладан, „чиқаради“ деб таржима қилинган „*йухрижу*“ сўзи „дунёга келтирмоқ, таратмоқ, тарқатмоқ, чиқармоқ“ деган (электр тўлқинли ҳолатдаги каби) маъноларга ҳам эга. Демак, бу оятдаги жумлалар атомдан олинadиган энергия шаклини назарда тутаётган бўлиши мумкин. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.)

Олимлар ҳозирги кунда атомни, унинг ядросини парчалаш орқали бўла оладилар. Эйнштейннинг назарияларидан бошланиш нуқтаси сифатида фойдаланиб, улар 1940 йилда ядроларни парчалаш (атом ядросини бўлиш жараёни) орқали материядан энергия олишга муваффақ бўлдилар. „Анъом“ сурасининг 95-оятида „ёрмоқ“ деб

таржима қилинган „*фаалиқу*“ сўзи парчаланнинг луғавий маъносини — (атом ядросини) бўлиш жараёнига ишора бўлиши мумкин. Бу жараён содир бўлганда жуда катта миқдордаги энергия чиқарилади.

„Анъом“ сурасининг 95-оятдаги сўзлар маънолари жиҳатидан жуда салмоқлидир. Бу оятда таърифланган ҳодисалар билан атом энергиясини олиш учун атомнинг ядросини бўлиш ўртасида жуда яқин ўхшашлик мавжуд. Шундан келиб чиқиб, бу оят фақатгина XX аср технологияси ёрдамида амалга ошириш имкони бўлган ядро парчаланишини назарда тутати, дейиш мумкин. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.)

Бугунги кунда атомнинг ядроси, ядрони парчалаш орқали, кичикроқ ядроларга бўлиниши мумкин.



УЧИНЧИ КИТОБ

КУРЪОНДА ҚАЙД
ЭТИМБАН ПАРХИНИ
ДАММАР



„ҲОМОН“ ВА ҚАДИМГИ МИСР ЁДГОРЛИКЛАРИ

Қуръон Мусо Пайғамбар (а.с.)нинг ҳаётини жуда аниқ қилиб ёритади. Қуръон Фиръавн ва унинг Исроил фарзандларига бўлган муносабатини сўзлаб бериш билан бир қаторда, Қадимги Миср ҳақида жуда бой маълумотларни ошкор қилади. Бу тарихий маълумотларнинг аҳамияти яқиндагина дунёнинг билимдон кишилари эътиборига тушди. Агар бу маълумотлар устида бир оз мулоҳаза юритилса, шу кунларда кашф қилинаётган барча муҳим илмий, тарихий ва археологик топилмалар билан бевосита алоқадор бўлганлиги боис, Қуръон ва ундаги маълумотлар ҳамма нарсани билгувчи зот Доно ва Қодир Аллоҳ томонидан ваҳий қилинганлигини тезда фаҳмлаш мумкин.

Бу доноликка Фиръавн билан бир қаторда исми Қуръонда қайд этилган шахс – Ҳомонга Қуръонда эътибор берилганлигини мисол қилиш мумкин. Унинг исми Қуръоннинг олти жойида тилга олинган

бўлиб, у Фиръавннинг энг яқин тарафдорларидан бири бўлганлигини бизга маълум қилади.

Ажабланарли томони шундаки, Тавротнинг Мусо Пайғамбар (а.с.) ҳаётига алоқадор бўлган бўлимларида Ҳомон деган исм умуман қайд этилмаган. Бироқ Тавротнинг охириги қисмларида Ҳомон Мусо Пайғамбар (а.с.)дан тахминан 1100 йил сўнг исроилликларга кўп шафқатсизликлар келтирган Бобил қиролининг ёрдамчиси сифатида тилга олинади. Қуръон эса яқинда очилган археологик кашфиётлар билан ҳамоҳанг равишда, Мусо Пайғамбар (а.с.)нинг ҳаёти билан боғлиқ „Ҳомон“ деган сўзни ўз ичига олган.

Мисрча иероглиф ёзувини ўқий олиш имконияти бундан тахминан 200 йил аввал кашф қилингандан ва Ҳомон деган исм қадимги ёзувларда топилгандан сўнг айрим мусулмон бўлмаган шахслар томонидан Ислом китобига қараб отилган танқидий фикрлар ўз-ўзидан ғойиб бўлди. XX асргача Қадимги Миср ёзувлари ва шартли белгиларига тушуниб бўлмас эди. Қадимги Миср тили сўзлар эмас, балки шартли белгилар, иероглифлардан ташкил топган. Худди замонавий сўзлар каби муҳим воқеаларни ҳикоя қилувчи ва қайд этувчи бу расмлар қоя ва тошларга ўйиб солинган бўлиб, уларнинг кўпчилиги асрлар оша ҳануз мавжуд бўлиб келмоқда. II ва III асрларда насронийлик ва бошқа маданий таъсирлар натижасида Миср бугунги кунда ўлик деб ҳисобланадиган иероглиф ёзуви билан бир қаторда, ўзининг қадимий мафкураларидан умрбод воз кечди. Иероглифлардан фойдаланиб ёзилган энг охириги намуна 394- йилга бориб тақаладиган ёзувдир. Расмлар ва шартли белгилар унутилган эди ва уларни ўқиб тушунадиган бирор киши қолмаган эди. Табиийки, бу тарихий ва археологик далилларни ўрганиш имкониятини чеклар эди. Бу ҳолат бундан II аср бурунги давргача давом этиб келди.

1799 йилда, „Rosetta Stone“ деб аталадиган ёзувли доска кашф қилиниши билан Қадимги Миср иероглифларининг сири ошкор бўлди. Бу ажойиб топилма милоддан аввалги 196- йилга бориб тақалар эди. Бу ёзувнинг аҳамиятли томони шунда эдики, у учта турли иероглифлар, авомга хос (Қадимги Миср иератик ёзувининг содалаштирилган шакли) ва юнон ёзув турларида ёзилган эди. Грек

ёзуви ёрдамида Қадимги Миср ёзувлари биз тушунадиган тилга ўгирилди. Бу ёзувлар Жан-Франсуа Шамполлион исмли француз археологи томонидан таржима қилинди. Шу тариқа унутилган тил ва воқеаларга аниқлик киритилди ва Қадимги Мисрнинг цивилизацияси, дини ва ижтимоий ҳаёти тўғрисидаги жуда кўп маълумотлар инсоният учун фойдаланиш мумкин бўлган ҳолатга келтирилди. Бу эса, ўз навбатида, инсоният тарихидаги муҳим бир эра ҳақидаги билимга кенг йўл очиб берди.

Иероглифларни тушунарли тилга ўгириш орқали жуда муҳим бир маълумот ошкор бўлди: Ҳомон деган исм ҳақиқатдан Миср ёзувларида қайд этилган эди. Бу исм Венадаги Ҳоф музейида сақланаётган ёдгорликда ҳам мавжуд бўлиб, Ҳомон ва Фиръавн ўртасидаги яқин алоқани назарда тутар эди.²¹⁴

Барча ёзувлар тўпламига асосланиб тайёрланган *People in the New Kingdom* (Янги Қиролликдаги одамлар) луғатида Ҳомон „тош қазувчи ишчиларнинг бошлиғи“ деб тилга олинади.²¹⁵

Натижада жуда муҳим ҳақиқатга аниқлик киритилди: Ҳомон Мусо Пайғамбар (а.с.) даврида Мисрда яшаган шахс бўлиб чиқди. У Фиръавннинг яқин кишиси бўлиб, худди Қуръонда таъкидлангани каби, қурилиш ишларида иштирок этган эди.

Фиръавн: „Эй, одамлар! Мен сизлар учун ўзимдан бошқа (бирор) илоҳни билмасман. Бас, эй, Ҳомон! Лойни пишириб, (ғишт куйиб) мен учун бир баланд бурж (минора) бино қил! Шоядки, мен (унинг устига чиқиб) Мусонинг илоҳини кўрсам. Мен уни ёлгончилардан деб ўйламоқдаман“, — деди. („Қасас“ сураси, 38-оят)

Фиръавннинг Ҳомонга минора қуришни амр этишининг Қуръон оятида тасвирланиши бу археологик топилма билан тўлиқ мос келади. Мана шу ажойиб кашфиёт натижасида Қуръонга муҳолиф бўлганларнинг бемаъни даъволари янглиш ва фикран аҳамиятсиз эканлиги исботланди.

Қуръон мўъжизакорона, Пайғамбаримиз (с.а.в.) даврида маълум бўлмаган ёки тушунилмаган тарихий маълумотларни бизга етказди. Иероглифларни 1700 йилнинг охиригача тушунишнинг имкони бўлмади, шунинг учун Миср манбаларидан маълумотларни аниқлаб

бўлмас эди. Ҳомон деган исмнинг қадимий ёзувларда топилиши Аллоҳнинг сўзи ишончли эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Ҳомон деган исм Миср иероглифлари XIX асрда тушунарли тилга ўтирилмагунча номаълум бўлиб келди. Иероглифлар тушунарли тилга ўтирилганда Ҳомон Фиръавннинг яқин ёрдамчиси ва „тош қазувчиларнинг бошлиғи“ бўлганлиги маълум бўлди. (Куйида Қадимги Миср қурувчи ишчиларининг тасвири туширилган.) Бу ерда аҳамиятга молик маълумот шундаки, Ҳомон Фиръавннинг амрига биноан қурилиш ишларини юритган шахс сифатида Қуръонда қайд этилган. Бу ўша пайтда бирор кишининг билиши мумкин бўлмаган маълумот Қуръонда берилган, деган маънони ҳамда унинг диққатга сазовор эканлигини англатади.



МУСО ПАЙҒАМБАР (А.С.) ВА ДЕНГИЗНИНГ ИККИГА БЎЛИНИШИ

Мисрнинг Фиръавнлар номи билан маълум ҳукмдорлари ўзларини илоҳ, деб ҳисоблар эдилар. Миср халқи хурофий ақидаларга асосланган тизимни илоҳий мафкура тизимидан устун қўйган бир пайтда, Исроил фарзандлари кулликка, асоратга солинган бир даврда, Аллоҳ Мусо Пайғамбар (а.с.)ни Миср қавмига элчи қилиб жўнатди.

Бироқ Фиръавн ва унинг ҳайъати, умуман олганда, Миср халқини Мусо Пайғамбар (а.с.) илоҳий динга ва Аллоҳнинг Ягоналигига даъват этганда, улар ўз бутпараст ақидаларидан воз кечишни деярли бутунлай рад этишди. Мусо (а.с.) Фиръавн ва унинг ҳайъатидагиларни Аллоҳнинг қаҳридан огоҳ қилиб, ёлғон ибодат, сиғинишга берилмасликка чақирди. Бунга жавобан улар Мусо (а.с.)га туҳмат, бўҳтон тошларини отдилар. Улар уни ақлдан озганликда, жодугарликда ва ёлғончиликда айбладилар. Фиръавн ва унинг маслакдошлари ҳатто ўзларининг устларига кўплаб бахтсизликлар ёғдирилган бўлишига қарамай, Мусо Пайғамбар (а.с.)га ён беришдан бош тортдилар. Улар ҳатто Мусо (а.с.)ни ўз бошларига тушган кулфатларга сабабчи, деб билдилар ва уни Мисрдан қувғин қилиш йўлларини ахтардилар. Аллоҳ Қуръонда Мусо (а.с.) ва унга эргашган мўминларга қуйидагича эътибор қаратади:

Биз Мусога: „Бандаларим (Исроил авлоди) билан тунда йўлга чиққин! Албатта, сизларнинг изингизга тушилур“, — деб ваҳий юбордик. Бас, Фиръавн барча шаҳарларга (аскар) йиғувчиларни жўнатди (ва деди): „Аниқки, улар озгина кишилардир. Дарҳақиқат, улар (чиқиб кетишлари билан) бизларни ғазаблантирувчидирлар! Бизлар эҳтиёткор жамоадирмиз.“ Бас, уларни (Фиръавн ва унга эргашганларни) боғлар ва булоқлардан айирдик. Хазиналар ва шинам маскандан ҳам. Яна уларга (хазина ва масканларга) Исроил авлодини ворис қилдик. Бас, (Фиръавн лашкари) тонг пайтида уларнинг изига тушдилар. („Шуаро“ сураси, 52—60-оятлар)

Қуръонда нозил этилганидек, мазкур таъқибдан сўнг бу икки жамоа денгиз қирғоғида юзма-юз келадилар. Шунда Аллоҳ денгизни қоқ иккига бўлади ҳамда Мусо (а.с.) ва унга эргашган мўминларни

қутқариб, Фиръавн ва унинг одамларини ўлимга маҳкум қилади. Аллоҳнинг бу мадади қуйидагича ваҳий қилинади:

Бас, Биз Мусога: „Асойинг билан денгизни ургин!“ — деб ваҳий юбордик. Бас, (денгиз) бўлиниб, ҳар бир бўлак (сув баландга кўтарилиб) улкан тоғ каби бўлди. Бошқаларни (Фиръавн ва унинг лашкарини ҳам) ўша (йўл)га яқинлаштирдик. Мусо ва у билан бирга бўлганларнинг барчаларини (Фиръавн таъқибидан) қутқардик. Сўнгра бошқаларни (денгизга) ғарқ қилиб юбордик. Албатта, бунда ибрат бордир. (Лекин одамларнинг) кўплари имон келтирувчи бўлмадилар. Албатта, Раббингиз қудратли ва раҳмлидир. („Шуаро“ сураси, 63—68-оятлар)


Яқинда мана шу воқеага боғлиқ, Фиръавн даврида папирусларда ёзиб қолдирилган қуйидаги тафсилот топилди:

Сарой оқ хонасининг китобларни қўриқлайдиган бошлиғи Амена-монидан нусха кўчирувчи котиб Пентерҳорга:

Ушбу мактуб сизнинг қўлингизга етганда ва сиз уни битта-битталаб ўқиганингизда, **гирдобга ғарқ бўлаётганлар бошига тушган қайғули мусибатдан** хабар топганингизда, юрагингизни бўрон ичра қолган баргдек, энг қаттиқ изтиробга ихтиёр этинг...

У қутилмаган ва қутулиб бўлмас офатга гирифтор бўлди. **Сардоримиз, қавмлар паноҳгардони, мағриб ва машриқ ҳукмдорининг ҳалокатини тасвир айланг. Сувлардаги уйқу буюк бир нарсадан ёрдамга муҳтож бошқа бир нарсани жо айлади. Қандайин янгилик мен сизга йўллаган янгиликка қиёс бўлсин?**²¹⁶

Қуръонда ваҳий қилинган ўтмиш воқеалари бугунги кунда ўз исботини топаётганлиги, шубҳасиз, Қуръоннинг муҳим мўъжиза-



ларидандир. (Қаранг: Ҳорун Яхё. *Perished Nations*, Та-На Publishers, Буюк Британия, 2001; Global Publishing, Истанбул, 2002; *The Prophet Musa (as)*, Millat Book Center, Ҳиндистон, 2001)

Қизил денгизни кесиб ўтиш пайтида Мусо (а.с.) ва Исроил фарзандлари гувоҳ бўлган бу мўъжиза кўплаб тадқиқотларнинг мавзуига айланди. Археологик қидирувлар Мисрни тарк этгач, уларнинг нафақат Қизил денгизга томон олган йўлларини, балки Фиръавн ва Мусо (а.с.) ҳамда унинг қавми учрашган жой тоғлар билан ўралганлигини ҳам аниқлаб берди. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.)

Буни бошланиш нуқтаси тарзида қабул қилиб, олиб борилган кўплаб тадқиқот ва изланишлар натижасида олимлар денгиз қандай



Бу харита Мусо (а.с.)нинг Мисрни тарк этгандан сўнг юрган йўлини ва денгиз бўлинган жойнинг тахминий ўрнини кўрсатади.

қилиб иккига бўлинганлигига доир ҳайратланарли хулосаларга келдилар. Бу хулосалар Қуръонда нозил қилинганлар билан тўлиқ мосдир. Қуръонда тасвирланган тарихий воқеаларнинг бугунги кунда тарихий қайдлар орқали ойдинлаштирилаётганлиги, шубҳасиз, Ислом китобининг муҳим мўъжизаларидандир.

Икки рус математиғи Наум Вользингер ва Алексей Андросов Мусо Пайғамбар (а.с.) чиндан ҳам денгизни иккига ажрата олганини исботладилар. Бундай мўъжизанинг содир бўлишига шубҳа билан қараган олимларга қарши, рус математиклари мўъжизанинг содир бўлишига сабаб бўлган шароитларни тадқиқ қилдилар. Ўз навбатида бу мўъжизанинг содир бўлганлигини тасдиқлашга олиб келди.

Россия Фанлар академиясининг бюллетенида чоп этилган

тадқиқотга кўра, ўша пайтда Қизил денгиз юзасига яқин риф мавжуд бўлган. Ўша ердан туриб олимлар сув сатҳининг кўтарилиши паст бўлганда рифни очик ва қуруқ ҳолатда қолдириш учун керак бўладиган шамол тезлиги ва тўфон кучини аниқлашга киришдилар. Натижада шу нарса маълум бўлдики, ҳар сонияда 30 метр



Жабал ал-Мусо номи билан маълум бўлган тоғ одатда Синай ярим оролида жойлашган, деб тахмин қилинар эди. Бироқ яқинда қилинган кашфиётлар унинг аслида Қизил денгизнинг Арабистон соҳилида эканлигини кўрсатди.



Мусо (а.с.) ва исроилликлар босиб ўтган узоқ ва машаққатли сафардан сўнг тоғлар орасидан ташқарига чиқадиган йўлак кўринган.



Синай ярим оролининг бўғозга олиб чиқадиган ўша қисми.

Фиръавннинг шоҳона икки оёқли араваси Миср музейида кўргазма учун қўйилган. Шунга ўхшаш намуна денгиз бўлинган жойда олиб борилган қазималар давомида топилган.



(98,5 фут) тезликда эсадиган шамол денгизнинг чекинишига сабаб бўлиб, рифни очик қолдирган. Россия Фанлар академиясининг Океанография институтида фаолият кўрсатувчи Наум Вользингернинг маълум қилишича, „агарда (шарқий) шамол тун бўйи сониясига 30 метр эсганда, риф қуруқ бўларди.“ У яна, „бир қирғоқдан иккинчи қирғоққа бориб тақаладиган 7 километр узунликдаги рифни босиб ўтиш учун яхудийларнинг (улар 600 000 та эдилар) тўрт соат вақти кетган бўлар эди... сўнгра ярим соат ичида сувлар орқага қайтган бўлар эди“, деб изоҳ беради.²¹⁷ Жумладан, Вользингернинг айтишича, у ва унинг ҳамкасби бу масалани Исаак Ньютоннинг нуқтаи назаридан туриб ўрганиб чиқишган. У „Ишончим комилки, Худо Ерни физика қонунлари орқали бошқаради“, деб таъкидлайди.²¹⁸

Шу нарсани ёдда тутиш лозимки, бу табиий ҳодисанинг содир бўлиш эҳтимоли ҳар доим ҳам мавжуд. Агар Аллоҳ ирода этса, бу мўъжиза яна, шамол тезлиги, замон ва макон каби ҳамма зарурий шароитлар юзага келганда содир бўлиши мумкин. Бироқ бу ердаги ҳақиқий мўъжизавий жиҳат шундаки, бу воқеалар айнан Мусо (а.с.) ва унинг қавми деярли ғалаба қозонган пайтда содир бўлди. Мусо (а.с.) ва унга эргашган жамоа сувни кесиб ўтаман, деб турган пайтда сувнинг орқага чекиниши (сувлар Фиръавн ва унинг лашкари уни кесиб ўтаётган пайтда орқага қайтишини эслатмаса ҳам бўлади) Аллоҳнинг тақводорларга берадиган мададига бир аниқ мисолдир. Дарҳақиқат, Мусо (а.с.)нинг Аллоҳга таяниши ва ишониши энг қувонарли ахлоқий қадриятлар намунасидир:

Бас, қачонки, икки жамоа бир-бирини (узоқдан) кўргач, Мусонинг ҳамроҳлари: „Бизлар аниқ тутилдик“, — дедилар. (Мусо) айтди: „Йўқ,



мен билан бирга Парвардигорим бор. Албатта, У мени (хавфсиз) йўлга бошлар.“ („Шуаро“ сураси, 61—62- оятлар)

ФИРЪАВН ВА УНИНГ АТРОФИДАГИЛАРИ БОШИГА ТУШГАН КУЛФАТЛАР

Фиръавн ва унинг одамлари ўзларининг кўпхудолилиқ тизимиға шунчалиқ содиқ эдиларки, ҳатто Мусо Пайғамбар (а.с.)нинг донолиқ ва мафтункор мўъжизалар билан қуролланган хабарлари ҳам уларнинг тош қотган юракларини юмшатоғмас ҳамда уларни асоссиз хурофот, бидъатлардан юз ўгиртира олмас эди. Улар бу ҳақиқатни очиқчасига тан оладилар:

(Улар Мусоға) айтдилар: „Бизни сеҳрлаш учун ҳар қандай мўъжиза келтирсанг ҳам, биз сенга имон келтиривчи эмасмиз.“ („Аъроф“ сураси, 132-оят)

Аллоҳ уларнинг бундай муносабатларига жавобан, димоғдорликларига жазо сифатида худди оятларнинг бирида „**аниқ мўъжизалар**“ („Аъроф“ сураси, 133-оят), деб тасвирланганидек, уларнинг бошиға бахтсизлик ва кулфатлар ёғдирди. Бу кулфатлардан бири қурғоқчилик эди. Бунинг натижасида маҳсулдорлик камайиб кетди. Қуръоннинг бунга боғлиқ оятида шундай хабар қилинади:

Фиръавн қавмини зора эслатма олсалар, деб (қаҳатчилик) йилларига ва меваларнинг тақчиллиғига дучор этдик. („Аъроф“ сураси, 130-оят)

Мисрликларнинг қишлоқ хўжалиқ тизими Нил дарёси билан боғлиқ эди ва шунинг учун ҳам табиий шароитлардаги ўзгаришлар уларға ўз таъсирини ўтказмас эди. Бироқ Фиръавн ва унинг атрофидагилар ўз мағрурликлари ва Аллоҳнинг элчисини эътироф этишдан бош тортганликлари боис кўплаб азоб-укубатларға дучор бўлдилар. Улар Мусо (а.с.)нинг огоҳлантиришларига қулоқ солиш ўрниға, уни ва Исроил қавмини ўзларининг бошларига тушган омадсизликларға балоғардон қилдилар. Шундан сўнг Аллоҳ бир неча офатларни уларға раво кўрди. Бу ҳақда бизға Қуръонда шундай хабар берилади:

Шундан кейин улар устиға тўфон, чигиртка, бит, бақалар ва қон (балолари)ни аниқ мўъжизалар сифатида юбордик. (Лекин) улар кибр-ҳаво қилдилар ва жиноятчи қавм – осий бўлдилар. („Аъроф“ сураси, 133-оят)

Миср халқининг бошиға тушган офатлар ҳақида папирусларда ёзиб қолдирилган тафсилотлар худди Қуръонда нозил қилинган

тасвирларга ўхшайди. Қуръон бу фожиалар ҳақида бизни хабардор қилади. Инсоният тарихидаги бу даврнинг Ислом динида ёритилганлиги, XIX асрнинг бошларида Мисрда Ўрта қироллик даврига бориб тақаладиган Ипувер папирусларининг кашф қилиниши орқали тасдиқланди. Мазкур папирус кашф қилингандан сўнг, у 1909 йилда Голландиядаги Лейден музейига жўнатилди ва у Қадимги Миср тарихи бўйича машҳур олим А.Х.Гардинер томонидан таржима қилинди. Папирусда Мисрдаги очарчилик, қурғоқчилик ва Мисрдан кулларнинг қочиб кетиши каби мусибатлар тасвирланган эди. Бундан ташқари, папирусни ёзган Ипувер бу ҳодисаларнинг шоҳиди бўлган экан. Қуйида Ипувернинг папируси Қуръонда тасвирланган бу фалокатларга қанчалик мувофиқ келишини кўришингиз мумкин:

Ўлат бутун мамлакатда тарқалмиш. Қон ҳамма ердадур.²¹⁹

Дарё қондур.²²⁰

Форсус, кеча кўринган оламдан ўтмиш. Ер худди қирқиб олинган зиғир каби ўз ҳолича ҳорғин қолмиш.²²¹

Қуйи Миср кўз ёшин тўкур... Бутун сарой даромадсиз ўлтирур. Буғдой ва арпа, ғозлар ва балиқлар унга тегишлидур.²²²

Форсус, дон-дун ҳар томондан тортилмиш.²²³

Ҳамма ёқда тартибсизлик ва даҳшатли шовқин... Тўққиз кундан буён саройдан ташқари чиқиш йўқдур ва ҳеч ким ўз инисининг юзини кўра олмас. Шаҳарлар қудратли денгиз тўлқинлари тарафидан ер билан яксон бўлмиш. Ҳамма ёқда қон... Қора ўлат бутун мамлакатга ёйилмиш. Бугун ҳеч бир кимса шимолга, Библосга сузмаётир. Мўмиёларимиз учун, кедр учун нима қила олурмиз?... Олтин етишмаётир...²²⁴

Одамлар инсон таъми келмиш сувдан қочурлар, сув ичгач, яна чанқаб қолурлар.²²⁵

Шундайин эрур бизнинг сувимиз! Шундайин эрур бизнинг толеимиз!

Шундай экан, не ҳам қила олурмиз? Ҳамма нарса хароб!²²⁶

Шаҳарлар вайрон бўлмиш. Юқори Миср қуриб қолмиш.²²⁷

Истиқоматгоҳлар бир онда остин-устун бўлмиш.²²⁸

Бу ҳужжатга кўра, Миср халқи устига ёғилган фалокатлар Қуръоннинг ушбу масаладаги тафсилотига тўлиқ мос тушади.²²⁹ Бу папирус Фиръавн даврида Миср бошига тушган фожиалар билан параллел бўлиб, у Қуръоннинг аслида илоҳий эканлигини яна бир маротаба исбот қилади.

Тарихий ҳужжатлар Қуръонда келтирилган маълумотларни тасдиқлайди

Мисрда, XIX асрнинг бошларида, Ўрта қироллик даврига оид бир папирус кашф қилинди. Бу папирус Голландиядаги Лейден музейига олиб кетилди ва А.Х.Гардинер томонидан 1909 йилда таржима қилинди. Папируснинг тўлиқ матни *Admonitions of an Egyptian from a Hieratic Papyrus in Leiden* (Лейдендаги иератик папирусдан бир мисрликнинг насихатлари) номли китобда мавжуд бўлиб, унда Мисрдаги катта ўзгаришлар: очарчилик, қурғоқчилик, қулларнинг Мисрдан ўз мол-мулклари билан қочиб кетиши ва бутун ўлка узра ўлимнинг ёпирилгани таърифланади. Мазкур папирус Ипувер исми бир мисрлик томонидан ёзиб қолдирилган ва унинг мазмунидан шу нарса аён бўладики, бу шахс Мисрдаги фалокатларнинг шахсан шоҳиди бўлган. („*The Ten Plagues – Live From Egypt*“ (Ўн ўлат – тўғридан-тўғри Мисрдан), Рабби Мордечай Бечер, www.ohr.org.il/yhiy/article.php/838) Бу папирус фалокатлар, Миср жамиятининг ҳалокатини ва Фиръавннинг хароб бўлишини тасвирловчи энг қимматли қўлёзма ҳисобланади.



ҚУРЪОНДА „ФИРЪАВН“ СЎЗИ

Иброҳим Пайғамбар (а.с.) ва Юсуф Пайғамбар (а.с.) замонидаги Миср ҳукмдори Тавротда „Фиръавн“ деб аталади. Ҳолбуки, бу ном аслида мазкур икки пайғамбар яшаб ўтган даврлардан анча кейин қўлланила бошланган.

Қуръонда Юсуф Пайғамбар (а.с.) замонидаги Миср ҳукмдори ҳақида сўз кетар экан, унда „ҳукмдор, шоҳ, қирол ёки султон“ маъноларини англатувчи „*Ал-Малик*“ калимаси қўлланилган:

Шоҳ, (бу жавобларни эшитиб): „Уни ҳузуримга олиб келингиз!“ – деди ... („Юсуф“ сураси, 50-оят)

Мусо Пайғамбар (а.с.) давридаги Миср ҳукмдори Қуръонда „Фиръавн“ деб юритилади. Қуръондаги бу фарқ на Таврот ва Инжилда ва на яҳудий тарихчилари томонидан эътиборга олинади. Библияда ҳар сафар Миср монархи тилга олинганда „Фиръавн“ сўзи ишлатилган. Қуръонда эса аксинча, яъни унда қўлланилган терминология жуда лўнда ва аниқдир.

Миср тарихида „Фиръавн“ сўзининг ишлатилиши фақат кейинги даврларга хосдир. Бу муайян бир унвон милoddан аввалги XIV асрда, Аменхотеп IV ҳукмдорлиги даврида қўлланила бошланган. Юсуф Пайғамбар (а.с.) бу даврдан камида 200 йил олдин яшаб ўтган эди.²³⁰

The Encyclopaedia Britannica да айтилишича, „Фиръавн“ сўзи Янги қиролликдан (18-сулоладан бошлаб — мил. авв. 1539—1292 й.й.) эътиборан 22-сулола (мил. авв. 945—730 й.й.) гача қўлланилган бир улуг унвон бўлиб, улардан сўнг эса бу унвон ҳеч қўлланилмаган. Бу мавзуга оид бошқа бир

маълумот *Academic American Encyclopaedia* да келтирилган бўлиб, унда „Фиръавн“ номи Янги қиролликда ишлатила бошланганлиги қайд этилган.

Кўриб турганимиздек, „Фиръавн“ сўзининг ишлатилиши тарихнинг маълум бир даврдан бошланади. Шу сабабдан, Қуръонда Миср ҳаётининг турли даврларида ишлатилган турли унвонлар ўртасидаги фарқнинг аниқ қайд этилиши Қуръон Аллоҳнинг сўзи эканлигини исботловчи яна бир далилдир.

(Эй, Муҳаммад!) Биз Сизга ўтиб кетган (авлод)лар хабарларидан шу тарзда сўзлаб берурмиз. Шунингдек, (Биз) Сизга ўз даргоҳимиздан зикр (Қуръон) келтирдик. Ким ундан юз ўғирса, бас, албатта, у қиёмат кунда юк (гуноҳ)ни кўтарур. („Тоҳо“ сураси, 99–100-оятлар)

МУСО ПАЙҒАМБАР (А.С.)НИНГ СЕҲРГАРЛИККА ЙҮЙИЛИШИ

Фиръавн замонидан қолган папирусларда Мусо Пайғамбар (а.с.)га мунтазам равишда сеҳргар деб мурожаат этилади. (Мазкур папируслар Британия музейида сақланмоқда.) Фиръавн ва уни ёқловчиларнинг барча уринишларига қарамай, улар ҳеч қачон Мусо (а.с.) ва Исроил фарзандларига қарши очган урушида устун кела олмаган.

Бу адолатнинг идорачиси Қуёшнинг ўғли Аммоннинг катта акаси бўлган ва падари Қуёш каби абадий яшайдиган Рамсеснинг қиролиги замонида, еттинчи Пайни ойининг иккинчи кунинида ёзилди... Бу мактубни олганинг замон тур, ишни бошла ва далаларнинг назоратини ўз қўлингга ол. Бутун бошоқли экинларни яксон қилмиш сув босқини каби янги офатлар хабарини олганинг замон, тушун. Ҳемтон уларни ҳирс ила еб, адо этмиш, омборлар таланмиш. Каламушлар далаларга йиғилиб келмишлар, бургалар довулга ўхшарлар, чаёнлар ҳирс ила ейурлар, кичик пашшалар қилган яралар санаб бўлмас даражада кўпдур. Ва булар фуқарони маҳзун этадир... **Котиб** (бу ерда Мусо Пайғамбар (а.с.) назарда тутилмоқда) **бутун бошоқли экинларни маҳв этмоқ мақсадини адо этди...** Сеҳрлар уларнинг нони кабидур. Котиб ... ёзмоқ санъатинда инсонларнинг биринчисидур.

Мусо Пайғамбар (а.с.)га „сеҳргар“ деган айблов тошларининг иргитилиши ҳақида қуйидаги оятларда хабар берилади:

Улар мўъжизаларимизни кўришгач, Мусога: „Эй, сеҳргар! Сенга берган ваъдасига биноан Раббингга бизлар учун дуо қил. (Агар У азобларни аритса) албатта, бизлар ҳидоят топувчидирмиз“, — дедилар. („Зухруф“ сураси, 49-оят)

(Улар Мусога) айтдилар: „Бизни сеҳрлаш учун ҳар қандай мўъжиза келтирсанг ҳам, биз сенга имон келтирувчи эмасмиз.“ („Аъроф“ сураси, 132-оят)

НУҲ ТЎФОНИ

Биз Нуҳни ўз қавмига (пайғамбар қилиб) юбордик. Бас, у уларнинг орасида эллик йили кам минг йил турди. Бас, уларни золим (кофир) бўлган ҳолларида тўфон (балоси) тутди. („Анкабут“ сураси, 14-оят)

Нуҳ Пайғамбар (а.с.) ўз қавмига Аллоҳ томонидан элчи қилиб юборилган эди. Парвардигорнинг буйруқларидан ўзларини четга олган ва Унга шериклар қилган қавмини Нуҳ Пайғамбар (а.с.) фақат Ёлғиз Аллоҳгагина хизмат қилишлари ва ўз жамоаларида ҳукм сураётган ёлғон ибодатлардан воз кечишлари кераклиги тўғрисида огоҳлантирди. Гарчи Нуҳ (а.с.) ўз қавмига буюк нотиклик ва донолик билан мурожаат қилган ва уларни Аллоҳнинг жазосидан огоҳ қилган бўлса-да, улар Пайғамбарни тан олмадилар ва Аллоҳга шерик қилишда давом этдилар. Шунда Аллоҳ Нуҳ (а.с.)га имонсизларни сувга чўктириш орқали жазолажагини хабар қилди. Шунингдек, Аллоҳ Ўз Элчисига ҳақиқий динни мамнуният билан қабул қилган ҳамда Ёлғиз ва Ягона Аллоҳга ибодат қилган мўминларни Ўз раҳм-шафқати ила қутқариб қолажагини ҳам маълум қилди. Нуҳ қавмининг ҳалок этилиши ва мўминларнинг қутқарилиши Қуръоннинг бир оятида шундай тасвирланади:

Шунда уни ёлғончига чиқардилар. Бас, (Биз) уни ва у билан бирга (имон келтирган)ларни кема ичида (сақлаб, тўфондан) қутқардик ва оятларимизни ёлғонга чиқарганларни (сувга) гарқ қилдик. Улар (қалби) кўр кишилар эди. („Аъроф“ сураси, 64-оят)

Жазо вақти етганда, ердаги сув булоқлари шиддатли ёмғирлар билан бирлашиб, улкан сув тошқинини келтириб чиқарди. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.) Тошқин келишидан олдин, Аллоҳ Нуҳ (а.с.) билан сўзлашиб, унга қуйидагича ваҳий қилади:

Бас, Биз унга ваҳий қилдик: „Бизнинг ҳимоямизда ва ваҳиймиз билан бир кема ясагин! Бас, қачонки, Бизнинг амримиз келиб, таннурдан (олов ўрнига) фавворалар отилган вақтида, у кемага ҳар (жонивор)дан бир жуфтдан ва оилангни солгин! Лекин кофирлардан ким ҳақида Бизни сўзимиз (гарқ бўлиши ҳақидаги ҳукмимиз) кечган бўлса (уларни тарк қилгин) ҳамда улар ҳақида (нажот сўраб) Менга хитоб (илтижо) қилмагин! Улар, албатта, (тўфон сувига) гарқ қилинувчидирлар!“ („Муъминун“ сураси, 27-оят)

Нух (а.с.)нинг кемасига минганлардан бошқа бутун қавм сувга фарқ қилинди. Ўлганлар ичида пайғамбарнинг ўғли ҳам бўлиб, у тоғдан бошпана топиб, қутулиб қоламан деб ўйлаган эди.

(Сўнгра) айтилди: „Эй, Ер! Сувингни ютгин! Эй, осмон! Ўзингни тутгин (ёғишни бас қил!)“ Сув қуриди, буйруқ адо этилди ва (кема) Жувдий (тоғи) узра кўнди ҳамда „Золимлар қавмига — ҳалокат!“ — дейилди. („Худ“ сураси, 44-оят)

Яҳудийларнинг муқаддас диний китоблари ҳамда бошқа халқларнинг турли маданий мафкураларида келтирилган ушбу тўфоннинг тафсилоти Аллоҳ нозил қилган ва бузилмасдан қолган ягона илоҳий матн бўлмиш Қуръоннинг тафсилоти билан таққосланганда, Қуръоннинг тафсилоти бошқа тафсилотлар ичида энг ишончли эканлиги намоён бўлади. Таврот (бузилган матн)да таъкидланишича, бу тўфон умумбашарий бўлган ва бутун дунёни қамраб олган. Аксинча, бунга алоқадор Қуръон оятларидан кўриниб турибдики, тўфон ҳудудий бўлган ва бутун дунё эмас, балки фақатгина Нух Пайғамбар (а.с.)ни инкор этган қавмгина жазога лойиқ, деб топилган. Бу тўфонда ҳалок қилинганлар Нух (а.с.)нинг хабарларини рад этиб, ўз раддияларида қатъий турган одамлар эдилар. Қуръонда мазкур тўфоннинг умумбашарий бўлганлиги қайд этилмаган. Қўйидаги оятларда бу хусусда шундай хабар берилади:

Дарҳақиқат, Нухни ўз қавмига (пайғамбар қилиб) юбордик. (У деди): „Мен сизларга аниқ огоҳлантирувчиман. Аллоҳдан ўзгага сизинмангиз! Мен сизларга аламли азоб (келиши)дан кўрқаман.“ („Худ“ сураси, 25—26-оятлар)

Шунда уни ёлғончига чиқардилар. Бас, (Биз) уни ва у билан бирга (имон келтирган)ларни кема ичида (сақлаб, тўфондан) кутқардик ва оятларимизни ёлғонга чиқарганларни (сувга) фарқ қилдик. Улар (қалби) кўр кишилар эди. („Аъроф“ сураси, 64-оят)

Шоҳиди бўлиб турганимиздек, Қуръон бизга бутун дунё эмас, балки фақатгина Нух Пайғамбар (а.с.)нинг қавми ҳалок қилинганлиги тўғрисида хабар беради. Насроний ва яҳудийларнинг муқаддас диний китоблари (яъни Таврот ва Инжил)да бузиб кўрсатилган изоҳларнинг Қуръонда тузатилиб хабар берилиши, унинг бутунлигича Аллоҳ томонидан туширилган бир китоб эканлигини тасдиқлайди.

Тўфон содир бўлган, деб тахмин қилинган ҳудудда олиб борилган қазилмалар ҳам тўфон бутун ер юзида эмас, балки Месопотамиянинг бир қисмига таъсир ўтказган кенг қўламли фалокат бўлганлигини кўрсатди.

Сувлар пасайгач, кема тўхтади. Қуръонда ваҳий қилинганидек, кеманинг тўхташ жойи ал-Жувдий бўлган. Гарчи арабча „жуудии“ сўзининг ўзи „баланд жой, тепалик“ деган маъноларни англатса-да, у баъзида маълум бир тоғни англатиш учун ҳам қўлланилади. Мана шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, „жуудии“ сўзи барча ерларни қамраб олиш эмас, балки фақат муайян бир баландликка етган сувларни назарда тутати. Бошқача қилиб айтганда, биз Қуръондан тўфоннинг (яхудийларнинг муқаддас диний китоби ва бошқа афсоналарда таъкидланганидек) Ер юзидаги барча ерларни ва ҳамма тоғларни эмас, балки маълум бир жойни ютганлигини билиб оламиз.

Тўфоннинг археологик далиллари

Агар, мисол учун, табиий офат, тўсатдан рўй берган кўчиш ёки уруш цивилизациянинг барбод бўлишига сабаб бўлса, ўша цивилизацияга оид излар яхши сақланади. Одамлар яшаган уйлар ва улар ўз кундалик ҳаётида ишлатган нарсалар тезда тупроқ остида кўмилиб кетади. Булар шу тарзда узоқ муддат инсон қўллари тегмаган ҳолда сақланади. Ўтмишни ўрганувчи талабалар учун (охир-оқибат улар маълум бўлгач) улар бебаҳо манбага айланади.

Кейинги пайтларда Нуҳ тўфонига оид кўплаб далилларнинг кашф қилиниши дунёнинг энг машҳур археолог ва тарихчи олимларининг эътиборини тортди. Милоддан аввалги тахминан 3000 йилда содир бўлган, деб ҳисобланадиган тўфон бутун цивилизацияни йўқ қилди ва унинг ўрнига бутунлай янги цивилизациянинг ташкил топишига имкон яратди. Тўфондан қолган далилларнинг минглаб йиллар давомида сақланиб қолиши ёвузлар олган бу жазодан сўнг келган одамлар учун ибрат бўлади.

Месопотамия текислигида ва унинг атрофида содир бўлган тўфонни ўрганиш учун кўплаб археологик қазилмалар амалга оширилди. Бунинг натижасида, Месопотамия текислигидаги тўрт асосий шаҳар: Ур, Урук, Киш ва Шуруппакларда тўфондан қолган аломатларга дуч келинди.



Археологик топилмаларга кўра, Нуҳ тўфони Месопотамия текислигида содир бўлган бўлиб, унинг шакли ҳозирги кўринишдан жуда катта фарқ қилар эди. Юқоридаги диаграммада текисликнинг бугунги кундаги чегаралари нуқтали қизил чизиқ билан кўрсатилган. Бу чизиқдан ташқарида бўлган кенг ҳудуд ўша пайтда денгизнинг бир қисми бўлганлиги маълум.

Бу шаҳарларда ўтказилган археологик қазишмалар мазкур шаҳарларнинг милоддан тахминан 3000 минг йил аввал тўфон остида қолганлигини кўрсатди.

Ур шаҳридаги (бугунги кунда у Талл ал-Муққайяр номи билан маълум) цивилизация қолдиқларининг энг эскиси милоддан аввалги 7000 йилга бориб тақалади. Инсон цивилизациясининг энг қадимий намуналаридан бири бўлган Ур шаҳри бирин-кетин туғилган ва йўқ бўлган цивилизациянинг макони бўлган ҳудуддир.

Ур шаҳрини ўрганиш орқали қилинган археологик кашфиётлар у ердаги цивилизация даҳшатли тўфон орқали тўхтатилганлиги ва унинг ўрнига янги цивилизация аста-секин пайдо бўлганлиги ҳақида бизга аниқ маълумот берувчи далилларни ошкор қилди. Леонард Вулли Бағдод ва Форс кўрфази ўртасидаги чўл зонасида Британия музейи ва Пенсильвания университети томонидан олиб борилган ҳамкорликдаги қазिशма ишларига раҳбарлик қилди. Вуллининг қазिशмалари немис археологи Вернер Келлер томонидан қуйидагича тасвирланади:

„Ур қиролларининг қабрлари“ — археологларнинг белкураклари ибодатхонанинг жанубидаги эллик футли тепаликда ишга тушиб, тупроқ остида қолиб кетган қабрларнинг бир узун қаторини топгач, уларнинг кашф қилинганлигидан хурсандчиликдан жўшиб кетган Вулли шу тариқа чиндан-да шоҳона шукуҳли Шумер зодагонларининг қабрларини қайта тиклади. Тош ертўлалар ҳақиқий хазина сандиқлари эди, чунки улар қимматбаҳо қадаҳлар, ажойиб шаклли кўзалар, вазалар, бронзадан ясалган овқатланиш буюмлари, садаф кошинлар, ложувардлар билан тўлиб-тошган, чангга беланган жисмлар қумуш билан қопланган эди. Арфа ва чилторлар деворда осилганича турар эди...

Бир неча кунлардан сўнг Вуллининг ишчилари унга „биз ертўлага етдик“, деб айтганида, у қониқиш ҳосил қилиш учун қазилган шахта қудуғидан пастга қараб отилди. Даставвал Вуллининг хаёлидан „мана, ниҳоят“, деган ўй кечди. У ерни фақат сув орқалигина тўпланиши мумкин бўлган қум, тоза қум босган эди. Улар ковлашни давом эттириш ва шахта қудуғини чуқурроқ қазिशга қарор қилдилар. Белкураклар ерга чуқурроқ ва яна чуқурроқ ботар эди: уч фут, олти фут ва ҳануз тоза лой. Ногаҳон, ўнинчи футга келиб лой қатлами қанчалик кўққисдан бошланган бўлса, шунчалик беҳосдан ниҳоясига етди. Деярли ўн фут қалинликдаги бу гил қуйқаси остида улар инсон яшаган макондан далолат берувчи аниқ далилларга дуч келдилар...

Урдаги тепалик остида маконнинг икки даврини бир-биридан аниқ ажратиб турган бу улкан гил қуйқасига нисбатан берилиши мумкин бўлган яккаю ягона изоҳ сув босқини демакдир...²³¹

Микроскопик таҳлиллар Урдаги тепалик остида ҳосил бўлган бу улкан гил қуйқаси қадимги Шумер цивилизациясини маҳв этишга қодир бўлган катта ва қудратли сув босқини оқибатида тўпланганлигини кўрсатди. „Гилгамеш“ достони ва „Нуҳ“ ҳикояси Месопотамия саҳроси остида чуқур қазилган бу шахта қудуғида бирлашган эди.

Макс Малловен бир зумда бундай улкан аллувий массасининг ҳосил бўлиши баҳайбат сел фалокати натижасида юз бериши мумкинлигини айтган Леонард Вуллинг уй-фикрларини сўзлаб берди. Вулли, шунингдек, Шумернинг Ур шаҳрини Ал-Убайд шаҳридан (унинг аҳолиси тўфондан қолган сирланган сопол идишлардан фойдаланар эдилар) ажратган сув босқини қатламини ҳам таърифлаб берди.²³²

Бу далиллар Ур шаҳри тўфон таъсири остида қолган жойлардан бири бўлганлигини тасдиқлайди. Немис археологи Вернер Келлер назарда тутилаётган қазиишмаларнинг аҳамияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. У ўз сўзини давом эттирар экан, Месопотамияда олиб борилган археологик қазиишмаларда балчиқли қатлам остида қолган шаҳар қолдиқларининг ҳосиласи бу ҳудудда чиндан ҳам сув босқини бўлганлигини исботлашини таъкидлайди.²³³

Тўфоннинг изларини ўзида акс эттирган бошқа бир Месопотамия шаҳри эса ҳозирги кунда Талл ал-Уҳаймер номи билан маълум бўлган шумерликларнинг Киш шаҳридир. Қадимий Шумер қайдномаларида бу шаҳар „Буюк тўфондан сўнг пайдо бўлган илк сулола манзили“ деб тасвирланади.²³⁴


Ҳозирги кунда Талл ал-Фара деб аталадиган жанубий Месопотамиядаги Шуруппак шаҳри ҳам тўфон изларини ўзида акс эттиради. Бу шаҳарда 1920—1930 йиллар орасида Пенсильвания университети ходими Эрик Шмидт томонидан археологик тадқиқотлар ўтказилди. Бу қазиишмалар тарихдан илгариги сўнгги йиллардан Урнинг 3 сулоласи даври (мил. авв. 2112—2004 йиллар) гача чўзилган ҳаётнинг учта қатламини ошкор қилди. Энг эътиборга молик топилмалар маъмурий қайдлар ва сўзлар рўйхати келтирилган ёзув тахталари билан бирга яхши қурилган уйларнинг вайронаси бўлиб, улар милоддан аввалги тўртинчи минг йиллик охирларида юқори тараққий этган жамиятнинг аллақачон мавжуд бўлганлигидан далолат беради.²³⁵

Агар зукко олимларнинг фикрлари текшириб кўрилса, аниқки, улар тўфон тафсилотига таянч бўлувчи далил жуда кучли эканлигини таъкидлайдилар. Бу фикрга кўра, ушбу даҳшатли сув тошқини тахминан милоддан аввалги 3000—2900 йилларда содир бўлган. Малловеннинг айтишича, ердан 4—5 метр пастда, Шмидт гил ва қум аралашмасидан ҳосил бўлган (сув тошқини орқали юзага келган) сариқ тупроқ қатламга етган.

Бу қатлам қўрғон профилига қараганда текислик сатҳига яқинроқ бўлган ва уни қўрғоннинг ён-атрофида кузатиш мумкин эди. Жамдат Наср даврини Қадимги қироллик замонидан ажратиб турувчи бу гил ва қум аралашмасидан ҳосил бўлган қатламни Шмидт „келиб чиқиши дарёдан бўлган бир қум“ деб таърифлади ва уни Нуҳ тўфони билан боғлади.²³⁶

Қисқаси, Шуруппак шаҳридаги археологик қазилмалар сув тошқинининг излари милоддан аввалги тахминан 3000–2900 йилларга бориб тақалишини ошкор қилди. Бошқа шаҳарлар билан бирга Шуруппак ҳам, шубҳасиз, тўфон остида қолган.²³⁷

Тўфон остида қолганлигидан далолат берувчи охириги жой Шуруппакнинг жанубидаги Урук шаҳридир. Бугунги кунда у Талл ал-Варка номи билан маълум. Худди бошқа шаҳарлардаги каби, бу ерда ҳам сув босқини қатлами топилган. Бошқа шаҳарларга ўхшаб, бу сув босқини қатлами ҳам милоддан аввалги 3000–2900 йилларга бориб тақалади.²³⁸



Месопотамия текислигида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида қалинлиги 2,5 метр (8 фут) бўлган лой ва гил қатламининг мавжудлиги аниқланди. Бу қатлам, шубҳасиз, тўфон сувлари орқали ташиб келинган гилдан иборат бўлиб, у фақатгина Месопотамия текислиги остида учрайди.

Фурот ва Дажла дарёлари Месопотамияни бу бошидан у бошигача ажратиб туради. Бу ерда шу нарса англашиладики, қадимги даврда бу икки дарё бошқа барча катта-кичик сув манбалари билан бирга, ёмғир сувлари билан қўшилиб, даҳшатли сув тошқинини келтириб чиқарадиган даражада тошиб кетган. Бу ҳодиса Қуръонда қуйидагича зикр этилади:

Биз осмон дарвозаларини (тинимсиз) қуйилувчи сув билан очиб юбордик. Яна ердан булоқлар чиқариб қўйдик. Бас, (осмон ва Ер) суви тақдир қилиб қўйилган бир иш узра учрашдилар. Уни (Нухни) эса тахталар ва михлар ёрдамида ясалган кемада кўтардик. („Қамар“ сураси, 11–13-оятлар)

Тадқиқот натижасида қўлга киритилган кашфиётлар яхшилаб ўрганиб чиқилса, тўфоннинг бутун Месопотамия текислигини қоплагани маълум бўлади. Тўфоннинг изларини ўзида акс эттирган Ур, Урук, Шуруппак ва Киш шаҳарлари кетма-кетлигига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг бир чизиқда ётишини кўрамиз. Бундан ташқари, милоддан аввалги тахминан 3000 йилларда Месопотамия текислигининг географик тузилиши унинг бугунги кундаги кўринишидан кескин фарқ қилар эди. У даврларда Фурот дарёсининг ўзани бугунги кундагига қараганда анча шарқ томонда, унинг йўли эса Ур, Урук, Шуруппак ва Киш орқали ўтувчи бир чизиқда ётар эди. Шунинг учун, Фурот дарёси ўз қирғоқларини ёриб ўтиб, бу тўрт шаҳарни вайрон қилган, деган маъно англашилади. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.)

Аллоҳ Нух тўфони хабарларини ўша замонда яшаган одамлар учун ибрат, ундан кейин яшаганларга эса қимматли сабоқ бўлсин учун етказди. Пайғамбар ва китоблар воситасида Аллоҳ турли қавмларга йўриқнома йўллади. Бироқ Унинг пайғамбарлари томонидан одамларга етказилган матнларнинг асли ҳар сафар ўзгартирилар эди. Одамлар тўфоннинг ҳақиқий тафсилотига маданий, мистик ва мифологик унсурларни қўшар эдилар. Қуръон Аллоҳдан эканлиги ва У уни абадий ўз ҳолича сақлаб қолиши туфайли, у ўтмишнинг археологик топилмаларига тўғри келувчи ягона манбадир. (Қаранг: Ҳорун Яҳё. *Perished Nations*, Та-На Publishers, Буюк Британия, 2001; Global Publishing, Истанбул, 2002)

ИРАМ ШАҲРИ

1990 йилнинг бошларида дунёнинг таниқли газеталари „Муҳташам араб шаҳри топилди“, „Афсонавий араб шаҳри топилди“ ва „Қумларнинг Атлантиси, Убар“ деган расмий баёноتلар билан чиқдилар. Археологик топилманинг энг қизиқарли томони бу шаҳарнинг Қуръонда эслатиб ўтилишида эди. Шу кунга қадар кўплаб одамлар Од қавмининг бир афсона эканлигини ёки унинг ўрни ҳеч бир замонда топилмаганлигини таъкидлар эдилар. Бундай ноёб кашфиётдан сўнг улар ҳайратдан ёқа ушладилар.

Қуръонда эслатиб ўтилган бу афсонавий шаҳарни топган шахс машҳур ҳужжатли фильмлар яратувчи ва археология бўйича маърузачи Николас Клапп эди.²³⁹ Арабшунос ҳамда совриндор ҳужжатли фильмлар яратувчиси бўлган Н. Клапп араб тарихи бўйича ўзи ўтказётган изланиш давомида жуда қизиқ бир китобни учратиб қолади. *Arabia Felix* номли бу китоб 1932 йилда инглиз тадқиқотчиси Бертрам Томас томонидан ёзилган эди. *Arabia Felix* римликлар томонидан Арабистон ярим оролига берилган ном бўлиб, у ҳозирги кундаги Яман ва Уммоннинг катта қисмини ўз ичига олади. Юнонистонликлар бу ҳудудни „Eudaimon Arabia“, ўрта аср араб олимлари эса уни „Ал-Яман ас-Сайид“ деб номлаганлар.²⁴⁰ Бу номларнинг барчаси „Бахтли Яман“ маъносини англатади, чунки бу ҳудудда яшовчи одамлар Ҳиндистон ва Арабистон ярим оролининг шимолий ҳудудлари ўртасида авж олган сердаромад савдо-сотиқ ишларида воситачи сифатида иш юритар эдилар. Бундан ташқари, бу ҳудудда яшовчи қабилалар нодир дарахтлардан олинадиган хушбўй елим — „*frunkincense*“ ишлаб чиқарар ва тарқатар эдилар.

Инглиз тадқиқотчиси Бертрам Томас бу қабилалар ҳаётининг тўлиқ тафсилотини баён қилади ва мазкур қабилаларнинг бири томонидан асос солинган қадимий шаҳарнинг изларини топганлигини айтади.²⁴¹ Бу бадавийларнинг „Убар“ номли шаҳри эди. Б. Томаснинг бу ҳудудга қилган сафарларидан бирида саҳрода яшаётган бадавийлар унга жуда эски йўлларни кўрсатиб, бу йўллар қадимий шаҳар бўлган Убарга олиб боришини айтдилар. Бу мавзу юзасидан катта қизиқиш билан ишга киришган Бертрам Томас ўз тадқиқотини охирига етказмасдан олдинроқ оламдан ўтди.

Н. Клапп англиз тадқиқотчиси Б. Томаснинг ёзганларини ўрганиб чиқиб, китобда тасвирланган, яъни йўқ бўлиб кетган шаҳарнинг мавжудлигига ишонч ҳосил қилди. У тезда ўз изланишини Б. Томас тўхтаб қолган жойдан бошлаб давом эттиришга киришиб кетди. Н. Клапп Убарнинг мавжудлигини исботлаш учун ўз миссиясида икки хил турли ёндашувдан фойдаланди. Биринчидан, у бадавийлар мавжуд, деб айтган йўлни излаб топди ва ўз ишига ёрдам бериш учун НАСА (Миллий Аэроавтика ва Фазо бошқармаси)дан шу ҳудуднинг тасвирини сунъий йўлдош орқали олиб беришни илтимос қилди. Узоқ давом этган курашдан сўнг, у ҳукумат органларини ўзи жуда хоҳлаган ҳудуднинг расмларини олишга кўндиришга муваффақ бўлди.²⁴²

Н. Клапп Калифорниянинг Хантингтон кутубхонасида қадимий қўлёзмалар ва хариталарни ўрганишда давом этди. Бу ердан у ўзи жиддий ўрганаётган ҳудудга оид харитани тезда топди. У 200 йилда Миср-Юнон географи Птолемей томонидан чизилган ва бу ҳудудда топилган эски шаҳарнинг ўрни ҳамда бу шаҳарга олиб борувчи йўللарни кўрсатувчи харитани қўлга киритди.

Шу орада Клапп НАСА аъзолари томонидан сунъий йўлдош фотосуратлари олинганлиги тўғрисидаги хабарни олгач, унинг тадқиқоти янада жонланди. Суратлардаги бевосита кўз билан кўриш мумкин бўлмаган карвон йўллари Н. Клаппнинг диққатини тортди. Улар осмондан фақат-





Юқоридаги сунъий йўлдош фотосуратлари Арабистон ярим оролининг жанубида жойлашган Уммоннинг бир қисмини кўрсатиб турибди. 1992 йилда НАСА нинг фазодан туриб олинган Убар шаҳрига оид фотосуратларида қадимий саҳро йўлларидалолат берувчи излар аниқланди. Қуръонда 1400 йил олдин хабар берилган Од қавми, бугунги кун технологик имкониятлари билан Қуръон мўъжизаси сифатида юзага чиқди.

гина бир бутун бўлиб кўриниши мумкин эди. Бу фотосуратларни ўз кўлидаги эски харита билан солиштиргач, Н. Клапп бир зумда эски харитадаги йўллар сунъий йўлдош орқали олинган суратлардаги йўллар билан мос тушганлигини англаб етди ва бу йўллар тугаган кенг жойни бир вақтлар шаҳар бўлган, деб тушунди.

Ниҳоят, Н. Клапп ва ундан олдин яшаб ўтган Б. Томаснинг меҳнати ҳамда НАСА тадқиқотчиларининг мадади билан бадавийлар томонидан оғзаки айтиб юрилган ҳикояларнинг мавзуси бўлмиш бу афсонавий шаҳар ўрни кашф қилинди. Бир оз фурсат ўтгач, археологик қазишмалар бошланди ва қадимий шаҳар қолдиқлари ошкор қилинди. Йўқолиб кетган бу шаҳарга „Қумларнинг Атлантиси, Убар“ деган ном берилди.

Савол туғилади: Қуръонда эслатиб ўтилган Од қавмининг шаҳри шу эканлигини тасдиқлаган нарса нима эди?

Ушбу жойда олиб борилган изланишнинг бошиданоқ бу вайрона шаҳар Од қавмига тегишли, деб тушунилган эди. Тадқиқотчилар Қуръонда аниқ қилиб эслатиб ўтилган Од қавмининг ерида миноралар шаклида қад кўтарган Ирамнинг устунларини кашф қилдилар.

Қазишмаларни олиб бораётган гуруҳ аъзоси Доктор Юрис Заринснинг айтишича, модомики миноралар Убарга хос хусусиятларга эга экан ва Ирамнинг миноралари ёки устунлари бор, деб қайд этилган экан, демак, бу ўзлари қазиган ҳудуднинг Ирам, яъни Қуръонда тасвирланган Од қавмининг шаҳри эканлигини исботловчи энг ишончли далилдир:

Раббингиз Од (қабиласи)ни нима қилди, кўрмадингизми?! (Улар) баланд устунли Ирам (шаҳридан) бўлиб, (бошқа) юртларда унинг ўхшаши яратилмаган эди. („Фажр“ сураси, 6–8-оятлар)

Кўриб чиққанимиздек, ўтмиш воқеалари ҳақида Қуръонда баён этилган хабарларнинг тарихий маълумотлар билан тўлиқ мувофиқ келганлиги Қуръон Аллоҳнинг сўзи эканлигига яна бир далилдир. (Қаранг: Ҳорун Яҳё. *Perished Nations*, Та-На Publishers, Буюк Британия, 2001; Global Publishing, Истанбул, 2002)

СОДОМ ВА ГОМОРРА ШАҲАРЛАРИ

Лут Пайғамбар (а.с.) Иброҳим Пайғамбар (а.с.) билан бир даврда яшаган ва у Иброҳим Пайғамбар (а.с.)га қўшни бўлган қавмга элчи қилиб юборилган эди. Лут (а.с.)нинг қавми, бутун оламда ўша кунга қадар ҳеч ким қилмаган бир фаҳш – бесоқолбозлик билан шуғулланар эдилар. Лут (а.с.) одамларга энг оғир гуноҳлардан бири бўлиб ҳисобланган бу фаҳшдан воз кечишни айтганда ва уларга Аллоҳнинг хабарини етказганда, улар унга рад жавобини бердилар, унинг Пайғамбар эканлигини инкор этдилар ва ўзларининг жирканч ҳаёт тарзини давом эттирдилар. Бунинг оқибатида, бу қавм Аллоҳ томонидан даҳшатли бир фалокатда ҳалок этилди.

Лутни ҳам (пайғамбар қилиб юбордик). Ўз қавмига айтди: „Шундай (ёмон) фаҳш ишни қиласизми? Сизлардан олдин бутун оламда ҳеч ким уни қилмаган эди. Сизлар хотинлар қолиб, шаҳват билан (нафсни қондириш учун) эркакларга „келасиз“. Ҳа, сизлар исрофгар қавмдирсизлар.“ („Аъроф“ сураси, 80–81-оятлар)

Улар устига (азобни) ёмғирдек ёғдирдик. Бас, жиноятчилар оқибати қандай бўлганига боқинг! („Аъроф“ сураси, 84-оят)

Биз фосиқ (фаҳш ишларни қилувчи) бўлганлари учун бу қишлоқ аҳли устига осмондан азоб (тош) ёғдирувчидирмиз. Биз ақл юргизадиган қавмга (ибрат учун) у (қишлоқ)дан аниқ асорат қолдирганмиз. („Анкабут“ сураси, 34–35-оятлар)

Лут (а.с.) яшаган ва кейинроқ ҳалок қилинган бу шаҳар Тавротда „Содом“ деб номланган. Қизил денгизнинг шимолида яшаган бу қавм Куръонда ёзилганларга уйғун бир тарзда ҳалок этилганлиги маълум бўлди. Археологик қазिशмалар бу шаҳарнинг Ўлик денгиз яқинида, яъни ҳозирги кундаги Исроил-Иордания чегарасида бўлганлигини аниқлади. Олимларнинг фикрига кўра, мазкур ҳудуд катта миқдордаги олтингугурт моддаси билан қопланган. Шу сабабдан у ерда на ҳайвон ва на ўсимлик каби ҳеч бир ҳаёт шакли учрамайди ва бу ҳудуд ҳалокатнинг бир рамзи сифатида сақланиб қолган.

Олтингугурт вулқон портлашлари натижасида пайдо бўладиган элементдир. Бинобарин, Куръонда билдирилган ҳалокат шакли зилзила ҳамда вулқон портлашлари бўлганлигига доир аниқ далиллар

мавжуд. Немис археологи Вернер Келлер бу ҳудуд тўғрисида куйидагиларни маълум қилади:

Аниқ шу ҳудуд орқали ўтган бу улкан ёриқнинг асоси билан биргаликда, Содом ва Гоморрани ўз ичига олган Сиддим водийси бир кун иер қабрига равона бўлган эди. Уларнинг вайрон бўлиши кучли зилзила ва унинг кетидан портлашлар, чақмоқлар, табиий газнинг чиқиши ҳамда умумий катта ёнғин натижасида юз берган... Ернинг чўкиши синиқнинг бор бўйича пастда ҳаракатсиз ётган вулқон кучларини қўзғатган. Башан яқинидаги Иорданиянинг юқори водийсида ҳануз сўнган вулқоннинг юксак кратерлари мавжуд; катта майдонга ёйилган лава ва чуқур базальт қатламлари оҳақтошли юза устидан жой олган.²⁴³

Бу лава ва базальт қатламлари у ерда бир замонлар вулқон отилганлиги ва зилзилалар содир бўлганлигидан дарак берувчи муҳим далиллардир. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Лут кўли ёки Ўлик денгиз бевосита сейсмик фаол ҳудуд, бошқача сўзлар билан айтганда зилзила белбоғи узра ётади:

Ўлик денгизнинг асоси Рифт водийси номли тектоник ботиқликда жойлашган. Бу водий шимолдаги Галили денгизи (Баҳр Табарей)дан жанубдаги Арабаҳ водийсининг ўртасигача 300 километр (186 миля)га чўзилган.²⁴⁴

Лут қавмининг бошига тушган фалокатнинг техник жиҳати геологлар томонидан амалга оширилган тадқиқотда аниқланди. Бунга кўра, Лут қавмини бутунлай йўқ қилган зилзила Ер қобиғидаги жуда узун бир ёриқ натижасида ҳаракатга келган. Иордан дарёси ўзининг 190 км (118 миля)лик масофаси бўйича жами 180 метр (590 фут) пастлайди. Бу ҳамда Ўлик денгизнинг денгиз сатҳидан 400 метр пастликда эканлиги, бу ер ва унинг атрофида бир замонлар буюк бир геологик ҳодиса содир бўлганлигини исботловчи далиллардандир.

Иордан дарёси ва Ўлик денгизнинг бундай қизиқ структураси бу ҳудуд орқали ўтувчи ёриқ ёки синиқнинг фақатгина бир қисмини ташкил этади. Бу ёриқ Таурис тоғларининг этакларидан бошланади ва Ўлик денгизнинг жанубий қирғоқларидан ўтиб, жануб томонга йўналади ва Арабистон чўли орқали Ақаба кўрфазига етиб боради. У ердан Қизил денгизни кесиб ўтиб, Африкада ниҳояга этади. Бу ҳудудларда кучли вулқон ҳаракатлари кузатилади. Улар шундай

ҳажмда содир бўладики, қора базальт ва лава Исроилдаги Галили тоғларида, Иорданиянинг баланд ясситоғ қисмларида, Ақаба кўрфазида ва бошқа яқин ерларда учраши мумкин.

Бу қолдиқлар ва географик хусусиятлар Ўлик денгиз бўйида буюк бир геологик ҳодиса содир бўлганлигидан дарак беради.

National Geographic журналининг 1957 йил декабрь ойи нашри бу мавзу юзасидан қуйидаги маълумотларни келтиради:


Беҳосил биёбон бўлган Содом тепалиги Ўлик денгиз узра тик қад кўтарган. Ҳалигача Содом ва Гоморра шаҳарларининг харобаларини ҳеч ким топа олгани йўқ, лекин олимларнинг фикрларига кўра, бу шаҳарлар ушбу қояларнинг қаршисидаги Сиддим водийси бўлган. Эҳтимол, zilзиладан сўнг Ўлик денгизнинг тошқин сувлари уларни ютиб юборган бўлиши мумкин.²⁴⁵

Ҳалокатга юз тутган бу шаҳарга оид маълумотлардан бири, худди „Ҳижр“ сурасининг 76-оятида ваҳий қилингани каби, бу шаҳарларнинг ҳали ҳам асосий йўл устида эканлиги ҳақидадир.

Географлар бу ҳудудни Арабистон ярим оролидан Сурия ва Мисрга қадар чўзилган Ўлик денгизнинг жануби-шарқидаги бир йўл устида бўлганлигини аниқладилар. (Қаранг: Ҳорун Яҳё. *Perished Nations*, Та-На Publishers, Буюк Британия, 2001; Global Publishing, Истанбул, 2002)

Бас, Биз у шаҳарни остин-устун қилиб юбордик ва уларнинг устига сополдан (ясалган) тош ёғдирдик. Албатта, бу (ҳодиса)да фаросатли кишилар учун аломатлар бордир. Дарвоқе, у (аҳолиси ҳалок этилган шаҳар) доимий йўл устидадир. Албатта, бунда мўминлар учун аломатлар бордир. („Ҳижр“ сураси, 74–77-оятлар)

Ўлик денгизнинг
фотосурати



Ахир улар ер юзида сайр этишиб, ўзларидан аввалги пайғамбарларни инкор қилиб, имонсиз кимсаларнинг оқибатлари қандай бўлганини кўрсалар бўлмайдими?! Ўшалар булардан (Макка кофирларидан) кўра қувватлироқ бўлган ва (ўз) ерларини булар обод қилганидан кўра кўпроқ ишлов бериб, обод қилган эдилар-ку! Уларга ҳам ўз пайғамбарлари ҳужжатлар келтирганлар. Бас, Аллоҳ уларга зулм қилувчи бўлмади, лекин улар ўзларига зулм қилувчи бўлдилар. („Рум“ сураси, 9- оят)

САБАЪ ХАЛҚИ ВА АРИМ СЕЛИ

Кўп асрлар илгари Сабаъ жамоаси Жанубий Арабистонда яшаган тўртта энг катта цивилизациялардан бири эди.

Тарихий манбалар Сабаъ қавмининг феникаликлар каби маданияти бўлганлигини таъкидлайди. У асосан тижорат ишларида иштирок этган. Сабаъликлар тарихчилар томонидан цивилизациялашган ва маданиятли халқ бўлган, деб эътироф этилади. Сабаъ ҳукмдорларининг ёзувларида „тикламоқ“, „бағишламоқ“ ва „қурмоқ“ каби сўзлар тез-тез ишлатилади. Бу қавмининг энг аҳамиятли ёдгорликларидан бири бўлган Маъриб тўғони улар эришган технологик ютуқларнинг муҳим аломатидир.

Сабаъ давлати ўша ҳудуддаги энг кучли армиялардан бирига эга эди ва ўзининг қудратли армияси билан босқинчилик сиёсатини олиб боришга қодир эди. Ўзининг илғор маданияти ва армияси билан Сабаъ давлати ўша даврда ҳудуднинг, шубҳасиз, „супер салтанат“ларидан бири эди. Сабаъ давлатининг бундай ғайриоддий қудратли армияси Қуръонда ҳам таърифланган. Сабаъ армияси қўмондонларининг Қуръонда ифодаланган бир гапи бу армиянинг ўзига қанчалик ишонишини намоён этади. Қўмондонлар давлатнинг аёл ҳукмдори (маликаси)га шундай дейдилар:

„Бизлар қувват ва ашаддий матонат эгаларидирмиз. (Ишга) буюриш сенинг ўзинга ҳавола. Бас, нимага буюришни ўйлаб кўравер!“ („Намл“ сураси, 33-оят)

Айни ўша даврда анча тараққий этган технология ёрдами билан қурилган Маъриб тўғони Сабаъ халқининг буюк ирригацион қувватга эга бўлганлигидан далолат беради. Бу техника орқали улар эришган унумдор тупроқ ва уларнинг савдо йўли устидаги назорати ажойиб ва кўркем, шоду хуррам бир ҳаёт кечиришига имкон яратган эди. Бироқ буларнинг барчаси учун Аллоҳга шукр қилиш ўрнига, Қуръонда хабар берилганидек, улар ҳақиқатда „Ундан юз ўгирдилар“. Бундан ташқари, улар учун йўлланган огоҳлантиришлар ва эслатмаларга қулоқ солишни ҳам рад этдилар. Бундай ярамас иллатлари туфайли улар Аллоҳнинг иродаси билан жазога маҳкум қилиндилар ва уларнинг тўғонлари бузилди ва Арим сели уларнинг ерларини яксон қилди.

Сабаъ давлатининг пойтахти бўлган Маъриб шаҳри ўзининг қулай географик ўрни туфайли жуда бой шаҳар эди. Пойтахт шаҳар Адҳана дарёсининг жуда яқинида жойлашган бўлиб, дарёнинг Жабал Балаққа етган нуқтаси тўғон қуриш учун жуда қулай эди. Бундай шароитдан фойдаланиб, сабаъликлар, ўзларининг цивилизацияси ташкил топган дастлабки бир пайтда, мана шу жойда тўғон қурдилар ва ирригация ишларини бошлаб юбордилар. Натижада, улар юқори даражада иқтисодий камолотга эришдилар. Маъриб ўша даврнинг энг ривожланган шаҳарларидан бири эди. Бу диёрга ташриф буюрган ва уни кўкларга кўтариб мақтаган Юнон ёзувчиси Плиний ҳам унинг нечоғлик бир яшил ўлка бўлганлигини қайд этиб ўтган.²⁴⁶

Маърибдаги тўғоннинг баландлиги 16 метр (52,2 фут), эни 60 метр (197 фут) ва узунлиги 620 метр (2034 фут) эди. Ҳисоб-китобларга кўра, тўғон орқали суғорилиши мумкин бўлган ерларнинг умумий майдони 9600 гектар (37 квадрат миля) бўлиб, ундан 5300 гектари (20,5 квадрат миля) жанубий текисликка, қолган қисми эса шимолий текисликка кирар эди. Бу икки текисликка Сабаъ ёзувларида „Маъриб ва икки текислик“ деб мурожаат қилинган.²⁴⁷ Қуръондаги „**ўнг томон ҳам, сўл томон ҳам боғ-роғ бўлиб,**“ деган жумла бу икки водийдаги салобатли боғ ва узумзорларга ишоратдир. Мазкур тўғон ва унинг ирригация тизими туфайли бу ўлка Яманнинг энг яхши суғорилган ва энг серҳосил ери сифатида ном таратган эди. Франциялик Ж. Ҳолеви ва австриялик Глазер ёзма ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, Маъриб тўғони қадим замонлардан бери бор бўлганлигини исботладилар. Ҳимер лаҳжасида ёзилган ҳужжатларда бу тўғон ўлка тупроқларини унумдор қилганлиги ва иқтисоднинг юраги бўлганлиги қайд этилган.

542- йилда яксон бўлган тўғон Арим селини келтириб чиқарди ва жуда катта талафот етказди. Сабаъ халқи томонидан бир неча юз йиллаб ишлов берилган узумзорлар, боғлар ва далалар тамомила яксон бўлди. Тўғон қулагандан сўнг, Сабаъ қавми тезда қисқариш даврига кирган ва охир-оқибатда Сабаъ давлати якун топган.

Юқорида қайд этилган тарихий маълумотлар Қуръондаги маълумотлар билан таққослаб кўрилганда, улар орасидаги монандлик яққол кўзга ташланади. Археологик топилмалар ва тарихий маълумотларнинг ҳар иккаласи ҳам Қуръонда нозил этилганларни тасдиқлайди. Оятда таъкидланганидек, ўз пайғамбарининг панд-

насиҳатларини тингламаган ва Раббимизнинг неъматларига шукр қилмаган халқ пировардида даҳшатли сув тошқини билан жазоланган. Бу сув тошқини Қуръоннинг қуйидаги оятларида шундай таърифланади:

Сабаъ (аҳолиси) учун ўз масканларида (Аллоҳнинг фазлига доир) бир аломат бор эди — ўнг томон ҳам, сўл томон ҳам боғ-роғ бўлиб, (Биз уларга): „Парвардигорингиз ризқидан баҳраманд бўлингиз ва Унга шукр қилингиз! (Шаҳрингиз) покиза шаҳар, (Парвардигорингиз) мағфиратли Парвардигордир“ (деган эдик). Бас, улар (шукрдан) юз ўгиргач, Биз уларнинг устига тўғон билан (тўсиб қўйилган) селни (очиб) юбордик ва уларнинг боғларини аччиқ мевали, юлғунзор ва сийрак бутазор „боғлар“га айлантириб қўйдик. Кофир бўлганлари сабабли уларни мана шу (жазо билан) жазоладик. Биз кофирдан ўзга кимсага жазо берармидик?! („Сабаъ“ сураси, 15–17-оятлар)

Маъриб ибодатхонасининг харобалари





Маъриб тўғони (юқоридаги ва ён саҳифадаги расмларда кўрсатилган) Сабаъ халқининг энг катта ишларидан бири эди. Бу тўғон Қуръонда таъкидланган Арим селида қулади ва Сабаъ давлати иқтисодий жиҳатдан заифлашди, кейинчалик эса яқун топди.

Қуръонда Сабаъ қавмига юборилган жазо „сайл ал-арим“ деб номланган бўлиб, у „Арим сели“ деган маънони англатади. Қуръонда ишлатилган бу ифода айни замонда бу селнинг қай йўсинда содир бўлганлигидан ҳам дарак беради. „Арим“ сўзи тўғон ёки тўсиқ деган маънони билдиради. „Сайл ал-арим“ ифодаси эса бу тўсиқнинг бузилиши билан юзага келган бир селни англатади. Муфассирлар Арим сели тўғрисида Қуръонда ишлатилган атамалардан келиб чиқиб, замон ва макон масалаларини ҳал қилдилар. Мисол учун, Мавҳуди ўзининг тафсирида қуйидагича ёзади:

Матндаги „сайл ал-арим“ ифодасида қўлланилган „арим“ сўзи жанубий араб тили лаҳжасида ишлатиладиган „ариман“ сўзидан ясалган бўлиб, „тўғон, тўсиқ“ деган маънони англатади. Ямандаги қазишмалар орқали очилган харобаларда бу сўзнинг тез-тез шу маънода ишлатилганлиги маълум бўлди. Мисол учун, Яманнинг Ҳабеш ҳукмдори Эбреҳе (Абраҳа)нинг буюк Маъриб девори таъмирланишидан сўнг, милодий 542–543-йилларда ёздирган тарихий бир китобида бу сўз қайта-қайта тўғон (тўсиқ) маъноларида ишлатилган. Демак, „сайл ал-арим“ ифодаси „бир тўсиқ йиқилганда майдонга келадиган сел фалокати“ деган маънони англатиб келади. „... Биз уларнинг устига



тўғон билан (тўсиб қўйилган) селни (очиб) юбордик ва уларнинг боғларини аччиқ мевали, юлгунзор ва сийрак бутазор „боғлар“га айлантириб қўйдик. („Сабаъ“ сураси, 16-оят). Яъни тўсиқ (тўғон) девор қулагандан сўнг юзага келган сел натижасида бутун мамлакат хароб бўлди. Сабаъликлар томонидан қазилган каналлар ва тоғлар ўртасида тўсиқ қуриш орқали бино этилган девор яқсон бўлди ва суғориш тизими бузилди. Натижада илгари боғ бўлиб яшнаган ўлка чакалакзорга айланди. Кичик йўғон дарахтларнинг олчага ўхшаш мевасидан ўзга ҳеч бир мева қолмади.²⁴⁸

Und Die Bible Hat Doch Recht (Муқаддас китоб ҳақ эди) китобининг муаллифи насроний археолог Вернер Келлер Қуръонда таърифланган Арим селини эътироф этиб, бундай тўғоннинг мавжуд бўлганлиги ва унинг қулаши билан бутун мамлакатнинг хароб бўлганлиги ҳақида ёзади ҳамда Қуръонда бу боғнинг халқи ҳақида келтирилган мисол ростдан ҳам содир бўлганлигини тасдиқлайди.²⁴⁹

Арим сели фалокатидан сўнг, ўлка чўлга айлана борди ва Сабаъ халқи ўзининг энг муҳим даромад манбаидан айрилди. Улар қишлоқ хўжалиги гуллаб-яшнаган ва молиявий жиҳатдан салоҳиятли ерларини қўлдан бой бердилар. Аллоҳга имон келтирмаган ва Унга шукроналар айтмаган халқ пировардида мана шундай фалокат билан жазога мустаҳиқ бўлди. (Қаранг: Ҳорун Яҳё. *Perished Nations*, Та-На Publishers, Буюк Британия, 2001; Global Publishing, Истанбул, 2002)


АЛ-ҲИЖР ХАЛҚИ

Самуд қавми Қуръонда қайд этилган бир қабила бўлиб, у ҳақда бугунги кунда кўп маълумотлар мавжуд. Тарихий манбалар кўп йиллар илгари Самуд номли бир қавм мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди. Самуд қавми ва Қуръонда қайд этилган ал-Ҳижр халқи аслида битта, деб тахмин қилинади, чунки Самуднинг бошқа номи „Ашааб ал-Ҳижр“ дир. Шундан келиб чиққан ҳолда, „Самуд“ сўзи халқнинг номи бўлиб, ал-Ҳижр эса улар асос солган шаҳарлардан бири бўлиши мумкин. Аслида, бу айнан Юнон географи Плинийнинг таърифлари билан бир хилдир. Плиний Самуд қавмининг Домоса ва Ҳегра деб аталадиган жойда, бугунги кундаги Ҳижр шаҳрида яшаганлари ҳақида ёзади.²⁵⁰

Самуд қавми тилга олинган энг эски манба Бобил давлати қайдномаларидир. Улар Бобил подшоҳи Саргон II нинг милоддан аввалги VIII асрда яшаган одамлар устидан қозонган зафарлари ҳақидаги тафсилотларни баён этади. Саргон уларни Шимолий Арабистондаги жангда енгади. Юнонликлар ҳам бу қавм устида тўхталиб ўтганлар ва Арасту, Птолемей ва Плинийлар уларга „Thamudaei“, яъни „Самудлар“ деб мурожаат қилганлар.²⁵¹ Пайғамбаримиз (с.а.в.) давридан, яъни тахминан 400–600-йиллардан олдин уларга оид барча излар тамомила йўқолиб кетган эди. (Қаранг: Ҳорун Яҳё. *Perished Nations*, Та-На Publishers, Буюк Британия, 2001; Global Publishing, Истанбул, 2002)

Бугунги кунда Иорданиянинг жануби-ғарбидаги қадимий Петра шаҳрида бу қавм яратган тош асарларнинг энг гўзал намуналарини кўриш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, Қуръонда Самуд қавмининг тош ишларидаги усталиклари ҳақида шундай сўз юритилади:

(Солиҳ ўз қавмига деди:) „Сизларни (Аллоҳ) Од (қавми)дан кейинги халифа (авлод) қилгани ва текисликларида қасрлар (қуриб) олишингиз, тоғларидан ўйиб уйлар ясаб олишингиз учун сизларга Ердан жой берганини эслангизлар! Бас, Аллоҳнинг неъматларини эслангиз ва Ер (юзи)да бузғунчилик қилиб юрмангиз!“ („Аъроф“ сураси, 74- оят)



Аниққи, Ҳижр (водий) эгалари (Самуд кавми) ҳам пайғамбарларни, (хусусан, Солихни) ёлғончига чиқарган эдилар. Биз уларга ўз оятларимизни келтирган эдик, лекин улардан юз ўгирувчи бўлдилар. (Улар) тоғлардан йўниб, уй ясаб хавфсиз юрар эдилар. Бас, уларни тонг палласида даҳшатли кичкирик тутди. Уларга килиб юрган нарсалари (тошдан ясалган қалъалари) фойда бермади. („Ҳижр“ сураси, 80–84-оятлар)

Иорданиядаги машҳур Петра харобалари

ТЎРТИНЧИ КИТОБ

АЛЛОХНИНГ
ҚУРЪОНДАГИ
МАТЕМАТИК
МУЪЖСИЗЛАРИ



ҚУРЪОНДА СЎЗЛАР ТАКРОРИЙЛИГИ

Қуръоннинг биз шу пайтгача кўриб чиққан мўъжизавий хусусиятларидан ташқари, „математик мўъжизалари“ ҳам бордир. Қуръоннинг бундай ажойиб жиҳатига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бу мўъжизаларга бир мисол Қуръондаги баъзи сўзларнинг такрорийлигидир. Баъзи сўзлар эса ҳайратланарли тарзда бир хил миқдорда такрорланади. Қуйида бундай сўзларнинг рўйхати ва уларнинг Қуръонда такрорланиш сони келтирилган.



„Етти осмонлар“ (*сабъа самааваат*) хабари етти марта такрорланган. „Осмонларнинг яратилиши“ (*холқ ас-самааваат*) ифодаси ҳам етти марта такрорланган.

| | |
|------------------------|---------|
| ЕТТИ ОСМОНЛАР | 7 марта |
| ОСМОНЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШИ | 7 марта |

◆ „Кун“ (*йавм*) сўзи 365 марта бирлик шаклда такрорланган бўлса, унинг кўплиги ва иккилик шакли „кунлар“ (*аййаам* ва *йавмайн*) биргаликда 30 марта такрорланган. „Ой“ (*шахр*) сўзи эса 12 марта такрорланган.

| | |
|--------|-----------|
| КУН | 365 марта |
| КУНЛАР | 30 марта |
| ОЙ | 12 марта |

◆ „Ўсимлик“ (*набат*) ва „дарахт“ (*шажар*) сўзларининг такрорийлиги бир хил – 26 тадандир.

| | |
|---------|----------|
| ЎСИМЛИК | 26 марта |
| ДАРАХТ | 26 марта |

◆ „Тўлов ёки мукофот“ (*жазаа*) 117 марта такрорланган бўлса, Қуръоннинг асосий одобларидан бири бўлган „афв этиш“ (*мағфироҳ*) ифодаси бу рақамдан роппа-роса 2 марта кўп, яъни 234 марта такрорлангандир.

| | |
|----------|---------------------|
| ТЎЛОВ | 117 марта |
| АФВ ЭТИШ | 2 X 117 = 234 марта |

◆ „Айт“ (*қул*) сўзини санасак, унинг 332 марта учрашини кўрамыз. „Айтдилар“ (*қолу*) сўзини санайдиган бўлсак, унга ҳам шунча марта дуч келамиз.

| | |
|----------|-----------|
| АЙТ | 332 марта |
| АЙТДИЛАР | 332 марта |

❖ „Дунё“ (*дунйаа*) ва „Охират“ (*аахироҳ*) сўзларининг такрорланиши ҳам бир хил – 115 мартадандир.

| | |
|--------|-----------|
| ДУНЁ | 115 марта |
| ОХИРАТ | 115 марта |

❖ Қуръонда „шайтон“ (*шайтоон*) сўзи худди „фаришталар“ (*малааикаҳ*) сўзи каби 88 марта ишлатилган.

| | |
|------------|----------|
| ШАЙТОН | 88 марта |
| ФАРИШТАЛАР | 88 марта |

❖ „Имон“ (*имаан*) ва „куфр“ (*куфр*) сўзлари Қуръонда 25 мартадан қўлланилган.

| | |
|------|----------|
| ИМОН | 25 марта |
| КУФР | 25 марта |

❖ „Жаннат“ (*жаннаҳ*) ва „жаҳаннам“ (*жаҳаннам*) сўзларининг ҳар бири 77 мартадан такрорланган.

| | |
|----------|----------|
| ЖАННАТ | 77 марта |
| ЖАҲАННАМ | 77 марта |

❖ „Закот“ (*закааҳ*) сўзи Қуръонда 32 марта такрорланган, шунингдек, „баракот“ (*барокаҳ*) сўзи ҳам.

| | |
|---------|----------|
| ЗАКОТ | 32 марта |
| БАРАКОТ | 32 марта |

- ❖ „Шафқатлилар“ (*ал-аброор*) ифодаси 6 марта, „гуноҳкорлар“ (*ал-фуужжаар*) ифодаси эса унинг ярмича, яъни 3 марта ишлатилган.

| | |
|-------------|---------|
| ШАФҚАТЛИЛАР | 6 марта |
| ГУНОҲКОРЛАР | 3 марта |

- ❖ „Ёз–иссиқ“ (*сайф–ҳарр*) ва „қиш–совуқ“ (*шитаа–бард*) сўзларининг такрорланиш миқдори бир хил – 5 мартадир.

| | |
|-----------|-------------|
| ЁЗ–ИССИҚ | 1+4=5 марта |
| ҚИШ–СОВУҚ | 1+4=5 марта |

- ❖ „Шароб“ (*хамр*) ва „сархушлик“ (*сақоро*) сўзлари Қуръонда бир хил миқдорда – 6 мартадан такрорланган.

| | |
|-----------|---------|
| ШАРОБ | 6 марта |
| САРХУШЛИК | 6 марта |

- ❖ „Ақл“ (*бақл*) ва „нур“ (*нуур*) сўзларининг учраши 49 мартадандир.

| | |
|-----|----------|
| АҚЛ | 49 марта |
| НУР | 49 марта |

- ❖ „Тил“ (*лисан*) ва „ваъз–насиҳат“ (*мавъиза*) сўзларининг ҳар иккаласи ҳам 25 мартадан такрорланган.

| | |
|--------------|----------|
| ТИЛ | 25 марта |
| ВАЪЗ-НАСИҲАТ | 25 марта |

❖ „Фойда“ (*наф*) ва „бузғунчилик“ (*фасад*) сўзлари 50 мартадан учрайди.

| | |
|-------------|----------|
| ФОЙДА | 50 марта |
| БУЗҒУНЧИЛИК | 50 марта |

❖ „Мукофот“ (*ажр*) ва „қилмиш“ (*фаъил*) сўзларининг ҳар бири 107 мартадан такрорланган.

| | |
|---------|-----------|
| МУКОФОТ | 107 марта |
| ҚИЛМИШ | 107 марта |

❖ „Муҳаббат“ (*ал-маҳаббаҳ*) ва „итоат“ (*ат-таъбаҳ*) ифодаларининг такрорланиши 83 мартадандир.

| | |
|----------|----------|
| МУҲАББАТ | 83 марта |
| ИТОАТ | 83 марта |

❖ „Тақдир“ (*масиир*) ва „абადий“ (*абадан*) сўзлари Қуръонда бир хил миқдорда – 28 мартадан учрайди.

| | |
|--------|----------|
| ТАҚДИР | 28 марта |
| АБАДИЙ | 28 марта |

❖ „Мусибат“ (*ал-мусибаҳ*) ва „шукр“ (*аш-шукр*) сўзлари Қуръонда бир хил миқдорда – 75 мартадан учрайди.

| | |
|---------|----------|
| МУСИБАТ | 75 марта |
| ШУКР | 75 марта |

◆ „Қуёш“ (*шамс*) ва „нур“ (*нуур*) сўзларининг ҳар бири Қуръонда 33 мартадан учрайди.

◆ „Нур“ сўзи саналганда фақатгина сўзнинг содда шакллари ҳисобга олинди.

| | |
|------|----------|
| ҚУЁШ | 33 марта |
| НУР | 33 марта |

◆ „Тўғри йўлга бошлаш“ (*ал-ҳудаа*) ва „шафқат“ (*ар-роҳмах*) ифодалари 79 мартадан учрайди.

| | |
|--------------------|----------|
| ТЎҒРИ ЙЎЛГА БОШЛАШ | 79 марта |
| ШАФҚАТ | 79 марта |

◆ „Ғам“ (*дайқ*) ва „шодланмоқ“ (*таманиййе*) сўзларининг ҳар бири Қуръонда 13 мартадан такрорланган.

| | |
|-----------|----------|
| ҒАМ | 13 марта |
| ШОДЛАНМОҚ | 13 марта |

◆ „Эркак“ (*рожул*) ва „аёл“ (*маръа*) сўзлари тенг миқдорда – 23 мартадан ишлатилган.

„Эркак“ ва „аёл“ сўзларининг Қуръонда такрорланиш сони бўлган 23, айти замонда инсон эмбрионининг шаклланишида тухум ва сперматозоиддаги хромосомалар сони ҳамдир. Инсон хромосомаларининг жами сони 46 та бўлиб, улар аёл ва эркакнинг тухум ва сперматозоидидаги хромосомалар сонининг йигиндисидир.

| | |
|-------|----------|
| АЁЛ | 23 марта |
| ЭРКАК | 23 марта |

„Хиёнат“ (*хийаанаҳ*) сўзи 16 марта такрорланган, шунингдек, „қабих“ (*хобис*) сўзи ҳам.

| | |
|--------|----------|
| ХИЁНАТ | 16 марта |
| ҚАБИҲ | 16 марта |

„Инсон“ (*инсан*) сўзи 65 марта қўлланилган: инсоннинг яратилиш босқичларига ишоратлар сони ҳам айнан шунча, яъни:

| ИНСОН | инсан | 65 марта |
|-----------------|--------|-----------------|
| ТУПРОҚ | турооб | 17 марта |
| НУТФА | нутфаҳ | 12 марта |
| ЭМБРИОН | ъалақ | 6 марта |
| ЧАЛА ШАКЛЛАНГАН | | |
| БИР ПАРЧА ЭТ | музғо | 3 марта |
| СУЯК | ъизҳам | 15 марта |
| ЭТ | лаҳм | 12 марта |
| ЖАМИ | | 65 марта |

„Солаваат“ сўзи Қуръонда беш марта учрайди ва Аллоҳ инсонларга бир кунда 5 дафъа намоз (*солат*) ўқишни амр этди.

„Қуруқлик“ (*барр, йабас*) сўзи Қуръонда 13 марта, „денгиз“ (*бахр*) сўзи эса 32 марта, улар жами бўлиб 45 марта учрайди. Агар қуруқликнинг Қуръонда ишорат этилиши сонини, яъни 13 ни 45 га бўлсак, 28,888888888889% рақами чиқади. Денгизларнинг Қуръонда ишорат этилиш сони бўлган 32 ни 45 га бўлганимизда эса, 71,111111111111% ҳосил бўлади. Файриоддий тарзда, бу рақам бугунги кунда қуруқлик ва денгизнинг Ердаги аниқ нисбатларини акс эттиради.²⁵²

| | | |
|-------------|-----------------|-----------------------------|
| ҚУРУҚЛИК | 13 марта | $13 : 45 = 28,888888888889$ |
| ДЕНГИЗ | 32 марта | $32 : 45 = 71,111111111111$ |
| ЖАМИ | 45 марта | 100% |

ҚУРЪОНДА РАҚАМЛИ ҲИСОБЛАР (АБЖАД ҲИСОБИ)

Араб алифбосидаги ҳар бир ҳарф рақамли қийматга эга. Бошқача қилиб айтганда, араб тилидаги ҳар бир ҳарф бирор рақамни англа-тади. Бир қатор ҳисоблаш амаллари шу асосда бажарилиши мумкин. Бундай ҳисоблаш тури рақамли ҳисоблар (*абжад*) ёки „*ҳисааб ал-жуммал*“ деб аталади.²⁵³ Алифбонинг ҳар бир ҳарфи бирор рақамни англантишини билган мусулмонлар уни бир қанча соҳаларда қўллаганлар. „*Илм ал-жафр*“ бу соҳалардан биридир.

„*Жафр*“ келажакда содир бўлиши мумкин бўлган нарсаларни башорат қилиш илмидир. Бунга кўра, рамзий шакллар ва ҳарфлар-нинг рақамли қийматларини таққослаш бу соҳа билан машғул бўлган кимсалар томонидан ишлатиладиган усуллардан биридир. „*Абжад*“ ва „*жафр*“ усуллари ўртасидаги асосий фарқ шундаки, биринчиси аллақачон содир бўлган воқеаларга, кейингиси эса келажакда содир бўладиган воқеаларга ишорат қилади.²⁵⁴

Араб алифбосининг кетма-кетлик ва рақамли қийматлар жадвали

| | | | | | | | | | | | | | | |
|-----------------------------|------|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|------|
| Кетма-кетлик қиймати | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| Араб ҳарфлари | ا | ب | ج | د | ه | و | ز | ح | ط | ي | ك | ل | م | ن |
| Ўзбекча | алиф | бе | жим | дол | ҳе | вов | зе | ҳе | то | йо | коф | лом | мим | нун |
| Рақамли қиймат | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 20 | 30 | 40 | 50 |
| Кетма-кетлик қиймати | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 |
| Араб ҳарфлари | س | ع | ف | ق | ر | ش | ت | ث | خ | ذ | ض | ظ | غ | |
| Ўзбекча | син | айн | фе | сод | қоф | ре | шин | те | се | хо | зол | зод | зо | ғайн |
| Рақамли қиймат | 60 | 70 | 80 | 90 | 100 | 200 | 300 | 400 | 500 | 600 | 700 | 800 | 900 | 1000 |

Ҳисоблашнинг бу усули ёзувнинг бир шакли бўлиб, унинг тарихи бир неча аср олдинги даврларга бориб тақалади ва у Қуръон нозил қилинишидан олдин кенг миқёсда қўлланилар эди. Араб тарихида содир бўлган ҳар бир нарса ҳарфларнинг рақамли қийматлари ҳисобга олинган ҳолда ёзилар ва шу тариқа ҳар бир воқеанинг санаси қайд этиб борилар эди. Бу саналар ҳарфларнинг рақамли қийматларини бир-бирига қўшиш орқали чиқарилар эди.

Қуръоннинг айрим оятлари „*абжад*“ усули асосида текшириб кўрилса, бу оятларнинг маънолари билан тўлиқ мос тушадиган бир қатор саналарнинг пайдо бўлишини кўришимиз мумкин. Бу оятларда ишорат қилинган нарсалар ҳақиқатда мазкур усул орқали ҳисоблаб чиқилган саналарда содир бўлганлигига шохид бўлганимизда, оятлардаги бу воқеаларга тааллуқли сирли аломатлар мавжудлигини тушуниб етамиз. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.)



1969 йилдаги Ойга кўниш Қуръонда ишорат этилган:

أَمَرَكِ التَّاعَةَ وَأَنْتَقَى الْقَمْرَ

Қиёмат яқинлашди. Ой ҳам бўлинди. („Қамар“ сураси, 1-оят)

Юқоридаги оятда қўлланилган арабча „*иншаққа*“ (бўлинди) сўзи „*шаққа*“ сўзидан келиб чиққан бўлиб, „бирор нарсанинг кўтарилишига сабаб бўлмоқ, тупроқни ҳайдамоқ ёки ковламоқ“ деган маъноларда ҳам ишлатилиши мумкин.

أَنَا صَبَبْنَا الْمَاءَ صَبًّا • ثُمَّ شَقَقْنَا الْأَرْضَ شَقًّا • فَأَنبَتْنَا فِيهَا حَبًّا •
وَعَبْنَا وَقَضَبْنَا • وَزَيَّنَّاوْنَا وَنَخَلًا • وَخَدَّائِقًا غُلْبًا • وَفَاكِهَةً وَأَبًا •

Биз (осмондан) сувни мўл ёғдирдик. Сўнгра ерни (гиёҳлар унсин, деб) ёрдик. Сўнгра Биз унда донларни ундирдик, узум ва кўкатларни, зайтун ва хурмоларни, қалин дарахтзор боғларни, меваю гиёҳларни ҳам. („Абаса“ сураси, 25–31-оятлар)

Кўриб турганимиздек, юқоридаги оятда ишлатилган „*шаққа*“ сўзи „иккига бўлиш“ эмас, балки „тупроқни ёриб, турли экинларни ундириш“ маъносида келган. Мана шу жиҳатдан олиб қаралганда, „*шаққа*“ сўзининг „**Ой ҳам бўлинди**“ („Қамар“ сураси, 1-оят) ифодасидаги маъноси унинг 1969 йилги ойга кўниш ва Ойда амалга оширилган изланишларни назарда тутаётганлигида ҳам кўриниши мумкин. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.) Ҳақиқатда, бу ерда бошқа бир жуда муҳим аломат мавжуд. „Қамар“ сурасидаги бу оятда

ишлатилган айрим сўзларнинг „абжад“ қийматлари ҳам 1969 рақамини келтириб чиқаради.

Бундай ҳисоблаш усулида алоҳида урғу берилиши керак бўлган муҳим бир жиҳат шундаки, унда жуда катта ва матнга алоқадор бўлмаган сонларнинг келиб чиқиш эҳтимоли бор. Жуда кичик алоқадор сонларнинг ҳосил бўлиш эҳтимолига қарамай, бундай аниқ рақамларнинг келиб чиқиши ҳайратланарли бир ҳолдир.

Қиёмат /яқинлашди/. Ой ҳам бўлинди.

Ҳижрий: 1390, Григорий: 1969 $\text{إِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ وَأَنَّكُمُ الْمَرَضَاتُ الْفَرَسَاتُ}$

„Яқинлашди“ жумласи ҳисобга олинмайди, чунки у араб тилида оятнинг бошида келади.

1969 йилда америкалик астронавтлар Ойда тадқиқот ўтказишди, турли ускуналар билан унинг тупроғини ковлашди, уни ёриб, Ерга намуна олиб қайтишди.

Бироқ биз шу нарсани таъкидлашимиз лозимки, албатта, Ойни бўлиш Аллоҳнинг Пайғамбаримиз (с.а.в.)га берган мўъжизаларидан биридир. Бу мўъжиза ҳадисларнинг бирида қуйидагича тасвирланади:

Макка халқи Расулulloҳдан уларга мўъжиза кўрсатишни сўрадилар.

Шунда Расулulloҳ уларга Ойнинг икки бўлакка бўлинганини кўрсатдилар. Маккаликлар бу икки бўлак орасида Ҳирам тоғини кўрдилар. (Саҳиҳ Бухорий)

Юқоридаги мўъжиза оятда ваҳий қилинган Ойнинг бўлинишидир. Бинобарин, Қуръон барча замонларга қаратилган Китоб бўлганлиги боис, бу оят бугунги кунимизда Ойнинг тадқиқ этилишини назарда тутмоқда, деб тушунилиши мумкин. (Аллоҳ ҳаммадан кўп билгувчидир.)

ة ع ا س ل ا
1 + 30 + 60 + 1 + 70 + 400

ق ش ن ا و
6 + 1 + 50 + 300 + 100

ر م ق ل ا
1 + 30 + 100 + 40 + 200

Жами: 1390 (Григорий 1969)

ҚУРЪОНДА 19 МЎЪЖИЗАСИ

Қуръоннинг бошқа бир математик мўъжизаси 19 рақамининг оятларда шифрланиш усулидир. Қуръондаги „Унинг устида ўн тўққиз (фаришта қўриқчилик қилур).“ („Муддассир“ сураси, 30-оят) оятида урғу берилган сон Китобнинг бир қанча жойларида шифрланган. Бунга қуйидаги баъзи мисолларни санаб ўтиш мумкин:

◆ Басмала 19 ҳарфдан иборат.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

| | | | | | |
|---|---------|---|----------|---|----------|
| ب | 1- ҳарф | ا | 8-ҳарф | ل | 15- ҳарф |
| س | 2- ҳарф | ل | 9- ҳарф | ر | 16- ҳарф |
| م | 3- ҳарф | ر | 10- ҳарф | ح | 17- ҳарф |
| ا | 4- ҳарф | ح | 11- ҳарф | ی | 18- ҳарф |
| ل | 5- ҳарф | م | 12- ҳарф | م | 19- ҳарф |
| ل | 6- ҳарф | ن | 13- ҳарф | | |
| ه | 7- ҳарф | ا | 14- ҳарф | | |

- ◆ Куръон 114 (19 х 6) сурадан иборат.
- ◆ Нозил қилинган биринчи сура (96-сура) охиридан 19-сурадир.
- ◆ Куръонда нозил қилинган илк оятлар 96-суранинг биринчи беш ояти бўлиб, бу оятлардаги сўзларнинг жами сони 19 тадир.

اِقْرَأْ بِاسْمِ رَبِّكَ الَّذِي خَلَقَ

5- сўз

4-сўз

3-сўз

2-сўз

1-сўз

خَلَقَ الْإِنْسَانَ مِنْ عَلَقٍ

9-сўз

8-сўз

7-сўз

6-сўз

اِقْرَأْ وَ رَبُّكَ الْأَكْرَمُ

12-сўз

11-сўз

10-сўз

الَّذِي عَلَّمَ بِالْقَلَمِ

15-сўз

14-сўз

13-сўз

عَلَّمَ الْإِنْسَانَ مَا لَمْ يَعْلَمْ

19-сўз

18-сўз

17-сўз

16-сўз

Кўриб турганимиздек, биринчи беш оят 19 та сўздан иборат. „و“ сўз эмас, балки ҳарфдир. Шу сингари, „ب“ ҳарфи ҳам ҳисобга олинмади.

- ❖ Ваҳий этилган илк сура, яъни „Алақ“ сураси 19 оятдан ва 285 (19 x 15) ҳарфдан ташкил топган.
- ❖ Энг охири ваҳий қилинган сура, яъни „Наср“ сураси, жами 19 сўздан иборат.

إِذَا جَاءَ نَصْرُ اللَّهِ وَالْفَتْحُ

5- сўз

4-сўз

3-сўз

2-сўз

1-сўз

وَرَأَيْتَ النَّاسَ يَدْخُلُونَ فِي دِينِ

10- сўз

9-сўз

8-сўз

7-сўз

6-сўз

اللَّهُ أَفْوَاجًا

12-сўз

11-сўз

فَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ وَاسْتَغْفِرْهُ

16-сўз

15-сўз

14-сўз

13-сўз

إِنَّهُ كَانَ تَوَّابًا

19-сўз

18-сўз

17-сўз

Бундан ташқари, „Наср“ сурасининг Аллоҳнинг ёрдами ҳақида сўз кетган биринчи ояти 19 ҳарфдан ташкил топган.

إِذَا جَاءَ نَصْرُ اللَّهِ وَالْفَتْحُ

| | | | | | |
|---|---------|---|----------|---|----------|
| ا | 1- ҳарф | ص | 8-ҳарф | ا | 15- ҳарф |
| ذ | 2- ҳарф | ر | 9- ҳарф | ل | 16- ҳарф |
| ا | 3- ҳарф | ا | 10- ҳарф | ف | 17- ҳарф |
| ج | 4- ҳарф | ل | 11- ҳарф | ت | 18- ҳарф |
| ا | 5- ҳарф | ل | 12- ҳарф | ح | 19- ҳарф |
| ع | 6- ҳарф | ه | 13- ҳарф | | |
| ن | 7- ҳарф | و | 14- ҳарф | | |

◆ Қуръонда 114 та басмала бор ёки 19 x 6.

◆ Қуръонда жами 113 сура басмала билан бошланади. Басмала билан бошланмайдиган ягона сура, 9-сонли „Тавба“ сура-сидир. „Намл“ сураси иккита басмалали ягона сурадир.

Буларнинг бири суранинг бошида, бошқаси эса 30-оятдадир. Басмала билан бошланмайдиган „Тавба“ сурасидан бошлаб санасак, „Намл“ сураси 19-сура бўлиб келади.

| | СУРА РАҚАМИ | СУРА НОМИ | |
|--|-------------|-----------|----------------------------------|
| | 1 | Фотиҳа | |
| | 2 | Бақара | |
| | 3 | Оли Имрон | |
| | 4 | Нисо | |
| | 5 | Моида | |
| | 6 | Анъом | |
| | 7 | Аъроф | |
| „Тавба“ сураси басмала билан бошланмайдиган ягона сурадир. | 8 | Анфол | } Орадаги суралар сони 19 тадир. |
| | 9 | Тавба | |
| | 10 | Юнус | |
| | 11 | Худ | |
| | 12 | Юсуф | |
| | 13 | Раъд | |
| | 14 | Иброҳим | |
| | 15 | Ҳижр | |
| | 16 | Наҳл | |
| | 17 | Исро | |
| | 18 | Каҳф | |
| | 19 | Марям | |
| „Намл“ сурасининг бошидаги басмалага кўшимча равишда, унинг 30-оятда иккинчи басмала ҳам мавжуд. | 20 | Тоҳо | |
| | 21 | Анбиё | |
| | 22 | Ҳаж | |
| | 23 | Муъминун | |
| | 24 | Нур | |
| | 25 | Фурқон | |
| | 26 | Шуаро | |
| | 27 | Намл | |
| | 28 | Қасас | |
| | 29 | Анкабут | |
| | 30 | Рум | |
| | 31 | Луқмон | |
| | 32 | Сажда | |
| | 33 | Аҳзоб | |
| | 34 | Сабаъ | |
| | 35 | Фотир | |
| | 36 | Ёсин | |
| | 37 | Соффот | |
| | 38 | Сод | |

„Тавба“ сурасидан 19 сура кейин келадиган 27-рақамли „Намл“ сурасининг бошида ҳамда 30-оятда басмала бор. Демак, 27-сурада иккита басмала мавжуд. Басмалаларнинг 114 та бўлишини таъминловчи 27-суранинг 30-оятидир. Оят ва сура рақамларини, яъни 30 ва 27 ларни бир-бирига қўшсак, 57 (19 x 3) сонини чиқарамиз.

„Тавба“ сурасидан (9) „Намл“ сурасига (27) қадар жами суралар сони қуйидагичадир: 342(9+10+11+12+13+14+15+16+17+18+19+20+21+22+23+24+ 25+26+27). Бу рақам 19 ни 18 га кўпайтирганда ҳосил бўлади.

❖ Рақамлари 19 ва 19 нинг кўпайтмаси бўлган оятларда (яъни 19, 38, 57, 76 ва бошқа оятлар) келган Аллоҳ исмларининг жами сони 133 (19 x 7) дир.

❖ „Бир“ маъносини англатувчи „ваҳд“ сўзининг „абжад“ қиймати 19 дир. Бу сўз Қуръонда бир эшик, бир овқат тури каби сўзлар билан ишлатилган. Аммо „Аллоҳ“ номи билан эса 19 марта қўлланилган.

| Бу ерда арабча ҳарфлар ҳаракат белгиларисиз кўрсатилган | „Ваҳд“ сўзининг ҳарфлари | Ҳарфларнинг рақамли қиймати |
|---|--------------------------|-----------------------------|
| و | В | 6 |
| ا | А | 1 |
| ح | Ҳ | 8 |
| د | Д | 4 |
| Сўзнинг жами абжад қиймати | | 19 |

- ◆ „Ваҳд“ сўзи 19 марта иштирок этган сура ва оят рақамларининг жами 361 (18 x 19) дир.
- ◆ „Ёлғиз Аллоҳга ибодат этинг“ ифодасининг арабчаси „вахдаҳу“ 7:70, 39:45, 40:12, 40:84 ва 60:4 рақамли оятларда учрайди. Бу рақамлар (уларнинг такрорийларисиз) қўшилганда 361 (19 x 19) сони келиб чиқади.
- ◆ Илк бошловчи ҳарфлар (Алиф, Лом, Мим; „Бақара“ сурасининг 1-ояти) ва сўнгги бошловчи ҳарфлар (Нун; „Қалам“ сурасининг 1-ояти) ўртасидаги оятлар сони 5263 (19 x 277) тадир.
- ◆ Бошловчи ҳарфлари бор бўлган биринчи сура ва бошловчи ҳарфлари бор бўлган сўнгги сура ўртасида бошловчи ҳарфларга эга бўлмаган 38 (19 x 2) сура мавжуд.
- ◆ „Раҳмон“ (*шафқатли*) сўзи Қуръонда 57 (19 x 3) марта қўлланган.
- ◆ Қуръонда ўттиз хил турли рақамлар қайд этилган.

| | | | | |
|----------|-----------|-----------|------------|---------------|
| 1 | 7 | 19 | 70 | 1000 |
| 2 | 8 | 20 | 80 | 2000 |
| 3 | 9 | 30 | 99 | 3000 |
| 4 | 10 | 40 | 100 | 5000 |
| 5 | 11 | 50 | 200 | 50000 |
| 6 | 12 | 60 | 300 | 100000 |

Бу рақамларнинг жами (такрорий келганлар ҳисобга олинмаганда) сони 162146 дир. Бу 19 x 8534 демақдир: 1 + 2 + 3 + 4 + 5 + 6 + 7 + 8 + 9 + 10 + 11 + 12 + 19 + 20 + 30 + 40 + 50 + 60 + 70 + 80 + 90 + 100 + 200 + 300 + 1000 + 2000 + 3000 + 5000 + 50000 + 100000 = **162146** (19 x 8534)

- ◆ Бу ўттиз рақамга қўшимча равишда, Қуръонда яна саккизта касрли сон назарда тутилган: $1/10$, $1/8$, $1/6$, $1/5$, $1/4$, $1/3$, $1/2$ ва $2/3$. Шу тариқа, Қуръон жами 38 (19×2) та турли рақамларни ўз ичига олган.
- ◆ Қуръоннинг бошидан ҳисоблаганда 19 та оятдан иборат биринчи сура „Инфитор“ сурасидир. Бу суранинг бошқа бир фазилати шундаки, унинг охириги сўзи „Аллоҳ“дир. Бу айни замонда Раббимизнинг „Аллоҳ“ деб зикр этиладиган исмининг Қуръон охиридан 19-марта ишлатилишидир.
- ◆ Қоф ҳарфи билан бошланадиган 50-сура жами 57 (19×3) та Қоф ҳарфларини ўз ичига олган. Бошида Қоф ҳарфи бўлган 42-сурада ҳам 57 та Қоф ҳарфи бор. 50-сура 45 та оятдан иборат. Улар қўшилганда жами 95 (19×5) натижани ҳосил қилади. 42-сурада 53 та оят мавжуд. Булар ҳам 95 ($42 + 53$) натижани ҳосил қилади.

| | |
|----------------|--|
| 50-сура | 57 (19×3) Қоф ҳарфи |
| 42-сура | 57 (19×3) Қоф ҳарфи |

| | | |
|----------------|-------------------|---|
| 50-сура | 45- та оят | $50+45 = 95$ (19×5) |
| 42-сура | 53- та оят | $42+53 = 95$ (19×5) |

- ◆ „Қоф“ сурасининг илк оятида Қуръон учун қўлланилган „Мажид“ сўзининг „абжад“ қиймати 57 (19×3) дир. Юқорида айтиб ўтганимиздек, сура ичидаги Қоф ҳарфининг жами сони ҳам 57 дир.
- ◆ Қуръонда Қоф ҳарфининг ишлатилиш сонини ҳисоблаганимизда жами 798 (19×42) сонига эга бўламиз. Қирқ икки сони эса бошловчи ҳарфларининг орасида Қоф бўлган бошқа бир суранинг рақами ҳамдир.
- ◆ 68-сура Нун ҳарфи билан бошланади. Унинг бу сурада учрайдиган жами сони 133 (19×7) тадир.
- ◆ Сура рақамлари 19 нинг кўпайтмаси бўлган сураларнинг оятлар сонини (басмалани ҳисобга олган ҳолда) бир-бирига қўшганимизда қуйидагича натижа келиб чиқади:

| | СУРА РАҚАМИ | ОЯТЛАР СОНИ |
|-------------|-------------|----------------------|
| 19 x 1 | 19-сура | 99 |
| 19 x 2 | 38-сура | 89 |
| 19 x 3 | 57-сура | 30 |
| 19 x 4 | 76-сура | 32 |
| 19 x 5 | 95-сура | 9 |
| 19 x 6 | 114-сура | 7 |
| ЖАМИ | | 266 (19 x 14) |

❖ „Ёсин“ сураси Йо ва Син ҳарфлари билан бшланади. Бу сурада Син ҳарфи 48 марта, Йо ҳарфи эса 237 марта учрайди. Бу ҳарфларнинг жами 285 (19 x 15) дир.

❖ Ёлғизгина бир сура, яъни 7- сура „Алиф, Лом, Мим, Сод“ бошловчи ҳарфлар билан бошланади. Алиф ҳарфи бу сурада 2529 марта, Лом ҳарфи 1530 марта, Мим ҳарфи 1164 марта ва Сод ҳарфи 97 марта ишлатилган. Демак, бу тўрт ҳарф жами 2529 + 1530 + 1164 + 97 марта ёки 5320 (19 x 280) марта ишлатилган.

❖ Алиф, Лом ва Мим ҳарфлари арабчада энг кўп қўлланадиган ҳарфлардир. Улар биргаликда олти суранинг, яъни 2, 3, 29, 30, 31 ва 32 рақамли сураларнинг бошидан жой олган. Мазкур олти суранинг ҳар бирида бу уч ҳарфнинг жами ишлатилганлик сони 19 нинг кўпайтмаси бўлиб келади: 9899 (19 x 521), 5662 (19 x 298), 1672 (19 x 88), 1254 (19 x 66), 817 (19 x 43) ва 570 (19 x 30). Бу уч ҳарф ушбу 6 сурада жами 19874 (19 x 1046) марта ишлатилган.

◆ Алиф, Лом ва Ро бошловчи ҳарфлари 10, 11, 12, 14 ва 15-сураларда ишлатилган. Бу ҳарфлар мазкур сураларда жами 2489 (19 x 131), 2489 (19 x 131), 2375 (19 x 125), 1197 (19 x 63) ва 912 (19 x 48) марта ишлатилган.

◆ Алиф, Лом ва Ро бошловчи ҳарфлари жами 1482 (19 x 78) марта ишлатилган. Алиф ҳарфи 605 марта, Лом ҳарфи 480 марта, Мим ҳарфи 260 марта ва Ро ҳарфи 137 марта учрайди.

◆ Қоф, Ҳа, Ёо, Айн ва Сод бошловчи ҳарфлари фақатгина 19-сурада ишлатилган. Бу сурада Қоф ҳарфи 137 марта, Ҳа ҳарфи 175 марта, Ёо ҳарфи 343 марта, Айн ҳарфи 117 марта ва Сод ҳарфи 26 марта учрайди. Бу беш ҳарф ушбу сурада жами $137+175+343+117+26 = 798$ (19 x 42) марта ишлатилган.

Бу мавзу бўйича бошқа топилмалар қуйидагича:

Бутун Куръонда,

– „Атиш“ (*итоат эт!*) сўзи 19 марта ишлатилган,

– „Абд“ (*банда*), „аабид“ (*ибодат қилувчи*) ва „иббудуу“ (*ибодат қилинглари*) сўзлари жами 152 (19 x 8) марта ишлатилган.

◆ Қуйида келтирилган Аллоҳнинг исмларидан баъзиларининг рақамли *абжад* қийматлари ҳам 19 нинг кўпайтмасидир:

– *Ал-Вааҳид* (Ягона) 19 (19 x 1)

– *Ал-Жаамиъ* (Жамловчи) 114 (19 x 6)

19 — ҒАЙРИОДДИЙ СОН

- ❖ 19 сони 10 ва 9 сонларининг 1-даражалари йиғиндисидир. 10 ва 9 сонларининг 2-даражалари (квадрати) айирмаси ҳам яна 19 дир.

| | | |
|--------|------------|----|
| 10^1 | $10 + 9$ | 19 |
| 10^2 | $100 - 81$ | 19 |

- ❖ Қуёш, Ой ва Ер ҳар 19 йилда бир хил ўзаро боғлиқ вазиятларда тизиладилар.²⁵⁵
- ❖ Галлей кометаси Қуёш системаси орқали ҳар 76 йилда (19×4) бир маротаба ўтади.²⁵⁶

19 сонининг Паскаль учбурчагидаги ўрни

- ❖ Паскаль учбурчагидаги биринчи 19 та рақамнинг жами йиғиндисидир $38 (19 \times 2)$ дир.

| | | | | | | | | | | |
|--|--|--|---|---|----|----|----|----|---|---|
| | | | 1 | | | | | | | |
| | | | 1 | 1 | | | | | | |
| | | | 1 | 2 | 1 | | | | | |
| | | | 1 | 3 | 3 | 1 | | | | |
| | | | 1 | 4 | 6 | 4 | 1 | | | |
| | | | 1 | 5 | 10 | 10 | 5 | 1 | | |
| | | | 1 | 6 | 15 | 20 | 15 | 6 | 1 | |
| | | | 1 | 7 | 21 | 35 | 35 | 21 | 7 | 1 |

1- шакл: Биринчи 19 та рақам

Паскаль учбурчаги алгебра ва эҳтимоллик ҳисобларида қўлланиладиган арифметик учбурчакдир.

- ◆ Паскаль учбурчагидаги биринчи 19 та соннинг жами йиғиндиси 57 (19×3) дир.

| | | | | | | | |
|---|---|----|----|----|----|---|---|
| | | | 1 | | | | |
| | | | 1 | 1 | | | |
| | | 1 | 2 | 1 | | | |
| | | 1 | 3 | 3 | 1 | | |
| | 1 | 4 | 6 | 4 | 1 | | |
| | 1 | 5 | 10 | 10 | 5 | 1 | |
| 1 | 6 | 15 | 20 | 15 | 6 | 1 | |
| 1 | 7 | 21 | 35 | 35 | 21 | 7 | 1 |

2- шакл: Биринчи 19 та сон

- ◆ Хулоса:
Биринчи 19 та рақамнинг жами йиғиндиси 19 га каррали сондир.
Биринчи 19 та соннинг жами йиғиндиси 19 га каррали сондир.

Қуръон оятларининг нозил қилиниш кетма-кетлигига кўра, 19 сони ва Паскаль учбурчаги ўртасидаги боғлиқлик

- ◆ Энг биринчи ваҳий бўлган 96-сура охиридан туриб саналганда 19-сурадир. У 19 та оятдан иборат бўлиб, жами 285 ҳарфдан (19×15) ташкил топган. Ваҳийнинг дастлабки 5 оятида эса 76 (19×4) та ҳарф мавжуддир.
- ◆ Иккинчи бўлиб ваҳий қилинган 68- суранинг дастлабки оятлари 38 (19×2) та сўзни ўз ичига олган.
- ◆ Учинчи бўлиб ваҳий қилинган 73- сура эса 57 (19×3) сўздан иборат.

У (Куръон) фақат оламлар учун эслатмадир.
Касамки, сизлар унинг (илохий вахий экани
хақидаги) хабарни (озгина) вақтдан сўнг
(киёмат куни), албатта, билурсиз.
(„Сод“ сураси, 87—88-оятлар)



БЕШИНЧИ КИТОБ

ҚҶРЪОННИНГ
АДАБИИ
ЖСИХАТДАН
МАКАММАЛИМИ

ҚУРЪОННИНГ ТАҚЛИД ЭТИЛМАСЛИГИ

Бу бўлимга қадар Қуръоннинг илмий ва тарихий нуқтаи назардан мўъжизавий хусусиятларини кўриб чиққан эдик. Буларга қўшимча равишда, Қуръоннинг айни пайтда адабий жиҳатдан ҳайратланарли, бетакрор услубга эга эканлигини, унинг хитоблари ҳар қачон, ҳар қандай инсон гуруҳларига қаратилганлигини ҳам таъкидлаш лозим. Ўқувчининг билими ва маданий савияси қай даражада бўлмасин, Қуръон ҳар ким англай оладиган аниқ ва тушунарли бир услубда ёзилган. Оятларнинг бирида Аллоҳ Қуръон ҳақида куйидагича ваҳий қилади:

Биз Қуръонни зикр (эслатма) учун осон қилиб қўйдик... („Қамар“ сураси, 22-оят)

Қуръоннинг бу қадар осон англашиладиган услубда ёзилганига қарамай, унга ҳеч бир жиҳатдан тақлид қилишнинг имкони бўлмаган. Аллоҳ баъзи оятларда Қуръоннинг бетакрор табиатга эга эканлигига диққатни тортади:

Агар бандамиз (Мухаммад)га туширган нарсамиз (Қуръон)дан шубҳада бўлсангиз, бас, сиз ҳам унга ўхшаш (биргина) сура (ёзиб) келтиринг

ва Аллоҳдан ўзга гувоҳларингизни чақиринг – агар ростгўй бўлсангиз. („Бақара“ сураси, 23-оят)

Ёки: „Уни (Муҳаммад) тўқиган“, – дейдиларми?! Айтинг: „У ҳолда, агар ростгўй бўлсангиз, унга тенг биргина сура келтириб, Аллоҳдан бошқа кимга имконингиз бўлса, ўшаларни (ёрдамга) чорлангиз!“ („Юнус“ сураси, 38-оят)

Қуръоннинг мўъжиза эканлигини исботловчи сабаблардан бири, юқоридаги оятларда таъкидлангани каби, инсон кучи билан унга ўхшаш бирор нарсани ҳеч қачон ёзишнинг иложи бўлмаганлигидадир. Бу иложсизлик қанчалик буюк бўлса, биз кўриб турган мўъжизалар ҳам шунчалик буюқдир. Шунинг учун Қуръон услубини асрлар давомида миллиардлаб инсонлар орасидан ҳеч бир киши тақлид қила олмаганлиги унинг ҳақиқий мўъжиза эканлигининг далилидир. Ф. Ф. Арбуснот *The Construction of the Bible and the Qur'an* (Библия ва Қуръоннинг тузилиши) номли китобида Қуръон ҳақида қуйидагича изоҳлар келтиради:

Адабий нуқтаи назардан Қуръон соф араб тилининг ярим назм ва ярим наср услубида ёзилган намунаси ҳисобланади. Маълум бўлишича, грамматика мутахассислари баъзи ҳолларда Қуръонда қўлланилган айрим жумла ва ифодаларга мос келувчи ўз қоидаларини қабул қилганлар ва Қуръонга тенг бир асар яратиш учун бир қанча уринишлар қилиб кўрган бўлсалар-да, бу уринишларнинг ҳеч бири бу соҳада ҳанузгача амалга ошмаган.²⁵⁷

Қуръонда ишлатилган сўзлар ҳам маъно, ҳам равланган ҳамда услубий таъсирчанлик жиҳатдан ўта даражада гўзалдир. Бироқ Аллоҳнинг амри ва тақиқлари нозил қилинган Қуръоннинг муқаддас бир китоб эканлигига имон келтиришни истамайдиганлар унга нима учун риоя этмасликларига турли баҳоналар топдилар. Улар Қуръонни инкор қилиш орқали унинг гўзаллигидан ўзларини олиб қочишга ҳаракат қилиб кўрдилар. Аллоҳ имон келтирмайдиганларнинг Қуръон ҳақида билдирган фикрларига қарши қуйидаги оятларни ваҳий қилди:

(Муҳаммадга) шеърни таълим бермадик ва унга (шоирлик) мумкин ҳам эмас. У (ваҳий) фақат зикр (эслатма) ва аниқ Қуръондир. (У) тирик (ақлли) кишиларни огоҳлантириш ва кофирларга (азоб ҳақидаги) лафз муқаррар бўлиши учун (нозил қилинган)дир. („Ёсин“ сураси, 69–70-оятлар)

Қуръоннинг қофия тизимидаги устунлик

Қуръонга тақлид этилмаслик хусусиятини бахш этадиган жиҳатлардан бири унинг адабий жиҳатдан қурилишига бориб тақалади. Араб тилида ёзилганлигига қарамасдан, Қуръон араб адабиётида қўлланилган шаклларга ўхшаш эмас.


Қуръондаги қофия тизими „қофиялаштирилган наср“ дейилади ва тилшунослар Қуръонда қўлланилган бу қофияни *мўъжиза* деб таърифлайдилар. Машҳур инглиз олими Профессор Адел М. А. Аббас Қуръоннинг тилшунослик жиҳатдан бир мўъжиза эканлигини исботлаш мақсадида ёзган *Science Miracles* (Фан мўъжизалари) номли китобида Қуръонда қўлланилган ҳарфлар ва қофия тизими юзасидан, график ва диаграммалар воситасида, кенг қамровли изланишлар олиб борди. Бу китобда Қуръондаги қофия тизимига тааллуқли айрим ҳайратланарли далиллар келтирилган.

Маълумки, Қуръондаги 29 та сура бир ёки ундан кўпроқ рамзий ҳарфлар билан бошланади. Бу ҳарфлар „*муқатта ҳарфлар*“ ёки „бошловчи ҳарфлар“ деб аталади. Арабча 29 ҳарфнинг 14 таси муқатта ҳарфлардан иборат: Қоф, Сод, То, Ҳа, Йо, Син, Алиф, Лом, Мим, Коф, Айн, Нун, Ро, Ҳа.

Булардан Нун ҳарфининг „Қалам“ сурасидаги қўлланилишига эътибор қаратсак, оятларнинг 88,8% ида Нун ҳарфи билан қофияланганликни кўришимиз мумкин. „Шуаро“ сурасининг 84,6% и, „Намл“ сурасининг 90,32% и ва „Қасас“ сурасининг 92,05% и Нун ҳарфи билан қофияланади.

Бу изланиш бутун Қуръон бўйича олиб қаралганда эса унинг 50,08% и Нун ҳарфи билан қофияланганлиги маълум бўлади. Бошқача қилиб айтганда, Қуръон оятларининг ярмидан кўпроғи Нун ҳарфи билан яқунланади. Шу пайтгача айти шундай узунликдаги ҳеч бир адабий асар матнининг ярмидан кўпроғини ёлғиз

**Профессор Адел М. А. Аббаснинг
Science Miracles номли китоби**



бир ҳарф билан қофиялашнинг имкони бўлмаган. Бу нафақат араб тили, балки бошқа барча тилларга ҳам тааллуқлидир.

Муқатта ҳарфлари билан бошланадиган суралардан Нун ҳарфи билан тугайдиган оятларнинг тақсимооти қуйидагичадир:

| Сура рақами | Суранинг номи | Нун ҳарфининг сони |
|-------------|---------------|--------------------|
| 2 | Бақара | 193 |
| 3 | Оли Имрон | 121 |
| 7 | Аъроф | 193 |
| 10 | Юнус | 98 |
| 11 | Худ | 56 |
| 12 | Юсуф | 93 |
| 13 | Раъд | 5 |
| 14 | Иброҳим | 6 |
| 15 | Ҳижр | 81 |
| 19 | Марям | 5 |
| 20 | Тоҳо | — |
| 26 | Шуаро | 192 |
| 27 | Намл | 84 |
| 28 | Қасас | 81 |
| 29 | Анкабут | 59 |
| 30 | Рум | 54 |
| 31 | Луқмон | 7 |
| 32 | Сажда | 27 |
| 36 | Ёсин | 71 |
| 38 | Сод | 18 |
| 40 | Ғофир | 32 |
| 41 | Фуссилат | 30 |
| 42 | | 6 |
| 43 | Зухруф | 78 |
| 44 | Духон | 44 |
| 45 | Жосия | 30 |
| 46 | Аҳқоф | 26 |
| 50 | Қоф | — |
| 68 | Қалам | 42 |

Юқоридаги жадвал муқатта ҳарфлар билан бошланадиган сураларда Нун ҳарфи билан тугайдиган оятларнинг тақсимоотини кўрсатиб беради.

Қуръоннинг қофия тизими умумий текшириб кўрилганда эса қофияларнинг 80% га яқинроғи Алиф, Мим, Йо ва Нун ҳарфларидан ташкил топган уч товуш (н, м, а) дан иборат эканлигини кўрамыз.²⁵⁸ Нун ҳарфидан ташқари, оятларнинг 30% и Мим, Алиф ёки Йо билан қофияланган.

Қофияларда энг кўп қўлланилган тўрт товуш:

| Ҳарф | ا | ي | م | ن | Жами |
|-------------|-------|------|-------|-------|-------|
| Товушлар | а | йа | м | н | |
| Оят сони | 949 | 246 | 666 | 3123 | 4984 |
| Нисбати (%) | 15,22 | 3,94 | 10,68 | 50,08 | 79,92 |

Юқоридаги жадвалда Қуръон қофия тизимининг 72,92% ини ташкил этган 4 та ҳарфнинг нисбий бир шаклдаги тақсимоли кўрсатилган.

Қуйидаги суралар эса бу тўрт ҳарф қўлланилган қофияларнинг кўплаб мисолларидан бир нечтасидир, холос:

| Оят рақами | „Муъминун“ сураси |
|------------|---|
| 1 | Қод афлаҳал-му'минуна |
| 2 | Аллазиина ҳум фии солаатиҳим хоошиъууна |
| 3 | Валлазиина ҳум ʻанил-лағви муъризуна |
| 4 | Валлазиина ҳум лиззакаати фааъилуна |
| 5 | Валлазиина ҳум лифуруужиҳим ҳаафизууна |
| 6 | ... ав маа малакат аймаанухум фа иннаҳум ғойру малуумиина |
| 7 | ... фа улааика ҳумул-ʻаадууна |
| 8 | Валлазиина ҳум ли амаанаатиҳим ва ʻаҳдиҳим рооъууна |
| 9 | Валлазиина ҳум ʻалаа солаваатиҳим йуҳаафизууна |
| 10 | Улааика ҳумул-ваарисууна |
| 11 | ... ҳум фииҳаа хоолидууна |
| 12 | Ва лақод холақнал-инсаана мин сулаалатин мин тиинин |
| 13 | Сумма жаʻалнааху нудфатан фии қороорин макиинин |
| 14 | ... фатабаарок аллооҳу аҳсанул-холиқиина |
| 15 | Сумма иннакум баъда заалика ламаййитууна |
| 16 | Сумма иннакум йавмал-қийаамати тубъасууна |
| 17 | ... Ва маа куннаа ʻанил-холқи гофилиина |

| Оят рақами | „Наҳл“ сураси |
|------------|---|
| 1 | ... ва таъаалаа ʔаммаа йушрикууна |
| 2 | ... аннаҳуу лаа илааҳа илла ана фаттакууни |
| 3 | ... таъаалаа ʔаммаа йушрикууна |
| 4 | ... фа изаа ҳува хоסיимун мубиинун |
| 5 | ... ва манаафиъу ва минҳаа та'кулууна |
| 6 | Ва лакум фииҳа жамаалун ҳиина туриҳууна ва ҳиина тусроҳууна |

| Оят рақами | „Анъом“ сураси |
|------------|--|
| 1 | ... суммаллазина кафаруу бироббиҳим йаъдилууна |
| 2 | ... сумма антум тамтарууна |
| 3 | ... ва йаъламу маа таксибууна |
| 4 | ... иллаа каануу ʔанҳаа муъризиина |
| 5 | ... фасавфа йа'тииҳим анбаа'у маа каануу биҳии йастаҳзи'ууна |
| 6 | ... ва анша'наа мин баъдиҳим қорнан аахориина |
| 7 | ... ин ҳазаа иллаа сиҳрун мубиинун |
| 8 | ... сумма лаа йунзорууна |
| 9 | ... ва лалабаснаа ʔалайҳим маа йалбисууна |
| 10 | ... маа каануу биҳии йастаҳзи'ууна |

| Оят рақами | „Рум“ сураси |
|------------|--|
| 6 | ... ва лаакинна аксароннааси лаа йаъламууна |
| 7 | ... ва ҳум ʔанил аахироти ҳум ғофилууна |
| 8 | ... ва инна касиирон минаннааси билиқоои роббиҳим лакаафирууна |
| 9 | ... ва лаакин каануу анфусаҳум йазлимууна |
| 10 | ... ан каззабуу биаайаатиллаҳи ва каануу биҳаа йастаҳзи'ууна |
| 11 | ... сумма илайҳи туржаъууна |
| 12 | ... йублисул мужримууна |
| 13 | ... ва каануу бишурокаа'иҳим каафириина |
| 14 | Ва йавма тақуумуссаъату йавмаизин йатафаррокууна |
| 15 | ... фаҳум фии ровзотин йуҳбарууна |

| Оят рақами | „Юнус“ сураси |
|------------|--|
| 26 | ... улааика асҳааб ул-жаннати ҳум фиихаа холидууна |
| 27 | ... улааика асҳааб ун-наари ҳум фиихаа холидууна |
| 28 | ... ва қоола шурокаа`ухум маа кунтум иййаанаа таъбудууна |
| 29 | ... ин куннаа ʔан ʔибаадатикум лағоофилиина |
| 30 | ... ва золла ʔанҳум маа каануу йафтарууна |
| 31 | ... фақул афалаа таттакууна |
| 32 | ... фа`аннаа тусрофууна |
| 33 | ... аннаҳум лаа йу`минууна |
| 34 | ... фа`аннаа ту`факууна |

| Оят рақами | „Анкабут“ сураси |
|------------|--|
| 6 | ... инналлооҳа лағониййун ʔанил ʔааламиина |
| 7 | ... ва ланажзийаннаҳум аҳсаналлазии каануу йаъмалууна |
| 8 | ... фаунаббикум бимаа кунтум таъмалууна |
| 9 | ... ланудхиланнаҳум фиссоолиҳиина |
| 10 | ... авалайсаллооҳу биаълама бимаа фии_судуурил-ʔааламиина |
| 11 | ... ва лайаъламаннал-мунаафиқиина |
| 12 | ... иннаҳум лакаазибууна |
| 13 | ... ва лайус`алунна уавмал-қийаамати ʔамма каануу йафтарууна |
| 14 | ... фа`ахозаҳумут-тууфаану ва ҳум зоолимууна |

| Оят рақами | „Намл“ сураси |
|------------|---|
| 12 | ... иннаҳум каануу қовман фасиқиина |
| 13 | ... ҳаазаа сирхун мубиинун |
| 14 | ... фанзур кайфа каана ʔақибатул-муфсидиина |
| 15 | ... мин ʔибаадиҳил-му`миниина |
| 16 | ... инна ҳаазаа лаҳувал-фазлул-мубиину |
| 17 | ... фаҳум йуузаъууна |
| 18 | ... Сулаймаану ва жунуудуҳу ва ҳум лаа йашъурууна |
| 19 | ... ва адхилнии бироҳматика фии ʔибаадикас-соолиҳиина |

| Оят рақами | „Нисо“ сураси |
|-------------------|--|
| 23 | ... инналлооҳа каана ғофуурон роҳииман |
| 24 | ... инналлооҳа каана ғалииман ҳакииман |
| 25 | ... валлооҳу ғофуурон роҳиимун |
| 26 | ... валлооҳу ғалиимун ҳакиимун |
| 27 | ... ан тамиилуу майлан ғазииман |

| Оят рақами | „Моид“ сураси |
|-------------------|--|
| 22 | ... фаин йахружуу минҳаа фаиннаа даахилууна |
| 23 | ... фатаваккалуу ин кунтум му’миниина |
| 24 | ... иннаа ҳааҳунаа қоъидууна |
| 26 | ... фафруқ байнанаа ва байнал-қовмил-фаасиқиина |
| 26 | ... фалаа та’са ғалал қовмил-фаасиқиина |
| 27 | ... қоола иннамаа йатақоббалуллооҳу минал-муттақиина |
| 28 | ... иннии ахофуллооҳа роббал-ғааламиина |
| 29 | ... ва заалика жазаа ’уз-зоолимиина |
| 30 | ... фақоталаҳуу фа’асбаҳа минал-хоосириина |
| 31 | ... фа’асбаҳа минан-наадимиина |

| Оят рақами | „Аъроф“ сураси |
|-------------------|--|
| 2 | ... ва зикроо лил-му’миниина |
| 3 | ... қолиилан маа тазаккарууна |
| 4 | ... фажаа’аҳаа ба’сунаа байаатан ав ҳум қоо’илууна |
| 5 | ... из жаа’аҳум ба’сунаа иллаа ан қоолуу иннаа куннаа зоолимиина |
| 6 | ... ва ланас’аланнал-мурсалиина |
| 7 | ... ва маа куннаа ғооибиина |
| 8 | ... фаулаа’ика ҳумул-муфлиҳууна |
| 9 | ... бимаа каануу биаайаатиная йазлимууна |
| 10 | ... қолиилан маа ташкурууна |
| 11 | ... лам йакун минас-саажидиина |

| Оят рақами | „Тавба“ сураси |
|-------------------|--|
| 7 | ... инналлооҳа йӯҳиббул-муттақиина |
| 8 | ... ва аксаруҳум фаасикууна |
| 9 | ... иннаҳум саа’а маа каануу йаъмалууна |
| 10 | ... ва улаа’ика ҳумул-муътадууна |
| 11 | ... ва нуфассилул-аайаати лиқовмин йаъламууна |
| 12 | ... лаъаллаҳум йантаҳууна |
| 13 | ... фаллооҳу аҳаққу ан таҳшавҳу ин кунтум му’миниина |
| 14 | ... ва йашфи судууро қовмин му’миниина |

| Оят рақами | „Бақара“ сураси |
|-------------------|--|
| 62 | ... ва лаа ховфун ѓалайҳим ва лаа ҳум йаҳзанууна |
| 63 | ... вазкуруу маа фииҳи лаъаллакум таттакууна |
| 64 | ... лакунтум минал-хосириина |
| 65 | ... фақулнаа лаҳум куунуу қиродатан хооси’иина |
| 66 | ... ва мавъизотан лил-муттақиина |
| 67 | ... аъузу биллаҳи ан ақуна минал-жааҳилиина |
| 68 | ... фафъалуу маа ту’марууна |
| 69 | ... иннаҳаа бақоротун софрооу фаақиъун лавнуҳаа тасуррун-назириина |

| Оят рақами | „Оли Имрон“ сураси |
|-------------------|---|
| 130 | ... ваттақуллоҳа лаъаллакум туфлиҳууна |
| 131 | Ваттақун-наароллатии уъиддат лил-каафириина |
| 132 | ... лаъаллакум турҳамууна |
| 133 | ... уъиддат лил-муттақиина |
| 134 | ... валлооҳу йӯҳиббул-муҳсиниина |
| 135 | ... ва лам йусирруу ѓалаа маа фаъалуу ва ҳум йаъламууна |
| 136 | ... ва ниъма ажрул-ѓаамилиина |
| 137 | ... фанзуруу кайфа каана ѓаақибатул-муказзибиина |
| 138 | ... ва мавъизотун лил-муттақиина |
| 139 | ... ва антумул-аълавна ин кунтум му’миниина |
| 140 | ... валлооҳу лаа йӯҳиббуз-зоолимиина |

| Оят рақами | „Анбиё“ сураси |
|------------|---|
| 5 | ... фалйа’тинаа биаайатин камаа урсилал-аввалууна |
| 6 | ... афаҳум йу’минууна |
| 7 | ... ин кунтум лаа таъламууна |
| 8 | ... ва маа каануу хоолидиина |
| 9 | ... ва аҳлакнал-мусрифиина |
| 10 | ... афалаа таъқилууна |
| 11 | ... ва анша’наа баъдаҳаа қовман аахориина |
| 12 | ... изаа ҳум минҳаа йаркузууна |

| Оят рақами | „Нур“ сураси |
|------------|--|
| 47 | ... ва маа улаа’ика бил-му’миниина |
| 48 | ... изаа фариқун минҳум муъризууна |
| 49 | ... ва ин йакун лаҳумул-ҳаққу йа’туу илайҳи музъиниина |
| 50 | ... бал улаа’ика ҳумуз-зоолимууна |
| 51 | ... ва улаа’ика ҳумул-муфлиҳууна |
| 52 | ... фаулаа’ика ҳумул-фааизууна |
| 53 | ... инналлооҳа хобиирун бимаа таъмалууна |
| 54 | ... ва маа ʼалар-росуули иллал-балаағул-мубиина |
| 55 | ... фаулаа’ика ҳумул-фаасиқууна |

| Оят рақами | „Ҳижр“ сураси |
|------------|--|
| 5 | ... ва маа йаста’хирууна |
| 6 | ... иннака ламажнуунун |
| 7 | ... ин кунта минас-соодиқиина |
| 8 | ... ва маа каануу изан мунзориина |
| 9 | ... ва иннаа лаҳуу лаҳаафизууна |
| 10 | Ва лақод арсалнаа мин қоблика фии шийаъбил-аввалиина |
| 11 | ... каануу биҳии йастаҳзи’ууна |
| 12 | Казаалика наслукухуу фии қулуубил-мужримиина |
| 13 | ... ва қод холат суннатул-аввалиина |
| 14 | ... фии йаъружууна |
| 15 | ... бал наҳну қовмун масҳуурууна |

Икки юз-уч юз сатрли шеърда бор-йўғи икки ёки уч товуш билан қофиявий наср шакллантирилганда эди, бугунги кун адабий танқидчилари бу асарни нодир асар, деб баҳолашларига кифоя бўладиган муҳим бир сифат унда жо бўлган бўлар эди. Шундай экан, Қуръоннинг узунлиги, унда берилган маълумотлар ва Қуръоннинг ҳикматли изоҳларини кўзда тутадиган бўлсак, ундаги қофиявий насрий тизим қўлланилган ғайриоддий услуб янада аниқроқ ва гўзалроқ тус олади. Қуръон ҳақиқатда турли-туман фанларга оид маълумотлар билан тўла бир уммондир. Диний ва маънавий йўриқлар, ўтмишда яшаб ўтган одамлар ҳаётидан ўғитлар, Аллоҳ йўллаган пайғамбарлар ва элчиларнинг хабарлари, табиий фанлар ва муҳим воқеаларнинг тарихий тафсилотлари шулар жумласидандир. Гарчи бу маълумотлар шундоқ ҳам ажойиб бўлса-да, улар энг ғаройиб адабий маром ва устунлик билан баён этилган. Илмий жиҳатдан теран ва турфа масалаларни ўз ичига олган Қуръонда бу қадар оз товуш билан шунчалик кўп қофиявий наср яратишга инсон заковати билан эришиш мутлақо мумкин эмас. Мана шу нуқтаи назардан, араб тилшунослари Қуръони Каримни „шубҳасиз ҳеч тақлид этиб бўлмас“, деб таърифлашларига ажабланмаслик лозим.



ТУРЛИ ОЛИМЛАРНИНГ ҚУРЪОН ҲАҚИДА БИЛДИРГАН ФИКРЛАРИ

Қуръоннинг адабий жиҳатдан мукамаллиги ва тақлид этилмаслиги ҳақида билдирилган фикрлардан баъзилари

❖ Маккаликлар ҳамон ундан мўъжиза талаб қилар эдилар ва Муҳаммад ажойиб қатъият ва ишонч билан, ўз миссиясининг олий тасдиғи сифатида Қуръоннинг ўзига мурожаат қилди. Худди бошқа араблар каби, улар лисон ва нотиклик санъатида устомон эдилар. Агар Қуръон ўшанда унинг ўз асари бўлганида эди, бошқа одамлар у билан рақобат қилган бўлар эдилар. Майли, улар унинг каби ўн оят ёзсинлар. Агар ёза олмасалар (ва аниққи, улар ёза олмаслар), унда Қуръонни аниқ бир мўъжиза, деб қабул этсинлар.²⁵⁹ (Оксфорд университетининг машҳур арабшуноси Ҳамилтон Гибб.)

❖ Адабий бир ёдгорлик бўлган Қуръон ўз ҳолича турмоқдадир; у араб адабиётида тенги йўқ бир маҳсулдир, ундаги услубнинг на салафи (ўтмишдоши) ва на халафи (вориси) бордир. Барча даврлар мусулмонлари нафақат унинг мазмунан, балки услубан ҳам тақлид этилмаслигини ҳаммага билдиришда бирлашмишдирлар...²⁶⁰ (Ҳамилтон Гибб.)

❖ Қуръоннинг араб адабиёти тараққиётига ва кўплаб йўналишларга кўрсатган таъсири беҳисобдир. Унинг ғояси, тили, қофияси кейинги барча адабий асарларда оз ёки кўп миқдорда нуфузга эга бўлди. Унинг ўзига хос лингвистик хусусиятлари на ундан кейинги юз йил ичида ёзилган насрларда ва на сўнги насрий ёзма асарларда тақлид этилди. Бироқ Қуръоннинг қисман бўлса ҳам олий мартабали араб тилига қайишганлиги сабаб, у жуда тез ривожлантирила олинди ва императорлик ҳукумати ҳамда кенгайиб бораётган жамиятнинг янгидан-янги эҳтиёжларига мослаштирила олинди.²⁶¹ (Ҳамилтон Гибб.)

❖ Ўз миссиясининг ҳақиқийлигини исботлаш учун Муҳаммад (с.а.в.)дан бир мўъжиза кўрсатиш сўралганда, у Қуръоннинг келиб чиқиши илоҳий эканлигининг исботи сифатида

Қуръоннинг калималарини ва унинг беқиёс устунлигини далил қилиб келтирди. Аслида, ҳатто мусулмон бўлмаган кишилар учун ҳам унинг тушунарли ва жарангдор тилидан кўра ҳеч бир нарса мафтункорроқ эмас... Унинг ажойиб вазли ва гўзал оҳангли бўғинларининг мукамаллиги ғаним ва имонсизларнинг бу динни қабул қилишларида катта аҳамият касб этиб келди.²⁶² (Поль Касанованинг *L'Enseignement de l'Arabe au Coolege de France* (Француз коллежида араб тили таълими) номли мақоласидан.)

Қуръон Жаброил тарафидан Муҳаммад (с.а.в.)га айтиб турилган Аллоҳнинг сўзма-сўз бир ваҳийсидир. У ўзининг ҳамда Аллоҳнинг Пайғамбари Муҳаммад (с.а.в.)нинг ростлигидан гувоҳлик берувчи бир мўъжизадир. Унинг мўъжизавий хусусияти қисман унинг услубида ётади – у шу қадар мукамал ва юксакки, на инсонлар ва на жинлар уларнинг энг қисқа бир сурасига тенг бир сура ёза олмаслар ва қисман ундаги ўғитлар мазмуни, келажак ҳақидаги башоратлар ва Муҳаммад (с.а.в.) ҳеч қачон ўз хоҳишича тўплаши мумкин бўлмаган ҳайратланарли даражадаги аниқ маълумотларда ётади.²⁶³ (Ҳарри Гейлорд Дорманнинг *Towards Understanding Islam* (Исломни англамоқ сари) номли китобидан.)

Араб тилидаги Қуръон билан танишиб чиққан ҳар бир киши бу диний китобнинг гўзаллигига тасаннолар айтишда ҳам-фикрdir; унинг шаклан савлати шу қадар улуғворки, ҳар қандай Европа тилига таржима қилинмасин, барибир уни аслидаги каби англаб ета олмаймиз.²⁶⁴ (Эдуард Монтетнинг *Traduction Francaise du Coran* (Қуръоннинг французча таржимаси) номли китобидан.)

Асл араб тилидаги Қуръон ўзига хос бир гўзаллик ва жозиба соҳибидир. Унинг лўнда ва муҳташам услуби, кўпинча қофияланган ва маънодор қисқа жумлалари таъсирли бир куч ва портловчи энергияга эга бўлиб, уларни сўзма-сўз таржимада ифода этиш ўта даражада мураккабdir.²⁶⁵ (Жон Наишнинг *The Wisdom of the Qur'an* (Қуръоннинг ҳикмати) номли китобидан.)

Қуръон универсал тарзда, арабларнинг энг асли ва кибори бўлган Қурайш лаҳжасида, энг гўзал ва соф бир тилда ёзилгандир... Қуръоннинг услуби гўзал ва равон... ва бир қанча жойларда, хусусан, Аллоҳнинг маҳобати ва сифатлари таъриф этилган пайтда улуғвор ва кўркамлидир... У жуда яхши муваф-

фақиятга эришар ва ўз тингловчиларини шу қадар ҳайратга солар эдики, унинг баъзи муҳолифлари буни бир афсун ва сеҳрнинг таъсири деб тушунар эдилар.²⁶⁶ (Жорж Сейлнинг *The Koran: The Preliminary Discourse* (Қуръон: Даствлабки ваъз) номли китобидан.)

◆ Ҳақиқат, ҳикмат ва услуб софлигининг мўъжизаси...²⁶⁷ (Ҳазрат Р. Босворт Смитнинг *Mohammed and Moham-madanism* (Муҳаммад Пайғамбар ва Муҳаммадчилик) номли китобидан.)

◆ Қуръон ўзига хос гўзалликнинг ажиб бир вазни ва дилни маҳлиё қиладиган бир оҳангга эгадир. Кўплаб насроний араблар Қуръоннинг услуби ҳақида илиқ бир завқ билан сўз юритадилар ва кўпчилик арабшунослар унинг мукамаллигини эътироф этадилар... Ҳақиқатда, ҳам назм, ҳам насрда кенг ва бой бўлган араб адабиёти ичра у билан қиёслана оладиган ҳеч бир нарса йўқдир.²⁶⁸ (Альфред Гуиллаумнинг *Islam* (Исломият) номли китобидан.)

Қуръоннинг илоҳий бир китоб эканлиги ва унинг инсонларга нисбатан таъсири ҳақида билдирилган фикрлардан баъзилари

Умуман олганда, Қуръонда энг зукко инсонлар, энг буюк файласуфлар ва энг етук сиёсатдонлар эътироф этадиган доноликнинг бир тўпламига дуч келамиз... Аммо Қуръоннинг илоҳий эканлигига бошқа бир далил ҳам бордир; ваҳий келган кундан бошлаб то бугунги кунга қадар ўтган бутун давр мобайнида унинг бузилмасдан сақланиб қолганлиги айти ҳақиқатдир... Мусулмон дунёси томонидан такрор ва такрор ўқиладиган бу китоб имон келтирган кишида ҳеч қандай ҳорғинликни юзага келтирмайди, аксинча, такрорлаш орқали ҳар кун янада кўпроқ севиб борилади. Уни тинглаган ёки ўқиган кишида чуқур бир ҳайрат ва ҳурмат ҳисси уйғонади... Шу сабабдан, Ислоннинг буюк ва тезкор бир тарзда ёйилишига сабаб бўлган нарса, биринчи навбатда, бу китобнинг Аллоҳнинг китоби эканлигидадир...²⁶⁹ (Лаура Векция Ваглерининг *Apologie de l'“Islamisme* номли китобидан.)

Қуръон кўплаб мукамал ахлоқий тавсиялар ва ўғитларни ўз ичига олган. У шундай парчалардан тузилганки, унда барча инсонлар маъқуллаши шарт бўлган ҳикматли гапларсиз бирор саҳифани топа олмасмиз. Қуръоннинг бундай парча-парча бўлиб қурилиши ҳаётдаги ҳар қандай ҳолатларда барча инсонларга мувофиқ келадиган ўзаро бир бутун



матнлар, шиорлар ва қоидаларни майдонга келтиради.²⁷⁰ (Жон Уильям Дрейпернинг *A History of the Intellectual Development in Europe* (Европада интеллектуал тараққиёт тарихи) номли китобидан.)

❖ Куръон ўзининг куч, билим ва универсал илоҳий тақдир ва бирлик (кўкларнинг ва Ернинг соҳиби Ягона Аллоҳга бўлган ишонч ва эътиқод) каби сифатларга бой Илоҳий табиат тўғрисидаги тушунчалари туфайли, энг юксак ва теран ахлоқий қадриятлар, ибратли доҳиёна ҳикматларни ўзида мужассам этганлиги ва кучли миллатлар ҳамда буюк императорликларнинг қурилажagini исботлайдиган бўлимларни ўз ичига олганлиги сабабдан унинг энг юқори даражадаги мақтовга лойиқ эканлигини тан олмоқ лозим.²⁷¹ (Ҳазрат Ж. М. Родвеллнинг арабчадан таржима қилинган инглиз тилидаги *Куръон* нинг сўз бошисидан.)

❖ Бу ерда, шу сабабдан, Қуръоннинг адабий маҳсул сифатидаги устунлиги субъектив ва эстетик завқнинг баъзи тахминларга асосланган тамойиллари билан эмас, балки унинг Муҳаммад (с.а.в.)нинг замондошлари ва ватандошларига кўрсатган таъсири билан ўлчаниши керакдир. Агар у ўз тингловчиларининг қалбига бу қадар кучли ва ишончли йўл топа олган бўлса, зиддиятли элементларни бир вужудга бирлаштира олган бўлса, ўша пайтга қадар арабларнинг тафаккурига ҳукмрон бўлиб келган ғоялардан анча йироқ бўлган ғоялар билан жонлантирилган бўлса, унда унинг нотиклиги мукамал бўлган, чунки у ёввойи қабилалардан маданиятли бир миллатни яратди...²⁷² (Т. П. Ҳюгнинг *Dictionary of Islam* (Исломият луғати) номли китобидан жой олган Доктор Стейнгасснинг сўзи.)

❖ Арабча Қуръоннинг улуғвор риторикасини заифроқ бўлса-да, акс эттиради, дейиш мумкин бўлган бир нарсани яратиш учун қилган уринишимда мен чигал ва умуман хилма-хил ритмларни ўрганишга кўп ҳаракат қилдим. Бунга Қуръоннинг (ўз хабарларидан ташқари) инсоният яратган энг буюк адабий асарлар орасидан ўрин олишга бўлган рад этиб бўлмас талаби ҳам киради. Мазкур жуда характерли хусусият олдинги таржимонлар томонидан деярли бутунлай назардан четда қолдирилган. Шу сабабдан ҳам улар тайёрлаган нарса ажойиб сайқал берилган аслига нисбатан зерикарли ва мароқсиз бўлиб туюлса ажаб эмас.²⁷³ (Артур Ж. Арберрининг *The Koran Interpreted* (Қуръон тафсири) номли китобидан.)

◆ Замонавий билимлар асосида у (Қуръон) бутунлай объектив равишда яхшилаб ўрганиб чиқилганда, такрорий ҳолатларда аллақачон қайд этилгани каби, бу иккиси ўртасидаги мувофиқликни билиб олиш мумкин. Муҳаммад (с.а.в.) замонидаги бирор киши, ўша даврнинг билим даражаси ҳисобга олинганда, бундай хабарларни ёза олиши мумкин эмас, деган хулосага келамиз. Бундай мулоҳазалар Қуръоннинг нозил этилишида унинг ягона ўрнини кўрсатувчи ва фақатгина материалистик фикр юритишга чорлайдиган бирор тушунтириш келтиришга бетараф олим ўзининг қодир эмаслигини тан олишга мажбур қилувчи далилларнинг бир қисмидир.²⁷⁴ (Доктор Морис Букэлл, Париж университети, Жарроҳлик клиникасининг собиқ мудир.)

◆ ... бошланғич нуқтаси сифатида Қуръон ўз ўрнини ҳамиша ўзгартирмасдан сақлаб келган... Ҳар кимнинг англай олишига шунчалик аниқ, шунчалик тушунарли тилни ўзида жо этган бу дин чиндан-да инсонларнинг виждонларига йўл топа оладиган қудратли куч соҳибидир.²⁷⁵ (Эдуард Монтет, француз олими.)

◆ ... ҳам келиб чиқиши, ҳам ўзининг сақланиши жиҳатдан мутлақо ягона, ... ҳеч кимса жиддий бир шубҳа назарини ташлашга қодир бўлмаган Буюк қудрат тўғрисидаги китобимиз бор.²⁷⁶ (Ҳазрат Босворт Смитнинг *Muhammed and Muhammadanism* (Муҳаммад Пайғамбар ва Муҳаммадчилик) номли китобидан.)

◆ ... Қуръон виждон эркинлигини очиқчасига қўллаб-қувватлайди.²⁷⁷ (Жеймс Миченернинг *The Misunderstood Religion* (Исломият: Янглиш англашилган дин) номли мақоласидан.)

◆ Адолат туйғуси Исломнинг энг ажойиб олий мақсадларидан биридир, чунки Қуръонни ўқиганимда ҳаётнинг бу динамик принципларини кўраман; булар тасаввуф эмас, аксинча унда инсонларнинг кундалик ҳаёти учун бутун дунёга мос амалий-ахлоқий тизимни кўраман.²⁷⁸ (*Speeches and writings of Sarojini Naidu* (Сарожини Наидунинг нутқлари ва ёзувлари) номли китобдан жой олган *The Ideals of Islam* (Исломиятнинг олий мақсадлари) мавзусидаги лекциядан.)

◆ Қуръонни бир манба, билимларнинг боши, дейилса ҳайрон бўлмаслигимиз керак. Қуръонда осмонлар ва Ер, инсон ҳаёти, тижорат ва турли ҳунарлар билан боғлиқ ҳар бир соҳа

устида гоҳ-гоҳ тўхталиб ўтилган ва бу муқаддас китобнинг бўлимлари юзасидан тафсириларни юзага келтирган кўплаб монографияларнинг яратилишига сабаб бўлди. Шу тахлитда, Куръон катта муҳокамаларга масъул бўлди ва бунга бевосита мусулмон дунёсидаги фаннинг барча соҳаларидаги муҳташам тараққиёт сабаб бўлди... Бу яна нафақат арабларга таъсир ўтказди, балки яҳудий файласуфларини ҳам метафизик ва диний масалаларга араб услубида муносабатда бўлишга мажбур қилди. Ниҳоят, араб дин фалсафаси насроний схоластик фалсафасини қай тарзда бойитганлиги хусусида ортиқ тортишишга ҳожат йўқ.

Ислом доирасида бир вақтлар вужудга келган маънавий ҳаракат ёлғиз диний тахминлар билан чегараланиб қолмади. Юнонларнинг фалсафий, математик, астрономик ва тиббий ёзма асарлари билан танишиш бу изланишларнинг давом эттирилишига йўл очиб берди. Тасвирловчи ваҳийларда Муҳаммад (с.а.в.) Аллоҳ мўъжизаларининг бир парчаси сифатида само жисмларининг ҳаракатига, уларнинг инсонга хизмат қилиш учун бўйсундириб қўйилганлигига ва шунинг учун уларга сифинмасликка такрор ва такрор диққатни тортади. Барча ирқдаги мусулмонлар астрономия илмини қандай қилиб муваффақиятли давом эттирганликлари уларнинг асрлар давомида бу илмнинг асосий ёқловчилари бўлганликларидан англашилади. Ҳатто ҳозир ҳам кўплаб юлдузлар ва техник атамаларнинг арабча номлари қўлланилиб келинмоқда. Европадаги Ўрта аср астрономлари арабларнинг шогирдлари эдилар.

Худди шу йўсинда, Куръон тиббий изланишларга ҳам туртки берди ва умуман табиат юзасидан мушоҳада юритиш ва изланишлар олиб боришни тавсия этди.²⁷⁹ (Профессор Ҳартвиг Ҳирчфелднинг



New Researches into the Composition and Exegesis of the Qur'an
(Қуръоннинг тузилиши ва тафсири юзасидан янги тадқиқотлар)
номли китобидан.)

❖ Тан олиш керакки, Қуръон дунёнинг энг буюк илоҳий китоблари орасида муҳим бир ўринни эгаллайди. Адабиётнинг бу синфига оид жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган асарларнинг энг ёши бўлса-да, жуда кўп инсонларга самарали таъсир ўтказишда унга тенг келадигани йўқ. У инсон тафаккурида янги бир давр ва янги бир характерни яратди. У дастлаб Арабистон ярим оролининг бир неча турли чўл қабилаларини қаҳрамонлар миллатига айлантирди ва сўнгра бутун Европа ва Шарқ энг буюк кучлардан бири сифатида эътиборга олиши керак бўлган Муҳаммад (с.а.в.) дунёсининг йирик сиёсий-диний ташкилотларини яратишни давом эттирди.²⁸⁰ (Ҳазрат Ж. М. Родвеллнинг арабчадан инглизчага таржима қилинган *Қуръон* китобида Г. Марголиут тарафидан ёзилган сўз бошидан.)

❖ Биз унинг (Қуръоннинг) саҳифаларини ҳар сафар очганимизда..., у тезда мафтун этади, ҳайратда қолдиради ва пировардида бизнинг ҳурматимизни қозонади ... Унинг услуби, унинг мазмуни ва мақсадга мувофиқ равишда..., ҳар доим ва чиндан-да муҳташамдир... Бу китоб бутун даврлар давомида энг кучли таъсирга эга китоб бўлиб қолажак.²⁸¹ (Т. П. Хьюг муаллифлигидаги *Dictionary of Islam* (Исломият луғати) номли китобдан жой олган Гётенинг сўзи.)



Баъзи олимларнинг Қуръон ҳақидаги фикрларидан

◆ ... (Қуръонда) кўплаб аниқликлар мавжуд ва худди Доктор Мур каби, мен ҳам бунинг илоҳий бир илҳомбахш ғоя ёки ваҳий эканлигига, улар уни бу хабарларга бошлаганлигига ишонаман.²⁸² (Доктор Т. В. Н. Персауд, Манитоба университети анатомия, педиатрия ва болалар саломатлиги, акушерлик, гинекология ва урчитиш фанлари профессори.)

◆ ... Менимча, генетика ва дин ўртасида ҳеч қандай зиддият йўқ, билакс дин баъзи анъанавий илмий ёндашувларга янгилик қўшиш орқали фанни йўналтиради ва Қуръонда шундай хабарлар борки, улар асрлар ўтгач асосли, деб топилади ва улар Қуръонда Аллоҳдан келган билимни ҳимоя қилади.²⁸³ (Доктор Жоу Лей Симпсон, акушерлик ва гинекология, молекуляр ва инсон генетикаси фанлари профессори.)

◆ Олим сифатида мен айнан кўра оладиган нарсалар билангина иш юритаман. Мен эмбриология ва ривожланиш биологиясини тушунаман. Қуръондан мен учун таржима қилинган калималарни ҳам тушуна оламан. Олдинроқ мисол келтирганимдек, агарда ўзимни ўша даврга ўтказа олганимда эди, бугунги кунда билганларим ва тасвирлай оладиганларимни билган ҳолда, таъриф этилганларни тасвирлай олмаган бўлар эдим. Шунинг учун бу ерда у (Муҳаммад (с.а.в.)) ёзишга қодир бўлган нарсада илоҳий мадад иштирок этган, деган тушунча билан зид келувчи ҳеч нарсани кўрмайман.²⁸⁴ (Доктор Э. Маршалл Жонсон, Томас Жефферсон университетида анатомия ва ривожланиш биологияси фани бўйича истеъфодаги профессор.)

◆ Баъзи оятлар (Қуръон оятлари) жинсий ҳужайра (гамета)ларнинг қўшилиш пайтидан тортиб эмбрионда органларнинг ривожланиши (органогенез)га қадар тушунарли таърифларни ўз ичига олган. Инсон тараққиётининг таснифи, терминологияси ва таърифи каби бундай аниқ ва тўлиқ қайдлар илгари мавжуд бўлмаган. Ҳар доим бўлмаса ҳам, кўп ҳолларда бу таърифлар, амалдаги илмий адабиётларда инсон эмбриони ва ҳомиласи ривожланишининг турли босқичлари қайд этилишидан олдин кўп асрлар муқаддам келтирилган эди.²⁸⁵ (Жералд С. Гоуринжер, Жоржтаун университетида тиббий эмбриология бўйича доцент.)

◆ Инсоннинг ривожланиши ҳақида Қуръонда келтирилган хабарларга аниқлик киритишга ёрдамим текканидан жуда мумнунман. Менга шу нарса аёнки, бу хабарлар Муҳаммад (с.а.в.) га Аллоҳдан келган, чунки бу билимларнинг қўпчилиги кейинги асрларга қадар кашф қилинмади. Бу менга шу нарсани исботлаб берадики, Муҳаммад (с.а.в.) Аллоҳнинг элчисидир.²⁸⁶ (Доктор Кейт Л. Мур, Торонто университети анатомия ва ҳужайра биологияси бўлимининг истеъфодаги профессори. Таниқли эмбриолог ва бир қанча тиббий дарсликлар муаллифи.)

◆ ... Инсон эмбрионининг ривожланиш босқичлари мураккаб бўлганлиги, ривожланиш мобайнида узлуксиз ўзгариш жараёни кечиши туфайли, Қуръон ва Суннада қайд этилган атамаларни қўллаш орқали янги бир таснифлаш тизими ишлаб чиқиши мумкин, деган таклиф бор. Таклиф этилган бу тизим содда, тушунарли ва амалдаги эмбриологияга оид билимларга мос келади.²⁸⁷ (Доктор Кейт Л. Мур, Торонто университети анатомия ва ҳужайра биологияси бўлимининг истеъфодаги профессори.)

◆ Сўнги тўрт йил ичида Қуръон ва ҳадисларни жадал суръатлар билан ўрганиш натижасида инсон эмбрионини таснифлашнинг ажойиб бир тизими кашф қилиндики, у милодий еттинчи асрда қайд этилгани боис...., Қуръондаги таърифларни еттинчи асрдаги илмий билимларга асослаб бўлмайди...²⁸⁸ (Доктор Кейт Л. Мур, Торонто университети анатомия ва ҳужайра биологияси бўлимининг истеъфодаги профессори.)

◆ Коинотнинг умумий келиб чиқиши каби нарсалар ҳақида у (Муҳаммад (с.а.в.))нинг билиши деярли мумкин эмас, деб ўйлайман, чунки олимлар буни жуда мураккаб ва илғор технологик услубларни қўллаш орқали фақатгина кейинги бир неча йил ичида аниқлашга муваффақ бўлдилар... 1400 йил муқаддам ядро физикаси ҳақида ҳеч нарса билмаган бир киши, менимча, мисол учун, Ер ва самолар битта келиб чиқиш тарихига эга эканлигини ёки биз бу ерда муҳокама қилган бошқа кўплаб масалаларни ўзининг ақли билан билиб олишга қодир эмас эди.²⁸⁹ (Альфред Кронер, Германиядаги Майнз университетининг геофанлар бўлими профессори. Дунёнинг энг машҳур геологларидан бири.)

❖ Агар сиз буларнинг барчасини бирлаштирсангиз ва Қуръонда Ер, унинг пайдо бўлиши ва умуман, фанга алоқадор тарзда берилган хабарларнинг барчасини бирлаштирсангиз, сиз у ерда берилган хабарларнинг кўп жиҳатлардан ҳақ эканлигини, уларнинг эндиликда илмий услублар билан тасдиқланиши мумкинлигини айта оласиз... Қуръонда келтирилган кўплаб хабарлар ўша пайтларда исботлана олмас эди, аммо замонавий илмий услублар эндиликда Муҳаммад (с.а.в.)нинг 1400 йил илгари айтганларини исботлаш ҳолатидадир.²⁹⁰ (Альфред Кронер, Германиядаги Майнз университетининг геофанлар бўлими профессори.)

❖ Қуръондан ҳақиқий астрономик фактларни топганимдан жуда ҳайратда эканлигимни айтмоқчиман ва бизнинг назаримизда замонамиз астрономлари коинотнинг жуда кичик бир қисмини тадқиқ қилаётган кўринади. Биз ўз ҳаракатларимизни жуда кичик бир қисмни тушунишга қаратмоқдамиз. Чунки телескоплардан фойдаланиб, бутун коинот ҳақида ўйламасдан осмоннинг фақат энг кичик қисмларинигина кўра оламиз. Шу сабабдан, Қуръонни ўқиш орқали ва ундаги маълумотларга жавоб топиш орқали, мен коинотни ўрганиш учун ўз келажак йўлимни топа оламан, деб ўйлайман.²⁹¹ (Профессор Йушиди Кусан, Япониянинг Токио шаҳрида жойлашган Токио расадхонаси директори.)

❖ Албатта, мен уни шундайлигича қолдиришни истардим, биз кўрган нарса ажойиб нарсадир, унга илмий тушунтириш бериш мумкин ёки мумкин эмасдир, у ерда биз оддий бир инсон сифатида тушуна оладиган нарсадан ташқари, кўрган ёзувларимизни тушунтириб берадиган нимадир мавжуд бўлиши ҳам керак.²⁹² (Профессор Армстронг, НАСАда фаолият кўрсатувчи астрономия соҳаси бўйича профессор.)

❖ Бундай турдаги билимнинг у замонлар, яъни 1400 йил олдин мавжуд бўлишини тасаввур қилиш қийин. Балки баъзи нарсалар ҳақида улар содда фикрга эга бўлгандирлар, аммо бу нарсаларни батафсил тасвирлаб беришлари жуда қийин. Шу сабабли, бу оддий бир инсоннинг билими эмаслиги аниқ. Нормал бир инсон бу ҳодисани бу қадар батафсил тушунтира олмайди. Шундай экан, мен ушбу маълумотлар ғайритабiiй бир манбадан келган бўлиши керак, деб тушунаман.²⁹³ (Профессор Доржа Рао, Саудия Арабистони, Жидда шаҳридаги Қирол Абдулазиз университетининг денгиз геологияси бўйича профессори.)

◆ ... Ишончим комилки, 1400 йил муқаддам Қуръонда ифода этилган ҳар бир нарса ҳақиқатдир ва улар илмий йўллар билан исботланиши мумкин... Бу барча билимларни билгувчи зот Аллоҳнинг илҳомидир. Демак, шуни баралла сўзлаш вақти келди, деб ўйлайман: „Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Муҳаммад Унинг элчисидир.“²⁹⁴ (Профессор Тежатаат Тежасен, Таиланд, Чианг Май шаҳридаги Чианг Май университетининг анатомия ва эмбриология бўлими бошлиғи.)

◆ Қуръон бир неча асрлар илгари нозил қилинган. У биз кашф қилган нарсаларни тасдиқлайди. Бу Қуръон Аллоҳнинг сўзи эканлигидан далолат беради.²⁹⁵ (Профессор Жоли Самсон, гинекология ва акушерлик фанлари профессори.)

У (Қуръон) ўтмишдан, яқин замондан ва келажакдан баҳс юритади. Мен Муҳаммад (с.а.в.) замонидаги одамларнинг маданий ва илмий савиясини билмайман. Агар бу қадимий даврда, бизнингча, илмий савия паст бўлган бўлса ва технология йўқ бўлган бўлса, унда ҳозирги кунда биз ўқиётган Қуръон Аллоҳнинг нури эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Аллоҳ уни Муҳаммад (с.а.в.)га илҳом этган. Бундаин мукамал маълумот бўлганмикин, дея мен Ўрта Шарқдаги маданиятнинг дастлабки тарихини тадқиқ қилдим. Агар бу қадимий даврда Қуръон маълумотларига ўхшаш бошқа маълумотлар бўлмаган экан, бу Аллоҳ Муҳаммад (с.а.в.)ни жўнатган, деган ишончни кучайтиради; У Муҳаммад (с.а.в.)га Ўзининг беҳад билимидан кичик бир қисмини йўллаганки, биз уларни фақат яқин-яқиндагина кашф қила олдик, холос. Биз геология соҳаси бўйича Қуръон билан фан мавзусида узлуксиз диалог олиб боришга умид қилмоқдамиз.²⁹⁶ (Профессор Палмар, АҚШда геология соҳасидаги кўзга кўринган олимлардан бири.)

◆ Қуръонда тоғларнинг ер юзини мустаҳкамлаш функциясига эга эканлиги ҳақидаги муҳокамадан сўнг:

Ишончим комилки, бу (Қуръоннинг маълумоти) жуда-жуда ғалати ва деярли имконсиз, менинг чиндан ҳам ишончим комилки, агар сиз айтаётган нарса ҳақ бўлса, демак, бу китоб (Қуръон) эътиборга олиш керак бўлган жуда қимматли китобдир, мен сизнинг фикрингизга қўшиламан.²⁹⁷ (Профессор Сявда, океан геологияси соҳасида Японияда ва бутун дунё миқёсида машҳур япон олими.)

Қуръон ҳақида билдирилган бошқа фикрлардан намуналар

✦ Ҳар бир нарса жуда кўп маънони англатар эди. Бу Қуръоннинг гўзаллиги; у сиздан чуқур мулоҳаза қилиш ва ақл юритишни талаб этади... Мен Қуръонни яна ва яна ўқишни давом эттирганимда, у дуо, яхшилик ва эҳсон ҳақида сўзлади. Мен мусулмон эмас эдим, аммо мен ўзим учун ягона жавоб Қуръон эканлигини ва Аллоҳ уни мен учун ҳам жўнатганлигини англадим.²⁹⁸ (Юсуф Ислон (Кэт Стивенс), собиқ инглиз поп мусиқа юлдузи.)

✦ „Аллоҳга таслим бўлган киши“ сифатида „мусулмон“ эканлигимдан умидвор бўлсам-да, мен одатдаги маънода мусулмон эмасман, аммо ишончим комилки, Қуръон ва бошқа Ислоний тушунчалар қайд этилган манбалар илоҳий ҳақиқат жой олган йирик захирадир, ундан мен ва бошқа ғарбликлар ҳали кўп нарсаларни ўрганишлари даркор ва „Ислон шубҳасиз келажакдаги ягона диннинг тамал тошини қўювчи энг қувватли номзоддир.“²⁹⁹ (*Islam and Christianity Today* (Бугунги кунда ислом ва насронийлик) номли китобдан.)

✦ Ислон динини қабул қилишимда муҳим ва аниқ аҳамият касб этган манба Қуръон эди. Мен Ислон динини қабул қилишимдан олдин ғарбча танқидий фикр юритиш руҳи билан Қуръонни ўргана бошладим... Ўн учдан ортиқ аср илгари ваҳий қилинган бу китобда (Қуръонда) маълум оятлар мавжуд бўлиб, улар энг замонавий илмий тадқиқотчилар ўргатгани каби айнан бир хил тушунчалардан сабоқ беради. Бу шубҳасиз, ўз динимни ўзгартиришимга сабаб бўлди.³⁰⁰ (Али Селман Бенуаст, Франция, тиббиёт фанлари доктори.)


✦ Мен ҳар бир диннинг муқаддас китобларини ўқиб чиқдим. Ислонда дуч келганим – мукамалликни ҳеч қаердан топа олмадим. Муқаддас Қуръон мен ўқиган бошқа ҳар қандай китоблар билан таққосланганда, худди гугуртга таққосланган Қуёш кабидир. Мен қаттиқ ишонаманки, ҳақиқатга тамомила „ёпилмаган“ ақл билан Аллоҳнинг сўзларини ўқиган ҳар қандай киши мусулмон бўлғусидир.³⁰¹ (Сайфуддин Дирк Уольтер Мосиг.)

✦ Қуръонни кучли қилган хусусиятлардан бири шундаки, мусулмон ёки ҳар қандай инсон Қуръонни қўлига олиб,

ҳар қандай бир саҳифани очиб ўқиганида, ҳаётнинг мазмунига оид бўлган бирор хабарни олур.³⁰² (Машҳур диншунос Жон Эспозито.)





Дунёдаги бутун олимлар ва маълумотли кишиларни бирлаштириб, ягона, тўғри ва инсонларни саодатга элтувчи Қуръоннинг принципларига асосланган бир тузум қуражагимга оз фурсат қолди, деб умид қиламан.³⁰³ (Француз императори Наполеон Бонапарт.)



ХОШУМА

ҚУРЪОН
АЛЛОХНИНГ
БАХИШЦИДИР





Бу китобда кўриб чиқилган барча масалалар бизга битта очиқ ҳақиқатни намоён қилади: Куръон, пайғамбарларнинг охиригиси Муҳаммад (с.а.в.) га ваҳий қилинган бу ғайриоддий китоб илҳомбахш ва ҳақиқий билимлар манбаидир. Ҳар бир тарихий, илмий ёки археологик маълумот кашф қилинар экан, Исломнинг китоби (у қайси фанни назарда тутишидан қатъи назар) Аллоҳнинг сўзи эканлиги ўз исботини топмоқда. Илмий мавзулар бўйича далиллар ва ўтмиш ҳамда келажак ҳақида бизга етказилган янгиликлар, Куръон нозил этилган пайтда ҳеч ким била олмаган фактлар унинг оятларида билдирилган. Еттинчи аср Арабистонида мавжуд бўлган технология ва билим савияси билан биз бу китобда батафсил муҳокама қилган маълумотларни, мисолларни билиб олиш умуман мумкин эмас эди. Ушбуларни ёдда тутган ҳолда, келинг, куйидаги саволларни ўзимизга бериб кўрайлик:

Еттинчи аср Арабистонида яшаган бирор киши атмосфера-рамизнинг етти қатламдан иборат эканлигини билиши мумкин эдими?

Еттинчи аср Арабистонида яшаган бирор киши эмбрион ўсиб, чақалоққа айланадиган турли ривожланиш босқичларини ва сўнгра унинг она қорнидан дунёга келишини батафсил билиши мумкин эдими?

Ҳозирги замон олимлари фақатгина сўнги ўн йилликлар ичида „Ҳалокатли сиқилиш“ гоёсини олға сурган экан, еттинчи аср Арабистонида яшаган бирор киши, Қуръонда таъкидланганидек, коинотнинг „мунтазам кенгайиб бораётган“ лигини билиши мумкин эдими?

Ҳар бир шахснинг бармоқ излари бетакрор, мутлақо ягона эканлигини замонавий технология ва замонавий илмий ускуналардан фойдаланиб, фақат яқиндагина кашф қилган эканмиз, еттинчи аср Арабистонида яшаган бирор киши бу ҳақиқатни билиши мумкин эдими?

Иероглиф ёзувларни таржима қилиш тафсилотлари (ва усуллари) фақатгина бундан икки аср илгари кашф қилинган экан, еттинчи аср Арабистонида яшаган бирор киши Фиръавннинг энг таниқли ёрдамчиларидан бири Ҳомоннинг роли ҳақида билиши мумкин эдими?

Еттинчи аср Арабистонида яшаган бирор киши „Фиръавн“ сўзининг Тавротда таъкидланганидек, милоддан аввалги 14-асрдан олдин эмас, балки фақатгина шу даврдан бошлаб ишлатилганлигини билиши мумкин эдими?

Еттинчи аср Арабистонида яшаган бирор киши сўнги ўн йилликлар ичида НАСА сунъий йўлдоши фотосуратларидан фойдаланиш орқали кашф қилинган Убар ва Ирамнинг устунлари ҳақида билиши мумкин эдими?



Бу саволларга берилиши мумкин бўлган ягона жавоб шундай: Қуръон Қодир Аллоҳ, барча нарсаларнинг Яратувчиси ва ҳамма нарсани Ўзининг чексиз билимига жамлаган Зот, Парвардигоримизнинг сўзидир. Оятларнинг бирида Аллоҳ „Агар (у) Аллоҳдан ўзганинг ҳузуридан (келган) бўлса эди, унда кўпгина қарама-қарши гапларни топган бўлур эдилар“ („Нисо“ сураси, 82-оят), деб айтади. Қуръондан жой олган ҳар бир маълумот бу илоҳий китобнинг сирли мўъжизаларини ошкор қилади.

Инсон зоти Аллоҳ томонидан нозил қилинган бу Илоҳий китобга ишонишни давом эттириши, уни қалби очиклик билан, ўзининг ҳаётидаги битта ва ягона йўриқнома сифатида қабул этиши назарда тутилган. Аллоҳ Қуръонда бизга қуйидагича хабар беради:

Ушбу Қуръон Аллоҳдан бошқа кимнингдир томонидан тўқилган бўлиши мумкин эмас. Балки у (бутун) оламлар Парвардигори томонидан (келган), шубҳасиз, ўздан олдинги нарса (илоҳий китоблар)ни тасдиқловчи ва батафсил (баён этилган) китобдир. Ёки: „Уни (Муҳаммад) тўқиган“, – дейдиларми?! Айтинг: „У ҳолда, агар ростгўй бўлсангиз, унга тенг биргина сура келтириб, Аллоҳдан бошқа кимга имконингиз бўлса ўшаларни (ёрдамга) чорлангиз!“ („Юнус“ сураси, 37–38-оятлар)


Мана бу Биз нозил қилган муборак Китоб (Қуръон)дир, унга эргашингиз ва тақволи бўлингиз, токи раҳм қилингайсиз. („Анъом“ сураси, 155-оят)



ИОВА

ЭВОЛЮЦИЯ
НАЗАРЯСИНИИ
ЯИТЛИШ ЭКАИИИИ





Дарвинизм, яъни эволюция назарияси оламнинг яратилиши тўғрисидаги ҳақиқатни инкор этиш мақсадида олға сурилган эди, бироқ у аслида самарасиз, илмий асосланмаган бир сафсатадан бошқа ҳеч нарса эмас. Ҳаёт жонсиз материядан тасодифий равишда пайдо бўлган, деган даъво билан майдонга чиққан бу назария коинотдаги ва тирик жонзотлардаги аниқ бир илоҳий яратилганликнинг илмий далиллари орқали чиппакка чиқди. Шу тахлитда, Аллоҳнинг коинотни ва ундаги тирик жонзотларни яратганлиги ҳақидаги ҳақиқатни фан тасдиқлади. Эволюция назариясини сақлаб қолиш учун бугунги кунда амалга оширилаётган тарғибот ва ташвиқот ишлари фақатгина илмий далилларни бузиб кўрсатиш, нотўғри талқин этиш ва алдов ҳамда фан ниқоби остидаги ёлғонларга асосланган.

Аммо бу тарғиботлар ҳақиқатни яшира олмайди. Эволюция назариясининг илм-фан тарихидаги энг буюк ёлғон эканлиги сўнгги 20–30 йиллардан буён илм-фан дунёсида жуда кўп тилга олинмоқда. 1980 йиллардан сўнг амалга оширилган тадқиқотлар, хусусан, дарвинизмнинг даъволари бутунлай янглиш эканлигини ошкор қилди ва бу ҳақиқат кўп сонли олимлар тарафидан эътироф этилди. Айниқса, Америка Қўшма Штатларида биология, биокимё

ва палеонтология каби турли соҳаларда фаолият кўрсатувчи кўплаб олимлар дарвинизмнинг асоссизлигини расмий тан олдилар ва ҳаётнинг келиб чиқишини тасвирлаш учун ақлий дизайн тушунчасидан фойдаландилар. „Ақлий дизайн“ деганда Аллоҳнинг барча тирик жонзотларни яратганлиги тушунилади.

Эволюция назариясининг барбод бўлиши ва олам яратилишининг далилларини кўплаб асарларимизда илмий нуқтаи назардан батафсил ўрганиб чиқдик ва ҳамон шу тахлитда давом эттирмақдамиз. Ушбу мавзуга жиддий аҳамият берилар экан, бу ерда уни умумлаштириш катта манфаат келтиради, деган фикрдамиз.

Дарвинизмнинг илмий инқирози

Бу таълимот тарихи қадимги Грецияга бориб тақалса-да, эволюция назарияси ўн тўққизинчи асрга келиб кенг ривожлантирилди. Уни дунё илмининг энг қизгин мавзусига айлантирган энг муҳим манба 1859 йилда нашр қилинган Чарлз Дарвиннинг „*Турларнинг келиб чиқиши*“ номли китоби эди. Бу китобда у Аллоҳнинг Ер юзидаги турли тирик жонзотларни алоҳида-алоҳида қилиб яратганлигини инкор этди. Дарвиннинг фикрига кўра, барча тирик жонзотларнинг умумий бир аждоди бўлган ва вақт ўтиши билан кичик ўзгаришлар натижасида улар турли-туман шаклларга кирган. Дарвиннинг назарияси аниқ бир илмий топилмага асосланмаган эди; унинг ўзи тан олганидек, у бор-йўғи бир „фараз“ эди, холос. Бундан ташқари, Дарвин ўзининг „*Назариядаги мураккабликлар*“ номли китобидаги катта бир бобда назария кўплаб кескин саволлар қаршисида муваффақиятсизликка учраганини эътироф этади.

Дарвин бор эътиборини янги илмий кашфиётларга қаратди ва бу кашфиётлар мазкур мураккабликларни ҳал қилишга ёрдам беради, деб умид қилди. Аммо унинг умидларига қарши ўлароқ, илмий топилмалар бу мураккабликларнинг кўламини кенгайтириб юборди. Дарвинизмнинг илм-фан қаршисидаги мағлубияти учта асосий мавзу остида изоҳланиши мумкин:

1. Бу назария Ерда ҳаёт қандай пайдо бўлганлигини тушунтириб бера олмайди.


2. Илмий топилмалар шу нарсани кўрсатадики, назария томонидан олға сурилган „эволюцион механизмлар“ ҳеч қандай эволюцион кучга эга эмас.

3. Қазилма ҳайвон қолдиқлари эволюция назарияси ўртага ташлаган ғоянинг бутунлай акси бўлиб чиқди.

Бу бўлимда биз бу уч асосий фикрни умумий тарзда кўриб чиқамиз.

Биринчи мушкул босқич: ҳаётнинг пайдо бўлиши

Эволюция назарияси бундан тахминан 3,8 миллиард йил илгари Ер юзидан пайдо бўлган ёлғиз битта жонли ҳужайрадан барча жонли турларнинг келиб чиққанлигини фараз этади. Ёлғиз бир ҳужайра қандай қилиб миллионлаб мураккаб жонли турларни келтириб чиқариши мумкинлиги, агар шундай эволюция юз берган бўлса, нима учун унинг излари қазилма ҳайвон қолдиқларида кузатилмаганлиги каби айрим саволларга ушбу назария жавоб бера олмайди. Шундай бўлсада, энг аввало, бизнинг қуйидагича савол сўрашимиз ўринлидир: Ўша „биринчи ҳужайра“нинг ўзи қандай вужудга келган?



Чарлз Дарвин

Эволюция назарияси яратилганликни ва ҳар қандай ғайритабиий мудохалани рад этиши боис, у „биринчи ҳужайра“ ҳеч қандай тартиб, режа ёки дастурларсиз табиат қонунлари асосида, тасодифий равишда пайдо бўлган, деган ғояни илгари суради. Мазкур назарияга кўра, жонсиз материя тасодифлар натижасида жонли ҳужайрани пайдо қилган бўлиши керак. Бироқ бундай даъво, биологиянинг энг инкор этиб бўлмас қонунларига мувофиқ келмайди.

„Ҳаёт ҳаётдан келиб чиқади“

Ўзининг китобида Дарвин ҳаётнинг пайдо бўлиши масаласида тўхтаб ўтмаган. Унинг давридаги фаннинг илк тушунчалари тирик жонзотлар жуда содда бир тузилишга эга эканлиги тўғрисидаги фаразга асосланган эди. Ўрта асрларда кенг тарқалган „ўз-ўзидан пайдо бўлиш“ номли назарияга кўра воқеаларнинг бир-бирига тасодифан тўғри келиб қолиши билан бирлашган жонсиз организмлар тирик организмни юзага келтирган, деб ҳисобланар эди. Ҳашаротлар овқат қолдиқларидан, сичқонлар эса буғдойдан пайдо бўлган, деган фараз одатий тус олган эди. Бу назарияни исботлаш учун қизиқ тажрибалар ўтказилди. Ифлос бир мато устига бир оз буғдой қўйилди ва ундан оз фурсат ўтгач сичқонлар пайдо бўлади, деб фараз қилинди.

Шунга ўхшаб, сасиган гўштда куртларнинг пайдо бўлиши ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлиш ҳодисасидан бир далил, деб тахмин қилинар эди. Аммо кейинроқ куртлар гўштда ўз-ўзидан пайдо бўлмаганлиги, балки улар пашшалар тарафидан кўзга кўринмас личинкалар шаклида ташиб келтирилганлиги маълум бўлди.


Дарвин ўзининг „*Турларнинг келиб чиқиши*“ номли китобини ёзган пайтда, бактериянинг жонсиз материядан вужудга келган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги ақида илм-фан оламида кенг миқёсда қабул қилинган эди.

Бироқ Дарвиннинг китоби босиб чиқарилгандан сўнг беш йил ўтгач, Луи Пастер узоқ изланишлар ва тажрибалардан сўнг, ўз натижаларини эълон қилди. Бу натижалар Дарвин назариясининг негизи бўлган ўз-ўзидан пайдо бўлиш тўғрисидаги тасаввурнинг нотўғрилигини исбот қилди. 1864 йилда Сорбоннада қилган муваффақиятли маърузасида Пастер шундай деган эди: „Ўз-ўзидан пайдо бўлганлик тўғрисидаги таълимот бу оддий тажрибанинг қақшатқич зарбасидан ҳеч қачон ўзини ўнглай олмайди.“³⁰⁴

Узоқ вақтларгача эволюция назариясининг хайрихоҳлари бу кутилмаган янгиликка қаршилик кўрсатиб келдилар. Бироқ илм-фан оламидаги тараққиёт тирик мавжудот ҳужайрасининг мураккаб тузилишга эга эканлигига ойдинлик киритгач, ҳаётнинг тасодифий равишда вужудга келган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги гоё ҳаттоки ундан-да баттарроқ аҳволга тушиб қолди.

Йигирманчи асрдаги асосиз уринишлар


Йигирманчи асрда ҳаётнинг пайдо бўлиши мавзусини давом эттирган биринчи эволюционист, таниқли рус биологи Александр Опарин бўлди. 1930 йилларда олға сурган турли тезислари билан у жонли ҳужайранинг тасодифий равишда пайдо бўлиши мумкинлигини исботлашга ҳаракат қилди. Аммо бу изланишлар муваффақиятсизликка учради ва Опарин куйидагича эътироф этишга мажбур бўлди:



Луи Пастер



Александр Опарин



Стенли Миллер

Афсуски, ҳужайранинг келиб чиқиш муаммоси эҳтимол организмлар эволюцияси устида олиб борилган бутун изланишдаги энг қоронғи нуқтадир.³⁰⁵

Опариннинг эволюционист издошлари бу муаммони ҳал қилиш учун тажрибалар ўтказишга уриниб кўрдилар. Энг машҳур тажриба 1953 йилда америкалик кимёгар Стенли Миллер томонидан амалга оширилди. Миллер ибтидоий Ер атмосферасида мавжуд бўлган бўлиши мумкин, деб ўйлаган газларни тажриба қурилмасида аралаштириб ҳамда аралашмага энергия қўшиб, оқсиллар структурасида мавжуд бир неча органик молекулалар (аминокислоталар)ни синтезлади.

Ўша йиллар эволюция шаънига қўйилган муҳим бир қадам сифатида таништирилган бу тажриба бир неча йил ўтмасдан асоссиз деб топилди, чунки тажрибада қўлланилган атмосфера ҳақиқий Ер шароитидагидан жуда катта фарқ қилар эди.³⁰⁶

Узоқ сукут сақлагандан сўнг, Миллер ўзи қўллаган атмосфера муҳити нореал эканлигини эътироф этди.³⁰⁷

Бутун йигирманчи аср мобайнида ҳаётнинг келиб чиқишини тушунтириш учун барча эволюционистларнинг қилган уринишлари муваффақиятсизлик билан якун топди. Сан-Диего Скриппс институти геокимёгари Жеффри Бада 1998 йилда *Earth* (Ер) номли журналда чоп этилган мақолада бу ҳақиқатни шундай таъкидлайди:

Бугун йигирманчи асрни ортда қолдирар эканмиз, биз ҳануз йигирманчи асрга қадам қўйганимизда мавжуд бўлган энг катта ҳал қилинмаган муаммо қаршисида турибмиз: Ерда ҳаёт қандай пайдо бўлган?³⁰⁸

Ҳаётнинг мураккаб тузилиши

Ҳаётнинг пайдо бўлиши хусусидаги эволюция назариясининг бундай мушкул аҳволда яқун топишига бош сабаб, ҳаттоки энг содда ҳисобланган жонли организмлар ҳам ақл бовар қилмас даражада мураккаб тузилишга эга эканлигидадир. Тирик жонзотнинг ҳужайраси инсон қўли билан яратилган ҳар қандай технологик маҳсулотдан кўра мураккаброқдир. Бугунги кунда, ҳатто дунёнинг энг тараққий этган лабораторияларида ҳам, органик кимёвий моддаларни бирлаштириш орқали бирор тирик ҳужайрани яратиб бўлмайди.

Бир ҳужайранинг пайдо бўлиши учун талаб этиладиган шартларнинг миқдори шунчалик кўпки, унга шунчаки тасодифлар орқали, деб тушунтириш бериб кетиш асло мумкин эмас. Ҳужайранинг структуравий элементлари бўлган оқсилларнинг тасодифий равишда синтезланиш эҳтимоли 500 аминокислоталардан ташкил топган ўртача оқсил учун 10^{950} да 1 дир. Математикада 10^{50} да 1 дан кичик эҳтимоллик амалий нуқтаи назардан „имконсиз“ ҳисобланади.

Ҳужайранинг ядросида жойлашган ва барча ирсий маълумотларни сақлайдиган ДНК молекуласи ақл бовар қилмас даражадаги маълумотлар банкидир. Агар ДНКда кодланган маълумотлар қоғозга туширилгудек бўлса, у ҳар бири 500 варағдан иборат тахминан 900 жилдлик энциклопедияни ўз ичига оладиган улкан бир кутубхонани барпо қилган бўлар эди.

Шу аснода жуда қизиқ бир иккилантирадиган ҳолат юзага келади: ДНК ўзининг айнан нусхасини фақатгина баъзи махсуслаштирилган оқсиллар (ферментлар) ёрдамида ишлаб чиқиши мумкин. Аммо бу ферментларнинг синтези фақат ДНКдаги кодланган маълумотлар орқалигина амалга ошиши мумкин. Уларнинг иккаласи ҳам бир-бирига боғлиқ бўлганлиги боис, айнан нусха ишлаб чиқилиши учун улар бир вақтнинг ўзида





мавжуд бўлишлари шарт. Бу эса ҳаёт ўз-ўзидан пайдо бўлган, деган фаразни боши берк кўчага киритиб қўяди. Калифорниядаги Сан-Диего университетида фаолият юритувчи эътиборли эволюционист, профессор Лесли Оргел бу ҳақиқатни *Scientific American* номли Америка илмий журналининг 1994 йил сентябрь оии сониди шундай эътироф этади:

Тузилиш жиҳатдан ўта мураккаб бўлган оқсиллар ва нуклеин кислоталар (РНК ва ДНК)нинг ҳар иккаласи бир вақтнинг ўзида ва битта жойда ўз-ўзидан пайдо бўлганлигини ақлга сиғдириш жуда қийин. Аммо буларнинг бириси бошқасисиз бўлиши ҳам мумкин эмас. Шундай экан, бир қарашда, ҳаёт аслида ҳеч қачон кимёвий йўллар билан пайдо бўлмаган, деган хулосага келиш мумкин.³⁰⁹

Шубҳасиз, агар табиий шароитлар таъсири остида ҳаётнинг пайдо бўлиши мумкин бўлмаса, унда ҳаётнинг ғайритабиий йўл билан „яратилган“лиги тан олинмоғи керак. Бу ҳақиқат асосий мақсади яратилганликни рад этиш бўлган эволюция назариясини ошқора чиппака чиқаради.

Эволюциянинг тасаввурий механизмлари

Дарвиннинг назариясини инкор қиладиган иккинчи муҳим нуқта шундаки, назария орқали „эволюцион механизмлар“ деб олға сурилган ҳар иккала тушунча ҳақиқатда ҳеч қандай эволюцион кучга эга эмаслиги англаб етилди.

Дарвин ўзининг асосиз эволюциясини бутунлай „табиий танланиш“ механизмига боғлади. Унинг бу механизмига берган

аҳамияти унинг китоби номидан ҳам яққол кўриниб турар эди:
Табиий танланиш воситасида турларнинг келиб чиқиши, ...

Табиий танланиш деганда, кучлироқ бўлган ва ўз маконларининг табиий шароитларига кўпроқ мослашган тирик жонзотларнинг ҳаёт учун курашда омон қолиши тушунилади.

Мисол учун, йиртқич ҳайвонларнинг ҳужуми таҳдиди остида яшайдиган буғулар тўдаси орасида тезроқ югура оладиган буғуларгина омон қолади. Шу сабабдан, буғулар тўдаси тезроқ ва кучлироқ индивидуумлардан ташкил топади. Аммо, шак-шубҳасиз, бу механизм буғуларнинг эволюция қилишига ва ўзларини ҳайвонларнинг бошқа турларига, масалан, отларга айлантиришига сабаб бўла олмайди.

Шу боис, табиий танланиш механизми ҳеч қандай эволюцион кучга эга эмас. Дарвиннинг ўзи ҳам бу ҳақиқатдан хабардор эди ва у ўзининг „Турларнинг келиб чиқиши“ номли китобида буни кўйидагича эътироф этади:

Фойдали индивидуал фарқлар ёки ўзгаришлар рўй бермагунча табиий танланиш ҳеч нарса қила олмайди.³¹⁰

Ламаркнинг таъсири

Демак, бу „фойдали ўзгаришлар“ қандай рўй бериши мумкин эди? Дарвин бу саволга ўша пайтдаги фаннинг ибтидоий тушунчаси нуқтаи назаридан жавоб беришга ҳаракат

қилди. Дарвиндан олдин яшаб ўтган француз биологи Жан Батист Ламарк (1744–1829) нинг фикрига кўра, тирик мавжудотлар ўзларининг ҳаёт даври давомида орттирган хусусиятларини, яъни жисмоний ўзгаришларни кейинги наслга ўтказган. Унинг таъкидлашича, наслдан-наслга орттириб борилган бу ўзгаришлар янги турларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Мисол учун, Ламаркнинг фикрига кўра, жирафалар антилопалардан келиб чиққан; улар баланд дарахтларнинг барглари еишга интилганлари боис, уларнинг бўйинлари наслдан-наслга узая борган.

Дарвин ҳам шунга ўхшаш мисоллар келтирган. Масалан, „*Турларнинг келиб чиқиши*“ номли китобида унинг таъкидлашича, овқат излаб сувга шўнғийдиган баъзи айиқлар вақт ўтиши билан китларга айланган.³¹¹

Бироқ Грегор Мендель (1822–1884) томонидан кашф қилинган ва йигирманчи аср генетика фани тасдиқлаган ирсият қонунлари орттирилган хусусиятлар кейинги наслларга ўтганлиги тўғрисидаги афсонани буткул барбод қилди. Шу тахлитда, табиий танланиш эволюцион бир механизм сифатида ўз қадрини йўқотди.

Неодарвинизм ва мутациялар

Дарвинистлар ечим топиш мақсадида 1930 йилларнинг охирларида „Замонавий синтетик назария“ ёки кўпроқ неодарвинизм номи билан маълум бўлган ғояни олдинга сурдилар. Неодарвинизм табиий танланишга кўшимча равишда „фойдали ўзгаришлар сабаби“ бўлган мутацияларни, яъни жонзотларнинг генларида радиация каби ташқи омиллар ёки кўпайишдаги хатолар натижасида шаклланган бузилишларни ҳам ўз ичига олар эди.


Бугунги кунда бутун дунёда эволюцияни ҳимоя қиладиган модель неодарвинизмдир. Бу назария Ер юзидаги миллионлаб жонзотлар, бу организмларнинг кўплаб мураккаб органлари (масалан, қулоқлар, кўзлар, ўпка ва қанотлар) „мутациялар“, яъни ирсий бузилишларни бошдан кечириш жараёни натижасида шаклланган, деган фаразни ўртага ташлайди. Аммо бу назарияни заифлаштирадиган очиқ бир илмий ҳақиқат мавжуд: мутациялар жонзотларнинг ривожланишига сабаб бўлмайди, аксинча, улар ҳар доим жонзотларга зарар етказадилар.

Бунинг сабаби жуда оддий: ДНК жуда мураккаб тузилишга эга ва ҳар қандай тасодикий таъсир унга фақат зарар етказиши мумкин, холос. Америкалик генетик Б. Г. Ранганатан буни қуйидагича изоҳлайди:

Биринчидан, чинакам мутациялар табиатда жуда камдан-кам ҳолатларда учрайди. Иккинчидан, генларнинг структурасидаги ўзгаришлар тартибли эмас, аксинча тасодифий бўлгани учун кўпчилик мутациялар зарарлидир; ўта тартибли тизимдаги ҳар қандай тасодифий ўзгариш яхшиликка эмас, балки ёмонликка томон бўлади. Мисол учун, агар зилзила бирор бинонинг ўта тартиб билан қурилган структурасини ларзага келтирса, бу бинонинг конструкциясига эҳтимол тузатиб бўлмас тасодифий ўзгариш содир бўлган бўлар эди.³¹²

Афсуски, шу кунга қадар фойдали бўлган, яъни организмдаги ирсий маълумотларни ривожлантирган бирор мутацион намуна кузатилмаган. Барча мутацияларнинг зарарли эканлиги исботланган. „Эволюцион механизм“, деб таништирилган мутациялар аслида жонзотларга зарар етказадиган ва уларни яроқсиз, ногирон қилиб қўядиган ирсий бир ҳолат эканлиги англаб етилди. (Инсон зотида мутациянинг энг кўп учрайдиган натижаси саратондир, яъни рак касаллигидир.) Албатта, бузувчи бир механизм „эволюцион механизм“ бўла олмайди. Табиий танланиш эса, Дарвиннинг ўзи ҳам эътироф этганидек, „ўзича ҳеч нарса қила олмайди“. Бу ҳақиқат бизларга табиатда „эволюцион механизм“нинг мавжуд эмаслигини кўрсатади. Зеро эволюцион механизм мавжуд

эмас экан, унда „эволюция“ деб аталадиган тасавурий жараённинг содир бўлганлиги ҳам мумкин эмас.



Тасодифий мутациялар инсонлар ҳамда бошқа жонзотларда нуқсонга айланади. Чернобиль фалокати мутацияларнинг таъсирлари ҳақида кўзларни очувчи ҳодисадир.

Қазилма ҳайвон қолдиқлари: оралиқ шакллардан асар йўқ

Эволюция назарияси томонидан фараз қилинган сценарийнинг содир бўлмаганлигига энг яққол далил қазилма ҳайвон қолдиқларидир.

Эволюция назариясига кўра, ҳар бир жонли тур ўз ўтмиш-дошидан ривожланиб вужудга келган. Даставвал мавжуд бўлган турлар вақт ўтиши билан бошқа шаклга кирган ва шу йўсинда барча турлар пайдо бўлган. Бошқача қилиб айтганда, бу трансформация, яъни бир шаклдан бошқа янги шаклга айланиш жараёни миллионлаб йиллар давомида аста-секин содир бўлган.

Агар шундай бўлса, бу трансформацион давр ичида кўплаб оралиқ турлар мавжуд бўлган ва яшаган бўлиши керак.

Масалан, ўтмишда ярим балиқ-ярим судралиб юривчилар яшаган бўлиши, яъни улар мавжуд балиқлик хусусиятига қўшимча равишда, судралиб юривчилик хусусиятини орттирган бўлиши керак. Ёки бўлмаса, мавжуд судралиб юривчилик хусусиятига қўшимча равишда айрим қушлик хусусиятини орттирган баъзи судралиб юривчи қушлар мавжуд бўлган бўлиши керак. Булар ўтиш босқичида яшаганлиги боис, яроқсиз, қусурли, мажруҳ жонзотлар бўлиши керак. Ўтмишда яшаб ўтган, деб ишонилган бу назарий жонзотларни эволюционистлар „ўтиш даври шакллари“ номи билан атайдилар.


Агар шундай ҳайвонлар ўтмишда яшаган бўлсалар, улар сон ва тур жиҳатдан миллионлаб, ҳатто миллиардлаб бўлиши керак эди. Бундан ҳам муҳимроғи, бу ғалати жонзотларнинг қолдиқлари археологик қазилмаларда топилиши керак эди. Дарвин „*Турларнинг келиб чиқиши*“ китобида шундай тушунтириш беради:

Агар менинг назариям тўғри бўлса, бир гуруҳдаги турларнинг барчасини бир-бирига боғлаган саноқсиз ўтиш даври турлари шубҳасиз яшаган бўлиши керак... Шундай экан, уларнинг илгари яшаган-ликларининг далили фақатгина қазилма ҳайвон қолдиқлари орасидан топилиши мумкин.³¹³

Дарвиннинг пучга чиққан умидлари

Ўн тўққизинчи асрнинг ўрталаридан буён эволюционистлар бутун дунёдан ҳайвон қолдиқларини топишга астойдил бел боғлаган бўлсалар-да, ҳанузгача ўтиш даври шакллари кашф қилилмади. Барча ҳайвон қолдиқлари, эволюционистларнинг умидларига қарши ўлароқ, ҳаётнинг Ер юзидан тўсатдан ва қусурсиз бир бичимда пайдо бўлганлигини тасдиқлайди.

МАВЖУД ҚАЗИЛМА ҲАЙВОН ҚОЛДИҚЛАРИ ЭВОЛЮЦИЯ НАЗАРИЯСИНИ РАД ЭТАДИ



100—150 миллион
ёшли денгиз
юлдузининг тош
қотган қолдиғи.
(Юқори Бўр даври.)



450 миллион ёшли тақасимон
крабнинг тош қотган қолдиғи.
(Ордовик даври.)



150—200 миллион ёшли
ниначининг тош қотган
қолдиғи. (Юра-Муз
давридан кейинги давр.)



100—150 миллион
ёшли креветканинг
тош қотган қолдиғи.
(Юқори Бўр даври.)

Жонзотларнинг турли гуруҳлари тўсатдан пайдо бўлган бўлиб, уларнинг аجدодлари аввал мавжуд бўлмаган. Улар миллионлаб йиллардан буён ҳеч қандай ўзгаришларсиз турғун бир шаклни давом эттириб келмоқдалар.

Машхур англиз палеонтологи Дерек В. Эйжер, ҳатто эволюционист бўлса ҳам, бу ҳақиқатни шундай эътироф этади:

Агар қазилма ҳайвон қолдиқларини хоҳ турлар ёки синфлар даражасида бўлсин, батафсил ўрганиб чиқсак, биз қайта-қайта босқичма-босқич эволюцияга эмас, балки бир гуруҳнинг бошқаси эвазига тўсатдан портлаб чиққанлигига дуч келамиз.³¹⁴

Бу шу нарсани англатадики, қазилма ҳайвон қолдиқлари барча жонли турлар мукамал шаклланган ҳолда, ҳеч қандай оралик шаклларсиз тўсатдан пайдо бўлганлигидан далолат беради. Бу Дарвин тахминларининг бутунлай аксидир. Шунингдек, бу жонли турларнинг яратилганлигини кўрсатувчи жуда кучли далил ҳамдир. Жонли турларнинг ҳеч қандай эволюцион ажодларсиз, тўсатдан ва ҳар бир деталигача мукамал ҳолда пайдо бўлганлигига берилиши мумкин бўлган ягона изоҳ уларнинг яратилганлигидир. Бу инкор этиб бўлмас ҳақиқат жуда таниқли эволюционист биолог Дуглас Футуйма томонидан ҳам шундай эътироф этилади:

Яратилиш ва эволюция — жонзотларнинг келиб чиқиши ҳақида берилиши мумкин бўлган изоҳлар уларнинг иккиси ўртасида ҳалак. Организмлар ё ер юзида тўлиқ ривожланган шаклда пайдо бўлган, ёки бундай эмас. Агар бундай бўлмаса, улар аввал мавжуд бўлган турлардан, айрим ўзгаришларни босиб ўтиш орқали ривожланган бўлишлари керак. Агар улар тўлиқ ривожланган бир шаклда пайдо бўлган бўлса, у ҳолда улар чиндан ҳам чексиз куч соҳиби бўлган бир ақл томонидан яратилган бўлиши керак.³¹⁵

Ҳайвон қолдиқлари жонзотларнинг тўлиқ ривожланган ва мукамал бир ҳолатда Ер юзида пайдо бўлганлигини кўрсатади. Бу шуни англатадики, „турларнинг келиб чиқиши“, Дарвиннинг тахминларидан фарқли ўлароқ, эволюция эмас, балки яратилишдир.

Инсон эволюцияси ҳақидаги эртак

Эволюция назарияси тарафдорлари томонидан энг кўп муҳокама қилинадиган мавзу инсоннинг келиб чиқиши мавзусидир. Бу мавзудаги дарвинчилар даъвоси замонавий инсоннинг маймунсимон жониворлардан пайдо бўлганлигини асос қилиб олган. 4–5 миллион йил аввал бошланган, деб асоссиз тахмин қилинган бу эволюцион жараён давомида, замонавий инсон ва унинг ажодлари орасида айрим „ўтиш даври шакллари“ мавжуд бўлган, деб фараз қилинади. Бутунлай тасаввурий бўлган бу сценарийга кўра, тўрт асосий „тоифа“ санаб ўтилади:

1. *Australopithecus*.
2. *Homo habilis*.
3. *Homo erectus*.
4. *Homo sapiens*.

Эволюционистлар инсоннинг илк маймунсимон аجدодларини „жанубий маймун“ маъносини англатувчи *Australopithecus* номи билан атайдилар. Бу жонзотлар йўқ бўлиб кетган қадимий маймун турларидан бошқа ҳеч нарса эмас. Англия ва АҚШлик Лорд Солли Зукерман ва профессор Чарлз Окснорд исмли икки дунёга машҳур анатомистлар томонидан турли *Australopithecus* намуналари устида олиб борилган кенг миқёсдаги тадқиқот бу маймунлар йўқ бўлиб кетган оддий маймун турларига тегишли эканлигини ва уларнинг инсонларга ҳеч қандай ўхшаш томони йўқ эканлигини кўрсатди.³¹⁶

Эволюционистлар инсон эволюциясининг кейинги босқичини „homo“, яъни „инсон“ деб таърифлайдилар. Уларнинг даъвосига кўра, *Homo* сериясидаги жонзотлар *Australopithecus* га қараганда анча ривожланган. Эволюционистлар бу мавжудотларнинг турли қолдиқларини маълум бир тартибда кетма-кет жойлаштириш орқали тасаввурий бир эволюция схемасини туздилар. Бу схема тасаввурийдир, чунки бу турли синфлар ўртасида бирор эволюцион боғлиқлик борлиги ҳеч қачон исботланмаган. Йигирманчи асрнинг энг муҳим эволюционистларидан бири бўлган Эрнст Майр ўзининг *One Long Argument* (Узоқ бир мубоҳаса) номли китобида „ҳаётнинг ёки *Homo sapiens* нинг келиб чиқиши каби тарихий жумбоқлар ўта мураккабдир ва ҳатто якуний, қониқарли тушунтиришларга ҳам қарши туриши мумкин“, деб таъкидлайди.³¹⁷

Боғловчи занжирни *Australopithecus* > *Homo habilis* > *Homo erectus* > *Homo sapiens* тарзида ифода этиш билан эволюционистлар бу турларнинг ҳар бири бир-бирининг аждоди эканлигини назарда тутди. Бироқ палеоантропологларнинг яқиндаги кашфиётлари *Australopithecus*, *Homo habilis* ва *Homo erectus* бир вақтда дунёнинг турли қисмларида яшаганлигини ошкор қилди.³¹⁸

Бундан ташқари, инсонларнинг *Homo erectus* деб таснифланган маълум бир бўғини ҳозирги замонларга қадар яшаган. *Homo sapiens neandarthalensis* ва *Homo sapiens sapiens* (замонавий инсон) бир вақтнинг ўзида битта ҳудудда яшаган.³¹⁹

Мазкур ҳолат, албатта, улар бир-бирининг аждоди бўлган, деган даъвонинг асосиз эканлигини кўрсатади. Гарвард университетида

фаолият юритувчи палеонтолог Стефен Жей Гоулд, ўзининг эволюционист бўлишига қарамай, эволюция назариясининг бу мушкул аҳволини қуйидагича изоҳлайди:

Агар бир-бири билан параллел бир шаклда яшаган уч хил гоминид (*A. africanus*, бақувват *australopithecines* ва *H. habilis*) шажаралари бўлса, аниқки уларнинг ҳеч бири бошқасидан келиб чиқмаган, у ҳолда бизнинг шажарамизга нима бўлди? Бундан ташқари бу учаловининг ҳеч қайсиси ўзларининг ер юзидаги ҳаёти давомида ҳеч қандай эволюцион мойилликни намоён этмайдилар.³²⁰

Қисқаси, оммавий ахборот воситалари ва дарсликлардан жой олган баъзи тасаввурий „ярим маймун-ярим инсон“ мавжудотларнинг турли расмлари ёрдами билан, яъни очиқчасини айтганда, тарғибот воситасида „қўллаб-қувватланади“ган инсон эволюциясининг сценарийси илмий асосга эга бўлмаган эртақдан бошқа ҳеч нарса эмас.

Бу мавзуда йиллаб тадқиқот ўтказган ва *Australopithecus* қолдиқларини 15 йилча ўрганган Буюк Британиядаги энг машҳур ва эътиборли олимлардан бири Лорд Солли Зукерман, ўзининг эволюционист бўлишига қарамасдан, ниҳоят, маймунсимон мавжудотларнинг одамга айланишини кўрсатадиган шажара аслида мавжуд эмас, деган хулосага келди.



Стефен Жей Гоулд.

ЎЛФОН



Эволюционист газета ва журналлар тез-тез ибтидоий инсоннинг расмларини чоп этиб турадилар. Бу расмларнинг бирдан-бир манбаи рассомнинг тасаввуридир. Эволюцион назария илмий маълумотлар билан шундай эзиб ташландики, бугунги кунда жиддий матбуотда уларни тобора камроқ учратмоқдамиз.

Зукерман, шунингдек, қизиқ бир „фанлар спектри“ни ҳам яратди. У илмий деб ўйлаган соҳалардан тортиб илмий эмас деб ўйлаган соҳаларга қадар уларни бу спектрда акс эттирди. Зукерманнинг мазкур спектрига кўра, фаннинг энг илмий соҳалари (яъни аниқ маълумотларнинг мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда) кимё ва физикадир. Улардан сўнг биологик фанлар ва сўнгра ижтимоий фанлар келади. Спектрнинг энг „илмий эмас“, деб ҳисобланадиган охири қисмида эса, Зукерманнинг фикрига кўра, телепатия ва олтинчи сезги каби „ўта сезгир идрок этиш қобилияти“ тушунчалари ва ниҳоят „инсон эволюцияси“ жой олади. Зукерман ўзининг бундай мулоҳазасини шундай изоҳлайди:

Сўнгра объектив ҳақиқатдан чиқиб, ўта сезгир идрок этиш қобилияти ёки инсоннинг суяк қолдиқлари тарихини тушунтириб бериш каби биологик фан деб ҳисобланмиш соҳаларга кирганимизда, эволюция назариясига содиқ кимса учун ҳар нарса мумкин бўлишини ва (эволюцияга) ашаддий содиқ кимсалар баъзида бир вақтнинг ўзида бир қанча қарама-қарши мулоҳазаларга ишона олишини кўраемиз.³²¹


Инсон эволюцияси эртаги ўз назариясига кўр-кўрона содиқ бўлган бир қатор инсонлар томонидан қазиб олинган баъзи ҳайвон қолдиқларига берилган тахминий тушунтиришлардан иборат, холос.

Дарвин формуласи!

Шу пайтга қадар кўриб чиққан барча далиллардан бошқа, келинг, энди бир маротаба бўлса ҳам, эволюционистларнинг қандай ақидага эга эканликларини ҳатто болалар ҳам тушунадиган содда бир мисол билан ўрганиб чиқамиз:

Эволюция назарияси ҳаётнинг тасодифан пайдо бўлганлигини таъкидлайди. Бу даъвога кўра, жонсиз ва шуурсиз атомлар бирлашиб ҳужайрани пайдо қилган ва сўнгра улар бир амаллаб бошқа жонзотларни, шу жумладан, инсонни ҳам яратган. Келинг, шу ҳақда бир оз мулоҳаза юритайлик. Жонзотларнинг таркибий элементлари бўлган углерод, фосфор, азот ва калий каби элементларни бир жойга тўплаганимизда, бор-йўғи бир уюм пайдо бўлади. Бу атом уюмига ҳар қанча ишлов берилмасин, у ҳатто битта бўлса ҳам жонзотни шакллантира олмайди. Агар хоҳласангиз, келинг, шу мавзуда бир „тажриба“ таърифини келтирамиз ва эволюционистлар номидан, улар „Дарвин формуласи“ номи остида барала овоз чиқармасдан аслида нимани даъво қилаётганликларини текшириб кўрамиз:

Дейлик, эволюционистлар жонзотларнинг таркибида мавжуд бўлган фосфор, азот, углерод, кислород, темир ва магний каби кўплаб моддаларни катта бочкаларга солсинлар, бундан ташқари, улар бу бочкаларга одатдаги шароитларда мавжуд бўлмайдиган, лекин зарурий деб ҳисобланадиган моддаларни ҳам солсинлар. Улар бу аралашмага истаганларича табиий шароитлар остида ҳосил бўлиши мумкин бўлмаган аминокислоталар ва бир донасининг пайдо бўлиш эҳтимоли 10^{-950} бўлган оқсилларни қўшсинлар. Бу аралашмаларга истаганларича иссиқлик ва намлик берсинлар. Исталган, ҳар қандай технологик жиҳатдан ишлаб чиқилган қурилмалар билан уларни қориштирсинлар. Бу бочкалар ёнида энг машҳур олимларни бириктириб қўйсинлар. Бу мутахассислар мазкур бочкалар ёнида миллиардлаб, ҳатто триллионлаб йиллар навбатчилик қилиб кутсинлар. Инсоннинг пайдо бўлиши учун зарур деб ҳисобланган ҳар қандай шароитларни эркин ҳолда қўлласинлар. Нима қилишларидан қатъи назар, улар бу бочкалардан инсонни, дейлик электрон микроскоп остида ўз ҳужайрасининг тузилишини текширадиган бир профессорни етиштира олмаслар. Жирафалар, шерлар, арилар, канарейкалар, отлар, дельфинлар, атиргуллар, орхидеялар, лилиялар, чиннигуллар, бананлар, апельсинлар, олмалар, хурмолар, помидорлар, қовунлар, тарвузлар, анжирлар, зайтунлар, узумлар, шафтолилар, товуслар, қирғовулар, ранг-



баранг капалаклар ёки шулар каби бошқа миллионлаб жонзотларни етиштира олмаслар. Ҳақиқатан ҳам, улар бу жондорларнинг ҳатто битта бўлса ҳам ҳужайрасини қўлга кирита олмаслар.

Қисқаси, шуурсиз атомлар бирлашиб ҳужайрани пайдо қила олмайди. Улар бирор янгича қарор қилиб ҳужайрани иккига бўла олмайди, сўнгра бошқа қарорлар қабул қилиб электрон микроскопни биринчи бўлиб ихтиро қилган ва сўнг мана шу микроскоп остида ўз ҳужайрасининг таркибини ўрганадиган профессорларни ярата олмайди. Материя онгсиз, жонсиз бир уюмдир ва у Аллоҳнинг аъло даражадаги яратиши билангина жонланади.

Бунинг аксини даъво этадиган эволюция назарияси эса ақлга тамоман зид бир сафсатадир. Эволюционистларнинг даъволари юзасидан бир оз бўлса ҳам мулоҳаза юритиш, юқоридаги мисол каби, бу ҳақиқатни ошкор этади.

Кўз ва қулоқдаги технология

Эволюция назарияси томонидан жавобсиз қолган бошқа бир мавзу эса кўз ва қулоқдаги сезгининг аъло сифатли эканлигидир.

Кўз тўғрисидаги мавзуга ўтишдан олдин, келинг, „Биз қандай кўрамиз?“ деган саволга қисқача жавоб берайлик. Бирор жисмдан чиқадиган ёруғлик нурлари кўзнинг тўр пардасига тескари бўлиб тушади. Бу ерда, бу нурлар ҳужайралар тарафидан электр сигналларга айлантирилади ва миянинг орқа қисмидаги бир кичик нуқтага, яъни „кўриш марказига“ узатилади. Бу электр сигналлар шу марказда бир қанча жараёнлардан сўнг тасвир сифатида идрок этилади. Мана шу техник маълумотларни ёдда тутган ҳолда, келинг, бир оз фикр юритайлик.

Мия ёруғликдан ажратиб қўйилган. Бу шуни англатадики, унинг ички қисми тамомила қоронғи бўлиб, у жойлашган ерга умуман ёруғлик етиб бормайди. Шу сабабли, „кўриш маркази“га ҳеч қачон ёруғлик тегмайди ва у ер ҳатто сиз билган энг қоронғи жой ҳам бўлиши мумкин. Аммо сиз мана шу қоронғи жойда ёп-ёруғ дунё сийратини кўрасиз.

Кўзда ҳосил бўладиган тасвир шунчалик аниқ ва равшанки, ҳатто XX аср техникалари ҳам бундай тасвирни олишга муваффақ бўла олмаган. Мисол учун ўқиётган китобингизга, уни ушлаб турган қўлларингизга қаранг, сўнгра бошингизни кўтариб, атрофингизга назар ташланг. Сиз ҳеч қачон мана шундай аниқ ва равшан тасвирни бошқа бирор жойда кўрганмисиз? Ҳаттоки дунёдаги энг катта



Кўз ва қулоқни камера ва овоз ёзиш жиҳозлари билан қийёслганимизда, бу органларнинг юқори технологияга эга мазкур маҳсулотларга қараганда анча мураккаб, анча муваффақиятли эканлиги ва анчайин қусурсиз конструкцияга эга эканлигини кўраимиз.

телевизор ишлаб чиқарувчи компаниялар томонидан ишлаб чиқарилган энг зўр телевизор ҳам сиз учун бундай аниқ тасвирни узатиб бера олмайди. Бу уч ўлчовли, рангли ва ўта аниқ тасвирдир. 100 дан ортиқ йиллардан буён, минглаб муҳандислар бу аниқликка эришишга ҳаракат қилмоқдалар. Мана шу мақсадда фабрикалар, улкан иншоотлар барпо этилди, кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди, режалар ва конструкциялар қурилди. Яна телевизор экранига ва қўлингизда ушлаб турган китобингизга қаранг. У ерда аниқлик ва равшанликдаги катта фарқни кўрасиз. Бундан ташқари, телевизор экранни сизга икки ўлчовли тасвирни кўрсатса, сиз ўзингизнинг кўзингиз билан уч ўлчовли манзарани теранлик билан кузатасиз.

Кўплаб йиллардан буён, ўн минглаб муҳандислар уч ўлчовли телевизор яратишга ва кўзнинг кўриш сифатига эришишга ҳаракат қилиб келмоқдалар. Ҳа, улар уч ўлчовли телевизор системасини яратдилар ҳам, аммо уни махсус уч ўлчовли кўзойнаксиз кўришнинг имкони йўқ; бундан ташқари, у фақат сунъий уч ўлчовлидир, холос. Орқа фон анча хира, олдинги фон эса худди қоғоз безаклар каби кўринади. Кўзники каби аниқ ва равшан тасвирни ишлаб чиқишнинг ҳеч қачон имкони бўлмаган. Камера ва телевизорларнинг ҳар иккаласида ҳам тасвир сифати йўқолади.


Эволюционистларнинг даъвосига кўра, бундай аниқ ва равшан тасвирни келтириб чиқарадиган механизм тасодифан юзага келган. Агарда кимдир хонангизда турган телевизор тасодифлар натижасида пайдо бўлган, унинг барча атомлари биргалашиб, тасвир кўрсатадиган бу қурилмани ҳосил қилган деса, нима деб ўйлаган

бўлардингиз? Минглаб одамлар қила олмаган нарсани шуурсиз атомлар қандай амалга ошира оларди?

Модомики кўзга нисбатан анча ибтидоий тасвирни кўрсатадиган қурилма тасодифан пайдо бўлмаган экан, унда аёнки, кўз ва кўз кўрадиган тасвир ҳам тасодифан пайдо бўлмаган. Худди шу ҳолат қулоққа ҳам тегишлидир. Ташқи қулоқ мавжуд товушларни қулоқ чаноғи орқали тутиб олади ва уларни ўрта қулоққа йўллайди, ўрта қулоқ товуш тебранишларини кучайтириб узатади ва ички қулоқ бу тебранишларни электр сигналларга ўгириб мияга жўнатади. Худди кўздаги каби, эшитиш фаолияти миядаги эшитиш марказида яқунланади.

Кўздаги ҳолат қулоқ учун ҳам аини ҳақиқатдир, яъни мия худди ёруғликда бўлгани каби, товушдан ҳам ажратиб қўйилган. У ҳеч қандай товушни ичкарига киритмайди.

Шунинг учун, ташқари қанчалик шовқин бўлмасин, миянинг ичкарисини батамом сокин бўлади. Шунга қарамай, энг аниқ товушлар мияда ҳис этилади. Бутунлай сокин миянгизда сиз симфониялар тинглайсиз ва ғала-ғовур жойдаги барча шовқинларни эшитасиз. Аммо ўша онда аниқ бир қурилма миянгиз ичидаги товуш даражасини ўлчагудек бўлса, у ерда бутунлай сокинлик ҳукм сураётганлиги маълум бўлар эди.



Дарвин кўз ҳақида ҳатто ўйлашни ҳам хоҳламаган эди. Кўзнинг тасодифий равишда содир бўлиши мумкин эмас, чунки кўз мукамал ва жуда мураккабдир. Кўзни Аллоҳ яратганлиги очиқ ҳақиқатдир.

Тасвир хусусидаги ҳолат каби, аслидек аниқ товуш ишлаб чиқиш ва унинг нусхасини яратишга ўнлаб йиллар давомида ҳаракат қилиб кўрилди. Бу уринишларнинг натижаси овоз ёзиш жиҳозлари, юқори сифатли товуш чиқарувчи системалар ва товушни ҳис этувчи системалардир. Бу технологиялар ва улар устида ишлаётган минглаб муҳандис ҳамда мутахассисларнинг борлигига қарамасдан, қулоқ орқали идрок этиладиган товушнинг айнан ўзидек тиниқ ва аниқ бўлган ҳеч қандай товушга эришилгани йўқ. Муסיқавий асбоблар саноатидаги энг катта корхона томонидан ишлаб чиқарилган энг юқори сифатли товуш чиқарадиган система ҳақида ўйлаб кўринг. Ҳатто бу қурилмаларда ҳам овоз ёзилганда унинг бир қисми йўқолади ёки бўлмаса, юқори сифатли товуш чиқарувчи системани кўшганингизда мусиқа бошланиши олдидан ҳар доим пишиллаган товушни эшитасиз. Аммо инсон вужуди технологиясининг маҳсули бўлган товуш ўта тиниқ ва аниқдир. Инсон қулоғи ҳеч қачон юқори сифатли товуш чиқарувчи системада бўлгани каби пишиллаган товуш ёки атмосфера шовқинлари жўр бўлган бир товушни идрок этмайди, аксинча, у товушни қандай бўлса ўшандай, тиниқ ва аниқ ҳис қилади. Бу инсон яратилган кундан буён шу зайлдадир.





Биз бутун ҳаётимизни миямизда кечирамиз. Биз кўрадиган одамлар, биз ҳидлайдиган гуллар, биз тинглайдиган мусиқалар, биз татиб кўрадиган мевалар биз кўллар билан ҳис қиладиган намликлар – буларнинг барчаси мияда „ҳақиқат“га айланадиган таассуротлардир. Аммо у ерда ҳеч қандай ранг, товуш ёки суратлар мавжуд эмас. Биз электр импульслари муҳитида яшаймиз. Бу назария эмас, балки биз ташқи дунёни қай тарзда идрок этишимизга бериладиган илмий бир изоҳдир.

Бугунги кунга қадар инсон қўли билан яратилган ҳеч қандай тасвирли ёки товушли аппарат ҳиссий маълумотларни идрок этишда кўз ва қулоқ каби сезувчан ҳамда муваффақиятли бўлмаган. Аммо ҳар қачон кўриш ва эшитиш ҳақида гап кетар экан, буларнинг замирида жуда буюк бир ҳақиқат борлигини таъкидлашимиз жоиз.

Миянинг ичида кўрадиган ва эшитадиган шуур кимга оид?

Мия ичида ранг-баранг дунёни кузатадиган, симфониялар, қушларнинг хонишларини тинглайдиган ҳамда атиргулларнинг муаттар ҳидларини ҳидлайдиган ким?

Инсоннинг кўзларидан, қулоқларидан ва бурнидан келадиган стимуляторлар электрокимёвий нерв импульслари сифатида мияга сафар қилади. Биология, физиология ва биокимё китобларида бу тасвирларнинг мияда қандай ҳосил бўлишига доир кўплаб тафсилотларни ўқишингиз мумкин. Аммо сиз уларда ҳеч қачон энг муҳим бўлган бир ҳақиқатга дуч келмайсиз. Бу электрокимёвий нерв импульсларини тасвирлар, товушлар, ҳидлар ва ҳиссий воқеалар сифатида мияда идрок этадиган ким?

Миянинг ичида кўз, қулоқ ва бурунга ҳеч қандай эҳтиёж сезмасдан буларнинг барчасини идрок этадиган шуур мавжуд. Бу шуур кимга оид? Албатта, бу шуур нервларга, ёғ қатламга ва мияни ташкил этадиган нейронларга оид эмас. Шу сабабдан ҳам ҳамма нарса материядан ташкил топган, деб ишонувчи дарвинчи материалистлар бу саволларга жавоб бера олмаслар.

Чунки бу шуур, Аллоҳ томонидан яратилган руҳдир. Руҳ тас-вирларни кузатмоқ учун на кўз, товушларни эшитмоқ учун на қулоққа эҳтиёж сезар. Бундан ташқари, у ўйлаш учун мияга ҳам эҳтиёж сезмас.

Бу ошкора ва илмий ҳақиқатни ўқиган ҳар бир инсон миянинг ичидаги бир неча сантиметр кублик қоп-қоронғи маконда бутун коинотни уч ўлчовли, рангли, сояли ва чароғон қилиб сиғдирган зот, ҳамма нарсага Қодир Аллоҳ эканлигини англамоғи, Ундан кўрқмоғи ва Ундан паноҳ изламоғи даркор.

Материалистча бир ишонч

Шу пайтга қадар биз ҳавола этган маълумотлар эволюция назариясининг илмий кашфиётларга номувофиқ эканлигини кўрсатади. Назариянинг ҳаётнинг келиб чиқиши ҳақидаги даъвоси фан билан узвий эмас, у илгари сурадиган эволюцион механизмлар эволюцион кучга эга эмас. Жонзотларнинг тош қотган қолдиқлари оралиқ шаклларнинг ҳеч қачон мавжуд бўлмаганлигини кўрсатади. Шу боис, албатта, эволюция назарияси илмий асосланмаган бир ғоя сифатида четга суриб қўйилиши керак. Худди шу йўсинда бутун тарихдан Ер—марказли коинот модели каби кўплаб ғоялар илм-фан кун тартибидан чиқариб ташланган эди.

Аммо эволюция назарияси фаннинг кун тартибида сақлаб турилмоқда. Ҳатто баъзи инсонлар назарияга қарши қаратилган танқидларни „фанга ҳужум“, деб талқин қилишга ҳаракат қиладилар. Нима учун?

Бунга сабаб, эволюция назарияси баъзи доиралар учун асло воз кечиб бўлмас догматик бир мафкура эканлигидадир. Бу доиралар материалистик фалсафага кўр-кўрона берилганлар ва улар дарвинизмни табиатнинг амал қилиш усулини тушунтириб бериш учун олға сурса бўладиган ягона материалистик тушунтириш бўлганлиги сабабли қабул қиладилар.

Қизиқ томони шундаки, улар буни баъзан очиқчасига ҳам тан оладилар. Гарвард университетида фаолият юритувчи машҳур генетик

ва тўғри сўз эволюционист Ричард С. Левонтин ўзининг „аввал ва биринчи навбатда материалист ва сўнгра эса олим“ эканлигини эътироф этади:



Ричард С. Левонтин.

Бизни дунёга материалистик нуқтаи назардан тушунтириш беришга мажбур қиладиган нарса илмий услублар ва қоидалар эмас, балки аксинча, материализмга ўзимизнинг априори содиқлигимиз билан, ички ҳисга қанчалик қарши бўлишидан қатъи назар материалистик тушунтиришларни ишлаб чиқарадиган тадқиқот машинаси ва бир қатор концепцияларни яратишга мажбурмиз. Бундан ташқари, материализм мутлақдир, шунга кўра, биз Илоҳий бир ғоянинг саҳнага чиқишига изн бера олмаймиз.³²²

Бу сўзлар материалистик фалсафага содиқлик ҳаққига дарвинизмнинг сақланиб келинаётган бир догма эканлигини очиқ эътироф этади. Бу догма материядан бошқа ҳеч қандай борлиқнинг йўқлигини таъкидлайди. Шу сабабдан ҳам у жонсиз, шуурсиз материя ҳаётни яратган, деб баҳс юритади. У миллионлаб жонли турлар (масалан, қушлар, балиқлар, жирафалар, қоплонлар, ҳашаротлар, дарахтлар, чечаклар, китлар ва инсонлар) ёғаётган ёмғир, чақмоқ яшинлари ва ҳ.к. каби материялар ўртасидаги ўзаро таъсир натижасида жонсиз материядан келиб чиққан, деган даъвои қаттиқ туриб ҳимоя қилади. Ҳақиқатда эса, бу ҳам ақлга, ҳам фанга тўғри келмайдиган қоидадир. Аммо дарвинистлар худди юқорида айтиб ўтилганидек, „Илоҳий бир ғоянинг саҳнага чиқишига изн бермаслик“ учун уни ҳимоя қилишни давом эттирмақдалар.

Тирик жонзотларнинг келиб чиқишига материалистик нуқтаи назардан қарамайдиган ҳар қандай киши бу ошкора ҳақиқатни кўриши табиий: Барча тирик мавжудотлар ҳамма нарсага Қодир Қудратли Зот, барча нарсани Билгувчи ва буюк ақл Соҳиби, Яратганнинг асарларидир. Яратган – бутун коинотни йўқдан бор қилган, унга қусурсиз, энг мукамал бир шаклни ато этган ва бутун тирик мавжудотларни яратиш шакллантирган Аллоҳдир.

Эволюция назарияси: Дунёдаги энг кучли афсун

Бидъатга берилмаган ва ҳеч қандай бир ғоя таъсири остида қолмаган, фақатгина ўз ақли ва мантиғини ишлатган ҳар қандай киши билим ва маданиятдан йироқ жамиятнинг хурофотларини ёдга туширадиган эволюция назариясидаги ишонч имконсиз бир ғоя эканлигини яққол англайди.

Юқорида қайд этиб ўтилгани каби, эволюция назариясига ишонганлар катта бир бочка ичига ташланган бир қанча атомлар ва молекулалар фикр, ақл юритадиган профессорлар ва университет талабаларини, Эйнштейн ва Галилей каби олимларни, Хэмфри Богарт, Фрэнк Синатра ва Лучано Паваротти каби санъаткорларни, шунингдек, антилопаларни, лимон дарахтлари ва чиннигуллар каби ўсимликларни вужудга келтиради, деб ўйлайдилар. Устига-устак, бу бемаъни сафсатага ишонганлар олимлар, профессорлар, маданиятли ва билимдон кишилардир. Шу боис, бу назария учун „дунё тарихининг энг кучли афсуни“ деган ифодани ишлатмоқ жоиздир. Чунки дунё тарихида у каби инсонларни бу даражада ақлидан оздирган, ақл ва мантиқ билан мулоҳаза юритишга уларга имкон бермаган, худди уларнинг кўзини боғлагандек, ҳақиқатни улардан пинҳон тутган бирор-бир ишонч ёки ғоя бўлмаган. Бу ҳатто қадимги мисрликларнинг Куёш тангриси Рага, Африкадаги баъзи қабилаларнинг тотемларга, Сабаъ халқининг Куёшга, Иброҳим Пайғамбар (а.с.) қавмининг ўз қўллари билан ясаган бутларига, Мусо Пайғамбар (а.с.) қавмининг олтиндан ясалган бузоққа сифинишларидан ҳам ёмонроқ ва ақлга сиғмас даражадаги сўқирликдир.

Аслида, Аллоҳ бу ақлсизлик ҳақида Қуръонда таъкидлаб ўтган. Аллоҳ баъзи инсонларнинг қалблари ёпилажаги ва улар ҳақиқатни кўришга ожиз бўлиб қолажаклари ҳақида бир қанча оятларда хабар берган. Бу оятлардан баъзилари қуйидагилардир:

Ҳақиқатан, куфр (имонсизлик)даги кишилар – уларни огоҳлантирсангиз ҳам, огоҳлантирмасангиз ҳам, уларга барибир – имон келтирмагайлар. Уларнинг диллари ва кулоқларига Аллоҳ муҳр уриб қўйган. Кўзларида эса парда (бор). Улар учун улкан азоб (тайёрлаб қўйилгандир)! („Бақара“ сураси, 6–7-оятлар)

Жаҳаннам учун жинлар ва инсонларнинг қўпчилигини яратганмиз. Уларда қалблар бор, (лекин) улар билан „англамайдилар“. Уларда кўзлар бор, (лекин) улар билан „кўрмайдилар“. Уларда кулоқлар бор, (лекин) улар билан „эшитмайдилар“. Ана ўшалар ҳайвонлар кабидирлар. Балки улар (янада) адашганроқдирлар. Ана ўшалар ғофиллардир. („Аъроф“ сураси, 179-оят)

Борди-ю, уларга осмондан бир дарвоза очиб қўйсагу, ундан (осмонга) кўтарила бошласалар ҳам, „шаксиз, бизларнинг кўзларимиз боғланиб қолди, балки бизлар сеҳрланиб қолган қавмдирмиз“, – деган бўлур эдилар. („Ҳижр“ сураси, 14–15-оятлар)

Бу афсуннинг шунчалик кенг жамиятни асоратда ушлаб турганлиги, инсонларни ҳақиқатдан нақадар йироқда тутганлиги ва унинг 150 йил мобайнида бузилмаганлиги қанчалик ҳайратланарли эканлигини сўзлар билан ифодалаб бўлмайди. Бир ёки бир неча одамнинг имконсиз сценарийларга, бемаънилик ва мантиқсизлик билан тўла даъволарга ишониши мумкинлигини тушунса бўлар. Аммо шуурсиз ва жонсиз атомларнинг тўсатдан бирлашишга қарор қилиб тартиб, интизом, ақл ва шуурли бир бенуқсон тизим билан ишлайдиган коинотни, ҳаёт учун уйғун, ҳар турли хусусиятлар соҳиби бўлган Ер деб аталмиш сайёрани ва беҳисоб мураккаб тизимлар билан тўла жонли мавжудотларни пайдо қилганлигига ишонадиган бутун дунё одамлари учун унинг „сеҳр“ эканлигидан бошқа бир изоҳ йўқдир.

Аслида Куръон Мусо Пайғамбар (а.с.) ва Фиръавн ўртасидаги воқеани атеистик фалсафаларни қўллаб-қувватловчи баъзи одамлар ҳақиқатда бошқаларга афсун орқали таъсир қилишларини кўрсатиш учун ҳикоя қилади. Фиръавнга ҳақиқий дин ҳақида айтишганда, у Мусо Пайғамбар (а.с.)га ўз афсунгарлари билан баҳслашишни буюради. Мусо Пайғамбар (а.с.) улар билан учрашгач, уларга ўз қобилиятларини биринчи бўлиб намоиш қилишларини айтади.

Оятлар давом этади:

(Мусо): „Ташлангиз!“ – деди. Бас, ташлаган эдилар, одамларнинг кўзларини сеҳрлаб, уларни чўчитиб юбордилар – улкан сеҳр келтирдилар. („Аъроф“ сураси, 116-оят)

Кўриб турганимиздек, Фиръавннинг афсунгарлари Мусо Пайғамбар (а.с.) ва унга эргашганлардан ташқари барчани алдай олдилар. Аммо Мусо Пайғамбар (а.с.)нинг далили афсуннинг таъсирини йўқотади ёки худди оятда таъкидланганидек, „уларнинг сохталарини комига торта бошлайди“.

Мусога: „Асоингни ташла!“ – деб ваҳий қилдик. Бирдан у уларнинг сохталарини комига торта бошлади. Бас, ҳақиқат воқе бўлди, уларнинг қилган ишлари эса ботил бўлди. („Аъроф“ сураси, 117–118-оятлар)

Оятда қайд этилгани каби, одамлар ўзларининг афсун таъсири остида қолганликларини ва кўрган нарсалари бир иллюзия эканини англаб етишгач, Фиръавннинг афсунгарлари бор ишончни йўқотдилар. Бугунги кунимизда ҳам, шунга ўхшаш афсун таъсири остида қолган ва илмий ниқоб остидаги бу бемаъни даъволарга ишониб, бутун умрини уларни ҳимоя қилишда ўтказган кимсалар ўз хурофий ғояларидан воз кечмас экан, улар ҳам ҳақиқат юзага чиққанда ҳамда афсуннинг кучи қирқилганда таҳқирланадилар. Аслини олганда, дунёга машҳур инглиз ёзувчиси ва файласуфи Малкольм Маггиридж ҳам шундай таъкидлаган эди:

Ишончим комилки, эволюция назарияси, айниқса, у тегишли бўлган соҳалар, келажакдаги тарих китобларида энг буюк латифалардан бири бўлиб қолгусидир. Келажак авлод бу қадар асоссиз ва шубҳали бир гипотезанинг ҳаддан ташқари ишонувчанлик билан қабул этилганини ҳайрат ила қарши олгусидир.³²³

Бу келажак узоқ эмас, аксинча, одамлар тез орада „тасодиф“нинг илоҳ эмаслигига шоҳид бўларлар ва орқага, эволюция назариясига дунёдаги энг ёмон ёлғон ва энг даҳшатли афсун сифатида назар ташларлар. Бу афсун бутун дунё инсонларининг гарданидан аллақачон ағдарилишни бошлаган. Унинг ҳақиқий башарасини кўрган кўплаб инсонлар бу алдамчи афсунга қай тарзда илакишиб қолганларидан ҳайрат ва таажжубдалар.

(Улар) дедилар: „Зоти покинг ҳаққи, бизда Ўзинг билдирганингдан ўзга илм йўқдир. Албатта, Сен илмли ва ҳикматли зотдирсан“.
(„Бақара“ сураси, 32-оят)

МАНБАЛАР

1. С. Вақар Аҳмед Ҳусайни, *The Quran for Astronomy and Earth Exploration from Space* (Астрономия ва космосдан туриб Ерни ўрганишда Қуръон), 3-нашри (Янги Деҳли: Goodword Press: 1999), 103–108.
2. „Эдвин Хаббл“; www.time.com/time/time100/scientist/profile/hubble.html
3. Филипп Болл, „Black Crunch Jams Universal Cycle“ (Машъум Ҳалокатли сиқилиш коинот даврини тифизлайди), *Nature*, 23 декабрь, 2002; Доктор Дэвид Уайтҳаус, „Universe is “doomed to collapse”“ (Коинотнинг „яқун топиши муқаррар“), *BBC News Online*, 22 октябрь, 2002, <http://news.bbc.co.uk/1/hi/sci/tech/2346907.stm>; ва Марк Шварц, „Cosmic “big crunch” could trigger an early demise of our universe“ (Космик „Ҳалокатли сиқилиш“ коинотимизнинг ҳалокатини бошлаб бериши мумкин), *Stanford Report*, 23 сентябрь, 2002.
4. Марк Шварц, „Cosmic “big crunch” could trigger an early demise of our universe“ (Космик „Ҳалокатли сиқилиш“ коинотимизнинг ҳалокатини бошлаб бериши мумкин), *Stanford Report*, 25 сентябрь, 2002.
5. Маҳди Лаъли, *A Comprehensive Exploration of the Scientific Miracles in Holy Qur'an* (Муқаддас Қуръондаги илмий мўъжизаларни ҳар томонлама ўрганиш), (Канада: Trafford Publishing: 2003), 35–38.
6. Абу Аъла Маудуди, „Tafhimul Quran“; www.enfal.de/tefhim/
7. Доктор Мазҳар У. Кази, *130 Evident Miracles in the Qur'an* (Қуръоннинг 130 яққол мўъжизаси), (Нью-Йорк, АҚШ: Crescent Publishing House: 1998), 53.
8. *Digitale Ausgabe LexiRom* (LexiRom рақамли ифодалар), *Meyers Lexikon in drei Bänden* (Уч томли Мейер энциклопедия) (Манхайм: Bibliographisches Institut & F.A. Brockhaus AG, 1995).
9. Карл Саган, *Cosmos*, (Авенел, НЖ: Wings Books: апрель, 1983), 5–7.
10. Карл Гиберсон, „The Anthropic Principle“ (Антропик принцип), *Journal of Interdisciplinary Studies* 9 (1997). (Оғма ёзув қўшилди.)
11. Жорж Ф. Эллис, „The Anthropic Principle: Laws and Environments“ (Антропик принцип: қонунлар ва атроф-муҳитлар), *The Anthropic Principle* (Антропик принцип), Ф. Бертола ва У. Кури, (Нью-Йорк: Cambridge University Press, 1993), 30. (Оғма ёзув қўшилди.)
12. Поль Дейвис, *Superforce: The Search for a Grand Unified Theory of Nature* (Олий куч: табиатнинг аҳамиятли бирлик назариясини излаш), 1984, 184.
13. Стефен Ҳокинг, *A Brief History of Time* (Вақтнинг қисқа тарихи), (Лондон: Bantam Press, 1988), 121–125.
14. Майкл Дентон, *Nature's Destiny: How the Laws of Biology Reveal Purpose in the Universe* (Табиатнинг тақдири: Биология қонунлари қандай қилиб коинотдаги мақсадни очиб беради), (Нью-Йорк: The Free Press, 1998), 12–13.
15. *Юқоридаги манбадан*, 11.
16. „The Elemental Forces of the Universe“ (Коинотнинг асосий кучлари); www.pathlights.com/

ce_encyclopedia/01-ma10.htm#Elemental Forces

17. *World Book Encyclopedia* (Жаҳон энциклопедия китоби), 2003; ҳиссадор: Кеннет Бречер, ф.ф.д., Бостон университетида астрономия ва физика фанлари профессори.
18. *Bilim ve Teknik* (Фан ва технология журнали), июль 1983.
19. „Effects of Rotation (Coriolis Effect)“ (Айланиш таъсирлари (Кориолис таъсири), Вудроу Уильсон Миллий дўстлик фонди; www.woodrow.org/teachers/esi/1998/p/weather/Corriolis.HTM
20. Майкл Пидуирни, „Atmospheric Layers“ (Атмосфера қатламлари), 1996, <http://royal.okanagan.bc.ca/mpidwim/atmosphereandclimate/atmslayers.html>
21. „Numerical Prediction Models used by NWS“ (Шимоли-ғарбий штатларда ишлатиладиган Рақамли олдиндан айтиш моделлари), Integrated Publishing; www.tpub.com/weather3/4-27.htm
22. „The Incredible Design of the Earth and Our Solar System“ (Ер ва Қуёш системамиздаги ақл бовар қилмас дизайн); www.godandscience.org/apologetics/designss.html
23. „The Quran and Modern Physics“ (Қуръон ва замонавий физика); <http://webhome.idirect.com/~alila/Writings/Physics.htm>
24. „Inside the Earth“ (Ер қаърида); <http://pubs.usgs.gov/publications/text/inside.html>
25. Проф. Зиглоул Рағиб Эл-Наггар, „The Miraculous Qur’an“ (Мўжизавий Қуръон); www.wamy.co.uk/announcements3.html
26. Каролин Шиитс, Роберт Гарднер ва Самуэл Ф. Ҳоуэ, *General Science*

(Умумий фан), (Ньютон, МА: Allyn and Bacon Inc., 1985), 305.

27. www.beconvincd.com/science/QURANMOUNTAIN.htm
28. Франк Пресс ва Раймонд Сивер, *Earth* (Ер), 3-нашри (Сан-Франциско: W. H. Freeman & Company, 1982).
29. М. Ж. Селби, *Earth's Changing Surface* (Ернинг ўзгарувчан юзаси), (Оксфорд: Clarendon Press: 1985), 32.
30. Шиитс, Гарднер ва Ҳауэ, *General Science* (Умумий фан), 305.
31. *Powers of Nature* (Табиатнинг қудрати), (Вашингтон: National Geographic Society: 1978), 12–13.
32. „Press Release“ (Матбуот тақдироти), Швеция фазо физикаси институти, 9 март, 2001; www.irf.se/press/press_010309eng.html
33. „Solar Wind Blows Some of Earth's Atmosphere into Space“ (Қуёш шамоллари Ер атмосфера-сидан оз-оз миқдорда космосга учираиб кетади), NASA; http://science.nasa.gov/newhome/headlines/ast08dec98_1.htm
34. *Юқоридаги манбадан.*
35. Кази, *130 Evident Miracles in the Qur'an* (Қуръоннинг 130 яққол мўъжизаси), 115.
36. Жон Нобль Уильфорд, „Ages-Old Icecap at North Pole Is Now Liquid, Scientists Find“ (Шимолий Қутбдаги мангу муз қопламлари эндиликда суюқлик, олимлар шундай деб топишди), *New York Times*, 19 август, 2000; www.planetwaves.net/polar_NYT.html
37. „Earth Fact Sheet“ (Ер ҳақидаги ҳақиқат); <http://nssdc.gsfc.nasa.gov/planetary/factsheet/earthfact.html>
38. „Arctic Explorers“ (Арктика тадқиқотчилари), 23 июнь, 2000; <http://tea.rice.edu/schauer/>

6.23.2000.html; Терсузо Сено, Сатору Хонда, „Mantle Convection and The Global Sea Level: When Did Plate Tectonics Begin on The Earth?“

(Мантия конвекцияси ва денгизнинг глобал даражаси: Ерда плита тектоникаси қачон бошланган?);

www.eri.u-tokyo.ac.jp/seno/sealevel_abst.html;

„Mantle Convection“

(Мантия конвекцияси), http://theory.uwinnipeg.ca/mod_tech/node195.html;

Проф. Зиғлоул Эл-Наггар, „Scientific Signs in the Qur’an: Examples from the Area of Earth Sciences“

(Қуръоннинг илмий аломатлари: Ер тўғрисидаги фанлар соҳасидан мисоллар);

www.nekkah.com/Main/EngPage/Scientific_Signs_in_the_Quran.htm

39. Кази, *130 Evident Miracles in the Qur’an*

(Қуръоннинг 130 яққол мўъжизаси), 110–111; ва www.wamu.co.uk/announcements3.html;

Проф. Зиғлоул Рағиб Эл-Наггарнинг

нутқидан.

40. *Юқоридаги манбадан.*

41. Присилла Фриш, „The Galactic Environment of the Sun“

(Қуёшнинг галактик муҳити), *American Scientist*,

январь-февраль, 2000; www.americanscientist.org/template/AssetDetail/assetid/21173?fulltext=true

42. Майкл Ж. Дентон, *Nature’s Destiny*

(Табиатнинг тақдири),

(Эркин матбуот: 1998), 198.

43. „Highlights“ (Энг қизиқ жойлар);

www.inm-gmbh.de/cgi-bin/frame/frameloader.pl?sprache=en&url=http://www.inm-gmbh.de/htdocs/technologien/highlights/highlights_en.htm

44. „Nanotechnology successfully helps cancer therapies,“ ИС Fast Track, Nanotech News from Eastern Germany, Industrial Investment

Council („Саратонни даволашда нанотехнология катта ёрдам беради,“

ИС Тезкор линия,

Шарқий Германиядан нанотехнология янгиликлари, Саноат

Инвестицияси Кенгаши), октябрь, 2003; www.iic.de/uploads/media/NANO_FT_Nov2003_01.pdf

45. Бенжамин Либет, „Unconscious cerebral initiative and the role of conscious will in voluntary action“

(Беҳабар бўлганда мианинг ҳаракати ва ихтиёрий ҳаракатда атайин хоҳишнинг роли), *Behavioral and Brain Sciences*, 1985, 529–566.

46. Мелиҳ Кафа, „Conscious“ (Онғ);

www.genetikbilimi.com/genbilim/bilincbeyninkuklasi.htm

47. „Conscious mind and free will“

(Онғли ақл ва эркин хоҳиш); http://faculty.virginia.edu/consciousness/new_page_8.htm#5.10.%20Free%20will%20as%20the%20possibility%20of%20alternative%20action

48. Ҳеннинг Генз, „Nothingness: The Science of Empty Space“

(Йўқлик: бўш фазо ҳақидаги фан), 205,

www.2think.org/nothingness.shtml

49. С. А. Ванна, „Miracle: Quran: The Living Miracle“

(Мўъжиза: Қуръон: тириклик мўъжизаси), *The Revival 5*,

2-нашр, www.therevival.co.uk/Revival_issue/vol5_iss2_quran_miracle.htm

50. Л.М. Ледерманн ва Д.Н. Шрамм, „Demonstration: Die Bausteine der Materie“,

1989; <http://i115srv.vu-wien.ac.at/physik/ws95/w9560dir/w9561d10.htm>

51. „First Double Pulsar Found“

(Биринчи қўшалоқ пульсар топилди), 9 январь, 2004; www.atnf.csiro.au/news/press/double_pulsar/

52. Лейсестер Физика ва астрономия таълими департаменти;

- www.star.le.ac.uk/astrosoc/whatsup/stars.html; Оттава университети; www.site.uottawa.ca:4321/astronomy/index.html#Sirius; Гарвард-Смитсония Астрофизика Маркази; <http://cfa-www.harvard.edu/~hrs/ay45/Fall2002/ChapterIVPart2.pdf>
53. „Exposes Astronomiques, La troisième loi de KEPLER“; <http://www.astrosurf.com/eratosthene/HTML/exposetheoastro.htm>
54. <http://www.dharma.com.tr/dkm/article.php?sid=87>
55. Хусайни, *The Quran for Astronomy and Earth Exploration from Space* (Астрономия ва космосдан туриб Ерни ўрганишда Куръон), 175–182.
56. *Digitale Ausgabe LexiRom* (LexiRom рақамли ифодалар).
57. Кит С. Хейдорн, ф.ф.д., „Phillip Lenard: Brushing the Teardrops from Rain“ (Филипп Ленард: ёмғирдан кўз ёшларини артиб); www.islandnet.com/~see/weather/history/lenard.htm
58. Ричард А. Антес, *The Atmosphere* (Атмосфера), 3-нашри, (Колумбия: Charles E. Merrill Publishing Company: 1981), 268–269; Альберт Миллерс, Жак С. Томпсон, *Elements of Meteorology* (Метеорология элементлари), 2-нашри, (Колумбия: Charles E. Merrill Publishing Company: 1975), 141.
59. Антес, *The Atmosphere* (Атмосфера), 269; Миллерс ва Томпсон, *Elements of Meteorology* (Метеорология элементлари), 141–142.
60. Брайн Ж. Форд, „Brownian Movement in Clarkia Pollen: A Reprise of the First Observations“ (Кларка чангида Броун ҳаракати: дастлабки кузатувлар репризаси), *The Microscope* (Микроскоп), 1992, vol. 40, no. 4, pp. 235–241; <http://www.brianjford.com/wbbrowna.htm>
61. С. Доналд Ахренс, *Meteorology Today: An Introduction to Weather, Climate and Environment* (Бугунги кун метеорологияси: об-ҳаво, иқлим ва муҳитга кириш), 3-нашри, (Ав. Польш: West Publishing Company: 1988), 437.
62. Атҳар Лиля, „The Quran and Modern Physics“ (Куръон ва замонавий физика), 10 декабрь, 1998; <http://webhome.idirect.com/~alila/Writings/Physics.htm>.
63. *Юқоридаги манбадан.*
64. Ричард А. Дейвис, *Principles of Oceanography* (Океанология принциплари), (Дон Миллс, Онтарио: Addison-Wesley Publishing Company), 92–93.
65. Данни Элдер, and Жон Пернетта, *Oceans* (Океанлар), (Лондон: Mitchell Beazley Publishers: 1991), 27.
66. М. Грант Гросс, *Oceanography, A View of Earth* (Океанография, Ерга назар), 6-нашр, (Энглвуд Клифф: Prentice-Hall Inc.: 1993), 205.
67. Род Р. Силей, Трент Д. Стефенс ва Филип Тейт, *Essentials of Anatomy & Physiology* (Анатомия ва физиология асослари), 2-нашри, (Ав. Луис: Mosby-Year Book Inc.: 1996), 211; Чарлз Р. Нобак, Н. Л. Стромингер ва Р. Ж. Демарест, *The Human Nervous System, Introduction and Review* (Инсоннинг нерв тизими, кириш ва шарҳ), 4-нашри, (Филадельфия: Lea & Febiger: 1991), 410–411.
68. Силей, Стефенс ва Тейт, *Essentials of Anatomy & Physiology* (Анатомия ва физиология асослари), 211.
69. Патрик Глин, *God: The Evidence, The Reconciliation of Faith and Reason in a Postsecular World* (Худо: далил, имон келтириш ва азалий

дунёдан сабаб), (Калифорния: Prima Publishing: 1997), 80–81.

70. Ҳербен Бенсон ва Марк Старк, *Timeless Healing* (Умрбод соғайиш), (Нью-Йорк: Simon & Schuster: 1996), 203.

71. *Юқоридаги манбадан*, 193.

72. Глин, *God: The Evidence, The Reconciliation of Faith and Reason in a Postsecular World* (Худо: далил, имон келтириш ва азалий дунёдан сабаб), 60–61.

73. Женнифер Десай, „Stanford Forgiveness Project’s Dr. Frederic Luskin studies why learning to forgive might be good for the body as well as the soul“ (Станфорд Кечиримлилик лойиҳасидаги Доктор Ласкин нима учун кечиримлиликни ўрганиш тана ҳамда қалб учун яхши бўлиши мумкинлигини тадқиқ қилади), *Almanac*, (Алманах) 9 июнь, 1999; www.almanacnews.com/morgue/1999/1999_06_09.forgive.html

74. *Юқоридаги манбадан*.

75. Фредрик Ласкин, ф.ф.д., „Forgiveness“ (Кечиримлилик), *Healing Currents Magazine*, сентябрь-октябрь, 1996; www.stanford.edu/~alexsox/4_steps_to_forgiveness.htm

76. *Юқоридаги манбадан*..

77. Клаудия Калб, „Faith & Healing“ (Имон ва соғайиш), *Newsweek*, 10 ноябрь, 2003; <http://msnbc.msn.com/id/3339654/site/newsweek>

78. Уильям Ж. Кроми, „Anger is Hostile to Your Heart“ (Жаҳл юрагингиз душмани), *Harvard Gazette*; www.news.harvard.edu/gazette/1996/11.07/AngerisHostileT.html

79. *Юқоридаги манбадан*.

80. Питер Лавелл, „Anger trigger to heart disease found?“ (Жаҳл юрак хасталигини келтириб чиқаради?),

ABC Science Online, 5 август, 2003; www.abc.net.au/science/news/stories/s915243.htm

81. *Юқоридаги манбадан*.

82. *Юқоридаги манбадан*.

83. Марк Ҳендерсон, „Anger Raises Risk of Heart Attack“ (Жаҳл юрак хуружи хавфини оширади), *The Times*, Лондон, 24 апрель, 2002; www.rense.com/general24/anger.htm

84. *Юқоридаги манбадан*.

85. Акар Балтас ва Зуҳал Балтас, *Stres ve Basa Cikma Yollari* (Стресс ва уни бошқариш йўллари), 15-нашри, 162.

86. Жейн Э. Броди, „Tool of survival is deadly for heart“ (Яшаш қуроли юрак учун ўта муҳим), *The New York Times*, 23 май, 2002; www.iht.com/articles/58687.html

87. Акар Балтас ва Зуҳал Балтас, *Stres ve Basa Cikma Yollari* (Стресс ва уни бошқариш йўллари), 159.

88. *Юқоридаги манбадан*, 169.

89. Кит Л. Мур ва бошқ., *Human Development as Described in the Qur’an and Sunnah* (Қуръон ва Суннада тасвирланганидек инсоннинг ривожланиши), (Макка: Қуръон ва Суннанинг илмий аломатлари бўйича комиссия, 1992), 36.

90. Кит Л. Мур, *Developing Human* (Ривожланаётган инсон), 3-нашри (W. B. Saunders Company: 1982), 364a.

91. Доктор Марк Ҳилл, „This is an educational resource developed for learning concepts in embryological development“ (Бу эмбриологик ривожланиш мавзуида ўқув концепциялари учун ишлаб чиқилган таълимий манбадир);

- <http://anatomy.med.unsw.edu.au/cbl/embryo/Notes/git4.htm>; „Abdominal Wall Defect Repair“ (Қорин девори нуқсонини тузатиш); www.yoursurgery.com/ProcedureDetails.cfm?BR=1&Proc=74
92. „Reproductive System“ (Репродуктив тизим), *MJC*; <http://virtual.yosemite.cc.ca.us/uyeshiros/AP50/Repro.htm>
93. Кази, *130 Evident Miracles in the Qur'an* (Қуръоннинг 130 яққол мўъжизаси), 84.
94. Уильямс П., *Basic Human Embryology* (Инсон эмбриологияси асослари), 3-нашри, 1984, 64.
95. Кевин Гриффин, „The Elemental Composition of Life“ www.ldeo.columbia.edu/dees/ees/life/lectures/lect21.html
96. Кази, *130 Evident Miracles in the Qur'an* (Қуръоннинг 130 яққол мўъжизаси), 96–97.
97. Лоренс Перноуд, *J'attends un enfant*, (Париж : Pierre Nora; 1995), 138.
98. Кази, *130 Evident Miracles in the Qur'an* (Қуръоннинг 130 яққол мўъжизаси), 78–79.
99. „High-Risk Newborn-The Benefits of Mother's Own Milk“ (Ўта қалтис янги туғилган гўдак — Она сутининг фойдалари), Юта университети Саломатлик фанлари маркази; www.uuhsc.utah.edu/healthinfo/pediatric/Hrnewborn/bhrnb.htm
100. *Юқоридаги манбадан*.
101. С. Биллауд, *European Journal of Clinical Nutrition* (Европа клиник озиқланиш журнали), 1997, 51-том, 520–526.
102. „Breast milk “does cut heart risk”“ (Кўкрак сути „юракка туғилдиган хавфнинг олдини олади“), 1 март, 2004; <http://news.bbc.co.uk/2/hi/health/3523143.stm>
103. „Breast milk helps reduce obesity“ (Кўкрак сути ўта семириб кетишни камайтиради), 2 май, 2004; <http://news.bbc.co.uk/2/hi/health/3673149.stm>
104. *Юқоридаги манбадан*.
105. Тим Уитмайр, „IQ Gain from Breastfeeding“ (Кўкрак сути билан эмизишдан эришилган АРК); <http://abcnews.go.com/sections/living/DailyNews/breastfeeding990923.html>
106. „Breakthrough in Cancer Research“ (Саратон касаллиги тадқиқотида муҳим кашфиёт); www.medicvalley.com/news/Article.asp?NewsID=635
107. Питер Радицки, „Human Breast Milk Kills Cancer Cells“ (Инсон кўкрак сути саратон хужайраларини ўлдирди), *Discover 20*, сон 06, июнь 1999.
108. Рекс Д. Расселл, „Design in Infant Nutrition“ (Бола озиқланишидаги гўзаллик); www.icr.org/pubs/imp/imp-259.htm
109. „What is a fingerprint?“ (Бармоқ изи нима ўзи?); www.ridgesandfurrows.homestead.com/fingerprint.html
110. *Hayvanlar Ansiklopedisi-Bocekler* (Ҳайвонлар энциклопедияси — ҳашаротлар), (Истанбул: С.В.Р.С. Publishing Ltd./Phoesbus Publishing Company: 1979), 97.
111. Кази, *130 Evident Miracles in the Qur'an* (Қуръоннинг 130 яққол мўъжизаси), 68–69.
112. „Honey A Source of Antioxidants“ (Асал — антиоксидловчилар манбаи), *Journal of Apicultural Research*, 1998, 37:221–225, www.nutritionfarm.com/health_news/1998/antioxidants4.htm; Janet Raloff, „The Color of Honey“ (Асалнинг

ранги), www.sciencenews.org/sn_arc98/9_12_98/Bob1.htm.

113. Анжи Кнокс, „Harnessing honey’s healing power“ (Асал боғлаш – соғайтирувчи қувват), 8 июнь, 2004; <http://news.bbc.co.uk/2/hi/health/3787867.stm>

114. „Honey As Medicine-Australia Produces A World’s First!“ (Дорисифат асал – Австралия жаҳонда биринчи ишлаб чиқарувчи!), *San Diego Earth Times*, январь, 2000; www.sdearthtimes.com/et0100/et0100s17.html.

115. „Hurma“ (Хурмо); www.geocities.com/SoHo/Easel/3809/hurma.htm

116. „Date and Health“ (Хурмо ва соғлиқ), www.sgp-dates.com/date.htm

117. „Break Your Fasting On Dates“ (Нонуштани хурмолар билан қилинг); <http://198.65.147.194/English/Science/2000/7/article5.shtml>; Сара Блаффер ва С. Сью Картер, „Mothering and Oxytocin

Hormonal Cocktails for Two“ (Она меҳри ва икки кишилик окситоцин гормонал коктейл); www.people.virginia.edu/~rjh9u/oxytocin.html

118. *The Independent Newspaper*, 9 июнь, 1995.

119. „Date and Health“ (Хурмо ва соғлиқ); www.sgp-dates.com/date.htm

120. „Date Palm“ (Хурмо пальмаси); www.telmedpak.com/agricultures.asp?a=agriculture&b=date_palm

121. *Юқоридаги манбадан.*

122. „Nutrition“ (Озуқа); www.californiafigs.com/nutrition/

123. *Юқоридаги манбадан.*

124. *Юқоридаги манбадан.*

125. Доктор Жоу А. Винсон, „The Functional Food Properties of Figs“ (Анжирнинг функционал овқат хоссалари), *Cereal Foods World*, февраль 1999, 44-том, 2-сон.

126. *Юқоридаги манбадан.*

127. „California Figs“ (Калифорния анжирлари); www.californiafigs.com/industry/page2.html.

128. *Юқоридаги манбадан.*

129. *Bilim ve Teknik* (Фан ва технология), сентябрь, 1998, 86.

130. „Mega EPA 1000mg (EPA/DHA fish oil concentrate)“ (Мега ЭПК (ЭПК/ДХК) балиқ ёғи концентрати); www.ventris.org.uk/health_supplements_biocare_s-e52760.htm

131. „Omega-3 fats and intelligence“ (Омега-3 ёғлари ва ақл); www.homeschoolmath.net/other_topics/fats-intelligence.php

132. Ҳолуб БЖ, „Fish oils and cardiovascular disease“ (Балиқ ёғлари ва юрак-қон томир касаллиги), *СМАЖ 1989*, 141:1063; Коннор ВЭ, „The importance of n-3 fatty acids in health and disease“ (Н-3 ёғ кислоталарининг соғлиқ ва касалликка аҳамияти), *Am J Clin Nutr 2000*; 71 (1 Suppl):

171S-5S; Ангерер П., вон Шаки С., „n-3 Polyunsaturated fatty acids and the cardiovascular system“ (Н-3 политўйинмаган ёғ кислоталари ва юрак-қон томир тизими), *Curr Opin Lipidol 2000*; 11 (1): 57–63.

133. „’Fish’ test for heart attack risk“ (Юрак хуружи хавфига „балиқ“ синови), *BBC News*, 26 июнь, 2004, <http://news.bbc.co.uk/1/hi/health/3837329.stm>

134. „Mother’s fish diet boost to baby“ (Онанинг балиқ билан овқатланиши болани ривожлантиради), *BBC News*, 24 июнь, 2004, <http://news.bbc.co.uk/1/hi/health/3835657.stm>

135. „Omega-3 Fatty Acids“ (Омега-3 ёғ кислоталари); www.umm.edu/altmed/ConsSupplements/

- [Omega3FattyAcidscs.html?cfA3F3B2C5=bmVuNjE4Mzpnbn29keWVhcl9lbWVhX2ludGVybmV0Ok9S3oVvl4611fxb71Iaai4=](#)
136. *Archives of General Psychiatry* (Умумий психиатриядан архивлар), октябрь, 2002; 59: 913–919.
137. „Arthritis & Other Inflammatory Disorders“ (Артрит ва бошқа яллиғланувчи касалликлар); www.omega-3info.com/arthritis.htm
138. *Scientific Encyclopedia* (Илмий энциклопедия), 207.
139. *European Journal of Clinical Nutrition* (Европа клиник озиқланиш журнали), апрель 2002, 56: 114–120.
140. *Archives of Internal Medicine 1998* (1998 йилги ички тиббиёт архивлари); 158: 1181–1187.
141. Кейз А., Менотти А., Карионен МЖ, „The diet and 15-year death rate in the Seven Countries Study“ (Парҳез ва етти мамлакатда 15 йиллик ўлим фоизи тадқиқоти), *Am J Epidemiol* 124: 903–915 (1986); Уиллетт ВС, „Diet and coronary heart disease“ (Парҳез ва коронарит юрак хасталиги), *Monographs in Epidemiology and Biostatistics* 15: 341–379 (1990); Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти, „Diet, nutrition, and the prevention of chronic diseases“ (Парҳез, озуқа ва сурункали касалликнинг олдини олиш), ЖССТ Тадқиқот Гуруҳи ҳисоботи, *WHO Technical Report Series* 797, Женева 1990.
142. „The importance of the ratio of omega-6/omega-3 essential fatty acids“ (Омега 6/омега-3 муҳим ёғ кислоталарининг аҳамиятлилик даражаси); www.ncbi.nlm.nih.gov/entrez/query.fcgi?cmd=Retrieve&db=PubMed&list_uids=12442909&dopt=Abstract
143. *Journal of the American Heart Association* (Америка Юрак Саломатлиги ассоциацияси журнали), сентябрь, 1999.
144. *Archives of Internal Medicine 1998* (1998 йилги ички тиббиёт архивлари); 158: 41–45.
145. *American Journal of Clinical Nutrition 1999* (Америка клиник озиқланиш журнали – 1999); 70: 1077–1082.
146. *Юқоридаги манбадан.*
147. Диане Х. Моррис, ф.ф.д., „Importance of Omega-3 Fatty Acids for Adults and Infants“ (Омега-3 ёғ кислоталарининг катталар ва гўдаклар учун аҳамияти), *A Health and Nutrition Primer*, 28–34.
148. Доктор Жозеф Меркола, „Infant Formula Fortification Protocol“ (Гўдак сунъий овқатини мустаҳкамлаш бўйича баённома); www.mercola.com/2000/oct/22/infant_formula.htm
149. Муаммер Каяҳан, „Saglikli Yasam ve Zeytinyagi“ (Соғлом ҳаёт ва зайтун мойи), *Bilim Teknik*, апрель 1995, 48.
150. *Юқоридаги манбадан.*
151. *Юқоридаги манбадан.*
152. *The Olive Tree World* (Зайтун дарахтлари дунёси); www.olivetree.eat-online.net/framehealth.htm
153. Проф. Феҳми Тунсел, *Bilim Teknik* (Фан ва технология), январь, 1993.
154. Барбара А. Брехм, „Your Health and Fitness“ (Сизнинг соғлигингиз ва тетиклик), *Fitness Management Magazine*, 1990.
155. Каслиин Муллен, *Some Benefits of Exercise* (Машқ қилишнинг фойдалари), (Medical Times C. Brown Publishers: 1986).

156. Эдуард О. Уильсон, *Sociobiology: The New Synthesis* (Социобиология: янги синтез), (Англия: The Belknap Press of Harvard University Press: 1975), 123.
157. Расселл Фридман, *How Animals Defend Their Young* (Ҳайвонлар ўз болаларини қандай ҳимоя қилади), (АҚШ: Penguin USA: 1978), 69.
158. *Юқоридаги манбадан*, 66–67.
159. Фредерик Праттер, „Stories from the Field Offer Clues on Physics and Nature“ (Физика ва табиат бўйича соҳавий жавоб саҳифалари), *Christian Science Monitor*, www.biomimicry.org/reviews_text.html
160. „Biomimicry“ (Биомимикрия); www.bfi.org/Trintab/spring01/biomimicry.htm
161. Мишелл Нижхуис, *High Country News*, 6 июль, 1998, 30-том, 13-сон, www.biomimicry.org/reviews_text.html
162. „Biomimicry Explained: A Conversation with Janine Benyus“ (Биомимикрия тушунтирилади: Жанин Бениус билан суҳбат), www.biomimicry.org/faq.html
163. *Bilim ve Teknik* (Фан ва технология), август, 1994, 43.
164. Филип Болл, „Life’s lessons in design“ (Дизайнда ҳаёт сабоқлари), *Табиат* 409 (2001): 413–16; www.nature.com/cgi-taf/DynaPage.taf?file=/nature/journal/v409/n6818/full/409413a0_fs.html&filetype=&_UserReference=C0A804EF465069D8A41132467E093F0EDE99.
165. „Biomimicry: Secrets Hiding in Plain Sight“ (Биомимикрия: очиқ манзарада яширинган сирлар), *NBL (New Bottom Line)* 6, 22-сон, 17 ноябрь, 1997; www.natlogic.com/resources/nbl/v06/n22.html
166. Жанин М. Бениус, *Biomimicry: Innovation Inspired by Nature* (Биомимикрия: табиатдан илҳом-ланиб яратилган янгилıklar), (Нью-Йорк: William Morrow and Company, Inc.: 51998); www.biomimicry.org/reviews_text.html
167. Эд Ҳант, „Biomimicry: Genius that Surrounds Us“ (Биомимикрия: бизни ўраб турган буюк донолик), *Tidepool*, www.biomimicry.org/reviews_text.html
168. Робин Эснер, „Biomimetics: Creating Materials from Nature’s Blueprints“ (Биомиметика: табиат моделларидан материаллар яратиш), *The Scientist*, 8 июль, 1991; www.the-scientist.com/yr1991/july/research_910708.html
169. Жим Роббинс, „Engineers Ask Nature for Design Advice“ (Муҳандислар дизайн учун табиатдан маслаҳат сўрайдилар), *New York Times*, 11 декабрь, 2001.
170. „The Reach of the Desert Locust“ (Сахро чигирткаси босиб ўтадиган масофа); <http://earthobservatory.nasa.gov/Study/Locusts/locusts2.html>
171. Тез-тез сўраб туриладиган саволлар, сахро чигирткаси ҳақида маълумот бериш хизмати; www.fao.org/NEWS/GLOBAL/LOCUSTS/LOCFAQ.htm#q5
172. *National Geographic* 165, 6-сон, 777.
173. Берг Ҳаллдоблер ва Эдуард О. Уильсон, *The Ants* (Чумолилар), (Кэмбриж: Harvard University Press: 1990), 227.
174. *Юқоридаги манбадан*, 244.
175. *Bilim ve Teknik* (Фан ва технология), 234-сон, май, 1987, 17.

176. Кази, *130 Evident Miracles in the Qur'an* (Куръоннинг 130 яққол мўъжизаси), 108.
177. *Юқоридаги манбадан.*
178. Босим жароҳатларини даволаш (Соғлиқни сақлаш сиёсати ва тадқиқоти агентлиги: 1994).
179. Кеннет Дейвис, ЖР., „The Acute Effects of Body Position Strategies and Respiratory Therapy in Paralyzed Patients with Acute Lung Injury“ (Гавдани тутиш стратегиясининг ўткир таъсирлари ва ўпка шикасти билан оғрийдиган фалаж беморларда нафас олиш йўллари муолажаси), *Critical Care* 5 (2001): 81–87; www.biomedcentral.com/1364-8535/5/81/abstract
180. „Melatoning the Growth Hormone“ (Ўстирувчи гормонни мелатонлаш), *Health Journal*; www.bodyandfitness.com/Beauty/Anti-Aging/melatonin1.htm
181. „Melatonin“ (Мелатонин), www.stenlake.com.au/ShowDocument.asp?DocumentId=53
182. Доктор Уильям Х. Филпотт ва м.ф.д. Шарон Таплин, „Therapeutic Sleep“ (Терапевтик уйқу); www.magneticjewelryoriginals.com/thersleep.html
183. Маршалл Брейн, „How Sleep Works“ (Уйқу қандай амал қилади), <http://fitness.howstuffworks.com/sleep.htm?printable=1>
184. „Light, Temperature and Humidity“ (Ёруғлик, Температура ва Намлик), Техас қишлоқ хўжалигини кенгайтириш хизмати, Техас А ва М университет тизими коллеж станцияси, Техас; <http://aggie-horticulture.tamu.edu/greenhouse/nursery/guides/ornamentals/light.html>
185. „Night-time on Venus“ (Венерада тунги вақт), 18 январь, 2001; <http://beta.physicsweb.org/article/news/5/1/10>
186. *Medical Encyclopedia* (Тиббий энциклопедия), Гамилтондаги Роберт Вуд Жонсон университети шифохонаси; www.rwjhamilton.org/Atoz/Encyclopedia/article/000133.asp
187. „Heraclius“, (Иракий) *Wikipedia*; <http://en.wikipedia.org/wiki/Heraclius>
188. Уоррен Тредгоулд, *A History of the Byzantine State and Society* (Византия давлати ва жамияти тарихи) (Palo Alto, CA: Stanford University Press: 1997), 287–99.
189. *Юқоридаги манбадан.*
190. „Heraclius 610–641“ (Иракий); <http://fstav.freesevers.com/emperors/heraclius.html>
191. Тредгоулд, *A History* (Тарих), 287–99.
192. „Mediterranean Sea From Yarmuk to Poitiers“ (Ярмукдан ва Пойтиергача Ўртаер денгизи); <http://web.genie.it/utenti/i/inanna/livello2-i/mediterraneo-1-i.htm>; Майкл МакНейл, „Crusades IV – The Byzantine Crusades“ (Салб юришлари IV – Византия Салб юришлари); http://impearls.blogspot.com/2003_12_07_impearls_archive.html; and „Heraclius“ (Иракий) <http://en.wikipedia.org/wiki/Heraclius>
193. „The Lowest Part on the Face of the Earth“ (Ер юзасининг энг паст қисми), www.beconvinced.com/science/QURANLOWEST.htm.
194. Бернард Рейч, ф.ф.д., „Dead Sea“ (Ўлик денгиз), *World Book Encyclopedia*, 2003, Жорж Вашингтон университети.

195. „Archaeology“ (Археология); www.angelfire.com/az/miracles/Archaeology.html
196. Имом ал-Таборий, *Taberi Tefsiri* (Таборий тафсири), (Истанбул: Umit Yayincilik), 5:2276.
197. Анил Анантасвами, „Teleporting larger objects becomes real possibility“ (Каттароқ жисмларнинг телепортацияси ҳақиқатга айланади) *New Scientist*, 6 февраль, 2002.
198. Доктор Дэйвид Уайтхаус, *BBC News Online*, 17 июнь, 2002.
199. „Atom Experiment Brings Teleportation a Step Closer“ (Атом тажрибаси телепортациянинг бир қадам яқинлашишига олиб келади), *Reuters*, 26 сентябрь, 2001; www.space.com/business/technology/quantum_teleportation_010926.html
200. Жеймс Шульц, „Teleporting, the Quantum Way“ (Телепортация қилиш, Квантча усул), *Space News*, 12 октябрь, 2000.
201. Элис Ҳанкок, „A Primer on Smell“ (Ҳид алифбоси) *Johns Hopkins Magazine*, сентябрь, 1996.
202. Миа Шмидескамп, „Plenty To Sniff At“ *Scientific American*, март, 2001, www.sciam.com/2001/0301issue/0301techbus1.html
203. „Electronic Nose“ (Электрон бурун), 6 октябрь, 2004, http://science.nasa.gov/headlines/y2004/06oct_enose.htm?list1037616
204. „Climate Change Adding Stress to Scarce Water Resources“ (Иқлим ўзгариши сув манбалари танқислигини кучайтирмақда) *DevNews Media Center*, 5 июнь, 2003; <http://web.worldbank.org/WBSITE/EXTERNAL/NEWS/0,,contentMDK:20114416~menuPK:34457~pagePK:34370~piPK:34424~theSitePK:4607,00.html>
205. «Water-The Essence of Life» (Сув — ҳаётнинг моҳияти), *DevNews Media Center*, 17 май, 2002; <http://web.worldbank.org/WBSITE/EXTERNAL/NEWS/0,,contentMDK:20044610~menuPK:34459~pagePK:64003015~piPK:64003012~theSitePK:4607,00.html>
206. „Solutions for a Water-Short World“ (Сув тақчил бўлган дунё учун ечимлар), www.inforforhealth.org/pr/m14edsum.shtml
207. „Water-Scarce Countries“ (Сув танқис бўлган мамлакатлар) excerpted from *Sustaining Water: Population and the Future of Renewable Water Supplies*; www.cnie.org/pop/pai/water-14.html
208. „Creation of an International Groundwater Resources Assessment Centre (INGRACE)—an information note“ (Халқаро ер ости сув манбаларини аниқлаш марказининг яратилиши — маълумот қайди), *IAH (International Association of Hydrogeologists) News and Information Online*; www.iah.org/articles/mar2000/art002.htm
209. „Groundwater“ (Ер ости суви), <http://ap.world.water-forum3.com/themeWwf/en/themeShow.do?id=36>
210. „The Importance of Groundwater“ (Ер ости сувининг аҳамияти); <http://pasture.ecn.purdue.edu/~agenhtml/agen521/epadir/grndwtr/importance.html>
211. Жон С. Бей, „Design of the “Army Ant” Cooperative Lifting Robot“ („Чумоли армияси“ ҳамкорликда кўтарувчи робот лойиҳаси); http://armyant.ee.vt.edu/paper/robo_mag.html

212. Израил А. Вагнер, „My Travels With my A(u)nts: Distributed Ant Robotics“ (Чумолиларим билан бўлган саёхатларим: Чумоли роботларини тарқатдим); www.cs.technion.ac.il/~wagner/pub/thesis_abs_eng.html
213. „Energy and Matter“ (Энергия ва материя), *Fundamentals of Physical Geography*; www.physicalgeography.net/fundamentals/6a.html
214. Уольтер Вресжински, *Aegyptische Inschriften aus dem K.K. Hof Museum in Wien* (Венадаги Ҳоф музейидан Миср ёзувлари), (Липзик: J C Hinrichs'sche Buchhandlung: 1906).
215. Германн Ранк, *Die Ägyptischen Personennamen, Verzeichnis der Namen* (Мисрлик оилаларнинг исмлари, Исмлар рўйхати), Verlag Von J J Augustin in Glückstadt, Band I, 1935, Band II, 1952.
216. Британия музейи, Миср папируси № 6.
217. Галина Столярова, „City Scientists Say Red-Sea Miracle Can Be Explained“ (Шаҳар олимлари айтадиларки, Қизил денгиз мўъжизасини тушунтириб бериш мумкин), *The St. Petersburg Times*, 20 январь, 2004; www.sptimes.ru/archive/times/936/top/t_11445.htm; Галина Столярова, „Mathematicians Dissect a Miracle“ (Математиклар мўъжизани таҳлил қилдилар) *The Moscow Times*, 21 январь, 2004; www.themoscowtimes.com/stories/2004/01/21/003.html
218. *Юқоридаги манбадан..*
219. „The Plagues of Egypt“ (Миср ўлаги), Admonitions of Ipuwer 2:5-6 (Ипувернинг насиҳатлари 2:5–6); www.mystae.com/restricted/streams/thera/plagues.html
220. Admonitions of Ipuwer 2:10 (Ипувернинг насиҳатлари 2:10); www.mystae.com/restricted/streams/thera/plagues.html
221. Admonitions of Ipuwer 5:12 (Ипувернинг насиҳатлари 5:12; www.geocities.com/regkeith/linkipower.htm
222. Admonitions of Ipuwer 10:3-6 (Ипувернинг насиҳатлари 10:3–6); www.geocities.com/regkeith/linkipower.htm
223. Admonitions of Ipuwer 6:3 (Ипувернинг насиҳатлари 6:3); www.students.itu.edu.tr/~kusak/ipuwer.htm
224. Admonitions of Ipuwer (Ипувернинг насиҳатлари); www.mystae.com/restricted/streams/thera/plagues.html
225. Admonitions of Ipuwer 2:10 (Ипувернинг насиҳатлари 2:10); www.geocities.com/regkeith/linkipower.htm
226. Admonitions of Ipuwer 3:10-13 (Ипувернинг насиҳатлари 3:10–13); www.geocities.com/regkeith/linkipower.htm
227. Admonitions of Ipuwer 2:11 (Ипувернинг насиҳатлари 2:11); www.geocities.com/regkeith/linkipower.htm
228. Admonitions of Ipuwer 7:4 (Ипувернинг насиҳатлари 7:4); www.geocities.com/regkeith/linkipower.htm
229. Рабби Мордечай Бечер, „The Ten Plagues – Live From Egypt“ (Ўн ўлат – тўғридан-тўғри Мисрдан), Ohr Somayach Institutions; www.ohr.org.il/special/pesach/ipuwer.htm
230. Элиас Карим, „Qur’anic Accuracy vs. Biblical Error: The

- Kings & Pharaohs of Egypt“ (Библиядаги хатолар ва Қуръондаги аниқликлар: Миср Қироллари ва Фиръавнлари); www.islamic-awareness.org/Quran/Contrad/External/josephdetail.html; Dr. Abu Ameenah Bilal Philips, „An Aspect of the Qur’aan’s Miraculous Nature“; www.islaam.com/Article.asp?id=40
231. Вернер Келлер, *Und die Bibel hat doch recht* (Библия тарих сифатида; Китоблар китобининг тасдиғи), (Нью-Йорк: William Morrow: 1964), 25–29.
232. Макс Маллоуен, *Noah’s Flood Reconsidered* (Нух тўфони қайта кўриб чиқилди) (Ироқ: XXVI-2: 1964), 70.
233. Келлер, *Und die Bibel hat doch recht*, 23–32.
234. „Kish“ (Киш), *Britannica Micropaedia* 6, 893.
235. „Shuruppak“ (Шуруппак), *Britannica Micropaedia* 10, 772.
236. Макс Маллоуен, *Early Dynastic Period in Mesopotamia*, *Cambridge Ancient History* 1-2, (Месопатамияда илк сулола даври, Кэмбриж қадимий дунё тарихи 1–2) (Кэмбриж: 1971), 238.
237. Жозеф Кэмпбелл, *Eastern Mythology* (Шарқона афсоналар), 129.
238. *Bilim ve Utopya* (Фан ва Утопия журнали), июль, 1996, 176. Footnote, 19.
239. Томас Х. Мау II, „Ubar, Fabled Lost City, Found by LA Team“ (Убар, афсонавий йўқолиб кетган шаҳар, археологлар гуруҳи томонидан топилди) *The Los Angeles Times*, 5 февраль, 1992.
240. Камал Салиби, *A History of Arabia* (Арабистон тарихи) (Caravan Books: 1980).
241. Бертрам Томас, *Arabia Felix: Across the «Empty Quarter» of Arabia* (*Arabia Felix*: Арабистоннинг „бўм-бўш чорағи“ бўйлаб), (Нью-Йорк: Schrieber”s Sons: 1932), 161.
242. Чарлин Крабб, „Frankincense“, *Discover*, январь, 1993.
243. Келлер, *Und die Bibel hat doch recht*, 75–76.
244. „Le Monde de la Bible“ (Библия дунёси), *Archeologie et Histoire*, июль-август, 1993.
245. Г. Эрнест Райт, „Bringing Old Testament Times to Life“ (Таврот даврини ҳаётга қайтариб), *National Geographic* 112, декабрь, 1957, 883.
246. Хоммел, *Explorations in Bible Lands* (Библия ерларидаги тадқиқотлар) (Филадельфия: 1903), 739.
247. „Marib“ (Маъриб), *Islam Ansiklopedisi: Islam Alemleri, Tarihi, Coğrafya, Etnografya ve Bibliyografya Lugati* (Ислом энциклопедияси: ислом олами, тарихи, географияси, этнографияси ва библиографияси луғати) 7, 323–339.
248. Маудуди, *Tafhimul Qur’an* 4, *Insan Yayinlari* (Истанбул), 517.
249. Келлер, *Und die Bibel hat doch recht*, 230.
250. „Hicr“ (Ҳижр), *Islam Ansiklopedisi: Islam Alemleri, Tarihi, Coğrafya, Etnografya ve Bibliyografya Lugati* (Ислом энциклопедияси: ислом олами, тарихи, географияси, этнографияси ва библиографияси луғати) Vol. 5/1, 475.
251. Филип Хитти, *A History of the Arabs* (Араблар тарихи) (Лондон: Macmillan: 1970), 37.
252. „Scientific Miracles“ (Илмий мўъжизалар); <http://monak2.tripod.com/Peaceonline/id1.html>

253. Исмаил Якит, *Turk-Islam Kulturunde Ebcad Hesabi ve Tarih Dusurme* (Турк-Ислам маданиятида абжад ҳисоби ва тарихни чиқариб олиш), 36.
254. *Юқоридаги манбадан*, 56.
255. „The Celtic Wheel of the Year Calendar“ (Йил тақвимининг кельт ғилдирағи) www.iol.ie/~plugin/stonecal.htm
256. Роберт Немироф, Жерри Боннелл, „Astronomy Picture of the Day Index - Solar System: Comets: Halley“ (Кун кўрсаткичи — Куёш системасининг астрономик тасвири: кометалар: Галлей), <http://antwpr.gsfc.nasa.gov/apod/halley.html>
257. Ф. Ф. Арбутнот, *The Construction of the Bible and the Koran* (Библия ва Қуръоннинг тузилиши) (Лондон: 1985), 5.
258. Доктор Адель М. А. Аббас, Анн П. Фретвелл, *Science Miracles, No Sticks or Snakes* (Фан мўъжизалари, на ҳасса ва на илонлар бор) (Белтсвилл, Мэриленд, АҚШ: Amana Publications: 2000), 13.
259. Ҳ. А. Р. Гибб, *Islam-A Historical Survey* (Ислам — тарихий изланиш) (Oxford University Press: 1980), 28.
260. Ҳ. А. Р. Гибб, *Arabic Literature-An Introduction* (Араб адабиёти — Кириш) (Oxford at Clarendon Press: 1963), 36.
261. *Юқоридаги манбадан*, 37.
262. Поль Касанова, „L’Enseignement de l’Arabe au College de France“ (Франция коллежида араб тили таълими), *Lecon d’overture*, 26 апрель, 1909.
263. Ҳарри Гейлорд Дорман, *Towards Understanding Islam* (Исламни англамоқ сари) (Нью-Йорк: 1948), 3.
264. Эдуард Монтет, *Traduction Francaise du Coran* (Қуръоннинг французча таржимаси), Кириш (Париж: 1929), 53.
265. Жон Наиш, М. А. (Оксон), Д. Д., *The Wisdom of the Qur’an* (Қуръоннинг ҳикматлари) (Оксфорд: 1937), сўзбоши 8.
266. Жорж Сейл, *The Koran: The Preliminary Discourse* (Қуръон: Дастлабки ваъз) (Лондон ва Нью-Йорк: 1891), 47–48.
267. Ҳазрат Р. Босворт Смит, *Mohammed and Mohammadanism* (Муҳаммад Пайғамбар ва Муҳаммадчилик), www.ndirect.co.uk/~n.today/disc160.htm
268. Альфред Гуиллаум, *Islam* (Исламият) (Penguin Books: 1990 [қайта нашри]), 73–74.
269. Лаури Векция Ваглери, *Apologie de l’Islamisme*, 57–59.
270. Жон Уильям Дрейпер, *A History of the Intellectual Development of Europe* (Европада интеллектуал тараққиёт тарихи) (Лондон: 1875), 343–344.
271. Ҳазрат Ж. М. Родвелл, Қуръон (Лондон: 1918), 15.
272. Т. П. Ҳюгнинг *Dictionary of Islam* (Исламият луғати) номли китобидан жой олган Доктор Стейнгаснинг сўзи, 528.
273. Артур Ж. Арберри, *The Koran Interpreted* (Қуръон тафсири) (Лондон: Oxford University Press: 1964), 10.
274. Морис Букэлл, *The Qur’an and Modern Science* (Қуръон ва замонавий фан), 1981, 18.
275. Эдуард Монтет, Париж, 1890; Quoted by T. W. Arnold in *The Preaching of Islam* (Исламнинг хутбаси) (Лондон: 1913), 413–414.

276. Ҳазрат Р. Босворт Смит, *Mohammed and Mohammdanism* (Муҳаммад Пайғамбар ва Муҳаммадчилик), (Лондон: 1874).
277. Жеймс Миченер „Islam: The Misunderstood Religion“ (Исломият: Янглиш англашилган дин), *Reader's Digest*, май 1955, 68–70.
278. Lectures on „The Ideals of Islam“ (Исломиятнинг олий мақсадлари), *Speeches and Writings of Sarojini Naidu* (Сарожини Наидуниги нутқлари ва ёзувлари мавзусидаги лекциядан) (Мадрас: 1918), 167.
279. Ҳартвиг Хирчфелд, ф.ф.д., *New Researches into the Composition and Exegesis of the Qur'an* (Қуръоннинг тузилиши ва тафсири юзасидан янги тадқиқотлар), (Лондон: 1902), 9.
280. Г. Марголиут, Ҳазрат Ж. М. Родвеллинг *Қуръон* китобига сўз бошидан) (Нью-Йорк: Everyman's Library: 1977), 7
281. Т. П. Хюг муаллифлигидаги *Dictionary of Islam* (Исломият луғати) номли китобдан жой олган Гётенинг сўзи, 526.
282. *This is the Truth* (Бу ҳақиқат) номли видеотасмадан; www.islam-guide.com/ch1-1-h.htm
283. *Юқоридаги манбадан.*
284. *Юқоридаги манбадан.*
285. *Юқоридаги манбадан.*
286. Video tape entitled *This is the Truth* (Бу ҳақиқат) номли видеотасмадан; www.islamic-awareness.org/Quran/Science/scientists.html
287. *Юқоридаги манбадан.*
288. *Юқоридаги манбадан.*
289. *Юқоридаги манбадан.*
290. *Юқоридаги манбадан.*
291. *Юқоридаги манбадан.*
292. *Юқоридаги манбадан.*
293. *Юқоридаги манбадан.*
294. [http://islamweb.net/english/new/week15/\(10\)THELEADERSOFMODERN.htm](http://islamweb.net/english/new/week15/(10)THELEADERSOFMODERN.htm)
295. *Юқоридаги манбадан.*
296. *Юқоридаги манбадан.*
297. *Юқоридаги манбадан.*
298. „What they say about Islaam, the Qur'an and Muhammad“ (Уларнинг Илом ҳақида билдирган фикрлари: Қуръон ва Муҳаммад); www.al-sunnah.com/call_to_islam/articles/what_they_say_about_islaam.html
299. В. Монтгомери Уотт, *Islam and Christianity Today* (Бугунги кунда Илом ва насронийлик), (Лондон: 1983), 9.
300. „What they say about Islaam, the Qur'aan and Muhammad“ (Уларнинг Илом ҳақида билдирган фикрлари: Қуръон ва Муҳаммад); www.al-sunnah.com/call_to_islam/articles/what_they_say_about_islaam.html
301. *Юқоридаги манбадан.*
302. Жон Эспозито, Жакелин Блэснинг „People Want to Know, So Koran is Best Seller“ (Одамлар билишни истайди, демак, Қуръон жуда машҳур китоб) китобида келтирилган парча, *USA Today*, 27 ноябрь, 2001.
303. Наполеон Бонапарт, Кристиан Черфилснинг *Bonaparte et Islam* (Бонапарт ва Илом) китобида келтирилган парча, (Париж, Франция: 1914), 125.
304. Сидней Фокс, Клаус Доуз, *Molecular Evolution and The Origin of Life* (Молекуляр эволюция ва ҳаётнинг пайдо бўлиши), W.H. Freeman and Company, Сан Франциско, 1972, 4.
305. Александр И. Опарин, *Origin of Life* (Ҳаётнинг пайдо бўлиши), Dover Publications, Нью-Йорк, 1936, 1953 (қайта нашри), 196.

306. „New Evidence on Evolution of Early Atmosphere and Life“ (Ер атмосфераси ва ҳаётнинг эволюцияси хусусида янги далиллар), *Bulletin of the American Meteorological Society*, 63-жилд, ноябрь, 1982, 1328–1330.
307. Стенли Миллер, *Molecular Evolution of Life: Current Status of the Prebiotic Synthesis of Small Molecules* (Ҳаётнинг молекуляр эволюцияси: кичик молекулаларнинг биология-гача бўлган синтезининг ҳозирги ҳолати), 1986, 7.
308. Жеффри Бада, *Earth* (Ер), февраль 1998, 40.
309. Лесли Э. Оргел, «The Origin of Life on Earth» (Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши), *Scientific American*, 271-жилд, октябрь, 1994, 78.
310. Чарлз Дарвин, *The Origin of Species by Means of Natural Selection, The Modern Library* (Табиий танланиш воситасида турларнинг келиб чиқиши, замонавий кутубхона), Нью-Йорк, 127.
311. Чарлз Дарвин, *The Origin of Species: A Facsimile of the First Edition* (Турларнинг келиб чиқиши: биринчи нашр факсимиле), Harvard University Press, 1964, 184.
312. Б. Г. Ранганасан, *Origins?* (Келиб чиқишлар?), Пенсильвания: The Banner of Truth Trust, 1988, 7.
313. Чарлз Дарвин, *The Origin of Species: A Facsimile of the First Edition* (Турларнинг келиб чиқиши: биринчи нашр факсимиле), Harvard University Press, 1964, 179.
314. Дерек А. Ажер, „The Nature of the Fossil Record“ (Қазилма ҳайвон қолдиқлари табиати), *Proceedings of the British Geological Association*, 87-жилд, 1976, 133.
315. Дуглас Ж. Футуйма, *Science on Trial* (Синовдаги фан), Pantheon Books, Нью-Йорк, 1983. 197.
316. Солли Зукерман, *Beyond The Ivory Tower* (Фил суяги минорасидан ташқарида), Toplinger Publications, Нью-Йорк, 1970, 75–14; Чарлз Э. Окснорд, „The Place of Australopithecines in Human Evolution: Grounds for Doubt“ (Инсон эволюциясида Australopithecines нинг ўрни: шубҳага асослар), *Nature*, 258-жилд, 389.
317. „Could science be brought to an end by scientists’ belief that they have final answers or by society’s reluctance to pay the bills?“ *Scientific American*, декабрь 1992, 20.
318. Алан Уолкер, *Science*, 207-жилд, 7 март 1980, 1103; А. J. Kelso, *Physical Anthropology* (Табиий антропология), 1-нашр, J.V. Lippincott Co., Нью-Йорк, 1970, 221; М. Д. Ликей, *Olduvai Gorge*, 3-жилд, Cambridge University Press, Кэмбриж, 1971, 272.
319. Жеффри Клугер, „Not So Extinct After All: The Primitive Homo Erectus May Have Survived Long Enough To Coexist With Modern Humans“ (Бутунлай йўқолиб кетгани йўқ: Ибтидоий Homo Erectus Замонавий инсонлар билан бир вақтда яшаш учун узоқ вақтлардан буён жон сақлаб келган), *Time*, 23 декабрь, 1996.
320. С. Ж. Гоулд, *Natural History* (Табиий тарих), 85-жилд, 1976, 30.
321. Солли Зукерман, *Beyond The Ivory Tower* (Фил суяги минорасидан ташқарида), 19.
322. Ричард Левонтин, „The Demon-Haunted World“ (Арвоҳ оралаган дунё), *The New York Review of Books*, 9 январь, 1997, 28.
323. Малкольм Маггеридж, *The End of Christendom* (Насроний дунёсининг якуни), Grand Rapids: Eerdmans, 1980, 43.

Ҳорун Яҳё

Аллоҳнинг Қуръондаги мўъжизалари

Ўзбек тилида

Кенг китобхонлар оммаси учун

*„O‘qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2006*

Инглизчадан Лутфулло Жўраев таржимаси

Масъул муҳаррирлар:

Шайх Абдулазиз Мансур — Тошкент Ислам университети проректори,
М. Махмудов — Халқаро Аҳмад Яссавий мукофоти совриндори,
фалсафа фанлари номзоди, М. Улуғбек номидаги ЎзМУ
фалсафа факультети доценти,
А. Ҳамраев — Тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Муҳаррирлар: *С. Мирзахўжаев, С. Хўжахмедов, М. Пулатов*
Бадий муҳаррир *Ш. Мирфаёзов*
Техник муҳаррир *Т. Грешикова*
Мусахҳиҳлар: *М. Иброҳимова, З. Содиқова*
Компьютерда саҳифаловчилар: *Н. Аҳмедова, К. Ҳамидуллаева*

IB 8759

Оригинал-макетдан босишга рухсат этилди 00.00. 2006. Бичими 84x100¹/₁₆. Кегли 12,
11 шпонли. Times гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.
Босма т..... . Шартли б.т. Нашр б.т..... нусхада босилди. Буюртма

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг „Ўқитувчи“ нашриёт-матбаа
ижодий уйи. Тошкент — 129, Навоий кўчаси, 30-уй. // Тошкент, Юнусобод даҳаси,
Муродов кўчаси, 1-уй. Шартнома 07—46—06.

86.38

Ҳ66

Ҳорун Яҳё

Аллоҳнинг Қуръондаги мўъжизалари / Ҳорун Яҳё,
Масъул муҳаррирлар: А. Мансур, М. Махмудов;
Инглизчадан Л. Жўраев тарж. — Т.: „O‘qituvchi“ НМИУ,
2006. — 416 б.

ВВК 86.38